



Шарқ Юлдузи

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ
АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОЙНОМАСИ

*4 '1991

60-йил чиқиши

Бош муҳаррир:

Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Неъмат АМИНОВ

Саид АҲМАД

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

Омон МУХТОРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Мурод МУҲАММАД ДЎСТ

Умарали НОРМАТОВ

Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА

Муҳаммад СОЛИҲ

Хайриддин СУЛТОНОВ

Зоя ТУМАНОВА

Ўлмае УМАРБЕКОВ

Носир ФОЗИЛОВ

(масъул котиб)

Азиз ҚАЮМОВ

Ҳамид ҒУЛОМ

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ

Мундарижа

НАВОИЙХОНЛИК

Омон Мухторов. Навоий йили	3
Мухаммадjon Имомназаров. Ҳақиқат ва мажоз	159

НАСР

Аҳмад Турсун. Гулшан. Қисса	5
Мирмуҳсин. Илон ўчи. Роман	45
Фарҳод Мусаҷонов. Қилич ва соз. Қисса	96

ШЕЪРИЯТ

Абдулла Шер. Хоккулар	38
Яҳё Тоға. Ибодат этганинг надур?	41
Самандар Воҳидов. Эринчак нур сизар уфқдан	43
Мақсуд Бекҗон. Ҳамма нарса мангу бу ерда	87
Исмаи Худоёр. Нидо берсам садолар келмас	90
Холдор Вулқон. Еғду — ёнаётган қуёш нарлари	92
Қутлибека Раҳимбоева. Тавба. Драматик достон	120

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР

Уктам Усмонов. Гирдоб. Романнинг иккинчи қисмидан боблар	129
--	-----

МУШОИРА

Талабалар дафтарида	148
-------------------------------	-----

ҚУТЛОВ

«Умр қисқа, қарз эса катта». Шоир Абдулла Орипов билан суҳбат	154
---	-----

ҚУРЪОН	167
------------------	-----

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» — 60

Тахламларни варақлаб	185
Инобат Нормуродова. Онажонимиз	205

ТАРИХНИНГ «ОҚ ДОҒ»ЛАРИ

В. Верешчагин. 1868 йилда Самарқанд. Рассом хотиралари	192
--	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Ориф Ҳожид. Бош қашиб ўқиладиган ғазаллар	207
---	-----

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 4

Журнал Союза писателей Узбекистана

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства


ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1991

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев Рассом Ғ. Алимов Мусаҳҳиҳ Ш. Мусаев

Таҳририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Ойномадан рухсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалқаш босилгани) бўйича ушбу ташиқлотга мурожаат қилинг: Тошкент—П. «Правда» газетаси кўчаси, 41. Узбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000. Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 6.02.91 й. Босишга рухсат этилди 13.03.91 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,25+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 113132. Буюртма 4787. Баҳоси 2 сўм.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденили босмаҳонаси. Тошкент—П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.



Навоий туғил

«Шарқ юлдузи» адабиёт кўзгуларидан бири бўлгани учун ҳам, ўзбек шеърятининг қуёши Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ёритишга ҳамиша жиддий эътибор бериб келган. Навоийнинг ўз асарлари билан бирга, унга бағишланган катта-кичик кўп-лаб асарлар ҳам йиллар давомида ойнама саҳифаларидан жой олган.

Гарчи Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги энди нишонланаётган бўлса-да, «Шарқ юлдузи» ўтган йилнинг дастлабки сонидан сўнггисигача «Навоийхонлик» руқонида таниқли шоир ва олимларнинг даҳо санъаткор ижоди таҳлил этилган қатор суҳбатларини бериб борди. Мана, бу йил ҳам ойнама буюк шоир тасвири, номи ва сўзи билан очилди. Ушбу қутлуғ мавзуга янада кенгроқ ўрин ажратилди. Йил давомида Навоийнинг мас сиймосини маълум даражада акс этириб боришни, ойнама ўзи учун бурч — Собокалонимиз руҳи поки олдидаги авлодларнинг қайтарилаётган оддий қарзи, деб билади...

1991 йил Алишер Навоий йили деб эълон қилингани, ҳеч шубҳасиз, халқимиз ҳаётидаги катта, қувончли воқеадир.

Бу — ахир, маданий ҳаётдаги шунчаки ўткинчи бир нарса эмас!

Ахир, Навоийга қараб, халқнинг бўйи ўлчанади!

Ахир, биз Навоий таваллудини байрам қилмасак, нимани ҳам байрам қиламиз!

Алишер Навоийни ҳозир бундай шарафлаш яна бир жиҳатдан муҳимдир. Бу — ўлкамизда эзгулик томон бурилиш жиддий юз бераётгани белгиси. Тарихга, маданиятга, аجدодларимизга муносабат, ниҳоят, озгина яхшиланаётгани белгиси! Ахир, Навоий номини эркин тилга олиш, у яшаган даврни эслаш таъқиқланган, одамлар қўрқа-писа иш тутган пайтлардан буён ҳали ярим асрдан кўп вақт ўтгани йўқ!

Ҳозир ҳам қийин, мураккаб давр...

Турмуши тўқ-тўкин бўлмаган киши тарихи, маданияти ҳақида бемалол ўйлашга қийналади.

Турмушдан ташқари, ҳаёт дарз кетган ойнага ўхшаб, муносабатлар, қарашлар яхлитлик касб этмаганидан, бугун асаблар анча таранг... Кимдир январь ёки ҳозиргидек апрель кунлари келганида, Ленин ва унинг жанговар сафдошларини эслаб, инқилобни, унга хизмат қилганларни улуғлагиси, ҳамон камар боғлаб, ҳамон инқилоб байроғини кўтарганча кўчага чиққиси келади. Кимдир 74 йил ичида ҳаёт издан сурилиб, топган эмас, йўқотган нарсалар кўплиги, халқ баттар хонавайрон бўлганини дуч келган одамга айтиб, бўғилади. Хуллас, бозор... Дарвоқе, бозор сиёсатига ўтиш ҳам жўн кечмайди.

Ҳали кўп фирқаликка ўтиш дегани нима бўлади-ю, қайси фирқа, масалан, халққа бугунгидан ҳам жиддийроқ қайишади — олдиндан айтолмайсан...

Гап Навоий тўғрисида боряпти.

Бугунги шароитни эслашга сабаб — уруш ва урушдан кейинги йиллар халқ учун ҳозиргидан осон эмасди. Лекин халқ ўзи суйган шоир таваллудининг 500 йиллигини катта тайёргарлик кўриб, муносиб нишонлаган эди!

Бугун ҳам, ҳар қандай қийинчиликка қарамай, уни ҳар қачонгидан муносиброқ нишонлаш шарт!

Бу — ҳар бир кулбада Навоий номи янграб тургани ҳақиқи, бизнинг халқимиз эзгу халқ эканлиги, унинг улуғ фарзандлари, катта тарихи, катта маданияти, демакки, асрлар давомида шаклланиб келган анъаналари борлигини дунёга кўз-кўз қиладиган байрам бўлиши керак!

Албатта, биз бутун йилни Навоий йили деб атаб, катта ишларга уринган, бу санани чинакам халқ байрамига айлантирган тақдирда ҳам, тоғдек юксак, уммонлардек теран

шоир, мутафаккир, арбоб хотираси олдидаги қарзимизнинг мингдан бирини узолмаймиз.

Навоий асарларининг маълум қисми турли тилларга таржима қилинган. Бироқ ҳаттоки яқин — биз анча дуруст билган, рус тилидаги таржималарнинг ўзини ҳам қаноатланарли ҳолда, деб бўлмайди. Туркий тилларни билиш, меҳр, эътибор билан ўгириш мумкин, аммо Навоийни таржима қилиш учун булар кифоя эмас. Навоий — ажиб бир сирли фалсафа, қаватма-қават маъно, бунинг устига, гўзал тил ва гўзал буюрух... Қолаверса:

Эврулай бошинггау беҳушу ҳайронинг бўлай...
Ёки:
Ваҳки, чамандин яна эсди шамол ўзгача...
Ёки:
Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла...
Ёки:
Ўзга юзга боқма, деб бир-бир кўзумга бости муҳр...
Ёки:
Оразингни боғ аро чун кўрди, ҳайрон бўлди гул...—

сингари сатрларни қандай таржима қилиш мумкин? Мен ҳали ҳам энг содда мисоллар келтирдим. Буни таржима қилиш учун таржимон халққа айланиб кетиши ва жуда катта салоҳият эгаси бўлиши керак! Таржимани ўқиб, бошқалар ҳам Навоийни, ҳеч бўлмаганда, сал ҳис этишса...

Навоий нимадан иборат эканлигини яхши билмагандан кейин, дунёда унинг ижодида берилётган баҳо ҳам шунга яраша. Мамлакат деганимизнинг ўзида ҳали Навоий номини эшитмаган қанча...

Хўп, ўз еримиз, халқимизга қайтайлик.

Дуч келган мактаб эмас, каттароқ билим даргоҳига боринг. Бир гуруҳни йиғиб сўзлашинг. Неча киши Навоийдан неча сатр биларкин? Битта-яримта сатрни ўқиб, маъносини сўрасангиз, ўзингиз хижолат чекиб турганингиз кам, бировни ҳам уялтириб қўясиз!

Бизнинг на адабиётимиз, на санъатимизда ҳозирча Навоийнинг мукамал қиёфаси акс этган! Энг гўзал асарлар қаттиқ исканжа, тор қараш ҳукм сурган даврларда яратилган. Ижодкорлар эрксиз, гўёки қоронғи хонада ўтиргандек, ўтмишга мурожаат қилишга мажбур бўлишган. Алишер Навоий яшаган давр, Навоий шахси алоҳида, чуқур ўрганиладиган гап!

Навоий уйланмагани ҳақидаги бачкана баҳслар ва «ғойиб»дан келган Гулини эсланг! Ҳолбуки, Навоийнинг ўзи «бу гаплар бир пайтлар чиқмасин» мазмунида:

Йигитлик бирла ошиқ-шевалик ўз ихтиёримга...

демаганми? Ёки аёл васли-висолидан узоқ, «сенинг васлинг билан танҳо ўтурман» деб аёл оламидан анча бебаҳра яшаган киши бундай сўзларни айтадими:

Лабларингдин гарчи қон ютмоқ дамо-дамдур манго,
Гар даме жоми висолинг йиқса, не ғамдур манго...

Сўнгги пайтларда олимлар Навоий ижодидаги илоҳий муҳаббат ҳақида кўп ёзишяпти. Бу — тўғри. Лекин Оллоҳ ҳақида:

Кеча келгумдир, дебон ул сарви гулрў келмади...
Ёки:
Бўсае қилмас муғувват, асру қаттиқдур лабинг...
Айниқса:
Кўзингки куфр ила юз динға солди вайронлиғ,
Худой учун тий они — йўқмудур мусулмонлиғ...—


дейилмайди.

Яна бир гап. Бизнинг катта-кичик шаҳарларимиздан ҳар бирининг ўз қиёфаси борми? Бу қиёфада Алишер Навоий сиймоси қанчалик акс этган?

Умуман, бизнинг ҳаётимизда Навоий сиймоси қанчалик акс этиб турибди?!

Мен айтмоқчиманки, Алишер Навоий хотираси олдидаги бизнинг вазифаларимиз бу йилнинг ўзидагина тугаб қўя қолмайди.

Омон Мухторов



Аҳмад Турсун

Тулшан

Қисса

Доиранинг гиж-банги, сурнайнинг йиғлоқи ноласи бутун маҳаллани тутиб кетган. Тўйхона куёвнавкарларнинг ўйинини кўришга тўпланган хотин-халаж, бола-бақра билан гавжум. Елиб-югуриб хизмат қилаётганларнинг оёғи ерга тегмайди, оғзи мулозаматдан бўшамайди: «Келсинлар, келсинлар, қани, ичкарига марҳамат! Ҳай-ҳай, қадамларига ҳасанот», «Ҳой, овқатни опкелмайсиэларми, чой қани, чой?»

Гулшан қўшникида, қизлар учун ёзилган дастурхон қошида хомуш ва паришон ўтирибди. Эртадан бошланадиган келинлик мажбурияти, турмуш деб аталмиш сирли оламнинг мубҳам ва бироз кўрқинчли синаотлари юрагига ғашлик солади. Гоҳида Раҳимни куёвлик либосида тасаввур қилиб, ташвишнок юзига табассум ёйилади. Дугоналари «жа ўлиб турган экан-да», деб хулоса чиқармасликлари учун дарров лаб-лунжини йиғиштиради.

Ишқилиб, Раҳим билан турмуши яхши ўтармикин? Аммо у тасавуридаги йигитларга ўхшамайди шекилли? Гулшан эр деганини келишган, кўркам юзли, ақлли, бақувват йигит сиймосида тасаввур қиларди. Раҳим эса жуда рисоладаги куёвлардан эмасдию ҳарқалай, совчилар келиб ишни битиришгандан кейин ноз-фироққа ўрин қолармиди?! Бўлажак эрини бир неча бор учратиб, узук-юлуқ гаплашишган эса-да, феъл-атворини, кўнглини билолмади. Уртоғи Зулфиянинг айтишича, ўзи ақлли-ҳушли, инсофли, аммо сал бўшангроқ эмиш. «Майли, шуниси тузук, ҳадеб ишингга бурун суқавермайди, тергаб ғашингга тегавермайди, қўлга ўргатилган кўзичоқдек атрофингга айланаверади», деб хаёлидан ўтказди. Ваҳоланки, ортидан югурганларнинг бирортаси шу лапашангга ўхшай олмади, совчи юборолмади.

Тақдир деганлари қизиқ нарса экан! Олам яралгандан буён ҳеч бир жуфт ҳар томонлама бир-бирига мос келмаган чиқар. Бўш-баёв эрга осмонга сапчидиган хотин учрайди. Битта гап минг тавалло билан суғуриб олинадиган камгап йигитга жағи тинмайдиган, тили чарчамайдиган қиз рўпара келади. Аллақайдаги хунук ва бедаво эркаклар онаси ўпишга ҳам қизғанадиган ҳурлиқоларга уйланишади. Баъзи эр-хотинларнинг феъл-атвори мос келса, туриш-турмуши ё қилиғи монандмас. Бошқасининг бўй-бастию ҳусни-жамоли олманинг икки палласидай ўхшаш бўлса, гаплари бир-бирига тўғри келмай қолади. Гўёки тангри ана шундай паст-баланд, узун-қисқа, оқил ва офат жуфтларни бир-бирига учраштириб қўйиб, уларни синаётганга ўхшайди.

Ҳарқалай Гулшан Раҳимнинг ўз тенги ёки тенги эмаслигини яхши тушунолмади. Лекин орзусидаги йигитни кутаверса, бунисидан ҳам қуруқ қолишини англаб етди. Чунки бутун фикру ёди тезроқ бу хонадондан кетиш эди. Угай отанинг пинҳона ўқрайшларидан, онасининг пичингларидан роса тўйган. Агар тўйи ўтса, ҳаётини бутунлай

янгитдан бошлашни ўйлайди, холос. Ушанда юрагининг энг тўридаги орзу-армонларини эшитадиган сирдоши бўлади. Икковлон аҳил ва иноқ яшашади. Гулшан борган жойида елиб-югуриб хизмат қилади, эрининг чизган чизигидан чиқмайди. Айниқса, совчилар Раҳимнинг онасидан бошқа ҳеч кими йўқлигини айтишганда Гулшан суюнганидан кўзларини юмган кўйи анчагача деворга суюнча суниб қолди...

Ўртоқлари уни кийинтириб, ясантириб бўлишди. Авваллари пардоз-андозга унча хуши йўқ эди. Юзга бўёқ чаплаш бекорчиларнинг иши деб ўйларди. Ҳозир эса дугонларининг бир соатчалик ҳафсаласидан кейин у шунақанги очилиб кетдики, ҳатто ўзи ҳам кўзгудаги чехрасига сўқланиб қараб қўйди. Юзига билинар-билинмас мойула сурилган, киприкларда сурма, пайваста қошларда ўсма. Сочини қалампирмунчоқли сувда ҳўллаб тарашди. Эртақлардагидай бошдан-оёқ оппоқ либосда, худди парилардай у ёқ-бу ёққа юради, ҳаяжонини босолмайди. Дугоналари унга ҳавас ва ҳасад билан ўғринча назар ташлашади.

Тўйхонада ўйин-кулги икки соатча давом этгандан сўнг куёвнавкарлар қўзғолишди. Анчагача йигитларнинг дўрилдоқ бақир-чақирғи, қаҳқаҳаси, энгил машиналарнинг «дуд-дуди», болаларнинг қий-чуви эшитилиб турди. Кейин қизлар базми Гулшанларникига кўчди. Янгалар келини олиб кетишгунча роса ўйин қилишди. Гулшаннинг онаси ҳам лапанглаб, шох ташлаб ўртада анча айланди.

Гулшан қизлар қуршовида саросар ўтирибди. Гоҳо аёлларнинг шўхликларига беихтиёр қўшилиб кетади, гоҳ ичига чироқ ёқса ёришмай қолади. Уни кутаётган сирли манзиллар лоп этиб мясига келверади, турмуш ташвишлари ваҳимага солади. Ҳаёти изга тушиб, бегона хонадонга мослаша олармикин? Тўй тараддуди билан овора бўлиб бу ҳақда тузукроқ ўйлаб кўрмаганига ўқинди. Ҳатто Раҳим билан никоҳ олдидан учрашишганда ҳам тўйнинг икир-чикирлари тўғрисида гаплашишпти, холос.

Муҳаббат ҳақида кўп ўйлайди. Аммо бу муқаддас ва сеҳрли туйғунинг қанақалигини чинакамига ҳис этолмайди. Ҳозиргача бирорта йигитни астойдил сева олмаган шекилли? Китобларда ёзилган ҳақиқий севгига ҳали дуч келгани йўқ. У Раҳимни яхши кўрадимми? Шу топда юрагида унга нисбатан ишқдан кўра шафқатга, мутеликка мойилроқ туйғулар ҳоким эди. Раҳим-чи, у Гулшанни севармикин? Бу саволга ҳам баралла «ҳа» деб жавоб беролмади. Чунки йигитнинг бир-икки бор «Гул, сизни жонимданам яхши кўраман» деганини ҳисобга олмас, унинг ҳавойи илинжлари ишқдан кўра, гўзар қизнинг эри бўлиш истагига яқинроқ эди.

Янгалар келиннинг бошига баҳмал ёпинчиқ ташлашди, икки қўлтиғига кириб машинага олиб чиқишди. Куёвникига етгунча «ёр-ёр»ни қизитиб, ўзларининг келинлик даврларини эслаб қиқир-қиқир кулиб келишди. Уларни тинмай чуғурлашаётган хотинлар, келинни кутиб ухламаган болалар қарши олишди. Бир неча ўсмир машинани белбоғ билан тўсиб, «совғани каттасидан опчиқмасанглар, келинни ўтказмаймиз», деб хиралик қилишди. Қоғозга ўроғлиқ ниманидир олишгач, аранг мурасага келишди.

Раҳимнинг онаси Ҳидой хола гўштсиз, бурушиқ қўлларини чўзиб, келинни машинадан авайлабгина тушираркан, «қадамингиз муборак бўлсин, болам», деди. Бўлажак қайнона хушрўй келиннинг пешонасидан ҳайиқибгина ўпди. Дарров қўшнинг қўлидан куракчани олиб, бурқсиб тутаётган исирини Гулшаннинг бошидан бир неча бор айлантирди: «Илойим ёмон кўздан асрасин!» Кейин хитой гулли косада ширин чой тутди: «Турмушларинг ширин, ўзларинг ували-жували бўлинглар!» Қалтироқ қўллари билан Гулшаннинг бармоғига узук тақаркан, «келинлик муборак» дея яна пешонасидан ўпди. Сўнг Гулшан бошини эгганича қайнонанинг пинжида ҳовлига юрди. Кимдир устидан сочди: қанд-курс, танга-чақа бошига тақур-туқур ёғилди. Болалару хотин-халаж қий-чув қилишганча ерга энгашишди.

Овози эркакшода яллачи чала қиздирилган чирмандани дўпиллатганича дўриллаган овоз билан «ёр-ёр» бошлаб юборди. Ёр-ёр сира адо бўлмас эди:

Йиғлама қиз, йиғлама
тўй сеники, ёр-ёр
Остонаси тиллодан
уй сеники ёр-ёр.
Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
жононаси, ёр-ёр,
Қизга хуштор бўлибди,
қайнонаси, ёр-ёр.
Қайнонаси яхши бўлса,
ўз боласи, ёр-ёр,
Қайнонаси ёмон бўлса,
ёт боласи, ёр-ёр.

Гулшан яллаганининг қўшиғига қулоқ соларкан, мийиғида кулиб қўйди. «Илгариги одамлар ҳам қизиқ экан. Остонаси тилла уйнинг нима кераги бор? Ахир эр-хотин аҳил, тотув бўлса кифоя-ку, битта нон билан қорин тўяди-ку!»

Чимилдиқдаги келин ҳам, куёв ҳам оғзига талқон солгандай жим. Гоҳида шумроқ

аёллар чимилдикнинг бир четини қайириб, ичкарига мўралайдилар. Янгалар «гаплашиб ўтиринглар» дегандай пинҳона им қоқишади. раҳим нима дейишга ҳайрон, оғиз очолмайди, нуқул хижолатомуз тиржаяди. Гулшан эса, «бети қаттиқ экан» деган таънага қолмаслик учун тилидагини ичига ютади. Охири сабри чидамай, эрига шивирланганнамо гапирди:

— Бирор нарса денг!..

● Раҳимнинг иссиқданми, хижолатданми терчираб турган юзи баттар қизарди. Гап тополмай нимадир деб ёлдиради. Довдираб қолганидан: «Одам биринчи марта чимилдиққа кирганида сўзини ҳам йўқотиб қўяркан», деб юборди.

Гулшан аввал йигитнинг бу қадар соддалигидан қаҳ-қаҳ уриб кулворай деди. Аммо вазиятнинг нозиклиги эсига тушиб, лабини тишлади. «Чимилдиқда ҳам шунақа гаплашиб ўтирадимиз?» дегандай, Раҳимга ноз аралаш таънаомуз қараб қўйди. Лекин йигитнинг беғуборлигидан, ростгўйлигидан кўнгли яйради.

Яна жимиб қолишди. Шу топда улар ўртасида сўз ҳам ортиқча эди. Раҳим қизнинг ял-ял ёнаётган яноқларидан, ҳаяжондан билинар-билинемас титраётган дудоқларидан кўз узолмай сархуш боқади. Гулшан эса ерга қараганича, бўлажак ҳаётини ўйлаб ширин энтикади. Раҳим бирор нарсага алаҳсираганда унинг озғин, аммо тик гавдасига, жингала сочларига, тўй олдидан қиртишланавериб кўкиш тус олган юзига ўғринча нигоҳ ташлайди.

Раҳим таомилга кўра унга чой, ортидан бир ҳовуч хандон пистани чақиб, мағзини узатди. Дугоналарнинг ўргатгани эсига тушиб, Гулшан шошқинч ўрнидан турди. Ним таъзим билан пиёлани олди. Жойига ўтиргач, пиёла тагидаги танга кўмилгудек чойни етти-саккиз марта овозсиз хўплаб бўшатди. Мағиздан бир-иккитасини оғзига солди. Кейин ўзи ҳам чой қуйиб қаллиғига узатди. Шунда кўзи йигитнинг хижолат-пазлик, мамнунлик ва хурсандчилик барқ урган чеҳрасига тушди. Ўзи ҳам тушунмаган ҳолда рўпарасида қизариб турган Раҳимга бирдан меҳри товланиб кетди. Ахир, бугундан бошлаб Гулшан унинг рафиқаси. У эрига садоқатли ёр, меҳрибон дилдор бўлади. Унинг ҳар бир сўзига маҳтал, ҳар имосига шай туради. Эри ҳам уни ҳамиша ардоқлайди, бошига кўтаради. «Эр-хотин — қўш ҳўкиз» бўлиб, оила дея аталмиш улкан ва оғир аравани бирга сургашади.

● Шу тобда қизалоқлигида раҳматли бувиси сўзлаб берган ривоят эсига тушиб қолди. Эмишки, қайсидир араб юртида эркаклар рафиқаликка фақат Банитой қабиласидаги қизларни танлашаркан. Саркардалардан бири анчадан буён уйланмай юрган экан. Бунинг сирини аниқлаш мақсадида у ҳам қайлиқни ўша ердан олиб келибди.

Тўйдан кейиноқ урушга кетибди. Уч ойлик жангу жадалдан қайтиб ҳовлисига қадам қўйса, ичкарида икки аёл ёнғир-ёнғир гаплашаётган эмиш. Беихтиёр тўхтаб, уларнинг гапини тинглай бошлабди. Ҳовли ўртасида қайнонаси, ондан беш қадамча нарида хотини турганмиш. Хотини онасини уйга таклиф қилса, онаси рози бўлмабди. Бунинг ўрнига насиҳат қилишга тушибди:

— Қизим, энди бу уй сеники, шунинг учун соғинганимда ўзим келиб тураман. Ичкари кирмаётганимга сабаб — эрингдан рухсат олмагансан, шу боис мени уйингга таклиф қилишга ҳақинг йўқ. Агар турмушим ширин бўлсин десанг, эрингни ота-онангдан ҳам азиз бил, уни ҳўрмат қил. Эринг кўчадан келса, қўлидаги нарсани ол, орқасига ёстиқ қўй, дарров чой ёки сув тут. Ҳеч қачон ёлғон сўзлама, чунки ишончдан чиқасан. Ҳеч қачон унга хиёнат қилма, буни яратган ҳам, бандаси ҳам асло кечирмайди. Ҳўп, бўлмаса, уч ойдан сўнг яна кўргани келаман. Қолган гапларни ўшанда гаплашамиз.

Саркарда ўзини панага тортиб қайнонани ўтказиб юборибди. Шу тахлит, нега бутун юрт Банитой қабиласининг қизларини устун қўйишини англаб етибди...

У Раҳимнинг ўзига тикилиб турганини сезди-ю, хаёллари тўзғиди. Ийманибгина ерга қаради. Шу тобда унинг вужудида икки ҳис бир-бири билан олишарди. Гоҳ улар ўша ривоятдаги қиздай эрига садоқатли, вафоли, муте рафиқа бўлишга ундар, гоҳ қалбининг туб-тубида «нега унга бўйин эгишим керак, ахир эр-хотиннинг ҳўқуқи тенгку» деган исёнкор таҳдид изғиб қоларди. Раҳим буларни сезмас, англамасди. Ўзини шундай хушрўй ва баркамол қизга рўпара қилган тақдирга шукрона айтганча, ёрининг лоларанг ёноқларига, гажак зулфига масрур термуларди.

2

«Келиннинг ороми — тун, ғаними — кун», деган экан бир шаддод хотин. Тўйига бир ҳафта бўлибдики, Гулшан ҳар тонг кўзини аранг очади, гўё кўрпага михлаб қўйилгандай, ўрнидан туролмай ётади. Осмон оқариб, қалдирғоч вижирлаши билан юрагига ғўлув тушади. Аммасининг тўй кечасидаги гапи лоп этиб эсига келади: «Жон болам, борган жойингда эрта туришга одат қил, уйдагиларнинг ҳўрматыни ўрнига қўй, меҳнатдан қочма, қайнонанинг қўлидан юмушини ол». Ушанда аммасининг гапларига роса кулган, «вой-бу, шунча ишни қачон қилиб улгураман, ё фабрикадан пенсияга чиқволайми», деб кесатган эди. Эрининг хонадонига қадам қўйган куниеқ ўшанда бекорга ран-

жиганини тушунди. Бу юмушларсиз келинлик мавсумининг оҳори, файзи кетиб қолётганга ўхшайверди.

Бугун ҳам руҳи уйғонган эса-да, ҳадеганда кўзи очилавермади. Ёз субҳидамида гоҳ-гоҳо бўладиган тансиқ шабада дераза пардаси осилган ҳалқачаларни шиқирлатиб ўйнарди. Келинчак бирпас ҳузурланиб ётди. Димоғига райҳон ҳиди келиб урилди. Қўшни ҳовлидан қўйнинг чўзиб маърагани, пақир тарақлаши эшитилди. Мусича узоқ ку-кулади. Бу аҳволда ётавериш уятлиги эсига тушиб, кўзларини йириб-йиритиб, очди. Эрининг қўлини секингина ёнига олиб қўйиб, кўрпадан сирғалиб тушди. Қўйлагини кийиб ташқарига чиқди.

Тушган ҳовлиси мўъжазгина, аммо анча файзли эди. Кун юришига қаратиб бир уй-дахлиз қурилган. Ёнида Ҳидой холанинг хонаси, нарида меҳмонхона. Унга ошхона ва тандирхона туташган. Иморатларнинг тикланганига анча бўлган шекилли, у ер-бу ери туллай бошлаган. Буни тўй шарофати билан оқлаб чиқилгани ҳам яшира олмаган. Саҳн устида сўртмоқ. Уртада каттагина гулзор — сархил атиргуллар барқ уриб яшнаб ётибди. Атрофига садарайҳон, қора райҳон экилган.

Гулшан ювингач, атлас қўйлагининг этагини липпасига қистирди, майда ўрилган сочларини бошига чамбарак қилди. Устидан рўмолини ташлади. Қўлига супургини олиб, эшик олдини супургани чиқди. Аммаси ўша кунги насиҳатида ҳовлини ва кўчани супуришни қанда қилмасликни алоҳида таъкидлаган эди. Бу — янги келиннинг шаъни эмиш, маҳалла-кўй хонадонга келин тушганини, ё ўша хонадонда қиз борлигини шундан билармиш. Иннайкейин, ҳовли-жой тоза турса, одамнинг баҳри-дили очилиб, бахтли бўлармиш. Ҳақиқатан, учинчи куннёқ бу гапларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. Кўчани супуриб турганди, икки қария бомдоч мазозини ўқигани масжидга ўтиб қолди. Гулшан рўмолининг икки учини тишлаганида супуришдан тўхтаб, чоллар ўтиб кетгунча орқасини ўгириб турди. Қариялар атай унга эшиттирибми, ё бировининг қулоғи оғирмиди, ҳарқалай қаттиқ овозда гаплашиб кетишди:

— Мана, бир юмалаб Ҳидой хола ҳам келинлик бўлволди-а, мулла Мирхонлик.

— Ҳа, ишқилиб, икки ёш қўша қарисин, ували-жували бўлсин. Келин боланинг ҳам оёқ-қўли чаққонгина шекилли, ҳамма ёқни гулдай қилиб қўйибди, барака топкур.

— Нимасини айтасиз, биродар, зап яхши одатларимиз бор-да! Эрта тонгда кўчага чиқсанг, қиз-жувонлар эшигининг тагини чиннидай тозалаб, сув сепиб қўяди. Кўриб баҳри-дилиниг очилади.

— Аммо бу одат маҳаллаларда қолди холос, мулла Обид. Дўмдагилар бўйра ўрнидек зинасини супургани эриниб, қўшниси билан фижиллашиб юраркан.

Қарияларнинг гапини эшитиб, Гулшан суюниб кетди. Бугун ҳам ўшандай ғайрат ва ҳафсала билан ҳовлини супуриб-сидирди-да, қалин қилиб сув урди. Кейин қайнонасини уйғотиш учун унинг уйига мўралади. Ҳидой хола аллақачон бир қўлида тасбеҳ билан жойнамоз устида ўтирарди. Аммо нигоҳи ҳовлида куйманаётган келиннинг ҳар бир қадамини синчковлик билан кузатарди. Унинг эпчиллигини, янги хонадоннинг юмушларига жон-жаҳди билан киришганини кўриб, юзида мамнунлик жилва қиларди.

Ниҳоят учовлон дастурхонга ўтиришди. Ҳадеганда гаплари қовушмади. Уртага ўнғайсиз сукунат чўкиб, сўз очишга ҳеч ким ботинмасди. Эри кўзини деразага тикканча, бепарво нон чайнайди. Гулшан гоҳ қайнонасига, гоҳ ерга қарайди, ора-сира совуган чойдан ҳўплаб қўяди. Ҳидой хола ҳам саросимада. Бир кўнгли ёшларга малол келтирмай ташқарига чиқиб кетишни ёки «чойни уйларингда ичаверинглар» дея уларга рухсат беришни ҳам ўйлади. Аммо бошданоқ келиннинг бошвоғини қўйворгиси келмади шекилли, индамай қўяқолди.

Жимликни Ҳидой хола бузди. Келинига малол келтирмаслик учун оҳиста гап бошлади:

— Болам, энди шу хонадоннинг эгаси бўлдингиз. Ёлғизгина ўғлимни сизга топширдим, шуни ҳурматини жойига қўйсангиз, мени ҳам иззатлаган бўласиз. Нима қилайки, қисматим шунақа қора экан. Уста дадангиз билан беш фарзанд кўрдик, аммо Раҳимжондан бошқаси турмади. Уларнинг доғи-ҳасратида раҳматли дадаси ҳам ёш ўтиб кетди. Шундоқ ҳовлида она-бола шўппайиб қолавердик.

— Қўйсангиз-чи, аба, бугун шу гапларнинг нима кераги бор?— деди Раҳим аччиқланиб ва қўлидаги бўш пиёлани дастурхонга пилдиратиб ташлади.

— Сени ишинг бўлмасин.— Ҳидой хола ялинчоқ овозда жеркиди.— Мен келинжоним билан гаплашялман. Ахир ҳасратимни кимга айтаман, бу юрак қургур заққумга, зардобга тўлиб-тошиб кетди-ку. Ахир мениям армонларимга, орзуларимга қулоқ соладиган, дардимга малҳам бўладиган келин насиб этгин, деб яратганга кеча-кундуз тавалло қилардим. Минг шукрки, оҳим худога етди, шундоқ сулув, меҳнаткаш, ибולי келин келди.

— Аба, жа мақтаб юборманг,— ерга қараб қизаринди Гулшан.— Ҳали ёлчитиб хизматингизни қилолганим йўқ...

— Вой, хизматдан гапирманг, болам,— астойдил қизишди Ҳидой хола.— Ҳар қанча иш ўзимдан ортмайди, ҳали кучдан қолганим йўқ. Эрингизнинг юмушига қор келсан-

гиз, менга сирдошу ҳампо бўлиб юрсангиз бас, қизим! Эр-хотин Тоҳиру Зуҳрога ўхшаб турмуш қилсангизлар кифоя, болам.

Икки аёлнинг ҳасрати ҳали-вери тугамаслигини сезган Раҳим фотиҳа ўқидиyo, «бўпти, мен ишга жўнадим» дея қўзғалди. Унга қўшилиб Гулшан ҳам ўрнидан турди. Эрини кузатиб, дастурхон йиққани қайтиб кирса, қайнонасининг кўзида филт-филт ш, ютиниб ўтирибди. Ҳатто чойини ҳам ҳўпламабди.

— Ҳа, аба, хафа қилиб қўйдимми.!?— ҳайрон бўлиб сўради Гулшан.

— Вой, нега диққат бўлай, болам? Суюнганимдан йиғлаяпман. Орзуларим ушалганига йиғлаяпман... Эҳ, қизим, бу кунга етгунча чеккан азобларимни сиз сўраманг, мен айтмай... Янаям худо одамзодга бардошдан керагича улашган экан...

— Ие, ўртада бирор гап ўтдимми? Е менинг тўғримда...

— Йўғ-э, бунда сизларнинг айбингиз асло йўқ. Гап бошқа ёқда, болам.

Ҳидой хола шундай дедиyo, энгини елпигич қилиб кўзларини артди. Рўмолини тузатиб, кумушранг сочларини ичига яширди. Чуқур сўлиш олди. Кейин келинига ўтиринг, дегандай ёнини кўрсатиб имо қилди. Узи чойини бир ҳўплашда бўшатиб, сўник овоз билан гап бошлади:

— Ўргулай, келин, мен содда эканман, атрофимда нима бўлаётганига ақлим етмасакан. Ҳозир одамлар орзу-ҳаваснинг қули бўлиб кетганакан. Ҳамма сени пул билан ўлчайдиган бўп қолганакан. Бир хонадонга совчиликка бораман: «Қани, дадаси билан маслаҳат қилайлик-чи», дейдиyo, эртасига айниб кетади. Бошқасига бораман: «Вой, қизимиз ҳали ёш, иннайкейин тўйга тайёр эмасмиз», деб қутулади. Яна бир жойда, «ўғлингиз бор-йўғи заводда ҳисобчиларми» деб пичинг қилади. Кейин билсам, ҳеч ким ҳозир куёвнинг илму одобиyo юраги билан ҳисоблашмай қўйганакан. Ҳамма йигитнинг отасини суриштираркан, амалини аниқларкан, уй-жойининг қанақалиги билан қизиқаркан. Ана шунда ҳўнг-ҳўнг йиғладим, «э, худойим, азобларинг каммиди, шу тили билан юрадиганларга яна майна қилиб қўйдингми», деб роса бўзладим денг, болам.

— Ҳаётда анча қийналган экансиз-да, аба,— сўради раҳми келиб Гулшан. Қайнонасининг сўзларидан бутунлай руҳи тушиб кетганди.

— Вой болам-эй, мен гапирмай сиз эшитманг. Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим, дегани менман. Тўрт болани гўдаклигидаёқ ерга қўйиш осон дейсизми? Кейин ҳали соч-соқолига оқ тушмаган дадангиздан ажраб қолдим. Устига-устак, Раҳимжонимнинг боши касалдан чиқмайди, денг. Кўзимнинг оқу қорасини топшириб қўяманми, деб еру кўкка ишонмайман. Шу болаям улғайиб, тўйини кўрармикиман, дея фиғон чекаман. Маниям уйимнинг остонасида набираларимнинг калишчалари қалашиб ётармикин, деган орзуларим-чи? Янаям одамзод ҳаммасига чидар экан. Қўшниларим шумқадам деб орқаваротдан ҳақорат қилганида ҳам, «кўзи тегади», дея, кичкина болаларини мендан яширишганда ҳам, маърака-маросимларга чақирмай қўйишганда ҳам — барига чидаганман. Шу ёлғизимга термилиб, бўй-бастидан қувониб яшайвердим. Минг қатла шукрки, мана, орзуларимга ҳам етдим. Энди бу ҳаётдан ягона илинжим қолди. Қани энди кўпгина неварга кўрсам, паст-баланд қилиб ҳаммасини етаклаб ўйнатиб юрсам, асло армоним йўқ эди.

Гулшан қайнонасининг ишорасидан уялиб ерга боқди. Нима қилишини билолмай, дастурхонни йиғишга тушди. Аммо Ҳидой холанинг гапи ҳали тугамаган шекилли, «қўяверинг» дегандай этагидан тортиб яна ёнига ўтқазди. Кейин муҳим сирни айтаётгандай у томонга сал энгашиб қулоғига шипшиди:

— Болам, шу насиҳатим эсингизда турсин: ёшлигингизда, тоқатингиз борида туғиб-туғиб олинг. Ўзбекни ўзбек қилиб турган меҳмондўстлиги билан болажонлиги. Ким нима деса деяверсин, кулоқ солманг! Ҳозир эшитишимча, болани кўпайтирма, деб пўписа қилишаётганмиш. Туғруқхоналарда камроқ туғсин, деб, болани апараса қилиб олаётганмиш. Ҳой, калласини йўқотганлар, болани кўпайтирмасанг, ўзбеклигинг қайда қолди? Иннайкейин ризқ-насиба ҳам, юртнинг ободлиги ва тўкинлиги ҳам фарзанднинг кўплигига қараб бўлишини наҳот тушунмасанглар, дегим келади.

Гулшан «ноқулай мавзу»дан яна дув қизарди. Аммо қалбининг аллақайси бурчида қайнонасининг гапларини маъқуллаб турар, бир-биридан ширин-шакар фарзандлари бўлишини ўйлаб, юраги орзиқиб-орзиқиб кетарди.

Котибаликнинг бунақанги серғалва ва серташвиш ишлиги етти ухлаб тушига кирмаган, хаёлининг кўчасига келмаганди. Гулшан тирноқни қиртишлаб, кирганга ирғишлаб, бошқа вақт телефонда гап сотиб, ўйга ботиб ўтираман деганди. Қаёқда дейсиз? Ит қувган соқовдай, қоровул чолга ҳам саломни чала қилиб тўққизларда идорага ҳовлиқиб кириб келади. Деразининг кичкина кўзини апил-тапил очиб, тамаки ҳидига тўлган хонани шамоллатади. Кейин синган чойнақда гултувакларга сув қуйиб чиқади. Шу орада ҳалиям сумкасини қўлдан қўймагани эсига тушиб, уни ғаладонга ташлайди. Туфлисини шиппака алмаштиради. Бошлиқнинг хонасига кираверишдаги одамбўйи кўзгуга қараб,

уёқ-буёғини тузатади. Бир жилмайиб, тилини чиқариб, ўз аксини масхаралаб ҳам қўяди. Энди у бугунги «жанг»га тайёр!

Шикоятчилар ва идорага иши тушганлар бирин-кетин, узун-қисқа кириб келишади. Энг аввал кўпинча кексароқлар пайдо бўлишади. Ҳатто баъзилари тонг оқармай ҳовлидаги якка харига тизилиб, ҳассага суяниб ўтиришади. Сабабини қоровул чолдан сўровди, «уларга кулма, қизим, кексалар кам ухлайди, довдираб кеп қолади-да», деди. Лекин чолларга тоқатдан берган экан-да. Бошлиқ кечқурун келади десанг ҳам силжмайди, гўё кетишса, уни бир умрга кўрмай қолишадигандай кутишаверади.

Сўнгра сал ёшроқлар — бири анқайиб, бошқаси йўнқайиб кириб келади. Ҳаммасининг иши зарур, вақти тифиз. Бошлиқ шу топдаёқ қабул қилиб, юмушини тўғрилаб бермаса, гўё қиёмат-қойим бошланади. Иннайкейин, уй-жой идорасига иши тушмаган одам ҳам йўқ шекилли. Уларга жавоб қилавериб, алдайвериб, ялинавериб, тасалли бериб, дўқ уриб, бечоранинг жағи толади, тинкаси қуриydi.

Аммо келувчиларга барибир. Кўча кўрган, уddaбуронлари ундан рухсат ҳам сўрашмайди, тўппа-тўғри бошлиқнинг хонасига кириб кетишаверади. Ҳатто қабулхонада кутаётганлардан хижолат ҳам бўлишмайди. Аввалига жаҳли чиқиб, ўзини камситилган сезиб, бунақаларнинг йўлини тўсиб ҳам кўрди: «Қаёққа кетаяпсиз, мумкин эмас дедимку, Мавлон Жавлонович бандлар!» «Йўқ, бизга мумкин» дегандай виқор билан кириб кетишаверади. Бунақа сурбетларга тенг келолмаслигига тезда кўзи етиб қолди. Ундайлар жуда устаси фаранг бўларкан: баъзилари ялтоқланиб, қуюқ саломлашади, амма-холасининг аҳволигача сўраб чиқади. Кўзини қисиб, лабини чўччайтириб нималаргадир шаъма қилади. Бошқаси, агар ичкарига қўймасанг, Мавлон Жавлоновичга қўшиб еб-ютворадигандай, осмондан келади. Аммамнинг бузоғига ўхшаб лаллайганлари ҳам бор. Улар Гулшаннинг кўзига мўлтираб, илиги қалтираб кутишаверади, кутишаверади. Бошлиқ ичкарида бекорчиликдан тиш кавлаб ўтирган бўлсаям киришга ботинолмайди. Уларнинг котиба рухсатисиз ҳеч нарсага ҳад қилолмасликлари, ҳатто қабулхонада кутишга ҳам ижозат сўрашларини йўлаганда, Гулшаннинг вужуди илк учрашувга отланган қизникидай ёқимли жимирлаб қўяди.

Гулшан турар-жойлар бошқармаси бошлиғининг бу кўримсизгина, аммо ҳаммиша турфа одам билан гавжум қабулхонасига тасодифан тушиб қолди. Аввал тикув фабрикасида ишларди. Аммо тўйдан кейин бир ой ўтмай эрининг «тили» чиқди:

— Гулшанхон, шу ишингизни сменалиги сал чатоқроқ экан-да, абамлар қийналиб қоляптилар, иннайкейин... менга ҳам ёқмаяпти.

Гулшан кулгига олди:

— Киройи ишласанг, тунги сменада ишлаб мазза қилгин-да. Ҳамма уйқуни ураётганда, сен гумбирлатиб чок тикасан. Буниям гашти бор.

— Майли-ю, иккинчи сменадан кутавериб хавотир оляпман. Шунда тоқатим тоқ бўлиб, сменани топгани гўрига фишт қалаб ўтираман.

— Кутманг, хотиржам ухлайверинг, ахир автобус ҳаммани уйма-уй ташлаб ўтадику,— деди Гулшан, эрига қувлик билан жилмайиб тикиларкан.

Кейин қайнонаси фўнғиллаб қолди:

— Болам, ишингиз қурмасин, ўша бошлиқларингизда жиндай одамгарчилик борми? Ахир қирқи чиқмаган янги келин-куёвларсиз, мундай ёшлиқнинг гаштини сурмайсизларми? Шуюм турмушми— сиз ишдаю эрингиз уйда. Сиз уйдалингизда эса у ишхонада.

Охири ҳаммасига эрининг тоғаси Носир мўйлов нуқта қўйди:

— Гап мундоқ, ўртоқ келин. Эртадан ишни алмаштирасиз. Узи, ишлаган аялни жиним сўймайди. Жа ўрганиб қолган бўлсангиз, эрта кетиб, кун ботганда келадиганидан топинг.

Кейин жиянига ўдағайлади:

— Сен— гўрсўхта, ҳамиятни йиғиштириб қўйганмисан? Хотинчалари ярим тунда ишхонага кетсин-у, бу кишим ёстиқ қучоқлаб ётсинлар. Э, ҳозирги ёшларга ҳам беш кетмадим. Белида белбоғ бўлмагандан кейин, ғурурни сотиб егандан кейин, улардан нима ҳам кутардинг. Тамом, эртагаёқ икковлашиб бошқа иш топ!

Уёққа чопишди, бу ёқни дараклашди— маънилироқ ишхонага дуч келишмади. Гулшан бу орада фабрикадан бўшаб олди. Тоғанинг дағдағасидан қўрқиб, шошилини ва рўпара келган ишга кирволишга Гулшаннинг кўнгли бўлмади. Ана шундай кунларнинг бирида қўшнилари Маҳфуза гап топиб келди: бир дугонаси турар-жойлар бошқармасида иш юритувчи котиба экан, ҳозир туғруқ таътилига кетаётганмиш, ўрнига одам зарур экан.

Гулшан қайнонасига маслаҳат солди. Ҳидой хола «майли» ҳам, «йўқ» ҳам демади. Фақат келини узоқлашгач, ўғлига сирли қилиб: «бу, мунақа ишдагилар ҳақида ҳар хил гап юради, ҳалиги бошлиқлари билан... нимайди, сал апоқ-чапоқроқ бўлишармиш...» деб қўйди.

Эри эса бирдан бошини қашиб, хаёл суриб қолди. Рад этай деса, онаси манавинақа деб кўнглини хижил қилиб қўйди. Рад этмай деса, ўзи бирорта маъқулроқ иш топиб беролмаса... «Э, бор-э, шунча идорада юрган аёлларнинг ҳаммаси бузилиб кетма-

гандир? Одамнинг ўзига боғлиқ. Ахир, айтишади-ку: «ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди». Аммо ёмон хотиндан ўзи асрасин, қафасга қамаб қўйсанг ҳам бузукликка йўл топади», деб ўзига тасалли берди-ю, хотинининг янги ишига розилик билдирди.

Мана, ўшандан бери котибаликни дўндириб ишлапти. Қиладиган юмуши кўп жас-у, серғалва. Айниқса қабул кунлари эшик дўхтирхонаникидай очилиб-ёпилаверади. Ҳали биттаси кириб келади: «Қачон ордерни топширасизлар?» деб дўқ уради. Ҳали бошқаси бошини суқади: «Ҳой яхшилар, бир ҳафтадан буён уйдан чакка ўтади, тузатиб берасизларми-йўқми?»

Одамларга ҳам ҳайронсан! Бунақа тайёрга айёрлик уларга қаёқдан юқдийкин? Гулшаннинг ёшлигида қўшнилари, қор ёғса, ўзлариники қолиб, атрофдагиларнинг томигача кураб беришарди, биров иморат солса, сўраб ўтирмай ҳашарга чиқарарди. Ҳозир-чи? Йўлагига лампочкаси кўйса ҳам алмаштиришга эринади. Ундан кўра уларга қоронғида пайпаслаш ёки шикоят ёзиб, ёжиллашиб юриш осонроқ туюлади. Сув жўмраги яхши бекилмасаям, уйда сичқон кўпайсаям, қулфи бузилсаям кунини қурбон қилиб, арзга келиб ўтираверади.

Бошлиғи ҳам зўр! Ҳаммасига гап тўғрилайди, кунда қанча одамнинг қўйинини пуч ёнғоқча тўлдириб чиқаради. Гоҳо ташриф буюрганларга ёлғонни дўндириб турганида Гулшан кирсаям хижолат бўлмайди. Аммо унга секин кўз қисиб қўяди. Бундан «қўявер, ишимиз ўзи шунақа, ҳаммасига югураверсанг, эрта кунда оёқдан қоласан», деган маънони ҳам, «сендан яшириб нима қилдим, сен ҳам ўз одамимизсан-ку», деган шамани ҳам англаш мумкин.

Гулшан аввалига Мавлон Жавлоновичнинг феълига унча тушунмай, тортиниброқ юрди. Кейинчалик ёмон одамга ўхшамайди, деган хулосага келди. Бир айби— сал ўпқароқ, худди ўт тушгандай, ҳамиша шошиб юради. Ҳатто, кўпинча хонасига киришга сабри чидамай, қабулхонадаёқ арз тинглашни бошлаб юборади. Ёки ҳозир Гулшан билан хайрлашиб турган одам, зум ўтмай машинани ўт олдираётган бўлади. Қабулга келганларнинг шикоятини охиригача эшитишга ҳам сабри чидамайди: «қисқароқ қилинг», «хўш, нима истайсиз», «бўпти, бораверинг, тўғрилаймиз» деб оғзига уради. Бошқа кунлари қоғоз титади, газета варақлаб қўяди, ошналари билан телефонда узоқ ҳасратлашади. Гоҳида Гулшанни ҳам «гапга солиб» ўтиради.

Бугун эрталабдан буён ишхона жимжит. Ичкарида Мавлон Жавлонович «почта» кўриб ўтирибди. Гулшан тўқийган жун пайпоғини ғаладонга ташлаб, курси суянчиғига тиралганича керишди. Ўрнидан туриб, ойна қутичадаги тилла балиқчаларга овқат солди. Шу пайт эшик тепасидаги қўнғироқ жиринглади. Гулшан эшикни қия очиб, саволомуз ичкарига мўралади. Мавлон Жавлонович қоғоздан бош кўтармай:

— Гулшанбону, битта чой ясаворинг,— деди.

Гулшан дарров электр чойнакни токка улади. Чойнак-пиёлани ювиб, сочиқда ялтиратиб артди. Кейин чойни дамлаб ичкарига опкирди. Бошлиғининг ўнг томонига ўтиб, қўлидаги чойнакни ликопчаси билан столга қўйди. Чойни уч марта қайтарди. Энди кетаман деб турувди, бошлиғининг бақувват қўли тиззасидан юқорироқдан маҳкам қучиб, ўзига қаттиқ тортди. Бадани ток ургандай жимирлаб кетди. Бу ногаҳоний беодобликдан гангиб қолди. Кейин шахд билан унинг қўлларини олиб ташлади. Алам ва ғазабда бошлиғига қаттиқ-қаттиқ гапирди:

— Қанақа одамсиз ўзи? Уялмайсизми шунақа қилгани?

Мавлон Жавлонович котибадан бунақа жиртакиликни ва ҳурковичликни кутмаган эканми, тамоман довираб турарди. Бироздан сўнг ўзини қўлга олиб, беўхшов иршайганча деди:

— Оббо, Гулшанхон-эй, ҳазилни ҳам тушунмайсиз-а!.. Наҳот мени шунақа ёмон одам деб ўйласангиз? Кўнглимда заррачаям қора ният йўқ. Азбаройи яхши кўрганимдан... Агар дилингизни оғритиб қўйган бўлсам, узр сўрайман.

Мавлон Жавлоновичнинг босиқ ва ялинчоқ овози Гулшаннинг бояги ғазабини чўғга сув қўйгандай юмшатди-қўйди. Важоҳати ўзгарди, қаҳр ўрнини ним табассум эгаллади. Аммо шунда ҳам узангидан тушмади. Қадрини оёқ ости қилиб қўймайдиганлар тоифасидан эканлигини англамоқчидай, пўписа аралаш таъкидлади:

— Бунақа ҳазилингизни иккинчи қилманг менга! Йўғаса қилиғингизни кеннойимларга чақиб, шармандангизни чиқараман! Мени ҳам эрим бор-а, ахир қулоғига етишидан чўчимайсизми?

— Хўп, хўп, тавба қилдим дедим-ку! Бунақа сержаҳл, қаҳри қаттиқ эканлигингизни билганимда иш ҳам буюрмасдим, чойни ҳам ўзим дамлардим,— деди бошлиқ рўҳи тушиб кетгандай сўник овозда.

Гулшан унинг гапни бошқа ёққа бурганидан довираб қолди:

— Мен унақа деётганим йўғ-у... Узингиз ҳам бехосдан ёпишиб, одамни кўрқитиб юбордингиз-да...

Вазият хийла юмшаганини сезган Мавлон Жавлонович дарров отни қамчилади:

— Бўпти, энди туйқусдан чўчитмайман. Олдин огоҳлантириб қўйиб, кейин қучоқлайман.

— Вой, анув одамни қарангла, уялмайсизми шунақа дегани?
 — Қўйсангиз-чи, Гулшан, ёш боламидик уяладиган? Ким айтади сизни турмуш қурган аёл деб?
 — Нима, турмушга чиққан аёл дуч келган эркакнинг қучоғига кирсин деб ёзиб қўйибдими?
 — Ие-ие, ҳали сизга биринчи марта рўпара келган одам бўлқолдикми? Ана холо ҳали шуми оқибат?
 — Боринг-э, ўзи сизга гап тўғрилаб бўлмас экан, ёмон одам экансиз! — Гулшан шундай деди-ю аразини ҳам унутиб, ташқарига юрди. Ортидан Мавлон Жавлонович: «Уша «ёмон одам экансиз!» деган гапни яна бир қайтаринг, Гулшан!» дея қичқириб қолди.

4

Гулшан ишхонадан чиққанида қуёш мағрибга ёнбошлаган, азим чинорларда қушлар чуғурлашиб жой талашаётган, кўчалар ишдан қайтаётганлар билан гавжумлашган пайт эди. Димоғига гуп этиб машиналардан чиққан бадбўй ёқилғи иси урилди. Доимо кечқурун уйга шошадиган Гулшан бугун хотиржам кўринади. Биноларнинг пештоқига, йилига бир-икки марта байрам кунлари ёниб қоладиган чироқли лавҳаларга, ғиз-ғиз ўтаётган машиналарга анграйиб қарайди. У зоҳиран хотиржам бўлгани билан қалбини ғалати туйғулар безовта қилади. Вужудида одамни ҳадеб жилмайишга мажбурлайдиган ёқимли хотиротлар билан балоғатга етган қизнинг биринчи бўсақасидай тотли ҳислар айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Буларнинг бош сабабчиси бошлиғи эканини ҳам яхши билади.

Мавлон Жавлонович ўша кунги «ҳазил»дан кейин Гулшан бир-икки кун бошлиқ билан учрашганда тўрсайиб, тишининг оқини қизғаниб юрди. У ҳам котибасининг чапақай жаҳли чиққанини англади шекилли, ўзини тортди. Рўпара келганда унинг кўзларига қарамай, «яхшимисиз» дейдию, жавобини кутмай хонасига кириб кетади. Гулшан керакли қоғозларни олиб кирганда бошини кўтариб қўймайди. У ҳам зарда қилиб, ярашиб олишга уринмади. Аввалгидай «Мавлон Жавлонович» деб оғзидан бол томмайди, зарур гап чиқиб қолса, қисқагина қилиб «Фалончи сўровди», «пистончи кутяпти», деб қўяқолади. Аммо ўзининг юраги сиқилади. Муносабатлари кундан-кунга қиров бойлаб, яна янги иш ахтариш фикри ваҳима солади. Гоҳида ўзининг зардапазлиги учун қойийди. Рост-да, бошлиғи ўзи унча ёмон одам эмас! Бирор марта «сан» демаган. Ҳамиша қайнонасининг йўталидан тортиб, эрининг ишигача суриштиради. Юмуши чиқиб қолса, ижозат тайёр. Тез-тез мукофот пули ёзиб туради. Қаншарида мошдек холи бор биткўз ҳисобчи «бошлиқни юрагидан урибсан, аввалги котиб бирор марта ҳам мукофот олмаган» деб пичинг қилиб, кўз очирмайди. Тўғри, сал суюқлиги, аёл кишини кўрса тили ўйнаб, сўлаги қайнаб кетиши бор. Баъзан Гулшан машинкада ёзаётганда ёнида турволиб, кўзини лўқ қилиб узоқ тикилишини қўймайди. Гулшан хижолат бўлганидан гапни айқаш-уйқаш ёзиб, ҳар сатрида тўққизтадан хато қилворади. Гоҳида Гулшанга еб юборай деб қараб қолади. Шунда юрагининг ўйноғи анчагача босилмайди, вужуди арабча ўйинга тушаётган раққосанинг баданидай дириллайди.

Бугун ҳам қизиқ бўлди. Бошлиғи эрталаб хонасига кираётиб, тилла тишини кўрса-тиб илжайганча қуюқ саломлашди:

— Салом бердик, Гулшанхон! Уйдагилар тинчми! Қайнонанинг сўкишидан, куёв поччанинг нуқишидан безор бўлмаяпсизми?

Гулшан ҳам ҳурматини қилиб ўрнидан туриб қаршилади, гинасини унутиб алик олди:

— Яхши келдингизми, Мавлон Жавлонович, жиянларим тузукми?

Бошлиқ унга маъноли табассум билан қараб қўйди-ю, ичкарига кириб кетди. Шу ишга шўнғиганича тушгача бош кўтармади. Бу орада Гулшан имзога тайёрланган қоғозларни опкирди. Бошлиқ телефонда гаплашаётган экан, кўзи билан «анаву ерга қўйинг» дегандай имо қилди. Яна унга аввалгидай ёввойи эҳтирос билан қаттиқ тикилди. Гулшан кўзларини опқочди. Аммо, барибир, пинҳоний бир куч яна бошлиғининг суюқ нигоҳини ушлашга мажбурлади. Кўзлар тўқнашди. Гулшан ҳам ёқимли, ҳам азобловчи бу синовга дош беролмаслигини сезиб, шартта ташқарига чиқиб кетди.

Тушлиқдан қайтса, Мавлон Жавлонович хонасида йўқ. Ҳатто қачон қайтишини ҳам айтиб кетмабди. Бир-икки келувчига дудмал жавоб қилиб, ғўлдирашини ҳам эшитиб олди. Мавлон Жавлонович тўртга яқин келди. Байрам арафаси бўлгани учун ишхонада деярли одам қолмаган, фақат ходимлардан икки киши чойхўрлик қилиб ўтирарди. Бошлиқ кирасолиб тўғри Гулшаннинг қўлидан ушлаб, қаттиқ силкиди:

— Келаётган Март байрамингиз билан табриклайман. Гулшанхон!

Кейин чўнтагидан анор гули рангидаги жажжи қутичани чиқариб, ичидан тилла узук олди. Уни жувоннинг узун ва назик бармоғига тақиб қўйгач, кафтининг орқасига лаб текизиб, оҳиста ўпди:

— Арзимас байрам совғаси. Эртага коллективнинг ўтиришида топширсам бўларди-ю... Шуниси тузук, ғайбатга ўрин қолмайди. Қалай, ёқдимми, жоним?

Гулшан жавобга ожиз эди. Ўтга ташлангандан шамдай аллақачон эриб соб бўлган-

ди. Ҳаяжондан ва бемаврид хурсандчиликдан икки ёноғи ял-ял ёнади. Хўжайинининг бу ҳимматидан тили калимага келмайди. Ниҳоят ўзини қўлга олиб, деди:

— Раҳмат сизга! Бирам чиройли-я, шуни сени жудаям орзу қилардим. Овора бўлибсиз-да... Бунинг устига анча қимматдир?

— Сизни нархингиз жуда баланд, жоним, ҳа ё бу чақа узукдан нечасини тақасиз-у... Жа ўзингизни ерга ураверманг.

● Гулшан яна лоладай қизарди. Боя бошлиқ қўлидан ўпганида бошланган титроқ яна бутун танасини қамради. Довдираб қолганидан узукни омонатга олгандай бармоғидан чиқариб кўрар, кейин бирдан ўзига совға қилишга итти эсига тушиб, яна жойига қўярди.

Кунни қандай кеч қилганини билмади. Кетаёиб сумкасини тортмадан оларкан, назари бармоғига ярашиб турган узукка тушиб, оғзининг таноси қочди. Бирдан табасум ўрнини хавотирлик ва гашлик эгаллади: уйдагиларга нима дейди? Пулимга олдим деса, қанча топиши, маълум, ойлигини ҳам асосан эрига топширади. Бошлиғим совға қилди, деб ҳам айтолмайди. Рашк ва шубҳа кучаяди: «Қанақа ошиб-тошиб кетган бошлиқ экан, кеча келган котибасига қимматбахо узук совға қиладиган! Бир балоси бўлма-са... Ахир шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимир этармиди?»

Борди-ю, уйдагиларга индамаса-чи? Бу ҳам дастаси йўқ баҳона, ахир қачонгача яшириб юради? Бунинг устига шунақанги таққиси келяптики, юраги ҳайитга кийим олдириб, тезроқ кийишга орзуманда боланикидай ҳаприқади.

Уйлайвериб ўйига етолмади. Охири қўл силтади: «Бор-а, шунга ҳам миямни ачитиб юрайми? Ўзи олиришга ярамагандан кейин қандоқ олгани билан иши нима? Тўйларига бир йил бўляпти-ю, ма сенга, деб кўчадан битта ангишвона ҳам кўтариб келмайди. У йўқ-бу йўқ, ўзи бошдан иқболдан қисган экан. Йўқса, келиб-келиб шу ювиндисини ит кўрмаган, тутунини булут кўрмаган мирқуруққа тегармиди?»

Хаёллар билан бўлиб ўйга қандоқ етганини ҳам билмади. Эшикни ғичирлатиб ичкарига қираркан, айвонда кўзойнак тақволиб гурч озолаётган Ҳидой холани кўрди. Узукли қўлини ёнига яшириб, қайнонасига салом берди. Кампир бошини қимирлатиб алик олди-да, кўзойнакнинг тепасидан келинига қараб, деди:

— Келдингизми? Жиндай ош қиляпман. Қовуриб, сув қуйиб қўйдим. Тезроқ дамлаворинг, ҳализамон эрингиз ҳам келиб қолади.

— Хўп бўлади, дарров кийимимни алмаштирволай.

У шундай деб, ечингани уйига кирди. Тошойна олдида қўйлагини алмаштиракан, қорни анча дўппайганини кўриб, ширингина хўрсиниб қўйди: «Узуги ордона қолсин, агар миннат қиладиган бўлса, қайтариб бераман. Ҳали фарзанд кўрсак, эрим бундан ҳам зўрини совға қилади», дея ўзини овулти.

Гулшан ошни сузаман деб турганида эри кириб келди. Дам товоқни кўтарган жойида қайта ташлаб, эрининг қўлидан қоғоз халтасини олди. Кийимини алмаштириб чиққунча дастурхон тузаб, ошни келтирди. Бу орада қайнонаси ва эрининг қўлига сув қўйди. Учовлон сўзлашмай ош ейишди. Дастурхон йиғилди. Эри ишхонасидаги гапларни онасига миждовланиб ҳикоя қилиб беришга тушди. Бошлиғи курортга кетганмиш, ярим йиллик ҳисоботни яхши тугатгани учун бош ҳисобчи уни мақтабди, яқинда бўлимга яна битта ўрин беришармиш; хорижий моллар савдоси бўлган экан, хўжалик мудири нақ беш юз сўмлик буюм харид қилганмиш, ҳолбуки ойлиги атиги саксон сўммиш. Хуллас, шунақа гаплар. Гулшан эрининг хотинлар каби майда-чўйда тафсилотларига эринмай ҳикоя қилишини, қайнонанинг лаб қимтиб, «ҳим-ҳим»лаб маъқуллашини бирпас эшитиб ўтирди-ю, кейин зерикди. Она-болани ёлғиз қолдириб секингина ўрнидан турди. Уйига кириб, бекитган жойидан яна узукни олиб қўлига тақди.

Эри ярим соатлардан кейин кирди. Бирпас уйнинг ўртасида серрайиб туриб қолди. Кейин негадир, бир нарса қидиргандай, шифтнинг бурчак-бурчакларига изқуварлардай синчиклаб қараб чиқди. Оғзини катта очиб, қурт еган тишларини кўрсатиб эснади. Кейин кўрпача устига ўтирволиб, ўзининг ҳар бир ҳаракатини эринмай кузатиб ўтирган хотинига юзланди.

— Жой қилмайсизми, Гулшан? Бугун итдай чарчаганман. Иш қайнаб-тошиб кетди. Бир ҳамкасбимизнинг тоби қочиб ётган эди, уни кўргани Тошбулоққа ҳам бориб келдик.

Гулшан индамай жой қилгани тушди. Ёстиқни қўйиб бўлган эдики, эри апил-тапил ечиниб, жундор оёқларини қашлай-қашлай ўринга таппа ташлади. Гулшан чироқни ўчириб, яна бояги жойига чўкди. Эрининг «ётмайсизми» деган саволига «ҳозир» дея жавоб қайтарди-ю, икки тиззасини қучоқлаганича хаёл суриб ўтирверди.

Шу кўйи анча ўтирди. Кейин эрининг уф тортганича бошқа ёққа ағдарилганини кўриб, ҳали ухламаганига ишонч ҳосил қилгач, секингина гапирди:

— Бугун ишхонада менга узук совға қилишди.

— Ҳмм,— деди эри яна эснаб.— Авваллари ишхоналарда соат беришарди, энди узукка ўтишибдимизми?— Эри шундай деди-ю бошини хиёл кўтариб сўради:— Нима, энди мукофотга узук олдим, деб уйқудан ҳам воз кечмоқчимисиз?

Гулшан жавоб бермади. Оғринганидан, жаҳли чиққанидан, алаmidан чироқни шартта ёқиб, эрини тузламоқни ҳам ўйлади. «Эркак бўлмай ўл, нимага совға қилишди, ким берди, қанақа узук экан деб қизиқишга ҳам ярамадинг-а», деб уни узиб-узиб олги-

си келди. Кейин айниди: э, эрига барибир-ку. Дарди йўқ кесак дегани шу бўлса керак-да. Нима муносабат билан бердийкин, деб ўйлаб ҳам кўрмади. Ҳали эрталик байрам ҳаёлининг кўчасига-да келмаган. Совға уёқда турсин, бир оғиз гап билан табриклаш ёдига тушсачи?.. Бу аҳволда умри бекор ўтадиганга ўхшайди. Мавлон Жавлонович ҳам одам-ку, уйда хотини қолиб, ишхонасидаги аллақандай котибанинг кўнглини олиб юрибди...

Ўз қадрини синаб кўрмоқчи бўлган аёл туғруқхонага тушсин экан. Уч кун аввал эсон-омон қутулиб олсам, бас, деган Гулшан бугунга келиб, туғруқхона ҳаётининг шиддатли оқимиға қўшилиб кетди.

Аввалига ҳамхоналар ўртасида шунчаки танишув бошланди:

— Бу нечанчи, тўнғичингизми? Қанча кило туғилди?

— Сизни қаердадир кўргандайман. Янги ЦУМда ишламасмидингиз?

— Болангиз ўғилмиди? Меники яна қиз бўлди, ҳали уйдагилар қовоқ-тумшук қиладими, деб юрагим безиллапти.

— Хўжайин қайда ишлайдилар? Вой, оддийгина мактаб директоримилар? Бўйнингиздаги занжирни кўриб ювилернийда турармикинлар, деб ўйлабман...

Ана шундай қисқа танишувдан сўнг ҳамширалар қақалоқларни эмиздиргани олиб киришди. Бирпасда ҳаёт икери-чикирлари унутилди. Ҳамхоналар ўз фарзандлари билан овора бўлиб қолишди. Айниқса, Гулшанга ўхшаб илк фарзанд кўрганлар қақалоқларни ялаб-юлқаб ташлашди, ўпавериб лунжини шиширворишди. Ҳамширалар уларни қайтариб олиб чиқиб кетишгач, суҳбат яна аёллар севган мавзуларга кўчди.

Учинчи фарзандини туққан, лўппиюз, қорақош жувон ҳамхоналарини қойил қилмоқчи бўлгандай шанги овоз билан ҳаммани ўзига қаратди:

— Қайнонамлар баннисадан тушишимга «Жиммининг кўз ёшлари» деган материалдан кўйлак тиктириб қўйибдилар. Вой, нимага овора бўласиз, дедим. Ахир ўтган гал ҳам шунақа кўйлак қилувдиларда.

Унинг гапини бош силкиб маъқуллаб турган хушрўй, аммо олд тишлари сўйлоқ келинчак гапирди:

— Нега унақа дейсиз, қилади-да. Аёл киши кўз ёриганда ўлим ёқасига бориб қайтади-ю, яна қизғаниш ҳам борми, ўргилай.

Бунга арвоҳдай ориқ, гапирганида қошининг икки учи кўтарилиб-тушадиган жувон қўшилди:

— Ҳай, ўттоғлар, озиб-ёзиб шунақада эрларимизни эритволмасак, қачон бирор нарса оверади. Мана, меники «агар ўғил туғсанг, беш ип марварид совға қиламан», деганлар. Қани, энди обермай кўрсинлар-чи!

Она бўлганига қувониб еру-кўкка сиғмай, ўзини қўйгани жой тополмай юрган Гулшан бунақа гаплардан кейин ўзгарди-қолди, хомуш тортди. Кеча ҳам эшитувди, аммо ҳамхоналарининг мақтанишларига унчалик эътибор бермаганди. Ахир аёл киши бисотида биттаю-битта кўйлаги бўлса ҳам қайси бирини кийсам экан, деб дугонасидан маслаҳат сўрайди-ку! Ҳангомаларга қулоқ осмай, вақт топди дегунча қизчанинг кулчадай юзига, билинар-билинемас қошларига, pistaдеккина бурнига тикилиб юривди. Аммо бугунга келиб феъли куз ҳавосидай айниди-қолди.

Диққатпазлик, «қизалоқли бўлдингиз» деб хушхабар етказган ҳамширага эри берган суюнчидан бошланди. Уч сўмнинг дарагини эшитиб эрига индамаса ҳам ичиди оғринди, қовоқ-тумшук қилди: «Қурумсоқ, яхшиямки еттинчи ё саккизинчисимас». Кўтариб келгани икки қути печенье билан бир шиша қатиқ. Топган гапига ўлай дейсиз: кўзи ёриган аёл парҳез сақлаши керакмиш, абаси шунақа деганмиш. Бу гапни эшитиб эрини бир ҳикоядаги сўтак йигитга ўхшатиб юборди. Эртасига қорақош ҳамхонаси ярасига туз сенди:

— Намунча эрингизни авайлайсиз? Нимаббало, қиз туғдинг деб уч кунда бир хабар оляптими? Сал мундай қаттиқроқ туринг, тирноққа зор нечтаси юрибди. Шундоқ гулдай хотинининг оёғини ўпса арзийди. Меникини кўряписиз-ку, бир кунда уч маҳал дераза чертади...

Туғруқхонадан уйга тушгунча фарзанд илинжидаги ширин орзулар, эсон-омон меҳмон кўргандаги қувончли сониялар, қақалоғини қўлга олиб бағрига босгандаги, тўйиб-тўйиб ҳидлагандаги роҳатбахш дамлар ўринини бора-бора ғашлик, алам, эрига нафрат туйғулари эгаллай бошлади. Эр ва қайнонанинг ҳар бир сўзидан, ҳаракатидан нуқс қидирди. Уйга жавоб бўлганида эри машина ушлалмай уёқ-буёққа чопганида ҳам, уйда қайнонаси бир кийим бўзрайган матони қақалоқнинг бошига қўйиб чиқиб кетганида ҳам, хонага исриқ тутатиб киришганда ҳам тутатиб, жаҳли чиқаверди.

Орадан уч кун ўтгандан кейин яна улар ўртасида жанжал чиқди. Гулшаннинг онаси келувди. У қизидан ҳол сўраган бўлди, набирасини суюб эркалади. Кейин қудасига юзланди:

— Қуда, болаларимизнинг биринчи фарзанди. Кичикроқ тўйча ўтказиб, яқин-

атрофни чорласакмикин? Биз ҳам серуруққинамиз, яккам-дуккам келавериб, ҳали безор қилиб юборишади.

— Майлию, куда,— ялинганнамо чайналди Ҳидой хола.— Бошимда эркагим йўқ, кўчага чиқиб беш сўм топиб келишга қўрбим етмайди. Куёвингиз ҳам ёлғизқўл, бир томонда уй бошлаб кўйган. Шунга сал сабр қилиб турайликми дедим. Ҳали олдинда қанча-қанча тўйлар бор. Худо хоҳласа, келаси гал ўғил кўрса, ҳали катта тўйлар қила-
•изми?

Онаси индамади. «Ўзларинг биласизлар» дегандай лаб буриб, қош кериб қўяқолди. Уни кузатгач, кечқурун эри келганда жанжалнинг каттасини Гулшан бошлади:

— Ҳа, қиз деб назарларинг илмаяптими? Бунақа боланинг қадрига етмаганга фарзанд ҳам ҳайф экан! Қўлингиз калта экан, бўйдоқ юравермайсизми? Уйланишни ким қўйибди, рўзғор тебратишга ярамасангиз?

— Гулшан, нима жин урди? Жа оғзим бор деб ҳақоратга ўтиб кетяпсан-а! Ким қилганини мен қилмабман ахир!

— Ие-ие, ҳали қўббани жубба этиб, ҳамма нарсани дўндириб қўйганман, деб ўйлаб юрибсиз, шекилли,— қўлини паҳса қилиб ҳайқира кетди Гулшан.— Уч сўм суянчи берган сизмидингиз? Одамлар хотини роддомдан тушганда симли материалдан қўйлак кийгазганда, сизнинг топганингиз ўттиз сўмлик нейлон бўлмадими? Бешик тўйи қилайлик деса, унга кўнмасанглар. Ҳа, гадойваччага ўхшаб йўқловга чиққан хотинларга ҳол-вайтار пишириб келайми?

— Ахир ҳаммасиям аста-секин бўлади-да! Очмасмиз, яланғочмасмиз. Мана, фарзанд ҳам кўрдик, тўй ҳам бўлар, қўйлакнинг ҳам қимматини кийиб қоларсан.

— Қачон, қачон, қариганимдами? Улиб бўлдим ёлғон ваъдалардан!— Гулшан ўрnidан туриб, қўлини белига тираб олди.— Қачон қарасанг, сабр қил, сабр қил. Э, сабргаям ўт тушин! Узи пешонам шўр экан. Гуноҳим нима ахир, сизга турмушга чиққаннимми? Е эр олмай кўчада қолибмидим?

Гулшан шундай деди-ю, бошини каравотдаги ёстиққа ташлаб ҳўнг-ҳўнг йиғига тушди. Ҳидой хола бемаврид гапириб, келинини хафа қилиб қўйдим, деб ўйладими, хонасидан чиқмай қолди. Эри уф тортар, ташқарига отилар, дам ичкарига кирарди. Хотинига нималардир демоқчи бўлар, аммо тез фикридан қайтиб, тинмай пешонасини ўқаларди. Чақалоқ биғиллаб йиғлашга тушди.

Гулшан алламаҳалгача шифтга тикилган куйи ҳиқиллаб ётди. Боласини қўлга олиш, ҳар кунгидай унинг чеҳрасига термилиш ҳам юрагига сиғмади. Индамай ўй суриб ётаверди. Тўри-да, у тенгилар аллақачон йўлини топиб, рўзгорини тиклаб олган. Ҳаммасининг оғзи тўла тилла тиш, ҳар бармоқда узук, ҳар маъракага турфа қўйлақда келади. Яхшиямки, у айримларга ўхшаб уйда бекорчи эмас. Аммо шунда ҳам бу қурумсоқ, танга тешар эр билан кўнгли-кўкси кўтарилмади. Топиб олган гапи: «Одамнинг бахти латта-путтада, тақинчоқда эмас, бир-бирига ардоқли бўлишда». Қуруқ савлатингни қуриб, қайси жувон ардоқларкин, кўрайлик-чи!

Шуларни миясидан ўтказаркан, турмуш ҳақидаги қизлигидаги тушунчалар ва чинакам ҳаёт ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигига энди ишонч ҳосил қилди. Ушунда эримнинг нуқси бўлмаса, эрталаб кетиб кечқурун кириб келса, гапимга қулоқ солса кифояда деб ўйлаган экан. Аммо адашибди. Эрнинг қоматию ҳусни, сўзамоллигию ишлаши сариқ чақага ҳам арзимас экан. Энг аввало омадини берсин экан, топармон-тўтармон бўлсин экан. Мундоқ ўйлаб қараса, жамики уриш-жанжаллари йўқчиликдан, эрининг камхаржлигидан келиб чиқибди.

Уз ҳаётини атрофдагиларга, синфдош дўгоналариникига солиштириб кўрди. Бирортасиникига ўхшатолмади. Ҳаммаси ўзига тўқ, ташвиши йўқ оилаларга келин бўлган. У эса мана шу оғзидан ошни олдириб, ҳамёнга тош солдириб ўтирадиган лавангга тегибди.

Айтишади-ку, пашшанинг чекани ахлатга қўнибди, деб.

Ушунда онаси нега Раҳимлариникидан совчи борганида бурнини жийирганини, «мушукнинг кўнгли қийма тилабдими», деб кесатганини энди тушунди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан. Тўй ўтибдики, онасининг қулоғи таънадан, пичингдан бўшамайди: «Шундоқ ҳурлиқо ўша тул кампирнинг тулаган ҳовлисига ҳайф!..» «Ҳай унақа камсита-верманг, овсин, ахир куёвбола беш йил институтда ўқиб келган-а!..» «Э, кейинги эрнинг дашномларидан тўйиб қизини суриштирвормай ҳам берворди-да, бечора».

Бор-э, деб бош олиб чиқиб кетгиси ҳам келади. Аммо ўйланиб қолади. Қаёққа ҳам боради? Онасининг ҳам, ўгай даданинг ҳам кўзи учиб турмагандир? Қучоқ очиб кутиб оладиган бошқа меҳрибони йўқ. Шунда ноилож ўзига-ўзи тасалли беради: «Ахир эрим ёмон одам эмас-ку! Ичиб келмаса, бирор марта чертмаган бўлса. Ҳатто сансирашга ҳам ботинолмайди. Қайнонам безор, кўзимга мўлтираб, салга қалтираб туради. Агар Раҳим ҳам Шарофатнинг эрига ўхшаб ичволиб, ҳар куни кўзимни кўкартириб турса нима бўларди? Шунисига ҳам шукр!...»

Хаёл сура-сура кўзи илиниб қопти. Боланинг шарпасидан чўчиб уйғонди. Эри қизини кўтарганича уйнинг у бошидан бу бошига юрар, дўриллаган овоз билан алла айтиб, уни овутишга беҳуда уринарди. Шошиб ўрnidан турдию чақалоқни қўлига олди, кўкрак

солди. Таниш ҳидни сезди шекилли, қизи ҳам тинчиди-қолди. Эри аллақандай ийманиб ва меҳр аралаш унга яйраб боқди. Гулшаннинг кўнгли бирдан юмшади. Бояги аламлари зумда тарқади. Кўзлари хиёл сузилиб, юзига табассум югурди. Кулгичлари ўйнаб, чеҳрасида мамнунлик порлади.

6

Мавлон Жавлонович ижроқўмдаги мажлисдан хуш кайфият билан қайтди. Қабулхонада ҳеч ким йўқлигини билгач, тўғри Гулшаннинг олдига келди. Унинг ноз ва энтиқиш билан ўрнидан турганини кўриб, сўрашмоқ учун узатган қўлини ўз кафтига қўйганича, бўш қўли билан устидан авайлабгина силади.

— Зерикмай ўтирибсизми, Гулшан?— сўради котибанинг қўлини қўйиб юбормай.— Мени ҳеч ким сўрамадими?

— Вой, бир ошнангиз кўнғироқ қилувди. Ҳозир... Исмини манаву ерга ёзиб қўювдим...

— Майли-майли, кейин топарсиз,— деди бошлиқ бепарвогина.— Ҳозир ходимларни тўпланг, катталарнинг гапини уларга етказиб қўяйлик. Иннакейин, мажлисдан сўнг олдимга кирсангиз, муҳим гапим бор.

— Хўп бўлади, Мавлон ака, — деди Гулшан яшнаб, қўлини оҳиста тортиб оларкан. У ходимларни бирма-бир мажлисга хабарларкан, миясида шубҳа ва қизиқиш ғи-мирлаб кўярди. Қанақа муҳим гап айтаркан Мавлон акаси? Ушанда, ярашиб олишгандан кейин бошлиқ ва котибанинг ораларидан қил ўтмайдиган, бир соат кўришмаса чидолмайдиган бўлиб қолишди. Энди у тўппа-тўғри «Мавлон ака» деб мурожаат қилса, бошлиғи ҳам «жоним Гулшанхон» деб лабидан бол томади. Аввалги котибанинг қари қизларникидай жиртакилигидан, бармоғи тегиб кетса сапчиб тушишидан юрак олдириб қўйган Мавлон акаси энди пана-панага тортиб белидан кучишдан, гоҳида «бехосдан» оппоқ бўйни, гажак ёпишган ёноқларига лаб теккизишдан тортинмай қўйди. Март байрамида совға қилинган узук Гулшаннинг ихтиёри ва тилига тақилгандай бўлди. Шунинг учун ҳам у ҳозир мажлис тугагини бетоқат кутар экан, охириги ходим чиқиб кетиши билан ҳаялламай ичкарига кирди. Эшикни муҳкам зичлади.

Мавлон анча вақтгача унинг ҳол-аҳволини сўраб ўтирди. Гулшан бир-икки марта соатига қараб қўйганидан кейин мақсадга кўчди:

— Гулшан, бугун кичкина ўтиришимиз бор эди. Шунга сизни ҳам таклиф қилмоқчийдим.

— Қанақа бўларкин,— бироз ўйланиб тургач деди Гулшан.— Уйдагилар кечқурун кўпам рўйхушлик беришмайди. Иннакейин, ўтириш нима муносабат билан ўзи?

— Ноқулай бўлса ҳам... Тўғилган куним эди... Унча кўп одам бўлмайди.

— Э, чин кўнгилдан табриклайман, Мавлон ака!

— Раҳмат, Шунга қатнашсангиз хурсанд бўлардим. Бир-икки яқин одамларни айтганман. Хоҳласангиз, хўжайинни ҳам бошлаволинг.

— У киши командировкага кетганлар.

— Унда яна яхши! Ҳа, айтгандай, ўтириш уйда эмас, бошқа жойда бўлади. Яқинда янги меҳмон кўрганмиз, хотин ҳали уриниққа ярамайди.

— Қўшалоқ тантана денг... Ие, мен у ерни билмайман-ку?

— Янги шаҳарда. Ҳозир адресини ёзиб бераман.

Гулшан адрес ёзаётган Мавлоннинг қўллари титраётганини кўриб ҳайрон бўлди. Аммо бир сўз демади. У берган қоғозга тикилганича хонадан чиқди.

У магазин айланиб, бошлиғига совға қидирди. Сўнг қизини боғчадан олиб, қайнона-сига топширди. Келинининг қаёққадир отланаётганини кўрган Ҳидой хола арчаётган картошқасини сувли жомга ташлаб, саволомуз қаради. Буни сезган Гулшан аввалроқ маънили баҳона топиб қўймаганидан бироз шошиб қолди:

— Ҳалиги... бир дугонаникида маърака бор эди. Ишхонамиздаги ҳаммани айтганди. Мен ҳам борсам дедим.

— Нимага шипиллаб қолдингиз десам, бу дардингиз бор экан-да. Айтмайсизми, эрим йўқ эди, ижозат олмаганман деб!— Келинга шубҳа аралаш синчковлик билан тикилаётган Ҳидой хола ноиллож, таҳдид билан тайинлади,— жа иложи бўлмаса бонинг-у, кўп ўтириб, ҳаяллаб қолманг, бўптими?

У уйга кириб, тошойна олдига анча туриб қолди. У ерда қанақа одамлар бўларкин? Агар ҳаммаси Мавлонга ўхшаш катта охурдан ем ейдиганлар тўпланса, бормагани яхши. Кийгани мундоқ тузукроқ кўйлаги ҳам йўқ. Бари аллақандай урфдан қолган оддий матолардан. Бир-икки марта йиғиб юрган пулига қўйлак олиб кийволай дедию, бошларига уй қуриш тургани учун қайнонадан ҳайиқди. Ҳали улгурарман, деб ўзига тасалли берди. Агар ишхонасидаги Ризвонга ўхшаб атир гулли «Нилуфар»дан қўйлак тиктирса борми, ҳамманинг кўзини ўйнатворарди. Узини ўша қўйлакда тасаввур қилиб баҳри-дили очилди, жилмайиб қўйди. Кейин нигоҳини кўзгуга кўчирди. Ундан ҳинд қизлариникидай қорамағиз чеҳра ним табассум билан қараб турарди. Пешонани тўлдирган кўнғироқ сочлар, ингичка пайваста қошлар, шўх чақнаган кўзлар, чимдиб олган-

дай бурун, жажжигина оғиз... Унинг юз-кўзидан тирноқча ҳам нуқс топиб бўлмасди, ҳаммаси ярашиқли, мутаносиб. «Ҳали чакки эмассан, Гулшан» деб ўзича қувониб қўйди. Фақат ёноғидаги ҳомиладорлигидан орттирган билинар-билинмас доғлар кўнглини сал хижил қилди. Еғупа олиб ўша доғларни яширишга уннаб кетди.

...Гулшан иккинчи қаватдаги чарм қопланган эшик қўнғироғини чалганда оқшом туша бошлаганди. Ичкаридан паст кўй товуши аранг эшитилиб турарди. Алланарса ғарақлаб кетди. Эшикни Мавлон очди. Гулшанни кўриб севингани шундоқ кўзларидан билинарди. Уни келмайди деб ўйлаган ёки уйни топишига ишонмаган бўлса керак.

У йўлакка туфлисини ечиб, Мавлон узатган шиппакни оёққа илганича ичкарига кирди. Безатилган дастурхон атрофида бақ-бақалоқ, пўрим кийинган бир йигит билан унинг ғирт акси— эчкидай ориқ, юзи ҳам чўзинчоқ, аммо ўзи хушрўйгина жувон ўтирарди. Гулшан саломлашди. Улар бараварига туриб, Гулшан билан қўл бериб кўришишди. Кейин рўпараларидаги курсига таклиф қилишди. У хижолат чекиб, ийманибгина ўтираркан, негадир рўпарасидаги аёлнинг бўйнидаги марваридга нигоҳи тушди. Озгин бўйнига шундоқ йирик марварид ярашмабди, деб дилидан ўтказди. Шунда у ҳамон қўлидаги совғани топширмаганини эслади. Уни Мавлонга узатаркан, секингина «туғилган кунингиз муборак бўлсин» деди. Мавлон эшитмагандай, совғани ҳафсала-сизлик билан ёнидаги юмшоқ ўриндиққа ташлади-да, уларни таништиришга ўтди:

— Бу гўзал боя сизларга айтганим— Гулшанхон. Бир идорада ишлаймиз, бизнинг котибамиз.

Бақалоқ йигит ҳам, хотини ҳам бараварига: жуда яхши, жуда яхши, мана, танишиб олдик, дейишди. Мавлон яна давом этди:

— Манави полвоннинг исми Маҳмуд, лақаби Тарвуз.

— Ҳўв, бола, лақабга ўтиш бўлса энди мендан кўрасан,— дея ёлғондакам пўписа қилди бақалоқ.

— Ҳазил, ҳазил,— деди кула-кула Мавлон ва яна Гулшанга қараб, таништиришга тушди.— Ёнларидаги паризод эса Тарвузни одам қилиб юрган маликалари Нодирахон. Мени танисанлар керак. Уй-жой идорасини юргизиб турган акаларинг Мавлонбек бўламан. Ҳўп, мана, танишиб олдик. Энди ёппасига дастурхонга ҳужум.

Дастурхон жуда тўкин, писта-бодомдан тортиб бодринг-қулупнайгача, парракланган қазидан тортиб, «Қуш сути» тортигача бор эди. Гулшан ранг-баранг неъматлардан кўз узолмай қолди. Гоҳ рўпарасида ўтирган, бурундаги холдай бир-бирига номуносиб эр-хотинга пинҳона назар солади. Бақалоқ ширакайф шекилли, ўнг қўлини уялмай-нетмай аёлнинг елкасига ташлаб олган. У бўлса, эрининг шилқимлигига ғаши келиб, мўйчинак азобини роса тортган қошларини чимирганича лаб-лунжини осилтириб ўтирарди.

Гулшан энди хона жиҳозларига эътибор берди. Бу ерни ўзининг уйи билан солиштириб, томоғидан овқат ўтмай қолди. Ана яшашу мана яшаш! Бир томон бошдан-оёқ хорижий ялтироқ жавонлар. Ойнаванд қисмига биллур қадаҳлар, гулдонлар терилган. Бир токчасида пахта гулли чойнак-пиёлалар, «кийик», «анор» чой сервислари. Тепароқдаги токчада бир хил зарҳал муқовали бир неча жилд китоб. Жавон тепасида тумшуғи ингичка ялтироқ обдасталар. Япон магнитофонидан арабча куй янграб турибди. Ҳатто дераза пардаси ҳам ялт-ялт матодан мослаб танланган эди.

Мавлоннинг узатган қадаҳи унинг юрагига ҳавас ўти солган ёқимли машғулотини бўлиб юборди. У «ичмайман» дегандай, кулиб бош чайқади.

— Ие, бунақаси кетмайди. Гулшаной,— бақалоқ ёғли лабини оппоқ сочиққа артаркан, уни қисталангга олди.— Дўстимнинг туғилган куниде ичмаслик, унга яхши тилак билдирмаслик— гуноҳи азим-ку! Олинг, йигитнинг сазаси ўлгунча шайтоннинг бўйни узилсин!

— Мен... ҳеч ичмагандим. Агар унчалик бўлса, озгина шампан қуяқолинг.

Мавлон чаққонлик билан чўзинчоқ қадаҳга шампан қуйиб берди. Гулшан тилак билдириб бир ҳўплаб қўйди. Буни бақалоқ кузатиб ўтирган экан, яна пинғиллаб но-розилик билдирди:

— Йуқ, тўст айтган одам охиригача олади. Нима, ўз гапингизга ўзингиз қаршимисиз?

Гулшан ноилож қадаҳни минг азобда охиригача симирди. Сўнг бироз рақс тушишди. Аммо давра қизимас, ичкилик ва куй ҳам ўтиришга файз киритолмасди. Гулшан худди бошқа кўрага кириб қолган қўйдаи, қисиниб-қисиниб, ётсираб ўтирарди. Рўпарасидаги аёлнинг ялт-юлт товланаётган кўйлигию турфа тақинчоқларига ҳар гал кўзи тушганида ўзининг ночор аҳволидан уяларди.

Ярим соатлардан кейин бақалоқ жуфти билан қўзғалиб қолди. У туриш олдидан маънодор жилмайганича насиҳат қилди:

— Гулшанхон, ошнамни хафа қилиб қўйманг-а! Одам дунёга бир марта келади, ўйнаб қолиш керак. Энди бизга узр. Маъракамиз бор эди. Мавлонбек оғриниб қолмасин деб, аввал бу ерга таширф буюргандик. Ҳўп, яхши қолинглар.

Гулшан бақалоқнинг гапларига унча тушунмади. Шунинг учун беихтиёр бошини қимирлатиб, улар билан нохушгина хайрлашди. Мавлон меҳмонларни кузатгани чиқиб

кетгач, хавотирланиб соатига қараб қўйди. У ҳам жўнаши керак. Яна қайнонаси гўрига фишт қалаб ўтирган бўлмасин!

Мавлон қўлларини бир-бирига ишқалаганича тиржайиб кириб келди:

— Мана энди душман аралаштирмай, икковлон бир мазза қиламиз. Тўғрим, жон!

— Мен ҳам тураймай девдим, Мавлон ака! Қайнонамнинг юраклари торроқ.

— Э, қизиқсиз-а! Хўжайин Тошкентда бўлса, нимадан хавотирланасиз? Бирпас ўтирайлик. Кейин ўзим ташлаб келаман.

Мавлон шундай дедю бошқа гапга ўрин қолмагандай, яна қадаҳларни тўлдирди. Боягидан сал боши айланиб, вужуди қизий бошлаган Гулшан энди ичмаслик учун Мавлонни чалғитмоқчи бўлди:

— Меҳмонлар нега тез туриб кетишди?

— Маҳмудми? Э, янаям кўп ўтириб қолди. Бирров табриклаб кетмоқчи эди, бошлиғиникида вечер бор экан.

— Хотини унинг ғирт акси экан.

Мавлон кулди. Гулшаннинг таажжуб билан қараб турганидан ўнғайсизланиб изоҳ берди:

— Хотини ўзига ўхшаш тўлагина. Нодира унинг иккинчи хотини.

Гулшан бақалоқнинг ҳеч нарсадан тап тортмай, ҳаёсизларча ўтирганининг сабабини энди англади. Бояги жувонга раҳми келди. Мен бўлганимда танобини тортиб қўярдим, дея ҳаёлидан ўтказди. Рост-да, шилқимлигини ҳеч ким йўғида қилмайдими?

Мавлон яна қадаҳни қўлига тутқазиб, ичишга қистай бошлади. Охири Гулшан безор бўлди. Шунини ичсам қутуламани, дегандай шартта қадаҳни кўтарди. Онда-сонда шунақа қуюшқондан бир чиқса, осмон узилиб тушармиди!

Бу қадаҳ тўғри миясига ургандай бўлди. Фикрларини айқаш-уйқаш қилиб юборди. Шунинг учун берган саволининг нақадар бемаънилигидан ўзи ҳам хижолат тортиб кетди:

— Бошқа ҳеч ким бу ерга келмайдими?

— Бир-бирини тушунган икки ошиқ-маъшуқ ўртасига Қоработир суқулиб нима қилади?— Мавлон қувлик билан кўзини қисиб гапирди.

— Ҳой одам, бошлиқман деб талтайманг! Ахир эрим бор-а,— Гулшан пўписа қилди.

— Менинг ҳам хотиним бор, индамай ўтирибман-ку!

— Э, эркакларнинг йўриғи бошқа-да!

— Тўғри айтасиз! Иннайкейин, эрингиздан ажратиб, тортиб олиш ниятим ҳам йўқ. Фақат ғам-ташвишларни бир унутиб, роҳат қилайлик! Мендаям, сиздаям оила бор. Иш деймиз, бола-чақа деймиз, ҳаш-паш дегунча ёшлик ҳам ўтиб кетади. Қарабсанки, қариганда эслайдиган тузукроқ хотира ҳам бўлмайди. Иннайкейин, анчадан бери сизни яхши кўриб қолганман, айтолмай юрибман.

— Ҳамма эркакларнинг одатдаги дийдиёси. Хотинингизни-чи? — Гулшан атайин ўсмоқчилаб сўради.

— Хотиннинг йўриғи бошқа! Бир хил овқат меъдага тегади, жон. Иннайкейин, биз бегоналар эмасмиз-ку!

У ёғини Гулшан унча эслолмайди. Ичкиликдан боши айланиб, тўғри гапга ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулаверганини, Мавлон акаси ҳарсиллаб ўпмоқчи бўлганида, унинг ёғли лабларидан ўзини ҳарқанча опқочмасин, танаси миясига бўйсунмай қолганини элас-элас эслайди. Кўзини очса ётоқхонада, оппоқ тўшак устида яланғоч ётибди. Бирдан кўнгли хижил тортди, юраги сиқилди. Нималар қилиб қўйдим, деб ўзини қарғади. Кейин тирсагига тиралиб, атрофига кўз югуртирди.

Бу хона наригисидай серҳашам бўлмаса-да, дид билан жиҳозланганди. Шундоққина ўрин тепасига михланган гиламнинг гуллари тунги чироқнинг хира ёғдусида ҳам кўзни қамаштиргудай бўлиб товланиб турарди. Бирпасда кўнглидаги ғаш нари кетди. Ўзини мана шу кўркем уйнинг бекаси сифатида тасаввур қилиб кўрди. Кўксидан ширин хўрсиниқ отилиб чиқди. Бегона эркакнинг эркалалари, тўшакдаги қилиқлари ғайритабий тўшолди. Мавлон билан эрини хаёлан солиштириб кўрди. Унинг ҳар жиҳатдан ютқазганини ўйлаб, эр танлашда шошилганига ўқинди.

Ширин ва ёқимли дамлар ғоят қисқа бўлади. Ҳозир ҳам шундай кечди. Бояги мамнунлик ва эркаланишга мойил турган вужудини яна кўрқув ва ҳадик эгаллади. Ўзини сўроққа тутди. Шунақа ҳам енгилтаклик қиладимми? Мабодо эри сезиб қолса нима бўлади? Тамом, бу аҳмоқлик биринчи ва охиригиси. Тилида шундай дерди-ю, дилидан «агар уйим шунақа бўлганида, ўзимни энг бахтли аёл санардим», деган сўзлар кечаётганини ўзидан пинҳон тутолмасди.

У ярим тунда уйига келганида қайнонаси баҳорда ҳам йиғилмаган сандал ёнида қўлини жағига тираб пойлаб ўтирган экан. Бунини кўриб, Гулшан довдиради. Уни аллақачон ухлаган, деб ўйлаганди. Борди-ю, қайнонаси сезиб қолса-чи? Индамай уйга ўтиб кетаверса ҳам бўларди, аммо қизи ўша ерда. У айвонда у ер-бу ерини тузатди, қўллари

билан фотиҳа ўқигандай юзларини силаб қўйди. Ҳидой холага қарамасликка тиришиб, ер сузганича салом бериб ичкарига кирди.

— Бунча кеч қолмасангиз, қизим! Ёш болали жувон ҳам шунақа бепарво бўлади-ми? Шоирангиз абамни топиб берасан, деб хит қилиб юборди. Йиғлай-йиғлай яқинда ухлаб қолди.

— Утириш чўзилиб кетди, ёлғиз ўзим туриб келавергани кўрқдим, — бош кўта олмай гапирди Гулшан.

— Бемаҳал юрган аёлдан яхшилик кутма, дейишади. Эрингиз шу ерда бўлсаям гўрғайди. Хавотир олавериб, хаёл неччи кўчага кириб чиқди.

Гулшан индамай боласини кўтариб, эшикка юрди. Унинг ҳар бир қадамини божхона ходимидай кузатиб турган қайнонаси:

— Шу ерда ётиб қўяқолинглар, — деди.

— Шоира каравотида ётмаса, думалайвериб безор қилиб юборади, — баҳона топди Гулшан.

У уйга кириб, қизини ётқизди. Кейин ўзи тошойна олдига бориб, чеҳрасига разм солди. Пешонасидаги ҳурпайган сочларини рўмол ичига олди. Қовоқлари, кўзининг остлари чарчоқданми ё ичганиданми, қорамтир товлаб қопти. Ишқилиб қайнонаси сезмадимикин? Ёки сезган бўлсаям ярим тунда жанжал кўтармайин деб, индамай қўя-қолдими? Шуни ўйлаб юраги увишди. Гўё эри ҳаммасини эшитиб, адабини берадигандай кўрқув босди. Кейин яна ўзини қўлга олди: қайнонаси сезмаган, йўғаса дарров юзига соларди. Одатдагидай урмайди, сўкмайди, аммо сизлаб туриб жонини олади.

Кўнгли сал хотиржам тортиб, ўзини овутишга ўтди: нима, энди ўша қўрумсоқни деб гулдай ёшлигини муҳтожликда, ғурбатда ўтказиб юборсинми? Эр эмиш... Ўзи шу ерда бўлса ҳам, барибир қаерда юрганини сўролмасди. Унинг эрлиги қаёққа борарди: бошқаларга ўхшаб мундай тергамаса, суриштирмаса, рашк қилмаса? Амманнинг бузоғига ўхшаб, хотини нима деса кўзига мўлтирайди. Унинг бу қилиғи Гулшанга ёқиш у ёқда турсин, ғазабини қўзғайди. Ўзини камситилган сезади. Топловган гапи: «Севаман, жонимдан ортиқ кўраман, сендан ажраш менга ўлим!»

Дунё деганлари тескари қурилган экан. Ўзини тутиб олган одамлар аллақачон катта-катта амалларнинг эгаси бўлишган, уйлари шоҳона, тағларида ҳам шахсий, ҳам хизмат машинаси, омонат қассада беш-ўн минг жамғарма. Аммо бунақаларнинг олди элликка яқинлашиб қолган. Уз тенгим деб теккан эрининг аҳволи мана бу: эғнида куёвликдаги костюми, ё тўрт, ё беш марта химчисткага меҳмон бўлган. Уй тўкилиб ётибди, машина тугул велосипед олишга ҳам қурби етмайди. Амали ҳам идорада қоғоз титиб, чўт қоқишдан нарига ўтмайди, шекилли. Оғзини очса балога қолади: «Сабр қил, ҳали ҳаётимиз изга тушиб кетади, орзу қилганингни киярсан, машиналик ҳам бўламиз». Э, ҳаммаси ордона қолсин! Ҳайт-ҳуйт деб ёшлик ҳам кўз юмиб-очгунча ўтиб кетади. Ҳозир авжи ўйнаб-куладиган, киядиган пайти.

Кўпинча кўзгуга термилиб юраги шувиллайди. Ҳозир ўзи ҳам ёш, ҳусни ҳам ҳавас қилса арзигудай. Аммо ёшлик ҳам, гўзаллик ҳам бир умрга хатлаб берилмаган-ку! Оқин сувдай ўтади-кетади. Ахир дунёга икки марта келганингда ҳам айтардинг: ҳозир қийналсам, кейингисида яхшироқ яшайман, деб. Минг афсуски, бир марта яшайсан, бунинг устига, умр жуда қисқа.

Уни қандай келажак кутяпти ўзи? Ун йилдан сўнг нима бўлади? Балки эрининг иши юришиб кетар, пули ҳам кўпаяр, борингки, уй ҳам, машина ҳам топилар? Лекин унда бари бекфойда-ку! Ахир «хотин киши ўттизда ўтин», дейишади. Унда бойлигини бошига урадими?

Гулшан қарама-қарши ўйлар, бир-бирига ўхшамас турфа режалар гирдобига тушиб қолган эди. Паришон ҳолатда ўрин солиб, кўрпага киргандан буён салкам бир соат ўтди-ю, ухломасди. Тана ҳоргин, аммо кўзга уйқу келса қани? Хаёл қўрғур боягина содир бўлган воқеага кўчаверарди. Ғирт аҳмоқлик қилди-да ўзи! Турмуши ёмонми? Эри бор, фарзанди бор. Тургани уй, егани овқат муҳайё, кўп ҳам яланғоч қолмаган. Эрининг қўли қисқалигини ҳисобга олмаса, бинойидек йигит. Ҳар сўзига жавоби — «хўп»! Яна нима керак сенга, ношукур банда?!

Гулшан телба-тескари ўйлар билан қачон ухлаб қолганини билмади. Эрталаб ўтган ишларнинг барини унутиб юбораман, деб ўйлаганди. Аммо бундай бўлмади. Ўрнида ётаркан, кечаги лаззатли дамларни ҳозир ҳам ширин илинж билан қўмсаётганини сезиб қолди. Бу машъум, хиёнаткорона истакни вужудидан қувмоқчи бўлди. Аммо ҳиссиётлар ўзига бўйсунмади. У икки ўт орасида қолганди. Бир томонда шоҳона ҳаёт, маликаларникидай ясан-тусан, шинам безатилган хонада товус янглиғ юриш завқи кўнгилни қитиқлаб қўяди. Иккинчи ёқдан мабодо «у ишлар» фош бўлиб қолганида қайнона ва эрининг, уйдагиларнинг қандай аҳволга тушишини, ишхонадагиларнинг шивир-шивирини ҳис этиб, юрагини кўрқув ва номус пармалайди.

Барибир Мавлоннинг сиймоси кўз олдига келаверди. Тарозининг у турган палласи босиб кетаверарди. Хайрлашаётганда, агар учрашиб турсак, мана шу квартира бизники бўлади, бир танишдан ижарага олдим, деди. Аммо Гулшаннинг бунга ишонгиси келмади. Қайси гўсхўр шундай бекаму кўст ўйни ижарага бериб қўярди. Албатта у Мавлон-

нинг ўзиники. Фақат сув лойқаланмасин, деган баҳонада шундай йўл тутган. Иннайкейин, гап квартирада ҳам эмасди. Мавлоннинг ўзини сал виқор билан тутиши ҳам, ишхонадаги обрўси ҳам Гулшанга бўлган эътиборию уни қўллаб туриши ҳам, қолаверса, эрига нисбатан бир неча баробар сахийроқлиги ҳам жувонга жуда-жуда хуш ёқарди.

Хаяллар уни кўп эзди. Минг томонни ўйлади, юз хил режа тузди, бир неча бор қарорини ўзгартирди. Гоҳо ўзини ўксик сизди, гоҳида уни шу кўйга солгани учун эридан ўч олиш ҳисси ғолиб келди. Гулдай умри мана шу тўкилиб турган ҳовлида ўти кетаётганига гўё у айбдор эди.

Ушанда эр-хотин орасига биринчи, аммо каттагина раҳна тушганди. Уч кундан кейин эри келди. Икковлон яхши кўришишди. Гулшан бир-икки кун «томир ушлаб» юрди. Аммо эридан на садо чиқди, на эътибор кўрди. У Раҳимнинг бу гаплардан хабар топиб, уни ўласи қилиб калтаклашини хоҳларди. Шунда у ўз айбларини бироз ювган ва иккинчи хиёнатга юз бурмасликка қасамёд қилган бўлармиди? Йўқ, кутгани чиқмади. Ҳафта охирида ишдан сўнг бир лозимандани баҳона қилиб яна ўша шинам квартирага — Мавлоннинг ҳузурига жўнади. Бу гал ташаббус жувоннинг ўзидан чиқди...

У ердан бир кийим янги урфга кирган қимматбаҳо кўйлакли мато билан қайтди. Бу гал қайнонанинг кўнгли ниманидир сизди шекилли, ҳар бир қадамидан нуқс топиб, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ қилаверди. Бунга Гулшан тутақмади ҳам, ҳайрон бўлмади. Она-боланинг жиғига тегиш учун ўзини бепарво тутар, «ади» десалар «бади» деб жавоб қайтарар эди.

Икки ой деганда Раҳим суюкли хотинининг анчадан буён хиёнат қилиб юрганини англади. Ўзини уёққа урди, буёққа урди. Бориб Мавлон билан муштлашмоқни ҳам ўйлади. Аммо кеч эди. Хотинини ҳам, бахтини ҳам бой бериб қўйганини сезиб турарди. Жанжални каттароқ кўтарайин деса, маҳалла-кўй, қариндош-уруғ, ишхонадагилар ўртасида шарманда бўлгани қолади. Эрақк учун бундан ҳам ортиқ жазо бормикин ўзи? Индамай ажрашиб кетаверса, кўз очиб кўрган хотини, бу ёқда бола етим, яна уйланиш осон эмас.

Боши қотди. Бир кечада сочига оқ тушди. Ўзининг лапашанглигини, бепарволигини лаънатлади. У тинмай ҳовлида юрар, бошини чангаллаб, уҳ тортарди. Ҳамма нарсани унутиб яшаб кетаверай деса, эраққлик ғурури асло йўл қўймайди. Ахир эшитганлар қўлини бигиз қилмайдими, чекка-чеккада ғийбатни қизитишмайдими, таъна-маломат тошларини отишмайдими? Шунча йил яшаб, Раҳим биринчи марта тақдирнинг бундай жумбоғига дуч келганди. Икки ўт орасида қовурилиб, боши берк кўчага кириб қолганди.

Охири ҳамият устун келди. Негадир хотинининг сумкасини ҳовлига отди. Кейин овозининг борича қичқирди:

— Йўқол, бу ҳовлидан! Наҳс босган башарангни қайтиб кўрмайин!

Ҳозиргача хотиржам турган Гулшан унинг бу вазоҳатидан бироз чўчиди. Аммо сир бой бермай, оҳиста гапирди:

— Ҳайдамасангиз ҳам кетаман! Бунақа қурумсоқ, оғзидаги ошни олдирадиган эрга жа кўзим учиб турмаган эди.

— Тезроқ йўқол, акс ҳолда ё сени, ё ўзимни бирор нарса қилиб қўяман!

— Э, агар бу қўлингиздан келганда, эҳтимол мен бу аҳмоқликни қилмаган бўлардим. Ҳай, пешона экан, кетаман. Кўчларга кейинроқ келарман. Аммо бир нарсани айтиб қўяй. Мендан кейин кимга уйланасиз билмадим-у, агар шу рўзғор тутишингиз бўлса, ундан ҳам айриласиз. Ҳозирги аёллар топиб келган юз эллик сўм маошингизга қаноат қилиб ўтиролмайдими.

Раҳим индамади. Унда гапиргани мажол қолмаганди. Гулшан тинмай йиғлаётган қизини кийинтирди. Зарур кийимларини тўрхалтага солди. Остонада бошини чангаллаб ўтирган эрига, кўзларида нафрат ва мунг билан қақшаганча келинни қарғаб қолаётган қайнонага бир-бир назар ташладию кўчага отилди.

8

Қуёшнинг қизғиш нурлари кўп қаватли уйларнинг пештоқларига бирпас ранг сочиб турдию кейин сўнди. Қайнаб ётган бетон уйлар кечки салқинга кўрак тутди. Кун бўйи мудроқ чол-кампирларга макон бўлган янги шаҳар ҳозирга келиб гавжумлашиб кетган. Ҳамма уйига ошиқади. Аёлларнинг миясида кечки овқатнинг, кеча ювишга улгурмаган кирларнинг, бевақт тушаётган ажинларнинг ташвиши. Эраққлар тезроқ телевизор рўпарасидаги диванга ёнбошлаш иштиёқида чарчоқ оёқларини зўрлаб судрашади.

Гулшан хона эшигини очиб, ичкарига кирди. Тўрхалтани ерга қўйди. Энгашиб Шоирани ечинтира бошлади. Қизи онасининг қистови билан беихтиёр ечинар, аммо оғзи гапдан сира бўшамасди:

— Анави бор-ку, Юлдузнинг абаси, ўша боғча опамизга атир олиб келиб берди. Энди боғча опа Юлдузни урмасмиш! Сиз ҳам оберасизми?

— Нима, боғча опанг урадимми?

— Урганлари йўғ-у... Иннайкейин, дедомла энди уйимизга ҳеч келмайдиларми?

— Ким айтди бунақа деб?

— Юлдуз-да. Дедонг келмайди, деди. Абанг ёмонлиги учун уйдан ҳайдаган, деди. Абаси шундай деганмиш.

— Бекорларни айтибди. Энди сен унақа гапларга қулоқ солма. Бундан кейин Юлдуз билан ўйнама. Ёлғончи қиз экан.

— Бўпти. Энди дедомлар келаллами?

— Эндими?.. Мавлон амакинг бор-ку, ўша киши сенга дада-да! Кўпгина ўйинчоқ келади.

— Йўқ, йўқ, Мавлон амакини дада қилмайман. Ўйинчоқ ҳам керакмас. Ану-чи, ўша амаки доим менга хўмрайди. Ўз дедомлани чақириб келаман-а?..

— Хўп, майли... Энди сен телевизор кўриб ўтиргин. Мен овқатга уринай, бўптими?

— Энди сиз ҳам Юлдузнинг абаси билан ўртоқ бўлмайсиз-а?

— Хўп, хўп, — дедию Гулшан кулиб юборди.

Гулшаннинг ўша ўзи орзу қилган шоҳона квартирага кўчиб кирганига икки йилча бўлди. Бу орада эри билан судлашиб, орани очиқ қилдирди, қизига қирқ сўм нафақа кестириб олди. Бир кўнгли, оёғимга тушов бўлмасин, деб уни эрига ташлаб чиқишни ҳам ўйлади. Аммо оналик туйғуси устун келди. Янги уйга жойлашиб олгандан кейин қизини ҳафтада бир марта олинадиган боғчага топширди.

Бугун она-бола олти кунлик айрилиқдан сўнг яна учрашишди. Бошқа кунлари Мавлоннинг кўнглига қараб, қизи тўғрисида сўз очишга ҳам ботинолмайдиган Гулшан мана шунақа учрашганларида қизини ялаб-юлқайди, боғчадан олиб келган гапларини ютақиб эшитади.

У қизини телевизор олдига ўтқазиб, ўзи ошхонага кирди. Шўрва қилиш учун картошка-пиез арта бошлади. Қизиқ! Ёлғиз қолди дегунча хаёллари ҳар томонга бодроқдай сочилaveraди. Гоҳ турмушини ўйлайди. Гоҳ Раҳим ҳақида бош қотиради. Ҳозир аҳволи нима кечяптийкин? Орани очиқ қилганидан кейин ярим йилча ўтгач, уйланганини эшитди. Янги хотин билан қандоқ яшаяптийкин? Туриб-туриб, ўзи сезмаган ҳолда, эрининг уйланганига ғаш ва ҳасади келади. Мендан ажрашиб хонумони куяди деб ўйлаганди. Аммо бир-икки бор унинг кўчада бепарво юрганини кўриб ўртанди. Лекин ламини ичига ютди. Бу хотини ҳам тезда қурумсоқ эрининг дийдиёларидан безиб, етиб қолишига ўзини ишонтирди.

Хўп, ўзи бахтлими? Қўни-қўшниларга оғзидан бол томиб гапиррадио, аммо ёлғизликда пинхона изтироб чекади. Мавлон билан ҳаётимиз эртақлардаги каби ширин ўтади, юраклар бир-бирига талпиниб тепади, деб орзу қилганди. Аммо, ҳеч қанча вақт ўтмай вулқондай портлаган ҳиссиётлар сўнгандай, дил розлари сохта чиқаётгандай туюла бошлади. Лекин Гулшан муносабатлардаги бу мудҳиш ўзгаришларни асло тан олишни хоҳламасди.

Уртага биринчи совуқлик ўтган қишда бетоб бўлиб қолганида тушди, шекилли. Эрталабдан бошланган титроқ кечга бориб йиқитди. Икки-уч хил дори ичди, қайноқ сувга исириқ ташлаб оёғини буғлади. Кўрпага ўраниб ётди. Қанча кўзи илинганини билмайди, кўнграб товуши уйғотиб юборди. Инқиллаб-синқиллаб ўрнидан турди. Аранг бориб эшикни очди. Не кўз билан кўрсинки, илдизига болта урилган теракдай қийшайиб, эшик олдида ғирт маст Мавлон турибди. Бир ошнасининкидан ўтиришдан қайтаётиб, кўргиси келиб қолганмиш. Чайқалиб ичкарига кирди. Ҳе йўқ, бе йўқ, уни қучоқлашга, ўпишга тушди. Жаҳли чиқмасин дея, кўзлари тиниб, боши айланаётган бўлса ҳам чидади. Минг азобда тишини-тишига қўйиб турди. Бўлмади, ҳализамон йиқилиб тушишига ақли етди. Мохир касаллигини айтди-ю, балога қолди. Мавлон аввал роса бўралаб сўкди. Бунақа касал хотиндан уйда ҳам битта бор, деб ўдағайлади. Кейин жавондан бир шиша арақ олиб очди. Якка ўзи газаксиз бир пиёлани ичдию, эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Гулшан хўрлиги келганидан хўнграб юборди. Алламаҳалгача ўринда бадани музлаб, қалтираб ўтирди. Ичидан алам, хўрсиниқ отилиб чиқарди. Бир вақтлар ўз эрига сенсирашга йўл бермаган аёл энди хўрланганини ҳис этиб турарди. Хатоларидан ўкинарди. Агар ўз эри бўлганида...

Мавлон эса касаллигини сезса ҳам, ҳолига ачинмади, беговта қилганига узр сўрашга ҳам ярамади. Узр қаёқда, тарсаки тортгандай, башарасига эшикни ёпиб кетди. Бунга ҳадди сиғади-да! Чунки ҳамма нарса уники: уй ҳам, жиҳозлар ҳам, ҳатто ҳеч кимга сўз бермай юрган ўша шаддо Гулшаннинг эрку ихтиёри ҳам!

У хаёллар оғушида дарпардани суриб, пастга назар солди. Майдонда болалар қий-чув солиб ўйнашяпти. Икки кампир йўлакдаги тахта курсида шанғи овоз билан кимнидир ғийбат қияпти. Рўпарадаги айвонда бир аёл кир ёяди. Бошқаси ҳаммаёқни тўзонга кўмиб гилам қоқади. Қайсидир уйдан куйган пирогнинг ҳиди анқийди. Хоналарнинг очиқ деразаларидан қўшиқчиларнинг йўғон-ингичка овозлари аралаш-қуралаш янграйди. Енгинадаги айвонда каптарлар ғув-ғувлайди, патир-путир қилиб кўкка отилади.

Бугун Мавлон келармикин? Ҳар гал зинадан қадам товуши эшитилиши билан ўрни-



Мусаввир О. Холиқов

дан туриб кетади. Уёқ-буёғини тузатиб, эшикка кўз тикади. Аммо жимлик чўкиши билан яна ўзини ўриндиққа ҳорғин ташлайди, хаёлга чўмади.

Ушанда бахтли эдимми ёки ҳозир? Бу ҳақда кейинги пайтда тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди. Аммо ўйига етолмайди. Бор-э, менга нима зарил бош қотириб, куним бир чиройли ўтиб турибди-ку, дея ўзига тасалли беради.

Гоҳо жуфт эр-хотинларни кўриб, ўзини қўйгани жой тополмайди. Ахир унинг қаери кам? Нег- у Мавлон билан қўлтиқлашиб, боринги, ёнма-ён юролмайди? Нега оғзини тўлатиб уни эрим деб айтолмайди. Ҳатто кинога бирга боришдан қўрқиб, телевизорга михланиб ўтиришади. Нима учун бирдан-бир сирдоши Мавлонга юрагидаги гапларни очиб тўқолмайди? Чунки унинг ўз хотини борлигини бирор дақиқа ҳам унутолмайди. Узининг иккинчи хотин эканлигини янги англайди. Оғир бўлса ҳам, ориятига тегса ҳам ана шу машъум тамғага кўниккан. Таниш-билишлар ўйнаш деб таъна қилолмайди-ку! Шунисига ҳам шукр! Балки орқаворотдан гапиришар?

Ҳаммадан ҳам Мавлоннинг безиб қолишидан чўчиб, қизини ҳафталик боғчага топшириб юборгани туриб-туриб алам қилади. Ахир мана, бугун у билан қанчалар овунди. Агар Мавлон келаман деб қўйса, боласини уйда ушлаб туришга ҳам ботинолмайди. Мавлон шунчалек жонини олиб қўйганки, Гулшан ҳатто ўз боласини бир кун уйда қолдиришга ҳад қилолмайди! Боласи ёқмас экан, онасига ҳам суркалма! Лекин бу гапни унга айтиб бўпти! Боши қотиб кетди. Бу азобларга, бу хўрликларга ким айбдор, ким?!

Уша кунни у бутун тафсилотлари билан эслаб қолган. Авваллари ҳар гал ўйланганда вужудини аллаловчи, эркалатувчи, қонини жўштирувчи ҳислар чулғаб оларди. Кейинги пайтда бу ёқимли машғулот лаззат ўрнига кўпроқ ғашлик, азоб келтирадиган бўлди.

Ҳаётда ҳамма ҳам адашади. Хато қилганини пайқаган одамгина ундан ҳам машъумроқ хатолардан ўзини асраб қолади. Гулшан Мавлоннинг тўрига илинганида эридан эркидан, бахтидан ажраганини анча вақт тан олмай юрди. У жувоннинг иззат-нафсини камситганда ҳам, ҳар қадамда хўрлагандам кўзи очилмади. Мағрур, чарсиллаган, гапни букмай гапирган Гулшан Мавлоннинг бир оғиз сўзига лаббай дейдиган, қош-овоғига термиладиган бўлди. Ранжиб қолмасин дея, у келадиган хуни эрталабдан типирчилади. Боласини қанча соғинмасин, учрашишга ҳадди сизмади. Унинг жиғига тегмаслик учун ёқтирган атирини ҳам сеполмади. Агар ўз эри бўлганида...

Ҳозир ҳам мавлон икки ҳафтадан буён қорасини кўрсатмагани учун пойлаб, уйдан силжий олмаётганини ўйлаб, ўзининг қарамлигидан руҳи тушиб, кўнгли бузилди. Шу аҳволимни онам бир кўрсайди, дея хаёлидан ўтказди. Кўриб ҳам нима дерди. Ҳатто учрашиб қолишса ҳам салом-алиқдан нарига ўтишмайди. Айниқса, Мавлонниқига кўчганидан кейин икковлари ўртасидаги чоҳ янада кенгайди. Аммо ҳозир онасининг бир қилиғи эсига тушиб, кўнгли ёришди. Хамирни доим сутга қорарди. Елғиз қизим ўксимасин дебми ёки ўшанда унга меҳри кучли эканми, ҳарқалай, кўнглига қарарди. Угай укаларига бурда қўйса ҳамки, бутунини унга асрарди. «Қиз бола — бировнинг хасми, эрта-индин бошқа хонадонга борса нон синдиришга ҳам ҳадди сизмай қолади», деб кўз очирмасди. Ҳатто бир сафар шу қилиғи туфайли эри билан уришиб қолганди. Ҳозир шуларни эсларкан, лаблари беихтиёр «оҳ, онажон, ўшанда қизингизга сутли нон илингунча озгина бахт тиласангиз нима қиларди», дея пичирлади.

Авваллари ишдан ҳориб келганига қарамай, минг азобда овқат пиширарди. Бир-икки қошиқ ичарди. Яна муштини жағига тираб, ўй суриб, қош кериб ўтираверарди. Қизи жиқиллаб ҳали уни сўрайди, ҳали бунни бижирлайди. Кайфияти чоғроқ пайтида у билан бироз овунади. Гоҳида Шоиранинг беғубор, ширин гаплари ҳам, етти ухлаб тушига кирмаган қилиқлари ҳам кўнглини ёзолмайди. Баъзан: э, жим ўтирсанг-чи, дея жерқиб ҳам беради.

Шоира ҳам онасининг феълига тушуниб қолган. Кўзларини катта-катта очганича кўркув ва ҳайрат билан унга қараб кўяди. Кейин секингина қўшни хонага ўтиб, кўғирчоғига гап уқтира кетади: «Ҳадеб савол беравермасанг-чи! Ахир кўряпан-ку, абамларнинг жаҳллари чиқиб турибди. Сенга жавоб қиламан деб сўкиш ҳам эшитиб олдим». Шунда қизининг гапига кулиб юборади.

...У ўрнидан туриб дастурхонни йиғиштирди. Уйчан ҳолатда тошойна олдида туриб қолди. Бир неча дақиқадан сўнггина нигоҳи ўзининг ойнадаги аксига тушди. Унга кўзлари киртайган, сочига бемаврид оқ оралай бошлаган, ғамгин юзли жувон ҳиссиз тикилиб турарди. «Наҳот шунчалек ўзгариб кетдим-а?! Тўйдан олдин қанақа чиройли қиз эдинг, Гул! Йигитлар ортингдан сўқланиб, аёллар кўзини лўқ қилиб юрмасмиди! Бахтингни ўзинг поймол қилдинг, ҳа, ўзинг! Қаерда адашдинг! Нега ширин турмушингни асраб қололмадинг? Нега ўша элас-элас туш каби кунларда, ҳавойи орзулар қанотида, мавҳум манзилларга йўл солгангизда эс-хушингни йиғиб ололмадинг? Балки шунда бугунгидай ҳасрат-надомат қийнамасмиди? Хатоларни тузатишни, елга соғурилган хуснино тансиқ ёшлик йилларини ортга қайтаришнинг иложи бормикин?!»

У миясида тинимсиз чарх ураётган ана шу кўнгилсиз саволларга жавоб топишга

уринмасди ҳам. Ҳатто бу ҳақда чуқурроқ ўйлашга юрагининг бардоши етмаслигини сезиб турарди.

9

У Мавлонни узоқ кутди. Икки кундан буён йўлига кўз тикади. Танишларидан битта яримтаси кўриб қолмасин деб, қадам товушини эшитибоқ юзини деворга буради. Мавлон атайин қилгандай, бу ёқларга келишни ҳеч ўйламасди. Ишхонага бораё деса, жувоннинг ғурури йўл қўймайди. Қайси юз билан учрайди? Ахир Мавлоннинг уйига кўчиб ўтганига уч ой бўлмаёқ ишини йиғиштирган-ку! Иннайкейин, Мавлон ҳам айтмай-дими, чидолмабди-да, деб. Аммо, барибир, ҳозир Мавлонни жуда-жуда соғинганини, унинг қизларникидай ёқимтой чехрасини, куч-ғайрат уфуриб турган гавдасини, қилиқлари ва эркалашларини, суюкларини қисирлатиб қучишларини интиқ қўмсаётганини, уни асло унутолмаслигини кўзлари фош этиб турарди.

Нима қилсинки, шу билан иккинчи марта ўз бахтига ўзи зомин бўлди, оғзидаги ошин олдириди. Бунга бошқаларга ўхшолмаслиги, шаъни ва ғурурига тегилганда чирсиллаб кетиши сабабларини яхши билади. Раҳим билан ажрашиб кетганига унда ўкинмай-дию, аммо Мавлон акасининг уйдан қувилганини сира-сира миясига сиғдиролмайди. Ҳар куни кўчага чиқиб ўша таниш уй олдига қандай бориб қолганини ўзи ҳам сезмайди. Мавлонни бир кўришга зор, келишини интиқ бўлиб кутади. Қани энди ҳозир рўпарасида пайдо бўлсаю, икки елкасидан қучганча: «Кечир Гулшан, сени бекор ҳайдабман, тезда уйга қайт!» деса! У содиқ итдай эргашиб қиради. Қилмишларига кечирим ҳам сўрарди. Ахир ҳаммасига ўзининг қўрслиги сабабчи эканини яхши билади.

Бир ҳафта олдин Тамара, «эринг бошқасини топиб олибдию, сан бу ерда араз қилиб ўтирибсан», деган гап топиб келди. Нима дейди унга? Аллақачон ора очиқ бўлганини қай тил билан айтади? Ҳамма нарсадан умидини узиб, тақдирга тан берган Гулшан Тамаранинг гапидан кейин ҳаловатини йўқотди. Эрининг янги маъшуқа топгани юрагига ўт ёқди. Аввалига бу рашкмикин, деб ўйлади. Аммо рашкнинг ўзи эмас экан. Мавлонга қаттиқ боғланганини, усиз бир кун ҳам яшай олмаслигини, агар муҳаббат деганлари шу бўлса, чинакамига севиб қолганини энди тушунди. Авваллари Мавлон ҳафалаб қорасини кўрсатмай кетса ҳам бунчалик соғинмасди. Қаттиқроқ гапирса малол келарди. Ташига чиқармасаям ичида оғринарди. Ҳозир Мавлон сўкса-урса ҳам, итдай хўрласа ҳам, иззат-нафсига тегса ҳам — барча ситам ва маломатларга тайёр! Фақат яна ўша умрининг энг яхши соатлари ўтган шоҳона уйга чорласа, кифоя!

Лекин, минг афсуски, у уйга янги бека хўжайинлик қияпти. Тамаранинг айтишича, Мавлоннинг маъшуқаси ундан ёш ва гўзал эмиш. Иккови қўлтиқлашиб кетаётганини Тамара ўз кўзи билан кўрибди. Гулшан буни эшитиб, алам ва рашқдан вужудини оташ чирмади, бошига гурзи тушгандай оғриқ кирди. Сал ўтмай ўзига тасалли берди: «Ахир ўзинг айбдорсан! Эракнинг гапини кесдингми, назаридан қоласан! Айниқса, иккинчи хотин бўлсанг. Айтишади-ку, «иккинчи хотин эркаю, лекин омонат» деб. Ахир йўлда қўшилган йўлда тушиб кетаверади-да!»

Тушуниб бўлмас ҳиссиётлар уни кўп эзди. Уйқусидан ҳаловат кетди. Баъзан ярим кечада муздай кўрпага ўтириб, бошини чангаллаганича ўтган кунларини бир четдан кўз олдига келтиради. Нега атрофидагилар фаровон, аҳил яшашяпти-ю, тангри унигина бахтдан қисган? Ё ҳаммасига ўзи сабабчими? Эҳтимол, ҳавойи орзуларга учмай, Раҳим билан яшайверганда бугунга келиб бунчалик хўрланмасмиди? Мавлон билан ҳам бир чиройли кун кўришаётганди, нима айнитди? Ё Гулшан Мавлоннинг маъшуқалари рўйхатида аввалою охири эмасмиди? Балки Мавлон уларни бирор баҳона билан тез-тез алмаштириб туриши одатлангандир? Ахир икки гапнинг бирида айтарди: ҳамма нарсанинг отаси пул, деб. Пул эрининг қучоғида ётган хотинни ҳам чақириб келади, дерди. Пулга амални ҳам, обрў-мартабани ҳам, аёллару дўстларни ҳам сотиб олса бўлади, деб кўз очирмасди.

Гулшан ўшанда бу гапларга унча эътибор бермаган. Мавлон мақтанишга тушиб кетса, ўзига-ўзи тасалли берган: «Пул топгандан кейин керилса нима қипти? Уч ой ўтмаёқ ишлатмай қўйди, айтганим муҳайё, қизимни ҳам гоҳида эркалатишни унутмайди. Аёл киши учун бундан ортиқ нима керак ўзи?»

Фақат бир йилчадан кейин ҳаётининг кемтиклиги билинди. Бекорчиликдан зерика бошлағач, ишга кирмоқчи бўлди ўшанда. Унинг ниятини эшитиб-эшитмай Мавлон жеркиб берди. Гулшан ўзини овуттиш учун уйга чок олди, беш-тўрт танга топди. Аммо ичи ёришмади. Эрки ўзида эмаслигидан пинҳона куйди. Фақат Мавлон билан учрашувгина муносабатларини илтиб турарди.

Мана энди ўша кунлар ҳам ҳолва эканини, Мавлон аллақачон қалби ва вужудига сингиб кетганини ҳис қилиб турибди. Таассуфки, ҳар доимгидай кўзи яна кеч очилди. Бўлмаса, ўша куни Мавлоннинг гапини иккита қилмас, бир оғиз сўзи билан бутун бахти ва ширин турмушига чизиқ тортмас эди.

Байраммиди ё Мавлоннинг туғилган кунимиди — аниқ эсида йўқ. Уша куни Мавлон уйга меҳмон чақирди. Ичкилик билан, эрак-хотин аралаш ўтадиган зиёфатлар Мавлон-

нинг ҳовлисида эмас, асосан Гулшанникида бўларди. Ушанда узоқ ўтиришди. Роса ичишди, ўйнаб-кулишди, рақсга тушишди. Кейин меҳмонлар бирин-кетин тарқалдилар. Охири сипо, кўзойнакли бир одам билан эри қолди. Айтишларича, у ижроқўм раисининг муовини экан. Икки эркак ҳам ғирт маст эди. Куй янграб турибди. Гулшан дастурхондаги пўчоқларни йиғиш учун хонтахтага энгашувди, бояги Кўзойнак қўлидан маҳкам ушлаб олди. Жувон бир сесканиб, ликопчани қўйди-да, иккинчи қўлини оҳиста шатди. Шошиб эрига қаради. У ҳеч нарса бўлмагандай бошини солинтириб ўтирар, бра-сира «бу ширин ёлғон ёмон» деб минғирлаб хиргойи қилиб кўярди.

Кўзойнак гандираклаб келдию, совуқ илжайганича индамай Гулшаннинг белига қўл юборди. Ойнак ортидан кўзларини пирпиратиб деди:

— Гулшанхон, ҳозир мен билан танца тушасиз!

Гулшан довдираб қолди. Афтидан муовин ҳамиша буйруқ бериб ўрганган шекилли, ҳатто рақсга ҳам изн сўрамади. Мен билан тушасиз, деди. Гулшан нажот истаб Мавлонга қаради. У ҳамон бепарво (эҳтимол, ўзини кайфга солиб) ўтирар, муовиннинг сурбетлигини сезмаётганга ўхшарди. Ноилож қолган Гулшан омонатгина рақсга туша бошлади. Кўзойнак ориқ бўлсаям, тинмай пишиллаб, жувонга суркалаверар, белидан ўзига тортиб, кўксига босишга уринарди. Охири рақс баҳонасида уни ётоқхонага сургади. Гулшаннинг нигоҳи яна эрига кўчди. Мавлон уларни сездирмай кузатаётган экан шекилли, Гулшаннинг кўзи тушиши билан ерга қараб олди. Унинг ичкиликдан қизарган юзида жувон рашк ғазабини эмас, истеҳзо аралаш мамнунликини ўқиди. Балки Гулшанни синаб кўраётгандир? Е уни бошлиғига бир кечага тортиқ қилмоқчимми? Аллақайси китобда шундай воқеа ҳақида ёзилганди. Биттаси амалга минмоқ ниятида никоҳидаги хотинини бошлиғига қўшганди. Бу гаплар хорижда ўтганди шекилли? Наҳот Мавлон ҳам ўзига шу ифлослики раво кўрган?

Жувоннинг вужуди туғёнга тушди. Шартта кўзойнаклининг қучоғидан чиқдию ўзини ошхонага урди. Хўрлиги тутиб, пиқ-пиқ йиғи бошлади. Орадан сал вақт ўтганда гандираклаб Мавлон кириб келди.

— Ҳа, қанжиқ, қорнинг тўйиб қолдимми? — деди у Гулшаннинг устида ўдағайлаб. — Минг тавалло билан бошлаб келган меҳмонимни шарманда қилиб ҳайдабсан. Юсуф акамнинг бир имосига онаси ўпмаган юзта қиз «лаббай» дейди-я!

Гулшан илон авраган бақадай қотиб қолди. Бу ўша Мавлон акасими? Наҳотки нияти шу бўлса? Наҳот ўзи ҳам шу даюсни деб кўз очиб кўрган эридан кечди? Ҳаттоки бир буюмчалик қадр қолмадимикин? Йўқ, йўқ, Мавлон акаси маст, оғзидан чиққан гапларни ўзи ҳам тушунмаган. Йўғаса уни бунчалик хўрламасди...

Эри яна бироз вақт сўкиб-жеркиб тургач, чиқиб кетди. Кўп ўтмай, ётоқдан унинг гулдираган хурраги эшитилди. Гулшан эса ўз ёғига ўзи қовурилиб, деразадан мўра-лаётган тўлин ойга, милтиллаган юлдузларга ҳасратини айтиб, тонггача ўтирди.

Мавлон ўша кетганича бир ойда қорасини кўрсатди. Уйга кириб ҳол-аҳвол ҳам сўрамади, одатдагидай, елкасидан кучмади ҳам. Сихонада идиш юваётган Гулшанни маслаҳатли гап бор, деб қақирди. Рўпарасига ўтқазиб, бирпас тикилиб турди. Кейин ўша машъум гапни айтди:

— Гап бундоқ, Гулшан... Уйни бўшатишга тўғри келиб қолди. Бир дўстимдан вақтинча туришга олувдим, энди ўзига зарурмиш... Сенга бир хонали уй топиб қўйдим, нариги массивдан. Керакли жиҳозларни ҳам олиб бераман.

Гулшаннинг тили анчадан кейин калимага келди:

— Ҳайдаяпсизми, Мавлон ака?

— Нима деб тушунсанг-тушунавер, — деди Мавлон тоқатсизлик билан. — Уша кунги қилиғинг билан шунча йил топган обрўйимни бир пул қилганинг етмай, яна ҳайдаяпсизми, дейсан.

— Ахир... Ахир... Нима, ўша куни ифлослик қилсаям кўнишинг керак, демоқчимисиз?..

— Тамом, энди ҳеч нарса демоқчи эмасман!

— Ахир гуноҳим нима, Мавлон ака?.. Сизни яхши кўрганимми, сизга содиқлигимми? Агар жонингизга теккан бўлсам, унда очиқ айтаверинг, кетаман! Топган уйингиз ҳам керак эмас, кўчада қолмасман.

— Бўпти, гапни қисқа қил, дийдиёга вақтим йўқ. Мана, янги уйнинг калити, манови — адреси. Уз нарсаларингни олишинг мумкин, пулдан ёрдам қиламан.

— Ҳеч нарсангиз керак эмас, — деди Гулшан аранг.

— Унда ораминг очик, — деди-ю, Мавлон ошхонага кириб, деразадан ташқарини томоша қила бошлади.

Гулшаннинг устидан муздай сув қуйилгандай сесканиб тушди. Эрким ўзимдамас, деб беҳуда қайғурган экан. Ҳатто уй ҳам, эр ҳам ўзиники эмас экан. Мана, ҳаммаси тамом! Уни итдай кўчага ҳайдашди. Қадрингни билиб қўй, Гулшан! Тезроқ бу ғуссали, миннатли уйдан жўнаб қол! Юрагинг аламдан тарс ёрилмай туриб тезроқ чиқиб кет! Ҳаммасига тупур, ҳою ҳашамларга ҳам, ўша ориятсиз Мавлонга ҳам — барига тупур!..

У ҳувиллаган янги уйда ўзига келди. Бўғча устига ўтирволиб, ўтган ҳаётини сарҳи-

соб қилди. Назарида Раҳимга хиёнати эвазига қисмат ундан ўч олаётгандай туюлди. Ахир раҳматли бувиси кўп такрорларди: «Бу — қайтар дунё, илгари қирқ йилда қайтса, ҳозир тўрт йилга ҳам қолмайди». Дарҳақиқат, мендан бахтли одам йўқ, деб талтайиб юрган кунларидан буён тўрт йил ўтмасданоқ, ҳаммаси чўлдаги саробдай кунпаякун бўлди. Эртақдагидай — қаршисида тешик тоғора билан қолаверди...

...Гулшан кўзига қалқиб чиққан ёшни рўмолчасига артиб, яна йўлга қаради. Бирдан қувончдан, ҳаяжондан қалт-қалт титрай бошлади. Ана, у кўринди! Интиқ кутгани, жондан севгани Мавлон акаси келяпти. Гулшан бир қадам олдинга босдию, истиҳолада тўхтади. Ахир уни ҳайдаган-ку, ораминз очик дея камситган-ку! Нега яна унга пешвоз чиқмоқда, парвозга интилган кабутардай талпиняпти? Ана, у тобора яқинлашяпти. Ҳозир унга ўгирилади, кейин юзига табассум югуради. Одатича, Гулшаннинг тимқора кўзларидан нимадир ўқиб олмоқчидай, киприк қоқмай узоқ термилади. Аммо Гулшаннинг хаёллари тўғри чиқмади. У ўтиб кетди. Ҳатто Гулшан томонга қайрилиб қараб қўймади. Эҳтимол, узоқданоқ бу ердалигини кўргандир? Гапни чуватмаслик учун ўзини билмаганга солгандир?

Йўлакнинг эшиги «қарс» этиб ёпилганида ўзига келди. Икки чаккаси зўриқиб оғирди. «Ҳатто гаплашгиси ҳам келмади-я, — хаёлидан ўтказди Гулшан. — Демак, уйда Мавлонни ўша хушсурат маъшукаси кутяпти. Сен эса куя еган рўмолдай беқадр ва ноқераксан».

Гулшан уй олдида узоқ туриб қолди. Деразадан кўз узмай тикилди. Хонада чиरोқ ёнганини, икки соянинг гоҳ бирлашиб, гоҳ ажралиб кетишини изтироб ва рашк аралаш энтиқиб кузатди. Ноилож ортига қайтаркан, дув-дув тўкилаётган кўз ёшларини артиб улгуролмасди.

10

Аёллар базмини кўрганмисиз? Кўрмаган бўлсангиз, кўп нарсани йўқотибсиз. Дунёдаги жамики ғийбат, ҳасрат ва шикоят, тахи бузилмаган, мағзи эзилмаган гап шу ерда қайнайди. Ана шу базмда айтилаётган латифа ва ҳангомаларни эркалар эшитиб қолса борми, хижолатдан бир қават пўст ташлаб юборадилар. Мавзу айланиб ҳам, ўргилиб ҳам кийим-кечаккаю тақинчоққа, семириб кетишнинг ваҳимасию болаларнинг келажакига бориб тақалаверади. Гап ўйнаган аёлларнинг чойхонапалов шайдоси бўлмиш эркалардан яна бир фарқи бор. Гаштакчи аёлларнинг бир вақтнинг ўзида гапиришга, икки кун мобайнида тиним билмай пиширилган овқату ширинликлардан тотишга, бир-бирларинию таниш-билишларини ғийбат қилишга қандай улгуришлари сирини ҳозиргача ҳеч ким очиб беролгани йўқ.

Бугун ҳам аёлларнинг гапи. Гулшан аввал бунақа ўтиришларга унча аралашмасди — Мавлон рухсат бермасди. Чунки иккита хотин учрашса, гап албатта ўртадаги муносабатларга тақалишини у яхши биларди. Мавлон билан ора бузилгандан кейин бутунлай яққаланиб қолганини тушунди. Шу пайтгача дилидаги гапларни бемалол очадиган бирорта сирдош дугонаси йўқлигига ўкинди.

Биринчи турмуши бузилиб, янги шаҳарга, Мавлоннинг ўша хосхонасига кўчиб чиққандан кейиноқ қариндошларнинг қадами қирқилди. Сал орияти борлари кўчада тўқнаш келганида нариги бетга қочадиган ёки кўрмасликка оладиган одат чиқаришди. Бутунлай ёлғизланган, қизидан бўлак сирдоши йўқ Гулшан агар атрофидаги аёллар билан муносабатини тикламаса ё жинни бўлиши, ёки юраги торс ёрилиб кетишига ақли етиб қолди. Қўшни йўлакдаги Тамара исмли жувоннинг қистови билан гапга ҳам қўшилиб олди.

Бугунги ўтириш Гулсум кампирниқиди. Бир вақтлар ҳаваскорлик ансамблида, кейинчалик отарчиларга қўшилиб рақс тушган бу аёл шунақа хунук қариган эдики, тунда кўрсангиз лабингизга учуқ тошиши ҳеч гапмас. Юз деганингиз гўёки суви қочиб буришган шафтолиқоқи, киприк дегани шилпиқ кўзларни аллақачон тарк этган, қош ўрнида қуюқ чаплаган ўсма, сийракланиб қолган сочга бўёқ тегверганидан рангу тусини билиб бўлмайди. Ҳатто ўз жинсдошлари ҳам кўпда унга ўзини яқин тутмайди. Энди сатангликда бозори казод Гулсум кампир янги касб орттирган, қўшмачилик қилиб тузуқкина пул топади.

Кўкиш кўзлари тинимсиз ўйнаб турадиган уй эгаси хотинларни тинмай дастурхонга қистайди. Ора-сира беҳаё латифаларнинг бир-иккитасини айтиб, ўтиришни қизитмоқчи бўлади. Гулшан кириб келиши булан Гулсум кампир янада очилиб кетди. Елкасига қоқа-қоқа алоҳида ҳурмат билан тўрга ўтқазди. Ун чоғли аёл бири қўйиб, бири гапирар, шарақлаб кулишарди. Ҳар бир қилиқдан, ҳар бир гапдан қичиқ, беҳаёлик уфуриб турибди. Фақат Гулшангина, адашиб бошқа тўдага тушган ёт каптардай, бегонасираб ўтирибди.

— Ҳа, нега ҳамманг аммамнинг бузоғига ўхшаб лаллайиб ўтирибсанлар, — чойнак кўтариб кирган Гулсум кампир таҳдид билан гапирди. — Худди азага келгандай қовоқ-тумшук нимаси? Сарвар, ол чирмандани, «Кичкинаҳон»га чал.

Сарвар чирмандани тўпиллатиб чала кетди. Гулсум шох ташлаб, минг бир муқом

билан йўрғалай бошлади. Жой тор бўлгани учун бир ердан жиллолмай ўйнар, аммо шунда ҳам роса қотирарди. Аёллар тинмай қарсак чалишади. Кейин бошқани тортишди. Шовқин, кулги, қарсак, қийқириқ ҳаммаёқни кўтаргудай.

Гулшан мийиғида кулиб ўтирса ҳам ичида ғижинарди. Буларга қўшилмай деса, бир дўмда туриб яккамохов деган ном орттиришдан, ҳаммасига гап-сўз бўлишдан чўчийди. Булар на кунингни, на тунингни кўради. Буларга на очингда ёқасан, на тўнгда. Яқинда Холмат пиённинг хотинига ҳам ҳар томондан ақл ўргатиб, йўл кўрсатиб, бахтига зомин бўлишди. Биттаси пат суқди: «Эр зоти қуриб кетганми, ёш умрингни шу пиёниста билан беҳуда ўтказиб юрибсан?» Эр маст ҳолда бир шапалоқ қўйганида бошқаси ярасига туз сепди: «Хотин калтаклайдиган замонлар ўтиб кетган, дарров милицияга учра, аввал судмедэкспертизадан справка олиб қўй. Бир ўтириб таъзирини еса, мушукдай ювош тортиб қолади. «Пишт» десанг оёғингга суркаладиган бўлади».

Хуллас, ўша хотин бу ёсуманларнинг гапидан ўзини йўқотиб қўйди. Қизиқ устида судга ариза берди. Уласи қилиб калтаклаган, дея кўзёши қилди. Ёши ўтиброқ қолган судья насиҳатга тушди: «Қизим, ёш экансизлар, ахир қамоқдан кейин ҳам шу эр билан яшайсизми, енгилтак бўлманг!» Эри ялиниб-ёлворди: «Шароф, эсингни йиғ, мен қамалганимдан кимга фойда?» Йўқ, ях бўлиб тураверди. Шунчаки пўписа учун бошланган хангома қамоқ билан туғади.

Шарофат уч-тўрт кун голиблик нашидасини суриб юрди. «Қачонгача алкашнинг зулмига чидаб ўтаман», деб ўзини овутди. Аммо бир ҳафтадан кейин нечоғли тубан иш қилганини англади. Чунки ҳар томондан йўл кўрсатиб гиж-гижлаган қўшнилари энди «ўйнаш билан айш суриш учун шундоқ эрини қаматиб юборди», деб гап тарқатишди...

...Ўйин туғаб, ҳамма яна кўрпачаларга чўзилди. Суюқ овқат тортилди. Ёши ўтинқираб қолган бўлсаям ёшлик жозибасини ва тароватини йўқотмаган Тамара столдаги шампаннинг пўкагини пақиллатиб очди. Пахта гулли пиёлаларга тўлдириб қўйиб чиқди. Аммо фақат тўрт киши ичди, холос. Қолганлар лаб теккизиб, ерга қўйишди. Тамара пиёласига яна шампандан тўлдирдию, рўпарасида ўтирган Меҳри холага гап отди:

— Э, оғзимизга талқон солиб ўтираверамизми, молажон? Бирорта қизиқроқ гапданми, латифами айтинг, юракларнинг ғуборини сал мундай ёзайлик.

Меҳри хола «вой, бунақа нарсаларни билмайман-да, сингиллар», деб бирпас таранг ийлиб турди. Кейин ривоят бошлади: эмишки, ақлда, ҳуснда ва илмда баркамол бир йигит ариқ бўйида салқинлаб дам олаётган экан. Иттифоқо шу пайт сувда оқиб келаётган бир дона қирмизи олмага кўзи тушибди. Ҳалиги олмани тутиб, бирпас томоша қилибди. Жуда ҳаваси келиб суқланибди. Кейин уни шартта ебди. Еб тугатибди-ю, юрагига ғулу тушибди: «Ахир бировнинг олмасини эгасини рози қилмай тановул этибман-ку. Демак, гуноҳга ботибман-да». У қандай бўлсаям олманинг эгасини топиб, уни рози қилишга аҳд этибди. Сув ёқалаб бораверибди. Рўпарасидан бир катта ва кўркам боғ чиқибди. Ариқ шу боғни кесиб ўтган, унда фарқ пишиб ётган қирмизи олмалар девор оша кўриниб турганмиш.

Йигит минг истиҳолада боғ эшигини тақиллатибди. Чиқиб келган боғбонга бўлган воқеани айтиб узр сўрабди. Бир дам хаёлга чўмган боғбон аввал кўнмабди. Сўнг бир шартим бор, шуни бажарсангиз, кейин рози бўламан, депти. Йигит ноилож кўнибди. Боғбон: «Кўзи кўр, оёғи шол, тили гунг, ўзи бадбуруш бир қизим бор, шунга уйлансангиз», депти. Йигитнинг ичидан оҳ отилиб, юрагидан қон ситилиб чиқса ҳам, иложи қанча, шартга унабди. Дарров тўй бошланибди. Йигит ҳасрат ва нафрат билан чимилдиққа кирибди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарасида ҳусну малоҳатда тенгсиз, қадду камолотда ўхшашсиз, ҳаё-назокатда таърифсиз бир дилдор кўзларини ерга тикиб турганмиш. Бу синоатдан ақлу ҳуши учган йигит, бу балким англишмовчиликдир, деб ўйлаб, боғбонга шошилинч учрабди. Боғбон мийиғида кулиб дебди: «Эй, ўғлим, сизни алдамоқни ният қилмаганман. Ҳақиқатан ҳам қизим кўр — чунки шу дамгача бегона эркакка назар солмаган; дарҳақиқат, оёғи шол — чунки ота-она чизиғидан чиқмаган, остона ҳатламаган; тили гунг — чунки овозини баландлатганини ҳеч бир кимса эшитмаган». Бошига қўнган тасодифий бахт қушидан лолу ҳайрон йигит: «Қайси физилатларим учун бу қадар эҳтиромга сазовор бўлганим сабабини айтарсиз?» деб сўрабди. Шунда боғбон: «Ариқдан оқиб келган олмани еб қўйганидан хижолат тортиб узр сўраган ҳалол йигитдан ҳам муносиброқ эр қизимга топилмаслигини англаганим бунга сабаб», дея жавоб қайтарибди.

Меҳри холанинг ҳикояси ўтирганларга турлича таъсир қилди. Тамара бу эртагингизни неварангизга айтиб беринг, деб ҳиринглади. Нозимахон илгари шунақа аёллар бўлса бордир, ҳозир уйдан чиқмасанг сени ким боқадим, деб ҳазилга олди. Яна бири ўша йигитдақа ҳалол эркакни топиб беринг, оёғидан ўпаман, чизган чизиғидан чиқмайман, деди. Гулшан эса ҳозир жимгина ўз хаёлларига кўмилиб ўтирарди. Чимилдиқда кўёвга қарашга ботинолмай турган, назокати, иффати, муҳаббати ва садоқатини бўлажак завжи учун авайлаб-асраган бокира қизнинг ибодати тўла чеҳраси кўз олдида келаверди. Ана шуларни ўйлаб ичидан отилиб чиқаётган фикрлари бирдан туғён кўтариб юборди:

— Мана, ҳаммангиз Меҳри холанинг ривоятига кулиб ўтирибсизлар, — деди у қишиганича. — Аммо бирортангиз унинг мағзини чақиб кўрдингизми?

— Вой Гулшанхон, сиз чақиб бермасангиз, биз омиларнинг қўлидан келармиди? — Тамара пичингдан ўзи руҳланиб, қаҳқаҳа отди.

— Майли, кулинглар, кулаверинглар. Ҳолбуки, ўз аҳволингизга йиғлашингиз керак. Ахир бизни мана шундай тубанликка тушсин деб юзимиздан чимматни олишганмиди? Тўрт девор исканжасидан, жоҳил эрлар зулмидан халос қилишганмиди?

— Мана, сиз ҳам ўша зулмкор эрни ўйнашга алмаштириб юбордингиз-ку! — дея Муҳаббат исмли шаддодгина аёл гап сўзди.

— Гулшан тўғри гапиряпти, — деди Меҳри хола атрофидагиларни тинчитишга ҳаракат қилиб. — Ҳақиқатан ҳам кўп аёлларимиз бузилиб кетяпти. Айниқса, янги шаҳарда. Яқинда бир одам мендан сўраяпти: янги шаҳарнинг аҳолиси кечга бориб икки баравар кўпайиб кетармиш, шу тўғрими, деб. Аввал тушунмабман. Кейин у, нега тушунмайсиз, ахир кечга бориб эркаклар ўйнашлариникига келишади-ку, деди. Нима деб жавоб қайтаришимни билмадим. Кўнглингларга келмасин-у, баъзида мана шунақа ўтиришларга чиққани ҳам хижолат тортиб безиллайдиган бўлиб қолдим.

— О, гапирдилар-ку, — Тамара Меҳри холага қараб қичқира кетди. — Биз билан ўтиришдан ор қилсангиз — қўшилманг, ҳеч ким сизни мажбур этаётгани йўқ. Ҳа, сиз покдомон-у, биз беҳаё, суюқ эканмизми ҳали?

— Ҳа, қилмишларингиздан тонасизми? — ғазаб билан сўради Меҳри хола.

— Бўлди-е, бас қилинглар! — Гулсум кампир даҳанаки жангга нуқта қўймоққа тиришди. — Сенларни зиёфатга чақирса ҳам бир бало. Арзимайди шавласи, куйдиради ғалваси. Нимага бир-бирингга лой чаплайсан. Жанжални кейин қиласанлар!

— Тўхтанг, Гулсум опа, мен анави покиза билан орани очиқ қилиб олай, — энди Тамара жазавога минди. — Нимага тонарканман, тонмайман. Ҳа, бузуқиман, ичинг куйяптими? Агар ҳавасинг келса, айт, бирорта бўйни йўғонидан топиб бераман.

— Унақаси сенга керак! Сенга ўхшаб учраган эркакка осилишдан худо асрасин! — Меҳри хола ғазабдан қалт-қалт титраб Тамарага гапира кетди. — Сендақаларнинг касрига ҳаёда, ибода, садоқатда тенгсиз аёлларимизнинг шаънига бугун доғ тушиб, юзига қора чапланяпти. Биттанг бебилиска пул топиш, биринг кўнгил хушлиги, бошқанг ношуд эрдан ўч олиш, яна биринг лаҳзали ҳавойи лаззат учун ифлос тўшакка узало тушяпсанлар! Ичкиллик ичишда, гиёҳвандликда эркакларга дарс беряпсанлар! Агар муҳтожлик, зулм бунга мажбур қилганида ҳам гўрғайди. Сенларнинг қисматингга ҳавас уёқда турсин, раҳмим келади, ачинаман, куюман!..

— Куймай қўяқол. Узингни жа силлиқ гумбазу фарошга кўрсатганинг билан бегона эркакнинг қучоғига кирмай ўтмагандирсан? — дея Тамара унга пичинг отди.

— Айтдим-ку, сенлар билан ўтиришга ҳазар қиламан!

— Жа, сендақаларнинг кўпини кўрганмиз! Яқинда меҳмон келиб, битта сенга ўхшаган покизанинг уйига ярим тунда кўнғироқ қилдим. Эрининг қучоғидан чиқиб келиб, меҳмонимнинг кўнглини овлаб кетди.

— Шунақа воқеаларни эшитсам, баъзан аёл бўлганимдан афсусланиб кетаман, — деди Меҳри хола алам билан. — Уялсанглар-чи, бу гапларни гапиргани! Ахир, ўшалар ҳам одамми? Уларнинг болалари кўз ўнгиларида содир бўлаётган қабоҳат ва фаҳшга қандоқ чидайди. Арзимаган пул ёки тақинчоқ учун бегона эркак олдида тантиқ қизлардай қийшанглаётган, уларга яхши кўриниш учун арақ ичишдан тоймаётган оналарининг қилмишини кўриб, кўзи оқиб тушмайдами?..

Меҳри холанинг ортиқ гапиришга бардоши етмади. Шартта ўрнидан турди. Гўё ҳаво етишмаётгандай оғзини катта-катта очиб, ҳарсилларди. «Даҳшат, даҳшат, нақадар даҳшат!» дея олди. Эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди. Утирганларнинг бир сапчиб тушганини ҳам, айримларининг ортидан қўзғалганини ҳам, Тамаранинг беҳаёларча айниб сўкинганини ҳам билмади.

II

Гулшаннинг янги уйда биринчи танишган қўшниси Тамара бўлди. Ушанинг қистови билан бир ҳафтадан кейиноқ квартирани «ювиб» бериб, қўшнилари билан танишиб олди. Аммо ўша кунги-Гулсум кампирникидаги жанжалдан буён Гулшан Тамара билан гаплашмай қўйди. Битта-яримта қўшнига кўринмаслик учун кундузи кўчага чиққани ҳам ботинолмай қолди.

Барибир Тамарадан қочиб қутулолмади. Дам олиш куни эди, қийшанглаб кириб келди. Сирка сўраб чиққанмиш. Помидор тузламоқчи экан. Кир бошлаб қўйган Гулшан сирка шишани узатди-ю, яна ишга тушиб кетди. Гулшан ўзини опқочган сари, у алланималарни баҳона қилиб, суйкалиб чиқаверади.

Саккиз йил бурун эридан ажрашган. Эри ҳозир қайсидир заводда директор, катта миқдорда алимент тўлайди. Шундан буёнги саргузаштлари Тамарани бутун шаҳарга машҳур қилиб юборган. Аммо ҳамма тергаш ўрнига негандир ундан ҳайқанг эди. Гулшан ҳам уни ҳар гал бирорта эркакнинг пинжига сўқилганича уйга кираётганини кўриб

колади. Гоҳо бемаврид ташриф буюрган меҳмоннинг кўнглини овлаш учун қўшнилардан арақ сўраб юрганини эшитади...

Гулшан ҳозир қўли ишдаю, Тамаранинг қуюқ бўёқ чапланган юз-кўзларига, ҳурпайган сочларига тез-тез назар ташлаб қўяди. Узи беихтиёр ёшлик йилларини ўйлайди. Ҳақиқатан ҳам, бундан ўн-ўн беш йил аввал ахлоқ тамоман бошқача эди. Ё ўшанда бунақа ишларга ақли етмасмиди? Нима бўлгандаям, у яшаётган маҳаллада аёллар аёли, одобли эди, шекилли. Одамларнинг кўз ўнгида ўпишиш у ёқда турсин, ҳатто қўл ушлашиб юриш ҳам қаттиқ одобсизлик саналарди-ку!

Янги шаҳарга келгандан буён бу ердаги разолат, беҳаёликни кўравериб кўникди. Энди куппа-кундузи ўпишган, уйига бегона эркак етаклаб келаётган, лабига сигарета қистириб баралла сўкинаётган, энг даҳшатлиси, ичиб гандираклаб юрган аёлларни кўриб, таажжубга тушмайдиган бўлиб қолди. Бунақаларни тергайдиган, танбеҳ берадиган ёши улуғнинг биттаси Гулсум кампирми? Ёки мана шу Тамарами?

Бошида эркаги йўқ хотиннинг харидори кўп бўлар экан ўзи. Гулшанга ҳам шу кунга-ча билинмаганди. Ҳозир ҳали униси гап сотади, ҳали буниси тилини тақиллатиб ўтади ёки маънодор кўз қисади. Бирига хўмрайиб, бирига терс жавоб қайтариб тинкаси қурийди. Баъзан ярим тунда «адашиб» эшигини тақиллатишади. Шунда қизини бағрига босганча дағ-дағ титраб пусиб ўтираверади.

Гулшан эркакларга умуман ишонмай қўйди. Бебахтлигида ўзининг айби етарлилигига қарамай, барибир эркаклардан нафратланади. Назарида фақат улар ўзларининг роҳат-фароғатлари учун, шаҳвоний истакларини қондириш учун аёлларни истаганча аврар, алдар, кўнглини овларди. Айниқса, Мавлоннинг энди бошқа биттасини тузоққа илинтириш учун ҳаракат қилиб юрганини эшитгандан бери эркак зотини тинмай қарғайди. Шунинг учун ҳам ваннахона эшигига суяниб, бидирлаганича ақл ўргатаётган Тамаранинг гапларига қизиқсиниб қулоқ сола бошлади:

— Ман санга айтсам, эркакларнинг ҳаммаси ҳам бир гўр. Айтайлик, сан ёшсан, ҳуснинг етарли ёки тўқ оиладансан — хотин қилади. Эртага тўрттасини туғиб ўтин бўласан. Юзингга аввал доғ, кейин ажин тушади. Ана ўшанда эр зоти дарров айнийди. Ё хотинни янгилаш пайига тушади ёки ўйнаш топади. Чунки ўзи ҳали ёш, ёнига пул тушган, машина, обрў бор. Шунинг учун уларнинг додини бериш керак. Санга нимани гапир-япман, ахир ўзингнинг бошингдан ўтди-ку ҳаммаси. Янаям сенга қойил. Уйдан ҳам, нештатни эрдан ҳам ажралиб, индамай қолавердинг. Судга бермайсанми ёки бирор тани туғволиб, соғиб ичмайсанми?

— Менга унинг ҳеч нарқаси керакмас,— деди Гулшан хомуш.

— Э, жуда гўл, содда экансан,— яна бор овозда гапира кетди Тамара кўзларини ола-кула қилиб.— Мана, меники партиядан ўчиб, ишдан ҳайдалиб кетарди-ю... Судда қизишиб, ўша гўрсўхтани сўқворибман, судьялар унинг тарафига ўтволишди.

— Барибир алиментни қўртдаккина қилиб оляпсиз-ку!

— Э, алименти ордона қолсин... Тўғри, алиментим битта инженернинг ойлигига тенг, ишламай ётишга ярайди. Ахир бўлажак директорни эрликка бекорга танлабманми? Ушандаёқ ҳисобини чиқариб қўйганман-да!— шарақлаб кулди Тамара.

— Лекин Тамарахон...— Гулшан гап бошлашга бошлади-ю, давомини айтишга истахола қилиб қолди. Аммо, айтмасам Тамаранинг кўнглига бошқа гап келмасин, дея давом этди:— Шунақа дейсиз-у, ҳар қанча пул қизингизга ота ўрнини ўтармикин? Мана, мен «пuff сассиқ» қилиб нима обрў топдим. Итнинг кейинги оёғиман, мана шу кулбада ёлғизлик азобини тортиб ётибман-ку!

— Э, садқайи кўзёши кетсин. Тешик мунчоқ кўчада қолармиди? Буниси бўлмаса униси, деганлар. Ҳали шунақанги манаман деган эркакларни топиб берайки, ўша эрингни ҳам, Мавлонингни ҳам оғзи қаррақдай очилиб қолсин.

— Энди менга ҳеч ким керак эмас. Ҳаммасидан тўйдим. Ушандаги енгилтаклигимнинг азобини ҳали-ҳали тортяпман. Шоиранинг яйнашларидан, уйқусида «дада»лаб чиқишидан юрагим эзилиб кетяпти.

— Бунга ўзинг айбдорсан, қўшни. Аллақачон қизингга бирорта пулдор йигитлардан дада опкелиб беришинг керак эди. Ўзинг зерикмайсан, қўлингдан жарақ-жарақ пул, маишатинг жойида, кийганингга халқ артисти ҳасаддан куйиб ўлади. Бу ахлоқ, вафо деганларнинг ўтиб турибдими, ўйнаб-кулиб қол. Эртага шафтолиқоқига айлансанг, кўз очиб кўрган эринг ҳам сендан қочади.

— Узи Мавлон билан танишганимдаёқ ҳамма яқинларимдан ажраганман. Агар сизнинг айтганингизни қилсам шаҳардан қувиб чиқаришар?

— Бе, қувиб бўпти. Ҳозир қайга борсанг, хотин кишининг тили узун, пичоғи кескир. Агар сал кўзёши қилиб қўйсанг борми, гуноҳ сенда бўлса ҳам айбни эрингга ағдаришадди. Эр, ёшлик, ҳусн вафо қилармиди? Ана, Клара эрини роса кутди. Қамондан келгач уйдан ҳайдаб, бошқага уйланди-қўйди. Шунинг учун эр-пер деб, оёғингни ўзинг тушовлама. Бирорта келишганидан топиб берай, маза қилиб айшингни сур!

— Оҳ, эримнинг қанақалигини билганингизда... Энди кўзим очилди. Агар илгарироқ ақлим етганида Мавлонни унинг ҳаром тукига ҳам алишмасдим.

— Қўй, бунақа эртагингни менга айтма. Эркакларнинг ҳаммаси бир гўр. Уларнинг

кирдикорини мендан сўра. Қанчасини кўрдим. Ҳаммаси ўзини ўйлайди, ҳаммаси тил-ёғламачи, алдоқчи. Аввал бошингдан зар сочиб, сен учун дунёнинг ярмини совиришга тайёр туради. Иши битгач, сичқоннинг ини минг танга. Шунинг учун ўлгурларга нафратим кучли. Ҳаммасининг додини бераман, пулини шиламан. Биттасини хотинингни танийман, деб ўтакасини ёраман. Бошқасининг маишатини еб, эрим келиб қолди, дея уйдан қуваман. Ҳа-ҳа, кулма, уларда алашим зўр. Эвини қилдим дегунча бошлаб ўч оламан. Ер ютсин ҳаммасини!..

Тамара шундай деб бор овозда қарғандию, негадир ўкраб йиғлаб юборди. Гулшан нима бўлганига тушунолмади, қўлининг мағзавасини артиб қад ростлади. Тамаранинг олдига келиб елкасидан қучди:

— Нима бўлди, сизга, Тамарахон? Қўйинг, қайғурманг. Ҳали ёшсиз, ҳаётингиз изига тушиб кетар...

— Ҳа-ҳа, ёшман, изга ҳам тушар...— Тамара беихтиёр Гулшаннинг гапларини қайтарарди. Кейин яна қош-киприкларидоғи бўёқларни юзига чаплаганича йиғига тушиб фарёд этди:— Қачон, қачон?! Энди мени ким ҳам хотин қиларди? Кимлигимни бутун шаҳар билади-ку! Отнинг қашқасига айланганман-ку!..

— Буни тузатиш қўлингизда... тушкунликка тушавермай...

Гулшаннинг гапи чала қолди. Тамара яна ҳиқиллаганича сайрай кетди:

— Энди тузатиб бўлмайди, кўшни! Барига ўзим кул тортганман. Ҳаммасига молпарастлигим, энгилтаклигим сабаб! Қани энди бари туш чиқса-ю...

Тамара шундай дедию деворга суюниб, бошини орқага ташлади. Кўзларини шифтга қадаганича: «Афсуски, булар туш эмас», деб қўйди. Гулшан қўшнисининг тўлиб-тошиб турганини сезиб, ишини тўхтатди. Тамарага курси қўйиб берди. Ўзи ҳам қизининг пастак курсисига ўтирди.

— Ҳа, сенинг йўлинг тўғри, Гулшан,— шивирлади Тамара ҳамон шифтдан кўзини узмай.— Ҳаётда бир марта адашдингми, энди бошқа хатолардан ўзингни тий. Аммо жиндай иродасизлик қилсанг, мендек афсус чекиб юрасан. Ахир мен ҳам бошқаларга ўхшаб эримнинг ишдан келишини кутишни хоҳлайман. Боламини ўйнатиб, яйрашини кўришни истайман. Юрагимни унга очгим келади. Нима қилайки, бахтимни ўзим йўқотдим. Ушанда ёш, чиройли эдим. Нега бошқалардай тўкин яшамаймиз, дебман. Бир йил ўтмай латта-путтанинг жанжалини қилибман. Нега ҳалигача зирак, узук обермайсиз, деб ғавғо кўтарибман. Қараб турсам, эримнинг топгани қоринга аранг етади. Уйдан кийиб келганларим эскиди. Эримга айтсам, икки гапнинг бирида: энди институтни битирдим, сабр қил, дейди. Нуқул қўйнимни пуч ёнғоққа тўлдиради. Йўқ, чидолмадим. Гўёки, бир умрга шундай ўтиб кетадигандайман. Қариганимда обертганини бошимга ураманми, деб ҳафсалам пир бўлди. Худди ўшанда Нозима хола деган қўшмачига рўпара келдим.

— Ие, у ким эди?— ҳайрон сўради Гулшан.

— Сен танимайсан. Қанча-қанча жувонларни йўлдан оздирган, нечталаб оилани бузган кампир. Утган йили ўлди. Уша бир кунни кўчада ушлаб гапга тутди. Ўзи ҳасратимни кимга очишни билмай юривдим, тилимнинг кашаги ечилиб кетди. Санга осонгина пул топишни ўргатаман, деди. Уша кунни кампирнинг уйида бир йигит билан тунаб қолдим. Менга ўн беш, кампирга ўн сўм тегди. Бошим айланиб, бир ойда эрдан ажрадим, алимент кестириб олдим. Орзуга ҳам етдим. Эгимда ҳеч ким киймаган антиқа қўйлақлар, жиҳозларга тўла уч хонали кооператив уй, тақинчоқлар...

Тамара гапини тугатмай жим қолди. Қора суртилган ёноғини қўрсаткич бармоғига туфлаб артиб қўйди. Кейин сўник овозда ҳикоясини давом эттирди:

— Орзу қилган ҳамма нарсаларимга эришдим-у, ўзим ўзгариб қолдим. Баридан кўнглим совиб кетди. Эркак зотини кўрсам ғазабим қайнайди, алашим ортади. Туриб-туриб тутақаман. Ҳаммаси туллак. Оғзидан бол томади, севганига қасам ичади, сени илондай аврайди, хотинини кулга белаб, косовга санчади. Аммо эртасига қорасини кўрсатмайди, думини тутқазмайди. Ана ўшанда ўтирволиб, хўрлигимдан йиғлайман. Бахтимдан ажраган ўша машъум кунни лаънатлайман. Ахир озгина чидасам, жиндай сабр қилсам, ҳозир кимсан — фалончи директорнинг хотини бўлиб юрардим. Ҳа, ҳа, қонуний хотини!..

— Қўйинг, кўшни, кўп куйинаверманг. Утган ишга салават.

— Менга тасалли берма, Гулшан. Иннайкейин, телба-тескари гапларимга кулма. Ўзим қаҳ-қаҳ урсам ҳам, ичим йиғлайди. Ҳа, юрак адо бўлган. Тақдиримдан кўп ўкинаман. Лекин, туриб-туриб қувониб қўйман. Ахир қилган ишларимга афсус, изтироб чекайпман-ку! Демак, ҳали инсонлигим йўқолмабди. Шунақа деб ўзимни овутаман. Ана шу юпанч билан яшаб турибман, кўшни! Буларни сенга нимага гапиряпман: агар иложини қилолсанг, эрингни олдига бўйнингни эгиб бор, оёқларига йиқил, минг бор узр сўра. Агар кечирмаса, унда бошқа бирортаси билан ҳақиқий оила қур. Менинг қисматим бошингга тушмасин!..

Тамара гапини ҳам тугатмай, ўрнидан шартта туриб, чиқиб кетди. Ҳатто сўраган сиркаси ҳам столда қолди. Гулшан у кунги базмда Тамаранинг беҳаёлиги, шаллақилигини кўриб, ўзича масҳара қилган эди. Ҳозир бирданига ачинди. Унинг гоҳ кулиб, гоҳ

ийглаб айтган ҳаёт достони ҳамон қулоғи остида жаранглайди. Узининг ўқилмаган китоб янглиғ маъхум келажagini ўйлаб, юраги яна эзилди.

Гулшан уйқудан таъби тирриқ ўйғонди. Тушида Мавлонни кўрибди. У олисда кетганмиш. Гулшан ҳарчанд унга етиб оламан деб интилармиш-у, оёғи чалишиб йиқилармиш. Шу пайт рўпарасидан бир аждаҳо чиқди. Оғзини катта очиб, Гулшанга олов пурақаб юборди. Гулшан гуриллаб ёна бошлади. У «ёрдам беринглар, войдод, ёнапман», деб қичқирмоқчи бўлар, аммо овози чиқмасмиш. Унинг бу ҳолатини кўриб, Мавлон ва унинг атрофидаги тумонат одам қўлларини унга бигиз қилиб, нуқул хоҳолармиш...

Ёнаётган оловнинг тафтини ўнгида ҳам аниқ туйди. Бадани мисдай қизирди. Боя тушида қичқиролмай қийналганидан юраги гупиллаб урарди. Вужудини ҳорғинлик ўраб олган. Бирпас шу кўйи ётди. Аммо кўзи илинмади. Урнидан туриб, жағи очилиб қолган шиппакни оёғига илди. Тунги чироқни ўчириб, бемордай ихраниб, ювиниб келди. Кейин қизининг каравотига бир дам шуурсиз тикилиб турди. Шу топда уни жудаям соғинганини англади. Хаёли ўқтин-ўқтин бояги тушига кетиб қолаверди. Таъбирини тополмай юраги сиқилди.

Ўзини чалғитмоқчи бўлиб нонушта тайёрлашга киришди. Музхонани очди: жиндай сариёғ билан учта тухум қолибди, холос. Бир неча кундан буён бозор қилолмагани эсига тушди. Бирдан ўзининг ночор аҳволдан, ёлғизлигидан хўрлиги келди, кўзлари ёшланди. Иккита тухумни сувда пиширди. Кейин хонтахта ёнига ўтириб, тухумни арчди, пиёлага чой қуйди. Аммо иштаҳаси бўғилганидан ҳеч нарса ўтмади. Ким нима деса десин-у, ёш аёл учун ёлғизликдан оғирроқ, даҳшатлироқ фожиа йўқ экан.

Авалли кун Мавлонга қўнғироқ қилганди. У олдин иши кўплигини айтиб тайсалланди, учрашишдан бош тортди. Аммо Гулшан ҳам бўш келмади:

— Йўқ деманг, Мавлон ака! Ушанда хайрлашмай ҳам уйдан ҳайдадингиз. Бунчалик жонингизга текканимни билганимда олдинроқ кетган бўлардим...

— Қисқароқ қилишнинг иложи борми?— Мавлоннинг жаҳли чиққани овозидан қичилиб турарди.— Мендан нима истайсан, ахир?! Агар пул-мул керак бўлса, уни айт, ўғаса тинч қўй!

— Раҳмат...— Гулшан шундай дедию, давомини гапиролмай қолди. Юраги қаттиқ санчди. Аламидан телефон дастагини гижимлаб юборай деди. Шунда ичидан хўрсиниқ аралаш «аблаҳ» деган хитоб отилиб чиқди. Буни Мавлон эшитиб қолмасин дея дастакни қафти билан шошиб бекитди.

— Мавлон ака,— дея гап бошлади Гулшан бироздан кейин яна ўзини қўлга олиб,— менга ҳеч нарсангиз керакмас. Фақат сўнгиги марта учрашайлик. Сизни жуда-жуда соғинганман. Сизни қанчалик севишимни... кечалари ухламай ўйлаб чиқишимни... эҳ, қанчалар азоб чекаётганимни билсангиз эди!..

— Гулшан, хафа бўлмагин-у, сира вақтим йўқ. Иложи топилса, ўзим қўнғироқ қиламан.

— Қўрқманг, Мавлон ака, жанжаллашмоқчи эмасман, ҳеч қандай даъвоим ҳам йўқ. Ҳаммасини тушунаман. Фақат неччи марталаб уйингиз олдида йўлларингизни пойлаганимни, учратган эса, рўбарў бўлишдан ҳайиқиб юрганимни билармикинсиз? Худо ҳақки, сизга ёмонликни раво кўрмайман. Сўнги бор кўзларингизга термилиш, қўлларингизни ушлаш насиб қилса, бас! Йўқ деманг, Мавлон ака!

Мавлон узоқ жимиб қолди. Кейин, «бўпти, кечқурун уйингга кириб ўтаман», дедию, дастакни қўйди.

Гулшан Мавлонни алдади. Ёмонлик тиламайман дегани ғирт ёлғон. У Мавлондан чеккан аламлари, хўрликлари, уни деб эридан ажрагани ва боласини тирик етим қилгани, охири энг ифлос фоҳишадай уйдан қувгани — ҳаммаси-ҳаммаси учун интиқом олиш истагида эди. Қасос ўти унга тинчлик бермай қўйган, вужудини ўрмонга кетган ёнғиндай аста ямлаб, куйдириб юборарди.

Лекин Мавлондан қайси йўл билан ўч олишни ўйлаб кўрмаган экан. Нима қилсин! Гап билан тузлаб хумордан чиқсинми? Йўқ, бунда ҳам лағча чўғ юраги таскин топмайди. Ё ишхонасига бориб, ўтган воқеани ҳаммага айтиб, шармандасини чиқарса-чи? Бу ҳам маъқул келмади. Мавлон ўлгудай туллак, ўзини минг томонга уриб, сувдан қуруқ чиқади. Ўз хотини ҳам тақдирга тан берган шекилли, эрининг қинғир қадамини билса ҳам, мум тишлагандай жим юрибди.

Ўйлавериш боши ғовлаб кетди. Ниҳоят, қатъий қарорга келди: уни ўлдиради! Ҳа, ҳа, чеккан барча азоблари учун ана шундай йўл билан Мавлондан қасд олади. Ана шундай деб ўйлади-ю, ўз хаёлларидан ўзи қўрқиб кетди. Кучи етармикин? У эркак киши, бунинг устига буқадай кучли.

Нима бўлгандаям, барибир, ўлдириш керак. Ҳайдалганидан буён юрагининг қатида пусиб ётган аламлар шу тобда жунбушга келди, руҳига мадад берди. Интиқом ҳисси голиблик қила бошлади. Мавлонга дабдурустан ташлашида балки журъати етмас?

Эҳтимол, ниятига эришолмай, унинг калтагидан ҳалок бўлар? Қандай тўғаноқ чиқмасин, йўлини нелар тўсмасин, барибир аҳдини амалга оширади. Ҳеч бўлмаганда ярадор қила олар? Йўқ, бунда ҳам қасд илинжида томирларидан тошиб оқаётган қон совимаслигини яхши билади. Унинг жонини олиши керак! Ҳаётини поймол этган, беҳаёларча алдаган, хўрликка солган, бутун орзу-умидларини чилпарчин қилган кимсанинг жазоси шу бўлади. Шунда унинг бесаражом безовта қалби тинчйди, ором топади. Шунда у умрининг бесамавр ва дилхун ўтганига унчалик афсус чекмайди.

Мавлон келгунича Гулшаннинг хаёллари неча кўчага кириб чиқди. Гоҳ бир неча дақиқадан сўнг ушбу уйда содир бўладиган қотилликнинг бутун тафсилотлари кўз олдига келади. Милицционерлар қўлларини боғлаб олиб кетаётган ҳолатда ўзини тасаввур қилади. Гоҳи пичоқни Мавлоннинг қоқ юрагига санчган сониядаги ўз аҳволини ҳис этади, димоғига қон ҳиди урилиб, томоғига ўқичиқ келади.

Ошхонага кириб нон кесадиган узун пичоқни олди. Уткирилигини синамоқчи бўлгандай, тиғини тирноғига теккизиб кўрди. Кейин уни кийим ечадиган қозиқ тепасига яширди. Сўнг Мавлонга қандай қилиб пичоқ санчиш режаларини белгилай бошлади. Эшик кўнғироғи чалинса, чап қўлида эшик очади. Мавлон кириши билан ўнг қўлидаги пичоқни унинг кўксига мўлжаллаб уради. Йўқ, бунақаси бўлмас экан. Эшик очиқ турганда уни ўлдиролмайди, бирор киши кўриб қолиши мумкин. Яхшиси, уни диванга таклиф этади, ўтириши билан курагига солади. Уша ҳолатни туйиб, аъзойи-бадани дағ-дағ титрай бошлади. Ҳарчанд ўзини босишга уринса ҳам иложини тополмас, юрагининг гурс-гурс уриши ўзига ҳам баралла эшитилиб турарди.

Шу пайт эшик кўнғироғи жиринглаб қолди. Эшикни очди. Рўпарасида ўша — Мавлон акаси турарди. Чехрасида кўрқув, истиҳола ёки афсусдан асар йўқ. Гўё биринчи бор кўраётгандай жилмайиб турибди. Гулшан индамай йўл бўшатди. Мавлон ичкарига кириб, такаллуф ҳам кутмай тўғри диванга бориб ўтирди. Уй жиҳозларига, ранги ўчган дарпардаларга, ҳатто эшиги қия очиқ ошхонага ҳам синчковлик билан бирма-бир назар солиб чиқди. Кейин нигоҳини, «хўш, хизмат» дегандай Гулшаннинг ҳаяжон ва кўрқувдан дам бўзариб, дам қизараётган чехрасига кўчирди.

Гулшаннинг тили лол, нега пичоқни аввалроқ диван яқинига келтириб қўймаганига афсусланганча турарди. Мавлон энди саволини тилига чиқарди:

— Мана, мен келдим, нима гап бор эди?

Гулшан ҳамон сукутда. Нима ҳам дерди? Севишини, усиз бирор кун ҳам яша олмаслигини айтса, барибир — у ишонмайди. Ҳайдаган кун, «мен севгига ишонмайман, бу бекорчиларнинг ва мирқуруқларнинг ўзига тасаллиси», деган. Қайтанга Гулшаннинг гўллигидан, ҳавойи ва китобий хаёлларидан кулади. Ахир, авваллари ўзи ҳам ишқ нималигини фаҳмламай турмушга чиққанини, Мавлонни чинакамга севиб қолганини, ҳақиқий муҳаббатнинг нимага қодирлигини энди тушунганини қандай айта олсин!

— Гулшан, менинг вақтим зик, сен билан индамас ўйинга имконим йўқ. Мана, яшашинг ёмонга ўхшамайди, агар пулдан қийналиб қолган бўлсанг, уни айт! Фақат мени тинч қўй! Иннайкейин, ишхонага кўнғироқ қилма, тушунмаганлар турли хаёлга бориши мумкин.

Гулшан гапирмоқчи эди-ю, Мавлоннинг сўнги жумласи яна вужудини қиймалаб юборди. Демак, у бутунлай бекадр бўлибди, назардан қолибди-да. Энди Мавлонни кўриш у ёқда турсин, ҳатто овозини эшитишга ҳам ҳадди сизмас экан-да. Йўқ, йўқ, бунга асло чидолмайди. Майли, Мавлон акаси ўша чиройли маъшуқаси билан яшайверсин, уларга асло халақит бермайди. Фақат гоҳида Гулшаннинг кулбасига тушриф буюриб турса, жувон унинг нафасини ҳис этса, қучганида бағрига сингиб кетса! Унга бошқа ҳеч нарса керак эмас!

Аммо Гулшан бу гапларни Мавлонга айтолмади. Фақат лаблари унсизгина пичирлаб қўйди. Ҳамон Мавлондан кўз узолмас, унинг бетоқат нигоҳини ушлашга беҳуда уринарди. Бирдан сабрсизликдан тепиниб турган оёқларига йиқилиб, ўкраб-ўкраб йиғлагиси келди. Аммо бунга ҳам журъати етмади, тўғрироғи ҳад қилолмади.

Ниҳоят, Мавлон шаҳд билан ўрнидан турди. Ёнини кавлаб бир даста уч сўмлик олиб, диванга ташлади. Кейин Гулшанга чақчайиб асабий деди:

— Гулшан, ўзинг биласан: аёллар билан пачакилашиб ўтиришни ёмон кўраман. Агар ниятинг бузилиб, ўт-бетга югурадиган бўлсанг, унда ўзингдан ўпкала. Шундоқ расвойингни чиқараманки, ё қочиб қутулсан, ё ўлиб, тушундингни? Яхшиликча ҳаммасини унутайлик, йўғаса бир-биримизни хафа қилиб кўямиз.

— Буни биламан, Мавлон ака. Фақат қайси гуноҳим учун ҳайдаганингизни айтсангиз кифоя!— Гулшан Мавлоннинг кўзларига ялинч билан тикилди.

— Агар жа билгинг келса, эшит,— Мавлон унга қарамай гапирди.— Гапимни иккита қилгани ҳеч кечиролмайман. У дунёда тенгсиз бўлса ҳам... Ке, эски гапларни кўзиб, асабини бузмайлик. Хайрлашмоқчи эдинг, яхшилик билан ажрашайлик.

— Мавлон ака, кетманг!!— Гулшан чинқириб юборди.

Мавлон Гулшанга ғижиниб назар ташлади-ю, эшикка юрди. Уни оҳиста ёпаркан, ортига қарамай совуққинга «хайр» деди. Гулшан қўлга тушган киссавурдай хона ўртасида қалтираб турар, Мавлонга пичоқ уришга улгурмагани учун тинмай ўзини лаънатлар-

ди. Аммо агар Мавлон ҳозир қайтиб киргудай бўлса, барибир, уни ўлдиролмаслигини, севган кишисига пичоқ кўтариш у ёқда турсин, ҳатто ёмон сўз айтишга ботинолмаслигини аниқ ҳис этарди.

У Тамара билан мусофирхонага етиб борганда оқшом кўч ташлаган, йўлкалар хиёл гавжумлашган, бинолар пештоқидаги нурли лавҳалар «рақс туша бошлаган» пайт эди. Тамара ўзини бемалол тутиб, атрофига сохта бепарволик билан аланглаб қилди. Бу орада мусофирхонанинг ойнаванд эшигидан ичкарига бош суқиб, дарбон билан ниманидир пичирлашиб олди. Кейин ҳадик ва тортинишдан талмовсираб қолган Гулшанининг ёнига келиб, давлат сирини айтгандай шивирлаб гапирди:

— Мижозларимиздан дарак йўқ, бироз кутамиз... Кўнглингни хотиржам қил, ҳаммаси яхши кўчади. Биринчи овни ўзимга қўйиб беравер. Ҳали мазахўрак бўлиб қолсанг...

Тамара гапини тугатмай, оёқ остида ўралашиб юрган каптарларни чўчитиб, шарақлаб кулди. Юрагига сиғмаса ҳам Гулшан ҳорғин жилмайиб қўйди. Ҳаяжон ва қизиқиш билан кутилган бугунги учрашув негадир ҳозир унга завқ бермас, қалбида уялишга ва жирканишга мойилроқ туйғулар ҳоким эди. Аммо Тамаранинг қаҳридан чўчиб, ичидани ташқарига чиқармади.

Тамара деганлари ўлгудай муғамбир экан. Мавлоннинг сўнги ташрифини, шундан кейин Гулшанининг кўчага қадам босмай қўйганини, ўзини анча олдириб сўлиганини — барини пайқаб юрган экан. Ер тагида илон кимирласа биледи-да, қурғур! Уша куни қийшанглаб, заҳарханда кулги билан кириб келди.

— Ҳа, азачи хотиндай тўрсайиб ўтирибсиз. Зайнаб пошша, нима, Отабегингиз Кумуши билан кетиб, ғамга ғарқ бўп қолдингизми?— дедию ўзининг ўхшатиши ўзига нашъа қилиб, тиззасига шапатилаб, қотиб-қотиб кулди.

Гулшан жавоб бермади. Аммо Тамаранинг гапига жилмайиб қўйди. Эзилаётганини, дунёси қоронғилигини сездирмаслик учун ўзини қўлга олиб, уни ўтиришга таклиф қилди. У икки қўлини белига тираб, хона ичида айланар, ҳали у нарсага, ҳали бу нарсага қўл теккизиб кўрар, аммо оғзи гапдан бўшмасди:

— Одам деган сал ўз қадрини билиши керак. Нима энди, биттаси ташлаб кетди деб, кўкракни захга бериб ётиш керакми? Эркак зоти ўлгур ҳар қадамда хиёнат қиладу, нега энди биздан вафо талаб этаркан? Тупур ҳаммасига, бугундан бошлаб тақдиринг билан ўзим шуғулланаман. Шунақа келишган, пулдор йигитларни топиб берайки, Мавлонинг ҳасаддан ёрилиб ўлсин!

Гулшан Тамаранинг бидирлашига жавобан:

— Қўйсангиз-чи, Тамарахон,— деди маъюс.— Унақа дуч келган эркак билан апоқчапоқ бўлиб кетиш менинг қўлимдан келмайди.

— Ие, ие, назарингизда сиз покиза, вафодор ҳисобланиб, биз учраганга ўзимизни топширадиган жалаб бўлиб қолдикми? Ҳали кўрарман, бирортаси билан таништириб қўй, деб ялинавериб тилингизни ялашингизни. Жа сиздақаларнинг кўпини кўрганмиз. Аввал шунақа сиртига сув юқтирмай, кейин бизнинг мижозларни ҳам тортиб кетади.

— Ман сизни айбламоқчи эмасман. Ҳар кимнинг гўри бошқа, ҳар ким суйган овқатини ичади. Аммо мен бу йўлга киролмайман.

— Вой-вуй, ҳали турмуш азобларини тортганлари йўқ-да, Мавлон акаларидан қолган кўр билан нозу карашма бўлакча. Итдай ишлаб юз сўм маош олсалар кўрамиз. Уни овқатга етказсалар кийимга етмаса, кийим олсалар болалари пул сўраб хуноб қилса. Ушанда ўзлари йўрғалаб қолармикинлар: қайдасан пулдор акалар, деб.

— Ҳеч қачон! Очимдан ўлсамам Бунақа қилолмайман,— деди Гулшан қизишиб.

Аммо уч-тўрт кун ўтиб Тамарага беҳуда катта кетиб қўйганини англади. Уни-ку, пулга муҳтожлик қийнамади, оч-яланғоч қолмади. Фақат Мавлоннинг хўрлагани, ҳатто охирги куни ҳам инсон ўрнида кўрмагани алам қилаверди. Ундан ўч ололмагани, уни ўлдиришга қасд қилиб, ҳатто ёлғондакам пўписа ҳам қилолмагани ғазабини қўзғарди. Айниқса унинг ҳеч нарса бўлмагандай янги маъшуқа билан айш-ишрат қилаётганини хаёлига келтириб, баттар эзиларди.

Охири бу ҳақда энди ўйламасликка қарор қилди. Ер ютсин ўша кўрнамани, ҳали Гулшанининг тирноғига зор бўлади. Гулшан шунақанги мазза қилиб айшини сурсинки, Тамара ҳам ярим йўлда қолиб кетсин. Нима, унинг Тамарадан қаери кам? Ҳуснда ҳам, ёшда ундан бир поғона баландда. У шунчалик пул топяпти, демак, Гулшан ундан ҳам кўпроқ туширади. Ҳақиқатан, ишлаб нима зарил, қайси қорни тўймай қоляпти? Битта қизини боқиб олар? Ҳали уйини шунақанги безатиб олсинки, унинг олдида Мавлоннинг ўша миннатли уйи гадонинг кулбасидай бир пуллик бўлиб қолсин! Шунақанги қимматбаҳо кўйлақлар тиктирсинки, янги маъшуқанинг ичи куйиб ўлсин!..

У шундай деб хаёл сурарди-ю, кўксининг аллақаеридан, «сен бундай қилолмайсан, қўлингдан бу ифлослик келмайди», деган кучсизгина садо эшитилаётгандай бўларди. Барибир, Мавлонга ўчакишиш, унга қасдма-қасдига иш тутиш ҳисси устунлик қилди.

Фақат шу йўл билангина хумордан чиқиш мумкин. Мавлон ўзи пуф сассиқ қилган жувон ортидан не-не бойваччаю олифталарнинг югуришини кўриб, ёқасини ушлаб қолсин!..

Бугун эрталабданоқ Тамара билан иккови биринчи муҳаббат ўйинининг бутун икир-чикирларини, тафсилотларини роса муҳокама қилишди. Янги шоғирдига ҳунар ўргатаётган устадай, Тамара эркакларни илаштиришнинг турли йўлларини Гулшанга эринмай тушунтирарди. Гулшан тўғри бораману, ёқтирган йигитимни эргаштириб, уйга бошлаб келаман, деб ўйлаган экан. Бу ишнинг ҳам минг бир ҳадиси, сир-асрори бор экан. Тамара уларни бидирлаб Гулшанга уқтирарди:

— Биз асосан «Ором» мусофирхонаси атрофида «ов» қиламиз. Чунки у ерга колхоз раислари, фабрика директорлари кўп келади. Илло-билло ўзимизнинг ҳамшаҳарлар билан пачакилаша кўрма! Айланиб келиб таниш чиқиб қолиши мумкин. Галстук таққан, папка қўлтиқлаганлардан узоқроқ юр, чунки улар мирқуруқ бўлади. Ишни битириб, уч сўмни қистириб қочиши мумкин. Иложини қилсанг, ресторанда ўтиргандаёқ нархини келишиб ол. Ҳар куни онабошининг улушини чўзишни унутма, йўқса, сени бу ердан четлатиб ташлашади. Қолган гапларни ўша ёқда гаплашамиз. Мелисани қандоқ алдаб ўтишни ресторанда тушунтираман.

Тамара гапини ҳам тугатмай, секин Гулшаннинг биқинига туртди:

— Ов келди. Ҳов анави икковини кўряпсанми, молини йўқотган чўпондай аланг-жаланг қиляпти. Ҳозир ресторанга кириб жойлашсин, ортидан биз киримиз.

Ҳақиқатан улардан ўн беш қадамча нарида бири пакана ва бақалоқ, аммо пўрим кийинган, хушмўйлов, иккинчиси аксига олгандай ориқ ва новча, костюми элвайган, кўринишидан соддагина — икки киши ўтган-кетганга аланглаб, кимнидир кутишарди. Новчаси бурқсатиб тамаки тутар, бақалоқ эса ҳар бир ўтган аёл зотининг орқасидан бақрайиб қараб қоларди. Шеригига нимадир деб, қорнини силкилатиб куларди. Улар бироз гаплашиб турга, ичкарига кириб кетишди.

— Семиз билан ўзим тиллашаман,— деди Тамара.— Ориқ сал соддароқ кўринади, униси сенга. Ресторандан чиққандан кейин ҳар ким ўз уйига бошлайди. Аммо уйингда эрталабгача тунашига йўл қўйма, ишни битирибоқ паттасини тутқаз, мусофирхонасига жўнайверсин. Ҳа, иннайкейин, ўз исмингни айтма, гап чувалашади.

Икковлон ресторанга кириб боришди. Қулоқни батанга келтириб куй янграр, унинг гумбурида узук-юлуқ гап, қаҳ-қаҳа, идиш-товоқларнинг тақир-туқури элас-элаз эшитилиб қоларди. Тамаки тутунига болта осгудай. Хушрўй, бир хил кийинган, аммо бадфеъл маҳрамларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Кириб боришлари билан семизликдан жағи билан бўйни қўшилиб кетган ойтовоқдек маҳрам минғирлаб қарши олди:

— Кел, Тамарочка, соғлиғинг яхшими, бугун иш зўр бўладиганга ўхшайди. Қурултойга келганлар эрталабдан босиб кетди. Ёнингдаги оппоқ қизни биринчи кўришимми?

— Ҳа, буми, оповсининг айшини ҳавас қилиб, биззи ҳунарни танлади. Бугун кўрсин-чи, ёқармикин? Анжела, биззи ҳов анави икковининг ёнига ўтқаз!

— Э, Тамарочка, улар қишлоқ-ку, нима маза топардинг, тўнқадай бўлиб ўтиришини қара. Иккита фирмачни кўз остига олиб қўйганман, машина олди-соттиси билан шуғулланадиганлар.

— Йўқ, бугун бунақалари тўғри келмайди. Манови жонимни кўрқитиб ё ҳурқитиб қўйиши мумкин. Сал простойлари тузук!

Маҳрам уларни тўғри бояғи эркакларнинг столига ўтқазди. Аёллар нафас ростламай туриб, бақалоқ типирчилаб қолди. Ҳар икки жувонга суқ билан тикилди, негадир шеригига маънодор имлаб қўйди. Кейин ташаббусни қўлга олиб, Тамаранинг исмини сўради. Дарров танишиб олишди. Бақалоқ Тошқўрғонда колхоз раиси экан, шериги эса агропромда ишларкан. Бақалоқ сўзамолгина, қувноққина экан, дарров овқатга буюртма берди. Маҳрамнинг қулоғига «конъякнинг зўридан опкелинг» деб пичирлади. У кетиши билан бир-биридан беҳаё латифаларни бошлаб юборди. Шериги сал тажангроқ экан-у, раиснинг хушчақчақлиги унга ҳам юқди шекилли, тамаки сарғайтирган тишларини кўрсатиб кулишга тушди. Гулшаннинг тортиниб, ғайритабиий ўтиришга кўниқолмай турганини сезиб, Тамара унинг оёғини босиб қўйди. Кейин новчага юзланиб, деди:

— Кавалер деган ҳам шунақа бепарво бўладими, жонидан? Рўпарангизга шундоқ парини ўтқазиб қўйибман-у, мундай гапга солиб ухаживает қилишни ҳам унутиб қўйдингиз-а!..

...Улар икки соатларда туришди. Гулшанга бир қадаҳ конъякни зўрлаб ичиришгани учунми, ё боя новча билан рақс тушишганда оёғини босиб олувди, шунгами, ҳарқалай мункиб кетай деди. Дарров новча унинг қўлтиғига кириб олди. Бармоқлари негадир кўкрагини пайпаслар, ўзи ичимлик ҳидини бурқсатиб қулоғига тинмай, «бугун бир меҳмон қиласиз-да, оконг ўргулгур», деб ғўнғилларди.

Уй олдида таксидан тушишганда, Гулшаннинг юрагига яна ғулғула кирди: борди-ю, қўшилардан бирортаси кўриб қолса-чи? Шоша-пиша уйга кўтарилишди. Ичкарида новча уни беўхшов кучоқлаб, сўлагини суркаб юзидан ўпди. Гулшан ғаши келиб, уни итариб юборди. Гандираклаб деворга суняиб қолди.

Чироқни ёқиб, Гулшан кўзгудаги аксини кўрдию яна жини қўзиди. Сочлари пахмаиб,

важоҳати алвастиларга ўхшаб қопти. Новча диванга бориб ўтирди, костюмини ечиб, суянчиққа ташлади, бир томонга пайпоғини отди. Беўхшов тиржайиб, «келақолинг, дўндиқчам, чироқни тезроқ ўчиринг», деди.

Гулшан чидаб туролмади, хўрлиги келиб баралла хўнграб юборди. Унинг қилиғини кўрган новча ток ургандай, кўзини ола-қула қилиб қотиб қолди. Кейин ўрнидан туриб бояги отворган пайпоғини қидириб топди. Уни шоша-пиша кияркан, оғзи жавдан тинмасди:

— Нега йиғига тушдингиз, хонимча? Ё пулини олдиндан тўлаб қўйишим керакми-ди? Ман... бунақа ишга биринчи юришим... Ўзи кўнглим чопмай турувди-ю, Маҳмуд ака марказда бир ғуборни тўкиб мацца қилиб кетайлик деб қўймади-да! Ўзи бизга уйдаги беминнати тузуқ экан...

Гулшан унинг гапига қулоқ ҳам солмади. Шаҳд билан костюмини қўлга олди-ю, новчанинг башарасига улоқтирди. Кейин тарс-турс юриб эшик олдига борди. Уни очиб, новчага қичқирди:

— Қани, бир нарса қилиб қўймаганимда жўнаб қол-чи!

У костюмини бир амаллаб кийди-ю, эшикка қараб юрди. Гулшаннинг олдидан ўтаётиб тўнғиллади:

— Тушунолмай қолдим, ўзи ноз-карашма билан уйига етаклаб келса-ю, ҳе йўқ, бе йўқ, ҳайдашга тушса! Эси жойидами? Эссизгина ресторанда тўланган олтмиш. Хотинга ҳиндларнинг жемперидан биттаса келарди-я!

Унинг ортидан Гулшан эшикни қарсиллатиб ёпди, югуриб бориб, диванга ўзини юзтубан ташлади. Украв-ўкрав алам билан йиғларкан, ора-сира бебахтлигидан фони фалакка чиқиб қарганарди: «Ўзи азалдан толеинг йўқ экан, Гулшан, йўғаса шу кунларга қолармидинг? Агар эс-ҳушингни йиғиб олмаганимда шу билан бошланарди-я, ифлос ҳаёт! Оҳ фалак, мен бахтиқорада бунча қасдинг кўп!»

14

Бу йил баҳор кечикди. Март кирган бўлсаям ердан қор кетмаган. Тинмай изғирин изғийди: сирпанишдан чўчиб, ҳали ҳам ҳадиксираб қадам босаётган йўловчиларнинг юз-кўзини чимдийди, яхши исимайдиган бетон уйларнинг деразаларига гул олиб қочади. Гоҳида қуёш жамол кўрсатиб қўяди, аммо аёзнинг қаҳрига бас келолмайди. Ҳатто биноларнинг пештоқида осилиб ётган сумалакни эритишга ҳам унинг кучи етмайди.

Гулшан оғзидан чиққан буғдан хира тортган дераза орқали ташқарига ўйчан тикилиб ўтирибди. Пастда болалар қий-чув солиб ўйнаяпти. Уларнинг орасида қизи йўқ. Уни эртага олиб келади. Ҳозир нима қилиб ўтирибдйкин? Бирам соғиндики! Ўзи жа бемехр-да! Тарбиячи тагдор қилиб «қизингиз серйиғи бўлиб қолди», деганига ҳам эътибор бермабди. Бўлди, тамом, ҳаммасига ўт тушсин! Қизини ҳар кўни олинадиган боғчага ўтказади. Ўзи яна ўша фабрикасига ишга киради. Она-бола ўз ҳаётларини қайтадан изга солишади. Балки ҳаммаси унутилиб кетар?

Яна кўзи оппоқ парқу орасидан шам сингари хира нур сочиб турган қуёшга тушди. Кексалар шунақа ҳолатни «эшак ўлдиран офтоб», дейишарди. Гўёки, ҳайвон уни кўриб, офтобда мацца қилиб исинаман дея ерга ағанаркан. Охири унинг нури етиб келмай музлаб қоларкан. Гулшан ҳам ўша олис қуёш нури каби сароб хаёлларга қул бўлиб, сохта аврашларга ишониб ўзининг ҳаётини, муҳаббатини қурбон қилиб қўйганини аниқ тушуниб турибди. Кошкийди, ҳаёт икки бора берилса, иккинчисида қилган хатоларингни қайтармасликка интилиб яшасанг!

Унинг муҳаббати ҳам (агар муҳаббат саналса) мана шу аёздаги тафтсиз қуёшдай, ҳаётига жиндай илиқлик олиб киролмади. У Мавлонга иккинчи хотин бўлишга розилик берганида барча орзу-ниятларига етишни ўйлаганди. Мавлоннинг шохона безатилган уйда маликалар янглиғ бекалик қиламан, деб ширин хаёллар сурганди. Бари пуч кетди. Оқибатда лапашанг ва мирқуруқ бўлсаям, юрагидан севган Раҳимдан ажради, қизини тирик етим қилди. Муштипар қайнонанинг қарғишига қолди. Ўз ота-онасига энди бегона. Неча йиллаб мисқоллаб топган обрў-мартабаси ҳавога учди-кетди. Касбдошлари юз ўгирди. Ҳаммаси тамом! Барига ўзи ўт қўйди, яксонлади, енгилтаклиги туфайли бир кечада, ўша ифлос тўшак устида совурди.

Сўнги бир ой ичида бу ҳақда жуда кўп ўйлади. Эҳтимол, Мавлоннинг меъдасига тегиб, уйдан ҳайдамаганида бу ҳақда унча бош қотирмасди. Ёлғон ваъдаларга кўниб яшайверарди. Мавлон билан ажрашганида ҳам кўзи очилмаган экан. «Мавлон ё қайно-тасидан ҳайиқиб, ёки обрўйига путур етишидан чўчиб, мендан қутулмоқчи», деб ўйлаганди. Кейин англаса, у Мавлоннинг кўнгили ҳуши учун топилган бир қўғирчоқ экан. У кераклигида Мавлон айланиб-ўргилди, пулини хазондек сочди, айтганини муҳайё қилди. Чучитилмаган ёғдай меъдага тегувдики, оппа-осон қутулиб қўяқолди. Нима бўлганига ҳатто Гулшаннинг ақли етмади ҳам.

Мавлоннинг ортидан янги шаҳарга кўчганидан буён атрофида ўзига ўхшаб ҳаёти барбод, тақдир қарғишига учраган, енгилтаклиги туфайли бахтидан ажраган ўнлаб,

юзлаб аёллар борлигини кўрди. У-ку бойликками ё Мавлоннинг ёлғон ваъдалари, ширин сўзларига учиб бу йўлга қадам қўйди. Ҳеч бўлмаганда иккинчи хотин номи бор. Бошқалар-чи? Аёллик иффатини, ҳаёни, оналик бахти вафо-садоқатни пулга сотаётганлар-чи? Уларнинг бу кўйга тушишига нима айбдор? Тирикчилигининг оғирлигимини, ё орзу-ҳаваснинг кучайиб кетганими? Ёки ўзини ҳамма нарсага, ҳатто хотинларнинг иффатига ҳам хўжайин ҳисоблайдиган Мавлон кабиларнинг тантиқ истакларими?

Гулшан хаёллардан бўшаб, яна ташқарига назар ташлади. Ҳозир қулоғига бо... ларнинг қичқирғи ҳам кирмади. Зум ўтмай, яна ўйга чўмаверди. Ўзи сингари бебахт аёлларнинг қисматини ўйлаб, бунинг айбдорини қидираверди. Аёлларнинг ахлоқсиз бўлиб, бузилиб кетаётганига ким айбдор, ким? Ё уларга ортиқча эрк бериб юборилдими? Ўзи аёллиги учун бундай дейишга тили бормайди. Ёки эркакларда ҳамият қолмадими? Ҳарқалай, Раҳимларникида яшаганларида кексалардан ҳайиқиб, эри билан ёнма-ён юришга ҳам ийманарди.

Бу ерга кўчиб келганида турмуш тарзининг хийла бошқачалигини кўриб, анчагача кўниколмай юрди. Бу ерда эринг тугул, ҳатто бегона эркакнинг пинжиги кириб ҳам юришинг мумкин. Чунки биров билан бировнинг иши йўқ, ҳеч кимдан ҳайиқмайсан. Ҳамма ўзи билан ўзи овора! Насиҳат қиладиган, тартибга чакирадиган битта-яримта чиқиб қолса, икки оғиз гап билан тузласанг, бир умр дами чиқмай кетаверади...

Ўйлайвериб, бошига оғриқ тўрди. Телба-тескари хаёлларни миясидан қувмоқчи бўлар, аммо улар сур пашшадай ёпирилиб келаверарди. Уф-ф, аёл кишига бунчалар қийин экан-а! Мана, ўзи бинойидай оиланинг фарзанди, бир чиройли хонадонга келин бўлиб тушувди, ҳаётдан нолимаса арзирди. Аммо тақдир уни ўз гирдобига солиб, бугунги кунга келтириб отди. Нега энди ҳамма айбни қисматга тўнкаяпти? Балки Мавлон йўлдан оздирмаганида ҳозир Раҳим билан тотув яшаб бўлармиди? Ё кўз очиб кўрган эри айбдормиди? Эҳтимол, бошвоғини қўйвормаганда, тергаб турганда, кўнгилни топиш учун яхши сўзини қизганмаганда, бу йўлга кирмасмиди? Хўп, пули-ку, етишмас экан, тили ҳам йўқмиди? Ахир, олиб беролмасаям, ваъда бериб хотиржам қилмайдими? Ахир аёл киши қулоғидан семиришини ҳамма билади-ку! Ёки барига ўзининг энгилтаклиги, турмуш отлиғ синовга тайёр эмаслиги сабабмикан? Нега ўшанда, ўша машум ўтиришга кетаётганда бу тўғрида ўйламади? Ахир ҳаёт фақат кўнгилхушлик, орзу-ҳавасларнинг қониши, бахтли кунлардан иборат эмаслигини китобларда кўп ўқиганди-ку! Уни қайси шайтон йўлдан оздирди?..

У охири қатъий қарорга келди: тамом, ўзига ўт қўяди! Энди унга ҳаётнинг қизиғи қолгани йўқ. Ҳар қадамда алданганини ҳис этиб яшаш жонига теғди. Сирдош ва меҳрибон онасидан ҳам ортиқ кўриб, ҳатто кўз очиб кўрганидан азиз қилиб юрган кишининг ўзга аёл билан яшаётганини тасаввур этишнинг ўзидаёқ вужудини ҳар соатда куйдиради, юрагини қиймалайди. Ҳар куни бунақа азоб чеккандан кўра, бир марта ўлиб, баридан қутулгани яхши эмасми?

Қанчалар севарди-я Мавлонни! Турмушга чиқаётганда ишқ нималигини билмаган, ҳаёт деганлари шу экан-да, деб ўзига тасалли бериб яшаётган Гулшан, эҳтимол, Мавлонга рўбарў келмаганда, шу ҳолга тушмасмиди? Йўқ, барибир уни топарди. Чунки севгисиз яшаш энг даҳшатли азоб-ку!..

Аммо у севган инсон худбин ва аблаҳ чиқди. Агар ундан ўч олишга эришганида аламзада қалб биров таскин топиши мумкин эди. Эҳтимол, ўшанда ўз жонига қасд қилмасмиди? Демак, у ҳам ҳақсизлиқнинг, ҳам жавобсиз севгининг қурбони бўларкан-да! Эҳ, гўл ва содда аёллар, бунчалар ҳам ишонувчансиз! Наҳот сен ҳам қадрингни шунчалик топтатиб қўйсанг-а, Гулшан!?

Минг таассуфки, у Мавлонни ўлдиришга, ундан қасос олиб хумордан чиқишга ўзида куч ҳам, журъат ҳам, қолаверса, рағбат ҳам тополмади. Шундай экан, кучи ўзига етади, холос...

Ўз жонига қасд қилувчилар руҳий жиҳатдан ожиз, аммо иродаси кучли одамлардир, дейишади... Гулшан ўзини юксак иродали кишилар қаторига қўшолмасди. Ҳозир унинг вужудини ишонсизлик, нотавонлик, ғусса, айни пайтда атрофидаги одамларга чексиз нафрат қирмаб олганди. Аммо нимадир тезроқ ўзини ўлдиришга даъват қилаверарди.

Дарвоқе, қизининг ҳоли не кечади? Кимларнинг кўзига мўлтираб кимнинг қўлига жовдираб қарайди? Юрагини яна алам эзғилади. Қизи ҳақидаги ўйларини миясидан қувмоқча киришди. Агар унинг тақдири тўғрисида яна озгина бош қотирса, ўлиш ниятдан воз кечвориши ҳам ҳеч гапмас. Аммо бундай қилишга ҳаққи йўқ, у албатта ўтда ёниши керак!


Ие, нима учун ўт қўяди? Бунақа қилиб ёниб ўлишнинг турган битгани даҳшат-ку! Борди-ю, уни қутқариб қолишса-чи? Йўқ, йўқ, бунга асло чидолмайди. Барибир ёруғ дунёдан кетиши керак, Мавлон каби ифлослар юрган заминда қолишга виждони йўл қўймайди...

Ўлимнинг турлари кўп экан. Масалан, осонгина заҳар ичиб қўяқолса ҳам бўлади. Унча азоб чекмайди. Ёки газини очиб уйкуга ётса, бас, эрталабча, қарабсанки, дунё

билан хайрлашиб бўпсан! Унинг айвонига чиқиб, шундай ўзини пастга ташласа ҳам кифоя: бақадай тап этиб тушади-ю, тинчийди-қолади.

Аммо Гулшан ўзига ўт қўйиб, гуриллаб ёнишни афзал билди: ўзининг бахтсиз никоҳини, омадсиз муҳаббатини, ушалмаган армонларини — ҳаммасини аланга ўз домга қандоқ тортишни ўз кўзи билан кўриб ўлмоқчи! Агар олов кучайиб, тезда бир ҳовуч кулга айлантириб қўямаса, у эри Раҳим олдидаги, қизи олдидаги ўзининг гуноҳларини алангаю оташ қучоғида ювади. Олов уни тўзғоқ ва аянчли, бебахт ва иркит ўтмишидан халос этади. Юрагига таскин, дардларига малҳам бўлади. Олов уни шу кўйга тушишининг сабабчисидан, энди унинг кўнгил яраларига туз сепиб майна қилаётган ўша палид Мавлондан абадий айиради...

У гандираклаганича ўрнидан турди. Шошилмай уст кийимларини ечиб, фақат ич кўйлақда қолди. Кейин кеча қўшни шофёр йигитдан ялиниб олган шишадаги бензинни ошхонага олиб чиқди. Кўзларини юмганича суюқликни бошидан қўйди. Аввал ҳамма ёғи музлади, сўнг баданига ҳузурбахш илиқлик югурди. Фақат бадбўй ҳид кўнглини беҳузур қилиб, ўқчиқ келтирди. Кейин қалт-қалт титраганича ғаладондан гугуртни олди. Гугурт донасини қутига шошилмай ишқади. Лов этиб ёнди, уй чақмоқ чаққандай ялт этиб ёришиб кетди. Бир сониянинг ичида эсини танигандан то бугунгачалик ҳаёти кинодагидай кўз олдидан шиддат билан лип-лип ўтди. Беихтиёр овозининг борича «абажон», деб қичқириб юборди. Танасини чидаб бўлмас оғриқ чирмади, димоғи ўзидан чиққан бадбўй ҳидга ёрилай деди. Қафасдаги қуш каби тор хона ичида тинмай типирчилар, бу азобдан тезроқ қутулиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Аммо энди иложи йўқлигини ҳам билиб турарди. Кейин эса... Қассоб қўлига тушиб, тақдирга тан берган кўйдаё хотиржам тортди. Нажот истаб, икки қўлини олдинга чўзганича бир қадам юрди-ю, ортиқ бардоши етмади. Кўзларини катта-катта очиб, ерга юзтубан йиқилди.





Мақмуллар

1. Қасбим бўёқчилик.
2. «Шарқ юлдузи»ни илк бор қачон қўлга олганимни эслай олмайман. Ўтган йили Қуръони карим мазмуни таржимаси чоп этилишини эшитгач, обуна бўлдим.
3. Бундан буёғига мунтазам ўқиб бормоқчиман.
4. Менинг учун ер юзидаги энг улғу асар Қуръони каримдир.
5. Ота-боболаримизнинг урф-одатлари, қадимий қўлёзма асарлар ҳақида чиқишлар қилинса, савоб иш бўлур эди.
6. Мажидхон Ҳошимов, 43 ёшдаман. Маргилон шаҳрида истиқомат қиламан.

* * *

1. Қасбу корим ҳисобчилик. Андижон вилояти, Асака шаҳрида яшайман.
- 2-3. «Шарқ юлдузи» билан урушдан кейин. 1946 ёки 1947 йил бўлса керак, жамоа ҳўжалиги идорасида ишлаб юрган вақтларимда танишганман. Ушанда Умар Хайём шеърлари босилган эди. Шуларни уйга олиб бориб, қари дадам ва онамга ўқиб бердим. Шунда дадам «Сизларнинг журналларингда ҳам шунақа яхши нарсалар босилар экан-да», деб қувондилар. Шу-шу, «Шарқ юлдузи»нинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиганга ҳаракат қиламан.
4. Қуръони карим маъноси таржимаси хотирамда энг чуқур из қолдирди.
5. Ушбу улғу китобнинг бошқа тафсилларини ҳам беришининг иложи йўқми?
6. Шермуҳаммад Йўлдош ўғли, ёшим 64 да.



Абдулла Шер

ХОККУЛАР

1

Атиргул ўлибди,—
Хаёлимга урилди
Марҳума ҳидлар.

2

Сайёҳман сендек.
Фақат йўлим оғиру
Ҳамёним енгил.

3

Қўйни титратар
Пичоқ билан қайроқнинг
Шошқин суҳбати.

4

Яна Наврўзда
Нотаниш шамолларга
Таниш тутиндим.

5

Бахтдан эриди
Оловтан бойчечакни
Қучиб сўнгги қор.

6

Дўстлик ҳисси зўр:
Сунъий йўлдош ясадик
Ҳаттоки Ерга!

7

Қўйворинг кўкка,
Ерга чандиб боғланган
Беш юлдузни, бас!

8

Тун. Шамол йиғлар
Артиб ярақлатгач
Ҳар бир юлдузни.

9

Бирдан белимда
Даҳшатли оғриқ турди:
Ўўза гуллабди.

10

«Салом, куз!» дедим.
Нега ярашар кузга
«Алвидо» сўзи?

11

Қўлни қийдирмай
Қиёқ эшган болақай
Наҳотки менман?!

12

Тушимда қишлоқ:
Яна бахтли юрибди
Бахтсиз дўстларим.

13

«Ёз, ёз, ҳей қалам!»
«Ўчирғич, ўчир, ўчир!»
Бечора дафтар!

14

Нега қора сўз
Қарғадек учиб чиқар
Қизил лаблардан?!

15

Қоним эмас бу—
Чаккамни ёргудек
Асрий хотирот!

16

Даҳолик даҳшат,—
Қалбингнинг ҳарорати
Сахро яратса.

17

Оппоқ чойшабга
Қизил гул суратини
Чиздик иккимиз.

18

Тун фарзанди шам;
Тунни ёритиб ўзи
Тунга айланар.

19

Ушлаб қолсам ҳам
Қум соатдан заррани
Тўхтамади Вақт.

20

Илк висол боғи.
Ёғоч отда айландим
Бутун дунёни.

21

Катталар ҳайрон:
Чақалоқлар йиғларкин
Нега бир тилда?

22

Қўлимда пулми?—
Қовжираган кунлару
Ғижим умр бу!

23

Ақлли дунёда
Айтинг, қандай жон сақлар
Мен каби тентак?

24

Менинг юртим — Сўз!
Гуноҳдир юртни бузмоқ,—
Бузмайман Сўзни!

25

Бугун баҳорни
Қулфлаб кетишибди:
Гулдўкон ғамгин.

26

Қоп-қора қарға
Нимага оппоқ қорни
Яхши кўраркин?

27

Олов уйимдан
Яна қалқиб чиқди-ку
Совуқ тўшагим.

28

Унг қўл кўксингда.
Чап қўл билан шеър ёзиб
Умринг ўтди-ку!

29

Соя ҳам яшар.
Лекин нега йўқ унинг,
Айтинг, ўтмиши?

30

Қандай қонун бу:
Олмос даста бошқарар
Қонли қилични?!

31

Қанийди, шеърхон
Шеъримдек ўқий олса
Сукутимни ҳам.

32

Карвон ўгирилди.
Оқсоқ туя — Биринчи:
«Яша, инқилоб!»

33

Асога қарадим.
Нотекис йўлларимнинг
Сурати-ку бу!

34

Арчалар тоғдан
Қиялаб туша бошлар
Шамол — бешафқат.

Ҳар йил келади
Бир хил кийимда кўклам—
Мендек камбағал.

36

Қари соатсоз
Вақтга хўжайин эди
Болалигимда.

37

Тун бўйи сўзлар
Ёт шаҳар чироқлари,
Мен тушунмайман.

38

Бир хўпплам сувдан
Жаранглаб кетди тишим.
Салом, Сунбула!

39

Йиғлайди осмон.
Чинорни чақмоқ урди,
Соғ қолди алаф.

40

Куйлар шоирлар:
Асрлар мобайнида
Капалак умрин.

41

Сулув гулларни
Бўйнидан боғламаса
Гулдаста қайда?!

42

Барибир гўзал:
Гулбаргдаги шабнамдек
Қизнинг кўз ёши.

43

Келтирди шамол
Тоғлардан менга бу тонг
Қор овозини.

44

Қуллим менинг—
Қалъа шинакларидан
Учмаган ўқлар.

Ухламайди гул:
Кундуз ранг билан куйлар,
Тунда ҳид билан.

46

«Кўкка чиқар ой
Мени синамоқ учун», деб
Вовуллайди ит.

47

Адашган овоз,
Мени нега чақирдинг?
Билмай «Ҳа!» дебман.

48

Фақат хотирот
Бу дунёда ягона
Бузилмас қалъа.

49

Пойафзал эмас,
Таржимаи ҳоли бу
Яёв ҳаётнинг.

50

Кулди кўшниллар
Мен чаккамга гул тақсам,—
Сезмабман кузни.

51

Алдади мени
Туни бўйи бу аёл
Сен бўламан, деб.

52

Ликиллар (одат!)
Мушукнинг оғзида ҳам
Читтакнинг думи.

53

Уйғотар куйлаб:
Икки сийнанг ғунчасин
Булбул юрагим.

54

Сой ҳам қорайди.
Сарғайган баргллар дардин
Кўтаролмасдан.



Яҳё Тоға

ИБОДАТ ЭТГАНИНГ НАДУР?

Шеърят — изланишлар, ичида яшайди, озикланади, янгиланади, унда ифода шакллари такомиллаша боради. Шеърнинг турли «қолип»ларга, қонун-қоидаларга бўйсунавермаслиги ҳам шундан. Яҳё Тоғанинг ушбу шеърларида акс этган шаклий изланишлар шу маънода қизиқарлидир. У ўз шеърларида халқ тилига — жонли сўзлашув тилига яқин келади, унга суянади, шеърый фикр ифодасининг янги шаклларини қидиради, бу гарчи баҳсли бўлса-да, шоир бадний талаб ва мезонни нутмаган кўринади.

Синиқчи бовони йўқлаб

Улимдинг ўнг қўли
тирсакдан чиғиб кетди.
Қўли дард кўрмагур,
қўли гул Абсаттар бово эса
энди йўқ.

Имони соғ бўлгур,
худо раҳмат қилгур
Абсаттар бово,
биздинг миёнада
зўр синиқчи эди —
тенгги йўқ.

Синиқчи чол эди,
синчи чол эди,
биздинг бу беш тўпда
биринчи чол эди.

Ўғиллари,
неваралари
элдинг олди эди,
овулдинг олди;
келбатти кенг қўйиб
юриш қилишса
кўча тўлар эди.

Кўча тўлар эди,
кўнгли тўлармиди
синчи бовонинг?!
Синчи бово,
биринчи бово.
Айтгани айтган эди дейинму,
дегани деган эди дейинму?!
Биринчи эди-ю,
ёлғиз эди-ку.

Кўпга қўшилмайгина,
тўпга қўшилмайгина —
тўйгами,
азагами —
ҳар не йиғинга
ёлғиз бориб кегувчи эди.
Сабабин сўрасак,
мийиғида кулиб,
кўзини қисиб:
«Менинг буларминан
беданам уришмайди», —
дегувчи эди.

Кўрғончанинг донишмандлари —
бежирим чоллар,
«худойининг қутти куни»
кўчанинг бетидаги
чойхонада давра қуришиб
қизитар эканлар гурунгни,
ўртага тортишар эдилар уни?!
Не бўлганда ҳам,
бул боладай оқсоқолларнинг
ҳеч бирови
шунча яшаб
бедана уриштирган эмас.
Саидбек аканинг
енгидаги қуши —
шунчаки кўнгил қуши,
шунчаки ҳавас.

Фариштадай бу чолларнинг
бари содда,
бари улғудир,

фақат орасида
синиқчи йўқдир.
Энди мен,
улимди кимга обораи,
ё чора топарми
Ибройим дўхтир?!

Энди болларимиздинг
кўли чиқса,
оёғи чиқса
дарё кечиб
«Пахта»га борамизми,
«Олмазор»гами?!
Бизга қарармикан

уёқларнинг синиқчилари?
Ё энди буюғи —
кассобнинг ғамими,
эчкининг ғами?!

Боламдинг ўнг кўли,
боламдинг дарди
менинг тирсагимди зирқиратарди.
Тирсагим зирқираб
англаганим шу бўлдики,
ҳали бу қишлоққа
кўп ўтар экан
Абсаттар бовонинг қадри,
синиқчи бовонинг қадри.

Қишги чизгилар

Қор ёғди кўчаларга,
Кечаларга ёғди қор.
Қишлоқларга, шаҳарга,
Нечаларга ёғди қор.
Ёри йироқда қолган,
Фироқдан улги олган,
Хат кутиб кўзи толган
Чечаларга ёғди қор.

Изғириннинг кўзи қон,
Увлайди оч бўрилар.
Томлар узра посибон
Қилич тутган мўрилар.
Панжара орасидан
Боқар бир норасида,
Жаллод «идорасига»
Ухшар бўм-бўш сўрилар.

Симёғоч турар карахт,
Дала оқ, ҳаммаёқ оқ.
Қисирлар қатор дарахт,
Бўғотлар мўматалок.
Ваҳимали ривоят
Топгай нурли ниҳоят.
Тунга бергай ҳарорат
Бешикдаги чақалок.

Надур?

Надур ҳақ, надур ҳидоят,
Итоат этганинг надур?
Надур тилингдаги оят,
Ривоят этганинг надур?
Шайтон дилингда дур тергай,
Эгангман деб фармон бергай,
Тананг ғусуллозим эргаи,
Ибодат этганинг надур?
То ўзинг кечмай ҳаромдин,
На истарсан аҳли ёндин?!

Мўътабар кутлуғ каломдин
Ҳикоят этганинг надур?

Нафсинг урған пойдевора
Иморат этганинг надур?

Паноҳ ўлдинг гуноҳлара,
Воҳ, кунинг қолгай оҳлара,
Ўзинг қазган бу чоҳлара
Шикоят этганинг надур?

Яҳё, дилингда на ниййат,
На ҳамиййат, на жамиййат,
Қўлда тасбеҳ тутиб, бидъат
Ишорат этганинг надур?

То ўзинг кечмай ҳаромдин,
На истарсан аҳли ёндин?!

Қачон юз бургайсан ёра,
Мўъминлигинг қайтса зора,

Иноят этганинг надур,
Хиёнат этганинг надур?..

Чақурди

Мани бул айвона жанон чақурди,
Тани гул, мастона лисон чақурди.
Ел кезан, киссама солдим кўлимни:
«Қани пул?» Майхона макон чақурди.
Дилимни бойлайдур шайтони лаин,
Яъни: ул тўлғона чунон чақурди.

Яккалик даштина бурдим йўлимни,
Бани тул тўйхона тамон чақурди.
Беморлар айласа гар нафси кимни,
Ани шул майдона ямон чақурди.
Беамон чақурди, амон чақурди,
Сани гул, зиндона замон чақурди.

Савдо

Мен дўппимни сотдим,
йўқ энди дўппим.
Сотдим чопонимни,
маҳсимни сотдим.

Ниҳоят...
сени сотдим.
Энди...
мен йўқман.

* * *

Бир исён йиғлайдур сенинг кўзингда,
йигирма беш йиллик қайғунинг ули —
улингни севдим.

Сенинг билагингни қирмизи қонга
Белайдур жонсабил ўзбекнинг ғули —
ғулингни севдим.

Ёшини гавҳар деб ўйлар изингда,
тенгсиз бисотингнинг биринчи гули —
гулингни севдим.

Бир куни юрак деб аталган жонга
май тутар сабрингнинг бесабр кули —
қулингни севдим.

Сен мени севма...



Самандар Воҳидов

Эрингоқ нури сизар уфқдан



Ватанга «онам», деб, қилма эркалик,
Эркаликлар унинг жонига тегди.
Эзма илтифотдан туйди кўргилик,
Сохта садоқатдан надомат чекди.
)

«Ватан, ўғлингман!» деб юрган ғажурлар
«Она»нинг сутига қўшди юндиғин.
«Ватан, қулингман!» деб юрган олғирлар
Пайт пойлаб ўмарди унинг сандиғин.

«Ватан — отам!» дея, тавозе билан
«Ота» чориғини қўйиб гаровга,
Ялангоёқ қолгач мўйсафид Ватан,
Оқпадарлар йўйди уни ангровга.

«Ватан — севгилим!» деб оғиз тўлдириб,
Хуснидан ошuftа,

Бўсасидан маст,
«Маҳбуба» эғнидан либосин шилиб,
Пулламоқчи бўлди гала пулҳавас...

«Ватан эрк берди!» деб қилма эркалик,
Эркалик бошқаю
Эркинлик бошқа.
Бир сўз камлик қилар,
Икки сўз кўплик
Таъналар тошидан гангиган бошга.

Ватаннинг кўксиди жароҳати кўп,
У бугун маддоҳмас, жарроҳга интиқ.
Сен оқил жарроҳ бўл,
Кўз ёшинг ютиб,
«Дафъи жароҳат» деб
Қўлга олгин тиг!..

Қўрқаман

«Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун».
(Кулоққа чалинган гап)

«Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун»,
Қишдан сўнг баҳорга етган сингари.
Ким ялпиз,

ким райҳон,
лола юлар ким...

Талошларда сўлар баҳор ранглари.

«Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун»,
Ташналар дарёга йўлиққан янглиғ.
Ютоқиб сув очар боғига ҳар ким,
Бир дарёни ютар минг битта арик.

«Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун»,
Тирноққа маҳталлар кўргандай фарзанд.
Ҳали кўзин очмай,
Қўлма-қўл гўдак
Нотинч эмган сути чиқар оғзидан.

«Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун»,
Қучгандай урушдан қайтган аскарни.
У беҳол қулайди,
Нафаси қайтиб,
Очолмай дилдаги дардли дафтарни...

«Ҳамма ҳақиқатга ёпишди бугун»,
Ҳамма кўпкарибоз,
Ҳақиқат — улоқ.
Қўрқаман, ёпишиб ҳалол, ҳаром тенг,
Уни талотўпда қилмасак ҳалок?!.

* * *

Сен борарсан, ортингдан
«Оҳ»лар борар эргашиб.
«Оҳ»лар — қаро, сен — оқсан,
Оқу қаро қоришиб.

Тўсиқ тизиб киприқдан
Нигоҳ йўлин тўсарман.
Энди, судраб «оҳ»ларни,
Қароғимда кезарсан...

Хаёлнинг дарчасидан
Мўралайман ортингдан.
Бир садо инграр шу дам:
«Нигоҳингни торт мандан».

... Қаро «оҳ»га қоришиб
Қораясан уфқда.
Қалб кўкида ҳар сафар
Ортар қаро бир нуқта...

Деҳқон оиласининг бир куни

Тонг

Аввал уйдан чиқади эркак,
Дўқиллатиб кирза этикни.
Кетмонига илиб тугунчак,
Аёл чиқар ёпиб эшикни.
Худойидан кечиккан каби
Шошилишар вақтнинг қасдида.
Уйқусираб тўнғиллайди йўл:
«Осойиш йўқ шулар дастидан» — ...
Аёл ўйлар:
«Ухлар болалар,
Уйғотмоққа кўзим қиймайди...»
Эркак ўйлар:
«Ўт камроқ экан,
Бу кеча ҳам моллар тўймайди...»
Бир-бир юмар кўзин юлдузлар,
Эринчак нур сизар уфқдан.
Қуёшнинг ҳам уйқуси ўчар
Этиклардан учган «дўқ-дўқ»дан...

Пешин

Аввал аёл чиқар эгатдан,
Ҳўл рўмолин сиқар бемажол.
Истиҳола қилар кўйлагин
Қуритгали ечиб бемалол.

Эри келар сиқиб яктагин,
Баданидан кўтарилар буг.
Этигини ечар,
Пайтава —
Кетмон даста узра қора туғ.
Бир-бирига «ҳорманг» демоққа
Кўнгил бору
Аммо йўқ мадор.
Кўзлар мойил бир зум мудроққа,
Ҳовур пуркаб чорлар пахтазор...

Тугунчакни очар,
Ивитмоқ —
Лозим эри келгунча нонни.
Тўлдиради бўтана сувга
Чўлдай қизиби ётган кумғонни.


Оқшом

Судралганча қайтади аёл,
Елкасида ўтин-чўп, тезак,
Мункайганча кифтда бир қанор
Ўт кўтариб қайтади эркак.

Дўққилламас энди этиклар,
Йўқолгандай тонгги ҳафсала.
Гўё улар шарбатин шимиб
Пўчоғини тупурган дала.

«Не пиширсам?»
Зорланар аёл,
Ўймалашар оғилда эркак.
Болалари ухлар қўлда нон,
Тушда тинглаб аллаю эртак...

Бухоро



Иллон ўши

Қирқ беш ҳикоядан иборат

РОМАН¹

Иигирма тўққизинчи ҳикоя

Зулфиқоровнинг қамалиши

Кунлардан бир кун иттифоқо Маҳбубахон қизига телефон қоқиб, қайнонандан рухсат олиб, тезда уйга етиб кел, деди. Онанинг овози бошқачароқ чиққанини сезган Нигоранинг юраги шувиллаб кетди. Нима гап бўлди экан, деган хаёл уни узоқларга олиб қочди. Наридан-бери кийиниб, қайнонасидан рухсат олиб, таксида Ўрдага югурди. Ҳовлиқиб уйга кириб, биринчи қаватдаги ойнавон ганжинада хомуш ўтирган онани кучди. Она қизи пешонасидан ўпди.

— Тинчликми?

— Ҳа, тинчлик. Ўзим, сени соғиниб, кўргим келди...

Бундай пайтларда чиройли табассум қилиб турадиган, ёноғида кулгичи ўйнайдиган онанинг «кўргим келди...» дегани билан барибир ичи хуфтон эканини Нигора фаҳмлади. Иккиламчи, қизининг бўйида бўлганини билар, ҳомиладор фарзандини ташвишга солмай деб, ниманидир бекитишга ҳаракат қилаётгани ҳам сезарди. Сир тутадиган гапи бўлса, унда нега чақиради? Уйда онадан бўлак ҳеч кимса йўқ эди.

— Ойижон, айтаверинг, нима гап?

— Дадангнинг ишлари яхши эмас. Кеча бюрода партиядан ўчириб, ишдан олишибди.

— Вой ўлий, нима гап? Нима сабабдан?!— Нигоранинг ранги қув ўчиб, кўзлари олакула бўла бошлади.

— Билмаймиз. Ишни эвлотмаганим сабабли деяптилар...

— Шунча вақт эвланган одам энди эвлотмай қолибдиларми. Қандайдир комиссия келиб: текшир-текшир қилаётганини эшитган эдим. Кейинги пайтда шундай комиссиялар кўп келадиган бўлиб қолди. Тавба! Нима гап ўзи?

— Адангни ишдан бўшагани ҳақида газетада хабар чиқибди. Ўзбекистонда ўнга яқин комиссия ишлаётган эмиш. «Ўзбек иши», «Пахта иши» деган гап чиқиб, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлаётган экан. Аданглар, бу «Ўзбек иши» деган гап тўхмат, халқнинг айби йўқ, вақти келиб, бундай шахслар фош бўлади, дедилар.

Нигора тоқчадаги газетани олиб, онаси кўрсатган, охириги саҳифа тагига кўз ташлади: «... ишда йўл қўйган хатолари сабабли Ж. Зулфиқоров вазифасидан озод этилди...»

— Ҳаммаси пахтага боғлиқ эмиш... Пахтаси ҳам қуриб кетсин, одамларга қирон келтираяпти! Бутун ишқаллик шундан чиқаяпти.

— Адамлар қаяққа кетдилар?

— Юқорига...

— Ишдан олса олар, энг муҳими саломатлик!— деди Нигора онасига далда бериб.— Ишлайман, десалар иш топилади. Кейин, бир ерда узоқ ишлашнинг фазилати

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда

йўқ, ойи! Хафа бўлманг, адамлар ишсиз қолмайдилар. Бундақа ҳалол, ишбилармон одам ҳамма вақт керак!

— Билмайман, қизим, билмайман. Ишнинг бориши хунуқроқ. Колхоз раислари, пахта пункти директорлари, звено бошлиқлари қамалаётган эмиш. Э, худо, ўз паноҳингда асра! Ёмон одамларнинг юзини тескари қил! Ўзбекистонимизга кўз тегди. Унинг бошидан мусибат аримаяпти. Ўттиз еттинчи йилда зиёлиларни шипириб олди. Тўтди тўкилдилар.

Бирон соатлардан кейин кўчага, дарвоза ёнига машина келиб тўхтади. Нигора деразадан қаради, таксидан чиқиб келаётган отасига кўзи тушиб, югуриб бориб эшикни очди.

— Ҳа, келибмидинг,— деди Жамшидбек ака қизи билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб,— уй-ичингдагилар соғ-саломатми, қудаларимиз яхшими?

— Ҳаммалари яхши,— деди Нигора, бесаранжом отасига тикилиб. Отасининг юзи сўлган ва бир қадар сарғайган эди.

Уйга киришгач, стол атрофида ўтиришди. Маҳбубахон «ҳамма соғ-саломат, ишларимиз яхши бўлсин, облоху акбар!» деб юзига фотиҳа тортди. Ота индамади, сир бериб, қизининг юрагини эзгуси келмади; чунки илгари Нигора билан маслаҳатлашиб турар, эрка ва доно қиз учун ота ҳамма нарсадан юқори, ҳамма буюклардан буюк эди.

— Мен вазифамдан кетдим. Эшитгандирсан. Ҳозир аҳвол бошқачароқ. Билмадим, нуқсонларим бордир, аммо жиноятим йўқ. Партия олдида виждоним пок! Барибир кетишим керак бўлиб қолгандир, майли, ўрнимни ёшларга бўшатиб бермоғим лозим. Бу — ҳаёт қонуни. Лекин ҳозир «кавла-кавла» кўп бўляпти. Тўқайга ўт кетса ҳўл, қуруқ баробар ёнади, дейдилар. Ишқилиб ўт кетмасин. Кўп комиссияларни кўрдик, ниҳоятда одил, ҳақиқатни юзага чиқарадиганлар, аммо «топшириқ» билан келган баъзиларнинг иш тутиши бошқачароқ. «Қўшоқнинг ичида бўшоқ» ҳам кетяпти. Ҳатто қамоққа тушган партия ходимларининг хотинлари, бола-чақалари ҳам ҳибсга олингани маълум бўлмоқда. Бу, жуда ёмон, юридик жиҳатдан қонунни бузиш демакдир.

— Тўғри одамсиз, адажон! Гуноҳкорлар бўлса жазосини олаверсин! Сиз эса, шунча йил давлатимиз учун ҳалол ишлаган, ўттиз йил партия сафида бўлган одамсиз. Ишдан кетсангиз кетарсиз, аммо ўшаларнинг сизга ёмон кўз билан қарашларига ҳаққилари йўқ!

— Тўғри, қизим. Балки ота касбим — ганчкорлик қиларман. Буванг Уста Ширин, таъмирчи Болтаевлар билан бирга ишлагандилар, мен ўзим ҳам оз-моз биламан. Балки Уста Маҳмуд ака қўл остида ишларман. Зеркиб қолмайман, хунарим бор.

Нигора ҳам, Маҳбубахон ҳам адаларига далда бериб, кўнглидаги ғуборни тарқатмоқчи бўлдилар, аммо Жамшидбекнинг ўзи уларни юпатарди: олган бўлсалар амалимини олдилар, бошимни олганлари йўқ-ку, дерди.

Камтар отасининг тезда трамвай, автобусларда юришга ўрганиб кетишига ишонган Нигора бир оз ўзига келиб, уйига жўнаб кетди. Жамшидбекнинг ўзи илгари ҳам машинага ўрганиб қолган бир димоғдор мансабдорнинг бюрода ишдан олингач, ташқарида хаёл суриб қолгани, Навоий кўчасига қандай юриб чиқсини билмай, одамлардан сўраганини айтиб юрарди. Бу гап ҳозир Жамшидбекнинг хаёлидан ўтди. Қизини эшиккача кузатиб қўйиб, қайтиб ётоғига кирди-да, ўзини каравотга ташлади. Уҳ тортди, беҳудуд хаёллар денгизига шўнғиб кетди. Шифтдаги қандилга тикилиб, узоқ хаёл сурди. Деразадан кузатиб турган Маҳбубахон эзилар, қувноқ ва ҳазил-мутойибани яхши кўрадиган эрининг ташвишга тушиб қолгани юрагини сиқарди.

Зулфиқоров кичкина одам эмас, унинг ишдан бекор қилингани ҳақидаги хабар газетада чиққач, шаҳарда, одамлар ичида турли гапларнинг тарқалишига сабабчи бўлди. Биров яхши одам эди, деди, биров ёмонлади... Ҳарқалай эл ичида анча-мунча гаплар юрарди. У каравотда ётиб, атрофидаги сафдошларини бир-бир хаёлидан ўтказди. Баъзилар бирон мансабдор билан муносабат қилмоқчи бўлсалар, у киши нимани яхши кўришини, ким билан алоқаси борлигини ўрганиб, кейин мулоқотни бошлашар, мақсадга етишарди.

Диққат билан кузатган одам ҳеч кимда йўқ бир одат Жамшидбек Зулфиқоровда борлигини пайқарди. Раҳбарлар ичида бунақа одатлиги кам учраса керак. У ниҳоятда тўғрисўз, риёкорлик олдида бомбадек ёриларди. Кўкраги мукофотларга тўлиб кетган, асли ўзи инчунун қаламқаш, «тирговичлари» кўп бир шахсни қаттиқ танқид қилган эди. У ўзидан паст вазифадагилар ёки тўғри келган оддий ишчилар билан гўё обрўсидан фойдаланиб қолаётгандай, ҳеч қачон одамлар олдида яхши мулоқотда бўлмас, холижойда эса, у ўзига яқин олиб гаплашар, меҳрибонликлар кўрсатар ва ҳатто зарурат туғилса ўша «паст»нинг уйига ҳам борар, биргалашиб ошини ҳам ерди. Фақат одамлар кўзидан холи бўлмоғи шарт. Одамлар олдида уяни танимасди. Якка учрашганларида оғиз-бурин ўпишсаларда, аслида ўша риёкорни фоятда ёмон кўрарди. У билан рўбарў келганида нос элитган кимсадай лоҳас бўларди.

Зарурат билан ишчи қўшнисиникига чиққан ўша қаламқаш бир пиёла чой ичиб, гаплашиб ўтирганида эшик жиринглабди. Шу лаҳза у бошқа хонага кириб, бекиниб, танишлар ичкарига киргач, кичик эшикдан ҳовлига ўтиб, «мени бу ерда эканими уларга айтманг...» деб қочиб кетган экан. Қўшнисининг энаси қотиб, орқасидан: «Сен фалончи бўлсанг ўзингга, обрўйингга шерик бўлмаймиз, бу келган одамларнинг бири

иним, бири врач!...» деган экан. Бу воқеани Зулфиқоров мажлисда айтиб юборган. «Қўшнингдан ҳазар қилар экансан, нега чиқасан, хумпар!» деган у, яна тутоқиб. Ишламай, уйга кириб қолган кимса миждов бўлиб қолади. Доимо одамлар ичида юрган Жамшидбек тез-тез асаби бузиларди, қилдан қийиқ ахтарарди. У кечкурун, қоронғи тушганда тўйга айтиб келган одамларнинг тўйига бормас, фиғони чиқиб, она халқига тобуткаш бўлолмаган, тилни хор қилган, халқ урф-одатини билмай-ўтган қаламкашнинг Австралия қитъасида машҳур бўлишининг мутлақо аҳамияти йўқ деб юборган эди. «Хатто шундай кимса Нобель мукофоти олганда ҳам бир тийинлик аҳамияти йўқ деган. Улар шароитдан фойдаланиб, ўз шахсий манфаати йўлида ҳар қандай ифлосликлардан тоймайди», деган. Бу гап ҳам юқори идорадагилар қулоғига етган...

* * *

Кунлар ўта бошлади...

Вазифасидан бекор қилинган Жамшидбек Зулфиқоров уйга кириб қолди. Ариллаб-дариллаб юрадиган, тез-тез Москвага учадиган «катта арбоб»нинг хонанишин бўлиб қолиши Нигорага қаттиқ таъсир этди. Нигора ўз уйида бўлаётган гапларни қайнонасида яширди, аммо касални бекитсанг иситмаси ошкор қилади — кунлардан бир кун қайнонаси Нигорадан уйингизда нима гап, деб сўради. Нигора ҳеч гап йўқ, деди. Унинг тез-тез уйига бориши ўзи билан ўзи овора Шарбатхонни бир оз ўйлатиб қўйганди.

— Отангиз ишдан бўшабдиларми?

— Ҳа.

— Яна шунақа ишга қўйишармикан?

— Ўтсалар керак. Адамлар бутун умрларини халққа, партия ишига бағишлаганлар.

— Ҳа, тўғри. «Ўзини бағишлаганлар» кўп бўлган. Акмал Икромов ҳам, Файзулла Хўжаев ҳам, Усмон Юсупов ҳам, Шароф Рашидов ҳам... Отангиз бир нима ҳамлаб олганмикинлар? Чунки, кишининг бошига ҳар хил иш тушиши мумкин... Шундай катта ишда ишлаган адангиз оғир кунларини ўйлаб, бир нима олиб қўйган бўлсалар керак? Нодон одам эмаслар.

...Ишқилиб шундай бўлсин-э! Э, худо ҳаммамизни ўз паноҳингда асрагин!.. Эшитилмича Бухоронинг каттаси пора билан қамалибди...

— Менинг булардан хабарим йўқ,— деди Нигоранинг ранги ўчиб. У ўрнидан туриб, ҳовлига чиқди-да, ўз хонасига кириб кетди. Вужуди оғирлашиб, қорни оғригандек бўлди. У қорнини сиқиб, танғиб, одамлардан яширмасди, кенгроқ кўйлак кийиб, эркин юрарди. Тўйдан аввал Фатхуллохўжага «ўртоғи Ҳабиб анча вақт кетидан юрганини» айтган эди. Ҳа, Фатхуллохўжа уни Ҳабиб билан «Лайли-Мажнун» бўлишганини билар, буни ўткинчи бир гап, деб ҳисоблаганди. Агар шуни юзимга солсангиз тегмайман, деган эди Нигора Патиға. Шарбатхон ая бўлса: «Биз унақа пасткаш одамлардан эмасмиз, Нигорахон студентлигида бошқа ёшларга ўхшаб, ким биландир шунчаки ошиқмаъшук бўлиш... Бу — болалик... Кечирамиз. Уни дарёга солиб, чайиб-чайиб олдик...» деган. (Гўё ўзи, дарёга солинмайдигандек). Нигора Фатхуллохўжа томонидагиларнинг бу гапига астойдил ишонган. Ҳа, дарҳақиқат, унинг нима гуноҳи бор. Ҳабибнинг вақтида жавобини берди, айб ўзида.

Орадан икки кун ўтгач, Маҳбубахон эрта билан яна телефон қоқиб, қизини чақирди. Нигора қайнонасига мурожаат этиб, унинг руҳсатини олиб, ҳовлисига зинғиллади. Она ранги ўчган, ота каравотда уҳ тортиб ётар, соқоллари ўсиб кетганди.

— Ҳа, нима гап?— деди Нигора ҳовлиқиб онасига.

— Тинчлик... Лекин аданглар туни билан ухламай, безовта бўлиб чиқдилар... Орқаларида одам пойлаб юрган эмиш... Уйимиз атрофида ҳам баъзан милиция, баъзан номаълум одамлар пайдо бўлиб қолади. Улар бир сўз демайди-ю, газета ўқиётгандай кўча четида туришади. Аданглар билан ишлайдиган бир киши қамалибди. Васвасага тушиб қолдилар. Нима қилишимга ҳайронман. Юрагим сиқилиб кетяпти. Бирон гуноҳингиз борми, десам, гуноҳим йўқ, дейдилар. Бор, кириб аданг билан сўрашиб чиқ.

Нигора отаси ётган хонага кириб, салом берди. Бир муддат ота ёнида ўтириб, бетоблигини сўради.

— Қон босимингиз ошибди, опамлар шундай дедилар. Дори олиб келайми?

— Ҳа, босим сал-пал бор... Кўк чой ичяпман,— деди руҳий азобларини, юракдаги аламу шубҳаларини асло қизига сездирмай.

Лекин Нигорани онаси бир варакайига ҳамма гапдан воқиф этган эди.

— Тўзалиб қоламан, қизим,— деди ёстиқдан бошини кўтариб.— Ўзинг яхшимисан? Уйдагилар? Миёнхўжа қудамиз, куёв, қайнонанг, ҳамма яхшими?

— Ҳамма яхши.

Шундан сўнг, Нигора отаси ёнидан ошхонага чиқди, стаканда кўк чой олиб кириб берди. Кейин онаси ёнига ўтирди.

— Акамлар ишдамилар? Севара мактабдан келмадимми?

— Яна бир соатлардан кейин келишади.

Нигора кечгача онаси ёнида бўлди. Отаси девзира ошни яхши кўрар эди, ош дам-

лаб берди. Лекин минг афсус, Жамшидбек унча ош еёлмади — кишининг кайфи бузуқ, қандайдир хавф остида бўларкан, мутлақо иштаҳа бўлмади.

Жамшидбек Зулфиқоров бир ойнинг ичида анча озиб, қоринлар ҳам пасайиб, тикка бўлиб қолди. Кун бўйи газета ўқир, ётар, телевизор кўришга ҳам тоқати йўқ эди.

— Сизлар унча безовта бўлманглар, менинг ишларим яхши, милиция юрган бўлса юргандир, бунинг менга нима алоқаси бор,— деди ота.

Адасининг бу гапидан сўнг Нигора бир оз кўнгли тинчигандек уйига жўнади. Зулфиқоров уйда диққинафас бўлиб ўтирмай, эски маҳалласига бориб, одамлар билан гурунглашгиси келди. Шанба кун Илҳом самаворчи чойхонасида ўтириб, кейин уйига қайтиб келди. «Сен қиласан ўттиз, раббим қилур тўққиз...» деди у ўзига ўзи.

Жума кун эрта билан Бобур отасининг хоҳишига кўра машинани гаражда шай қилиб, унча-мунча егуликлар солиб, кўчага олиб чиқди. Жамшидбек ака, Маҳбубахон, Севара эшикни қулфладилар-да, наридан-бери машинага ўтириб, ғизиллаганча жўнаб қолишди. Эрта азонда Маҳбубахон Нигорага уч-тўрт кунга Хумсонга чиқиб кетишаётганини маълум қилган эди. Машина юриши билан кўчада, одатдагидек, ўриндиқда «газета ўқиб» ўтирадиган милиционер безовталаниб, улар кетидан аланглади. Машина ойнасидан уни жиддий кузатиб кетаётган Жамшидбек Навоий кўчасида бир километрча юриб, ўғлига яна орқага қайтишни, қўл ювадиган чинни устида тилло тиши қолиб кетганини айтди. Бобур машинани орқага буриб, яна дарбоза ёнига келди. Милиционер ўз жойида йўқ, у катта бино тагидаги очиқ автомат-телефон будкаси ичида турарди. Яна юраги шиғиллаб кетди. Бобур калит билан эшикни очиб, югуриб, жўмрак ёнига борди, тилло тиш йўқ. Қайтиб машина ёнига келган эди, ота имлаб чақирди.

— Тиш оғзимда турган экан, ўғлим, хаёл билан бўлиб сени безовта қилибман...

Бобур яна машинани ғизиллатиб кетди. Зулфиқоров хумсонлик ошнасини огоҳлантирмай кетаётган эди. Улар Шўртепадан ўтиб, Дўрмонга етмасдан қандайдир бир кумушранг «Волга» изларига тушиб, юз метрча орқада келаверди. Ҳазалкентдан сўнг Чирчиқ кўпригидан ўтишда ҳам ўша машина Зулфиқоров кўзига кўринди. Наҳотки уни таъқиб қилаётган бўлса? Нима, у жосусмики дам эшиги тагида, дам машинада кузатадилар?! Тоғ ҳавосида оз-моз кўнглим очилади деган Жамшидбекнинг юраги баттар сиқила бошлади. Хумсонга тушаверишда, Чорвоқ Маданият саройи ёнигача кузатиб келиб ўша машина ғойиб бўлди. «Бу йўлдан фақат Хумсонга бориш мумкин, ундан у ёғиб ўтиб кетадиган йўл йўқ — баланд тоғлар,— деди ўзига ўзи Жамшидбек,— орқамда кузатиб келганларинг билан... бу ёғи Хитойга ўтиб кетолмайман! Ёки Чорвоқ тўғонини портлатиб юборди деб ўйлашаётганмикан? Шунча йил энг масъулиятли идорада ишлаб келган одам Чорвоқни портлатармиканман? Ёки чет элга қочиб кетармиканман? Қандай кунларга қолдим?...» Ўттиз еттинчи йилда ҳам кўп зиёлилар таъқибга учраб, қочиб-қувиб юрганлигини эшитган эди. Ўттиз йиллик муддатга эга коммунист ҳозир ўзига ўзи ишонмасди. Хумсонда, ошнаси Ортиқбой бобоникада ўтириб, бундоқ чехраси очилмади, ўзини бир душманнамо кимсага ўхшатиб, ҳар нарсадан бад оларди. Меҳмон келганини эшитиб чиққан Ортиқбой бобонинг қўшнисидан ҳам бад олди...

«Ўйламай иш қилсанг оғримай ўласан, деганлари шумикан,— деди у ўзига ўзи,— мен ёмон иш қилибманмики, тўсатдан ишдан олиб, таъқибга учратадилар? Ҳа, мен атрофимдаги одамларни яхши билмай, валдирадим, раҳбаримиз абадул абад ўз ўринларида ўтирадилар, деб у кишига суяндим, ўзим ҳам шу мансабда юз йил турадигандай керилдим, баъзан одамларни назар-писанд қилмадим...»

Хумсонда, Ортиқбой отанинг пастаккина хонасида, дастурхон устида Зулфиқоров хаёл суриб ўтирарди.

— Қани, овқатга қаранг!— деди Ортиқбой ота, Зулфиқоровга мурожаат этиб.

— Хўп, оламиз,— деди унинг хаёллари тарқаб. Айвонда кампир билан сўхбатлашаётган Маҳбубахон дамодам ичкарида хомуш хаёл суриб ўтирган эрига қараб кўярди.

Зулфиқоров отага ўз вазифасидан кетгани, шаҳарда ўтириб, юраги сиқилганидан тоққа, беғубор табиат қўйнига, қадрдон дўсти ёнига интилганини, кўргиси келганини айтди.

— Хабарим бор,— деди ота,— мансабдан тушганингизга ҳеч хафа бўлманг, энг муҳими саломатлик! Сиз билан биз соғ-саломат юрибмиз, бола-чақа олдимизда, шунинг ўзи катта давлат! Биз сизни мансабдор бўлганингизда ҳам, бўлмаганингизда ҳам барибир ҳурмат қиламиз. Сиз инсофли, ҳалол одамсиз.

Зулфиқоров хомуш ерга қараб ўтирарди. «Сиз инсофли, ҳалол одамсиз» сўзи нанкин унга тасалли берди, шунча узоқ жойга келгани, отани кўргани бекор эмас экан. Мана шу сўзини эшитиш Жамшидбек Зулфиқоров чехрасини очди, дастурхондаги нозу неъматлардан тановул эта бошлади. Эрини кузатиб турган Маҳбубахоннинг танига ҳам жон киргандай бўлди.

Улар Хумсонда уч кун қолишиб, Ортиқбой ота билан обдон отамлашиб, тўртинчи кун Тошкентга қайтиб тушишди. Дил ғуборини дил олишига Жамшидбек батамом ишонди, мана буни гипноз деса бўлади, деди ўзига ўзи.

Юраги така-пука бўлиб юрган Нигора ҳар кун уйига телефон қоқди, ота-онасининг Хумсондан Тошкентга келишганини билиб, зинғиллаганча уйга келди. Тоғ ҳавоси,

гўзал қишлоқ манзараси ёққанини билиб, қувонди. Анали гапларни тамоман эсан чиқариш кераклигини айтди. Илгари онаси айтганидек, дадасининг ҳар куни босинқираб, безовта бўлиб чиқишлари тўхтаганини билди. Нигоранинг кўнгли бир оз равшан тортиб, қайнонасиникига қайтиб келди.

Кисловодсдаги «Ўзбекистон» санаторийси врачларидан бири Жамшидбек Зулфиқоровга: юрагингизга алам тушиб, ташвиш тортаётганингизда кўпроқ юринг, кишининг ўн томирлари кенгайиб, асаб иплари юмшайди, асаб бузилишини тез ўтказасиз; кейин, бир ерда ётманг, кўкракни захга бериб ётмоқлик хато!.. деган эди. Ҳа, рақиблар олдида бошни баланд кўтариб юриш лозим. Уларга мутлақо ҳасрат қилмаслик керак, деган донолар. Қон томирлари кенгайиши мумкин, асаб бузилиши тез ўтиши мумкин. Аммо Жамшидбек бунга ҳеч риоя қилмасди. Шунча зукколиги, мулоҳазакорлигига қарамай у кўп вақт тош бўлиб ўрнида ётарди. «Туринг, ташвиш тортадиган одам битта сизми? Дунёда сизга ўхшаган ташвишлилар камми! Бунақада рақ бўлиб қоласиз», дерди умрида эрига ҳеч қаттиқ гапирмаган Маҳбубахон.

Вазифасидан бекор бўлиб, энди одамлар, қариндош-уруғлар, ёр-биродарларнинг кераклигини сезган Жамшидбек Зулфиқоров уйда диққинафас бўлиб ўтирмай, изғиб юрадиган бўлиб қолган эди. «Э, амал ўлсин, амалдор вақтингда ҳеч кимни танимадинг, энди бизлар керак бўлиб қолдикми», дейдиган баъзилар ҳам чиқди. «Шўро ҳукумати ўзи етилтирган фарзандини ўзи ейди...» дейдиганлар ҳам бўлди. Лекин барибир, эгилган бошни қилич кесмайди, кўпчилик унинг аламига малҳам бўлди.

Орадан беш, олти ойча вақт ўтгач, мансаб изтироблари тугаганда, кутилмаганда, ярим тунда Жамшидбек коттеджи олдида икки машина тўхтаб, тўрт киши ичкарига киришди. Узун бурунли, тепакал бир киши Зулфиқоровнинг қамоққа олингани ҳақидаги ордерни кўрсатиб, қўлига кишан уришаётган эди, у «бу керак эмас, мен шундай ҳам бораман!» деб кўзини ола-кула қилди. Лекин улар: «Қаршилиқ кўрсатманг, бари-бир қўлингизга кишан соламиз!» деб ўқрайишди. Шундан сўнг, тонг отгунча уйни тинтув қилишди. Маҳбубахон, Бобур, Севарани бошқа хонага киритиб, чиқмасликни таъкидлашди.

Уй обдон тити-пити қилинди. Зулфиқоровнинг суврати туширилган каттагина ваза тинтув қилаётган одам кўлидан тушиб кетиб, чил-чил синди. Ичкари хонада ўтиролмай, эргуриб чиққан Бобур беихтиёр бақириб юборди:

— Гестапочилар!

— Ҳали сенга бу гапинг учун кўрсатиб қўямиз!— деди ўша терговчи.

— Ўзбек миллатини йўқотмоқчисан! Халқимизни бадном қилмоқчисан! Ҳали барибир ҳақиқат юзага чиқади!

Тонг отишга яқин Жамшидбек Зулфиқоровнинг қўлларига кишан уриб, олиб чиқиб кетишди. Тинтувда уйдан ҳеч нарса топиша олмади. Аммо нима сабабдандир бир ойдан кейин Маҳбубахон билан Бобурни ҳам қамоққа олиб кетишди...

Уларни қамоққа олишда ҳам ўша терговчи уйга келди.

Уттизинчи ҳикоя

Жабраил алайхуссаломнинг Аршу Аълодан Курраи заминга тушуви ривояти

Жамшидбек Зулфиқоровнинг қадрдони, Хумсондаги Ортиқбой ота дўстининг қамалганини, бу нохуш хабарни эшитиб, лол қотди, шундай одамни ҳам қамайдиларми? Уғрилар, қотиллар қолиб, ҳукумат ўз фарзандини қамаётгани уни гангитиб қўйди. «Ўзбек иши» деб жумҳуриятга қора доғ суркаб, миллат шарафига балчиқ чапланаётгани ҳам тоғ оралиғига етиб келди. «Ҳамма порохўр бўлиб кетмагандир!— деди ота.— Бу бир баҳонага ҳам ўхшайди, кимгадир бизнинг номимизни қорароқ, тилимизни қисикроқ қилиш керакка ўхшайди!»

Отанинг ёдига «Қиссул анбиё»дан эски бир ривоят тушди.

...Қадим замонда бир мамлакатнинг мўмин, итоаткор, қўй табиат фуқаролари ўзлигини таниб, илм-маърифати ўсиб кетибди-ю, баъзи одамлари оллонинг қудратига шак келтира бошлабди. Инсон ўз инсонлигини, борингки, ҳамма нарсани билиб, Аршу Аълога кўз тика бошлабди. Бир томонда маърифат, бир томонда жаҳолат, бир томонда садоқат, бир томонда ҳасад-а... Дунёга келибқоқ захарланиб ўлаётган мурғак болаларнинг оҳу надомати оллога етибдими, бу ҳам сабаб бўлиб, Жабраил алайхуссаломга амр этиб, буюк париштани Курраи заминга йўллабди. Жабраил алайхуссалом одам қиёфасига кириб, курраи заминга тушмасданоқ, Шайтон алайху лаъна бу ишдан воқиф бўлиб, Жабраилнинг юмуши кўплигидан фойдаланиб, ундан аввалроқ Ерга тушибди. У беҳудуд пахтазор далада, йўл четида ҳайрон бўлиб ўтирган экан, даласини кесиб ўтган газ қувурларидан бебаҳра, янтоғу ўтин орқалаб, инқиллаб, бурунларидан тер оқиб келаётган кекса бир одамга кўзи тушибди. Чолга мурожаат этиб, бир лаҳза ўтириб дам олинг дебди. Елкасидан ўтинни туширишиб, ёнидан жой кўрсатибди. Чол мамнун, пешонасидаги терларни белбоғи учи билан артиб, йўл четида ўтирган «хуш-

феъл кимса» билан омонлашибди. Бир мuddатдан сўнг Жабраил алайҳуссалом ўрнига келиб, одам қиёфасига кирган шайтон чолга савол бериб, сўрабди:

— Эй, мўмин инсон, айтгинчи, шу пайтда Оллонинг ноиби Жабраил алайҳуссалом қаерда экан?

Чол ёнида ўтирган «кимса»га бир қараб қўйиб, икки кўзини юмиб, пинакка кетибди. Бир мuddатдан сўнг, кўзларини очибди.

— Этти қабат осмонни ахтардим, Аршу Аълога боқдим, Жабраил алайҳуссалом йўқлар...

У яна кўзларини юмиб, пинакка кетибди. Бир лаҳзадан сўнг яна кўзларини очиб, ёнидаги «кимса»га қарабди:

Ер юзидаги тоғу тошлар орасини изладим, денгизлар тубига тушдим, қумлар орасига кўз ташладим, Жабраил алайҳуссалом йўқлар...— Чол яна ёнида ўтирган «кимса»га боқиб дебди:— Ё сен — Жабраил, ё мен — Жабраил!

Бу гапни эшитган шайтон лол қотиб, шиғиллаганча осмонга қочибди. Шундан кейин асл Жабраил учиб келиб, чолга йўлиққан экан, чол дарғазаб, шундай дебди:

— Э, худо, бир ёмон кўриб қолсанг қаҳрингни тўкканинг тўккан. Комиссия устига боз комиссия юборганинг юборган. Бу қандай дунё ўзи?!

Инсон қиёфасидаги Жабраил алайҳуссалом хижолат бўлибди. Таъби тирриқ ўтинини орқалатиб, чолнинг қораси ўчиши биланоқ у ҳам ўз аслига қайтиб, шиғиллаганча Аршу Аълога учиб кетибди. У, ҳаллослаганча Оллонинг даргоҳига етиб келибоқ, бор гапни унга айтибди.

— Айтмадимми!— дебди Худованди Карим чуқур хаёлга чўмиб,— Ердаги баъзилар шунақа бўлиб кетган...

— Э, парвардигори олам, энди нима қилмоқ керак?

— Энди бир қанотингни ўша жойга уриб, кукун қилиб юбор! Диёнатини йўқотган ифвогарлар, она тилини, юртини хорлаётган сотқинлар кўпайиб кетди, дебди.

Жабраил алайҳуссалом қанотини ёзиб, шайланаётган эмиш...

Ҳа, ғийбату ғурбатлардан, таъқибу тақиқлардан, ҳақорату ғоратлардан пешонасига ажин тушган деҳқон бобо ҳам шуни кутарди.

Уттиз биринчи ҳикоя

Бу дунёдаги дўзах

«Дунёда исми-жисмига мос тушган одам фақат биттаю битта,— дерди маҳалла аҳли истеҳзо билан,— у ҳам бўлса Шарбатхон ая!» Мўйлабнамо сертук лабларидан доимо «бол томиб туради» дерди яна шу маҳалла аҳли. Дастлабки танишган одами билан ипакдек ечилиб, ўзини хокисор кўрсатишга уринар, аммо кейинроқ албатта миси чиқарди — у фақат ўзини ўйлар, шу нуқтаи назардан ҳамма нарсага ёндашарди. Дарбозаси турманикидек мустаҳкам, доимо қулфлоғлиқ турадиган бу хонадонда ая ўзидан кейин иккинчи шахс сифатида — бойвачам», деб ўғли Фатхуллохонни ҳисобларди. Ундан кейин «бриллиантим», деб эрдан чиқиб келган қизи Пошшахонни атарди. Миёнхўжа амаки унчалик қаторга кирмас, у кўп вақт Шарбатхон ая топшириғига кўра айвонда кўрпа қавиб ўтирарди. Уни маҳалла аҳлига қўшилишга, чойхонага чиқиб, одамлар билан гаплашишга йўл бермас, ўз маромига солиб олган, қани бир ўзбошимчалик қилиб кўрсин-чи, кўрадиганини кўради! Баъзилар ҳазиллашиб, Миёнхўжанинг тақир боши — Шарбатхон аянинг отган тоши дерди. Агар итоатни бузса алининг ўйинини кўрсатиб, ҳужрага қамаб қўяр, сирларингни очиб ташлайман, деб кўрқитарди. Ая чирсиллаганда амаки дағ-дағ титрар, ёш боладек бошини солиб ўтирар, кейин юраги ёмон бўлиб, валидол қидириб, ичкари ҳужрасига кириб кетарди...

Шарбатхон ая емакдан ҳасипни, киймакдан хонатласни, тақмакдан бриллиантни ёқтирар, «таги кўрган», «оққан ариқнинг» қизи бўлганман деб мақтанарди. Менга қарасин, овқат қилиб бериб ҳовли супурсин деб деярлик чўри қилиш мақсадида ўғлини иккинчи бор уйлантирган, измига тушмаган келинларни ўғли эмас, аянинг ўзи талоқ қилиб, ҳайдаб юборарди. Керак бўлса ўғлимни ўн марта уйлантираман, дерди. Ўғли билан келини ётганда, ярим тунда баъзан эшик тагига келиб, мўралаб кетарди. Ҳатто келинига «эркак кишини аяш керак, ҳадеб тинкасини қуртаверманг...» деган ҳам шу ая! Бу беибо, ифлос гапни эшитган келини Нигора ўшанда ўзини туюлмаб йиғлаб, уйига кетиб қолган. Бунақа уят гапларни у ҳеч қачон эшитмаган, бу хонадоннинг ҳаром-харишроқ эканини, эролмас қайинсинглиси Пошшахоннинг йигитлар ҳақидаги беибо сўзларини эшитиб, хангу манг бўлиб қолган. Нигорага бу хонадонда бир «мулк» деб қарашар, «дунёда хотин қуриб кетибдими...» деган гапларни тортинмай, бемалол айтиб юбораверишарди.

Аввал тоза мақталган бу хонадон Нигора кўзига бошқача бўлиб кўрина бошлади.

Бир кунни жаҳл устида: «Сени онаминг ҳаром тукига ҳам олмайман!» деб ўшқир-

ган эрига тикилди. Жаҳл устида айтилди, деб бунга чидади. Уйига пора кўтариб келган одамлар билан ҳам апоқ-чапоқ бўлиб, «луқмаи ҳалол» деб олавергани таъбини тирриқ қилди. Буларга ҳам чидади, унинг айтишича, гўё, бу одамларни «савдо нуқталари»га ишга жойлаган эмиш.

Хуллас, Нигора гангиб қолди.

Шу алфозда йил ўтиб кетди...

— Ҳой, келин, туринг, ҳовлини супуринг! Эрта тонгда наҳс ётманг!— Шарбатхон келини хонаси эшигига яқин келиб, шанғилларди,— Э, худо, ўзингга шукр, ўзингга шукр! Фалокатлардан ўз паноҳингда асра... Келе-е-ен, туринг! Тезда ҳовлини супуриб, чой қўйиб юборинг! Бундоқ ётаверса паришталар қочиб кетади, кимда-ким эрта турса ризқи-рўзи мукамал бўлади. Ё обло, ўзингга ҳазор қарра шукр!

Нигорани саҳарлаб турғазади, ҳовли супуртиради. Чой қайнатади. Аллақаердан гувала-кесак топиб келтириб, тешада майдалатиб, эски челақка тўлдиради. Гувалани майдароқ қилиб юборган экан ая зарда қилди:

— Нима, қант майдаладингизми?!

Гўштни ўлчаб беради. Қозон тепасида туриб олади. Унга ўтмишда кўп қийналганини пеш қилиш, «заборникга нон олгани, бир қадоқ гўшт бир ҳафтага етгани-ю, уруш қийинчиликларини кўрмаган, пўконидан ел ўтмаган» ҳозирги ёшларни тез-тез камситиб туриш одат бўлиб қолган. Унинг қақшаб гапириши, наинки бегона ёшларга, ўз болаларига ҳам малол келарди. Нигоранинг бошига иш тушиб, кутилмаганда отасининг ҳибсга олиниши сабаб бўлиб, бу хонадонда уни камситишлар авж олиб кетди.

— Келе-е-ен!— дерди ўшқириб Шарбатхон ая гўё итни чақиргандек.

— Лаббай, ойи?

— Юзингизни ювдингизми?

— Ҳа.

— Салом қани?!

— Ассалому алайкум!

— Боринг, супургини олинг!

— Хўп бўлади,— эрка ва шаддод Нигора бир йил ичида ўзининг бунчалик ўзгарганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Бошга тушгани кўз кўраркан, деб у тақдирга тан беради.

Дароит баъзан инсон феълү атворини ҳам ўзгартирар экан.

— Ҳовлини чангитмай супуринг!

— Хўп.

— Самоварга кўз ташлаб туринг!

— Хўп бўлади.

— Ахлатни кўчага олиб чиқиб ташланг!

— Хўп.

— Супургини чайиб, силкитинг!

— Хўп.

— Чой дамлаганда қўлингизни ювинг!

— Хўп.

— Ҳовузчамиз балчиқ бўлиб, чуволчанги ўйнаб кетибди. Бир йўла ўша балчиқни ҳам кетмон билан эски пақирга солиб, кўчага олиб чиқиб ташланг!

— Хўп бўлади.

— Мен бу гапларни ҳар куни такрорлаб ўтирмайман, эсда сақлаб, мустақил қилаверинг!

— Хўп.

Эркалар қилиши керак бўлган бундай оғир ишдан Нигора бир куни сал бўйин товлаган эди, қайнона қаттиқ жеркиб солди:

— Амалдорнинг қизи бўлиб юрган даврингиз ўтди! Буни турмуш дейдилар! Нонингизни ҳалоллаб ейсиз! Уғлим бечора не-не машаққат билан пул топади! Ҳозирги замонда пул топиш осон эмас! Сизнинг дадангиз бебилиска пул топган бўлсалар керак, мана оқибат!

— Дадамларни гапирманг! Гуноҳлари йўқ! Тўхматга учрадилар.

— Нега гапирмас эканман! Дадангиз пора билан қамалган! Халқни эзган, мана биз халқмиз, бизларнинг қонимизни симирган! Дадангиз қонхўр!

— Вой-до-о-о-д! — Нигора ўзини ташлаб юборди. Ошхонада ғимирсиб юрган Мاستон кеннойи югуриб келиб, уни ердан кўтариб, уйига киритиб ётқизди. Нигора кечгача шу ҳолда бўзариб ҳиқиллаб ётди, бу ҳовлидан чиқиб кетишини ҳам, кетмасини ҳам билмасди. Кечга яқин Мастон кеннойи бир чойнак чой олиб кириб берди. Юпатди. Далда берди.

Эртасига Шарбатхон яна зуғум бошлади, чунки Нигоранинг бориб арз қиладиган одами йўқ. Ҳовлига чиқиб «иш қилмаётган» Нигорага эшиттириб, Мастон кеннойига ўшқирди:

— Буларнинг боласи бурнининг катагидан тушган! Ҳой, мунча ивирсийсан?! Отанангнинг бошига етиб, энди мени инфарк қилмоқчимисан? Тур, ўрнингдан! Кирга сув исит!

Нигора бағри тош қайнонанинг буйруқларини бажаришга мажбур бўлиб қолди. Тунов куни гулдор чинни чойнакни юваман деб, қўлидан тушириб, синдириб қўйди. Ранги оқарди. Қўрқув тўла кўзлари билан қўлларини белларига тираб турган Чингизхондек даҳшатли қайнонага тикилди. Шоша-пиша синиқларни йиғиштириб, ахлатга ташламоқчи эди, дағдағали овоз Нигорани турган жойида ерга михлаб қўйди.

— Вой, шум оёқ-ей, ҳамма идишларимни синдириб, тамом қилдинг-ку! — у Нигорани қўлларидан тортиб, ичкарига олиб кирди. Сочларидан чангаллаб, урмоқчи эди! Нигора аспичоқ кўрсатди:

— Жонимдан тўйиб кетдим, яқинлашма!

Шу лаҳза иттифоқо ҳовлига Эшонча кириб қолди. Унга кўзи тушган Шарбатхоннинг асаблари юмшади, тезда ўзгариб, диркиллаб муқом қила бошлади.

У Нигоранинг рангги-рўйига, ёниб турган дарғазаб кўзларига тикилди.

— Келин, қани бу ёққа келинг, нима бўлди?

Нигора индамади.

— Вой, вой, кап-катта, эс ҳушли қиз-а, йиқилиб тушганига ҳам йиғлайдимми? Қани тур, қизим?

Нигора индамай ўз хонасига кириб кетди.

— Ота-онаси эсга тушса керак-да, — деди Эшонча Шарбатхонга боқиб, — аяси, уни кўп койиманг, сиз дунёда олижаноб хотинсиз.

— Раҳмингиз келдими? Бўпти. Айтганингизни қиламан.

Кечқурун Пати ишдан келибоқ она ёнига кирди, ҳисоб бериб, топган-тутганини ая олдига қўйди. Айтиш шарт бўлмаган майда-чуйда гапларни ҳам пичирлаб бўлгач, «бор, кирақол уйингга!..»дан сўнг тўрсайиб Нигора ёнига кириб кетди...

* * *

Эртасига қайнонанинг зуғумлари яна бошқатдан бошланаберди. Уришиб, хафалашган бўлса ҳам Шарбатхон ҳеч нимани билмагандек буйруқ бераверарди:

— Кел-е-е-ен, туринг! Кўчага машина келди, ахлатни олиб чиқинг! Байталмон тўрт пақир бўлиб кетибди.

— Хўп, — Нигора наридан-бери юзини ювиб, кеча ҳеч нима бўлмагандай шошганидан калиш қолиб, шиппақларини пойма-пой кийиб, қўлида икки зилдек ахлат тўлдирилган пақир, инқиллаб деворларни ушлаб кўчага интилди. Дугоналаридан биронтаси бу аҳволни кўриб қолишса хафа бўлиш у ёқда турсин, Нигоранинг «бир юз саксон даража» ўзгарганига лол қолишарди. Ҳомиладор жувоннинг қийналиб келаётганини кўрган ахлат ташувчи киши дарҳол паншаҳасини ерга отиб юбориб, Нигора қўлидан зилдек пақирларни олди.

— Ҳей, келин, сен оғир оёқли бўлатуриб, бундақа зил пақирларни кўтарма! Уйингда эркак йўқми? Пати-бола қаёқдалар? Хотин кишига ахлат ташиттирадимми? Доим сен олиб чиқасан! Энди чиқма! Эринг қаёқда! Ҳей, номард!

Нигоранинг кўз олдига шу дам иссиқ хонада, атлас кўрпа ичида пишиллаб ухлаб ётган эри Пати келди.

Ахлатни саранжом қилгач, Нигора хонага кириб кетаётган эди, айвондан қайнона овози эшитилди:

— Ҳей, келе-е-н, дарвоза очилиб қолибди, зич бекитиб, дарров илгагини солинг!

— Хўп, — Нигора қайтадан бориб, дарвозани беркитди, қулфлади.

— Йўлкага кул сепиш эсингиздан чиқибди.

— Хўп.

— Хокандозни яна ошхонага олиб кириб қўйинг, ҳовлида қолиб кетмасин!

— Хўп, — Нигора ичида «хокандозинг бошингда қолсин!» деб, тойиб, хокандоз билан супургини ошхонага олиб кирди. Ошхонада бир нима тақирлаганини эшитиб, қайнона яна дарғазаб, ҳовлига чиқди:

— Эрингиз ухлаб ётибди, нега тақирлатасиз!?

— Қўлимдан тушиб кетди.

— Маҳкам ушлаш керак! Нима, жонингиз борми, хокандоз деган нарсани ҳам қўлдан тушириб юборадими? Яхшики, темир. Шуни ўрнида чинни лаган бўлганда нима бўларди! Ҳозир битта лаган фалон пул! Ҳовлида иш қилишни ота-онангиз ўргатмаганмиди? Қанақа оилада ўсгансиз?

Бу ҳақоратомуз гаплар Нигоранинг нариёғ-берёғидан ўтиб кетди. Илгари Зулфиқоров, Маҳбубахонлар... деганда одамлар ҳавас билан қарарди. Катта одамнинг қизи ахлат пақир тугул қўлига супурги ҳам ушламаган. У хор бўлдимми? Йўқ, бундай ишлар хорлик белгиси эмас, аксинча! Уй ишини қилгани яхши, аммо бегуноҳ одамни сиртдан ҳақорат қилиш, йиқилганини тепиб ўтиш учига чиққан аблаҳлик!

— Ҳей, келе-ен! Бидонни олиб сутга боринг! Чойни ўзим дамлайман! Мен эрта билан сутчой ичмасам бўлмайди. Қани, бўлақолинг!

— Хўп, кетдим, — Нигора шоша-пиша оёғига калиш кийиб, айвондан бидонни

олди. Пиромонга қўйилган, эзгиланган, латта бўлиб кетган сариғ бир сўмликни олиб, бошқатдан катта дарвозани шарақ-шуруқ очиб, кўчага югурди.

Сут олиб келди, чой тайёр. Патихон юз-қўлини ювиб, онаси ёнига, стол юқорисига ўтди. Унинг рўпарасида Пошшахон, оёқда ўтирган Нигора ҳаммаларига чой узатди. Шу аснода бир чойнак чойни ҳужрага, Миёнхўжа амакига ҳам ташлаб чиқди.

— Нонни ким ушатди?

— Мен.

— Нондан одеколон ҳиди келяпти! Одеколон сурган одам қўлини яхшилаб ювмайдимми?

— Билмадим... Мен бугун одеколон сурганим йўқ, суришга ҳам вақтим бўлгани йўқ, — деди ранги ўчиб Нигора.

— Бўпти, — деди қайнона, бу иш Пошшахонга алоқадор эканини фахмлаб. Қизига бир қараб қўйди-ю, индамади.

— Чойдан кейин поликлиникага чиқиб келсам... — деди Нигора эрига мурожаат этиб.

— Чойимни ичиб, нафасимни ростлаб олай, ундан кейин сенга жавоб қиламан! — деди Патихон Нигорага хўмрайиб, — мана, кўриб турибсан-ку, мен овқат еяпман!

Нигора ўзига қараш учун вақт тополмаганидан бир қадар исқитроқ бўлиб қолган эди. У қайнона буйруғини ўйлаб ўтирмай бажарар, юракда алам — қамоқдаги ота!

Отасининг, эҳтимол гуноҳи бордир, она билан акани нега олиб кетдилар! Арманча, охири «ян» билан тугайдиган бир терговчи кимса олиб кетди. Нигора ўйлайвериб, ўйининг охирига етмасди.

Кўнгил ёзиш учун бир меҳрибон қолмади, андуҳ сарғайтирган Нигора синглизини Севарани тоғасиникига қўйиб келди. Кунора бориб, қўп-қуруқ коттедждан хабар олиб келарди. Коттеджни ҳам ҳуқумат олиб қўйса керак деб ўйларди. Унинг қиз ўртоқлари Маъсума, Сунбула, Интизорлар ҳам оёқларини тортиб кетишди, қайнонасининг «бас, энди унинг эри бор!...» деб гап ичида қизларга теккизиб ачитгани уларнинг нафсониятига тегиб, «уйинг бошингда қолсин», дейишди. Гап уларнинг келди-кеттисида эмас, суюқ оёқлиги туфайли эридан қиқиб, уйда ўтириб қолган Пошшахоннинг кўпроқ гаши келган эди. Мақтончок, ўзини катта тутадиган, ишрату шахвоний ишларга муккасидан кетган Пошшахон ўзини паришта билар, чиройлироқ қизларни ёқтирмасди. Номига ишлагани билан ахлоқсизлик бобида туяни икки бўклаб ютарди.

Жиндак бўлса ҳам юрагини очиб, ҳасратлашадиган дугоналар қайда, ҳомиладор Нигора ниҳоятда оғир кунларни бошидан кечирарди.

Поликлиникага кириб, ўзини кўрсатиб, ундан кимсасиз коттеджга бориб, бир хабар олишни кўзда тутган Нигора иссиқ пальто, тивит рўмол, қоқилмаслик учун махси-калиш кийиб, троллейбуснинг Эскижўва бекатида турган эди, одамлар ичида ўзидан беш-олти қадам нарида соқол-мўйлови ўсиб кетган бир зиёли кимсага кўзи тушди. У бир нуқтага тикилганча ўнг қўлини кўтариб, ҳавога хат ёзарди. Бекатда турган бошқа одамлар ҳам қўлларини қимирлатиб, доскага қаригандай — ҳавога хат ёзаётган кишидан кўз узишмасди. Таажжубланиб, бир-бирига қараб қўйишарди.

Нигора беихтиёр у одамга яқинроқ бориб, юзига боқди. Бирдан ичи шувиллаб кетди, бу — Ҳабиб-ку! Нигора тивит рўмоли учи билан даҳанини бекитди. Лекин Ҳабиб бу ерда одамлар борми, йўқми, парвойи палак, ҳавога қўли билан хат ёзарди.

Троллейбус келиши билан Нигора лип этиб чиқиб, ойнадан яна бекатда турган Ҳабибга қаради. Кейинги пайтларда унинг руҳий касал бўлиб қолганини эридан эшитган, лекин кўчада бундай ўзини билмай юришидан мутлақо хабари йўқ эди. Троллейбус юриб кетди... У билан бўлган мулоқотлар бир рўёдек, на боши ва на охири бор, хира кўриниб, наинки ширин дамларга ачиниш, аксинча усти йилтироқ бир кимса билан шунча вақт борди-келди қилганидан афсусланди. «Онани хор қилиб қўйган мансабпарастга ачиниш бўлмади, — деди у ўзига ўзи, — бу ҳам кам!»

Нигора кўчадан келиб, чарчаб, ўз хонасида, каравотга чўзилди. Унинг кўз олдига соқоллари ўсган, девона Ҳабиб келди. Бир муддатдан кейин айвондан қайнонанинг яна ўтқир овози эшитилди:

— Бечора Мастоннинг қадри ўтди. Мастон бўлмаса очимиздан ўлар экан-ме-ез! Қорним пиёз пўчоқ бўлиб кет-де-е! Мастонга жавоб бермасам бўлар-ка-а-н!

Нигоранинг юраги ўйнаб, дик ўрнидан турди. Шу лаҳза у айвонга чиқди:

— Ойи, чой қўйиб юборайми, овқат қилиб юборайми?

— Вой, сизларга куним қолса харом ўладиганга ўхшайман!

— Ойи, нима қилай?

— Ош қилиб юборақолинг! Судралманг! Чидайман...

— Хўп, — деди Нигора наридан-бери енгини шимариб.

— Майли, уринақолинг! Ёғни камроқ солинг, лаган тагида қўл бўлиб ётмасин!

— Хўп бўлади.

— Савзини юпқа арчинг!

— Хўп.

— Оқ ёққа ярим чўмич шишадаги магазин ёғидан аралаштиринг. Бир ярим бонка гурунч солинг. Гурунчни теринг, битта-яримта тош чиқмасин тагин!

— Хўп. —

— Ёғни яхши қиздириг! Урисларга ўхшаб, сал илиди дегунча гўшт босиб юборманг. Ёғ ҳиди келса кўйним айниди...

— Хўп.

— Битта иликлик суяк ҳам ташланг. Менга!

— Хўп.

— Саримсоқ пиёздан битта. Эрингизга косада олиб қўясиз. Саримсоқ пиёзни унинг косасига соласиз.

— Хўп бўлади,— Нигора ошхонада қўли-қўлига тегмай иш бошлаб юборди. Қамоқда ўтирган онаси кўз олдига келди, ош дамлашни обдон зерикмай қизига ўргатган эди, бирон ерга борсанг ош дамлашни билмай қизариб қолмагин, болам, деган эди. Онаизор ўргатгандай, чаққонлик билан ҳаракат қила кетди. Бир ярим соат ичида ошни дамлаб, хонада ўтирган қайнонаси ёнига кирди.

— Ош тайёр, дамлаб қўйдим.

— Неча минутдан кейин сузасиз?

— Ўн минут.

— Турп тўғрадингизми?

— Ҳа.

— Косаси билан буёққа олиб келинг. Кейин дастурхон ёзинг. Пошшахонни чақиринг, у бечоранинг ҳам қорни очиб кетди. Эрингизга чини косада олиб қўйинг дедим-а! Совимасин, дастурхонга ўранг!

— Хўп бўлади. (Лекин минг афсус, Патихон кейинги пайтда Нигора пиширган овқатни емасди).

Нигора сандал устидаги катта, доира мис баркашни олиб дастурхон ёзди, ундан кейин яна оғир баркашни қўйиб, югурганча ҳовли четидаги ошхонага чиқиб кетаётган эди, қайнона орқадан пичирлади:

— Буларга иш ўргатаман деб ўлиб бўлдим,— у инқиллаб ўрнидан турди-да, тахмон ёнидаги тоқча-шкафни очиб, бу ерга яшириб қўйгани ароқ шишани олиб, пиёлага тўлдириб қўйди. Келини ошхонадан косадаги турпни олиб келишини кутиб турди. Нигора косани сандал устига қўйиб, яна ошхонага ёзиллаган эди, тик турган Шарбатхон ая пиёлани қўлига олдида қулт-қулт ароқни ичиб, сесканиб, байталдек пишқириб, косадаги турпдан оғзига солди. Чайнаб, уфф деб, бурнини буриштирди. Буларни барини Нигора кўриб турарди. Аянинг улфатлари, бир тўда «гап» ўйнаган хотинларнинг ҳаммаси ҳам ичишарди. Аввал ёқасини ушлаган Нигора кейинчалик ўрганиб, бундай қилиқларига эътиборсиз бўлиб қолди. «Гап»да хотинларнинг олди-сотди қилиши, ичиши, ҳар гал «гап» эгаси юз сўмдан йиғиб олишини ҳам биларди.

Кунлардан бир кун кутилмаганда ая келинига мурожаат этди:

— Нигорахон, (у атайин келини номига «хон» қўшди) коттедж уйларинг бўшаб ётибди, ҳукумат олиб қўймасмикан?

— Билмадим.

— Фатхуллохўжа номига ўтказиб олсак бўлмасмикан? Тагин мусодара қилиб юборса уй, мол-мулкингиз ҳукуматга ўтиб кетади. Ҳукуматнинг иши шунақа, қизим, минг йил жонингни жабборга бериб ишлайсан, бир куни хато қилсан қамаб, мол-мулкингизни мусодара қилади. Эсинг борида этагингни ёп деганлар, шу уйда сизнинг ҳаққингиз бор. Бас, шундоқ бўлгандан кейин ўша уй Фатхуллохўжа билан икковинглар ўрталарингда. Яқинда фарзанд кўрасизлар, Фатхуллохўжанинг исполкомда ошналари бор, ўзи айтди, ариза ёзиб, шу коттеджни молу мулки билан унинг номига ўтказайлик. Яхши бўлади!

— Адамлар-чи? Аямлар-чи?

— Чиқиб келишса олаверишади. Мана, бизники ҳам бор... Фатхуллохўжа адангизга фарзанд...

— Акамларчи? Севарачи?

— Улар кўчада қолармиди! Жой кўп, мана бизникага келишлари мумкин. Шу коттеджни, молларингизни қўлдан чиқармай, эрингиз номига ўтказиб олсангиз, ютасиз! Адангиз ўн йилдан кейин чиқиб келса коттедж қоладими?

— Мен бу ишни қилолмайман!— деди бир лаҳза ўйлиниб Нигора,— бу жуда хато иш бўлади. Адамлар чиқиб келадилар! Аям, акам ҳам... Коттедж коммунал уй бўлгани билан деярлик адамларнинг ўзлари қурганлар. ЖЭКдан рўйхатдан ўтгандан кейин катта пулга қайтадан тузатиб, эшикларини эман дарахтидан қилганмиз. Адамлар, бу уй авлоддан авлодга ўтиб кетади деганлар, адамларнинг орзуларини бузолмайман.

— Адангизни қайтиб чиқади, деб ўйлайсизми?

— Нега чиқмас эканлар!

— Шўро ҳукуматининг турмасидан ҳали биров қайтиб чиққан эмас!— деди режаси бузилиб, ноумид бўлган Шарбатхоннинг энсаси қотиб, чирсиллаб, ичкари хонага кириб кетди,— барибир мен айтганимдек бўлади!

— Бўлмайти!— деди кескин Нигора,— Адамларнинг, аямларнинг ўзларига буюрсин!

Аслида «Зулфиқоров салтанати тугагач» Пати учун Нигоранинг унча аҳамияти қолмаган эди. Бунинг устига коттеджди ҳам бермайдиганга ўхшади. Очасидан баттар уни тез-тез силталаб турарди. Қайнонасининг барча камситишларига чидаган Нигора эрининг аччиқ тилига чиқолмади.

— Нега кўйлагимни ювиб қўймадинг?! Кийишга пайпоғим қолмабди!

Нега пайпоғимни ювадинг?!

— Қўлим тегмади.

— Мешчанка! Даданг сени талтайтириб ўстирган-да!

— Дадамларни аралаштирманг!

— Нима бўпти, даданг жиноятчи! Онанг ҳам! Аканг ҳам! Сенлар жиноятчи оила-санлар! Сенларни халқ тошбўрон қилади!

— Жиноятчи эмас!— Нигора жон-жаҳди билан бақирди.

— Қамоқда ўтирса ҳам жиноятчи эмасми?!

— Й-ў-ў-ўқ!.. Жиноятни суд ҳал қилади, ҳали суд бор! Сен ўзинг жиноятчисан! Сен эркак эмассан!

Пати келиб Нигоранинг юзига шапалоқ тортиб юборди. У гандираклаб бориб сандиқ ёнига қулади.

— Йўқол! Уч талоқсан!

Нигора ётган ерида кўкариб, бақира бошлади. Бу жанжални эшитиб хонага кирган Шарбатхон ўғлини нариги хонага чиқишни ундаб, ўзи бобиллай кетди:

— Хой уришманглар! Нега уришасизлар! Бизнинг уйимиз маданиятли уй! Шундоқ менинг оиламда-я! Нима бўлди?! Келин, туринг ўрнингиздан! Бу нимаси! Одам ўз эрини ҳам ёмон сўзлар билан ҳақорат қиладими! Мунча тилингиз ёмон!

Нигора индамади. Урнидан туриб, қонаб кетган лунжини ушлади.

— Бу ҳақорат қилганингизга акт ёзилса, сизни ҳам қамоққа олиб кетадилар,— деди Шарбатхон.

— Илгариги хотини устидан ҳаммаёққа хат ёзиб, жонидан тўйдириб ўргангансизлар, ёзаверинглар! Сизлар умр бўйи одамлар устидан юмалоқ хат ёзиб ўргангансизлар!

— Пушаймон бўласан!

— Бўлмайман!

— Уғлим эмас, мен сени уч талоқ қўйде-ем!!!

— Сен, мени эмас, Эшончани уч талоқ қўясан!— Нигора Шарбатхонга ўқрайди, у ёқ-бу ёққа аланглади, қўлига пичоқ тушгудай бўлса тиқиб олишини сезган қайнона «думини қисиб» хонадан чиқиб кетди.

Нигора ўз ҳужжатлари, тақинчоқлари, бир сидра кийимларини шоша-пиша тўплаб, эски дастурхонга солиб тугди. Йиғлаб, бурни оқиб, махси-калишини топиб кийди. Устига эски пальтоси, бошига тивит рўмолини ўраб, бўхчани кўтариб ҳовлига тушди. Ундан сўнг дарвоза ёнига бориб «турма» эшигининг темир ҳалқаларини шарақ-шуруқ этиб аранг очиб, ташқарига чиқди. Она-бола дераза ойнасидан кузатиб туришарди.

Бугун изгирич аралаш қор учқунлай бошлаганди. Қорасовуқ сезилмади, руҳи тиклашди, ўз коттеджди томон жўнади.

Уттиз иккинчи ҳикоя

Кемага тушганинг жони бир

Эрта билан бағрига уч юз олмиш кишини олиб, Домодедово аэропортидан вағиллаб, залвар билан кўтарилган улкан аэробус тезда булутларни ёриб, осмони фалакка чиқди. Беҳудуд фазо ичра жанубга, ўзбек пойтахти Тошкент сари йўл олди. Қиш, қорасовуқ бўлишига қарамай ойналардан офтоб нурлари тушиб, бир зумда манзара ўзгарди. Ажиб бир эртақ... Анча пастда қолган оппоқ булутлар узра баҳайбат кема қанотларини кенг ёзиб, арзу самони ларзага солиб, учиб борарди. Дарҳақиқат, бир маҳалла одамни кўтариб, офтобу ер ўртасида учиб бориши — эртақнинг ўзингинаси эмасми?

Нигоранинг биринчи учиши. Ёнида онаси. (У кунни кеча қамоқдан чиқиб келган. Гуноҳи йўқлиги сабабли акаси Бобур ҳам КПЗдан чиқиб келган эди.) Улар курорт ёки бирон саёҳатдан шод қайтаётгани йўқ, отасининг иши бўйича СССР Бош прокурори ёнига кириб, қонун бузилганлигидан, Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги йўқ, «ўзбек иши» деб атайин тўқилган бўхтон билан халқни бадном қилмоқчи бўлганлар устидан Москвага арз қилиб боришган эди.

Биринчи салоннинг охирроғида, дарча ёнида, онаси пинжигга суқилиб, миқ этмай ўтирган Нигора кема сал-пал лопиллаб, ташлаб юборгудай бўлса онага ёпишар, атрофдаги одамларнинг кўзларига жовдирарди. «Нима бўлаяпти...» дегандай она билакларидан беихтиёр маҳкам ушлаб оларди.

— Кўрқма, қизим,— деди Маҳбубахон унга далда бериб,— ахир шунча одам

ўтирибмиз-а! Мен аданглар билан Кисловодска борганимда ҳам шунақа «качкалар» бўларди, қўрқмаганман. Утиб кетади. Карлово Вари курортига борганимизда Москвадан Прагага учганмиз... Ҳар куни қирқ минг одам учади. Ана, кўрдингми, чақалоқ болалари билан ҳам учашаяпти. Биринчи қаторда ўзимизнинг халқ депутатимиз ўтирибдилар. Унг томонига қарагин, қари-қартанглар, инвалидлар ҳам бор. Ҳозир самолётда учиш қўрқинчли эмас. «Икки дунё — бир қадамдир авлиёнинг олдида», дейишарди, йўқ, икки дунё бир қадамдир авионинг олдида, десалар тўғри бўлади...

Нигора она берган далдадан ўзига келиб, бўйнини чўзиб, у ёқ-бу ёққа аланглади; хириллаб ухлаб ўтирган семиз одамга кўзи тушди. Унинг парвойи палак ухлаётгани ҳам Нигорага далда бўлди. Бу хўппоз кўп учса керакки, тамоман парвойи палак! Нигоранинг орқасида ўтирган нимжон, рангпар бир аёл онаси билан гаплашётганини, Маҳбубахон унга қурт бериб, кўнглингиз озса шимиб ўтиринг деяётганини ҳам кўрди. Бу рангпар аёл Москвада, Борвиха касалхонасида операция бўлгани, жарроҳлар олти соат ўлим билан олишиб, ҳаётини сақлаб қолганини гапирарди. Аёлнинг азоб-уқубатини тинглаб ўтирган Маҳбубахон ҳам, Нигора ҳам ўз аламларини бир лаҳза бўлса ҳам унутишди.

«Жарроҳ» сўзини эшитган Нигора ўша хаста аёлга тикилди, Ҳабиб ёдига тушди. Гапларига қулоқ осди. «Ишқилиб яна «качка» бўлмасин-да», деди ўзига ўзи. Ачинганидан яна унга диққат билан тикилиб, «юракни операция қилмоқлик — ҳазилкам гап эмас», деди ўзига ўзи. Шундан сўнг Нигора яна дарчадан пастдаги поёнсиз гала оқ булутларга тикилди — дунё шунчалар кенгми, тинимсиз вағиллаш, учиш...

— Қўрқаётганингиз йўқми? — операциядан чиққан аёлдан сўради Нигора.

— Йўқ, илжайди аёл, — тебраниш бўлса кўнглим озади, ҳарқалай бўлмагани яхши. Сизлар билан танишиб олганимдан хурсандман, — аёл ўзининг совет ташкилотларида ишлагани, касаллиги туфайли кетгани, уларнинг оталари Жамшидбек Зулфиқоровни таниши, унинг пахта ишига боғлаб айблашганини ҳам эшитган экан. Таассуф билдирди. Дўппини ол деса калла олингани, бригада бошлиқларигача қамалганини айтди. Маҳбубахон кўзларига ёш олиб, шу масалада Москвага арзга келишганини гапириб берди.

— Бош прокурор қабулида бўлдик, — деди Маҳбубахон, — Бир терговчи группаси билан Тошкентга келиб, отамиз устидан тушган юмалоқ хатларни кавлаштирган. Уйимизни тинтув қилди. Юз йил ҳукумат учун дил-дилигдан хизмат қилгуну бир кун келиб, бир нимадан шубҳа бўлдими, устингдан бўхтон ёзилдими, тамом... Гдлян дегаъ шахс одамларни ҳукуматимиздан айтайин норизо қилмоқда; «ўзбек иши» деган тухматни тўқиб чиқарди. Бутун бир ўзбек халқини қораламоқчи. Бутун бир халқнинг белини синдириб қўймоқчи. Ҳеч қачон ниятига етолмайди! Халқимиз кўп синовлардан ўтган. Ҳарқалай, ичимизда ҳали шундай бад ниятли одамлар борлиги аниқ. Доимо эҳтиёт бўлиш керак. «Ўзбек иши» ҳам қуриб кетсин! Эри қамалган кўшнимнинг Япониядан олиб келган шода дурини, бриллиант сирғаларини терговчилар олиб кетди. Бу гапни кимга айтасан! Улар жумҳуриятимизга ташлаган «десантчилар» эканлигини пайқадик. Бу гап тарқалиб кетганидан сўнг айбланганларнинг хотини, бола-чақасини ҳам қамай бошладилар. Мени ҳам...

Самолёт яна «качка» бўла бошлади. Нигора онасининг пинжига кириб, ёпишиб олди. Қазининг ранги ўчиб, кўнгли беҳузур бўлиб, қусмоқчи бўлаётганини сезган орқадаги аёл Нигорага қоғоз халтача узатди.

— Ана, олдинда халқ депутати, — деди ўша аёл орқадан. — Улар тез-тез Москвага учишади. Улар бизга раҳнамо, ғамхўр. Беҳавотир бўлинг, қизим. Тезда Тошкентга етиб оламиз. Иложи бўлса ухлаш керак.

— Ухлаш? — Нигора кулиб юборди, — ухлаб бўлман! Самолётда фақат космонавтар ухлаши мумкин.

— Ҳозирги ёшлар ҳам асабий, — аёл қаҳ-қаҳ уриб кулди. — Нега бунча асабий бўлишлик!

— Шунинг учун ҳам биз ўзбеклардан битта ҳам космонавт чиқмайди, — деди Нигорага жон кириб, — наҳотки бизда яхши учувчилар йўқ бўлса! Мана, шу улкан самолёт командири Ҳозиназаров. У ўзбек-ку! Жонибековни депутат қилиб сайладик, мармарлар устига ҳайкалини қурдик, аммо у биронта ўзбек ёш учувчисини бағрига олиб, космонавт қилмади. Тарбияламади... Монгол учса, афғон учса, вьетнамлик учсаю на ўзбеку, тожик, на қозоғу туркман ва озарбайжону қорақалпоқ учолмаса! Мен буни асло кечирмайман! Шу ҳақда шеър ҳам ёзилган...

— Гапингиз тўғри, — деди рангпар рус аёли ўзбек тилида, — бу халқ дилидаги гап эканини бизлар анчадан бери пайқаб юрибмиз. Бу гапни анави халқ депутати Кремлда, Сессияда сўз олиб айтиши керак. Бу ҳақ гап! Самолётдан тушгандан кейин, агар лозим топсангиз бориб депутатимизга айтамыз. У албатта инobatга олиб, дафтарига ёзиб қўяди.

Нигора ҳам, Маҳбубахон ҳам, рангпар аёл ҳам олдинги қаторда ўтирган, тўладан келган депутатга тикилишди. Уч кишининг ҳадеб ўзига қараётганини сезган депутат безовталаниб, ён томонига бир-икки қайрилиб қараб қўйди. Самолёт бир маромда уча бошлагач, Нигора ўрнидан тўриб «қўл ювиб келиш...» баҳонаси билан олдинга борди, нотаниш бўлса ҳам кўнгил тўқи — ўша тўладан келган, бақбақадор депутатга боқди, дарҳақиқат костюми ёқасида депутатлик қизил нишони бор, ёнидаги бир киши унга

хушомад қилиб, афанди айтиб ўтирибди. Депутат пинагини бузмай, виқор билан Нигорага бир қараб қўйди. Нигора ҳам унга бир-икки боқиб, ичкарига кирди. Қайтиб чиқиб, у ҳақда онасига гапирди; хуллас, бу кимсани танишди... «Ҳарқалай, шундай номдор, вазмин, кишилар ҳақида ғамхўрлик қиладиган инсон депутат бўлгани яхши,— деди Маҳбубахон ичида.— Самолётда катталардан ташқари қанча хотин-халаж, болалар, ёрдамга муҳтож кимсалар бор. Ишқилиб, омон-эсон етиб олайлик». Халқ сайлаган машҳур кишилар билан бундай сафарларда бирга бўлмоқлик анча далда бўларкан. Маҳбубахон қизига сездирмай ичида дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортиди.

Тамадди улашилгандан кейин, самолёт яна кемадек текис сузди. Лекин бир соатлардан кейин безовта бўла бошлади, ичкаридан бир учувчи чиқиб одамларга қаради, у биринчи қаторда ўтирган депутатга ҳам боқиб, безовта бўлмаслик кераклигини, кема қуюқ булутлар қабатини ёриб ўтаётганини таъкидлади. Беш минутдан кейин яна оҳишта сузиш бошланди. Орадан яна бир соатча вақт ўтар-ўтмас самолёт пасаяётганини сезишди, радио орқалик самолётнинг қўнишга бораётгани эълон қилинди.

Радио аэробус ўз йўлини ўзгартириб, Тошкентга эмас, Нукус аэропортига қўнди.

Одамлар ҳайрон... «Оби ҳаво яхши бўлмаганлиги сабабли Тошкент аэропорти қабул қилмаган» эмиш. Бу, бўлиб турадиган воқеа.

Аммо, бўлиб турмайдиган бир воқеа шу куни ўзининг совуқ башарасини кўрсатди.

Самолёт Нукус аэропортига омон-эсон қўнди: дарҳол пиллапояни олиб келиб, тақаб ҳамма одамларни ташқарига чиқаришга уринишди. Гўзал бир ўзбек қиз — стюардесса эшик олида одамларни тўхтатиб, биринчи салоннинг биринчи қаторида ўтирган ўша йўғон депутатни ҳаммадан аввал ташқарига чиқарди. Кабинадан чиққан капитан ҳам бошига шоша-пиша кепкасини кийиб, у одамни кузатди. Йўғон кимса виқор билан пастга тушди-да, ёнидаги шотиридан аэропортдаги ҳукумат хонаси қаёқда деб сўради. У қўли билан бинонинг ўнг қанотини кўрсатди, такаллуф кўрсатиб, ўша томонга бошлади. Депутат аэропортга ҷумолидек сочилаётган одамларга бир қараб қўйдию индамади. Қандайдир бир боланинг тинимсиз йиғлаши, зинадан тушган она қаёққа боришини билмай, довдираб турганини ҳам кўрди. Ҳукумат хонасидаги телефонлар уни оҳанрабодек ўзига тортарди. Эшигида милиция турадиган дабдабалик хонага ҳеч ким сўрама-са ҳам у қизил муқовалик гувоҳномасини кўрсатиб, ичкарига кириб кетди. Милиционер члжайиб, кулиб қолди. Қўли телефонга тегиши билан ёнидаги йўлдошига мурожаат этди: «Бориб, чемоданимни олиб келинг!» Йигит югурганча чиқиб кетди.

Нукуснинг ихчамгина аэропортига одам тўлиб кетган: болаликлар, касалвон кексалар залга кириб, ўриндик, дераза олди тоқчаларини эгаллашган. Негадир болалик аёлларга меҳмонхона берилмади; қандайдир бир мухбир йигит одамлар аҳволини кўриб, аэропорт маъмуриятига кириб, жуда бўлмаганда ҳомиладор хотинлар ва хаста кексаларга меҳмонхона берилишини талаб қилди. Маъмурият бунинг иложини тополмаслигини, самолёт кутилмаганда келиб қолгани, ҳаммаёқ банд эканини айтди. Жуда бўлмаганда ўн кишига тўғрилаш кераклигини талаб қилиб мухбир туриб олди. Бу серғайрат мухбир йигитнинг ёдига шул лаҳза депутат тушиб, у дарҳол ташқарига чиқиб, ҳукумат хонаси томон югурди. Гиламлар ёзиб ташланган гўзал хонада аллақаёққадир телефон қоқаётган, ким биландир ширин-шакар бўлиб гаплашаётган депутатга яқинлашган эди, диванда ўтирган шотири йигит мухбирга дўқ урди:

— Нима гапинг бор? Кўриб турибсан-ку, у киши вертушкада гаплашаётирлар! Бу ёққа ўт!

— Гапим зарурроқ, ака!

— Бундан ҳам зарур гап бўладими! (У қизил рангли вертушка телефонни кўрсатди). Кимсан! Фамилиянг нима?

— Исматов. Мухбирман. Сизлар билан бирга Москвадан учиб келаяпман. Учинчи салонда эдим. Халқ аэропортга сочилиб қолди. Совуқ... Болалик аёллар анча... Касалманд чоллар ҳам бор... Аэропорт маъмурияти ҳатто ўнта одамга меҳмонхонадан жой бермаяпти. Одамлар кўчада қолди... Депутат акамлар аэропорт бошликлари билан гаплашиб берсинлар... «Депутат» сўзини эшитган йўғон одам трубкани қулоғидан олиб, ялт этиб мухбирга қаради.

— Нима?

— Чиқиб халқнинг холига бир қарасангиз, одамлар қорасовуқда қолди.

— Нима қилиб берардим! — деди у зарда билан хўмрайиб, — мен Нукус аэропортидан депутат эмасман!

— Бор, чиқиб кет, акаси! — деди диванда ўтирган йигит.

— И-я, сиз ўзингиз қанақа депутатсиз? СССР депутати бўлгандан кейин Нукус кирмайдим?! Камчатқадан Термизгача киради!

— Унинг фамилиясини ёзиб олинг! — деди трубкани қўймай депутат, — қайси газетада ишлайсан? Редакторинг ким?!

— Э, мен сизнинг дўқингиздан кўрқмайман! — Мухбир йигит иш чиқмаслигини билиб, ноумид чиқиб кетди. У қайтадан аэропорт бошликлари ёнига кирган эди, яна бир фронтчи чолнинг ҳам зир югуриб юрганини кўрган бошлиқ ўн беш кишини дарҳол меҳмонхонага жойлаштиришини айтиб, автобус берди. Қолган одамларнинг ҳам бир

қисмини хоналарга жойлаштиришга киришишди. Мухбир йигит югурганча бориб, кўксига чақалоғини қучоқлаб, тўрт яшар қизини етаклаб, зал эшиги ёнига бораётган аёлнинг тугунини, қизчасини кўтариб, ташқарига олиб чиқди. Уларни автобусга чиқараётган пайтда аэропортнинг ҳукумат хонаси ёнига келган икки ҳаворанг ГАЗ — 24 машинаси ичкаридан тамонно билан кулимсираб чиққан бақбақадор, йўғон кимсани машина эшигини очиб, яна қарс-қарс эшиклари ёпилиб, олдинма-кетин ғувуллаганча қаёққадир жўнади. Майдонга сочилган одамлар уларга бақрайганча қараб қолишди. Бу ўша «самолётда бирга келган ҳукумат аъзоси, депутат эканини сездилар. Мухбир йигит жижганак бўлиб, қўлида қизча, унинг орқасидан пичирлаб сўкди: «Уртоқлар! Бизни ташлаб кетган мана шу киши депутат бўлади! У ҳозир зиёфатга кетди. Бизларга қайрилиб қарамади ҳам... Биз уни сайлаб хато қилганмиз! Унинг қони бизга кўшилмайди, у бизларга бегона!...» У овозининг борича бақирмоқчи эди, бунинг иложини қилолмади. Кўрқди. «Депутат — ҳукумат аъзоси, обрўсини тўкапти», деган жиноят кодексига модда бор, шу билан қамалиб кетишини кўз олдига келтирди. Миқ этмади. Лекин, болалик аёлни меҳмонхонага кузатаётиб, автобусда, ёнида ўтирган Маҳбубахон, Нигора, операциядан чиққан аёлга юрагидаги ҳамма гапни дарғазаб айтди.

Мухбир унча узок бўлмаган меҳмонхонадан тезда қайтиб келиб, аэропорт залидаги бир ўриндиқдан жой топиб мизғиди.

Самолёт олти соат учмайди, деб қайта хабар қилишди. Одамлар зерикиб кетди. Яна тўрт соат учмайди деб эълон қилинди. Диққатбозлик... Эртасига эрта билан ниҳоят учди... Мухбирнинг билишича, ўша депутат зиёфатдан сўнг тундаёқ бошқа самолёт билан Тошкентга учиб кетган экан. Ё, тавба! У ёқда минбарда гап бошқача-ю, бу ёқда иш бошқача! Уч юз одам бу ишни кўрди, наҳотки бу қилиқ шундай қолиб кетаберсал!

— Қўлингиздан ҳеч иш келмайди, ўғлим! Унга, худо кўрсатмасин! Уч юздан ортиқ одамнинг биронтасининг холи-аҳволини сўрамаган одамда имон бўладими!

— Мен уни танийман, — деди Исमतов деган жиккақдан келган мухбир йигит, — биз кўпларни таниймиз, бу ҳақиқатдан ҳам худбин одам экан. У билан курашиш қийин, мансабдорлардан ошналари кўп, лекин барибир курашаман! Мен, мангустаман, онажон, мангустани биласизми?

Маҳбубахон илжайди.

Мухбирнинг жасоратини кўриб, уни кузатиб турган Нигорага жон кирди; ҳаётда инсофли одамлар ҳам кўплигини дилидан ўтказди. Лекин, ўзининг адаси ҳам паришта эмас эди. У аввал раҳбарни пирим деб сифинди, атрофдаги оддий кишилар, қариндош-уруғ, жамоага қайрилиб боқмади. Топшириқ ҳамма нарсадан юқори деб, ўғлининг иситмаси қирққа чиқиб ётганда ҳам Москвага учиб кетган... Маҳалла аҳли билан ҳисоблашмади. Кейинчалик бошқа раҳбарлар топшириғини ҳам ўта муқаддас билди, аммо халқ билан ҳисоблашмади. Коммунистман, деб на жанозага ва на бошқа маъракага борди. Чойхонага кирмади. Жанозалардан қочди. Машинасига, идорасига, амалига маҳлий бўлиб қолди. Мана, оқибат! Интилган жаннатмакон боғи сароб бўлиб чиқди. Халқдан ажралганни бўри еди — турмада оёғидан шипга осиб, сўроқ қилинаётганини бир оллодан бўлак ҳеч ким билмасди.

Нигора ўша депутатга мурожаат этиб, отаси ишига ёрдам беришини илтимос қилмоқчи эди, Нукус шахрига қўниш воқеасидан кейин «бу фикрдан тамоман қайтди. Бундай одамлардан ақлдан озганлар ёрдам сўрайди!

Ҳа, кемага тушганнинг жони бир, аммо, жони бошқалар ҳам бор дунёда. Улар сенинг билан бирга фарқ бўлишни истамайди. Эй, халқ улар сен каби тупроқдан яралган эмас, уларнинг қони кўк, аммо улар сенинг номингдан иш кўриб, обрў оладилар, уларга сенинг ўзбек халқи деган номинг керак фақат!

Уттиз учинчи ҳикоя

Рухий айнаш

Ҳабибнинг кейинги кунларда хизматдан чиқиб, ўз квартирасига киришга юраги безилларди, иложи бўлса кирмаса — инилариникида тунаб қолса... Кирди дегунча аллақандай бир бароқ мушук балкон томондаги деразадан қимир этмай унга тикилиб турар, кейин бирдан ғойиб бўларди-да, шу зомон эшикдан одатдагидек оқ доқа рўмоли бошида, оёқда махси-калиш, онаизори Салтанатхон кириб келарди. Рўпарадаги юмшоқ духоба креслога секин ўтирарди. Баъзан ўғли тепасига келиб, сочлари хурпайган, девона сифат бўлиб Ҳабибни бўғмоқчи бўларди. У дод солиб, ўрнидан турар, балконга қочарди. Чироқни шиқ этиб ёқди дегунча яна она ғойиб бўларди...

Баъзан дайдиб, баъзан укалариникида ётиб юрган Ҳабиб, бир ҳафтадан кейин тунда келиб яна квартирасига кирди. Юраги така-пука, ичкари хонага мўралаб чироғни ёқди. Коридорда устидаги пальтосини ечиб, илди, қулоқчинини ҳам шу ерда қолдириб, оёғидаги қорларни тепиниб полга туширди. Агар ўша мушук балкондан тикилиб турган бўлса қочиб кетсин ҳаёл қилиб, ботинкаси билан яна полда тепинди. Хоналар чироғини

ёқиб, айланиб чиқди, ҳамма нарса жойида, тинчлик... Ресторанда овқатлангани сабабли юраги куйди-да, ошхонага кириб, чойнакни кўтариб кўрган эди, қараса ичида шамадан бўлак нарса йўқ. Ювинадиган хонадаги жўмракни бураб, бир коса совуқ сув олиб келиб, тумбага қўйди. Костюмини, ботинкасини ечдию эриндими, қурқув босдимми, шими, кўйлаги ва ҳатто галстугини ечмаганча каравотига чалқанча ётиб, эринчоғлик билан чироғни ўчирди. Машина йўқ, трамвай-троллейбусларга чиқиб, тўхташ бекатларида шигирма минутлаб кутиб, чарчаган эди. Машинада юриб, овқатнинг сархилидан тановул этадиган, қорни чиқиб кетган мансабдорларга пиёда юриш тавсия этиларди. Лекин бирон вазирнинг пиёда юрганини ҳали ҳеч ким кўрган эмас... Уйку олдидан бу фикрлар Ҳабиб хаёлидан ўтди. Қайси бир шоирнинг сўзини эслади: «Ўзбек халқи дарҳақиқат меҳмон-дўст-у, аммо у ўз меҳмонини ҳеч қачон хўжайиним деб тан олган эмас. Боғимизга келган меҳмон — меҳмондур. Меҳмон деган нарса кетиши билан азиз...»

Орадан ярим соатча вақт ўтди, чалқанча ётган Ҳабиб на бароқ мушукни, на онани эслади, шоир сўзлари билан атайин ўзини чалғитди. Илгарй тайёрлаб қўйгани ухлатадиган дори таблеткасидан иккитани оғзига тишлаб, косадаги сувдан икки қултум ичди. Яна бир лаҳзадан сўнг унинг кўзлари юмилиб, хириллаб ухлаб қолди. Бир муддат ўтгач, яна балкон деразасида ўша бароқ мушук пайдо бўлиб, ёқимсиз овози билан «мияв... мияв...» дегандек бўлди. Ухлаб ётган Ҳабиб, э, ошхонада, стол устида бир нима қолган бўлса еявер деди-да, пинагини бузмади, бошини кўтаришга ҳам мажболи келмади. Лекин шу лаҳза мушук ғойиб бўлиб, ўша балкон томондаги эшик ғийч этиб очилиб, яна оқ доқа рўмолли онаси Салтанатхон кириб келди. У юмшоқ креслога ўтириб, ўғлига тикилди. Негадир унинг овози чиқмасди. Бир дамдан кейин ориқ кўлларини ўғли пешонасига қўйиб, «иссиғинг бор, болам...» дея меҳрибончилик кўрсатди. Ҳабиб тўққизинчи синфдамиди, иситмаси чиққанида тепасида соатларча ўтирганди. Негадир дарғазаб бўлмай, меҳрибонлик кўрсатаётган онанинг тиззасига бошини қўйди. «Ойижон, сиздан бекорга кўрқиб юрган эканман, дунёдаги энг меҳрибон кишим сиз-ку! Нега мен буни сезмасдан идораларда ҳовлиқиб юрибман... Нега мен вақтида сизнинг ҳолингиздан хабар олмадим! Ҳар хил мажлисларни, ҳар хил ишларни сизни кўришдан аёло билдим... Энди ҳеч бундай қилмайман, мени кечиринг...» Салтанатхоннинг юзиде табассум пайдо бўлди: «Мен ҳам бир кун шундай дейсан, деб ўйлаб юрардим, болам. Мана шу сўзни айтдинг, мен сени кечирдим. Энди келиб ҳолимдан хабар олиб турасан, менинг фарзандларимдан бўлак ҳеч нарсам йўқ. Дунёга келиб орттирганим сизлар. Фақат сизлар! Отанг раҳматли, ана, ҳовлимизда ўтирибдилар. Юр болам, эски шаҳарга, ҳовлимизга олиб борай. Отанг ҳам сенга интизор. Бечора битта ўзи ўтирибди. Мен бориб, унга чой-пой қўйиб бермасам, ҳеч нима емай оч ўтираверади. Юр сени ҳам олиб кетай, жон болам...» «Бўпти, бораман... Дадамларни ҳам кўраман... Учаскамиз сотилиб кетган эмас, бораман...»

Ҳабиб ўрнидан туриб, полдаги ботинкасини оёғига илди, коридорда, қозиқдан пальтосини, қулоқчинини олиб, йўл-йўлакай кийди-да, она билан олдинма-кейин лифтга тушишди, ундан кўчага чиқиб, қорни ғарч-ғурч босишиб, эски шаҳар ҳовлилари томон юришди. Анча йўл юриб, ҳовлиларига етиб келишди, чиройли, катта дарвозани очиб, ичкарига киришди. Айвонда чордона қуриб ўтирган адасига салом бериб, қуюқ омонлашди. Каримберди ака ҳам ниҳоятда қувониб, ўғлига навозиш кўрсатди. Одатдагидек, чўнтагидан олмадек келадиган носқовоғини олиб, кафтига нос тўкиб, тили тагига отди. Бу унинг кайфи чоғлигидан далолат эди. Она қайнаб турган самоварни кўтариб келиб, отага, бош ўғилга чой узатди. «Ўғлимнинг сал-пал боши оғрибди, аччиқ чой ичирай...» деди Каримберди акага гап қотиб. Кейин Ҳабиб ёнига ўтиб, ўғлининг пешонасидан ўпиб, бағрига босди. «Мен йўғимда сенга ҳеч ким қарамабди, болам, укаларинг бемехр, синглинг ҳам... Ҳаммалари ўз болалари билан овора бўлиб кетишди. Сен мансабдор бўлганинг билан, укаларингга ака бўлганинг билан менга ҳали боласан. Сени бирон одам хафа қилсин-чи, мен уни қўярмиканман! Ухла, бағримда, азиз болам...» Ҳабиб ўз онасининг иссиқ қучоғида пишиллаб ухлаб қолди. Ешлигидаги энг бахтли, ширин онлари қайтиб келган эди...

Тонг отди. Қорасовуқ... Изғирин. Қабристон четидаги баланд мирзатераклар учиде офтоб ярқиради. Дарахтларда тунаган қарғалар қағ-қағ этиб тўрт томонга учиб кетмоқдалар. Тунда ҳужрада, сандалга оёқларини тиқиб, уйқи босиб, мудраб ўтирган гўрков қандайдир бир одам қабристон дарвозасидан ичкари кириб, шийпон томон, Чиғатой даҳа маҳаллалари хилхоналари томон кетаётганини қиров босган деразадан аранг кўрган эди. У одам ярим кечада нега бу томонга кетаётганига ҳайрон бўлган эди. Бу томондан чиқиб кетадиган дарвоза бўлмагани сабабли гўрков эрта билан ўша томонга борди. Дарҳақиқат бир сарбаст йигит қабр мармартосини қучоқлаб ўтирганига кўзи тушди. Шундоқ совуқда-я! Гўрков яқин келиб, нотаниш одамга боқди, бошида қулоқчин, бўйнида галстук... Хайрият, пальтоси қалин экан. Бурни шолғом бўлиб кетган. Бу одам қотиб қолибдиёв деган халга борган гўрков кўрқиб кетди.

— Э, ука, туринг! Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

Ҳабиб кўзини очиб, гўрковни ҳайдади:

— Кетинг! Мен ўз ҳовлимдан кетмайман! Бу ҳовли сотилган эмас! Кетинг!

— Укажон, эс-хушингизни йиғиб олинг! Мастмисиз? Бу ерда қотиб қоласиз-ку!
— Ойи!!! — деди Ҳабиб кўзларини ола-кула қилиб, — мана бу ярамас одамни ҳайдаб юборинг! Яна ҳовлимизни сотиб олмоқчи! Кетмайман! Йўқол!

Гўрков ҳайрон бўлиб, нотаниш йигитга тикилди. Бечора телба бўлиб қолганини фаҳмлади. «Ё тавба! Нима гап ўзи?! Бу ерга ёнма ён чолу кампир кўмилган...» Мажнун сифат, яхши кўрган севикли ёри қабрига келибди деса ундай эмас, мрамарда чол билан кампирнинг кичкина сурати ҳам бор, олифта кийинган телба йигитнинг сирру асрориги, тушунмади. Ҳам боши қотиб, ҳам ачиниб, орқасига қайтди. Шу муддат катта кўчага чиқиб, милицияхонага телефон қоқди. Ҳамма гапни айтди.

Бирон соатлардан сўнг қабристонга «Тез тиббий ёрдам» машинасида оқ халат кийган медицина ходимлари ва бир милиция ходими келиб, телба бўлиб қолган Ҳабибни машинага ўтказиб, руҳий касалликлар шифохонасига олиб кетишди.

Эндиғи ҳикоя таъқиб авж олган яқин ўтмишдаги бир фожиа хусусида. Бу йилларда зиёлилардан қамалганлар, отилганлар бўлмади, аммо таъқиб, турли бўҳтонлар ёпиштирилиб, маҳв этилганлар кўп бўлди. Ялмоғизлар фақат наврўзу она тилимизга эмас, тухмат тошини севикли олимларга ҳам отишди.

ТўРТИНЧИ ФАСЛ

Ўттиз тўртинчи ҳикоя

Маломат тоши ёки мурдани сўроқ қилиш

Икки соатдан буён ярим қоронғи коридорда човига салом бериб, баъзан бошини кўтариб, баъзан қийшайиб, ух тортиб, хаёлот денгизига фарқ ўтирган профессор Мавлонзодани ниҳоят ичкарига, партия бюроси тўпланган хонага чақиритди. Бу профессор Нигоранинг энг яхши кўрган домлаларидан эди. Боятдан бери уни кузатиб, хона бурчагида, телефонлар ёнида ўтирган сарғиш, заҳил котиба аёл (уни кўплар Ёсуман дерди) ичкарига кириб, деб имо қилди ва ўрнидан туриб йўл бошлади. Профессор бир куни бу аёлни «Васка» деб атаганди. Чунки Бешёғочдаги қушхона кўтанидаги сўйилишга маҳкум юзлаб қўйларни «Васька» номли серка ичкарига бошлаб кириб, уларнинг оёғидан илиниб, териси шилнаётганда ирkit соқолини серкиллаб яна қайтиб чиқарди. Шу тариқа, унинг «хизмат» ўташини эшитган профессор Мавлонзоданинг бир лаҳза бўлсада, шу хотинни кўриб, хаёли кетди. Юзлари заҳил котиба «ё»ни етказиб айтмай — «я», яъни «дуня» дерди. Бир-икки бор унли ҳарфларни яхши талаффуз этишни ўргатмоқчи бўлган эдилар, «бу тилнинг перспективаси йўқ, ўзингизни қийнаб овора бўлманг», деди. Бу гап Мавлонзоданинг таъбини тирриқ этди. «Сизнинг нима ишингиз бор! Биров «дунё» дейди, биров «дуня». Узингизни ўйласангизчи, — деди Мавлонзоданинг хотини тутатиб-ёниб бир кун, — бола-чақангиз кўп, миллатчи саналиб қамалиб кетсангиз нима бўлади?! Менга деса... деганини демайдим! Сизнинг нима ишингиз бор?! Сиз ўзингиз қанақа одамсиз?! Улиб бўлдим-ку!» «Фамилиямни нега «зада» дейди?! Англияда отини, фамилиясини бузиб айтгани судга берадилар. Нега у бузади? — тўнғиллади Мавлонзода. — Сен Эрон шпионисан, памилиянгдан ҳам, бурнингнинг узунлигидан ҳам кўриниб турибди, деган ҳам мана шу хотин. Мен қандай қилиб Эрон жосуси бўларканман! Тўғри, тожик тилини яхши биламан, бу тилни билмаган зиёли яхши зиёли эмас! Тожик тили улуғ Шарқ мамлакатлари тилига олтин калит, билиш керак! Жосус бўлиш учун ҳам кишига «талант» даркор! Менда ундақа «талант» йўқ, дарсимни бераман, келаман... Кўк чойимни ичаман, шахматимни ўйнайман, телевизоримни кўраман. Вассалом. Ҳа, ғаламислар кўпайиб кетган. Фамилияси «зада» бўлса Эрон жосуси бўлавераркан-да?! Устимдан тушган юмалоқ хатда хайрият жосус деган сўз йўқ, бошқа ҳамма нарса бор: пора олди, дебди. Бу тухмат ҳам ҳозир мода! Таржимаи ҳолимни яширган эмишман, отаси домла имом бўлган, онасининг қазосида жаноза ўқитди... дебди. Ёнида партбилети бўлатуриб ўзи худого ишонади, мутаассиф шахс, дебди. Бу юмалоқ хатни ёзганларни биламан, қўшимиз! Улар анави... Миёнхўжа. Бу, тўртинчи юмалоқ хат. Уларнинг ёзмаган маъмурий ташкилотлари қолмади. Умр бўйи ёзиб ўрганганлар. 1937 йилнинг «соҳибқиронлари» ҳам улар! Ярамаслар, отнинг қашқасидек ҳаммага маълум, ифвогарлигини улуғлар ҳам билади. Лекин оқорида ўтирган шахс, юмалоқ хат бўлса ҳам барибир муҳокама қилишимиз керак, деб устига имзо чекиб, бошланғич партия ташкилотига юборибди... Имзо чекилгандан кейин вассалом, бошланғич партия ташкилотига муҳокама қилинади, партия сафидан ўчишим аниқ...»

У ичкарига кириб, қовоқлари солиқ, хўмрайган бюро аъзолари рўпарасида тик турди. Кимдир бош қимирлатиб «ўтиринг!» ишорасини қилди. Мавлонзода стул қолиб, девор тагидаги юмшоқ диванга чўқди. Кўзлари ола-куласи, Мавлонзоданинг ёшини ҳисобга олдими, диванга чўкканига индамади. Аслида қаттиқ тулға ўтириши керак эди.

— Хўш, Мавлонзода, қалайсан? — деди бюро аъзоси, сиёсий иқтисоддан дарс

берувчи Хусайнов, яқинроқ келиб, ошнасидек елкасига қўл ташлаб. Мавлонзода унинг қўли текканидан сесканиб кетди. Улкан ва оғир кемаларни елкасида кўтарган денгиз бир мисқол тошни кўтаролмаганидек елкасини қийшайтириб, Хусайновни қўлини олишга мажбур этди. Ҳа, бир қоп бугдойни елкада бемалол кўтариб кетиш мумкин, аммо юзга қўнган, мисқол келмайдиган пашшани бир лаҳза ҳам кўтариб туролмайди инсон.

— Яхши, яхши...— деди Мавлонзода инграгандек овоз чиқариб.

— Устингдан жуда қаттиқ ариза тушибди. Кўп фактлар тасдиқланмоқда...

— Беко-о-р га-а-п-п-п!

— Бекор гап эмас! Жиддий! Комиссия текшириб чиқди. Тасдиқланди! Ун уч одам қўл қўйган. Ўз ошналаринг ҳам имзо чеккан. Устингдан ёмон хат тушиб, ҳаммаси тасдиқланган. Бошимиз қотиб қолди, сен ўзинг лаънати ўтмишинг билан, ярамас поступкаларинг билан партия сафига кириб олгансан! Ўтмишингга тупуришинг керак!

— Тупурадиган ўтмишим йўқ! Агар тупуриш керак бўлса сенинг башарангга тупураман!— деди Мавлонзода титраб, кўкариб, сувдан чиқиб қолган балиқча оғзини каппа-каппа очиб.

— Ой, ой, ой! Ўзингга қийин бўлади! Бундоқ гаплар айтишга ярамайди!

Мавлонзода диванда миқ этмай ўтирганча ўтираверди...

— Нега миқ этмайсан?— деди яна бир бюро аъзоси «сизлаб», лекин унинг ҳам сочи тикка бўлган эди.— Гапиринг! Нега иккиюзламачилик қилдингиз? Нега онангизга жаноза ўқитиб, ўзингиз чопон кийиб, бел боғлаб турдингиз? Коммунистлик қани?! Диний киши бўлсангиз, нега партия сафига кирдингиз?! Қуръон ўқилганда кўзингизни юмиб, астойдил юзингизга фотиҳа тортибсиз! Кўрганлар бор! Суратга ҳам олишган. Кинолентага ҳам олишган! Бу двурушниклик эмасми?! (Кимдир таржима қилди: «икки-юзламачилик») Ҳа, иккиюзламачисиз! Жавоб беринг?! Нега индамайсиз? нега пина-гингизни бузмайсиз! Сиз ўзингиз қанақа инсонсиз?! Ҳайф сизга профессор деган ном!

— У симулянт! У ўзини касалликка соляпти. Илгариги муҳокамага келмай бюллетен олиб, қочиб қолган эди. Ўша сохта бюллетенлар ҳам делого тиркалган. У яна бир муҳокамада мана шундай миқ этмай ўтирди. Шу йўл билан қутулиб кетмоқчи бўлди... Бу симулянтларни яхши биламиз! Идиологик курашда компромисс бўлмайди. Биз буржуа ғояларини тарғиб қилиб келган, қандайдир «Наврўз» деган диний, эроний, яъни нав— эронча янги, «рўз»— кун, шунга ўхшаш қандайдир маросимларни топиб, ёш авлод эсига солиб, уларни захарлаётган шахсга бешафқат бўлайлик, ўртоқлар! Наврўз диний маросим! Бу — аксиома! «Худосизларни кўпайтиринглар, худосизликни ёшларнинг миясига сингдиришлар,— деди бир масъул ўртоқ,— ҳайит номозда масжидга боласини ҳам етаклаб бораётган ярамас оталар бор!» Баъзи амалдорларнинг ҳайит-номозга борган машиналари номерларини ёзиб олганмиз. Улар Хаста Имом майдонида турган экан, суврати ҳам олинган. «Ўртоқ» дейишга тилим бормайди. Бунинг безбет бўлиб, ҳеч нарса билмагандай ўтириши-чи! Гапир, Мавлонзода, сен кимсан ўзинг?!

— Энди шунга йўлаб топдингизми?!— деди яна бир бюро аъзоси миқ этмай ўтирган Мавлонзодага дўқ уриб,— Жим туриш... Хокисор бўлиш... Шу йўл билан қутулиб кетиш... Йў-ўқ! Бунақаси кетмайди! Биз бугун сизни яхшилаб муҳокама этиб, паттангизни қўлингизга беришимиз керак! Бошқача бўлиши мумкин эмас! Уят сизга! Шунча расвогарчилик қилиб, яна миқ этмасдан ўтирибсиз! Қайси юз билан бизларга қарайсиз, сизда юз деган нарса борми?! Иккиюзламачи бўлиб қолгансиз! Бу — фожиа! Хавфли фожиа! Келажак авлодни сақлаб қолишимиз керак!

— Бу ер партком, чойхона эмас! Нега миқ этмайсиз? Жавоб беринг, Мавлонзода?!— деди яна бир бюро аъзоси фаоллик кўрсатиб,— шикоят хати устига раҳбаримиз қўл қўйиб юборибдир-а! Бу ҳазилакам гап эмас. Бошланғич партия ташкилотимиз шаънига иснод! Халққа ва бизнинг институтимиз шаънига иснод келтирадиган ириган-чириган зиёлилар сафимизда турмаслиги керак! Талаб этаман!

Мавлонзода миқ этмай диванда ўтираверди.

— Мен сизни «афандим» деб юборгим келяпти. Сиз, баъзан ҳожи дўппи кийиб, турк афандиларга ўхшаб кетасиз. Пантюристсиз! Нега ўғлингизнинг исмини Анвар қўйдингиз?! Яна бир ўғлингизнинг отини Талъат қўйгансиз. Анварпошшо, Талъатпошшоларни қўмсаб, бу исмларни қўйгансиз. Бунинг тагида гап бор, эртага у яна бир ўғлингизнинг отини Мустафо, яна бирини Мунаввар қори қўяди... Кимдир боласининг номини Чўлпон қўйган. Бу — факт! Мана шу, ўртоқ Мавлонзода, э, кечирасизлар у бундан буён менга «ўртоқ» бўлолмайди, мана шу шахс Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан наён» ромонларини ўз уйда қирқ йил яшириб сақлаб, уруф-аймоғига ўқитиб келган. Бу—факт! Мана шу Мавлонзода доимо ўзбек тилида гапириб, «революция» сўзини «инқилоб» деган. «Совет Амударёси» дейиш ўрнига проста «Амударё» деган! Хўш, қайси Аму? Ахир бу Амударёнинг Термиздаги ярмиси буржуа Афғонистонига қарайди-ку! Ундан Зоҳиршоҳлар сув ичади-ку! Мавлонзода синфийликни атайин қўлдан беради. Бу, тасодиф эмас! Унинг бир акиси 1924 йилда германияга ўқишга бориб, у ерда қолиб кетган. Мана бу — қўйилган асосий айблардан бири! Бу фактни биздан яшириб келган. Шаражаси бор эмиш, асли наслу насаби темурийларга туташармиш. Шу сабабли

ҳам оти Мир Вали, тўғрироғи Амир Валихон... Мана, кўрдингизми, қанча гап бор! Бу сирру асрорларни яшириб, сафимизга кириб олган! Ҳайф унга Совет давримиз!

— Бечора туни билан ухламай чиққанга ўхшайди... Ха-ха-ха-ха. Бирпас мизғиб олсин, ха-ха-ха-ха!

— Э, бу шармандалик-ку! Шу ерда ухлайдими? Ухлаш деган нарса шу бугун унинг кўнглига сиққанига ҳайронман! Унинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаяпти-ку, бунинг бамайлихотир ухлашига қаранглар! Ё тавба, бундақа айёр одамни биринчи кўришим. Эҳтимол, юқори бу одамнинг кимлигини яхши билса керак, шунинг учун ҳам «унга нисбатан қаттиқ чора кўринглар...» деди. Айтиб бўлмайдиган бир гап бор... Масъул кишилардан бири уни «профессор» эмас, «сволоч» деганини ўз қулоғим билан эшитганман. Дарҳақиқат, Мавлонзода бу гапдан узоқ одам эмас, деди улардан бирови мудрагандек ўтирган профессор эшитиб қолмасин деб шивирлаб.

— Э, туринг! Юрагимизни сиқиб юбордингиз-ку, Мавлонзода?!— Ҳусаинов бориб, унинг елкасига туртиб, сал итарган эди, профессор гуп этиб ёнига қулади...— Ия, бу нима ўзи? Ўзини касалликка соляптими?

Бошқа бир бюро аъзоси Мавлонзоданинг тепасига келиб, бақрайиб ётган кўзига қараб, юраги шиғиллаб кетди. Ёнидаги гугуртини чақиб, оловни унинг бурнига яқин олиб келди. Нафас деган нарсадан дарак йўқ... Билагини ушлашди — томирлар тўхтаган. Кўксига қулоқ солишди — гурс-гурс ургувчи юрак сассиз-садосиз...

— Ия, ўлиб қолибди. Менимча кирган заҳоти ўлган бўлса керак... Тани ҳам совибди. Биз бўлсак сўроқ қилиб ўтирибмиз.

— Доктор чақирин керакмикан?

— Фойдаси йўқ...

— Бизлар тагин жавобгар бўлмаймизми?— деди ранги оқариб Ҳусаинов.

— Нега, жавобгар бўламиз. Биз уни ўлдирибмизми? Ўзи ўлди...

— Ҳа, ўзи ўлди...

— Ўзи ўлди...

— Ўзи ўлди...

— Улмаи ўлсин, бюро мажлисида ўладими? Қандай расво одамлар-а! Бола-чақасининг ёнига бориб, тинчгина ўлмайдими! Ҳаммани ташвишга солиш нега керак!

Мавлонзоданинг уйига хабар қилинди, қий-чув, йиғи-сиғи билан ўғил-қизлари унинг жасадини машинага солиб олиб кетишди...

Эртасига унинг жасади солинган тобут институтнинг катта залига қўйилди. Баъзиларнинг жанозасидек телевидения, радио орқали жар солингани йўқ, аммо мингларча одам наинки зал, бутун институт талабалари, ўқитувчилари бино олдидаги майдонга тўлиб, кўчаларда транспорт қатнови ҳам тўхтаб қолди...

Ҳалқимиз зилзила балосидан, ўт балосидан ўзинг асра дейди, энди бунинг ёнига юмалоқ хат — тўхмат балосидан ҳам ўзинг асра деган сўз пайдо бўлди.

Уттиз бешинчи ҳикоя

1986 йили ёққан машъум «лайлак қор»

1986 йил. Савр ойи... Ҳаммага маълумки, шу йили Ўзбекистонда одамлар устидан юмалоқ хат ёзиш ниҳоятда авж олиб, имзо чекилмаган «фош этувчи» шикоятлар пойтахт Тошкент устига лайлак қордек ёғилди. Бу машъум «лайлак қор» кўпларнинг ёстиғини қуритди. У тезда эримай қанча зиёлиларни қулатди, масъул кишиларни «тахтдан тобутга тортди», олиму фозилларни, қалам аҳлини инфаркт қилди. Ҳукуматнинг «Имзосиз хатлар оқибатсиз қолсин», деган қароридан сўнг, ҳасадгўйларнинг қисман попуги пасайди. Аммо мохов моховни қоронғида топади дегандек, шу иш билан шуғулланиб келганлар ҳозир ҳам қабиҳ ишларини қилмоқдалар. «Ўзбек иши», «порахўрлар», «Ўзбекистонга виждон экспорт қилмоқ керак»... деган бўҳтонлар, она тилимизга сотқинлик қилган баъзиларнинг қурбони бўлмоқда...

Бу ҳақиқат, келгуси асаримга мавзу, албатта. Қатоғон йилларга ўхшаб кетадиган бу жаҳаннам ёқасидан ҳам омон-эсон ўтиб кетдик. Тангрига шукр-ки, ўз ичимиздан чиқиб, она тилимизни таҳқирловчиларнинг андак попуги пасайгандек бўлмоқда. Шу рост бўлсин ишқилиб.

Уттиз олтинчи ҳикоя

Фожиага бир қадам...

Нигора ўша куни кимсасиз, ҳувиллаб ётган совуқ коттеджга кириб келди. Онаси ва акасини яна олиб кетиб қолишган эди. Вақтинча чиқариб, кимлар билан учрашади деб, орқаларидан одам кўйилган экан... Тоғаникига телефон қоқиб, синглиси Севарани чақирди. Батареялар музлаб қолибди. Ерўладан кулча—электр иситкични топиб чиқиб, кичик хонада тагига иккита фишт қўйиб қизитди. Эски курсини топиб, устига кўрпа

ёпди — сингил келишига яхшигина танча тайёрлади. Дереза ойналарини қиров босган: ўрмонлар, тоғлар, гуллар... Дереза қировини Нигора ёқтирарди. Афсус, бу гал ғоятда муңгли...

Боши берк кўчага кириб қолган, чегараси йўқ қайғу гирдобига тушган Нигора ўз каравотида бўғизланган кўзичоқдек тўлғаниб ётарди. Наҳот йўқ. У ўйлайвериб, ўйининг охирига етолмади. Наҳотки бир ҳафтадан бери куйиб-ёниб ётсаю бир меҳрибон одам тўғилмаса! Наҳотки ҳамма ҳам ундан юз ўгириб кетган бўлса! Наҳотки қариндош-уруғлар ҳам кўрмас бўлса, уларга нима ёмонлик қилган экан? Наҳотки у энди инсонгарчилик қиёфасини йўқотган, шарманда бир кимса?! «Булар бари ўткинчи,— деди ўзига ўзи,— эҳтимол, вақт ўтиши билан дарду алам, бу ёмон кунлар унутилар, асаблар бўша-шар...» Аммо отанинг қамалиши — юракка ханжардек санчилди, дарду дунёсини қоронғи қилди. Фарзандлар аввал онани, кейин отани севадилар, дейишарди. Аммо Нигора отани ҳам, онани ҳам бирдек севади. Болаликдан отасига ёпишиб қолгани; Жамшидбек ака ҳаддан зиёд шу қизини эркалагани, «она қизим, доно қизим...» бўлгани учунми, Нигора учун ота ҳамма нарсадан азизу мўътабар, унинг ҳам қўши, ҳам бутун борлиғи эди. Жумҳуриятда танилган каттадан кичик ҳурмат қиладиган, ўлмасину ўлгудай бўлса ҳайкал қўйиладиган, бир кимса наҳотки қамалса! Мансабдорларга ишонч йўқ! Унинг билагига кишан солиб, уйдан олиб чиқиб кетишгани, ҳаммаёқ тинтув қилингани; тепакал, бурундор терговчи шу бахтсиз кунда уларнинг коттеджларида бўлгани, Бобурдан «Қимматбаҳо буюмлар бриллиантлар қаерда? Отангининг пуллари қаерда?»— деб тергаганини эслаб, дамо-дам юраги ўйнардди.

Ота қамалиб кетгач, мана беш ойдан буён шаҳарда «уйидан бир чамадон пул чиқибди...», «одам ўлдириб, устидан асфалт йўл солдириб юборган экан...» каби даҳшатли гаплар тарқалди. Аллақайси колхозда «яширин боғ ва бу боғда ҳарам борлиги, баъзи раққоса артистлар у ерга олиб келиниши...» ҳақидаги гаплар ҳам оғзидан оғзига кўчди. «Зулфиқоров чет элдан қурол олибди...» деган ваҳимали шов-шувлар ёки «Чет элга қочмоқчи экан, аэропортда ушланибди» каби тўхмату бўҳтонлар, таъналар қанот ёзди. Бир терговчи «Ўзбек иши»ни борган сари аланга олдираётган эди. Ҳатто шаҳар ўртасидаги маъмурий ташкилот эшиги ёнига: «... ва Зулфиқоровларнинг жиноий ишлари хусусида граждандар ўз кўрган-билганларини бу ерга келиб оғзаки ёки ёзма маълум қилишлари мумкин» деган эълон ҳам қоқиб қўйилган эди. Кўплар: «Зулфиқоровлар энди тамом, у ердан қутулиб чиқишлари асло мумкин эмас...» дерди. Маъмурий ташкилот эшигига йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйилган бу лавҳани Нигора бориб, ўз кўзи билан кўриб келди. «Демак... отилиб кетади... Демак, адамларнинг ишлари оғир...» деди Нигора юрагини чангаллаб.

Нигорани доимо кузатиб юрадиган «сирли шарпа» — «Шопур» йигит кейинги кунларда, айниқса, отаси қамалгандан кейин тез-тез сўраб-суриштирар, баъзан институт йўлида, баъзан Патилар уйи атрофида, баъзан Ўрдада, коттедж атрофида пайдо бўлиб қоларди. Лекин ўзини сездирмасликка ҳаракат қилар, мабодо бирон таниш уни кўриб қолгудай бўлса, ангилгина саломлашиб, тезда ғойиб бўларди. Унинг кузатиб юрганига ҳеч ким эътибор бермас, бошқаларга бунинг аҳамияти ҳам йўқ эди. Нигоранинг заъфарон юрган кунларида, ўша «шарпа» ҳатто Жамшидбек Зулфиқоров коттеджига борадиган кўчада яшовчи бир ошнасаникига келиб, илтимос қилиб, бу ҳовлига кўз-қулоқ бўлиб тур деди. У йигит ишончли кимсаси бўлгани сабабли бу илтимосни тўғри қабул қилди. Ошнасига, бирон нима сезсанг шу лаҳза менга телефон қоқасан, деб тайинлади ҳам. Бу ишлар Нигорага номаълум, кадрдон шофёрлари ўзини кўрсатмай кузатиб юрганидан хабарсиз эди.

Шундай сарнигун, ғам-ғуссада юрган кунларининг бирида у дугоналари Интизор, Сунбула, Маъсумалар билан учрашиб қолди. Эскигина бир чит кўйлак кийиб олган Нигоранинг ҳам ҳолига дугоналари ачинишди, унга далда беришди. Улар яхши кийиниб юрганликларидан хижолат бўлиб, унинг олдида ўзларини ноқулай сезишди. Нигора дугоналари даврасида кутилмаганда бирдан қалтис гап гапириб юборди:

— Қишлоқларда ҳозир баъзи жувонлар ўз-ўзини ёқиб юбормоқда... Узини ёндирган осонми, осган осонми?

— Бу нима деганинг?!— деди Интизор.

— Э, нафасингни шамол учирсин!— деди Сунбула.

— Яхши эмас, бундай гапларни оғизга олиш! Сабр керак!

— Шунчаки ўзим айтаяпман-да,— деди Нигора.— Кумушга заҳар берадилар. Менинг бир кўшним сирка ичиб ўлган. Самарқандда бир жувон ўзини ўзи ёқиб юборибди... газетада ўқидим. Ўзбекистонда ўзини ёқиб юборган аёллар сони 270 тага етибди...

— Сенга бир нима бўлдимми?— Интизор бош бармоғини чеккасига қадади.— Эсинг жойидами, Нигора? Нега бундай ваҳималик гапларни айтаяпсан?

— Э, ўзим...,— деди Нигора хаёл ичида жилмайиб.— Нима, сенлардан сўраб бўлмайдимми?

— Ҳали биз ўзимизни ўзимиз осиб, заҳар ичиб, сувга чўктириб кўрмаганмиз... Билмаймиз... Бундай қилиш ниятимиз йўқ! Ёмон одамлар шундай қилади! Ўз жонига қасд қилганларга жаноза ўқилмайди! Улар у дунёси ҳам, бу дунёси ҳам йўқ одамлардир.

Нигора жим бўлиб қолди. Кейинги пайтда у жуда ўзгариб қолган эди. Дугоналари бир-бирларига қараб, ҳайрон бўлишди. «Бунга бир гап бўлганми?»

Шу куни ярим тунда Эски шаҳардаги ҳовлилардан бирида фавқулодда телефон жиринглади.

— Лаббай?

— Бу, мен...

— Танидим... Нима гап?

— Ҳозир, у қўлида латтага ўроғлиқ бир нима, дарвозасидан чиқиб, ўрда томонга кетмоқда.

— Шу маҳалда-я?

— Ҳа.

— Мотоциклимда тезда етиб бораман. Чоп ўртоқ, уйингдан чиқиб, тезда изига туш. Илтимос қиламан! Ун минутда етиб бораман...

Асли воқеа бундай бўлган: икки ҳафтадан буён қайғу ичида қолган Нигора батамом васвасага тушди. Умидсизлик уни ўраб олди. Ҳамма уни таъқиб этаётгандай, ҳамма ундан ҳазар қилиб, ўзини четга тортаётгандай кўринди. Она билан ака яна қамоқда... Бу даҳшатли воқеани билмаган одамлар ҳам унинг кўзига ачиниш, қарғиш билан қараётгандай кўрина бошлади. Унга тикилиброқ қараган кимса сирру асроридан, бошига тушган ишдан хабардор «порахўр», «одам ўлдирган жиноятчи»нинг қизи мана шу деяётгандай, унга нафратли боқаётгандай, Нигора жамиятда ўзини ортиқча бўлиб қолган одамга ўхшатди: ман-манлик, эрка-тантиқроқ ўсганлиги сабабли бундай ғам-ғуссага бардош беролмади. У қорнидаги гўдагидан ҳам юз ўгириб, шафқатсизлик қилаётгани юрагини ёғимлай бошлади. Нима қилишини билмас, боши гангиб, калласи атрофида қовоқ аридек ғўнғиллаб айланиб учаётган мудҳиш хаёллар гирдобига ғарқ эди. Беҳол юрагини чангаллар, оқ уролмасди: чунки, унинг оҳини тинглайдиган киши йўқ. Она бечора йўқ, емак-ичмак бўлмагач сингилни тоға ўз уйига олиб кетган. Бир сўз билан айтганда хонадон батамом тўзиган... Кичик дарз катта кемани чўктиради, дердилар; йўқ, бу «кичик дарз» эмас, катта дарз! Оила бошлигининг қамалиб, турмада ўтириши, «оила гўзаллиги»ни қайнона, эри ҳайдаб солгани — кичик дарзми? Бу аччиқ қайғу-аламга бардош беролмаган Нигора беш-ўн кун ётиб олди ҳам. Рустаму дoston иродалик одам ҳам бундай ташвиш олдида тик туролмаслиги аниқ!

Нигора ярим тунда ўз хонасидан сарпойчанг чиқиб, оёқ учида зинапояларда. пастга тушди. Нариги каравотда ухлаб ётган Севарага сездирмади. Эшикни ҳам ғирчиллатмай очиб, коридорда телва-тескари ётган туфлисини пойма-пой кийди. Илгаридан тайёрлаб қўйгани қора рўмолни бошига солди, ҳовлига чиқиб, белидан оқ арғамчи билан маҳкам боғлаб, газетага ўраб қўйилган ғиштни бағрига босиб, кўчага чиқиб кетди. У ғизиллаганча Ўрда анҳори кўприги томон жўнади. Ҳовлиқиб, девоналардек олазарак кетаётгани йўлдаги ошхона атрофида «тамадди» қиладиган итлардан бири эътиборини тортди, у важоҳатидан бир ёмонликни сездими, бирдан вовуллаб юборди. Ит Нигора олдига тушиб, унга даф қилмоқчи эди, ғайриодатий ҳолда кетаётганини сезиб, яна кучлироқ вовуллай бошлади. Унинг Нигора атрофида вовуллаб, «дўқ» уришлиги: «орқанга қайт!» ишорасини билдирарди. Катта қозоқи ит юзини рўмол билан яширган бу аёлнинг тунда юрадиган ўриллардан эмас, аксинча яширин, сирли бир иш кетаётганини пайқагандек эди. Нигора итдан қўрқиб, орқасига юз қадамча қайтди. Жимжит кўчада, узоқда мотоцикл овози ҳам эшитилди, лекин кўп ўтмай, у ҳам тинди. Йўлтўсар итнинг яна ўша ошхона томон кетганини пайқаган Нигора ҳовлиқмай, битта-битта қадам босиб, Анҳор кўприги ёнига яқинлашди-да, зинапоялардан пастга — айқириб, буралиб оқаётган ваҳимали катта сув бўйига тушди. Йўлида бир лаҳза тўхтаб, газетага ўроғлиқ ғиштни қўлига олди, икки қават боғланган арғамчини бўйнига осди ва бир ишга шошаётган кимсадек сув бўйига келди. Ярим тунда мотоциклини панага қўйиб, кўприк тепасига келган «шарпа» пастда, сув бўйида шайланиб турган Нигорага кўзи тушиши ҳамона югурганча зинапоялардан пастга чопди. Ўз жонига қасд қилишга шайланиб турган Нигора айқириб оқаётган сувнинг ваҳимасига ҳам қараб ўтирмай, бу даҳшатли манзара гўё юрагидаги бенажонт аламини таркатадигандай, бўйнидаги ғиштни кучоқлаб, ўзини сувга отди. Қўлидан ушлаб қоламан, деб, югурган «шарпа» улгиролмади. Нигора сувда кўриниб-кўринмай оқиб борарди. Кетма-кет кийим-пийимини ечиб ўтирмай «шарпа» ҳам ўзини сувга отди. У бир-икки сув ичига кириб чиққач, уч метрча олдинда оқиб бораётган Нигора томонга жон-жаҳди билан қулоч отиб сузар, уни кўздан йўқотмаслик ниятида олдинга итиларди. Қани Нигоранинг бирон еридан ушлаб олса! Қизинг бўйнида оғир бир нарса борлигини ҳам пайқади. Кўприкдаги чироқ нурларидан анча узоқлашишди. Дам сув юзига чиқиб, дам кўринмай, дам қўлларини чиқариб, энтикиб оқиб кетаётган Нигоранинг бошига кўзи тушган «шарпа» фавқулодда бир куч билан олға интилиб, йўлбарсдек сапчиб, Нигоранинг сочидан ушлади. Қизни елкаси, қўлтиғидан маҳкам ушлаб, қирғоқ томон интилди. Буралиб, айқириб, тенгсиз бир куч билан ҳайқираётган Анҳор Нигорани қўғирчоқдек ўйнатиб оқизар, бир неча дақиқа шу ҳолда кетса сув ютиб, қўрқувдан ўлиб қолиши мумкин эди. «Шарпа» қизни маҳкам ушлаганча қирғоқда қўли илинадиган илдизми, ёғочми, тошми, бир нимани қидирарди. У ярим

коронғида қўлига тегиб кетган дарахт илдизига маҳкам ёпишиб, кучоқлаб олгани Нигора бошини тезда сувдан кўтарди. Қирғоқда югуриб келаётган «шарпа»нинг шериги ҳам аллақачон кийимларини ечиб, ўзини сувга отишга ҳозирланаётган эди, у илдизга илиниб турган шеригига камарини узатди: «Бўйнидаги арғамчини, ғиштни олиб ташланг!» деди ҳовлиқиб. Кейин у, сувга тушиб: «Камаримдан маҳкам ушланг! Қўлини менга узатинг!» деди. Йигит анча ҳолсизланиб қолган Нигоранинг қўлини шеригига узатди. Икки йигит ҳуши ўзидан кетган Нигорани машаққат билан қирғоққа чиқариб олишди. Ҳушсиз Нигора сув бўйида ётарди. Уни ўлиб қолди хаёл қилиб, довдираб, дилдираб турган «шарпа» дарҳол қиз билагини ушлади, томир-помирини тополмади, у мурдадек ётарди. Шериги чўкка тушиб, Нигора кўксига қулоғини босди:

— Хайрият, юраги уряпти,— деди ўрнидан туриб,— қўрқманг, ака. Олиб чиқдик-ку, оқиб кетганда нима бўларди.

У Нигорага сувдан чиқиб қолган бир балиқча қарагандек қараб турарди.

— Э, бунақа қизлар қўрқувдан ҳам ўлиб қолади. Нима жони бор бу олифталарни!

— Жони қаттиқ ака. Яқинда отаси қамалган. Уйда ҳеч ким қолмаган. Ғўдайган акасини ҳам қамашди. Лекин хўп давр суришган. Акаси қуруқроқ, машинаси билан кўча чангитарди. Битта балон сўрасам бермаган, хасис!

— Шу даюсни яхши кўриб қолганман, ука! Бу ярамас базму маишатларнинг гули бўлган. Талтайиб ўсган. Кийимга зеб берган. Мешчанка! Менга тегмай бир ифлос савдогарга тегиб кетди. Менга деса оқиб ўлмасмиди! Ҳа, отаси қамалганига чидолмай ўзини сувга ташлаганини, жонига қасд қилганини қара! Э, номард! Булар ҳаётнинг фақат енгил томонини кўрган-да! Бошига оғирлик тушиши билан мана бунақа номардлик йўлига ўтадилар. Ҳэ, даюс! Ҳозир ҳам оқ суяклар бор, сал қийинчилик туғилса мана шундақа қилиқлар қилишади. Буларда ирода йўқ, расво одамлар. Тушундингми ука? Лекин шу ярамасни яхши кўриб қолганман. Менинг яхши кўришимни билмайди, бу номард. Шунинг учун ҳам уни кечираман. Энди кўтар, бу нодонни тезда уйига элтайлик. Агар бу ерда шундоқ турганимизни милиция кўрса, ана, бўлди томоша-бўлди томоша! Бизни қотил дейишади! Бунинг ўзи ҳам шамоллаб, ўлиб қолиши мумкин. Нима, чивиндек жони бор.

— Сал ўзига келмасинми, ака? Нима, биз уни чалпак қилиб кўтариб, уйига олиб борамизми? Йўлда биров кўриб қолса нима дейди? Ҳозир бу ерга ҳеч ким келмайди.

— Ерда ётган Нигора бир оз ўзига келиб, нотаниш йигитга кўз ташлади. Бошини кўтариб ўтирди:

— Сизлар кимсизлар?— у титраб, тепасида турган кишиларга жовдиради. Қўрқувданми, совқотганиданми улар соядек хира кўриниб, танийолмади.

— Бизлар паришталармиз... Нигорахон! Энди у дунёдасиз... Бизлар Мункарнакирнинг ўринбосарларимиз... Сиз ўлгансиз... Ҳозир раисимизнинг ўзлари келиб сизни сўроқ қиладилар...

Нигора индамади. Нима бўлаётганини сезмасди. Ҳарқалай ўлган эмас, шу одамлар қутқарган. Уларнинг Мункарнакир эмасликларини ҳам фаҳмлади.

— Урнингиздан тураоласизми? Ёки кўтариб, уйингизга элтайликми? Бу ерда кўп туролмаймиз, агар ўрнингиздан туролмасангиз ўзим кўтариб, уйингизга элтаман!— деди «шарпа».

Нигора ўрнидан туриб, сувга қаради.

— Яна шўнғингиз келяптими? Мен сизни шунчалик деб ўйламаган эдим,— деди «шарпа». У ошнасига мурожаат этди:— Анави ердаги костюмингни олиб келиб, бунинг елкасига ёп! Қани кетдик!

Нигора бир неча қадам ташлаб, оёғи чалишиб, йиқиляётган эди, «шарпа» уни суяб олди.

— Бор, мотоциклни олиб кел, укажон,— деди «шарпа» ошнасига,— кажавасига ўтқазамиз. Бошқа илож йўқ.

Йигит юқорига чопиб кетгач, Нигора титраб нотаниш кишига мурожаат этди:

— Сиз кимсиз?

— Париштан, дедим-ку, Мункарнакирнинг замистители... Шундай мошхўрда қилиб гапирмасан, сиз «замонавий» аслзодалар тушунмайсизлар. Сиз ҳозир бизларнинг мамлакатимиз — у дунёдасиз. У ерлар — жаннат... Ҳамма нарса бор, импорт кўйлақлар, француз модалари... жени... ҳамма нарса бор... Яхши ҳам бўйингизга ғишт осиб, ўзингизни сувга ташлаб ўлдингиз... Бўлмаса тирик юриб, хор бўлиб, ўзингизни қийнаб нима қилардингиз... Импорт кўйлақ тўрт юз сўм... Текин кинолар... Коктейл... бефштек... Ҳаммаси текин, хўп яхши иш қилдингиз-да, Нигорахон! Уша ёқда сарсон-саргардон, хор бўлиб юргунча, бу ёққа келдингиз-қўйдингиз... Доно киз экансиз... Офарин!

— Бундақа гапларингизни қўйинг! Кимсиз?

— Менга кўп савол бераверманг, қани «у дунё»нинг мотоциклига ўтиринг! Кажавага!

Йигит Нигорани авайлаб кажавага ўтқазди.

— Ука, сенга ташаккур! Эртага ҳамма гапни гаплашамиз. Мен бу қизни уйга ташлаб кетай.

Нигора «Шарпа» сўзини эшитгач, бу одам ким эканини фаҳмлади. Мотоцикл гуриллаб, беш минутда дарвозаси ёнига келди. Нигорани кажавадан чиқариб, уйга киритиб юборди.

— Агар яна қайтиб чиқсангиз, айб ўзингизда! Чинакамига ўлдираман!!!

Шалаббо Нигора ичкарига кириб кетди. Елкасида эркакча костюм борлигини пақламабди. У ўз хонасига кириб, каравотга ташланди. Қайтиб, ўрнидан туриб, хириллаб ухлаб ётган Севарага кўз ташлади. Анҳорда қалқиб, оқиб кетаётгани, нотаниш кимсанинг сочидан ушлаб, чўкаётган жойида олиб чиққани хаёлидан кетмасди. Тонггача ўтирди. Ҳа, у дунёга бориб келган одамнинг ётиб ухлаши мумкинми?

Орадан бир ҳафта ўтгач, ярим кечада Нигорани дард тута бошлади. Севарани уйғотиб, «Тез ёрдам»га телефон қилиш керак деди. Севара кўзини уқалаб, телефон қоқди, адреси, фамилиясини айтди. Тезроқ келинлар деб илтижо қилди. Дарҳақиқат, бечоранинг ишини худо ўнглайди. Ярим соатларда эшик ёнига «Тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади. Чироқларни ўчириб, эшикни қулфлаб, тайёрланиб турган Нигоранинг қўлтиғидан тутиб, зинапоялардан эҳтиёткорлик билан олиб тушган Севара врачнинг эътирозига ҳам қарамай опаси ёнида туғруқхонага жўнади. Нигорани тўппа-тўғри тахта-пулдаги қадимий туғруқхонага олиб келишди. «Эски Тошкентнинг ярим аҳолиси шу туғруқхонада дунёга келган...» деган гапни отаси кўп айтарди. Нигора билан Севара ҳам шу ерда туғилган экан. Қатор анкеталарни тўлдириб, қабул қилиб олишгач, Севарани «Тез ёрдам»да яна эшиги ёнига ташлаб кетишди. «Дунёда яхши одамлар кўп» деди Севара врачдан мамнун бўлиб. Аммо унинг кўзига Пати, ҳомиладор хотинини ҳайдаб юборган кимса ҳам кўриниб кетди.

Севара шу кеча ҳувиллаган катта хонада ёлғиз тонг оттирди. Тонг отишига яқин тоғасиникига телефон қоқди. Улар югуриб келишди. Бўлган фожиали воқеани ҳам эшитишди. «Худо бир асрабди»,— деди кўкрагига туфлаб тоғасининг хотини. Нигорани қутқарган икки йигит ҳақида ҳам гап кетди.

Эндиги ҳикоя Нигора кетида шарпадек юрган йигит хусусида:

Ўттиз еттинчи ҳикоя

Тоштурманинг баланд деворлари

Нигора ўз жонига қасд қилган кундан бир ойча ўтгач, кимдир телефон қоқиб Нигорани сўради. Бола ўлик туғилиб, Нигора анчадан буён ўзига келолмасдан хаста ётарди. Телефонни кўтарган Севара опаси бетоблигини айтди.

— Ким сўраяпти?— деди ётган ерида Нигора.

— Бир одам.

— Ким?!

— Билмайман! Отини айтмаяпти!

— Ҳозир ўзим бораман,— деди Нигора каравотдан туриб, устига халатини ташлаб. Сингил опа кўлига трубкани берди:

— Эшитаман.

— Салом!

— Салом!

— Мен илгариги шофёрларингиз бўламан... Танидингизми?

— Э, ассалому алайкум!— деди Нигора.

— Эртага адангизларга передача оладиган кун. Хабарингиз бўлса керак?

— Йўқ. Мутлақо хабаримиз йўқ.

— Мен Тоштурмада ўтириб чиққанман... Қоидаларини биламан. Атайин кеча бориб, передача оладиган хонага кирдим. Адангизнинг фамилиялари бор, рўйхатда ё йигирма еттинчи, ё йигирма саккизинчи... Бориш керак!

— Албатта! Албатта боришимиз керак! Менга хабар берганингиз учун катта раҳмат!..

— Хоҳласангиз мен ўзим машинада олиб бораман. Чунки сиз у ерларда бўлмагансиз, билмайсиз. Паспортингиз ёнингизда бўлиши керак...

— Раҳмат сизга! Яна нималар олиш керак?

— Иссиқ кийим олинг, пайпоқ ва ҳоказолар...

— Ойимлар, акамларгачи?

— Мен уларни билмайман, улар Тоштурмада эмас. Онангиз билан акангизни бошқа жойда сўроқ қилишаётганга ўхшайди. Бир терговчи бор, у бошқа қамалганларнинг оила аъзоларини ҳам олиб бориб сўроқ қилаётганини эшитдим. Бу қонунни бузиш демак. Эрталаб соат олтида эшигингиз ёнида бўламан. Чунки барвақт бориб, навбат олиш керак. Қоғоз ва қалам ҳам олинг, эҳтимол хат киритиш мумкин бўлар...

— Хўп бўлади! Раҳмат!

— Эртагача хайр!
— Хайр!

* * *

Эрта билан худди соат олтида, бир дақиқа ҳам кечикмай, дарвоза олдига Жигарини машинаси келиб тўхтади. Ҳали тайёрланиб улгурмаган Нигора Севарани кўчага чиқарди, беш минут, бу ёққа кириб турсинлар, деди. У бўлса, бемалол, мен машина ичида кутиб тураман, дебди. Бир муддатдан сўнг, икки тугунни кўтариб Нигора синглиси билан дарвоза ёнига чиқди. У эшикни қулфлаётган эди, шофёр йигит келиб, тугунларни машинага олди.

— Салому алайкум!

Нигора илгариги димоғдорлик йўқ, анча пасайганди. Йигитда ўзига нисбатан бир оға, бир меҳрибон кишидек илиқликни сизди.

— Яхши ётиб турдингизми? Нима, тобингиз бўлмай қолдими?

— Ҳа, тобим йўқ эди. Сиз телефон қилиб, адамларга передача олиб бориш кераклигини айтганингиздан кейин тамоман тузалиб кетдим. Биз учун бундан ҳам муҳим гап борми!

— Ишқилиб, бу уқубатлардан халос бўлиб, тезроқ қутулиб чиқсинлар. Худо ўзи ёр бўлсин! Худо хоҳласа тезда қутулиб чиқадилар.

— Айтганингиз келсин.

Машина катта йўлда ғизиллаб борарди. Опа-сингил орқага ўтиришди. Шофёр ҳар замон тепадаги кичик ойнадан Нигорага кўз ташлаб қўярди. Шунча ташвиш, ота-она, ака ташвиши, тушган еридаги жанжал-суронлар... баридан шофёр йигитнинг хабари бор эди. Нигоранинг ранги кетиб, қовоқлари салқиган, унинг бир қадар «мўмин» бўлиб қолганини ҳам сизди.

— Айбга қўшмайсиз, сизнинг исмингиз нима?— Нигора сўради,— неча бор сўрайман дейман... Агар ҳаддим сиғса...

— Исмим йўқ...— деди шофёр йигит кулиб,— менинг исмимни шу вақтгача ҳеч ким сўрамаган. Адангизлар ҳам, ҳеч ким... Мени «шофёр йигит» ёки адангизлар «Допур» дердилар. Отангизларда шунча ишлаган бўлсам: «Ҳа, шоввоз, қалайсан!» деганлар фақат. Мен ҳеч кимдан хафа бўлмайман, шофёр халқининг исми, фамилияси кимга керак! Фақат милиционерлар акт тузиб, штраф олаётганда, текшираётганда бизларнинг фамилиямиз — исмимиз керак бўлади. «ВИЧ...»лар ҳам бизда йўқ... Бизнинг номимиз кимга керак! Изингиздан шарпадек юрдим, сезмадингиз. Ҳа, тўғриси, мен ўзим ҳам сездирмадим.

— Кечирасиз... Мендан хафа бўлманг...

— Йўқ, сиздан хафа бўлишга ҳаққим йўқ. Сизнинг бошингизга тушган ташвиш жуда катта. Кузатиб юрибман, оғирлиғи филнинг белини букадиган ташвиш. Оғир бўлинг, фил бўлинг! Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ... Ёруғ кунлардан ҳам умидвор бўлиш керак. Фақат сиз сўрадингиз, бу ҳам мен учун катта гап. Айтаман, исмим — Амир... Буни қаранг, бир оддий ўзбек йигитига «Амир» деб от қўйишибди. Улуғ саркарда Темур ҳам амир бўлган эканлар. Балки «амир» номи шу буюк саркарда туфайли кенг тарқалгандир. Навоий ҳазратлари ҳам «амир»... Бизнинг отамиз ҳам менга, эҳтимол яхши ният, катта умид билан, Амир деган ном қўйганлар. Ҳар кимнинг кўнгида бир ёнар гавҳар... Бировлар бундай улуғ номни кўтаролмай шофёрми, бир нима бўлиб юради. Шундан кўра Тешабойми, Болтабойми қўйилганда яхшироқ бўлармиди... Мен ҳам ўз исмимни кўтаролмай, қаерга бош сўқсам омадим кетиб, сурилганим сурилган.

— Ундоқ деманг, Амир ака... Биз томондан гуноҳ ўткан бўлса кечиринг...— деди Нигора уялинқираб. Шофёр бечоранинг биринчи марта «кечиринг» ва «ака» сўзини эшитиши. Унинг аъзойи бадани жимирлашиб кетди.

Машина ярим соатларда Тоштурманинг баланд деворлари ёнига етиб келди. Амир югуриб тушиб, передача оладиган хонага кирди. Хонада ўттиздан ортиқ одам бор эди. Кимдандир кейин навбат олиб, орқасидан одам келишини кутди. Бир семиз рус хотин инқиллаб келиб, улардан кейин бўлди. Нигора ҳам, Севара ҳам машина ичидан чиқиб, бу хонага киришди, навбатда турганларга яқин бориб, рўйхатга ёзилишди.

Амир машинасини бир чеккага қўйиб, уч боғлам передачани битта қилди, ўзи ҳам бозордан анор, узум, олма, янги обинон, чақилган бодом мағзи, чақилган ёнғоқ олиб, талафан халталарга солган эди. Нигоранинг кўзи тушиб, ҳайратланди.

— Шунча нарса олиб келдингизми?

— Ҳа, акамларга ҳар қанча қилсам оз...

— Мен ош дамлаб, устига гўшт ва нон қўйган эдим.

— Яхши. Ош яхши, агар олса.

— Олмаслиги ҳам мумкинми?

— Ҳа... Бу ернинг қондаси бор. Мен Тоштурмада ўтирганимда онам бечора мана шунақанги мевалар олиб келган эдилар, ичкарида талон-тарож бўлиб кетган. Ях-

ши дўстларим бор эди. Турмадагиларни ҳаммасини ёмон одамлар деб бўлмади. Энг яхши кишилар, олижаноб инсонлар бу ерга тушиб қолади.

Инсон минг ақлли бўлсин, лекин тажриба гоҳо юқори туради. Нигоранинг оши қолиб, Амир олиб келган нозу неъматларнинг ҳаммасини қабул қилиб олишти. Шу ердаги будкадан яна тўрт пачка сигарета олиб, қўшиб топширишди.

— Адамлар чекмайдилар-ку?— деди Нигора.

— Биламан, чекмасалар бошқаларга берадилар. Бу жуда керак.

Навбат етиб, пешинга яқин передача топширилди. Шундан сўнг, Амир Нигора билан Севарани яна ўз машинасида уйларига олиб келиб қўйди. Бир пиёла чой ичиб кетинг, деб шунча зўрлашса ҳам Амир ичкарига кирмади:

— Худо хоҳласа, дадангизлар, ойингиз ва акангизлар қутулиб чиққанларида кираман. Албатта кираман! Мени таклиф этмасангиз ҳам ўзим келаман.

— Худо хоҳласа!— деди Нигора юриб кетган машина орқасидан маъюс тикилиб. Унинг кўзларига ёш келди. Шундай олижаноб йигитни билмай, уни «бир шофёр йигит-да...» деб юрган Нигора ўзининг феъл-атворидан пушаймон бўлди. Ўз хонасига кириб, ўкириб-ўкириб йиғлади. «Дунёда шундай яхши одамлар борлигини билмай, уларни назар-писанд қилмай янглишиб юрибмиз!» деди ўзига ўзи.

Эндиги ҳикоя ҳасадгўй шахсларнинг тўхмати балосига йўлиққан Жамшидбек Зулфиқоров ҳақида.

Ўттиз саккизинчи ҳикоя

Зулфиқоровга қўйилган айб

Олти ой деганда Маҳбубахон билан Бобур не қийноқларни кўриб, қамоқдан чиқиб келишди. Буниси рост бўлсин, илоҳим, деди қариндош-уруғлар ўша тепакал терговчини қарғаб. Гўё: «Оталарига бериладиган порани улар олиб тургани...» ҳақидаги айб мутлақо тасдиқланмади. Ун ой деганда Жамшидбек Зулфиқоровнинг ўзи ҳам қамоқдан чиқиб келди: қўйилган айблар тасдиқланмади, уларнинг тўхмат экани, уюштирилганлиги маълум бўлиб қолди. У билан бирга Пискент районидаги «Гулистон» колхозининг раиси Ислиддин ака Ҳайдаров ҳам бегуноҳ экани аниқланиб, қутулиб чиқди. Кейинчалик Зулфиқоров оиласига СССР Бош прокурорининг ёрдамчиси имзоси билан қуйқандаги мазмундаги ҳужжат келди:

«ЎзССР Жиноят Кодексини 152 модда, 2-қисм; 153-модда, 2-қисмда кўзда тутилган, Сизга нисбатан қўйилган айблов иши ЎзССР Жиноят Процесуал Кодексининг 1-пункти, 5-моддасига биноан 1987 йил 18 февраль қарорига мувофиқ жиноят содир қилинмаганлик учун бекор қилинганлигини маълум қиламан.

Шу билан бирга 1987 йил, 18 апрелда Сизнинг хонадонингиздаги мол-мулкларни, номингиздаги Тошкент шаҳри омонат банкида сақланаётган шахсий жамғармангизни мусодара қилиш ҳақидаги қарори ҳам бекор қилинганлигини маълум қиламан...» Зулфиқоров озиб-тўзиб кетган, илгаригидай лўмбиллаб, ҳазил-мутойиба гаплар айтиш йўқ. Қамоқдаги «дўзахий қийноқлар...», оилар давомида кичик ва сассиқ камерада ёлғиз ўтиришлик, ярим тунда тўсатдан сўроққа олиб чиқиш ва ҳоказолар уни ҳолдан тойдирганди. Оила аъзоларига у ҳамма бўлган воқеани муфассал айтиб берди.

Имзосиз юмалоқ хат ёзиш авж олган, наинки авж олган, уюштирилган, «лайлак қордек» Тошкент устига ёғилган 1985—1986 йилларда унинг устидан ҳам прокуратурага бир неча «катта» шикоят, «фош этувчи» материаллар тушганди. Шуларга ва Жумҳуриятда пахтани қўшиб ёзиш, порохўрликда «фош этилган» бир тўп шахслар уюшган жиноятчиликда айбланиб, қамалишгач, Зулфиқоровни ҳам уларга шерик гумон қилинганди. Устидан тушган имзосиз хатлар ва баъзи ишдаги рақиблири «қулай», қама-қама вақтидан фойдаланиб унга ҳам ифво уюштирганликлари маълум бўлиб қолди. Қаттиқ текширишдан сўнг иш судга оширилмай, узр сўралиб, қамоқдан чиқариб юборилди. Партияга тикланди. Орденлари қайтариб берилди. Лекин ўз хоҳиши билан вазифасига қайтиб бормади. Пенсия олади...

Уйга келиши, бола-чақаларининг соғ-саломат кўриши Жамшидбекнинг тез кунда илгаригидай куч-қудратини тўплаб, ўзини тутиб олишига сабабчи бўлди. Нигоранинг «ҳайдалиши», унинг ҳам иккинчи бир қамоқда, Шарбатхоннинг зиндонда чеккан азобларини тинглади, ҳаммамизга бир келган кўргилик бўлди деди. Ер-биродарлари, қариндошлар ва ҳатто эшита Хумсондан ҳаллослаб келган Ортиқбой ота ва яна қанча одамлар Жамшидбекни зиёрат қилишди.

Жамшидбек жонлиқ сўйиб, маҳаллага ош берди.

Кунлардан бир кун у оила аъзоларига ўзига қўйилган уч модда, яъни 141.1— «одам ўлдиришга қатнашгани», 182.1— «порохўрлик» ва ниҳоят 191.1— «зўрлаш»... каби моддалар қўйилгани ҳақида оғиз очди. Терговда булар тўхмат ва уюштирилгани тўла аниқланиб, Жамшидбек қамоқдан чиқарилган. Шу уч модда тасдиқланса Зулфиқоров отиларди ёки ўн беш йил оғир режимдаги қамоқ жазосига ҳукм этиларди. Анча ўзига келиб қолган Жамшидбек нонушта пайтида Маҳбубахонга мурожаат қилди:

— Ёдингда борми, Маҳбу, икки йилча илгари, менга биркитилган машинани ҳай-

дайдиган шофёр йигит Келесдан қимиз олиб келаман, деб, эрта билан йўлда велосипед хайдаб кетаётган маст одамни уриб кетгани?

— Ҳа, ёдимда.

— Уша йигит икки йилча ўтириб чиқди... Устимдан ёзилган хатда, мен гўё ўзимга қарши бўлган ўша шахсни — маст велосипедчини шофёримга топшириб, босиб ўлдиртирган эмишман.

Шофёр йигит сўроқда бу бутунлай тухмат эканини, маст кишининг ўзи тасодифан машинага урилиб кетганини, менинг бундай жиноий ишларга қодир одам эмаслигини, велосипедчининг болалари ҳам бизни танимаслигини айтган. Мен бу шофёр болани билмас эканман, ҳатто унинг асл номини ҳам сўрамай, «Шопур» деб юрардим. Бир неча бор қўполлик ҳам қилганман, кечирган. Тагини сўрасанг, у бизга қимиз олиб келаман, деб одам босган. Қамалган... Аммо терговда ҳалолу ҳақ гапни айтиб, мени оқлаган. Олийжаноб одамлар бор, биз эътибор бермаймиз. Менинг гуноҳим бор, у ҳам бўлса, ҳалол одамларга бефарқ қараганман. Шофёрнинг фамилияси Вакилов, номи Амир экан. Уни албатта топшимиз керак!

Маҳбубахон ўйланиб қолди:

— Шу йигитни Нигора танийди.

— Йўқ!— деди гапга аралашиб Севара,— Нигорага осилиб юрган йигитни танийман. Унинг номи — Ҳабиб... Уша бечора опам кетидан юриб, росткам жинни бўлиб қолди. Нигора шафқатсиз! Бунчалик бўлиш керак эмас!

— Унақа дема, қизим!— Маҳбубахон Севарага эътироз билдирди.

— Опам анави ярамас савдогарга тегишдан аввал шу йигит билан юрган. Танийман!

Неча маротаба кўчада кўрдим, соқоллари ўсиб кетган, исқирт... Одам танймайди...

— Бас, энди гапирма, Нигора эшитиб қолса яхши бўлмайди!

Бижиллаётган Севара ўзини қўлга олди.

— Бир кенгашга мен раислик қилгандим. Шу кенгашга Андижон областидан келган ишчи «Тошкент» меҳмонхонасида, ўз номерида ўлиб қолган. Унинг кенгашда айтадиган нутқи костюми чўнтагида қолиб кетган экан. Нутқида шахсан менинг адресимга ҳам танқидий гаплар бор экан. Гўё «унинг нутқини олдиндан билиб, фош бўлишимни бекитмоқ мақсадида меҳмонхона номерида уни заҳарлаб ўлдирибман...» Улган одамнинг номи Насриддин полвон Мамажонов экан. Мен уни умуман танймайман, бу ҳусусидаги имзосиз хату «менинг қотиллигим» тамоман тасдиқланмади. Қара, қандай жирканч одамлар бор! У одам аслида ичиб, қандайдир бир изтиробдан юраги ёмон бўлиб, ўлиб қолган экан. Синглиси Тошкентга келиб, фоҳиша бўлиб кетганини кўриб қолган экан...

— Вой, тавба!— деди Маҳбубахон.

— Бу гапларни хотин-халажга айтма, кераги йўқ.

— Ҳукуматга ҳайронман, асоссиз нарсалар учун ҳам кишини қамайдими? Қанча азият чекдик! Ўлиб кетиш ҳеч гап эмас эди.

— Ҳукумат, маъмурий ташкилотлардан хафа бўлишга ҳаққимиз йўқ, бу тухматларни ичимизда юрган одамлар қилаяпти. Ёмон, ҳасадгўй одамлар кўп. Ҳукумат бизларни қамалсин, демайди, буни яхши тушуниб ол! Ифвогар ёмон! Қўшнимизга эҳтиёт бўл, кўп тухматда унинг қўли борлиги сезилди...

— Вой, товба! Ока-ока, деб юриб-а?

— Ҳа. Тўққиз қоғозли имзосиз хатни шу ифлос ёзган. Туғилган кунимда менга «хитой вазасида, гул тагида ўн минг сўм пул — пора келтиришган», бундай пораларни уйда сен билан Бобур олган эмиш... Шу сабабли, беғуноҳ сен бечора дўзахий азобларни кўриб чиқдинг. Ўзбекнинг ўзбекка қилаётган ишини кўрдингми? Мана шундай бўлгандан кейин ёмон одамларнинг кунни туғади. Биз бир-биримизни еймиз, бир-биримизнинг устимиздан ёзамиз. Ҳали биз грузияликлар, Болтиқбўйи халқларидек ўз-ўзимизни яхши таниган, ўзлигини қадрловчи халқ эмасмиз. Ҳали бунга анча бор. Кўпчилигимиз ҳовлиқма, биттамыз: югуринглар, кўчада туя ёнғоқ ташлапти, деса ҳаммамиз ишониб югурадиган, биронта каттамыз: мана шу одамни қувватлаб овоз беринглар деса, хўп деймиз; чапак чалинглари деса, чапак чаламиз. Уйлари исқирт, емакка ҳеч вақоси йўқ, болалари касалвон-у, баъзи қишлоқ аҳолиси ҳа деса, атлас кўйлак кийиб, бўйнига жангир-жунгурлар осиб, ўйинга тушади. Оч, исқирт олифталар минбарга чиқиб ваъз айтмади. Мана шунақа!

— Вой, тавба-а-а!

— «Тўплашиб бир неча бўйний йўғонний.

Ўртага солурлар қийзу жувонний...»

Шундай деган «Ҳикмат»да олти юз йил аввал Қул Хожа Аҳмад Яссавий. Кўпчилик ўзбеклар ҳозир сен каттами, мен каттами деб, бир-биридан ошиш, бир-бирини менсимаслик касалига мубтало. Ҳали бу яқин ўртада тузалмайди. Ўзбек ўзлигини таниб, бир-бирини суйадиган, бир-бирига муруватли, кўзи очиқ, маърифатли бўлганини агар менинг неварачевараларим кўрса қувонардим. Гўримда шод ётардим. Лекин барибир шундай давр келади, албатта келади! Пора олди, деган тухмат ҳам чиппака чиқди. Сўроқ бераётганимда терговчининг ўзи ҳам «айбнома»даги бу асоссиз гаплардан таъби

тирриқ бўлиб, кейинчалик менинг ёнимни олди. Ноғора қорин ўша прокурор терговчиси санкция берган. Оти қурсин, отини эслагим ҳам келмайди! ...У махлуқдан жиркана-ман. Туркий халқларни ниҳоятда ёмон кўришини эшитган эдим, ўзим аниқ сездим.

— Ҳеч банда уларнинг қўлига тушмасин!— деди Маҳбубахон,— худо уларнинг юзини тескари қилсин! Улар ҳақиқий жаллод! Шу одамларни ҳам бола-чақаси борми-кан? Агар бола-чақаси бўлса, худо кўрсатсин!!!— у муштумини тиззасига босиб, бармоқларини қисирлатди.

— Бола-чақаси бор. Камерада ўтириб, бола-чақанг қирилсин, деб дуоибад қилдим. Ҳаммасини эмас, ўзбек зиёлиларини, давлат арбобларини қириб ташлаш ниятида иш юритган ўша ярамас.

Севара чиқиб кетгач, 191.1— модда: «босқинчилик қилмоқчи бўлгани учун» қўйилган модда тафсилотини гапириб берди.

— Бу иш уюштирилган эди. Идорада бу гап очикдан-очик уюштирилган, иғво эканини ҳамма билган бўлса ҳам «айбнома»га киритилибди,— деди Жамшидбек хотинига.— Жума куни, пешинда овқатланишга ҳамма ходимлар чиқиб кетиб, мен ҳам ошхонага боришга ҳозирлик кўраётган эдим. Қабулхонада ҳеч кимса йўқ, секретарь аёл ҳам овқатланишга кетган эди. Шу маҳал бир келишган жувон тўсатдан кабинетимга кириб, менга жилмайди. Шилқ этиб кабинет эшигини қулфлаганини ҳам сезмай қолибман. У ёнимга яқин келиб, кадрлар бўлимига телефон қилишимни, ўзини шу ерга хизматга олишимни илтмос қилди. Ҳаш-паш дегунча ёнимга яқинлашиб, кўкраклари очик, бир қўлини елкамга қўйди. Қабулхонада ҳеч ким йўқлиги, умуман ҳамма овқатга кетгани, эшик қулфланганини айтиб, бўйнимга осила бошлади. «Кимсиз? Кетинг бу ердан! Уялмайсизми? Мен сиз ўйлаган киши эмасман! Ким сизни бу ерга киритди?» дегунимча у беномус кўксини очиб, қўйлагани йиртиб, дод солиб бақиршишга тушди. «Беномус! Иғвогар!» дедим эшик томон юриб. Лекин у стол устидаги мрамар босқични олиб, деразага отди. Чил-чил синган деразадан кўчага қараб, дод солиб бақира бошлади. Қабулхонамда тезда одамлар пайдо бўлиб, эшикни тортишабошладилар: «Очинг! Очинг! Бўлмаса бузиб кирамиз!» Мен бориб эшикни очдим. Бостириб кирган икки киши, уларнинг бири бу драмани уюштирганлардан эди, киришибоқ жувонни ва менинг фотосуратимни олиша бошлади. «Сизларда инсоф борми? Бу уюштирилган иғвогарлик-ку» дедим...

Бу иш билан партия ташкилотим шуғулланди. Одамлар менинг сўзимга ишонди, ҳатто шундай бир иғвогарлик бошқа арбобга ҳам уюштирилгани, бу янгилик эмас экани айтилди. Бузуқ аёл кейинчалик ғойиб бўлиб кетди. Лекин, мана, икки йилдан кейин бу шармандалик ҳам «айбнома»га киритилган. Уша фоҳишанинг номи — Ақиқа. Чилонзордаги фоҳишалар тўпландиган «исловатхона» қанжиқларидан, икки минг сўм пул бадалига мени шарманда қилишга ёлланган экан. Қилни қирқ ёрадиган, ишнинг охирига етмагунча қўймайдиган терговчилар ҳам бор. Яхши ҳам ўшалар бор, бўлмаса тўхмат балоси ёмон — жиноятчи бўлиб қолардик. Мана сенга учинчи қўйилган айбнинг тарихи! Ақиқа билан мени юзлаштиришди. Унинг акасини мен ўлдиртирган эмишман...

— Вой, тавба!— деди Маҳбубахон,— эҳтиёт бўлмаса ёмон одамлар кўпайиб кетибди.

Тўғри, ҳозир «турғунлик» деб аталаётган машъум даврда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятларга, тубанликларга борган одамлар бўлди. Халққа иснод келтирди, наҳотки филдек ўзбек халқи ўшалардек сичқонларни туққан бўлса! Саксон тўртинчи йилдан бошланган имзосиз юмалоқ хатлар бўрони, минглаб кишининг қамалиши, аксар раҳбарларнинг қамоққа олиниши — қорасовуқ изғиринларининг бутун жумҳурият бўйлаб ҳувиллаши ўттиз еттинчи йилни эслатади. «Ўзбек иши» — «ўзбекнинг гуноҳи» марказий матбуотда дунёга тинимсиз ёйилмоқда. Бу ҳам ўтакетган адолатсизликдир! Пوراхўрликни ҳеч кимса оқламайди! Филдан туғилган текинхўр сичқонларни халқнинг ўзи қириб ташлашга қодир!

Ўттиз тўққизинчи ҳикоя

Шарбатхон ая қаҳр ила Қашқирдек тишини кўрсатди

Ўша куни Нигора қон-қақшаб, йиғлаб қайнонаси ҳовлисидадан чиқиб кетганча қайтиб бормади. Улар ҳам келинини батамом ўзига ташлаб қўйишди. Айниқса Патининг: «Хотин топилади, она топилмайди» фалсафаси, қайтиб бориш у ёқда турсин, телефон қилишга ҳам йўл бермади. Оғир оёқли хотинига нисбатан бу камситиш Нигоранинг батамом кўнглини совутди. Ҳатто ўзини ўзи койиди: «Каттамиз ўртага тушиб» отаси қадимги бойлардек қизини мулкдор кишига сотгандай бўлди. Ўзининг қаттиқ қаршилиқ кўрсатмаганидан ҳам койинди. Наҳотки у янгилишди?! Ҳамма вақт ҳам ота-она айтганини қилиб, муҳаббатсиз турмуш қурмоқлик хато. Бошига иш тушиши билан «яхши қайнона», «ишчан» куёв ўз башараларини кўрсатдилар.

Шанба куни кутилмаганда эшикдан Шарбатхоннинг «бриллианти» Пошшоҳон ки-

риб келди. У ҳеч нарса бўлмагандек ва ҳеч нарса билмагандек ҳовли ўртасида туриб очилиб-сочилиб, юзларида табассум, Маҳбубахонни қамоқдан чиқиб келгани билан табриклади. Қуда поччани, Бобурни ҳам... Маҳбубахон жавоб қилмади, елкасини тутган Пошшага қўл узатмади. Ичкарида турган Нигора ҳам деразадан шундай бир қаради-ю, ҳовлига чиқмади. Маҳбубахон индамаганча тураверди — бундай муомала отдан тушса ҳам эгардан тушмайдиган Пошшахон феълига тўғри келмас, фавқулодда бир ҳолат эди. Маҳбубахон кўнгилчан, камтарин, мулойим, кечирувчи, умрида бировга тик қараб, қаттиқ гапирмаган инсон. Унинг феълидаги бу фазилатларни билган ва шуни мўлжаллаб Шарбатхон қизини юборган эди. Маҳбубахоннинг ранги оқариб, титрагандек, индамай тураверди.

— Табриклайман сизни, эшитаяпсизми?— Пошшахон жилпанглаб, дам жилмайиб гапини такрорлади.

Маҳбубахон яна миқ этмади.

— Қамоқдан соқов бўлиб чиқдингизми, опоқи? Нима бало! Уйда Нигора борми?

Маҳбубахон умрида биринчи марта жасорат кўрсатиб, Пошшага эшикни кўрсатди:

— Чиқиб кет бу ердан!

— Нега ҳайдайсиз! Айб қизингизнинг ўзида!

— Чиқиб кет!— деди Маҳбубахон дағ-дағ титраб,— Бобур уйда, сени кўриб қолса сўяди! Қаерда кўрсам шу ерда сўяман деб пичоқ олиб юрибди. Уйингга бормоқчи!

— Вой яхшиликка ёмонлик-ку!— деди-да, Пошшахон ит қувлаган лўлидек у ёқ-бу ёққа аланглаб, кўчага чиқиб қочди.

— Бопладингиз!— деди деразадан кузатиб турган Нигора, пальтосини кийиб ташқарига чиққач,— вой, буларнинг димоғи!

— «Табриклайман!» дейди-я, ифлос! Мимани табриклайсан! Онангни Эшонча бақиртириб босгани билан табриклайсанми демоқчи эдим, тилимни тийдим.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а-а! Қаранг, у ўзини отинойи қилиб кўрсатади, мўйловларинг қуриб кетгур! Яна худо-обло дейди... Бари сохта! Унинг қилиб юрган ишини Тошкентдай шаҳарда ҳеч ким қилмайди-я!

— Аданглар-да, ҳамма ишни қилган! Оилавий ишда ҳам раҳбарга итоатгўй бўладими киши! Одам деган мустақил бўлиши керак, раҳбар нимага ишора қилса шуни қилариш керакмиди!

Чоршанба куни Бобур ўз машинасида маҳалла оқсоқолини олиб, Миёнхўжа амакиникига борди. Яна бир юк машинаси ҳам орқаларидан эргашиб келди. Бобур танбаланган мустақам дарвоза кўнғироғини жиринглатиб, Эшикни очган Мاستон кеннойига: «Нигоранинг молларини олиб кетишга келишганини» айтди. Бир зумдан кейин ҳовлида Шарбатхон пайдо бўлиб, қўл-қўл товўқдек керилиб, айланиб, бурнини осилтириб, хўмрайиб турган Бобурга ялинди.

Ҳар қандай оғир шароитда ҳам кўзини лўқ, ширғайтириб, пинагини бузмай туришга одатланган Пати бу гал ҳам сувдан қуруқ чиқди. Бегуноҳ икки ой сўроқ бериб чиққан Бобур синглисининг патилар хонадонида ҳақоратлангани; ҳомиладор жувон бетўхтов турткиланиб, таъқиб этилиб, охири ҳайдаб юборилгани; ота-онаси қолган бир шароитда бунчалик хўрланиши, ўзбекнинг ўзбекка шунчалик ёмонлик қилгани ака қонини қайнатганди. У синглисининг ўз жонига қасд қилиб, Анҳорга ташлаганини ҳам эшитди. Шу топда ўткир Чуст пичоғини этиги кўнжигга тиқиб, номардникига келган эди. Бу аблаҳларни қуда атаб бўлмайди, деб ерга тупирди. Сарғиш, бўйни елкасига ёпишган, семиз орқаси тўппайиб чиқиб турадиган, шахвоний ишлар билан кўп машғул бўлгани сабабли Шарбатнинг лаблари чети намланиб, пилчираб турарди.

— Айланиб кетай, Бобуржон болам, Фатхуллохўжанинг кўядиган хотини йўқ... Бунақа ёмон фикрга борманглар... Илтимос қиламан. Турмуш мурсоаи мадорани талаб қилади, ҳар бир нарсадан ёмон фикрга бориб, турмушни бузиш яхши эмас. Ҳомиладор эди, туққан бўлса керак, неварамни кўришим керак.

— Неваранг йўқ.

— Вой, нима бўлди? Улиб қолдимми?

— Сиз ўлсангиз жамият тозаланади...

— Ҳали шунақами?! Ҳеч нарса ололмайсан! Сенга берадиган супургим ҳам йўқ. Тўйда беш минг ҳаражат қилганман, куйиб қолавераманми! Чиқ бу уйдан! Қани чертиб кўргинчи, нақ... ни қирқиб оламан! «Этигинг кўнжида пичоғинг бор» эмиш, онанг шундай депти! Уша пичоқ билан кесиб, оғзингга соламан! Сен мени ким деб ўйлаяпсан! Иккинчи марта қамалгинг келаётганга ўхшайди! Йўқол бу ердан!

Бобур оёғига қишлоқ ботинкасини кийган, этик эмас, у этик кийганида, дарҳақиқат, кўнжида пичоқ бўларди.

— Бобуржон, акаси, юр кетдик,— деди маҳалла оқсоқоли, олтмишларга борган фронтчи,— бу хотин билан гаплашиб бўлмайди! Судсиз бу иш ҳал бўлмайди. Юр, кетдик! Бу хотинда шарму ҳаё йўқ, уччига чиққан олиб-сотар-ку!

— Тумшуғига бир-икки солайми?

— Ҳай-ҳай, бундай номақбул иш қила кўрма, укашон. Сен яхши оиланинг фарзандисан. Бу хотин қўл кўтаршигнини пойлаб турибди. Атайин, қўл кўтар, деб сенинг жи-

гинга тегапти. Тушунмаяспанми? Бу ифлос хотиннинг оддий методи. Ўзингни қўлга ол, ҳеч нима дема. Юр кетдик!

Бобур муштумини қисди.

— Ҳа, урмайсанми, номард! — деди ўқрайиб Шарбатхон, — ур, сени ким айтади йигит деб! Хажқиқиз! Қани урмайсанми?! Мана, оласан! — у орқасини ўгириб, тўппайиб турган жойини қўли билан шапиллатиб урди.

Маҳалла оқсоқоли Бобурнинг қўлидан тортиб, кўчага олиб чиқиб кетди.

— Буни кўрляспанми! Қанақа одамга қуда бўлгансанлар? — деди оқсоқол ёқасини ушлаб, ранги ўчиб, — вой, башаранг қурғур, шунақа юзсиз хотин ҳам бўладими! Орқасини кўрсатаяпти-я! Юр, тезроқ бўл, бу ифлос хонадондан кетайлик! Судга берамиз, суд олиб беради.

Улар машиналарга ўтириб, тезда жўнаб қолишди. Қандай қилиб бу хонадонга қуда бўлишганига Бобурнинг ақли лол бўлди: «Э, ўша «катта»нинг ҳам «кўрсатмасига» лъанат, адамнинг кўзи қаёқда эди?!»

Тошбақа косасидан секин бошини чиқаргандай ўз ҳужрасида ёлғиз сасиб-бижғиб ётадиган Миёнхўжа амаки ҳам эшик тирқишидан қўрқа-писа бошини чиқарди:

— Нима бўляпти? Нима гап?.. — деган эди, итга йўлиққан бароқ мушукдек ҳурпайган Шарбатхон эрига қайрилиб қараб, кўзини олайтирди:

— Ичкарига кириш! Кир ичкарига!!!

Миёнхўжа липпа бошини тортиб, эшикни ёпди.

У юрак олдириб қўйган, Шарбатхоннинг уришгани, силталаб-жеркканидан эмас, овқат бермай қўйишидан қўрқарди. Қолган-қутган овқатларни беришар, ёшни худо, қарини овқат асрайди, амакининг кун бўйи жағи тинмасди. Нима қўйса ерди. Бешафқат хотин саксонга бориб қолган одамни ҳам аямас, ҳақорат қилар, баъзан туртиб юборарди. «Сенга тегиб ёш умримни хазон қилганман...» деб, нолир, чолнинг коса-қошиғини ажратиб қўйганди. Ундан ҳазар қиларди. Онасига тортган Пати билан Пошшахоннинг ҳам отага меҳри йўқ, чол бу хонадонда бир қари итдек турткиланарди. Яхши ҳам бахтига Мاستон бор; ҳолидан хабар олиб туради. У: «Ҳей худодан қўрқмайсизларми, шундай мўътабар, етти аждоди хўжа ўтган бир одамни турткилайсизлар-а!» дегандек бўларди ичдан. Хотинига қарамай қўйганига қирқ йилча бўлган Миёнхўжа амаки ҳам деярлик дўзахда, бу ердан қутулса унга жаннатнинг эшиги ланг очик. Чоллар зийрак бўлади, ҳатто Шарбатнинг Эшончаникига бориши сабабларини ҳам пайқар, олдига суяк ташлаётганини ҳам биларди.

— Мастон! Ҳой, Мастон! Отангизга анави косадаги мошкичирини олиб кириб беринг! Чой ҳам дамлаб беринг! Менинг қутичамдаги цейлон чойимдан дамлаб берақолинг!

— Хўп бўлади.

Шундан кейин гўё эрни ризо қилгандай, кўнгли таскин топиб, Эшончаникига дирқиллаб жўнади...

Қирқинчи ҳикоя

Бировга чоҳ қазибсан, тушурсан ўзинг!

Пати ўз қўли остидаги икки киши билан анча вақтдан буён биргаликда универмагга юбориладиган ноёб молларни, айниқса чет элдан валютага олинган аёллар кўйлаги, ҳозирги кунда бозори чақон жинси шиму Америка буюмларини муҳрланган ҳолда йигирма, ўттиз қутисини бир йўла шеригининг ҳовлисига тушуриб, шу ердан олиб сотарларга тарқатиб юборарди. Бу иш анча вақтдан бери давом этиб келар, шу ноёб молларни баъзан келганлигини билиб бирон кимса универмагга келгудай бўлса унга бир амаллаб олиб қўйилганидан топиб берарди. Албатта у кимса шубҳалироқ, халқ контроли одамларига ўхшаса!.. Бошқаларга, умуман овомга «йўқ» деган жавоб берилар, ёки «сотилиб кетди...» дейиларди. Том тешар ўғрлар, қароқчилар ҳунарларини ёшлигида тухум ўғирлашдан бошлайди, дейди халқ. Тешикка кирган илонни думидан тортган билан узилса узилади, аммо чиқмайди. Бақа ҳам илон оғзига бир илдиними, унинг оғзидан асло чиқолмайди, чунки илоннинг тишлари ичга қараб ўсган, Патининг кафтида ҳам кўзга кўринмас ўткир туклари бор эмиш, улар ҳам ташқарига эмас, ичкарига қараб ўсган, қўлига тушган пул асло ташқарига чиқмайди, ичкарига қараб кетади. Универмаг директори кейинги йилларда бойиб кетди, одам қанча бойиса шунча кўзи қисилади дейдилар. Унинг феъли тор, хасис, ҳамма нарсани сирли тутарди. Қилаётган ишларидан фақат онаси, қисман Пошшахон хабардор, отасини қаторга қўшмас, алжиб қўяди, деб кўп нарсани ундан яширарди. Жиноятга ўрганган қўл бир ҳаддини олгач яна қилаверади, фоҳиша ҳам шундай, у яшириниб, обдан пухталики билан бу ишни қилаётмиран, ҳаром иш тезда ошкор бўлганидай тижорат қаллобликлари ҳам ошкор бўлмай қолмайди!

Қиш кунларининг бирида Пати уйга кайфи бузилиб келди; ранги ўчган, овқат емай

ўз хонасига кириб кетди. Кетма-кет Шарбатхон ҳам хонага кириб, ясатуғлик, лекин совуқ, хувиллаган хонадан ўриндиққа чўкди:

— Хафамисан болам! Хафа бўлма, кетса кетар! — деди Шарбатхон ечинаётган ўғлига, — хотин кўп, ўзингнинг соғлиғингни ўйла, ишларингни ўйла... Онаси ўпмаган қизни олиб бераман. Топиб қўйганман, ҳа, ҳозир нима кўп, қиз кўп. Сен қараб тургин, ўғил яхшисини олиб бераман...

— Мен уни ўйлаётганим йўқ, ойи, битта шеригим қўлга тушиб қамалибди... У ярамас эҳтиётсизлик қилибди. Даюсга беш қўлингни оғзинга тиқма, деб юз мартаба гапирдим! Йўқ, гапимга қулоқ солмади! Мана оқибат...

— Қамашиптими?

— Ҳа.

— Қамаганларнинг шеригини топ. Шериги топилмаса, шеригининг шеригини топ. Дунёда тўрилаб бўлмайдиган иш йўқ. Ҳаммасини пул тўрилайди! Ҳамманинг ҳам нафси бор, пул ширин! Сен бундақа хафа бўлиб ўтирмай, дадил бўл, шеригини топинглар. Пулни аччиқ чайна, пулинг кўп... Нима қиласан ташвиш тортиб, пул билан ҳамма ишни қилиш мумкин. Мен сенга ўргатмоқчи эмасман, кейин бир нафасга бўлса ҳам кайфингнинг бузилишини истамайман. Беш кунлик дунёни беғусса ўтказиш керак деган машойхлар!

— Тушундим, — деди Пати кароватига ўтириб, сўнг титраб кўрпа қатига кирди. — Иложи бўлса, волокардин доридан сувга йигирма томчи солиб, олиб келиб беринг.

— Хўп, — деди Шарбатхон безовталаниб, — юрагинг ёмон бўляптими?

— Ҳа.

Шарбатхон югуриб ташқарига чиқиб, ҳовлини кесиб айвонга кирди, ундан данғиллама ўз хонасига ўтиб, юрак дорисини излай кетди.

— Ойи, нима гап? — танчага тиқилиб ўтирган Пошшахон унинг ёнига келди.

— Окангнинг юраги санчаётган эмиш.

— Нимага?

— Билмайман.

— Хотинигами?

— Йўқ!

— Мен уларнинг додини бераман! Қараб туринг, бу ярамас Нигора ҳаддидан ошиб юрибди, отасининг чиқиб келгани ҳам вақтинчалик дейишди, ҳали яна олиб бориб тиқиб қўйишади! Яна кўзининг ёшини оқизиб келади. Қаёққа борарди у ярамас!

— Окангнинг ишхонасида кўнгилсиз воқеа юз берибди, ўртоқларидан бири қўлга тушиб, қамалибди. Мени сотиб қўймасмикан деб, безовта бўляпти. Мен оканга юз марта гапирдимки, энди шу ишингдан кет, дедим. Оладиганингни олдинг, йиғадиганингни йиғдинг, иссиғида бўша дедим. Кетмаяпти. Бир хил ишбилармон, уста одамлар, пул ишлаб, ўйлаган мақсадига етиб олдим, тезда туёғини шиқиллатади ёки магазинга ўт қўйиб юборади... Шу билан садди пок бўлиб чиқади-қўяди. Мен ўт қўй деяётганим йўқ, ҳарақалай бу вазифадан кет, дедим. Кетмаяпти...

Шарбатхон ўғлига дори олиб кириб, далда берди.

— Қўрқма, болам, нимадан қўрқасан! Ҳали мен тирик эканман сенга кўз олайтирадиганларни қўймайман! Уша контролдан келганларни памиласини дафтарчанга ёзиб ол, керак бўлади. Раҳбаримизнинг олдиларига чиқ десанг, чиқаман. Юртни сўрайдиганлар юртга қарасин-да!

— Йўқ, чиқманг ойи, керак эмас!

— Чиқмасам, ўзинг тўғрилай оласанми? Мен катталар ёнига чиқишнинг машқини олганман. Зулфиқоровлар пайингни қирқаётган бўлмасин! Ўйлаб кўр! Агар ўша Зулфиқоровлар кетингга тушган бўлса биз ҳам тек турмайлик!

— Ўзи яқинда қамоқдан чиқди-ку, биз билан олишмас.

— Пошшахон, қизим уйдаги машинкани, нусха оладиган қора қоғозларни шай қилиб қўй! Сал-пал бизга тегмоқчи бўлганини пайқасам, Тошкентдаги ҳамма юқори ташкилотга хат ёзаман, хат билан кўмиб ташлайман! Мен уни соғ қўймайман! Қамалганда ҳам устидан прокурорга каттагина хат ёзганмиз. Сенга айтмаган эдик... Ҳозир ишга кирибдимми?

— Ҳа.

— Қанақа?

— Табиатни муҳофаза қилиш жамиятига... Ўз жойига таклиф қилишган экан бормабди.

— Жувонмаргни яна катта ишга қўйишибдимми?

— Ҳа.

— Ҳаниши, суянчиғи борга ўхшайди. Ҳали бу ишдан ҳам тушириб юбораман! Қараб тур, у узоққа бормади! Янги «катта»нинг олдига чиқайми, йўқми? Биздан нима кетди, қабулига ёзилман, ёзилгандан кейин қабул қилади.

— Ўзингиз биласиз.

— Бўпти, бу ёғини ўзимга қўйиб бер. Сенга биронтаси тегсинчи, бир шаллақилигимни қилай, бутун катта идораларнинг капалаги учиб кетсин! Мен уларга Алининг

ўйинини кўрсатаман! Ҳозир имзосиз хатга, бунақанги ҳужумга унча қарашмаяпти. Анави ўртоғинг Ҳабибни ишга солмаймизми?

— Ҳабибни айтаяпсизми?

— Ҳа.

— У жинни бўлиб қолган.

— Вой, товба! Наҳотки?

— Ҳа.

Онасининг қарғишига учрабди.

— Вой, товба! Онасига нима ёмонлик қилган экан?

— Тўрт фарзанд ташлаб қўйишган экан, қариялар уйда ўлиб кетибди...

— Вой, товба! Шунақа одамлар ҳам бор эканми? Уша ярамас Пошшахонни сўраган эди. Эшитгандирсан, яхши ҳам бермаганимиз. Хўп, тўғри иш қилган эканман! Мен ҳам одам танийман, Эшон акангга бориб айтганимда, Пошшахонни берманглар, уни ёмон одам деб эшитганман деган эди. У зот назаркарда, худо дилларига бир нимани солганки, мени бу ишдан қайтардилар.

Пати миқ этмади... Унинг кўзи илинган эди, Шарбатхон эшикни ғирчиллатмай ёпиб, секин чиқиб кетди.

Эртасига Пати оёғи тортар-тортмас ишга борди. Ўғлини жўнатган Шарбатхон нариги маҳалладан отин қақриб келиб, уйда мушкулкушод ўқитди. Шундан сўнг, эртасига Патининг эски ички қўйлаги, костюми, оёқ кийимини дастурхонга ўраб, дам солдириб келиш ниятида Эшончаникига йўл олди — дам солса «тикилган бало-қазолар йўқолади» дерди Эшонча. Шарбатхон ҳисор қўйнинг думбасидек орқасини серкилла-тиб ҳовлиси чиндан ҳам чалдевор, хатлаб бўлмайдиган катта ариқча кўприк солинган, рўпарадаги қийшиқ эшикдан ичкарига кирди. Унда каттагина майдон, гўнг уюб қўйилган эди. Отхонада кулранг эшак, эгар-жабдуқлари охури ёнига осиб қўйилган. Молхона ёнида яна бир кичикроқ эшик бўлиб, у доим қулф туради. Қўл-оёқлари қийшиқ маймоқ бир кимса Эшончанинг хизматида. Эшик очиб ёпадиган, одамлар келганида молхона ёнида ётадиган қаҳри қаттиқ авчарка итнинг бўйнидаги халқага занжир соладиган ҳам мана шу маймоқ. Бу қопоғон ит маймоқни бўлиб, тунда ечиб юборишар, эрталаб одамлар келадиган пайтда занжирбанд қилишарди.

Қўлида бўхча, Шарбатхон ариқ устидаги кўприкдан ўтиб, майдонга бурилди. Гўнча уюлган жойга етмасдан молхона ёнида ётган ит ириллади, сўнг унга тишини кўрсатиб, вовуллаганча югуриб қолди. Капалаги учиб кетган Шарбатхон бақирди.

— Ҳай, кет... Ҳай кет! Пашўл! — у бўхчани ташлаб, ичкари эшикка яқинлашгунча ит бир лаҳзада етиб келиб, серкиллаган думбасини ғарчча тишлади.— Вой-дод! Вой-до-о-о-д!... Ким бор?!

Шарбатхон ерда ётиб думаланар, ит бўлса, бўхча кўтариб кетаётган ўғри ҳисоблаб, Шарбатхоннинг иккала думбасини, биқинини, ғарчча-ғарчча тишларди. Товар кўйлак қипқизил қон бўлди. Маймоқ йўқ, ичкарида Эшонча бошини кўрпага ўраб ухлаб ётарди. Шафқатсиз авчарка Шарбатхонни булғалай-булғалай бирдан томоғига ёпишди. Марваридлари ерга сочилди. У жимиб қолди. Шундан сўнг ит нарида ётган бўхчани ҳидлади-да, йўл-йўлакай ириллаб, инига кетаётган эди, магазинга, нонга кетган Маймоқ келиб қолиб, бўлган фожиага кўзи тушди. Ҳовлиқиб ичкарига кириб, Эшончани бошлаб чиқди. Уларнинг капалаклари учиб, ерда, лойга булғаланиб, чўзилиб ётган Шарбатхон тепасига келишди. Эшонча унинг қўлини ердан кўтариб, томирини ушлади, хайрият, томири уряпти. Бунга ишонмай, кўксига ҳам қўлоғини қўйди; юраги уриб турибди. Шарбатхон жон-ҳолатда кўзини очиб шивирлади: «Ит... итинг қуриб кетсин! Қаёқда эдинг, ярамас ит!? Боғлаб қўйсанг бўлмасмиди! Тамом бўлдим...»

— Бор, итингни бойла! Э, энангни!..— деди Эшонча Маймоққа дўқ уриб,— ўласанми, бойлаб қўйсанг! Энди нима қиламиз! Мелиса келса ҳақиқатни айт, ит тишлаганини айт! Бўлмаса жавобгар бўламиз!

— Хўп...— Маймоқ бориб авчарка ити бўйнига занжир солди. Қилгуликни қилган итнинг ўзи ҳам бўйнига занжир солинишини истаб турган эканми, ерга қорнини бериб, мўлтайиб ётди.

Милиця ҳам, «Тез ёрдам» машинаси ҳам келди. Шарбатхон касалхонага ётқизилди. Докторлар шунча уриниб, уқолу қонни қайта қуйишгани ва бошқа ҳаракатларига қарамай, кечга яқин унинг жони узилди. Ўғил онасини ит ғажиб ўлдирганини билолмади, шу кунни эрта билан универмага борган Патини коридорда кутиб ўтирган прокуратура ходимлари ордер кўрсатиб, қамоққа олишганди. «Кўлимга кишан урманглар, одамлардан уяламан...» деган эди, прокуратура ходими унга тик боқди:

— Пулларни ўмарганда, молларни камёб қилиб, халқни қийнаганда уялмадинг, энди уяласанми! Қоида! Қўлингни узат, кишан урамиз!

Патининг икки билагига шилқ-шилқ кишан урилди.

Эндиги гап хотинининг қўли бўлиб қолган Миёнхўжа амаки хусусида.

Хорлик

Шарбатхоннинг келини молини босиб қолиб, келган акаси ва маҳалла оқсоқолига ҳўли билан орқасини шапиллатиб уриб кўрсатгани, шаллақилик қилгани, кейинчалик орқасини ит ғажиб ташлагани, шу тариқа ўлгани маҳаллада дув-дув гап бўлди. Саёқ урган таёқ ейди, дейишди. Эшонча деган шахс билан алоқаси ҳам ошкор бўлди. Мастон кенноий ҳам кетиб қолди. Елғиз қолган Миёнхўжа амаки ҳар замон-ҳар замон косасидан бошини чиқарган тошбақадек, ярим қоронғи хужрада у ёқ-бу ёққа қарарди. Пошшахон ҳам Ақиқа деган дугонасиникига, Чилонзор томонларга кетиб қолган.

— Ҳой, ким бор? Бу ҳовлида нима бўляпти? Мен оч қолдим-ку, менга ким овқат беради? — дерди Миёнхўжа амаки.

Эндиги ҳикоя Нигоралар хонадони, яъни ҳақ йўлига қарор топгани хусусида.

Қирқ иккинчи ҳикоя

Амирни излаб...

Киши баъзан кундалик ўз ишлари, ўз ташвишлари билан бўлиб, кунлар, ойлар ўтганини сезмай қолади. Лекин орадан деярлик қанча вақт ўтибдики, Нигоранинг атрофида парвона, баъзан кутилмаганда пайдо бўлиб, гап тополмай ноқулай ҳолатда қоладиган; умидсизликка тушиб, жонига қасд қилганида қулоғидан ушлаб сувдан олиб чиққан; безорилардан халос этган, шу оилани қимиз олиб келиб хурсанд қиламан деб ногаҳоний фалокатга йўлиққан Амир қани? У қаёқда? Орадан қанча вақт ўтсаю Нигора унинг бор-йўқлигин билмаса!» Мен уни бирон ҳаракатим билан хафа қилиб қўйдимми-кан, шу сабабли жим бўлиб кетдимми...— деди ўзига ўзи Нигора.— Наҳотки у жимжит?! Йил бўлаяпти. Қизиқ, ҳеч қачон мени ўз ҳолимга қўймаган бу йигит бирдан жим бўлиб жетса-я? Еки мен томонимдан бир хатолик ўтдимикан? Нега мен уни суриштирмайман? Уйланиб кетдимикан? Тўй куни бошини деворга урган экан... Уша дўзах хонадонда бўлганимда ҳам баъзан телефон қоққани эсимда-ку?! Кўрганида ўзини йўқотиб қўярди... Нима гап? Амир қани? Ҳатто мен уни менсимаганимда ҳам, машинангизга тушмайман, сиз менинг орқамдан юрманг, таъқиб этадиганларни ёмон кўраман, деганимда ҳам хафа бўлмаган ўша йигит ҳозир қаерда? Бир куни у «Францияликлар турмуш қуришдан кўра ҳам ўйнаш тутишни яхши кўрадилар...» дегани эсимда. Яна: «Мен Оврўпонинг бундай «маданияти»ни маъқул кўрмайман! Никоҳ муқаддас, ҳатто илоҳий бир кучга эгадир!» деган эди. «Сийға¹ деган сўзнинг маъносини ҳам айтган. У жуда кўп нарсани билади. Бир куни нимадандир кайфияти яхши бўлиб, у билан андак очилиб гаплашганимда ўнинчини битирганида отаси қазо қилгани, пулсиз, ошна-оғайнисиз институтга кирмоқ амримаҳол экани, қистирай деса онасининг йиққан-тергани йўқлиги, шу босис оила боқиш учун шофёрлик қилиб кетганини айтиб берган эди...»

Амирнинг таржимаи ҳоли мана шу. Ҳарбий хизматнинг ҳам, онасининг елғизлиги сабаб, бир йиллигини ўтаган. Баъзан бу олий ўқув юртини кўрмаган йигит қўлига қалин китоб бўларди. Нигора унга «ўз хизматкорлари» сифатида қарар, бирон марта «нима китоб ўқияпсиз?» деб сўрамаган. Катта хонадоннинг қизи учун бу ярашмагандай... Дарҳақиқат, Жамшидбек Зулфиқоров ҳам унга «Ҳа, полвон, омонмисиз...» деб қўяқоларди. Унинг фамилияси нима, исми нима — ҳеч ким қизиқмаган. Маҳбубахон ҳам, Бобуру Севари ҳам бу шофёрга «ўз хонадонларининг хизматкори» деб қарашарди. Аммо бу гап мутлақо тилга чиқмаган: ота баъзан «давлат ишларидан холи» ўз хонадони ишлари билан шуғулланганида одамларга нисбатан ажратмай қарашлик кераклигини таъкидларди. Бундай «инсонпарварлик» гоҳо лавозими атрофидаги маккор ва мансабпараст бир шахснинг ўзига нисбатан қилаётган ёмонликлари, ўша қони бузуқ шахснинг миллий маданият заволига иш тутаётгани дидга тушганида уйғонар, болаларига ўз маҳаллаларидаги оддий одамларни ҳурмат қилишлари кераклигини уқтирарди. Сумалакни мактагани, акаси қазосида дўппи кийиб, кўк чопони устидан белбоғ боғлагани учун «коммунист Зулфиқоровни» ўша шахс талаби билан партия мажлисида муҳокама қилишган эди. Бундай гаплар йиллар мобайнида қуруқ сиёсат сотадиган, на ерга, на халққа ва на ўзбек тилига ёт, эътиқоди йўқ кимсаларга нисбатан кунглини совутиб, уларга нафрат уйғотган эди. Уни миллатчиликда айблашга жиддий бир асос топиша олмадилар.

Отасининг руҳиятига, жиддий сўзларига қаттиқ эътибор берадиган Нигора ҳам шу руҳиятда эди. Йигирманчи йилларда фарзандни отага қарши қўйиш, ҳатто комсомол ячейкаси топшириғи билан «қулоқ» деб топилган отасини отганлар ҳам бўлганини

¹ Сийға — Ғулжа, Қашқар, Еркент томонларда қадимда одат тусига кирган бўлиб, вақтинча уйланишидир.

Жамшидбек Зулфиқоров болаларига айтган... Фарзанд, гарчи ҳар қандай шароит бўлмасин, ўз отасини отмоғи ниҳоятда айри инсоний ва даҳшат!..

Нигоранинг хаёлини ғойиб бўлган, жимиб кетган Амир қамраб олди. Ҳатто унинг китоб ўқиб туриб, ҳозирги адабий жараён ҳақида фикр айтгани ҳам ёдига тушди. Кунлардан бир кун у: «Бизда ҳамма шоир, шеър ёзадиганлар кўпайиб кетган. Айниқса, талабалар адабиёт деб фақат шеърни тушунадилар, чунки шеър эшитиш бир пиёда чойни ичгандай қулай. Адабиёт — ҳаётимизни кенг кўрсатадиган роман демак, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён»ларсиз адабиёт йўқ. Қирқ мингта шеър ҳам бир, битта «Ўтган кунлар» ҳам бир! Торозуга қўйса барибир роман босиб кетади. Баъзи шеърлар — куз япроғидек тўкилмоқда, шеър кўп. Аммо роман — чинордек кам...» деган эди. Бу гап Нигорага қизиқ туюлган ва умуман педиатрия институти талабаси учун тамоман янгилик эди. Нигора шеър ўқимас, ҳикояга қизиқар; у ҳақиқатан ҳам қишлоқ ёшлари шеърни — адабиёт, «Марҳабо, талантлар»ни — чин санъат деб тушунишларини эшитганди. Амир Бешёғочда эрта билан сотиладиган арзон сомсани яхши кўрар, кўп талабалар асосан шу билан қорин тўйдиришларини ҳам айтган эди.

Куз. Пишиқчилик, мева-чевалар мўл. 9 сентябрь куни биринчи қаватдаги катта хона ўртасида «П» шаклида стол қўйилиб, оила ва қариндошлар жамулжам, Жамшидбекининг туғилган куни нишонланарди. Узун стол устида нозу неъматлар мўл-кўл, май-ю шарбатларгача... Ўттизга яқин уруғ-аймоқлар ясан-тусан бўлиб келишган. Бобуру Нигора хизмат қилиб юришибди. Ҳеч қачон акани уйлантирмай туриб, сингилни чиқармаслик керак экан. Мана шу масалада Маҳбубахон катта хатога йўл қўйиб, қаттиқ армон қиларди.

— Бугунги, мана бу зиёфатда мен бир кишини кўрмаётирман. Айтган эдим-ку, нега таклиф қилмадинглар? — деди Жамшидбек ака, қизи Нигорага ишора қилиб, — мен унга тўн кийгизишни ўйлаб қўйган эдим. Нега у келмади?

— Билмадим, — деди Нигора қизариб, — анчадан бери кўринмайди...

— Кимни айтаяпсизлар? — деди қариндошлардан бири.

— Бизда ишлаб юрган бир шофёр йигит бор эди... — деди Маҳбубахон, — яхши йигит эди...

— Дада, унинг ўзи кейинги ойларида тамоман кўринмай қолди, — деди Нигора, — телефон йўқ.

— Э, аттанг! — хомуш тортди Жамшидбек, — хабар топиб келганда кўп яхши бўларди. Сизларга ишонган эдим. Агар илгарироқ буни билганимда ўзим ҳидириб топардим.

Бу гап Нигорага тарсаки бўлди.

Ҳа, дарҳақиқат, Амир бирданига жим бўлиб кетди. Аввалига Нигора у келиб қолар, телефон қилар, деган хаёлда бўлди. Ўзи болалар касалхонасига врач сифатида йўлланма олганди, бу касалхона шаҳарнинг қадимий қисми — ўзбеклар тигиз яшайдиган маҳаллалар оралиғида эди. Атайин шу томонга ўзини урди. Хизмат жойини ўзгартириш, шу томонга ишга бориш учун тиббиёт министрлигига кўп қатнади. Бунда сув тағига чўккан тошдек узоқ йиллардан бери чўкиб ўтирган мансабпарастлар уни анча оворай сарсон қилишди. Уч қаватлик бинода, стол-стул, идорада қоғозбозлик, телефонбозлик қилиб ўтирган врачлар, тиббиёт фани номзодлари ва ҳатто иккита профессорни ҳам кўрди. Наҳотки клиника ёки касалхоналарда ишлаб, одамлар дардига шифо беришдан кўра шу ерни афзал кўришди экан! «Тавба, — деди у, — бировлар мол-дунё йиғаркан, бировлар олти йил ўқиб, ўз касбини мансабга алиштирааркан». Ёш жарроҳ Ҳабибнинг ўз касбини ташлаб, идорага — мансабга ўтиб кетганини бировга айтиб берса мутлақо ишонмайди. Лекин бу ҳақиқат. Яна бунинг устига она қарғишига учраб, эси оғиб, жинни бўлиб қолди. Ҳеч бир ақл бовар қилмайдиган ишлар. Лекин шу ўзининг ташвишлари билан банд бўлиб юрганида Амирнинг қорасини кўрсатмай, жим бўлиб кетгани юрагини нотинч қилар, боши қотган, ўзимдан бир катта хатолик ўтдими, деб қалби қисиларди. «Амир ниҳоятда камтар, — агар ундан бирон нуқсон, юракни совитадиган гап ўтган бўлса, шунча вақтдан бери жуда бўлмаганда телефон қиларди, У дилини очишдан, англашилмовчиликни ечишдан қочмайдиган инсон! Нега у ўзини тортиб кетди?»

Зиёфатнинг эртасигаёқ Бобурни кўндириб, нонуштадан сўнг ўз машиналарида эски шаҳар томон юришди. Чорсудан ўннга бурилиб, қадимий маҳаллага киришди, ёдида қолган Жинкўчадан ўтиб, ўша «чалдевор» ҳовли ёнига келишди. Жинкўчага машина аранг кирди, «чалдевор» ҳовлининг ўртасида каттагина тут дарахти борлиги ёдида қолган эди.

Дарҳақиқат, бу ҳовлида тут бор экан. Нигора машинада қолди, Бобур чиқиб, қийшайиб ётган эшикни тақиллатди. Ҳовли деворлари ҳам пастқамгина, кўчадан ичкари хоналар шундоқ кўриниб турарди. Хоналар томи қора қоғоз билан ёпилиб, устига бир қанча ғишт, оғир темир-терсақлар бостириб қўйилган.

— Шуми? — Бобур машинада ўтирган синглисига қаради.

— Шу бўлиши керак. Шу!

Бобур эшикни тақиллатди. Ит вовуллади. Бир лаҳзадан сўнг чопони енглари ёғлаиб, йилтираб кетган бир кекса одам чиқди.

— Эшик очик, кираверинг, мулла!
— Менга Амир ака керак эдилар,— деди Бобур бир-икки қадам ичкарига кириб, кекса одам билан саломлашиб.

— Мунда Амир деган киши йўқ, мулла! Мен ямоқчиман...

— Шу атрофда ҳам Амир деган йигит йўқми?

— Билмадим, мулла, бунда Амир деган одам йўғов...

— Сиз шу ерликмисиз?

— Ҳа. Етти пуштим шу маҳаллада ўткан.

— Амир деган йигит йўқ денг?!

— Йўқ. Бу, ҳунарманд косиблар маҳалласи. Илгари сағричи, мўйнадўзлар, чопонфурушлар ҳам ўтган. Амир нима қилсин, хўжалар ҳам йўқ. Сақичмон, Кўкча, Хиёбон, Хожа-Тарашкан бува, Пушти ҳоммом, Ҳофизи Кўйкий... томонларда хўжа кўчалар бор, яхши биламан. Аммо бизнинг маҳаллада ҳаммаси азалдан косиблар, амиру хўжалар нима қилсин! Алимқулихон даврида Турпоқ қўрган атрофида амирлар бўлган дейишади. Ҳозир амир қолибдими! Ўттиз еттинчи йилда амирни ҳам, тайипни ҳам, имому мутавваллини ҳам, муллани ҳам қаммаб юборишган. Баъзи жойларда тиловат қилдинг, деб гўрковни ҳам қаммаб юборишган. Унда ўлганларни ким кўмади! Уларнинг ўзлари ўлмасмикан деганман...

— Тушунарлик. Бу ерда Амир деган одам йўқ экан-да...

— Йўқ. Асло йўқ!

Бобур эзма чол билан хайрлашиб, машинага кирди. То машина жинкўчадан чиқиб кетгунча ямоқчи чол ўзининг қийшиқ эшиги олдида уларга тикилиб қараб турди.

— Нарироқда яна шунга ўхшаш кўча бор, ўшанга ҳам бир кириб чиқайлик,— деди Нигора.

— Ойимлар билан ўша кўчага келганман, девдинг, наҳотки эсингда қолмаган?

— Ҳовлисида тут дарахти борлиги эсимда. Бу томондаги ҳамма чалдиворлар ҳам бир-бирига ўхшаш. Ҳаммасида ҳам тут бор.

— Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа-а-а! Юр, қайтиб кетамиз.

— Йўқ! Йўқ!!! — жон ҳолатда Нигора акасига эътироз билдирди,— адамларга топамиз деб ваъда бердикми, топамиз!

Бошига тушган ботмон ғаму андуҳларга бардош берган Нигора Амирнинг бедарак йўқолиш андуҳига асло бардош беролмасди... агар у соғ-саломат юриб, Нигорадан ўзини олиб қочган бўлса — бу жуда ёмон!.. Агар уйланиб, ўзини четга тортган бўлса, начора! Лекин Нигорага кўриниш бериб, бу гапни айтса хафа бўлмасди-ку! У турмуш кўрган жувон... Ҳарқалай ўзини бир кўрсатиши, ҳатто отаси учун ҳам ўзини бир кўрсатиши керак эди. Ташвиш устига ташвиш! Катта кемаларни кўтарган денгиз кўтара олмагандай мисқол темирни Нигора ҳаётида яна хафақон кунлар бошланди. Шу кун у акаси билан уч маҳаллани, ўнга яқин айланма тор кўчаларга кириб чиқди, аммо Амир деган одамни ҳеч ким билмайди...

Чарчаб келган Нигора онасига Амирнинг уйини топиша олмаганини айтиб, ўз хонасига кирди-да, каравотга чўзилди.

Шу даражада эълтборсизликка, ҳатто Зулфиқоровлар оиласи «ўз шофёрлари»нинг фамилиясини, қаерда туриши-турмаслигини билмасликлари, қизиқмаганликлари уят! «Инсон шунақа ҳам бўладими,— деди ўзидан койиниб Нигора,— бизга хизмат қилиши, ишни бажаргани билан қизиққанмизу ўзи билан мутлақо ишимиз бўлмаган. «Иши учун мояна оладику» деб қаралган. Бу яхши эмас! Сен меҳнат қилавер, сенинг кимлигинг билан бизнинг ишимиз бўлмайди, қабилида иш тутилган. Қўпол қилиб айтганда, эшакнинг меҳнати ҳалол, гўшти ҳаром... Агар бу одам шунчалар яхши инсон бўлмаганда уни эсламасдик, қидириб ҳам юрмас эдик...» Нигора яна хаёлат дарёсида оқарди.

Эртасига Нигора хизматдан қайтишда Қўштут маҳалласига кириб, тахминлаб, тути бор бир неча ҳовлига кириб чиқди. Амир йўқ. Кейинги ҳафтада Камолон маҳалласига борди, йўқ. Ундан кейин Пичоқчилик... Ушанда: «Бензиним тугаб қолди, беш минутга ҳовлига кириб чиқаман...» дегани, йўлда: «Мана бу Тўхта бойваччанинг мачити, ҳозир склад, қаровсиз ётибди. Шу маҳаллалик яҳудийлар уйимизга қулаб тушади, деб чиройли минорасини буздириб юборишган...» деган гаплари ёдига тушди. Қидирди. Йўқ... Баъзан тўғри, баъзан оқ халатда юриб суриштирди. Наҳотки қудуққа игна тушиб кетгандай у тамоман йўқолса! Битта шаҳарда туриб, топиб бўлмас!

Қизининг Амирни қидириб, изтироб чекаётгани Маҳбубахон орқали ота қулоғига етди. Жамшидбек Зулфиқоров ўйлаб-ўйлаб, охири терговчига телефон қоқиб, ўша йигит адресини сўрамоқчи бўлди. Кейин бу фикридан қайтди, киши бир юрак олдирган ерига иккинчи яқинлашишни асло истамайди. Лоп этиб ёдига гараж тушди. У эски дафтарчасидан гараж коммутатори, эски танишларини топди. Дарҳол телефон қоқди. Эрталаб соат тўққиздан Нигора ҳам, Бобур ҳам, Севара ҳам ўқишга, хизматга чиқиб кетишган, ота-онанинг ўзлари қолишганди.

— Ким бу? Нормаматми?

— У киши бўшаб кетганлар,— деди кимдир совуққонлик билан.

— Завгар керак эди, йўқмилар?

- Йўқлар.
- Эски шофёрлардан ҳеч ким борми? Еки ҳаммалари бўшаб кеттиларми?
- Шокир полвон бор.
- Э, чақиринг ўшани! Жамшидбек ака сўраптилар денг! Бир минутга.
- У одамнинг баланд овоз билан чақираётгани телефонда шундоқ эшитилиб турарди.
- Эшитаман! — деди йўғон овозда шофёр.
- Шокир полвон!
- Ҳа, лаббай!
- Окоси, яхшимисан? Мен Зулфиқоровман. Жамшидбек акангман...
- И-я, и-я! Салом алайкум! Яхшимисиз, хўжайин! Овозингизни эшитиб, шундоқ танидим. Бормисиз, окажон! Сиз кетиб, бу гараждан ҳам файз кетди. Оқибат қолмади. Шофёрлар бир-бирларига бўридай қарашади.
- Бола-чақаларинг яхшими?
- Яхши, отахон! Ўзингиз бардаммисиз, болаларингиз соғ-саломатми?
- Раҳмат, азизим! Эскилардан фақат сизни топдим. Дил яқинда, окоси. Бир нарса сўрамоқчи эдим, айбга қўшмайсизми?
- Йўқ, йўқ, бемалол, сўрайверинг.
- Сизларда Амир деган йигит ишлаган эди. Мени олиб юрган... Эсингизда борми? Қорачадан келган... Хушфезъ... Отаси исполкўм бўлган...
- Ҳа!
- Унинг уй адреси қерак бўлиб қолди.
- Қарзи бормиди?
- Йўқ, ундақа гаплар мутлақо йўқ! Менга ўзи жуда зарур бўлиб қолди.
- Уйи, яқин, бозорнинг ёнида, борганман... Тутли ҳовли. Анча бўлди ҳарбийга кетяпман, деб бу ердаги болалар билан хайрлашаётганини кўрган эдим.
- Ҳа-а!.. Бундоқ денг? Армияга кетдимиз?
- Шунақа бўлиши мумкин. Кўринмай кетди. Бу ерда баъзилар Афғонистонда дейишади... Уй адреси керакми?
- Жуда керак.
- Ҳозир, кадрлар бўлимидан сўраб чиқаман.
- Шундай қилгин. Мен телефонда пойлаб тураман.
- Бир муддатдан сўнг унинг овози эшитилди:
- Жамшидбек ака, мана бундай: «Ҳофизи Кўйкий кўчаси, учинчи тупик, еттинчи уй...»
- Барака топ, ука! Раҳмат! Ўша Амирнинг фамилияси нима эди?
- Вакилов.
- Вакилов дегин... Буни қара, дарҳақиқат Вакилов, тилимнинг учуда турган эди. Кексалик, укажон, кексалик... Дарҳақиқат Вакилов, бир куни у ҳазиллашиб, хўжайин, бизларнинг аслимиз барлос уруғидан эканмиз, шунинг учун «Мир»миз деган эди. Бу гапга эътибор бермаган эканман. Биз ўзбеклар шунақамиз, минг йил бирга ишлаймиз, адресини ҳам, фамилиясини ҳам билмай ўтиб кетамиз. Раҳмат, укажон!..
- Саломат бўлинг. Телефон қилиб туринг, Жамшидбек ака.
- Албатта! Амал ўлсин, ҳаммамизни ит қилади, хабарингиз бор, бўшаб олиб, мана одам бўлиб қолдик, ҳа-ҳа-ҳа-хо-о! Эски ошналарни қидириб топаяпман. Чойхонага ҳам чиқяпман, тўй-ҳашамларга ҳам дўппи кийиб бораяпман. Жанозага бориш фарз, буни ҳам қияпман. Вақт кўп, пенсия гаштини суряпман... Тоза одамгарчиликдан чиқиб кетган эканмиз. Яхшиликнинг кечи йўқ, қайтадан сафга қиряпмиз. Баъзи мансабпарастлар бизни айнаган дейиши мумкин. Бундоқ эмас, энди-энди ҳақиқатни топяпмиз.
- Акахон, сиз раҳбар бўлиб ишлаб юрганингизда ҳам инсонгарчиликни унутмагансиз. Сизни яхши биламиз. Лекин ҳозир баъзилар жуда ёмон бўлиб кетяпти, ўзбек одатларига қирон солинаяпти. Ўзбек, ўзбек билан ўзбекча гаплашмайди.
- Шунақами! — деди бўшашиб Жамшидбек, — Шокирхўжа бизникига келинг, отамлашамиз. Бундақа гапларни телефонда айтиб бўлмайди. Хўп, окоси, хайр!
- Хайр, саломат бўлинг!

Қирқ учинчи ҳикоя

Афғон тоғларидаги адолатсиз жангларда мажруҳ бўлган йигит

Нигора ишдан келибоқ, ҳамма гапни онасидан эшитиб, адресни олиб, ечиниб ўтирмай яна орқасига қайтди. Юз марта ўтган кўчаси, бозор яқинидаги Ҳофизи Кўйкий маҳалласига бориб, 3-тупик, 7-уй, эскигина бир эшикни итариб очди. Дарҳақиқат ҳовли ўртасида каттагина тут дарахти турарди. Ичкарига кириб, бир неча қадам ташлади, айвонда ўтирган кексагина хотинга салом берди.

— Келинг, келаверинг, қизим. Дўхтирмисиз?

— Ҳа,— деди Нигора қорамғиздан келган ўша хотинга елкасини тутиб. Юраги бирдан уриб кетди — бу ўша қидириб юрган ҳовлини топгани хурсандчилиги бўлса керак. Эскича уй, шифти тоқилик айвон: ҳовлидан ариқ ўтган; ошхона, бурчакда тандир, томдаги мўри, тутга осилган арқон-арғимчоқ: тепаси маҳкам бекитилган кир ўра, унинг ёнида қия қилиб қўйилган жомашов... Айвон устунидаги бир боғ исирик, чамбараклардаги товоғу косалар, гаримдори шодаси... бари-барига тикилиб қаради.

— Утиринг, қизим.

Нигора айвон четига, кўрпачага чўкди. Лекин у ҳамма ёқни кўздан кечирди.

— Тўртинчи поликлиникадан келдингизми? Уша ерда сизни кўргандакман...— деди кекса хотин Нигоранинг сумкаси, ўралган оқ халати, юрак уришини тинглайдиган найчасига боқиб,— неварам бечора бугун кечаси билан истималаб чиқди. Қизим ҳозир кўтариб, дўхтирга олиб кетган эди. Қаранг, ўзингиз келар экансиз...

— Кўриб кўярдим,— деди Нигора анча ўзини босиб олиб,— Сиз Амир Вакиловнинг оналари бўласизми?

— Ҳа, онасиман. Илгари хат келарди. Мана, икки ойлардан бери хат-хабар йўқ. Юрагимга ғул-ғула тушаяпти.

— Уғлингиз қаёқдалар?

— Афғонистонда, урушда. Илгари ҳар икки ҳафтада хат келиб турувди,— у яна такрорлади.— Энди тўхтаб қолди. Кўнглим жуда ғаш. Бола бечорани воянкомат чақирмай-чақирмай, охири бирдан чақириб, бир кунда олди-кетди. Тоғалари билан ҳам хайрлашолмай қолди.

— Менинг исмим Нигора, Амир ака ҳукумат гаражида ишлаганларида адамларни олиб юрган эдилар...

— Вой-й, сиз Зулфиқоровнинг қизимисиз?

— Ҳа.

— Вой, айнаниб кетай сиздан, бу ёққа чиқинг! Юқорига чиқинг! Мен ҳозир чой кўйиб юбораман.

— Йўқ, безовта бўлманг. Мен бир лаҳзага кирган эдим.

— Тинчликми? Дадангизлар бошларига ташвиш тушиб, қутулиб чиқибдилар, деб эшитдим. Хайрия! Ҳукуматчилик, қизим, ҳаммаси ўтиб кетади. Бош бўлма бошинг... етади деб бурунгилар бекорга айтмаган. Худога минг қатла шукр, ҳаммамизни ўз қаноҳида асрасин.

— Раҳмат.

— Менга Амир айтган эди, дадангизлар улуғ инсон, халқимизнинг фахри, раҳбари...

— Раҳмат! Менга ўғлингизни адресларини беролмайсизми?

— Нега бермас эканман, бераман! — кампир ичкари хонага кириб, даққи юнусдан қолган бир қутини кўтариб олиб чиқди. Эҳтиёт сақлагани беш-ўнта конвертни Нигора олдига қўйди,— хатларидан бирида опасига мурожаат этиб «илгариги бошлиғим Зулфиқоровнинг адресини ёзиб юборинглар...» деган жойи ҳам бор.

Нигора кампирга ялт этиб қараб, кўёшдай ярқираб кетди, яна кўрпача устидаги хатларни тита бошлади. Демак... демак...

— Агар ишонсангиз шу хатларни олиб кетай, эртага шу вақтда қайтариб олиб келаман. Дадамлар йўқлаган эдилар, ўзларига кўрсатаман, жуда яхши бўларди. У киши номидан хат ёзамиз ўғлингизга.

— Марҳамат қизим, марҳамат!

— Хайр, мен кетдим.

— Чой ичмадингиз, қуруқ кетаверасизми?

— Яна келаман,— деди Нигора қизариб, ҳаяжонланиб.

«Демак, ҳамма гап равшан...» деди ўзига ўзи Нигора катта кўчага чиқиб. У йўлкада туриб, ҳамма гапларни ўйлаб олди. Кейин, такси тўхтатиб, уйига жўнади. Уша кунлари фавқулодда ҳарбий комиссариатга чақирилиб, Афғонистонга жўнатилган...

Бора-боргунча Нигора қадимий маҳаллаларнинг айланма, тор кўчалари ҳақида ўйлади, адаси айтганидек, ўзбекнинг атоқли зиёлилари, адибу олимлар мана шу айланма, тор — жинкўчалар, бўғотли том уйлардан чиққан. Адасининг гапини эслади: «Маҳалла аҳлини ғоятда ҳурмат қилиш керак. Асл илдизимиз маҳаллада...»

Нигора уйига кириши биланок, тўлқинланиб, Амир ҳақида дарак топганини онасига айтди. Ҳамма гапни айтди, хатлар — «дуойи салом»ларни столга қўйиб, ҳаммасини ўқиб чиқди. Қайта-қайта онасига соғ-саломатлиги, «Ватан топшириғини бажараётгани...»ни айтибди. Онаси, опаси, жиянлари, куёви ва бошқаларга илиқ сўзлар айтган.

Дарҳақиқат, икки хатида «... агар иложи бўлса, илгари мен ишлаган Зулфиқоров уйининг адресини юборинглар. Урдада... Уша ерда турадиган дўстим Эҳсон келиб қолса унга айтинглар, у топиб беради...» деган гап ҳам бор. Ҳовли четида кажавали мотоцикл ҳам турибди. Шу кажавода дилдирашиб, уйига олиб келишган. Улимдан сақлаб қолинган. Бу гап Нигорани ҳаяжонга солди, шунча вақт жимжит бўлиб кетганининг сабаби аниқланди. Ўзи ҳам илгарироқ қидириб билмаганига, одамгарчилик қилмаганига пўшаймон бўлди. Таажубланиб... Афғонистон... Баъзи афғон барзангилар Тошкентда, бозорда латта-путта сотиб юрса-ю, фоҳишаларга элакишсалару бу «Ватан топшириғини бажармоқдаман...» деб ўт ичига кирса! Барзанги баъзи афғонлар Тошкентда савдогарчи-

лик қилиб тўполон кўтариб, машиналарни ёқиб, ўзбек онаси кўлидаги икки яшар қизалоқни тортиб олиб ўлдирса-да, бу ўзбек «қаҳрамони» афғонлар учун жангда жонини қурбон қилса! Шу, адолатми?!

Нигора шу кунёқ «Ватан олдидаги бурчини бажарётган» Амирга илиқ хат йўлади. Жавоб хатини бетоқатлик билан кутажагини эслатди. Эртасига Амирдан онасига келган хатларни олиб бориб бериб, ўз адресини, телефон номерларигача ёзиб қолдирди.

— Нимаики зарурат бўлса айтинглар, Амир ака адамларга анча яхшиликлар қилганлар, қарздормиз... Нима зарурат бўлса, шунга тайёрмиз, уялмай айтаверинглар,— деди.

— Зарурат йўқ, айланай қизим, адангизларнинг йўқлаганлари учун ҳам миннатдор-миз,— деди она.

Лекин барибир Бобур Нигоранинг илтимоси билан ўз машинасида ярим қоп гурунч, гўшт-ёғ, мева, ширинликлар ташлаб келди. Эртасига ишдан келган Амирнинг онаси Нигораларниқига телефон қоқиб, миннатдорчилик билдирди. Гап буларда эмас, Нигорадай бир чиройли врач қизнинг укасига ўзини яқин тутиб юргани уни хурсанд қилган эди. Кейинчалик маълум бўлишича, Амирнинг ўша Эҳсон деган дўстидан бўлак ҳеч кимса бу ҳовлидан хабар олмаган экан.

Орадан бир ой ўтди, Амирдан хат келмади, Нигора яна изтироб чека бошлади. Шу орада «сизларга хат келдимиз» деб, икки бор Амирнинг онасига учрашди. Она ҳам елкасини қисиб, жуда хавотир бўлаётганини айтди. Яна ҳамгин кунлар бошланди. Наҳотки у хат ёзмаса? Эки бир фалокат юз бердимиз? Бунга асос бор, Амир ўт ичида, ҳар куни қанча йигитлар ҳалок бўлмоқда... Бирдан Нигоранинг юраги шифиллаб кетди, наҳотки у энди одам таниганда, энди бир чинакам инсонни учратганида ундан айрилади! У шундай бахтсиз туғилганми! Наҳотки у кўр туғилган! Бутун оиласи билан янглишиши... Ҳаммалари ҳам одам танимас эканлар. «Кўп фалокатларнинг юз бериши мана шунга келиб тақалмоқда» деди ўзига ўзи Нигора.

У жим турмади, Туркистон Ҳарбий округига борди, сиёсий бошқармадаги офицерларга учрашди. Афғонистонга юборилган солдат Вакиловдан дарак йўқлиги, шу ҳақда хабар беришларини илтимос қилди. Ҳарбий маҳкамадаги офицерлар Нигорага тезда хабар қилишга ваъда бердилар. Офицерлар унга хушумолада бўлиб, ҳатти жанг қилаётган «байналминалчи жангчилар» билан қизиқаётгани, уларга тез-тез хат ёзиб туришидан мамнун бўлишди.

Орадан яна бир ой ўтди...

Яна жимжитлик.

На Туркистон Ҳарбий округи, Сиёсий бошқарма хабар қилади ва на газета, радио саҳифаларида Афғонистондаги солдатлар хусусида бир гап бор. Умумий ахборот, умумий гап... Шу орада мамлакатда қазолар кўпайиб кетди. «Нима бўлаёпти ўзи?» деди газеталарда қора рамкаларнинг кўпайиб кетаётганига ҳайрон бўлиб Нигора. Жамшидбек билан Маҳбубахон ҳам ҳайрон. «Катталар ёшини яшаб, қиладиган ишини қилган, аммо мана бу «Ватан олдидаги бурчини бажаришга...» кетганлар омон бўлсин-дэ,— деди Маҳбубахон кўксига туғлаб ва беихтиёр худого мурожаат этди: — Э, худо, шу солдат болаларни ўз паноҳингда асра!» Умрида дуога муҳтожлиги йўқ, «бисмилло»ни тилга олишга одатланмаган, «фотиҳани унутма!» деган она ўгитларига итоат қилмайдиган, аксинча онани «жаҳолатда» айблайдиган Нигора ҳам юракдан оллога мурожаат этди. «Амирнинг жонини саломат сақла, эй, худо! Узингга сиғинаман!» деди. Туркистон Ҳарбий округидан, Сиёсий бошқармадан, ҳеч кимсадан садо чиқмади.

Чоршанба куни эрта билан телефон жириглаб, трубкани кўтарган Севарадан бир аёл:

— Сиз Нигорахонмисиз? — деб сўради.

— Мен, Севараман...

— Сингилларимсиз?

— Ҳа.

— Опангизларни чақириб беринг.

— Нима гапингиз бор эди? Менга айта қолинг. Сиз қатиқ олиб келадиган хотин-мисиз?

— Йўқ.

— Кимсиз? Опам ухлаб ётибди!

— Ҳа, майли. Кейинроқ телефон қиларман...

Севара шилқ этиб, трубкани қўйди-да, яна ўз каравотига сакраб чиқиб, атлас кўрпа қатига кирди. Бир лаҳзадан сўнг у кўрпа ичидан чиқиб, Нигора хонасига кирди, опасининг уйғоқ, хаёл суриб ётганига кўзи тушгач, қандайдир бир хотин уни сўраганини, ухлаб ётибди деганини айтди.

— Ухлаб ётганим йўқ-ку, жинни, нега мени чақирмайсан! — деди Нигора туюқиб.

У дарҳол тушунди, — ўзбекми сўраган? Ҳеч нарса демадимиз?

— Йўқ. Ҳеч нима демади. Овозидан анави қаланғи-қасанғи ўзбекларга ўхшади!

— Қанақа «қаланғи-қасанғи?!»

— Анали Пашша бор-ку. (Пошшоҳонни шундай атарди) Уша деб ўйладим. У яна телефонбозлик қилиб, бизни безовта қиляптими дедим. У сурбет тинимсиз телефон қилади. Кеча ҳам қилган. Кўтаришинг билан «туф» деб қўяди. Адамлар ўша телефон қилса дарров қўйиб қўй, деганлар!

— Эҳтимол у эмасдир.

— Менимча ўша, Пашша! У жуда маккор! Ўлгунча биз билан олишади. Шундақа тип! Нигора ўйланиб қолди. Ҳа, дарҳақиқат, шундай одамлар бор, улар сиртлондай ўлаксахўр, уларга тегиб бўлмайди, ҳатто бир чўп билан ҳам тегиб бўлмайди. Улардан четроқда юриш керак. «Ўлаксахўр, ахлат-хўр сиртлонга на йўлбарсу на шер яқинлашади, четдан ўтиб кетадилар», деган эди Жамшидбек ака.

Қирқ тўртинчи ҳикоя

Ўзга юрт учун оёқдан ажралган йигит

Бир соатлардан сўнг яна телефон жиринглади. Севара югуриб кетаётган эди, Нигора дарҳол тўхтатди:

— Тегма! Ўзим оламан!— у Севарага дўқ урди. Севара бунга ҳам қарамай, ҳингиллаб, трубкага қўл чўзаётган эди, Нигора югуриб бориб қўлига урди.

— Нимага урасан?!

— Тегма дедим-ку!

— Битта сенинг уйинг эмас бу ер! Хўжайин бўлолмайсан! Молларини ташлаб келган, бахтсиз!

— Ҳой, ундоқ дема, қизим!— деди Маҳбубахон,— одам опасига ҳам шундоқ дейдими?! Ярамни янгилама!

— Алло! Ал-л-о-о! Ким бу?

У ёқдан дарҳақиқат нотаниш овоз эшитилди.

— Сиз Нигорахонмисиз?

— Ҳа.

— Мен Амирнинг опаси Хосиятхонман.

— Салом-алайкум, яхшимисиз?

— Шукр, шукр... Укам Амир топилди...

— Хат келдимиз? Менга ҳеч жавоб қилмадилар.

— Укам шу ерда, Тошкентда, госпиталда экан.

— Вой, шунақа денг! Адреслари қўлингизда борми?

— Бор. Биз ҳозир ойимлар билан бирга кетяпмиз. Хоҳласангиз юринг.

— Бўпти, бораман!— деди Нигора чақнаб.— Бир соат сабр қилинглар, мен ўзим машинада сизларни олиб кетаман.

— Хўп, кутамиз,— деди трубкани қўйиб Амирнинг опаси.

Маҳбубахон, Севара ҳайратланиб Нигора атрофини ўраб олишди.

— Топилдимиз?— деди Маҳбубахон хурсанд бўлиб. Юқоридан ака ҳам тушди. Хурсандчилик сабабли Нигора Севарани кечирди, бир хўмрайиб қўйди-ю, ўчакишмади.

Нигора наридан бери кийиниб, яна Бобурга, итоаткор, айниқса сингисининг сўзини икки қилмасликка ўрганган акага ялинди.

— Машинангизни олиб чиқинг, Бобур ака, бу охири илтимосим. Бундан кейин сизни безовта қилмайман, зарур бўлса таксида юраман.

— Хўп,— деди Бобур. Маҳбубахон ҳам ўғлига «борақол, болам» дегандай имо қилди.

Кумушранг «Волга» ғувуллаб кўчага чиқди. Тайёр турган Нигора машинага кирди. Улар йўл-йўлакай Олой бозори ёнидан ўтиб, Нигора югуриб машинадан тушиб, гулфурушнинг айтган нарҳига каттагина гулдаста сотиб олди, бундан тезда Ҳофизи Кўйкий маҳалласига жунашди. Кийинишиб, тайёр турган Амирнинг онаси ва опасини олиб, ҳарбийлар касалхонасига, Аэропорт томонга учишди. Ярим соатлик йўл худди ярим йилдек бўлиб кетди. Аёллар зерикмасин деб, Бобур машина радиосини буради, кутганидек «Наво» янгради. Бир муддатдан сўнг, улар ҳарбий касалхона дарвозасидан ўтиб, хушманзара боғ рўпарасидаги тўрт қаватли чиройли оқ бино зинаполярлари олдида тўхташди. Шу атрофда узун ўриндиқларда қўлтиқтаёқ тутган йигитчалар ўтиришар, баъзилар шахмат билан банд, баъзилар газета ёки журнал ўқиш билан машғул эди.

Касалхона навбатчиси келганларнинг ҳаммасини ичкарига киришга рухсат бермади. Ўғлини кўришга зориқиб турган онанинг елкасига оқ халат ташлади, биринчи у кириб борди. Хушбичим бир рус қизи онани узун коридордан бошлаб бориб, унга ўғли ётган хона эшигини очди. Бу ерда ётган икки солдат йигитнинг бирини оёғи осилган, қўллари тахтақачланиб, гипс билан ўралганди. Унинг ёнида ётган Амир онани кўриши биланоқ ёстиқдан бош кўтарди. Унинг ҳам бир оёғи йўқ, оқ докалар билан ўралган, чап қўли гипсда, тахтақачланган... Она кириб, йиғлаб боласини кўчди. Пешонасидан, юзларидан ўпди. Кўзёши оқиб кетди. Ўзини тутолмади...

— Вой, болам, кўп азоб тортибсан... Шундоқ бўлдимми?
 — Шундоқ бўлди, ойижон,— қатъиятлик Амирнинг ҳам кўзига ёш келди. Бу кўпроқ онани соғинганидан эди.
 — Уша бешафқат душманларни ер ютсин!
 — Уруш шу-да, ойижон,— деди Амир онага тикилиб, ранги-рўйига боқиб,— ўзингиз яхшимисиз, ҳамма қариндошлар яхшими?
 — Ҳаммаси яхши.
 — Битта оёғим тўп ўқидан қаттиқ жароҳатланди. Кесиб ташлашди... Ўн беш кун бўлди. Ҳозир тузукман, Оғриқлари ҳам анча пасайди. Инвалид бўлиб қолдим.
 — Майли болам, энг муҳими жонинг саломат қолибди. Худого минг қатла шукр қиламан. Э, худо, йигитларнинг ҳаммасини ҳам ўз паноҳингда асра, жонини саломат қил!— она оллога илтижо қилиб, юзига фотиҳа тортди, опанг ҳам шу ерга келган, ундан кейин анави Зулпикороп деган каттанинг ўғли билан қизи ҳам шу ерда. Майли десанг бир лаҳзага кириб, кўриб кетишмоқчи.
 — Бирпас ёнимда ўтиринг ойижон, улар кейинроқ киришар. Келганлари учун раҳмат! Саломимни уларга ўзингиз айтиб қўяқолмайсизми?
 — Йўқ, болам, беш минутга киришсин. Мен ҳам ёнингдан жилмайман.
 — Майли.
 Ҳаммадан кейин, Нигора ёлғиз ўзи кирди.
 — Салом, Амир ака!
 — Э-э, Нигорахон, салом алайкум!— Амир оқ докага ўралган кесик оёғини чойшабга яширишга, осиб қўйилган тахтакачдаги, гипсдаги қўлини тортиб олишга ҳаракат қилиб, безовталана бошлади,— қисмат шундай экан...
 — Безовта бўлманг...— деди Нигора Амирнинг юзларига тикилиб. Кейин унинг ёнидаги стулга ўтирди.
 — Ўзингиз яхшимисиз? Дадангизлар? Ойингизлар? Ака, сингилингиз?..
 — Раҳмат! Ҳаммалари яхши. Сизга салом дейишди.
 — Саломат бўлишин! Мана, урушнинг оқибати! Мажруҳ бўлиб, четга чиқиб қолдик. Уруш ниҳоятда бешафқат...
 — Сиз ҳеч қачон четга чиқиб қолмайсиз! Сиз — қаҳрамонсиз!
 Амир кулди. Ўзини тутолмай кулди:
 — Мана, қаҳрамонлик!— у осифлиқ қўли, қирқилган оёғига бир қараб қўйди,— то'ичида бўлган жанг, портлашлар, отишмалар мени ўн метрча ерга улоқтириб ташлади... Қанча оғайниларим ўша ерда ҳалок бўлдилар... Э, урушни сўраманг...
 — Уша оғайниларингиз ҳам, сиз ҳам қаҳрамонсиз!
 — Ўз юртингни ҳимоя қилиб, шундай мажруҳ бўлсанг алам қилмас экан. Бировнинг юрти учун шундай бўлиш... чинакам фожиа!
 Нигора маънос ерга қаради. Бир дамдан кейин Амирга боқди:
 — Тарихда бундай жасоратли воқеалар кўп бўлган. Ўзга юрт озодлиги учун курашганлар чинакам қаҳрамонлардир.
 — Бу гапингиздан кейин мен туриб кетаман! Жуда мақтаб юбордингиз. Оғриқлар ҳам сезилмай қолди. Раҳмат! Тарихни ҳам яхши ўрганибсиз.
 — Сиз сабаб... Мен яна келаман...
 — Келинг, кутаман сизни. Бир инвалид одамни жуда хурсанд қилиб юбордингиз...
 Раҳмат!
 — Нима олиб келай, нимани яхши кўрасиз?
 — «Ухо-горло-нос» перашкасидан тўрт-бешта... Ҳа-ҳа-а-а... Уни жуда соғинибман. Бу ерда палов ҳам, манти ҳам, котлет ҳам берадилар. Руслар ҳам палов дамлашга уста бўлиб кетган. Мевалар етарлик. Аммо ўша ҳеч ким менсимайдиган перашкани соғинибман...
 — Албатта олиб келаман!— Нигора ҳам хаҳолаб кулди. Тўй дастурхонига кирмай, шу Амирнинг машинасида ўтириб, Бешёғочдан олиб келгани ўша перашкани еб ўтиргани ёдига тушди.
 Нигора Амир ёнидан кулимсираб чиқди. Унинг хурсанд чиққанини онаю опа, Бобургача сезишди. Амирнинг онасини, опасини яна ўша қадимий маҳаллага олиб бориб қўйиб, ўзлари уйларига қайтиб келишди.
 Орадан кўп ўтмай «Гулистон» журнали саҳифаларидан бирида Афғонистонда жанг қилган байналмилалчи солдатлардан ҳарбий касалхонада даволанаётган Амирнинг фотосурати чиқди.
 Бир оёғи йўқ, қаттиқ жароҳатланган Амир ўз каравотида ётарди...
 Бир ой ўтар-ўтмас: «Шу йигитнинг адресини ёзиб юборинглар, илтимос қиламиз...» деган мазмундаги катта-кичик хатлар ёғила бошлади. Мактуб муаллифлари ўзлари ҳақида маълумот, фотосуратларигача йўллаб, шу бир оёғини йўқотиб келган жасур йигит билан мактуб орқали алоқа қилишликлари хусусида гап қилишарди. Хатлар Лутфия, Маъсума, Малоҳат, Сокина, Турсунои, Фарида, Хурихон, Мукаррама, Марҳабо, Нодира, Назира, Ноила... сингарилардан. Гўзал исмлар, гўзал қизлар... Фотосурат орқали ҳам баъзан инсон қалбига кўз ташлаш мумкин эканлиги хатлардан маълум эди. Бу

гапга кўплар ишонмайди, лекин баъзи зийрак қизлар билан бўлган суҳбатда йигитга ачиниш, унинг юрак дардига малҳам бўлишдан ташқари, қандайдир бир олижаноблиги юзидан зоҳир, дейдилар. Уларнинг ҳаммаси Амирга умр йўлдоши бўлишга рози эдилар.

Шу орада Жамшидбек Зулфиқоров аралашуви билан Амирга буюрилган бир «оёқ» Минскдан битиб келди. Амир врач назоратида баъзан ҳассада, баъзан ўзи касалхона коридорида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Меҳрибонлик, тўғриси айтган-мўҳаббат изҳор этган хатлар кела бошлади. Амир ҳайрон, соғ юрганида қайрилиб қарамаганлар нечун энди у билан жуда ҳам қизиқишиб қолди? «Буни фаҳмлаш қийин эмас,— деди ўзига ўзи,— норасида гўдакнинг иситмаси чиқиб, йиғлағудай бўлса, фақат она эмас, ҳамма баробар ёрдам беришга интилади. Йигит кишининг яримга бўлиб қолганига ҳам шундай ачиниш пайдо бўлгани табиий». Лекин бу гап унча тўғри эмас, хат ёзган деярлик барча қизлар юрагида шу жасур йигитга нисбатан ғойибона муҳаббат алангаланарди.

Нигора бир ҳафтадан кейин саккиз тепкилик хон-атлас кўйлагини, бошига ироқи дўппи, оёғига қизил туфлисини кийиб, ўзбек гўзали бўлиб, ҳарбийлар касалхонасига кириб келди. Ҳамманинг кўзи унга маҳлиё. Қичиқ атлас ял-ял ёниб, ҳовлида ўтирган солдат йигитларнинг кўзини кўйдирарди. У ичкарига кириб, гимнастёркадаги Амирни бошлаб олиб чиқиб, ўз машинасига ўтқазди. Эски шаҳар — Ҳофиз Куйкий маҳалласи қайдасан деб, онаизор истиқболи сари йўл олишди...

Қирқ бешинчи ҳикоя

Илон ўчи

Нигора билан Амир ўртасидаги яқинликдан воқиб бўлиб, хасаду ўч алангасида қоврилиб, уларни зимдан кузатиб юрган Пошшахон бу ишлар анча аввалдан бошланганини пайқайди. Унинг илдизи чуқур эканидан саросимага тушиб, ич-ичидан куйиб кетди. Айни вақтда у бир сир бўлиб, уни хаёлот дарёсига ғарқ этди. Вақти-соати етиб, акам қамоқдан чиқиб келгач, Нигора ҳам бош эгиб эшигимизга келади деб юрган Пошшанинг хаёллари барбод бўлди. Умидли ўйлари сароб бўлиб чиқди. Оёғи куйган овуқдек, беҳаловат, бу ошиқ-маъшукликнинг пайдо бўлиш сирларини ахтара бошлади. Баъзан ўзига ўзи ишонмай, агар бу яқинлик илгаридан бошланган бўлса, нега у акамга тегди, деб ҳам ўйларди. Лабининг икки чети одатдагидек кўпириб, ҳиройи учрашувдан кейин қовоқлари салқиб, кўкариб кетадиган Пошшахон бу гаплардан дугонаси Ақиқани ҳам хабардор этди. Бир чора ўйлаб топ, деб Ақиқани зўрлади «Қирқ туяга юк бўладиган ишларингдан... наҳотки бир нимани эслаб, менга айтиб беролмасанг», деди фоҳиша дугонасига ёлвориб. Нигора шу лаҳза унинг ёнида бўлса-ю, қижимлаб ўлдирса! Зулфиқоровлар хонадони яна илгаригидай гуруллайдими, авж оладими, деб кўрқиб кетди ҳам...

Онасини ит қопиб ўлдириб, ака қамалиб, оила тўзилган бир паллада гўё «олижаноблик»ни қўлдан бермай, бу хонадонга келиб турадиган бўйни йўғон Эшонча ҳам дам Пошшахон, дам Ақиқа билан дон олишар, пулу кийим-кечак билан икковларини кўмиб ташлаган эди. «Биз юрмасак, бу ярамас тўнғиз билан барибир бошқаси юради» деган ўйда икки фоҳиша уни қўлдан чиқаришмасди. Пулини бегона қилмаслиги керак дейишарди... Ҳовлида, ичкари хонада баъзан ичкиликбозлик бўлганини, байтал билан айғирнинг ханғиллашларини Миёнхўжа амаки шундоқ эшитиб, сезиб ўтирар, лекин бир нима дея олмас, чунки тирикчилиги улар қўлида!

Кайфи бузуқ юрган Пошшахон Нигора воқеасини Эшончага, ундан сўнг ҳужрасида бир коса таомга эрталабдан илҳақ бўлиб ўтирадиган чолга шипшитиб қўйди. Миёнхўжа амаки парво қилмади. Аммо Эшонча, агар эвини топсанг ўшани алдаб меникига олиб кел, у ёғи ҳал бўлади, сенга бриллиант кўзлик узук берардим, деди. Пошша эътироз билдирди, бунинг иложи йўқ, деди. Эшонча билан Миёнхўжа амакининг иши йўқ, «Ҳа, бобой, саломатмисиз?» деб, тўрва халтадан эски газетага ўроғлиқ — орасига кабоб қўйилган кулчаларни узатар экан, чол илжайиб қўяр, у чиқиб кетиши билан апил-тапил нону этни кучи етганча чайнаб ютарди. Шундан кейин яна эски-тускини ямаш, кўрпа қавишга киришиб кетарди. Бу, қарилликда орттирган ҳунари. Пошшахон қари отага кўрпа қавиш, ямоқ-ясоқ ишларини буюриб кетарди, Миёнхўжа амакининг игнаю ипи доимо шай. Жуводдизу бигизи ҳам доимо тайёр турар, тегишли ерларга шикоят хати ёзишдан қўли бўшаганда кўрпа қавишга ўтирарди. Чойхонага чиқмас, одамларга қўшилмас эди. Маҳаллада бўлиб турадиган эрталлабки ялли ошга ҳам чиқмас, аслида уни тақлиф қилишмасди. Худони билмайдиган, жанозага бормайдиган бир махлуқни ким ҳам наҳорга ошга айтади! Умрида бирон марта қўлини фотиҳага очмаган. Ҳатто «қулф облоҳу аҳад...» га тили айланмайдиган Миёнхўжа қариганда хор бўлди. Париштаси йўқ, беҳосият кимса эрталабдан кечгача ўйда ўтирар, бир коса овқат берармиканлар деб кўзи Пошшахону ошхона эшигида.

Баъзан Пошшахон хизмат жойи — ресторандан қолган-қутган овқатларни аралаштириб, кострюлкада олиб келарди. Ярмини музхонага қўйиб, икки-уч кун чолга бериб турарди.

Пошшахон юрагини ғажиб ётган аламини яна такроран Ақиқага айтиб, бу жуда муҳим, деб чора излашни эслатди.

— Анави тўнғизнинг фикри нотўғри! — деди Пошшахон Ақиқа билан бирга ишдан қайтиб келатуриб йўлда.

— Ҳа, бу мумкин эмас, — деди Ақиқа.

Одам орқасида одам борлиги, бу асаблар чарчаши натижасида табиий бад олиш дардига мубтало кишиларнинг хадиксираши эмас, умуман дунёда ҳасад бор экан, соядек эргашиб юрадиган нимарсалар бор экани Жамшидбек Зулфиқоровга аён. Айниқса, унинг бошига иш тушиб, қамалиб чиққач, биринчи галда ўйлаб гапирадиган, эҳтиёткор, қадамни билиб босадиган бўлиб қолди.

Амир хонадони, умуман Амирнинг ўзи тўйни «Зарафшон» ресторанида ўтказишни мўлжаллаганда, бу, Зулфиқоровга унча ёқмади, у галги тўй шу ресторанда ўтиб, оқиба-ти яхши бўлмагани кўнглидан кечди. Лекин Амир шу жойни атайин танлади. Икки йил аввал шу ресторанининг цемент деворларига бошини уриб, ёш боладек нола қилгани асло эсидан чиқмасди. Йигит киши бекорга йиғламайди, ахир! Кейинчалик Нигора ҳам, Махбубахон ая ҳам, борингки Жамшидбек ака ҳам унинг иродасига қарши туришолмади. Бу фикрни асдойдил қувватлаганлардан бири Махбубахоннинг ўзи бўлди. Амир томонидаги баъзи кексалар тўйни маҳаллада қилайлик, ресторанда париштаси йўқ тўй бўлмасин дейишди. Уриш-жанжал бўлса нима қиламиз, деди пенсионерлардан бири. «Уриш-жанжал бўлмайди, — деди кексалардан яна бири, — ўзбек қаерга борса уриш чиқара беради демоқчи мисизлар! Йўқ, чиқмайди! Жаҳлу жанжалнинг тўқсон тўққизу юзда тўқсон фоизи — ҳасад, манманлик, ичиқораликдан чиқади. Бизнинг маҳаллада бундай одамлар йўқ!»

Дунёда мутлақ яхши одам йўқ, аини вақтда мутлақ ёмон одам ҳам йўқ. Яхшини ҳам баъзан ўртайдиган ёмон қилиқлари, ёмонни ҳам баъзан қувонтирадиган яхши томонлари бўлади. Инсон фаришта эмас, шунинг учун ҳам баъзан йўл қўйган хатоларимизни, худо ўзи кечирсин, демоқлик инсонийликдир. Ҳеч гуноҳ қилмаймиз деганимизда ҳам баъзан беихтиёр кўрмай бир чумолини босиб, мажақлаб кетамиз. У ҳам тишиди: ўз хонадонига дон ташиб кетаётган жонзод-ку! Бу — гуноҳ эмасми!

Тўй яқшанба куни соат еттига мўлжалланиб, таклифнома тарқатилган эди. «Кални-кига тўйга-е-е!» бўлиб, одам ёпирилиб кетди. Катта зал лиқ-лиқ тўлди, маҳалладан келган баъзилар «ўладиган дунёда ресторанини ҳам бир кўрайлик» деб, дўппи кийган азаматлар қаторлашиб келиша берди. Қачонгача ўз еримиздаги ресторан қўлини ювмайдиган исқирт олифталар макони бўлади! Қачонгача дўппию тўн киядиганлар «бадавий»лар дегандек қувилади! «Келаверинглар, махси-кавуш билан ҳам келаверинглар! Бошига дакани ўраган, белига мурсак боғлаган онахонлар, келаверинглар!» деди маҳалла оқсоқоли. Ресторан залига ҳўроз бўлиб, эски шаҳарнинг деярли ярми кўчиб чиқдимми, ҳаммаёқ одамга тўлиб кетди. Казо-казолар ҳам келди.

— Пашшага амал тегса бургут саломга келар эмиш, — деди бир хотин чақ-чақлаб, — бир инвалиднинг тўйига генерал ҳам келди-я! Ўзи яхши йигит-да, инсон яхши бўлса ҳамма келади.

— Йўқ, у анави Зулфиқоров учун келган, — деди ёнидаги семиз хотиннинг оғзи тинчимай.

— Анави юқорида ўтирган кал — академик эмиш-а, у ҳам келибди. Анави машҳур ёзувчи ҳам келибди...

— Ҳаммаси Зулфиқоров томонидагилар... Ҳаммалари отдан йиқилгандай кийинишибди. Пул топса ҳам ақл тополмаган тўпорилар ҳам бор. Улар эски шаҳарнинг «гуллари».

Қўшиқ, ўйин-кулги бошланиб кетди, оғзига ароғу коньяк теккан йигитчаларнинг «Вой-дод, раққосасига борман!» деган беибо қийқириқлари ҳам чиқа бошлади. Уларнинг кўзи ўша чиккабел раққосада.

Зиёфат авжда.

Узоқдан, залнинг нариги томонидан оққа ўралган келинни, келиштириб кийинган куёвни кузатиб турган Пошшахон бир хўрсиниб, ёнида турган Ақиқани туртди.

— Акамга текканда ҳам шундоқ чиройлик эди, бу ярамас! Ҳозир ҳам ўзгармабди.

— Ҳа, дарҳақиқат чиройли келин бўлибди.

— Мен унга «чиройли келин» бўлишни кўрсатиб қўяман! Менинг бу ерда ишлаётганимни улар билмайди. Ўзи, она-отаси ҳам мени кўришгани йўқ. Куёв бир марта кўрган. Бор, икки биллур қадаҳнинг пушти ранглигига ҳалиги нарсани солганман... Олиб чиқ! Патнисда бир неча рюмкаларда вино олиб бориб, келин-куёв олдидаги шампанскийни очиб, икки қадаҳга қўй. Лекин пушти ранглигини келин олдида қўй. Юзингни кўрсатмай, дарҳол орқанга қайт!

Ақиқа ароқ ичиб олган эди, у бўладиган воқеага тайёр, анча дадиллашиб, зиёфат тўрига — келин-куёв рўпарасига келиб, шампанскийни очди. Уни вижиллатиб қадаҳлар-

га тўкиб-тошириб қўйди. Пошшахон айтганидай қилди. Негадир оёғи қалтираб, дарҳол орқага қайтди. Пошшахон ёнига келиб, узининг титраб кетаётганини, қўрқаётганини айтди. Пошшахон унга дадил бўл, бу ерда ўн бешта официант аёл хизмат қилмоқда. Агар иш тескарисига олса, анави хўпоз официантни ушлаб, бериб юборамиз... У, латта... теримизни шилса ҳам бўйнимизга олмаймиз, деди муштимини қисиб.

— Девор тагида туриб, дағ-дағ титраётган Ақиқа икки кўзини келин-куёвдан узмас, кўнгли шу лаҳза югуриб бориб, пушти рангли қадахни олиб келсаммикин, деган хаёлга борарди. Йўқ, бундай қилса Пошшахон унинг терисига сомон тикади. Заҳар топиб келган Эшонча кечқурун уйга боргач уни бўғиб ўлдириши аниқ. Икки фоҳиша тишини-тишига қўйиб, узоқдан келин ва куёвни кузатишиб тураверишди. Ярим соат вақт ўтса ҳам на Нигора ва на Амир қадахларни қўлга олишмади. Уларнинг диққатини ўртага тушиб йўнаётган раққоса қамраб олган эди. Орадан кўп ўтмай, Нигора қадахга қўл узатди-да, у шампанский вино эканини сезиб, бошқа қадахдаги «Тошкент суви»ни лўқ-лўқ ичди. Нигора қўлида қадах кўрган Пошшахон билан Ақиқанинг юраклари гуп-гуп уриб, ҳозир томоша бўлади, деб туришган эди, йўқ, бўлмади. Улар безовталана бошлашди: бориб қадахни олиб келиш ёки бу ердан кетиш керамикан!

— Кетиш хавфли,— деди Пошшахон,— тўс-тўполон бўлса, биринчи галда қочганлар ушланади. Яхшиси чидам билан туриш керак! «Тулки менинг ўттиз икки найрангим бор, шулардан энг яхшиси пусиб ётиш», деган экан.

— Тўлкининг чиройли териси унга ўлим келтиради,— деди Ақиқа,— бу қанжиқ ҳали бизга ўлим келтирмаса яхши эди!

— Дадил бўл, Ақиқа! Ёмон гапларни тилиннга олма! Биз бундай қалтис ишларни биринчи қилибмизми? Хоинлик қилган Иноят бойваччанинг калласини узиб, пол тагига кўмиб юбордик-ку... Йигирма бешинчи асрда суяклари топилса керак. Мен у ярамасни йўқотишим кераклигини «ҳазрат»га айтганман, эвласанг майли, қилавер деганлар.

Ақиқа «тушундим» дегандек бош қимирлатиб қўйди.

Лекин улар зал охирида туриб, завқ билан шоҳ ташлаб йўнаётган машҳур раққосада эмас, оқ либосда яйраб, ўз қисматидан мамнун, баъзан-баъзан севиклиги — куёвга меҳр билан боқиб, ниманидир кулимсираб гапирётган келинда эди. Пошшахон ҳатто келин билан куёвнинг нима хусусида гаплашаётганини билишга ҳам интиларди. Афсус, улар узоқда, учинчи шахс билиши мумкин бўлмаган гапларни гаплашишарди. Деворга ёндоғорача тутиб, нариги хонадаги гапни эшита олган Пошшахон шуноққина зал четида бўлаётган гапни билолмаётганига диққат бўларди. Ресторан атрофида айланиб юрадиган шоп мўйловлик милиционерни ҳам Пошшахон билан Ақиқа «бир соатдан кейин борамиз...» деб, қўлига бир шиша коньяк бериб, аллақаяёққа жўнатишган. Шоп мўйлавлари Ақиқа бағрида ётиб, уларнинг ишончли кишиси бўлиб қолганини ўзи ҳам сезмай қолган эди.

Кўп уқубатлар кўриб, эзилган Маҳбубахон ўз қизи бахтини кўриб, шодликдан завқланиб ўтирарди. У баъзан оз-оз овқат ерди-ю, кўпроқ сув ичарди. Негадир кўнгли тусаб, Нигора олдида турган пушти рангли қадахни олди-да, кулимсираб ўтирган кизининг рухсати билан бир хўплади. Нигора онасининг шампан виноси ичаётганига кулди. Она бир қўлтурм билан чегараланмай қадахни охиригача ичиб, ялаб-юлаб қўйгандай бўлди. У винони сипқирди-ю, орадан бирон дақиқа ўтар-ўтмас кўзлари ола-кула бўлиб, ўтирган ерида гурсса ерга қулаб тушди. Заҳар ниҳоятда кучли экан, шу лаҳзанинг ўзидаёқ кўзлари очик мурдага айланди. Бирдан залдаги ўйин-кулги тўхтаб, ёмон, беўхшов жимлик чўкди. «Доктор чақирин керак! Врач!» деди титраб, бошидаги оқ уқани олиб ташлаб Нигора, Жамшидбек ака ерга чордана қуриб Маҳбубахон бошини тиззасига олди. Одамлар саросимада, Амир ердаги ҳассасини олиб, ошхонага официантлар тўдаси томон югурди. Қадахларни тўлдириб кетган қисик кўзли официантни қидира бошлади.

Тўй бузилди.

Одамлар саросимада тарқалиша бошлади. «Тез ёрдам» машинаси келди. Аллақаяёқдан пайдо бўлган шоп мўйловли милиционер ўшқирди: «Жиноятчини ушлаймиз! Уртоқлар, тарқалиб, уй-ўйингизга кетинглар! Эшикка «Тез ёрдам» машинаси келди, беморни даволаймиз!»

Тўй азага айланди.

Эртасига ҳовлига тумонот одам тўпланди. Жаноза...

Кўчадаги она тобути устига банорас паранжи, кўк духоба сўзана ёпилди, хотин-халажнинг қий-чуви ичида тобут уйдан олиб чиқилиб, азамат йигитлар елкасида қабрисдон томон йўл олди. Нигора белини боғлаган, қовоқлари йиғидан шишиб кетган, умуман довдираб, нима қилишини билмай қолган эди. Тобут олдида ҳасса ушлаб бораётган йигитлар орасида Бобурдан ташқари, Амир ҳам бор эди. «Жамшидбек акани худо яна қўш қўллаб урди,— деди одамлар,— энг яқин меҳрибонидан ажралиб қолди».

Уша куниеқ ресторандан чиқибоқ қочган Пошшахон билан Ақиқани уйдан тутиб олиб келишди. Тинимсиз сўроқ бошланди.

Ҳасратли кунлар келди. Нигоранинг кўзига уч кундан буён уйқу келмайди. Йиғисиғи... Тўйда аза... Оғир кунни Нигора билан Амир бошларидан кечирардилар. Жамшид-

бек ака фарзандлари билан бирга келган-кетганларни кузатиб, дарвозада турарди. Бу дунёнинг ҳеч қизиғи қолмагандек, қадрдонини тупроққа кўмиб келгач, бу дунёга бегонадек, қаёққадир ғойиб бўлиши лозимдек туюлди. Сумбати, суврати бору ўзи йўқ эди.

Уч кун уйқусизликдан кейин Нигоранинг кўзи илиниб, қотиб ухлаб қолди. У Хумсонда, дадасининг қадрдон ошнаси Ортиқбой ота ҳовлисида, кечки салқин дугоналари билан ишқом тагида, гилам устига жой солиб ухлаб ётишган эмиш. Онаси Маҳбубахон унинг тепасида парвона бўлиб юрган эмиш... Ҳовлида биланглаб, у ёқдан-бу ёққа қўзғалган илонни кетмон ушлаб қувлаётган йигитларга Ортиқбой ота билан Маҳбубахон: «Ҳой ўлдирманглар, ўзи кетиб қолади. Газандани ўлдирсаларинг жуфти қидириб келиб заҳар солади, тишлайди!».. дейишармиш.

Нигора чўчиб уйғониб кетди. Унинг ёнида ётган Амир далда берди:

— Икки-уч бор чўчидинг, азизам, ўзингни қўлга ол.

— Тушимда илон кўрибман... Чақаман деб ҳовлида юрибди.

— Чақди ўша илон бизни. Энди боши янчилади.

— Илонни ўлдирса бир ёмонлик келади дейишарди.

— Бундан ортиқ ҳам ёмонлик бўлиши мумкинми! Ахир у бегуноҳ онаизоримизни чақди-ку! Ҳамма илонларни, жонзодларни эмас, мана шу газанданинг бошини янчамиз! Токи жамият тоза бўлсин! Шаҳримиз ўғрилару фоҳишаларга, газандаларга тўлиб кетди. Улар ёпирилиб келмоқда, йўлини тўсиш керак!

— Менинг асабларим дабдала бўлди...— деди Нигора.

— Йўқ, азизам, иродалик бўлиш керак... Чидам ҳам керак, яшамоқ учун курашмоқ керак!

Тонг ёришаётир. Улар эру хотин гўзал хонада, чиройли, қора эман дарахтидан ясалган венгер каравотида, атлас кўрпалар ичра бир-бирларига тикилиб ётишарди. Вақт ўтувчан, бу хонада яқин орада чақалоқнинг йиғиси эшитилиб қолар, бечора Маҳбубахон неварга ингасини эшитармиканман, деб шунча йил кутган эди. Ниятига етолмади.


Деразадан офтоб партави атлас кўрпачалар узра тушди. Шифтга қараб ётган Нигоранинг кўзи каравотдан бир метрча юқорида осилиб турган ўргимчакка тушди. У эрини туртиб, ўргимчакни кўрсатди. Амир ўйлаб ўтирмай қўли билан ўргимчак ипини узиб юборди. Кичик ўргимчак гиламга тушиб, яна девор томон ўрмалаб, пилдираганча шифтга кўтарила кетди. Бир муддатдан кейин у яна шифтдан арғимчоқ ташлаб, каравот устида пайдо бўлди. Амир яна қўли билан унинг ипини узиб юборди. Ўргимчак яна пилдираганча девор томон юрди... Офтоб ёйилгунча Амир олти бор унинг ипини узди, олти бор яна у шифтга чиқиб, арғамчи ташлади. Еттинчи бор у ўргимчак ипини узмади, бу ишларни томоша қилиб ётган Нигорага қаради.

— Мана, ирода! Бир кичкина ўргимчакнинг ипини олти бор уздим, у олти бор шифтга кўтарилиб, арғамча солди. Етти бор узсам, етти бор шундай қилаверарди. Сизда шу кичкина жониворчалик ирода йўқми?! Туринг ўрнингиздан! Биз дабдала бўлганимиз йўқ, биз яшашимиз, курашимиз керак! Афғонистондаги бемаъни урушда оёғимни йўқотганимда шундай умидсизлик кўчасига кирган эдим. Чунки, бу хато уруш эди, биз димоғдор зўравонлар дабдала бўлиб қайтиб келдик. Узимиз уруш бошлаб, дабдала бўлдик, яна уларни қоралаймиз. Афғон уруши баҳодирлари деб ўзимизни ўзимиз мақтаймиз. Ё, тавба! Бу ишларга ўласанми, куясанми! Лекин мен умидсизликка тушмадим, ҳалиги ўргимчакка ўхшаган бир нарса менга ирода бағишлади. Бахтим бор экан, сени қайтадан топдим. Оналаримиз бизни кўриб, фотиҳа бердилар. Бу жуда муҳим, бу, менинг юрагимга далда беради.

У Нигорани эркалаб, ўпиб, ўрнидан турди. Тўхтаб қолган ҳаёт дарёси яна ўз йўлида оқаётгандай бўлди. Ҳа, ҳаёт давом этади, ҳақиқат ҳеч қачон ўлмайди!

Тамом

1986—1990 йиллар. Тошкент



Шеърлар



Мақсуд Бекжон



Ҳамма нарса
мансу
бу ерда

Тун

1

Тун шивирлайди.
Тун фақат шивирлайди.
Бойқуш қичқирғи қичқирқ эмас,
Туннинг сокингина шивирлашидир.
Тунги бақалар ҳам вақиллар экан,
Шивирлаётганин билмас ўзининг.
Сен ҳам беихтиёр шивирлай бошлайсан.
Оёқ учида юра бошлайсан ихтиёрсиз,
Гўё уйғотиб юборишдан қўрқасан
Қушдай мудраётган қўрқувни...

2

Юлдузлар ҳеч нарса эмас, ҳеч нарса...
Ҳатто расм эмас улар,
Игнанинг тешиги ҳам эмас ҳатто...
Менинг ғазабим қўзир,
Ғажиб ташлагудай ўқраяман юлдузларга,
Аммо ғажиб ҳам бўлмайди уларни.

3

Тун — паранжи ёпинган қиздир.
Унда ҳамма нарса сирли,
Ҳаммаси гўзал.
Тун — тасаввур учун яралган,
Ҳар ким тунни севса,
Ўз тасаввури қадар севади.

4

Шоир ўз маҳбубасини кутаркан тунда
Ерининг шарпасини сизди-ю, бирдан
Таъби хира бўлди,
Руҳи сўнги чўғдай сўнди тўсатдан,
Чунки унинг севиклиси, вафодор ёри
«Тун қўйнидан» келарди чиқиб.

5

Тун юқмайди бизга...

Шоирнинг ўлими

1

Мен — марҳумман.
Кўникиб улгурмадим ҳали бу янги ҳолатга.
Энг муайян сезги — ҳароратсизлик.
Ҳозир мен, мабодо, қабул қилишса,
Иштирокиюнлар фирқасига
Намунали аъзо бўлардим.

Ўйим тўла меҳмон,
Ўйим тўла Сўз,
Ҳамдардлик билдиргани келишган улар;
Бири қари тутдай қадрдон, маъюс,
Бири бойўғлидай камгап, ҳурпайган,
Бири-чи, ғазабнок, омадсиз касдай,
Бирининг юзидан томади заҳар,
Аммо бари самимийдир,
Бари очиқ юз,
Ҳатто шодлигин ҳам яширмайди баъзилари.

Мен ўз яқинларимни излайман Сўзлар ичидан,
Мана,
Мана, уларнинг қадрдон юзлари
Уларнинг ярмидан кўпроғи — феълдир.
Мени «феълинг курсин» деб сўкишганида,
Мана шу феълларни назарда тутишган.

Мен ётибман,
«Ҳиссиётга берилмай»,
Рисолада ёзилганидай.

2

Мен ўлдим.
Аммо,
Биронта ҳам тилсим очилгани йўқ.
Мен шунчаки ўлдим, холос...
Ўлим шунчалар оддий эдики,
Кундалик ташвишларнинг биттасини ҳам
Тарк этолмадим.
Фақат: тириклигимда ташвишлар мени қуварди,
Ўлгач, мен ташвишни қува бошладим.

3

Бу товушлар
Яна неларнидир англата бошласайди,
Уларни айта туриб,
Кўкармоқ мумкин бўлсайди яна, ургандай,
Ёки мурч мисоли қизара бошласайдинг, аввалгидай,
Сўзларни айта туриб,
Дунё қоронғу бўлиб кўринсайди кўзингга,
Ёки
Пардай енгил сезсанг эди ўзингни,
Сўзни қўлга олиб,
Кафтга қўндириб,
Томоша қилмоқ имкони бўлсайди, бурунгидай...

4

Мени дафн қилишда қатнашаётган Сўзларнинг
Деярли бариси таниш.
Маъракага йиғилган сўзларнинг бари
Бир пайтлар менинг хизматимда бўлган,
Улар бугун мени кўмар эканлар,

Уша даврларни эслаётган бўлишса, ажабмас.
Балки, нафрат билан,
Мен уларни бажаришга мажбур қилган
Қора юмушлар ҳақида ўйлашаётгандир.

5

Ўз шеъримга дафн этишди мени,
Мен умр бўйи танлаган чўяндай сўзлар
Мақбара тошига айланди бугун.
Бу зилдай сўзларнинг остидан
Мен чиқа олмайман ҳеч қачон.

* * *

Мен сўзларнинг тартибсиз оқими ҳақида орзу қиламан.
Сўзлар эса ҳаддан ташқари тартибли, одобли:
томдан тараша тушгандай айтилган ягона хитоб ҳам, томдан
ташланган мушук каби тўрт оёғи билан ерга тушади;
кўксимда ёввойи одам каби ҳайқириш истаги бор, аммо бу
ҳайқириқ биронта сўзга айланиб кетишидан қўрқиб,
ҳайқирмайман;
фақат унли товушлардан иборат шеър ёзгим келади,
аммо бордию, бу шеър бўрининг увиллаши ёки бошқа
биронта
жонзотнинг чинқириғига ўхшаб қолса-чи?...
Сўз ўзининг «маданий»лиги билан инсонни ҳалокатга олиб келади...

Ҳаққоний туш бер, тангрим!

Тушларимда, тангрим вужуд ато эт,
Токи, тонгги туман каби кетмайин тарқаб.
Бу вужудда, токи, душман душманлигини,
Дўстлар эса, дўстлигини этсин намоён.
Бир вужуд бер менга, тангрим, босинқирасам,
Уятли бир вазнсизлик тарк этсин мени.
Мен заминни сезай зилдай пошнам остида,
Баъзан эса душманнинг кундадай бошин.
Алаҳласам, менга, тангрим, вужуд эт ато,
Токи, сезай унда қоним кўпиришини,
Ўвимга ҳам бир вужуд бер, эй парвардигор,
Ҳанжар санчса, арзигулик муқим бир вужуд.

Куз

Куз ивирсир...
Куздан-да ивирсиқ фасл йўқ.
Қайларгадир отланаётган мўл-кўл мевалар-у,
Сабзавотлардан
Ажиб бир Муваққатлик уфурар...
Куз ивирсир экан,
Барча меҳмондай сезади ўзини...
Биронта ҳам мезбон йўқ.

* * *

Қишлоқ — мангулик қаръига чўкиб ётган тош.
Бу ерда замон йўқ,
Макон бор, холос.
Бу ерда ҳамма нарса мангу:
Асрлик гужумлар,
Эгри-бугри тутлар,
Ўртанган замин...
Ҳатто,
Одамлар юзида тош қотган ифода ҳам —
Мангу!



Исмат Худоёр

НИДО БЕРСАМ САДОЛАР КЕЛМАС

* * *

Мени излаб келар гоҳо шамоллар,
Мен ҳали сен каби сарғарганим йўқ.
Шўҳ, шодмон наволар бағрига чорлар,
Мен ҳали шамолни ахтарганим йўқ.

Симиллаб оғрийди кўксимда тошим,
Соҳиллар — девона, дарёлар — суқун.
Тун такбир келтирар,—
Сиёҳранг шомим,
Самолар ёруғдир, юлдузлар бутун.

Мен марқад ахтардим шамолзор ердан,
Сен қай бир ниятда тўкилдинг, хазон?
Бошимга суллоҳлар бостириб келган,
Мен қачон яшадим, туғилдим, қачон?!.

Чўл чизгилари

... Ҳайитга чоғланган юлғунлар сархуш,
Қум-тўзон, гирдибод,
ҳансирар самум.
Нортуя юртида
илк бор кўрар туш,
Чўл чийиллар:
«Киндик қоним менинг — кум!..»

Саҳрода рўй берган гўё инқилоб,
Чўл — юз йигирма беш
йил ётган маҳбус.
Саксовул қовжираб ҳайқирав,
Офтоб —
Оғзидан талқонни тупурган маъбуд.

Жонворлар жон бериб излар ўзини,
Тун чўқар оҳиста — шабистони гунг.
Дарё қовурғасин синдирган тошлар, —
Тек қотган айиқдек
гўл томошабин.

Тўрт чоғли одамга замин келиб танг,
Қаёққа қочмоқда яна сақлаб жон.
Бақрайиб ортидан тикилар ҳанг-манг,
Кўзлари саҳродай
қисилган деҳқон.

Бир кафт тупроғига жонини тиккан,
Саҳрога сочилган
саҳройи эллар,
Сизни олиб бундан
кетмоқчи бўлган
Қиличнинг дамидай хавфлидир йўллар...

Хотира ҳукми

1

Қоп-қора арвоҳдай келаётир тун —
Садосиз, садосиз, садосиз бўшлиқ.
Асрлар қаърида синоат — тугун —
Садосиз, садосиз, садосиз кўшиқ.

2

...Едини унутди — урди сўнг қарғиш —
Осмон сазо қилди остонасидан.
Ой энди элидан Мосуво дарвиш —
Ҳайдалган юлдузлар кошонасидан.

Йўллар нуқтаси

Хазонларга дардингни айтма,
Дардманд қалбинг чекса ҳам озор.
Шамол кетган йўллардан қайтма,
Соҳилларнинг манзилига бор.

Сўқмоқларнинг дийдаси қотган,
Кўравериб шўрлик ҳолини.
Қуёш бевақт заминга ботган —
Гўё кетган дунёдан нолиб.

Ҳаёт шафқат тиламас кимга,
Ким даъвогар киймоқликка тож
Бўлса агар унинг кўнглига
Тупроғидан майда қилиб соч.

Қўшиқларнинг мангу авжида
Ҳақ дунёни кўрдим ногаҳон —
Тушмиди ё ўнгим,
келарди
Дунё тобут ичра оҳ, осмон!

Яланғочман. Мен кимман асли,
Нима ҳам бор мендан қолгулик?!
Олиб кетди
не ўтди бари,
Бори бошга савдо солгулик.

Қовурғамнинг етти буржида
Етти пуштим менинг кўмилган.
Не кўргилик, етти еридан
Етти марта чуқур ўйилган?!

Учиб борар қушлар галаси
Мозий юртнинг элчиларидай,—
Чалинганда мунгли бир саси
Менинг кўнглим кўчаларида.

Тушларимга кирар безовта
Тинч ётмаган момом арвоҳи.
Бошин чайқаб қўяди аста
Қайга етар, оҳ, менинг оҳим?!

Мен адашдим қайларда яна,
Тентирадим қайларда бесар?!
Мендан безган томирларимда
Оҳ, кимларнинг қонлари кезар.

Ортада қолган онам йиғлайди,
«Болам, кетдинг хавфу хатарга!..»
Она, ахир, нечук яратдинг
Ярамасам сўнги сафарга?!

Йўқ. Сўзларим меники эмас,
Ҳали ўзим англолганим йўқ.
Нидо берсам
садолар келмас,
Ўз-ўзимга отаяпман ўқ!..



Холдор Вулқон

ЁҒДУ — ёнаётган
қуёш нурлари

Изтироб

Қайтмас онларимни қўйнига солиб,
Соғинч остонага келдию яна,
Чексиз хаёлларга тор бўлиб қолиб,
Мени ташқарига ҳайдади хона.

Соғинчни етаклаб мунғайиб кездим,
Ёр изи яширинган тор кўчаларда.
Кўрмасдан севгининг қабрини эздим,
Сўнг унсиз йиғладим зор кўчаларда.

Теракзор — маъюслик, мунглик ётоғи,
Қаҳрли елларга тортаркан шона,
Изғириндан қақшаб тонг саҳар чоғи
Адаштириб қайтдим соғинчни яна.

Безовта қушлар

Дарахтларнинг сўнги баргларин чилпиб,
Шивир-шивир қилиб ёмғир севалар.
Шохларда қорайиб кўринар тўп-тўп,
Қора қишга қолиб кетган мевалар.

Ҳорғин туманларнинг қўйнидан чиқиб,
Юзлари маҳсидек тиришган жусса.
Силтаркан, дарахтнинг белидан сиқиб,
Мунгли кўзларига қуйилди ғусса.

Чунки дарахт шохи силкинган чоғда,
«Гурр» этиб осмонга учди мевалар.
Қайғуларга тўлган, қунишган боғда
Шивир-шивир қилиб ёмғир севалар.

Файзулла Хўжаев

Кўксим аро бир банди ҳар кун
Девор тепиб, дақиқа санар,
Кўзёш қилмай, мағрур ютиб хун,
Озодликнинг ишқида ёнар.

У тинмасдан муштлайди девор,
Қон тупуриб, қирмизи, пушти,
«Эрк!» деб ёзиб қип-қизил шиор,
«Рот-фронт!» деб тугилар мушти.

Чаккасидан қизил қон сизиб,
Тепаверар, эшик эса берк.
Охир портлаб, деворни бузиб
Чиққандан сўнг, уни кучар эрк!

Макр

Юрибман осмонни бошимга кийиб,
Жосусдек эргашган кўланкам соқов.
Заҳил юзларига табассум ийиб
Менга термулади оймома мохов.

У сахий султондек жилмаяр мағрур,
Бошимдан сочгандек тиллоларини
Уни мақтолмайман, виждоним оғрир,
Биламан мен унинг ҳийлаларини.

Уни гўзалларга айлабдур қиёс,
Каззоб шоирларнинг сохта шеърлари,
Ой — совуқ қоронғи сайёра холос,
Ёғду — ёнаётган куёш нурлари.


Баҳор

Олов қамчи билан савалайвериб,
Чақмоқ булутларни титиб юборди.
Ёмғир томчиларин битталаб териб,
Чанқаб қолган дала ютиб юборди.

Бир қиз қоматига бу илк ёмғирдан,
Намиққан кўйлаги ёпишди чиппа,
Беҳад оғир юкка айланди бирдан,
Ёрнинг мактубини яширган липпа.

Андижон





Фарҳод Мусажон

Қисса¹

Кўнгли очиқнинг, йўли очиқ

Қоқ пешин, жазирама.

Бепоён ва бефайз дашт мудрайди. Ернинг бети тарам-тарам бўлиб ёрилиб ётибди. Онда-сонда дайди шамол туриб, чанг-тўзон кўтарилади. Шу тақир бўйлаб катта қарвон келарди. Савдогарлар қарвони эди бу ва унда ўндан ортиқ туя бор эди. Ҳаммасига қанор, сандиқ ва қутилар ортилганди. Отлиқлар атиги уч нафар, биттаси қуролли қароқчи, иккинчиси табиб, учинчиси қарвонбоши эди.

Қарвонда қароқчининг борлиги асло ғайритабиий ҳол эмасди. Сабаби қароқчилар воҳаларни бўлиб олишган ва ҳар қайсиси ўз маҳрига тушган ерлардагина қароқчилик қилишга ҳақли эди. Шу шартни бузган қароқчининг шўри қурирди. Қароқчилар, табиийки, қарвонларни талаб, кун кўрардилар. Бордию қарвонбоши устарақ бўлса, улар билан келишиб ҳақ тўларди. Қароқчилар битта вакил қўшиб, ўз чегараларидан қарвонни эсон-омон ўтказиб кўярдилар.

Бундан ташқари, қарвоннинг ўзидан ҳам галма-галдан битта одам соқчилик вазифасини ўтар, йўлни кузатиб, олдинда пайдо бўладиган хавфдан огоҳ қилиб турарди. Бу қарвоннинг сорбони неча йиллардан бери ўлкама-ўлка кезар ва тадбиркорлиги туфайли ҳар доим бойлигига бойлик қўшиб келарди.

Қарвон энди дам олишга тўхтамоқчи бўлиб турганида, навбатчи соқчи хунук хабар келтирди:

— Тақсир, назаримда, кўзимга одам жасади кўрингандек бўлди. Ҳўв, ўнгда, ярим чақиримча нарида ётибди.

Қарвонбоши билан табиб отларини ўнгга буриб, соқчи кўрсатган томонга кетдилар ва етиб бориб, ерда ётган, бошига қоп кийгизилган одамни кўрдилар. Шошиб бошидан қопни ечдилар, оёқ-қўлини кишандан бўшатдилар. Табиб ҳушсиз ётган одамга сув ичирди.

Биров фурсатдан сўнг, у аранг кўзини очди.

— Кимсизлар? — деб сўради чўчиб.

— Биз савдогарлар,— деди қарвонбоши.

Сорбон гапни чўзиб, уни қийнаб ўтирмади. Яна ҳушидан кетганини кўриб аввало унга кўмаклашиш керак, деган қарорга келди.

— Жой тайёрланглар,— деди сорбон яқинларига,— қарвон дам олади.

Ҳамманинг тайинли юмуши бор эди. Биров чодир қурди, биров овқатга уннади, биров от ва туяларга сув ва ем бера бошлади.

Кечга томон Нурали анча ўзига келди. Қараса, юмшоқ кўрпачада ётибди. Беихтиёр қаршисидаги оппоқ салла ўраган хушқомат ва келишган одамга миннатдорчилик билдирди.

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда

— Янглишмасам, буюк саховат кўрсатиб менга қайта умр бағишлаган валломат сиз бўласиз.

— Оширвордингиз, биз савоб иш қилдик, холос. Табибимиз Мансур ҳақимнинг қўллари енгил.

— Халоскорларим билан яқинроқ танишсам бўладими?

— Бемалол, биродари азиз, мен бозоргонман. Булар савдогарлар,— карвонбоши ҳилолим сўзларди.— Аслида, биз жаҳонгашта одамлармиз, сайру саёҳатни севамиз. Чиндан тортиб то Жазоиргача борганмиз. Бу Афғону Эроу Мисру — барини кезиб чиққанмиз. Кўрганларимизнинг энг манзур ва маъқулини ўз юртимизга келтирамиз. Энди малол келмаса, ўзлари кимликларини айтсалар. Не савдолар билан бу чўлу биёбонда ёлғиз қолдингиз? Қайси гуноҳингиз учун оёғингизга кишан урдилар?

Нурали бошидан кечган воқеаларни оқизмай-томизмай ҳикоя қилиб берди. Сорбон диққат билан тинглади, Нурали ҳикоясини тугатгандан кейин ҳам аллақанча фурсат воқеалар гирдобидан қутулолмагандек паришон ўтирди.

— Ишқилиб, сизни толиқтириб қўймадимми? — хавотирланди Нурали.

— Асло, асло,— сорбон сесканиб ўзига келди.— Оғир кулфат тушибди бошингизга. Аммо худо хоҳласа, ишингиз ўнгидан келиб, ёрингиз васлига етгайсиз.

— Иншооллох,— таъзим қилди Нурали,— айтганингиз келсин.

Шу аснода карвон бақовули келиб, овқат тайёр бўлганини маълум қилди.

— Энди бундай, биродари азиз, бу кеч бизнинг меҳмонимиз бўласиз. Яхшилаб ҳордиқ чиқариб, сахар йўлга тушасиз,— сорбоннинг овозида илтижодан кўра қатъият кўпроқ эди.

— Раҳмат. Очиғини айтсам, ҳозир йўлга тушишга мадорим ҳам йўқ,— тан олди Нурали.

— Қўрқманг. Табибимиз эрталабгача сизни қиличдек қилиб оёққа турғизади,— жилмайди сорбон.

— Шу ондан эътиборан тақдиримни ҳам, ихтиёримни ҳам сизларнинг қўлингизга топширдим,— ҳазиллашди Нурали.

Шундан кейин ҳамсуҳбатлар тамадди қилишга киришдилар.

...Офтобнинг кўзи эндигина кўринаётганига қарамай савдогарлар аллақачон оёққа турган, йўлга отланишмоқда эди. Одатда, карвон тонг-сахарда йўлга тушиб, куёш тикка елгунча йўл юради. Сунг дамга тўхтайди. Кечки салқин тушиши билан яна сафарга отланади. Бу одат қонунга айланган ва уни ҳеч ким, ҳеч қандай фавқулодда ҳодиса ҳам бузолмасди. Карвонда яна битта одат бор эди, ҳеч ким ҳеч қачон шошилмасди, бир маромда иш қилиб, бир маромда йўл босарди. Акс ҳолда, узоқ йўл тинкани курутиб қўйишини ҳамма тушунарди.

Карвон сафарга ҳозирлик кўриб бўлганидан кейин сорбон битта саман отни жилловидан тутиб, Нуралига яқинлашди.

— Афсус, йўлимиз бир эмас экан,— деди у.— Манзилга яёв етишингиз мушкул бўлади. Шундоқ экан, манавини миниб кетинг. Сизга омад тилайман.

Олдинига Нурали ҳангу манг бўлиб қолди, бироқ ёлғондан ноз қилиб ўтирмай отни олди.

— Қулуқ, кўп танти одам экансиз,— юракдан ташаккур изҳор этди.— Яхшилигингиз мenden қайтмаса, оллоҳдан қайтсин.

Карвонбоши Нуралининг елкасига қоқди.

— Омон бўлинг, ҳофиз. Тангри сизга ёр бўлсин ва ўз паноҳида асрасин.

Сорбон билан Нурали эски қадрдонлардек қуюқ хайрлашдилар.

Нурали навкарлар кетидан икки кечаю икки кундуз от сурди. Бироқ етолмади. Барибир суръатни сусайтирмади. Пойтахтга қанча тез етиб борса, шунча яхши. Акс ҳолда, Зубайданинг тақдири нима бўлиши номаълум. Учинчи куни кечга яқин пойтахтга етиб борди. Шаҳар дарбозаси ёнида ўша ўзига таниш кўккўз соқчига йўлиқди. Соқчи гўё уни танимагандек йўлини тўсди.

— Ҳа, ошна, мени дарров унутдингми? Мен ўша хонандалар мусобақасида қатнашган ҳофизман, мана, шоҳнинг ҳадяси,— Нурали жавоҳир кўзли узукни кўрсатди.

— Сени унутганим йўқ, ҳофиз. Лекин, минг афсуски, бугун эрталаб шохдан махсус буйруқ келди. Шаҳарга ҳеч ким қўйилмасин, деган топшириқ бор.

Нурали ўйланиб қолди.

— Ҳеч иложи йўқми?

— Йўқ, қўйсак, бошимиз кетади.

Бироқ Нурали ўзини йўқотиб қўймади.

— Бундай қилсак-чи,— деди у,— шоҳга чопар юборамиз, қабул қилишга рози бўлса, киритасан. Бўлмаса, ўзимдан кўраман.

— Майли, толеингни синаб кўр, ҳофиз,— кўккўз шерикларидан бирини шоҳ ҳузурига жўнатди.

Азобли кутиш дамлари бошланди. Нуралининг юрагига ғулғула тушиб, Зубайдасини ўйлар, ҳар дақиқа ғаниматлигини сезиб, тоқатсизланар эди. Ахир Зубайданинг тақдири қил устида турибди. Ҳарамга тушгунча ёки бирор вилоят бекига тортиқ қилиб

юборилгунича шоҳга учраши даркор. У соқчини ўз ҳолига қўймай, дам-бадам сўроққа тутарди. Нега шу чоққача чопардан дарак йўқ? Тобакай кутамиз?

Тоқати тугаган малласоч соқчи охири жеркиб берди:

— Машҳур ҳофиз бўлганинг билан кўп лақма йигит экансан! Шоҳ қачон арз билан келганларни яқинига йўлатибдики, сени тингларкан? Иннайкейин, шоҳлар ўла қолса, ўз фармонларини бузмайдилар.

Нурали номи элнинг оғзига тушиб, бир қадар эрка бўлиб қолгани учун гоҳида сазда тутакиб кетарди.

— Нега бўлмаса мени лақиллатиб, шоҳга чопар йўлладинг?

— Бу гап ўзингдан чикди-ку,— шанғиллади соқчи.— Сазаси ўлмасин, бахтидан кўрсин, деб рози бўлгандим.

Нурали дарров ҳовуридан туша қолди. Дарҳақиқат, соқчи унга кўмаклашмоқчи, бақириб нима қилади. У ерга чўкди, иккала тиззасини қучоқлаганча ўтириб қолди.

Қанча ўтирганини билмайди, бир маҳал олисдан от дупури эшитилди. У илдам туриб, дарбозага яқинлашди. Аммо соқчи отдан тушар-тушмас, «бўлмади» дегандек бош чайқади.

— Нима, йўқ дейишдимми?

— Жоним омон қолганига шуқр қиялпман,— деди соқчи.— Сенмисан фармони олийни бузмоқчи бўлган, деб...

Нурали сўкиниб ортига қайтди. Энди нима қилди? Аммо у чекинишни йўла-масди ҳам. Қандай бўлмасин, бу машъум тўғонни — темир дарбозани забт этиши керак. Ниҳоят, яна малласочга юзланди.

— Биродар, мени тириклийн ўлдирма. Бу ерда без териб ўтирганимдан нима фойда? Хоҳласанг, найзангни санч, ярадор қил. Тутолмадик, қочди, дейсан. Фақат қўйиб юбор.

Малласоч истеҳзоли илжайди.

— Соқчиларнинг қўлидан ҳали ҳеч ким қочиб қутулмаган. Негаки, ҳар ярим чақиримда соқчи бор. Агар қуш бўлиб учган тақдирингда ҳам, барибир шоҳ ҳузурига киролмайсан. Хом ҳаёлни қўй!

Нурали ночор аҳволга тушиб қолди.

— Нима қил, дейсан, бўлмаса?!

Малласоч соқчи иягини қашиди.

— Сен сўрамасанг ҳам бош қотиряпмиз. Аммо миямизга бирор дурустроқ фикр келмаяпти.

— Бош қотирганингни фойдаси йўқ,— новча соқчи аскияга ишқибозлардан экан, қизиқчилик қилди,— бўш қовоқнинг ичидан нима ҳам чиқарди, дейсан? Ундан кўра Тиркаш бобога учрайлик. Қари билганини пари билмас, дейдилар.

Бу тақлиф ҳаммаларига маъқул тушди.

Тиркаш бобо қўйи маҳалладаги мадраса ҳужраларидан бирида истиқомат қиларди. Шаҳар аҳлининг кўпчилиги уни тарки дунё қилган дарвеш сифатида билар, аммо унинг аянчли қисматидан камдан-кам одам воқиф эди. Чол ёшлигида кўримсизгина йигит эди. Одатда, шунақа бўшангларнинг ови юради. Тиркашга ҳам омад кулиб боқиб, отаси узоқ бир қишлоқдаги кулол ошнанинг Жамила исмли қизини олиб берди. Тиркаш қайлиғини биринчи бор чимилдиқда кўриб, ҳушидан айрилай деди, шу қадар сулув эди у.

Гоҳида Тиркаш тун билан хотинининг ҳуснига тикилиб чиқиб ҳам тўймасди. Кундузлари ҳам фикри-ёди унда бўларди. У отаси билан кичкина устахонада тери ошлаб, этик тикарди. Иш тугаши билан уйига, гўзал хотини қошига чопарди.

Бошига қўнган бахт қуши омонатга ўхшаб, ҳамиша таҳлика ва хавотирда яшарди. Худди хотининг биров тортиб олаётгандек туюлаверарди. Жамила эса, шаддод ва мағрур эди, мутелик нима билмасди.

Бир йил деганда у қизалоқ туғиб берди. Тиркаш фарзанд кўргандан кейин баттар таҳликага тушиб қолди. Чунки Жамила янада тўлишиб, очилиб кетди. Уни тасодифан кўча-кўйда ёки тўй-ҳашамда кўрганлар кўз узолмай маҳлиё бўлиб қолар эдилар.

Хуллас, Тиркаш даҳшатли фожияни кутиб яшарди. Ва фожиа юз берди. Тиркашнинг Мардонбек деган қўшниси бор эди. Хўб келишган, хушрўй йигит эди у. Устига устак эпчил ва моҳир чавандоз эди. Шоҳ отчопар уюштирганида у ҳамиша биринчиликни оларди, наврўз сайилларида эса, улоқ доим унда кетарди. Бир куни кечга томон Мардон отда келаётинг кўзи икки пақир сув кўтарган сулувга тушдио тинчини йўқотди. Шамолда жувоннинг рўмоли бошидан елкасига тушган, юзи очик эди. Мардон жувоннинг ҳуснига маҳлиё бўлиб тураркан, Жамила тўхтаб, пақирларини ерга қўйди, рўмолини бошига танғиб, юзини беркитдию сирли кулиб қўйганча, йўлида давом этаверди. Шу-шу Мардон унинг йўлини пойлайдиган бўлди ва бир ҳафтадан кейин куппакундуз куни сувга чиққан аёлни отига ўнгариб қочди.

Бу шум хабар яшин тезлигида бутун маҳаллага тарқади. Тиркаш қози ёки миршаб қилиб ўтирмади, тўғри саройга, шоҳ ҳузурига югурди. Олий ҳазратнинг ўшанда айтган сўзлари ҳанузгача Тиркашнинг қулоқлари остида жаранглайди.

— Боравер уйингга, эй худонинг банди бечораси,— деганди олампаҳо,— ҳози-

роқ тўрт нафар суворий ул олчоқни қидириб топгани йўлга чиқади. Бири мағрибга, бири машриққа, бошқаси шимолга, яна бошқаси жанубга қараб от суради. Уларнинг тулпорлари қушдек учқур. Иншооллоҳ, эрталабгача имонсиз хотинбозни қўлга тушургайлар.

Соддадил Тиркаш шоҳ нечун бунчалик ҳозиржавоблик билан унга кўмаклашишга рози бўлганининг боисини тушуниб етолмади. Аслида, сабаби жўн ва оддий эди. Ғўзал ўғирланиши фавқулудда ҳодиса. Демак, жувон ростдан ҳам сулув бўлмоғи керак.

Шоҳнинг яна бир пинҳона режаси бор эди. Қочоқ тутиб келинса, фуқаросига кўрсатган илтифоти эвазига аёлни тонггача саройда олиб қолади. У ғўзал аёлларни яхши кўрарди, кўзига кўринганини тинч қўймасди. Энди ўттизга кирганига қарамай иккита хотини бор, бироқ ҳанузгача фарзанди йўқ эди. Ҳа, маишатга ўч эди у. Бинобарин, Тиркашнинг илтимосини армуғондек қабул этди.

Битта отда икки киши узоққа қоча олармиди?! Мағриб томонга от сурган суворий ўша куниёқ Мардонни тутиб, саройга келтирди. Ярим кеча бўлишига қарамай, шоҳ аёлни кўришни ихтиёр этди. Кўрдию ҳуши бошидан учди, ечинтириб кўриб эса, ақлдан озаёзди... Кейин улар узоқ суҳбат қурдилар.

Ярим тунда тутқин сифатида кетирилган аёл эрталаб сарой бекаси бўлиб уйғонди. Шоҳ уни ўзига учинчи хотин қилиб олди. Жамила саҳар туриб, ўз мулкани кўздан кечи-раётган одамдек саройни мағрур айланди. Шоҳнинг иккита катта хотини «ким бўлди бу ялангоёқ», деб исён кўтаришга уриниб улгурмадилар. Унинг ҳуснини кўришлари ян-ноқ кундошлар таслим бўла қолдилар. Шу тариқа ғўзал аёл бир кундаёқ ҳоким устидан ҳокима бўлиб қолди.

Шоҳдан дарак кутиб, кўча эшикдан кўз узмай ўтирган Тиркаш икки кун чидади, учинчи кун юраги тарс ёрилай деди. Хабар олиш учун саройга йўл олди.

Йўқ, шоҳ уни қувиб юбормади. Тентак ва жоҳил одамгина бундай разилликка қодир. Жамики инсон, ҳатто шоҳлар ҳам халқ орасида яхши ном орттиришни истайдилар. Шу туйғули шоҳ ҳийла ишлатди.

У Тиркашни ўз ҳузурига чорлаб, ҳурмат билан қарши олди.

— Биз хотин ўғирисига тегишли жазо бердик. Бундан буён ҳам юртимизда шарият қонунларини бузувчилар, албатта, ўз жазосини топгай,— вазмин деди у.— Энди сизнинг масалангизга келсак, назаримизда аёлингизнинг ўзида ҳам у номаҳрам билан қочиб кетишга мойиллик бўлган. Демакким, сиздан озгина кўнгли тўлмаган жойи бўлиши мумкин. Шунинг учун аёлингизни синаб кўрсак. Агар кўнгли сизда бўлса — у бўлак гап.

Тиркашнинг боши айланиб, ғувуллаш бошлади. Гарчи, олампаҳоқ ўзини хайрихоҳ ва меҳрибон қилиб кўрсатаётган бўлса-да, даҳшатли гапларни айтарди.

— Нима дейсиз, розимисиз?

Қандай синов, ким синайди, Тиркаш билмасди. Алаҳсираётган одамдек каловланиб, шоҳга термулиб тураверди.

— Аёл зоти ҳеч қачон фалон эркакдан фалон эркакни афзал кўраман, деб айтмайди. Ҳамияти йўл қўймайди. Аммо, эркак киши хотинининг ундан кўнгли тўлмаган жиҳатлари борлигини била туриб, бирга яшайвериши адолатдан эмас. Тўғрими?

Тиркаш бояқиш қандай бош силкиб, шоҳнинг гапини маъқуллаганини ўзи сезмай қолди.

— Шундоқ экан, аёлингизнинг сизда кўнгли борми-йўқлигини пинҳона синаб кўраман.

Тиркашга бу гапларни эшитиш азоб эди, бунга тезроқ чек қўйиш учун ҳам у ҳар қандай шартга рози эди.

— Бўлмаса бундоқ қилсак, икки эркак ўртасида бирор мусобақа ўтказамиз. Камон отишми, қиличбозликми... майли-да. Бунисини ўзингиз танлайсиз.

— Нима? — чўчиб тушди Тиркаш. Бечора умрида камон отмаган, қилични ушлаш-ни-ку, умуман билмасди.

Тиркашнинг аҳволини кўрган шоҳ уни юпатган бўлди.

— Бўлмаса, энг беозори — курашни танлай қолинг.

Довдираб қолган Тиркаш аранг ўзига келди.

— Ким билан кураш тушаман?

— Навкарлар билан тушасиз, десам инсофдан бўлмас. Негаки ҳаммаси машқларда тобланган, қадди-қомати ҳам хирсдек-хирсдек. Пуф деса, учиб тушасиз. Сизга осон бўлсин учун мен билан кураш туша қолинг!

Тиркаш яна бақрайиб қолди.

— Олишувимизни аёлингиз тамошо қилиб туради. Фолиб чиқсангиз, аёл сизники. Бордию ютқизсангиз... у тақдирда ҳамма нарсани хотинингиз ҳал қилади, кураги ерга теккан эр билан кетишга рози бўлса, ўзи билади.

Тиркаш энди донг қотиб қолди.

Тавба, нималар деяпти шоҳ, уни ким йиқитишга журъат этаркан?..

— Сукут — аломати ризо,— деди шоҳ ва хизматкорига юзланди,— қани бўлмаса, нажот истаб келган одамнинг ишини пайсалга солмай тезроқ жой тайёрлай қолинглар.

Фармони олий ўша заҳоти бажо келтирилди. Саройда зиёфат бериладиган кенг

меҳмонхона бор эди. Ушанинг ўртасига гилам тўшалиб, атрофига томошабинлар учун жой қилинди. Шоҳ Жамилани ҳам чақиришни буюрди. У келди, ammo не мақсадда уни чақирганларини билиб, орқасига қайтди. Шоҳнинг гапига ҳам қулоқ солмади, инсоннинг ор-номуси букиладиган томошани кўришни истамади. Шоҳ ҳам Жамилани қолишга мажбур қилолмасталигини англаб, уни ўз ҳолига қўйди.

Тиркаш ҳам гап нимадалигини энди англади. Маккор шоҳ шарт кўяпти. Курашда енгсанг, хотин сеники, енгилсанг, ўзингдан кўр, демоқчи. Унга полвонлар кияди. Махсус чопон ва қийиқча бердилар. Шоҳ ҳам тўн кийиб, қийиқча боғлади. Курашга ҳакамлик қиладиган кимса ҳар иккала рақибнинг қийиқчаларини тортиб кўрди ва ўртага таклиф этди.

Тиркаш нимжон, умрида кураш тушмаган одам эди. Шундай бўлса ҳам шоҳга пешвоз чиқди, алам ва ғазабини жиловлай олмай кураш бошланиши биланоқ рақибини ерга ағдаришга зўр берди. Тажрибали шоҳ шошилмади, олдин Тиркашга белини тутқизмай анча овора қилди. Аслида, олишувнинг бошидаёқ Тиркашнинг масаласини ҳал қилиб қўйиши мумкин эди, лекин шоҳ бир томони эҳтиёткорлик қилди. Аламзада одам ҳамма нарсага қодир бўлади, иккинчидан, ўзининг тажрибали полвон эканлигини яширди. Тиркаш билан кучини тенг қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

Тиркаш анча ҳолдан тойганда шоҳ уни даст кўтариб ерга урди. Тиркаш ерга кураги тегиши билан сакраб ўрнидан турди.

— Яна! — деди шоҳдан қасдини олиш ниятида, осонликча таслим бўлишни истамасди у.

Бу гал шоҳ курашни узоқ чўзмади, Тиркашнинг белидан маҳкам ушлаб кўтарди ва чирпирак қилиб ерга урди.

Тиркаш бу сафар ҳам йиқилиши билан ирғиб ўрнидан турди.

— Яна! — деб тақорлади.

Энди шоҳнинг жаҳли чиқди, Тиркашга ташланиб, даст кўтарди, айлантриб кучининг борича ерга урди. Тиркаш ерда чалпақдек чўзилиб ётганича аллақанча фурсат қимирламай қолди. Охири аранг ўзига келиб, ўрнидан турди. Индамай чиқиб кетаётган эди, шоҳ тўхтатди.

— Бир лаҳза сабр қил, токи орани очик қилиб олайлик. Бизнинг шартимизни эп-полмаганингдан қатъи назар, аёлингнинг ҳам олдидан ўтайлик, ҳал қиладиган гапни ўйлаётган...

Йиқилган эркакни танлашга ҳар қандай аёл ҳам андиша қилишини биладиган риёкор шоҳ ўзича оқиллик қилган бўлди. Зум ўтмай, Жамилани бошлаб келдилар.

— Шоҳаншоҳ, илтимос, жабр қилманг бу кимсага. Кўп шафқатли инсон у, боз устига яхши ҳунарманд, у тиккан этиклар ҳар қандай олий зотнинг оёғини безайди. Даргоҳингизда қолса, нафи теккай...

— Майли, қолсин. Саройнинг бош косиби қилиб тайинлагаймиз,— деди шоҳ.

Тиркаш бор кучини йиғиб, аранг гапирди:

— Илтифот ва ҳимматларингиз учун раҳмат. Ammo менга энди бу дунёда ҳеч нарса керак эмас,— шундай деб саройни тарк этди.

Уша куни Тиркаш шаҳардан бош олиб чиқиб кетди-да, Боботоғ деган жойда ўсган катта чинор тагини макон қилди ўзига. Қамишдан чайла ясаб, шу ерда дарвешона яшай бошлади. Уйда эса, қари онаси, бир яшар қизалоғи қолган эди. Кулфат қўшалоқ бўлиб келади, деганларидек тақдирнинг шафқатсиз чангали кампирни ёлғиз овунчоғидан жудо этди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, ярим тунда ҳовлида аллақандай шарпалар пайдо бўлди. Кампир ўрнидан туришга шайланган эди, димоғига қандайдир кучли ис урилди ва ҳушидан кетди. Эрталаб кўзини очса, ёнида жигарбанди йўқ, унинг ўрнига кўрпачада бир ҳовуч тилла танга ётибди. Кампир дод-вой солди, маҳаллани бошига кўтарди, ammo фойдаси бўлмади. Қизалоқ ном-нишонсиз йўқолди.

Жамила ўша биринчи тундаёқ шоҳга фарзанд туғиб беришни ваъда қилганди. Уша кундан эътиборан, у барча имкониятларни ишга сола бошлади. Тибетда таълим олиб келган қари бир табибни топди. Шоҳнинг дардига шифо топсанг, бошингдан тилло сочаман, деб ваъда қилди. Табиб ғалати одам экан, тиллонинг дарагини эшитиб, пинагини ҳам бузмади.

— Менинг бойлик билан ишим йўқ. Шоҳни тузатибди, деган гап тарқаса бас. У ёғини сўрасанг, яланг ҳеч ким даволай олмаган оғир хасталарни қидираман. Ушаларни оёққа турғаза олсам, бундан ортиқ ҳузур йўқ мен учун.

Жамила бу табибдан наф чиқишига ишонч ҳосил қилди.

— Мен сенга айнан шоҳни даволашингга имконият туғдириб бермоқчиман. Донг таратмоқчи бўлсанг, пайтдан фойдаланиб қол!

Табиб ҳазилга мойил одам эди, кўлумсираб пичинг қилди.

— Майли-ю, ишқилиб шундай имконият туғдириб берганинг учун кейин мендан ҳақ сўрамайсанми?

Жамила шарақлаб кулди, ҳазилни у ҳам яхши кўрарди.

— Бир марта текинга яхшилик қилсам қилибман-да. Мусулмон одам савобни унутмаслиги керак.

— Баракалла, савобни унутмасанг кам бўлмайсан,— деди жиддий тортиб табиб,— аммо шартларим бор, барисига кўнсанг, эрингни тузатаман.

— Ҳамма шартингга розиман.

— Аввало мен билан мутлақо очиқчасига гаплашасан, ҳеч нарсани яширмайсан.

— Табибдан сир яширадиган бемор шифо топмайди.

— Балли, қизим, кўп зийрак аёл экансан. Энди мен савол бераман, сен бир бош-эринг ҳақида гапириб берасан.

Жамила табибнинг ҳамма сўраганларига батафсил жавоб берди, ҳеч нарсани яширмади.

— Гапларингдан маълум бўлдики, эрингнинг тўрт мучаси соғ экан. Уни даволаш учун менга бир ой муддат лозим. Муолажани уни касалга чалинтиришдан бошлаймиз. Ҳайрон бўлма. Мен ўт-ғиёҳлардан тайёрланган дори бераман. Ушани ўзига билинтирмай овқатга кўшиб ичирасан. Истеъмол қилган заҳоти ҳушидан кетади. Кейин табиб керак, деб мени чақирасан. Мен уни кўриб, аҳволи чатоқлигини айтаман ва бир ой ётиб парҳез қилишни буюраман.

— Фақат парҳез сақласалар бўлдимиз? — наҳотки шунчалик жўн экан давоси, деб ўйлади Жамила.

— Эринг ёшликда жуда кўп кучли овқатлар истеъмол қилган, думба ёғи, кўй гўшти, қазӣ-қарта ва ҳоказо. Энди унинг мижозини ўзгартириш даркор. Бир ой мобайнида мен тайёрлаган ҳўл мева ва сабзавот шарбатлари билан боқасан. Гўшт, тухум, оқ ёғ истеъмол қилмайди. Қарабсанки, мижози ўзгаради. Унинг аъзойи-бадани кучли таомга ўрганиб кетган. Энди унга қувват берадиган нарса — мева ва сабзавот шарбати, данак ва мағизлар. Қувват фақат гўшзда деганлар бекор айтибди. Қувват мева шарбатида. Мева тановул қилганлар мевадек серҳосил бўлаверади. Демак, дод деса ҳам гўшт бермайсан. Хўш... дод деса ҳам на ўзингга, на ҳарамга яқинлаштирасан. Акс ҳолда, муолажамнинг нафи бўлмайди.

— Балли, айтганингни барисини бажаргусидирман.

Табиб ҳар хил зирворлар, ғиёҳлар ва афюндан тайёрлаган маъжун берди.

— Шунинг билан қўшиқдан кўнига икки маҳал — наҳорда ва ётишдан олдин ичирасан.

Жамила табиб айтганларини ҳафсала билан бажарди. Дори жуда яхши таъсир кўрсатди. Бироқ мижози ўзгариб, қуввати ошган шох бир ойга етмай парҳезни бузди. Ҳудди ўша кўни оллоҳнинг ҳатмати билан Жамиланинг бўйида бўлди. Сўнг тўққиз ою тўққиз кун деганда қизалоқ туғилди. Исмини Ҳуснобод деб қўйдилар. Шох уч кун базм берди. Йўқсилларга бир танобдан ер улашиб, шаҳарнинг аҳоли зич яшайдиган ва сув тақчил даҳаларида иккита ҳовуз қаздирди. Ҳунармандлардан олинадиган солиқни қисқартириб, халойиқнинг дуосини олди.

Жамила саройга келибдики, бир лаҳза ҳам тўнғич фарзандини унутмаганди. Аммо юрагига тугиб қўйган ниятини амалга оширишга журъат этолмай юрарди. Ҳуснобод туғилганидан кейин режасини амалга оширишга қарор қилди.

Саройда Каромат хола исмли бир кампир бор эди. У фол очар, тушларнинг таъбирини айтиб берар, баъзан отинлик ҳам қиларди. Асл касби эса доялик эди. Нафақат сарой зодагонларининг хотинлари, балки шаҳардаги барча бойваччалар аёлларининг кўзи шунинг қўлида ёрив эди. Сарой боғининг этагида кичкина кулбаси бўлиб, ўша ерда ёлғиз истиқомат қиларди.

Бир кўни эрта тонг, ҳали ҳамма уйқуда эканида Жамила кампирнинг ҳужрасига борди. Олдига дастрўмолчага ўралган бир ҳовуч тилла ташлади... Кампир шохбонунинг эрта саҳарда келганидан ҳам, тилло берганидан ҳам таажубланмади. Демак, қалтис иш буюради. Каромат хола ҳар қандай юмушга тайёр эди, негаки Жамилага саройга келган кўнидан меҳри тушиб қолганди. Сабаби шохнинг иккита катта хотини туғмас бўлганликлари учунми, кампирни чиқиштирмасдилар.

— Нечун шунчалик хароба ҳужрада истиқомат қиласан, эна? — деб сўради Жамила.

— Бир оёғи гўрда кампирга кошонанинг нима кераги бор?

— Ўзинг истамайсанми яхши уйда яшашни ёки қўрбинг етмайдимиз сотиб олгани?

— Сўққабош одамга шу ҳам бўлаверади,— зорланишни, кишиларда ўзига нисбатан раҳм-шафқат уйғотишни ёмон кўрарди кампир, бориға қаноат қилиб яшарди.

— Бундан буён доим эгинг бут, қорнинг тўқ бўлади, бировлар кўрса, ҳавас қиладиган уйда яшайсан. Эвазига...

— Менга ҳеч нарса керак эмас, ишинг бўлса савоб учуноқ қилиб бераман.

— Эвазига иккита қизалоқни боқасан. Иккови ҳам ҳали гўдак. Малика ҳали чақалоқ, иккинчиси икки яшар. Уртадаги гапдан бирор кимса воқиф бўлмаслиги керак.

— Бировга «чурқ» этиб оғиз очмайман.

— Гўдакларнинг каттасини кўрганлар ким деб сўраса, асраб олдим, дейсан.

Кампир гўдакларнинг каттаси сенга ким бўлади, деб суриштирмади. Ўзи айтмади-ми, сўрамаган маъқул.

— Бу ёғини менга қўйиб бер, шохбону, бирор кимсанинг юрагида зиғирча гумон пайдо бўлса, Каромат отимни бошқа қўяман. Қизалоқларни ўзимнинг фарзандларимдек тарбиялайман.

Малика кампирнинг гапидан қаноат ҳосил қилди. Уша тун шоҳ ҳузурига кириб илтимоси борлигини айтди. Шоҳ табиийки, фарзанд туғиб берган эрка хотинининг ҳар қандай илтимосини бажаришга тайёр эди.

— Қизалогимизни ёшларга ишона олмайман. Кўпни кўрган, озода, саранжом-саришта битта кампир топдим. Болани ювиб-тараб, вақтида овқатини бериб боқади.

— Айни муддао, қари билганни пари билмас, дейдилар.

— Фақат... шўрликнинг кулбаси жуда хароб экан. Кўрсангиз рутубатнинг ўзи де...

сиз. Зах уйда бола қандай яйраб ўссин.

— Хўб, нима истайсиз?

— Уша кампирга, кулбасининг ёнига яна бир уй қурдириб берсангиз.

— Бор-йўғи шуми? — зўрға етишган арзандаси учун шоҳ ҳамма нарсага тайёр эди.— Бир ойга қолмай биттади.

Шундай бўлди, бир ой деганда янги уй битди. Уша тун шўрлик Тиркашнинг яна битта қаноти синди. Унинг сўнгги суянчиғи, қизалоғи Қундузни номатълум шахслар ўғирлаб кетишди.

Шу тариқа Каромат хола маликаи Ҳуснобод ва икки ёшли Қундузни ўз тарбиясига олди. У зиммасига олган вазифани ҳалол адо этарди. Ҳар иккала қизалоқни чиннидек сақлар, вақтида овқатини бериб, вақтида ухлатарди.

Қизалоқларнинг бири еттига, иккинчиси бешга тўлганда шоҳбону уларни саройга кўчириб ўтказди. Кичкина малика битта ўзи зерикади, атрофида болалар бўлса яйраб ўсади, деб Қундузни ва яна иккита қизалоқни кўшиб бирга тарбия қилди. Қизлар улғайиб бўйлари етганда Қундуз ва иккита дугонаси маликанинг канизакларига айландилар.

Мана шунақа, ишнинг кўзини биладиган пишиқ-пухта ва ўз фарзандларига меҳрибон она эди шоҳбону. Бироқ бир нарса мудом юрагини ўртар, Тиркаш ва Қундузнинг олдида гуноҳкор эканлиги унга сира тинчлик бермасди. Айниқса, Қундуздан ота-онаси кимлигини яшириб юрганга ўзи ҳам чидолмасди. Аммо на чора, агар ҳозир шу сирни ошқора этадиган бўлса, ҳаммани бахти қаро қилади. Аввало кундошларига худо беради, кетидан судраб келган думи бор экан, деб бутун элга жар соладилар. Қундузни саройдан қувиб юборишдан ҳам тоймайдилар. Ўзининг ҳам турмушини бузишга ҳаракат қиладилар. Бинобарин, ҳар иккала қизини эгасига топшириб уйли-жойли қилмагунча сабр этиш керак. Ана иннайкейин Тиркашга ҳам қизи ҳаётлигини айтади, Қундузга ҳам ҳамма сирини ошқора қилади.

Тиркаш қизи тириклигини сезар, ҳойнаҳой онаси паноҳига олган бўлса керак, деб ўйларди, аммо саройга боролмасди. Суюкли хотинидан айрилгани етмаганидек жигарбандининг ҳам ғамида кўйиб яшарди. Ўлимига рози эди, аммо тангри жонини олмасди. Шу туфайли ҳали элликка етмаган бўлса ҳам мункиллаб қолган чолдан фарқ қилмасди у. Шаҳарга қайтиб хароба бир хужрада истиқомат қиларди.

Нуралига худди шу чолдан маслаҳат сўрашни айтишганди шаҳар дарбозасининг соқчилари. Қанчалик қисмати оғир бўлмасин, чол дардини ичига ўтиб яшар, одамлардан яхшилигини аямасди. Кимнинг бошига кулфат тушса, нима учундир, худди шу чолга учрарди. У мушкул вазиятда ҳам одамларга энг тўғри маслаҳат бера оларди.

Тиркаш чол Нуралининг дардини диққат билан тинглади. Кейин узоқ сукут сақлади.

— Мушкулнинг оғир экан,— деди ниҳоят тилга кириб.— Гап шундаки, сарой зодагонларига иши тушган фуқаронинг шўри қурийди. Аблаҳ улар... Хўш, шоҳга учрамоқчи экансан, йўлини топамиз, бироқ қайта айтман, бирор наф чиқишига кўзим етмайди.

— Ноумид шайтон дейдилар, отахон.

— Албатта, бўтам, албатта,— йигитнинг анойилигидан чол ажабланмади. Ёшликда ҳамма ҳам ғайратга тўлиб-тошган бўлади, токи пешонаси деворга тақ этиб тегмагунча осмонда учиб юраверади.— Энди бундай қиласан. Ҳозир айни саратон, шаҳар иссиқ, дим. Шоҳнинг қизи маликаи Ҳуснобод салқинлаб келгани кунора тоғ сайрига чиқади. Ушанга йўлиқиб кўр. Зора дардинга кулоқ солиб, шоҳ ҳузурига киришингга рухсат олиб берса.

Нурали чолнинг гапига ишонқирамади.

— Ахир уч кечаю кундуздан бери шаҳар дарбозаси тагида ўтирибман. Бирорта жонзотнинг сайрга чиққанини кўрмадим-ку.

Бу гапдан нафақат чол, соқчилар ҳам кулиб юбордилар.

— Вой содда одам-эй,— деди чол,— пойтахтнинг дарбозаси биттами? Сен макон қилганинг жанубий дарбоза, малика тоғ сайрига шимолий дарбозадан чиқади.

Ўз соддалигидан ўнғайсизланган Нурали қизаринди.

— Э, шундай демайсизми, ҳозироқ йўлган чиқаман.

— Ҳозир фойдаси йўқ,— мийиғида кулумсирари чол,— эрта тонгда ўша ерда бўлсанг ишинг ўнгидан келади.

Барибир Нуралини ушлаб қолишнинг иложи бўлмади. У қош қорая бошлашига қарамай, отига миниб, шимолий дарбоза томон йўл олди. Ахир эс-ҳуши Зубайдада бўлган йигит бу ерда қандай тонг оттиради!

Бир амаллаб Зубайдани қутқарса, иккинчи пойтахтга қадам босмайди. Ўз қишлоғида деҳқончилик қилиб кун кўргани бўлсин. Йўқ, ашула айтишни ташламайди, ашула

айтаман деса, албатта хон саройи бўлиши шартми? Камбағалнинг тўйини гуллатгани яхшимасми?

— Тўхта, бу ёққа йўл йўқ! — деган овоз Нуралининг хаёлини бўлиб юборди.

Ўзига келиб қараса, шимолий дарбозага етиб соқчилар қаршисида турибди. Нурали ўзини таништириб, нима мақсадда келганини айтди. Шунда улар маслаҳат бердилар. Яхшиси, шаҳардан беш чақирим масофадаги Бахмал деган жойга бориб турмоқ керак. Ўша ерда катта садақайрағоч ўсади, тагида булоғи ҳам бор. Малика ҳар гал тоғ сайридан қайтаётганида ўша булоқ ёнида тўхтаб, ҳордиқ чиқаради. Ана ўшанда Нурали маликага ўз дардини айтиб, илтижо қилиши мумкин. Дарбоза ёнида эса, навкарлар уни маликага яқин йўлатмайдилар.

Бу маслаҳат Нуралига маъқул тушди. Эртаси саҳарлаб Бахмалга — ўша садақайрағоч ўсган жойга йўл олди.

Дардли кўнгил — шуълали чироқ, ёшли кўз — сувли булоқ

Садақайрағочнинг таги ҳақиқатда жуда сўлим, тангадек офтоб тушмайдиган салқин жой эди. Булоқдан оқиб чиқаётган сув садақайрағочни айланиб ўтиб, узоқ сафарга — жазирама чўлга қараб равона бўларди.

Нурали отини ўн қадам наридаги толнинг чўлтоқ новдасига боғлади, ўзи келиб, дарраҳт соясига чўкди. Ҳақ деб, кеч киришини кута бошлади.

У садақайрағоч тагида маликанинг йўлига кўзи тўрт бўлиб ўтирар, юрагидаги хавотир ва таҳлика кучаярди. Ёрдам берармикин малика ё ўша саройда раёини қайтаргани ҳали ҳам эсидамикин? Аламини олса-я...

Бироқ маликаи Ҳуснобод бошқача ўйда эди.

Зубайдани тутқин қилиб, олиб келишгач, малика уни Қундузнинг энагаси — Каромат холаникига яширди. Негаки, отасига қолса, дарров ҳарамга тушишини биларди. У ҳофиздан суюқлисини бирқанча вақт ажратиб қўйиб, қийнамоқчи эди. Қани, ўша қишлоқи нимаси билан ҳофизни ром этибди, нимаси ортиқ экан? Шуни аниқламагунча у дунё, бу дунё кўнгли жойига тушмайди. Аммо масаланинг яна битта ишқал томони бор эди. Одатда, навкарлар шоҳ амри билан иш тутадилар. Бу гал малика отасининг қўлидан фармон берди, Сардорнинг Қундуз билан танишлигидан фойдаланиб, режасини амалга оширди. Шоҳга итдек содиқ Сардор маҳбубасининг ширин гапларидан маст бўлиб, ўйламай-нетмай фармонни бажо қилишга кўнди, маликанинг раёи деб тушунди, ҳатто Зубайдани тутқин қилиб, қайтиб келганида ҳам хато қилганини англамади.

Шоҳ Сардор сафарга чиққанининг учинчи куни воқеадан воқиф бўлди. Агар малика аралашмаганида Сардорнинг ортидан чопар юбориб, калласини танасидан жудо қилдиарди. Ёлғиз ва эрка қизининг илтимосига қулоқ солиб, Сардорнинг бир қошиқ қонидан кечди. Шу билан пинҳона иш тутгани учун Сардорга ишончи йўқолди. Бинобарин, лавозимдан пасайтирилиши хавфи туғилди. Бундан хавфсираган Сардор Қундузга айтиб маликадан ҳимоя қилишни сўради. Ўзи истамагани ҳолда Сардорга зарар етказиб қўйганини сезган малика қўлидан келганча ёрдам беришни ваъда қилди. Лекин юрагининг аллақарида бу ваъда ёлғонлигини ўзи ҳам сезарди. Чунки, у отасини билади, шоҳ хиёнат қилганларни ҳеч кечирмайди, ёмон кекчи, ҳеч нарсани унутмайди. Худо кўрсатмасин, агар Сардор оддий навкарликка тушиб қолса, Қундузга жабр бўлади.

Ҳуснобод билан Қундуз болаликларидан бирга ўсишгани учун бир-бирига суяниб қолишган, бир-бири билан сирдош дўстдек эдилар. Аммо опа-сингил эканликларини билишмасди, ёлғиз оналаридан бўлак ҳеч ким бу сирдан воқиф эмас эди.

Бироқ ораларида, табиийки, низо ҳам чиқиб турарди. Бир гал улар қаттиқ аразлашиб қолдилар ва малика Қундузни қувиб юбормоқчи бўлди. Шунда воқеадан хабар топган шоҳбону уларни яна яраштириб қўйди.

Битта нарса Ҳуснободни ҳамиша ҳайрон қолдиарди. Онасининг бошқа канизаклар билан ортиқча иши йўқ бўлса-да, Қундузга муносабати бошқача эди. Ҳуснобод билан Қундузнинг ораларида не кечса, ҳаммасидан хабар топарди, қандай гап ўтмасин, нуқул Қундузни ёқлар, Ҳуснободга эса, шафқатли бўлишни насихат қилгани қилган эди.

Зубайдани тутқин қилиб келтирганларидан кейин Ҳуснобод билан Қундуз орасида яна низо чикди.

Ҳуснобод Зубайдани гўзаллар гўзали бўлса керак, деб ўйлаганди. Кўрдию ҳафсатаси пир бўлди. Оддий, қишлоқи қиз экан, нимаси билан ҳофизни ўзига ром этди экан, деб ҳайрон бўлди. Узининг ундан минг марта ҳуснодор эканлигидан суюнди, бироқ ҳофиз шундай одмигина қизни ундан афзал кўргани уни баттар аччиғлантирди. Балки хулқи гўзал, тили шириндир, деб гаплашиб кўрмоқчи бўлган эди, Зубайда рўйхуш бермади. Қишлоқиларга ҳайронсан, ялангоёқ бир қулвачча маликани назар-писанд қилмаса.

Этилган бошни қилич қирқмас, дейдилар, агар Зубайда мулоғим муомила қилганда, ким билади, балки малика ҳам сал юмшармиди, карам қилиб, Зубайдани озод этиб юборармиди. Мағрурлиги ўзининг бошига етай деди.

— Энди мендан кўрсин,— деди Ҳуснобод Қундуз билан ёлғиз қолганларида.

— Бечорада нима айб, маликам? — деди Қундуз уни инсофга чақириб.

— Нега ёнини оласан ўша ялангоёқнинг?! — баттар жаҳли чиқди маликанинг.

— Мен уни эмас, сизнинг ёнингизни оляпман. Жаҳл келганда ақл қочади, дейдилар.

— Э, ҳали сиз ҳақингизда қайғуряпман дегин,— кесатди малика.

— У шўрликда нима айб, маликам?

— Гап унда эмас,— сўнг, ростига кўчиб деди,— мен ҳофиздан ўчимни оляпман, билдинг?

Қундуз гап тополмай қолди. Маликани ҳам тушуниш мумкин, дарҳақиқат сарой аёёнлари олдида Нурали томдан тараша тушгандек айтган гапи аёл кишининг иззат-нафсига тегади.

Ҳуснободнинг лов этиб ёниб-ўчишини билган Қундуз яна инсофга чақирди.

— Келинг, маликам, ўтган ишга саловат. Учакишиш одамни тубанлаштиради, биласиз, гуноҳдан кечиб олижаноблик ҳисобланади.

— Шу одатингга тан бераман, топиб гапирасан,— сал юмшади Ҳуснобод,— кечсам кечиб юбораверардим, лекин бунинг ёввойлигини қара.

— Энди қиз бояқиш гуноҳини билолмай гаранг-да.

— Намунча ўшанинг ёнини олдинг? — кутилмаганда малика яна тутатиб кетди, шартта ўрнидан туриб хонадан чиқди. Гап чала қолди. Ва минг афсуски, Қундузнинг ҳамма саъйи-ҳаракатлари чиппакка чиқди.

Эртасига малика Қундузнинг саломига зўрға алик олди. Шу кун улар тоғ сайрига чиқишлари лозим эди. Ҳуснобод нонушта қилмасдан йўлга отланишни буюрди. Иссиққа қолиб кетмасдан манзилга етиб оламиз, деди.

Йўлақай Ҳуснобод на Қундуз билан, на бошқа канизақлари билан гаплашди. Аравага қурилган кўшқда худди биров билан урушгандай чимирилиб ўтирди.

Минг қилса ҳам эсли-хушли эди Ҳуснобод. Бирор ножўя иш қилиб қўйса, эртасига мана шунақа чимирилиб оларди, виждон азобига тушарди. Шунинг учун севарди уни Қундуз.

Улар чамаси уч соат йўл босиб, ниҳоят Сойлидара деган жойга етиб бордилар. Кўп ажиб манзил эди бу. Икки тарафида арча қоллаган баланд тоғлар, пастда катта соанининг чап қирғоғи майсазор эди.

Қизларни кузатиб бораётган соқчилар, одат бўйича, ярим чақирим бериюнда қолдилар, энди бутун табиат фақат Ҳуснобод ва унинг канизақлари ихтиёрида эди.

Олдин нонушта қилдилар, кейин мушоира бошланди, ундан кейин ашула ва ўйин бўлди. Кун пешиндан оғганда қизларнинг энг шаддотлари сойда чўмилди. Ортга қайтиш олдидан яна тўйиб овқатландилар.

Хуллас, асаблари тин олиб, мириқиб ҳордиқ чиқардилар. Кўнгиллари чоғ бўлиб, яна шаҳарга қараб йўлга тушдилар.

Садақайрағоч остида Нурали интизор кўзларини йўлдан узмай уларни кутарди. Кечга яқин узоқда кучсиз чанг-тўзон кўтарилди, кейин туман орасидан суворийлар аранг кўзга чалинди.

Ниҳоят, маликанинг араваси рўбарў келди. Шу пайт Нурали ирғиб ўрнидан турди-да, йўл ўртасига чиқиб тиз чўкди. Отлар ҳуркиб, арава ёғирлаб тўхтади.

Ғафлатда қолган соқчилар қилич яланғочлаб, унга ташландилар.

— Йўқол йўлдан, касофат!

— Маликам, бир бандани мўминнинг арзига қулоқ тутинг,— деб овози борича ўтинди Нурали.

Аравада ўтирган малика уни таниб, сесканиб кетди, чодир ортидан секин овоз берди.

— Соқчи... тегма унга! — Кейин қўшиб қўйди: — Бизни холи қолдиришлар.

Соқчилар аравадан узоқлашгач, Малика Қундузга юзланди.

— Айтмовмидим тавбасига таянтираман деб,— мамнунлик билан таъкидлади у.— Мана, ўз оёғи билан келибди.

Қундуз хўрсиниб қўйди.

— Эшитаман арзингни? — деди малика чодирнинг бир чеккасини очиб.

— Малика, сени меҳр-шафқатли эканингни биламан. Мушкулимни осон қиларсан, деган умидда ҳузурингга келдим.

— Гапир, ҳофиз,— деди малика ғолибона.

Нурали бошини кўтарди.

— Малика, шоҳ навкарлари Зубайдани кишанлаб саройга олиб кетишди. Сендан ўтниниб сўрайман... уни озод этишсин. Ҳар қандай жазога мана мен тайёрман.

Малика кинояли кулиб қўйиб, Қундузга шивирлади:

— Олижаноб экан, ишқ йўлида ўзини қурбон қилишга рози. Ҳозир бундай жасур йигитларни кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмайди.

— Айтувдим-ку сизга, ҳофиз софдил инсон деб,— деди Қундуз малика Нуралини мақтаётганидан ташвишга тушиб. Олдин ҳусни ва ширали овозига учганди, энди хулқи

ва жасоратига ҳам беш кетса, унда иш чатоқ. Сўнаётган чўф аланга олиб, муҳаббатга айланиб кетмаса гўрга эди.

Нурали ҳамон тиз чўкканича жавоб кутарди.

— Умр бўйи қарздоринг бўлай. Утинаман, маликам, сўзимни қайтарма...

— Илтимосинг кўп мушкул, ҳофиз,— чодир ичидан овоз берди Ҳуснобод,— ишлар бир сўзли бўлади... Хайр, майли, илтижо қилиб келган экансан, сазанг ўлмасин. Намнинг олдидан ўтиб кўраман, зора қулоқ тутсалар...

— Минг ташаккур сенга, саховатли малика,— ер ўпиб миннатдорчилик изҳор қилди Нурали.

— Ташаккур айтишга шошилма, мен сенга ваъда берганим йўқ, уриниб кўраман, холос,— деди малика,— шу ерда кут, ажаб эмас эртага жавоб олсанг.

Нурали таъзим қилиб, йўлдан четга ўтди ва малика тушган арава жойидан жилди. Ҳуснобод шаҳарга хомуш қайтди. Узининг данғиллама хонасига кириб, эшикни ичкаридан қулфлади. Ярим тунгача бедор ўтириб, кейин Қундузни чақиртирди.

Кўрқиб кетган Қундуз хавотирини яширмай сўради:

— Тинчликми, маликам, бетоб эмасмисиз?

— Соппа-соғман,— деди Ҳуснобод,— ўтир, шу пайтда бир ҳасратлашгим келиб қолди.

— Худога шукр-эй, ўтакам ёрилай деди-я.

— Қиз боланинг пешонаси бунча шўр бўларкан? — дея ёрилди Ҳуснобод.

— Вой, у нима деганингиз? Кимсан шоҳнинг қизи — маликаси, қўлингиз узатган нарсангизга етади. Ношукр бўлманг, маликам.

— Ҳамма бало малика эканлигимда. Мендан оддий чўпоннинг қизи бахтлироқ. Нега десанг, унинг уйига ҳамманинг ҳадди сиғиб совчиликка бораверади. Саройга ўйлашиб қадам босадилар. Фақат қаёқдаги олчоқ беклару шўхратпараст бойларга кунни қолган маликаларнинг. Уларни нимаю ўғиллари ким бўларди?

— Нимасини айтасиз, турқларини кўрсан менинг ҳам кўнглим озади,— деди Қундуз.— Агар шу Нурали кўзини каттароқ очиб сизга қараганда эди...

— Кўй, ярамга туз сепма.

Маликанинг кўзлари жиққа ёшга тўлди. Қундуз ҳам ўзини тутолмай маликанинг бўйинидан кучоқлаб бағрига босди.

— Қизиқман,— деди Ҳуснобод,— саройда қанча-қанча келишган йигитлар бор, лекин худди қулдек эгилиб туришларини кўришим билан ансам қотади. Ҳофиз бўлса мағрур экан. Мағрур ва мард йигитни учратармикинман, деб юрардим. Учратишга учратдиму...

— Мағрур ва мард йигитлар камми, маликам?

— Тасалли бермай кўяқол, энди унақасини учратмайман. Йўқ, сен чўчима, йўлингга тўғон бўлмайман. Энди кимни раво кўришса ўшанга тегиб кетавераман. Танлаб ўтирмайман.

У шундай дерди-ю, кўз ёшлари маржон бўлиб оқарди.

Қизлар тўйиб ҳасратлашдилар. Қисматларидан зорланиб, йиғлай-йиғлай тонг оттирдилар.

Эшак олтин таҳиса ҳам емиши хашак

Шаҳар ўртасидаги баланд девор билан ўралган қалъа анчайин бесўнақай бўлишига қарамай, салобатли эди. Салтанат рамзи бўлмиш бу қалъадан қандайдир кўрқув уфуриб, шаҳар аҳлига ваҳима солиб турарди.

Ташқаридан қараганда хунук кўринса-да, ичига кирган одамнинг оғзи очиларди. Унинг лойиҳасини тузган муҳандис шоҳ хонадони учун барча қўлайликларни муҳайё қилган эди. Қалъанинг катта ҳовлисидаги боғда етти иқлимдан келтирилган мевали дарахтлар ўсар, зилол сувли ҳовуз атрофида турфа гуллар очилиб ётар, чаман ичра товуслар солланиб юрарди. Кичкина ҳовли эса, қалъанинг этагида, ҳуру филмонларга мўлжалланганди.

Қалъага иккита дарбозадан кириларди. Биринчиси тилла суви юритилган асосий дарбоза бўлиб, соқчилари ҳам зару кимхобларда юришар, уларнинг либослари ярақлаб, кўзни оларди.

Пайшанба кун ичим кечада қалъанинг орқа дарбозасидан паранжи ёпинган бир хотин кириб келди, кичик ҳовлидаги хизматкорлар ўз ишлари билан овора бўлгани учун унга ҳеч ким эътибор бермади. Аёл худди ошпазда иши бордек, олдин ошхона томон юрди. Баковуллар эркак бўлса ҳам ошхонанинг ичида доим бир-иккита аёл идиш-товоқ ювиб ўтирарди. Аммо паранжили хотин ошхонага кирмади, новвойхонага ўтди. Новвой тандирдан нон узатган эди, хотинни кўрмади. Пайтдан фойдаланган паранжили хотин саватдан олтига иссиқ пати олиб, патнисга солди. Кейин патнисни икки қўллаб кўтарганича катта ва кичик ҳовлини ажратиб турадиган чўян дарбоза томон кетди. Дарбозанинг икки четида иккита навкар навбатчилик қиларди. Навкарларнинг биттаси Самиф эди. Хотин унга рўбарў бўлди. Қўлидаги нонни кўрсатиб, нималардир деди, овози зўрга чиқди.

— Шоҳбонуга иссиқ патир олиб келдим, дейсизми? — қайтарди Самиғ дарбозанинг нариги четида турган шериги эшитсин учун атай баланд овозда, — бўпти, ўтинг! Дарбозани очиб, аёлни ўтказиб юборди. Боғ катта, саройгача анча юриш керак эди. Паранжили хотин жадаллади.

Одатда, сарой чўрилари соқчилар танисин учун паранжисиз юришарди. Эснаб-эснаб қўяётган иккинчи навкар ҳайрон бўлди:

— Чачвонини кўтариб, башарасига ҳам қарамадинг?

— Қараб нима қиламан, овозидан танийман, новвой Зарифа холанинг қизи, онасига ёрдам бергани келиб юради, — Самиғ айёрона илжайди, — у ёғини сўрасанг, нон баҳона дийдор ғанимат. Аканг қарағайнинг попуги бўлади, насиб қилса кузга бориб тўй қиламиз.

Қоровулликка қўйилган навкарлар ҳожат бўлса-бўлмаса гаплашиб туришни яхши кўрардилар. Йўқса уйқу босаверади.

— Ҳусни қандай билмадим-у, аммо бўйдан берган экан. Сенга иккита келади-я!

— Жиккак эркаклар йирик аёлларга ўч бўлади, нодон. Қучганда бағринг тўлиб тургани яхши-да!

— Иштаҳанг зўр-ку! — деди навкар, кейин яна мириқиб эснади.

— Бу ёғи энди хавотирсиз, ярим кеча бўлди, ҳамма ухлади, — деди Самиғ. — Сен ҳам кириб озгина мизғиб ол. Бирор нарса бўлса, дарров чақираман.

— Э бормисан, оғайни, — суюниб кетган навкар дарбоза ёнидаги ҳужрага шўнғиди.

Бу орада паранжили хотин саройга етиб келди. Сарой жуда улкан, кичик бир шаҳардек гап эди. Неча-неча базмгоҳлар, меҳмонхоналар, хобхоналар, томошагоҳлар мавжуд эди. Бегона одам кирса, адашиб кетарди. Аммо паранжили хотин саройни беш панжасидек билладиган одамга ўхшаб манзилга тўғри юраверди. Зиндон, ҳаммомни ортда қолдириб, сарой аҳли ўртасида «ишратхона» номи билан машҳур базмгоҳда пайдо бўлди. Унча катта бўлмаган бу хона ҳарам канизакларининг кўнгилочар жойи эди. Қафасда ўтиравериб юраклари сиқилиб кетганда шу базмгоҳга чиқиб ўйин-кулги қилардилар, дарду ҳасратларини ёзардилар.

Паранжили хотин хона тўридаги қизил ёғочдан ясалган кичкина эшикка яқинлашди, уч марта аста қоқди. Шу заҳоти ичкаридан:

— Кимди? — деган овоз эшитилди.

Жавоб ўрнига паранжили хотин эшикни яна бир марта қоқди.

Занжирнинг шарақлаши эшитилди, сўнг эшик қия очилиб, Хадича отиннинг башараси кўринди. Паранжили хотин чачвонини кўтарди.

— Вой, келдингизми, Кўпдибек? Ҳаяллаганингизга ниятингиздан қайтингизми, деб ўйлабман:

— Эркак одам ҳеч қачон бундай ниятдан қайтмайди, — деди Кўпдибек.

У ичкари кириб, узун йўлакка ўтди. Йўлакнинг икки ёғида канизакларнинг хобхоналари, улардан баъзиларида биттадан, баъзиларида учта-тўрттадан канизаклар истиқомат қиларди. Хадича отиннинг ҳужраси шундоққина эшик тагида — йўлакнинг бошланишида эди. Хадича отин кечаю кундуз сергак турар, одам тугул пашша ҳам учиб ўтолмасди эшикдан. Шоҳ ўта инжиқ одам эди, ҳарамга бегона эркак йўлаганини эшитиб қолса, осар эди.

— Моҳинбону эрталабдан бери ўзини ойнага солиб ўтирибди. Кутавериб кўзлари тўрт бўлди, — деди Хадича отин.

Кўпдибек ҳаменидан икки тилла чиқариб унга узатди.

— Кутиб қолган бўлсалар ҳозир кириб дуоларини оламиз, — деди кўзлари ўйнаб.

Хадича отин тангаларни Кўпдибекнинг қўлидан юлқиб олди.

— Вой, ҳимматингиз шу бўлдимиз, мулла йигит. Ким айтади сизни чап қўл вазирнинг зурриёти деб. Паст кетманг унақа.

Кўпдибек яна икки танга чиқарди, бу гал ҳам Хадича отин унинг йўлини тўсди.

— Бу ақчангизга исловотхонага боринг. Мен қўйнингизга момикдек парини солиб қўймоқчиман. Иннайкейин ўзингиз биласиз, ҳаёт-мамотимни ўртага қўйиб қиляпман шу қалтис ишни. Шундоқ экан...

Кўпдибек ноилож панжасидаги тилла узукни ечиб узатди. Хадича отиннинг кўзлари чақнаб кетди. Қиқир-қиқир кулди, четга чиқиб, Кўпдибекка йўл берди.

— Ҳов чапдаги бешинчи эшик, тақиллатиб ўтирманг, очик...

Кўпдибек зингиллаганча бориб, Хадича отин кўрсатган эшикка кириб кетди.

...Тонг ёришар-ёришмас у кетишга отланди. Аммо Моҳинбону унинг бўйнига чирмашиб олди.

— Кетмайсиз.

— Яна келаман.

— Йўқ, мени ҳам олиб кетинг. Қутқаринг шу қафасдан. Уғирлаб қочинг, жон ака.

— Бўпти, бўпти, — деди Кўпдибек ёлғондан, — бир иложини қиларман...

У ҳарамдан чиқиб, чўян дарбоза томон кетди. Борса бахтига Самиғнинг ёлғиз ўзи қоровуллик қилиб турган экан.

— Айни пайтида келдинг, шеригим хужрада тарракдек қотиб ётибди. Тезроқ жуфтакни ростла.

— Мен ҳам бориб таппа ташлайман... ҳеч ухлатмади.

— Сенми, уми? — ўзича аския қилган бўлди Самиг.

— Уни-буни қўй, ҳовлига ўтасанми?

— Ўтаман. Тонг отса, навбатчилигим тугайди.

— Бўпти, бор. Кабоб буюриб қўяман.— Қўпдибек чачвонини юзига ташлаб, йўлга тушди.

Қуёш ярим терак бўйи кўтарилганида Самиг зодагонлар истиқомат қиладиган маҳаллага қараб йўл солди. Бу ердаги уйлар болахонали — устига-устига, ташқари ва ичкари ҳовлили эди. Шундай ҳовлиларнинг бирида чап қўл вазир яшарди. Тўққиз қизию бир ўғли бор эди. Қўпдибек ёлғиз бўлгани учун эрка ўсди, айтгани айтган, дегани деган эди. Успиринлигидан наша чекид, қимор ўйнади, шароб ичди. Охири безори деган ном орттирди. Чап қўл вазир шўх ўғлини ўн олтига тўлмасидан уйлантириб қўйди. Аммо бир йил яшамай Қўпдибек хотинини қиморга тикиб юборди. Атай ютқазди, мақсади ундан қутулиб, бошқасига уйланиш эди. Бу гал ўзига иккита келадиган қизни олиб беришди. Уч йилда учта туғгач, шавираб қолдинг деб уни ҳам қувиб юборди. Шундан кейин бўйдоқликни касб қилиб олди.

Қўпдибекнинг энг яқин дўсти Самиг эди. Аслида, дўсти эмас, югурдаги. Самиг ҳеч нарсадан ҳазар қилмайди, қўшмачиликми, жосусликми, айғоқчиликми — барига тайёр туради. Самиг нега унга итдек вафодор — Қўпдибек билмасди, сабабини ҳам сурештирмаган.

Самиг ҳовлига кириб келганида, Қўпдибек айвонда донг қотиб ухлаб ётган эди. Аёллар ичкаридан деярли чиқмасдилар ва ташқари ҳовли бутунлай Қўпдибекнинг ихтиёрида эди. Учоқбошининг ёнида икки пақир кўмир ёниб-яллиғланиб турар, сихларга гўшт қадалган, хуллас кабобга ҳозирлик кўриб қўйилганди. Самиг Қўпдибекни уйғотишга ботинолмади, тун билан навбатчиликда туриб, ўзининг ҳам суроби тўғри бўлгани учун супага чўзила қолди.

Бу орада Қўпдибек уйғониб хизматкорларга ўшқирди:

— Ҳали ҳам тайёр эмасми кабоб, намунча имирсилайсанлар?

— Совиб қолмасин, деб ўтга қўймадик, бир пиёла чой ичгунингизча тайёр бўлади,— деди хизматкор.

Ошналар чой ўрнига мусаллас ичдилар. Каллалари қизиб, кўзлари сузилди. Тиллари зўрға айланиб, оғзиларидан боди кириб, шоди чиқа бошлади. Олти сихдан кабоб еганларидан кейин Самиг тундаги яхшилигини миннат қилишга тушди.

— Роса битинг тўкилдими, ошнам. Моҳинбонуни кўрганим бор. Ёмон кетворган нарса-да! Кўкрак билан думбадан худо берган, қучоққа сиғмайди.

— Э...— қўл силтади Қўпдибек,— хотин киши сал таранг қилиб тургани маъқул. Узи ёпишаверса, бирпасда меъдага ураркан. Ҳа, қани энди онаси ўпмаганидан бўлса. Самигнинг кўзлари аланг-жаланг бўлиб, шивирлади:

— Бор ўшанақа онаси ўпмагани!

Қўпдибекнинг қулоғи диккайди, сал ҳушёр тортиб унга синчков назар ташлади.

— Олдимга похол солмаяпсанми?

— Худо урсин агар,— онт ичди Самиг,— сени алдайманми?

— Гапир!

Самиг тоғ-тош ошиб, Бодомгули қишлоғига борганлари, у ердан Зубайда деган ҳурилик қизни тутқин қилиб келганларини, ҳозир у Каромат холаникида эканлигини сўзлаб берди.

Қўпдибек Самигнинг ёқасидан ушлаб қаттиқ силтади, дўқ уриб сўради:

— Нега бўлмаса шу чоққача миқ этмай юрдинг?

— Сабаби бор, ошна, қиз шоҳга тортиқ этилади, ҳарамга тушади, деб ўйлагандим. Мана орадан уч кун ўтди, қиз ҳамон Каромат холаникида. Демак, шоҳга дахли йўқ.

— Қандай? — қулоқларига ишонмади Қўпдибек, чунки тутқин қилиб келинган қизлар фақат шоҳга буюрарди.

— Мен ҳам шунга ҳайронман. Назаримда шоҳнинг бундан хабари йўқ. Бошқа кимларнингдир қилмиши бу.

Қўпдибек шаҳарда шоҳдан бўлак ҳеч кимдан қўрқмасди.

— Унда ўша ҳурилик бизники бўлади, шу тун иккимиз бориб ўғирлаб келамиз.

— Шошилмайлик, балки бошқа зодагоннинг буйруғи билан келтирилгандир.

— Э ўша зодагоннинг Азроил бўлмайдими менга деса. Гап битта, ўғирлаймиз.

Самиг воқеаларнинг бунчалик тез кечишини, қизни ўғирлаш ўз зиммасига тушишини кутмаганди. Саросимага тушиб қолди.

— Бўлмаса олдин битта ёвни даф этайлик,— деди у.— Зубайдани қутқариш учун қишлоғидан анави ҳофиз йигит келган. Кеча малика тоғ сайрига чиққанида қўриқлаб боргандим. Садақайрағоч тагида ўша ҳофиз учради. Маликадан Зубайдани озод қилишни ўтинди. Малика эртага чопар юбориб, натижасини хабар қилажагини айтди.

Демак, малика қизни озод қилиб юбориши мумкин. Шундай экан, қиз Нурали билан кетаётганида, йўлда қўлга туширсак-чи?

— Олиб кетишни кутиб ўтирадимми? Ундан кўра бориб ҳофизни тинчитиб кел-қўй,— деди Қўпдибек ишни пайсалга солгиси келмай.— Нега деганда, ҳофиз шу ерда экан, қизини қутқармагунча тинчимайди.

— Агар кеч қолган бўлсам-чи?

— Нега кеч қоласан?

— Ҳозир кун пешиндан оғди, малика чопарини эрталаб юборган бўлиши мумкин.

— Бўлмаса, нима қилиб ялпайиб ўтирибсан?! Тур тезроқ!

Самиғ ирғиб ўрнидан туриб, отини еча бошларкан, Қўпдибекка юзланди.

— Дарвоқе, илтимосим нима бўлди, ошна?

— Қандай илтимос? — Қўпдибек елка учирди.

Самиғнинг кўзлари хунук қисилди, эланиб илтижо қилди:

— Отангга шипшитиб қўймоқчи эдинг... юзбошиликни.

— Ҳа, уми? Айтганман. Узингни юзбоши ҳисоблайвер. Биласан, отам сўзимни ерда қолдирмайдилар,— Қўпдибек тоқатсизланиб қистади.— Бўпти, ҳайда тезроқ!

Самиғ отига қамчи босди.

...Ҳориган қуёш қизариб турган уфққа ёнбошлади.

Нурали гўё сал алаҳсиса чопарни кўрмай қоладигандек шаҳар дарбозасига олиб борадиган тупроқ йўлдан кўзини узмай ўтирарди. Таъби хуфтон эди. Нечук малика сўзида турмади? Наҳотки шоҳ ўз қизининг илтимосига қулоқ солмаган бўлса? Чопар келмаса, ҳоли не кечади?

Шу маҳал шаҳар дарбозаси томондан келаётган суворийнинг қораси кўзига чалин-дию уфққа ботаётган қуёш қайта кўтарилаётгандек бўлди. Ирғиб ўрнидан туриб, чопар-га пешвоз чиқди. Ҳадемай улар учрашдилар. Нурали кўп содда йигит эди, у на чопар-нинг эгнига разм солди, на оғзини қийиқча билан беркитиб олганига, на кўзлари бежол-лигига эътибор берди. Уни чопарнинг кийими эмас, олиб келган хабари қизиқтирарди.

— Нурали деган ҳофиз сенмисан? — сўради чопар унинг саломига алик ҳам олмай.

— Менман,— вужудини қулоқ қилиб, чопарнинг оғзига тикилди у.

— Мени саройдан юборишди.

— Ҳа, ҳа, маликаи Ҳуснобод ваъда қилганди...

Суворий унинг сўтаклигидан кулумсиради.

— Маликаи Ҳуснобод маълум қиладики, қайлиғинг Озор юртига қул қилиб со-тилиб кетибди. Агар излаб топмоқчи бўлсанг ғарбга қараб юравер. Йўл олис ва ма-шаққатли. Қизилқум ва Қорақум деган саҳролардан ўтасан, кейин Борса-келмас дейди-ган тақир келади, ундан кейин Ҳазар денгизи. Денгиздан ўтсанг, у ёғи Озор юрти.

Нурали қувонишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай ғулдуради:

— Демак, тирик дегин, соғ-саломат дегин. Бораман, топаман. Топмагунимча қўй-майман. Раҳмат сенга, чопар.

— Маъшукангни олиб кетаётган карвон шу тонг-саҳар йўлга тушган. Агар жадалла-санг, Озорга бориб ўтирмай бир кундаёқ етиб оласан.

— Жадаллайман,— деди Нурали,— маликага ташаққуримни етказ.

— Етказаман, хайр,— тиржайди чопар. Йўлакай Нуралининг чўлтоқ новдага боғ-ланган отини ечиб, ўзи билан бирга олиб кетди.

Самиғ Қўпдибекнинг ҳовлисига намошомда қайтди. У ўзидан мамнун эди, кери-либ ҳисоб берди:

— Девонани қойиллатиб алдадим. Гапларимга лаққа ишонди. Кетди, Озор юрти қайдасан, деб. Бир ҳафтага бормай чўлу биёбонда кузғунларга ем бўлади ё Борса-келмас даштида илонлар комига тушади.

Қўпдибек ишшайди.

— Яшавор, ота ўғил. Хўб, энди жононни қачон олиб қочамиз?

— Бироз сабр қиласан, ошна. Малика бугун-эрта шоҳга учрайди. Кўрайлик шоҳ нима деркин? Зубайдани ҳарамга туширса, иш пачава, озод қилиб юборса, қиз бизники. Бордию Каромат холаникида яшайверса, унда яна кўрамиз. Шоҳ овга отланяпти. Кет-син, иш осонроқ кўчади.

Қўпдибек ҳиринглаб кулди.

— Ишни пишиқ қиласан, хумпар!

Энди Самиғ талтайди.

— Уша онаси ўпмаган жононни қўйнингга солиб қўймаган номард.

Йўл азоби, гўр азоби

Нурали тиним билмай уч кечаю уч кундуз йўл босди. Атроф қоқ тақир, на бирор мевали дарахт, на бирор булоқ учради йўлда. Уйқусизлик, ташналик ва очлик Нуралини обдан ҳолдан тойдирди. Ахийри кун билан туннинг фарқига бормай қолди. Юргани юрган. Фалакда ой пайдо бўлди, сон-саноксиз юлдузлар чарақлади.

Нурали бошини кўтариб, ҳайратда қолди. Қай кўз билан кўрсинки, қаршисида иккита ой, бири самода, бири ерда сузиб борарди. Ё тавба! Бу не мўъжиза? Наҳотки у осмон билан ер туташган жойга етган бўлса? Наҳотки, дунёнинг у бошидан-бу бошигача яёв кезиб чиққан бўлса?

У яна анчагача қимирлагани журъат этмай, сеҳрлагандек жойида қотиб турди. Сўнг аста олға босди. Тасодифан оёқлари сувга ботди, сувдаги ой ва юлдузлар акси тўлқин аъъжиде оҳиста тебраниди.

— Ҳазар денгизига етибман-ку! — ёш боладек қичқириб юборди у.— Ўзингга шукр, адашмабман!

У Бахтиёр эди! Демак, манзил яқин. Аммо қоронғу тунда тентирашнинг фойдаси йўқ. Эрталаб туриб соҳил бўйлаб юради, бирор кема ёки сол топади-да, ўшанга ўтириб денгиздан сузиб ўтади. Ҳозир эса, ётиб ухлайди. Ҳа, озгина ҳордиқ чиқариб қувват йиғмаса, оёқда туришга ҳам дармони қолмади.

Нурали йўлга чиққандан бери биринчи марта роҳатланиб, мириқиб ухлади.

У қанча ухлаганини билмайди, бир маҳал юзи қаттиқ қизиб кўзини очди. Бошини кўтараман деса, чўяндек оғир, устига устак кўзи тиниб қулоғи шанғилларди. Кун тикка келиб қолибди, атроф худди қизиган тандирдек ловуллади.

У аста-секин ўзига кела бошлади, ниҳоят гандираклаб ўрнидан турди, ён-верига боқди.

— Денгиз қани? — шивирлади сувсизликдан қуришиб кетган лабларини ялаб. Атроф қақроқ тақир. Қоронғуда кўзига Ҳазар денгизи бўлиб кўринган сув эса, бор-йўғи уч қулочча келадиган ҳалқоб эди.

Нурали ўзини ерга отиб, алаmidан муштлай кетди. Бақариб сўкина бошлади. Бирдан юрагини ваҳима босди. Чўлу биёбонларда танҳо қолган одам очлик ва ташналикдан, уйқусизлик ва чарчоқдан онги хиралашиб телба бўлиб қолади, деб эшитган эди. Йўқ, йўқ, вос-вос бўлма, деб ўзига ўзи далда берди, ақлни пешлаб, йўлга тушган маъқул. Лекин қаёққа юрсин? Фарбгами? Фарб қаёқда? Қуёш ботар томонда? Аммо қуёш тик турибди, қай тарафга юраётгани номаълум. Бу қуриб кетгур тақирда бирон довдарахт бўлсаки, соясага қараб аниқласа, қуёшнинг йўналишини.

Нурали таваккал қилиб яна йўлга тушди. Энди унга барибир эди. Ахир қай томонга дир юриш, одамлар яшайдиган жойга чиқиш керак. У тахминан бир соатча йўл босганидан кейин узоқда ер бағирлаб ўсган бута кўринди. Бир амаллаб ўша бутага етиш керак. Зора тагида сув бўлса. Бордию сув бўлмаса, тангадек соя топади-ку. Офтоб бешафқат қиздирар, бир парча соя анқонинг уруғидек азиз эди. У қоқилиб-йиқилиб бута томон юрди. Салдан кейин бута битта эмас, бир талай эканини кўриб севинди. Дарахт кўкар-яптими, демак, шу тарафда ҳаёт бор.

Бутазорга етиб таппа ўзини ташлади.

Бир маҳал у от дупури, одамларнинг ҳайқириғидан уйғониб кетди. Қараса, бир тўда суворийлар от ўйнатиб келяпти. У қўл кўтариб овоз бермоқчи бўлди-ю, аммо ҳоли етмади.

Лекин чавандозлар бирдан тўхтадилар, шовқин-сурон ҳам тинди. Нурали ҳайрон қолди. Шу пайт қаршисидаги саксовулнинг шундоқ ёнгинасида нозик оҳу пайдо бўлди ва кетма-кет оҳунинг ёнидан визиллаб камон ўқи учиб ўтди. Нурали ҳушёр тортди. Бир амаллаб турди, жониворни қутқармоқчи бўлган ҳам эдики, ўқ келиб оҳунинг елкасига тегди. Оҳу оғриқ зўридан осмонга сапчиб йиқилди. Жароҳатидан қон тизиллаб оқа бошлади. Нурали энгашиб бориб оҳуни кўтардию бутазор ичига олиб кириб кетди.

Ўлжага қароқчи чанг солганини кўрган овчилар аюҳаннос кўтариб, отларига қамчи босдилар ва бир зумда етиб келиб бутазорни ўраб олдилар. Сўнг от ўйнатиб, шоҳ ҳам етиб келди. Нурали оҳу тепасига энгашиб, жароҳатини боғлашга уринаркан, шоҳ сўради:

— Ҳой, девона, наҳот шунчалик оч қолган бўлсанг? Оҳунинг гўштини хомлигича еябсанми?

— Янглишдингиз, олийҳазрат, мен ҳаромхўр эмасман.

Шоҳ фақат шундан кейингина девона кўйлагини йиртиб, ярадор оҳунинг жароҳатини боғлаётганини кўрди.

— Раҳмдил экансан,— шоҳ сал юмшади.— Мусофирга ўхшайсан, айт-чи, қайси элдан келдинг, не ташвиш билан?

— Ё раббий, наҳотки шунчалик ўзгариб кетган бўлсам?

— Нималар деб вайсаяпти бу девона? — атрофидагилардан сўради шоҳ.

— Агар ноҳўя гапирган бўлсам афв этинг мени, олампаҳо,— деди Нурали.—

Мени танимадингиз, шунга ажаблანаяпман.

Шоҳ синчиклаб тикилди унга.

— Дарвоқе, овозинг танишдек туюлади. Ҳофиз эмасмисан мабодо. Жуда ўзгариб кетибсан.

Шоҳнинг яқинлари «ҳа-ҳа, ёмон ўзгариб кетибди», деб унинг гапини маъқулладилар. Бундан руҳланган шоҳ аския қилди:

— Соч-соқолинг ўсиб мажнуннинг ўзи бўлиб қолибсан, шу туришингда туққан онанг ҳам танимаса керак.

Лаганбардорона кулги янгради.

— Эҳтимол,— Нурали ҳам шоҳнинг сўзини тасдиқлади,— Зубайдани қутқармагунимча соқолимни олмасликка аҳд қилганман.

— Ажаб эмас, яқинда соқолингни қириб ташласанг,— деб юпатди шоҳ, уни кейин мулозимларига буюрди.— Ҳофизга зудлик билан сув билан овқат беринглар, жони узилай деб қолибди.

Бир йўла икки навкар Нуралини қўлтиғидан олиб турғазиди.

— Оҳуга эса мўмиё ялатинглар, оёққа туриб кетса, боғдаги кийикларга қўшиб қўямиз.

Золим иши жафодир, марднинг иши вафодир

Шу тун Ҳуснобод ёмон ухлади, аланг-жалаг тушлар кўриб, алаҳсираб чиқди. Хуллас, юраги нотинч эди. Безовталангани бежиз эмас экан, саҳарда хона эшиги тақиллади. Сакраб туриб, эшикни очса, остонада Қундуз билан ранги қув ўчган Каромат хола турибди.

— Бир қошиқ қонимдан кечинг, маликам,— ёлборди Каромат хола.

Ёмон воқеа содир бўлганини сезган Ҳуснободнинг овози қалтиради:

— Сўйланг, не бўлди?

— Зубайдани олиб қочишди, қаерда турганакан бу кўргилик.

— Ким? Қандай олиб қочишади?

— Билмайман. Саҳарга яқин ҳужра эшиги шарақлаб очилди, юзига ниқоб тортган иккита нусха пайдо бўлди. Бири бўғизимга пичоқ қадаб турди, иккинчиси Зубайданинг устига чойшаб ташлаб ўради-да, елкасига ўнгариб олиб чиқиб кетди. Дод деб қолавердим.

Ҳуснободдан совуқ тер чиқиб кетди. Мана қилган аҳмоқлигининг оқибати. Фожиа содир бўлибди-ку. Маликанинг миясида санчиқ турди. Нима қилса экан? Мушкул пайтларда онаси ёрдан бергучи эди, унга учрасамикин?

Ҳуснобод онасининг ҳузурига учди. Лўнда қилиб бор гапни айтди. Онаси ваҳимага тушмай қизининг юзига тикилганича миқ этмай тураверди.

— Нега индамайсиз, ойижон? — деди Ҳуснобод хуноби ошиб.— Ахир бутун бошли одам жувонмарг бўлиб кетиши мумкин.

— Шунинг учун бошимдан эс-хушим учди-да, қизим,— деди Жамила.

— Ҳофиз маъшукасини излаб келган, чўлда мендан чопар кутиб ўтирибди. Энди нима деган одам бўлдим? Унга қандай айтамыз?

— Айтсанг тириклайин ўлади,— деди шоҳбону,— ҳозирча чопар юборма, умидвор бўлиб ўтиратурсин.

— Яхши, аммо қизни қандай қутқарамиз?

— Ҳаракат қилиб кўрамиз,— шоҳбону ўзига ўзи гапираётгандек хаёл дарёсига ғарқ бўлди.— Қайси малъун қилди экан бу разилликни? Ҳарҳолда Зубайданинг ҳамқишлоқлари эмас. Улар сарой тугул шаҳарга ҳам киролмайдилар. Демак, қароқчи шаҳарлик бўлиб чиқади. Лекин Зубайданинг саройда эканидан ким воқиф экан? Сардор билан навкарлари-да! Демак, бу ўшалардан бирортасининг иши.

— Йўқ, ойи, навкарлар кўрқади бу ишни қилгани.

— Ҳаққина рост, навкарлар кўрқади, лекин биттасидан шубҳам бор.

— Унда нима қиламиз? Аксига юриб отам йўқликларида рўй берадимиз шу иш. Қачон қайтадилар овдан?

— Билмадим, лекин қайтишларини кутмаймиз. Зудлик билан Фармони олий чиқариб, шаҳар бўйлаб жарчилар қўямиз. «Бокира қиз ўғирланди, агар қизнинг бошидан битта туки тўкилса, қароқчи авлод-аждои билан қириб ташланади, башарти қиз қайтарилса, қароқчининг гуноҳидан ўтилади», деб жар соладилар. Фақат шу тариқа қизни асраб қолиш мумкин.

— Отам ўзбошимчалик қилганимизни эшитсалар, дарғазаб бўлмайдиларми?

Шоҳбону қўл силтади:

— Узим тушунтираман... кейин бу ёғи гардкам!

— Гардкам бўлса, гардкам!

Шоҳбону шу заҳоти қози калонни ҳузурига чақириб, зудлик билан фармон тайёрлашни буюрди.

Одам бўлмоқ аста-аста, ҳайвон бўлмоқ бирпасда

Кўпдибек билан Самийнинг димоғлари чоғ эди. Ниятларини хамирдан қил суғургандек амалга ошириб, Зубайдани ҳовли этагидаги ҳужрага тиқиб қўйдилар. Айвонда ўтириб, онаси ўпмаган жонон қўлга тушганини нишонлаб, саҳарданок майхўрликни бошладилар. Лекин кутилмаганда ҳовлига чап қўл вазир бостириб кириб келди.

— Тегмадингми, аблаҳ?! — деди у ўғлига томдан тараша тушгандек.

Кўпдибек гангиб ёлдиради.

— Нима?

— Қизни айтяпман, тегинмадингми ишқилиб?

Кўпдибек энди воқеага тушунди, одатича чап беришга уриниб кўрди.

— Қандай қиз, ота, нималар деяпсиз?!

— Узингни гўлликка солма, овсар! Сендан бошқа ит ҳам қилмайди бу ишни! — тутақиб кетди отаси.— Фармонни эшитдингми, қароқчининг ўзи тугул уруғ-аймоғи билан зиндонда чиритиб юборадилар-а!

Кўпдибек ишшайди.

— Ҳамма нарсани мендан кўраверар экансиз-да, ота!

— Битта мен эмас, шоҳбону ҳам, бутун сарой аҳли ҳам сендан кўряпти. Кўп қийнама-да, айтақол, қиз тирикми?

Кўпдибек дўриллаб кулди.

— Жуда одамни галварсга чиқариб қўйдингиз-ку. Қайси одам ўлдириш учун қиз ўғирлайди?!

— Сендақа нафси бузукдан ҳар нарсани кутиш мумкин. Хўп, гапни чўзма-да, қизни зудлик билан жойига қайтар...— Вазир шундай қалтис пайтда ҳам арзандасини эркалашдан ўзини тиёлмади.— Худо хоҳласа, ўзим бундан ҳам кетворганини олиб бераман. Қани, қимирлайқол тезроқ.

Кўпдибек ўрнидан турар экан, ўзича тўнғиллади:

— Қаймоғини ҳам олиб улгурмовдик-а, тавба.

У Самигни четга олиб чиқиб, нималарнидир уқдирди. Самиг ноилож ҳовли этагидаги ҳужрага қараб йўл олди.

Зубайда бурчакка тиқилиб дағ-дағ қалтираб ўтирган эди, эшик ғичирлаб очилиб, остонада шипдай бўлиб бир одам кўринди. Қоронғида унинг башарасини кўриб бўлмасди. Қиз қўрқиб кетганидан қичқириб юборди.

— Яқинлашма!

Кимса тўхтади.

— Нега қичқирасан, тентак! Қичқирадиган бўлсанг, ўзингга жавр қиласан. Кўрқма, омад кулиб қолди сенга.

— Яқинлашма! — аста бўш келмай қайтарди Зубайда.

— Гапимни кунт билан эшит. Ҳозир бошингга қоп кийгазиб олиб кетаман,— дўққа кўчди кимса,— чурқ этиб оғиз очмайсан. Эшик тагида арава турибди, устида сандиқ бор. Уша сандиққа солиб, келган жойингга обориб қўяман. У ерда ҳам нақ эшик тагида тўхтаймиз, аравадан тушасану орқангга қарамасдан эшикка кириб кетасан. Акс ҳолда... ишни бузасан. Бордию қичқирадиган бўлсанг, эрталабгига ўхшаб оғзингга рўмол тиқиб обораман. Уқдингми?

Зубайда жавобга шошилмай кимсанинг гаплари мағзини чақа бошлади. Алдамаётган кўринади, деб ўйлади.

— Уқдингми, деяпман! — қистади кимса.

— Шартим, аравагача ўзим бораман.

— Шартни мен қўяман!

— Йўқол бу ердан! — кучининг борича қичқирди Зубайда.

— Учир овозингни. Бутун маҳаллани уйғотасан-ку, бунақада,— кейин у қўл силтади. — Яхши, аравагача ўзинг борасан.

Арава саройнинг орқа эшигига етганда улар тўхташди. Аксига юриб, кўчада одам гавжум эди. Арава устида от жиловини ушлаб ўтирган Самиг хавотирдан қора терга тушиб кетди. Худо кўрсатмасин, қўлга тушиб қолсами, калласи кетиши аниқ. У игна устида ўтиргандек одамларнинг сийракланишини кута бошлади. Аксига олиб одамлар сийраклашиш ўрнига кўпайиб борарди.

Ахийри, ҳийла ишлатишга қарор қилди-да, кўчанинг нариги бетдаги болта кўтарган хирсдек ўтинчининг олдига қараб юрди.

Бориб ҳе йўқ, бе йўқ битта тилла танга узатди:

— Ҳазиллашяпсизми, ака? — ўтинчининг кўзлари шокосасидан чиқиб кетаёзди.

— Анави бодроқ сотиб ўтирган кўсани кўряпсанми, бориб ўшанинг қулоқ-чаккасига бир туширасан.

— Шу холосми? — куракдек тишларини кўрсатиб ишшайди барзанги.

— Тепангга халойиқ йиғилиб, тўполон кўтарса...

— Уларни ҳам ураман?

— Йўқ, битта таниш қиморвозга ўхшатибман, фирромлик қилиб пулимни ютиб қочганди, дейсан.

— Маъқул, ака, маъқул,— қўлидаги тилла тангани яширишга уринди ўтинчи.

— Фақат секинроқ ур, тагин ўлдириб қўйма,— Самиг ҳар эҳтимолга қарши уни огоҳлантирди.

— Тушундим, ака,— дўриллаб кулди ўтинчи.

Самиғ шошиб ундан йироқлашди. Ҳали кўчанинг бу бетидаги аравасига етиб улгур-масидан барзангининг ўдағайлаганини эшитди.

— Ҳе, номард! Қўлга тушар экансан-ку! Мана сенга, қирриқ!

Шу заҳоти кўсанинг дод-войи кўчани тутиб кетди. Ҳамма ўша қий-чув кўтарилган жойга чопди.

Самиғ араванинг ёни ҳувуллаб қолганидан фойдаланиб, шартта сандиқнинг қопқоғини очдию Зубайдани қўлидан тортиб ерга туширди. Қизнинг бошидан қопни олди экан, қулоғига шивирлади:

— Орқанга қарамай, тўғри кириб кет. Фақат тез!

Зубайда қопдан халос бўлиши билан ўзини тўғридаги эшикка урди. Шу заҳоти арава ҳам шитоб билан жойидан жилди.

Тежоғлик иш — бежоғлик

Каромат холанинг хушхабарини шоҳбону гўё шундай бўлишини олдиндан билган-дек, хотиржам тинглади. Суюнчисига бир кийимлик ипак мато бериб, кўнглини кўтарди. Кампир кетгандан кейин эса, ўйлаиб қолди. Шошилич чора кўриб, Зубайдани топганлари яхши-ю, бироқ Нурали қаерда қолди? Шоҳбону малика айтган ўша садақай-рағоч тагига уч-тўрт чопар юборди, аммо ҳар гал улар қуруқ қайтардилар. Қаёққа гумдон бўлди экан? Ёки жарчилардан Зубайданинг ўғирланганини эшитиб, ўзи қидиришга тушиб кетдимикан? Нима бўлса ҳам Зубайдани ортиқ тутқинликда ушлаб туриш мумкин эмасди. Қолаверса, шоҳдан ҳам ҳавотирда эди шоҳбону. Хон ордан қайтиб, кайф устида кўрайлик ўша шов-шув бўлган қизни деб қолса, тамом, Зубайда ҳам кўп қатори ҳарамга тушади.

Шунинг учун шоҳбону Зубайдани тезроқ ўз қишлоғига жўнатишга қарор қилди. Бироқ масаланинг нозик томони бор. Зубайдани ўз қишлоғига жўнатиш таклифи маликадан чиққани тузук. Шундай ният билан шоҳбону қизининг хонасига кириб борди. Сарой чевари Ҳуснобод билан Қундузга сабоқ ўргатаётган экан, шоҳбонуни кўриб, дик этиб ўрнидан турди, таъзим билан салом берди.

— Фойдаси бўляптими сабоқларингни?

— Вой, қани энди ҳамма шогирдларим ҳам буларга ўхшаган тиришқоқ бўлса?

— Дуруст, игна ушлашни билмаган аёл аёлми? — деди шоҳбону ва шу билан гапга яқун ясаганини аңглатди.

Чевар илдам туриб, хонани тарк этди. Қундуз ҳам турмоқчи эди, шоҳбону уни елкасидан босиб жойига ўтказди.

— Табриклайман энди, Ҳуснобод, ҳаракатларинг зое кетмади. Зубайда топилди.

— Вой, ростданми? — иккала қиз ҳам хурсанд бўлиб кетишди.

— Ҳозиргина олиб келиб, эшикдан киритиб юборишибди.

— Қойил, — деди Қундуз. — Савобнинг тагида қоладиган бўлдингизлар.

— Ҳа, чакана эмасмиз биз, — керилди шоҳбону, — энди бу ёғини нима қиламиз,

Ҳуснобод?

— Қайдам, — деди Ҳуснобод хижолатга тушиб.

— Тутқинликда олиб ўтираверамизми ё...

Малика онасининг мақсадини дарров тушунди.

— Йўқ, қишлоғига жўнасин, ўша ҳофизин билан бўла қолсин, — деди малика.

— Бўлмаса кечиктирмай шу бугуноқ жўнатамиз, — темирни қизини босишга ҳаракат қилди шоҳбону.

— Вой, битта ўзи қандай кетади? — хавотирланди Қундуз.

— Ёнига Каромат холани қўшиб берамиз. Ундан ташқари, қўриқлаб бориш учун иккита соқчи ҳам керак. Сардордан илтимос қиламиз, асл навкарларидан беради.

— Узлари ҳам кўнадилар обориб қўйгани.

— Йўқ, бечорани бир марта шоҳимизга ёмон кўрсатиб қўйганимиз етар, яна шоҳдан балога қолмасин. Ишончли йигитлардан топиб берса бас.

— Топиб берадилар, — деди Қундуз.

Бу гал унинг ҳузурига шоҳбонунинг ўзи борди.

Сардор шоҳбонунинг илтимосини эшитиб, қувониб кетди. У Зубайда билан Нуралига яхшилик қилиш имконияти туғилганидан шодланиб:

— Бир оғиз сўзингиз! — деди.

Сардор учун буйруқни бажаришдан муқаддасроқ нарса йўқ эди. Зубайдани тутқин қилиб олиб келганда ҳам тишини тишига қўйиб буйруқни бажарган эди. Бироқ ўшандан бери дили ғаш эди. Ҳамқишлоқларига кўринишдан қочиб юрар эди. Мана энди ўзини оқлаб олиш имконияти туғилди.

Сардор ишончли навкарларини танлашга қарор қилди. Уйлаб-ўйлаб, гарчи ёмон кўрса ҳам ақлли Абдужаббор билан абжир Сабоҳиддин деган йигитни маъқул топди.

— Кечки салқин билан йўлга тушасизлар, ҳозирлик кўраверинглар, — деди у йигитларига.

— Хўп бўлади! — Сарой ҳаёти жонига теккан Сабоҳиддин суюниб кетди.
Ҳамма ишни пишиқ-пухта қиладиган Абдужаббор эса, Сардорни четга тортди.
— Хизматингизга ҳозирмиз-у, лекин кўнглимга бир шубҳа ўрлаб, қолди, айтайми?
— Хўш, нима экан? — сўради Сардор.
— Қизни қайтариб келганлар тинч қараб турармикинлар? Қишлоғига жўнатилганидан хабардор бўлишса, пайтдан фойдаланиб кетимиздан тушишмасмикан, дейман?
— Гапингда жон бор,— деди Сардор,— чўлу биёбонда ҳужум қилишса, ким билиб ўтирибди.

— Шуни айтаман-да.
— Нима бўлса ҳам қизга гард юқтирмай етказишинглар шарт,— қатъий буюрди Сардор.

— Маъқул, лекин битта илтимос бор. Биз шаҳарни тарк этишимиз билан шаҳарнинг тўрттала дарбозаси посбонларига бир нарсани тайинлаб қўйсангиз, шаҳардан чиқаётганларга кўз-қулоқ бўлиб туришин. Кетимизга тушадиганлар беш-олтита бўлса, ўзимиз тинчिताмиз. Мабодо кўпайиб кетишса, дарҳол сизга хабар қилишин. У ёғи, қандай чора кўриш, сизга боғлиқ.

— Дуруст,— рози бўлди Сардор.

Намозшом пайтида ҳамма нарса тахт бўлди. Саройнинг орқа эшигига арава келиб тўхтади, унга аввал йўлга олинган юклар ортилди, хиёл ўтгач, икки паранжили аёл — Зубайда билан Каромат хола чиқиб ўтиришди. Сўнг навкарлар қўшилиб, арава шаҳар кўчалари бўйлаб шошилмасдан йўлга тушди.

Уларни кузатиб қайтган шоҳбону анча таскин топди, ҳарқалай бир бегуноҳ бечорани жувонмарг бўлиб кетишдан қўтқариб қолди. Лекин кўп ўтмай, яна кайфияти бузилди. Кейинги пайтда шунақа бўлиб қолган, бундай очилиб-сочилиб яйрайолмайди, юрагида тош бордек, нимадир ўртагани ўртаган. У яна ўйга толди. Уйлари эса аччиқ эди. Қизларининг тақдири нима бўлади, ёшлари ўтиб қоляпти. Қундуз ўн саккизга қараб кетяпти, Ҳуснобод ўн олтида. Минг афсус, Нуралини куёв қилиш насиб этмади, санъаткордан куёв қилиш орзуси ушалмади. Қундуздан кўнгли тўқ, жазмани бор. Сардор тўпорироқ бўлса ҳам мард, садоқатли ўғлон. Бироқ Ҳуснободни эрга бермай туриб Қундузнинг тақдирини ҳал қилиб бўлмайди, канизаклар маликадан олдин турмуш сўришга ҳақлари йўқ.

Шоҳбону Нуралидан кўнглини узгандан кейин яна куёв излашга тушган эди. Битта йигитни топди ҳам, аммо ҳали Ҳуснободга кўрсатиб улгурмади.

Сарой меҳмонхонасини таъмирлагани Самарқанддан битта меъмор таклиф қилинганди. Уста ўзи билан ўғлини ҳам олиб келди. Йигит бир кўришдаёқ Шоҳбонуга ёқиб қолди. Сухсурдеккина, боқишлари ёқимли, айниқса, диди ва ҳунарига қойил қолди. Агар Ҳуснобод раво кўрса, шу йигитни куёв қилиш нияти пайдо бўлди ва ўша кундан бошлаб қиз билан йигитни «тасодифан» учраштириб қўйиш пайига тушди. Бу ишни пайсалга солмай тезроқ амалга ошириш кераклигини тушунарди Шоҳбону. Хаёл билан бўлиб, фақат тонгга яқин уйқуга кетди.

Эртасига пешинда шоҳ овдан қайтди. Айрилиқдан кейин висол дамлари, айниқса, тотли бўлди. Хумордан чиққан шоҳ болишга ёнбошлаб, чилим сўради. Ёлғиз бўлганлари учун Жамиланинг ўзи чилим келтирди, гапни узоқдан бошлаб, олдин Зубайданинг бошидан ўтганларини сўзлаб берди, фақат шундан кейингина Нуралига кўчиб, уни ҳам тезроқ қишлоғига жўнатиб юборишни илтимос қилди.

— Майли, биз қарши эмасмиз, аммо ҳофизинг — шоҳ чилимни қулдиратиб тортди,— оёқда туролмайди, ақалли бир кун дам олиб, ўзига келмаса, йўлга чиқолмайди.

— Эртага бўлса, эртага-да,— розилик билдирди Шоҳбону мамнунлик билан.

Шоҳ овқатлангани чиқиб кетгани ҳамона Жамиланинг ҳузурига Ҳуснобод кирди. Узи гап очгани ботинолмаслиги учун Қундузни етаклаб келганди. Олдиндан келишилгандек, Қундуз гапирди.

— Шоҳбону, Нурали саройда деб эшитдик, шу гап ростми? — муғомбирликни билмайдиган Қундуз шартта мақсадга кўча қолди.

— Нима эди? — деб сўради шоҳбону вақтдан ютиш учун.

Ҳа, ўйлаб жавоб бериш керак, Ҳуснобод Нуралининг саройдалигини билса, яна кўргиси келади, унда эски яраси янгиланади.

— Анави Зубайдани жўнатиб юборганимизни айтсак бўлармиди? — гапга аралашди малика. — Илтимосини отамга етказишга ваъда бергандим.

— Ваъда берганинг эсимда, — деди Шоҳбону паришонлик билан.

— Маликанинг лафзи йўқ экан демасин, — Ҳуснободнинг ёнига тушди Қундуз. Шоҳбону қараса, иш чатоқ, ичида «худо, ўзинг кечир» дедию ҳийла ишлатди.

— Сени ўрнингга олампаҳо ҳамма ишни қилиб қўйибдилар.

— Қандай?

— Кела солиб Нуралининг илтимосига кўра, Зубайдани суриштирибдилар. Унинг кетиб қолганини эшитиб, Нурали ҳам ўша заҳоти от чоптириб жўнабди.

— Сизга бир оғиз айтмабдилар-да, — бўшашиб гиналади Ҳуснобод.

— Бизни безовта қилгилари келмагандир-да, — деб юпатди қизини Шоҳбону, кутилмаганда гапнинг мавзусини бошқа ёққа бурди. — Ундан кўра мен билан юринглар, меҳмонхонага ўтиб келамиз. Самарқандлик усталар шипга шундай чиройли қубба ишлашибдики, кўрсанглар оғизларинг очилади. Кетдик, мулозимларсиз ўзимиз томоша қилиб келамиз.

На Ҳуснобод, на Қундуз устомон шоҳбону нима мақсадда уларни усталар ҳузурига олиб бормоқчи эканининг тагига етмолмай, итоаткорлик билан кетидан эргашди.

Яхшидан от қолади, ёмондан дод

Пастқам ва хилват маҳаллада, жар ёқасида жойлашган «Қилкўприк» чойхонаси бутун шаҳарга машҳур эди. Бироқ безори ва қиморвозлар макони бўлишига қарамай, унда бир томчи қон тўкилмагани, зеро жамики чойхоналар қатори «Қилкўприк» ҳам муқаддас жой ҳисобланарди.

Бу оқшом «Қилкўприк»да катта зиёфат бериларди. Қўпдибек Истамбулдан келган ашаддий қиморвоз билан роса ошиқ ташлашди, бир кечада мусофирнинг икки хуржин тилласини ютиб олди. Шунинг шарафига иккита қўй сўйиб, оғайниларини меҳмон қилаётган эди. Кайф авжига чиққанда, одатдагидек, гап аёлларга кўчди. Оғзидаги ошни олдириб, Зубайдани қўлдан чиқариб юборганини калака қила кетишди. Аламзада Қўпдибек тишини-тишига қўйиб ўтирди. Бехосдан Самиғ секин уни чеккага тортиб:

— Янгиликдан хабаринг борми? — деди.

— Қандай янгилик?

— Шоҳбону Зубайдани тутқинликдан озод қилиб, ўз қишлоғига қайтариб юборди!

— Нима-нима?! — ўз қулоқларига ишонмади Қўпдибек. — Мени овутиш учун атай тўқияпсанми?

— Худо урсин агар, ўз кўзим билан кўрдим. Сардор иккита навкар қўшиб берди.

— Қачон?

— Утган куни, намозшомда.

— Шунақа экан, нега шу пайтгача тухум босган товукдек жим юрибсан?! — ўшқирди Қўпдибек.

— Айтганимдан нима фойда, Сардор навкар қўшиб юборди, деяпман-ку.

— Э ўйнаб қўйдим навкарларингга! — қуруқланди Қўпдибек. — Ҳаммаси пўкалак!

— Йўқ. Энг жангариларини танлади, ҳар бири тўртта йигитга бас келади.

— Унда бизлар ўнта бўлиб борамиз, — бу фикр Қўпдибекнинг миясига қўққисдан келди, кайфи тарқаб ҳушёр тортди. — Қизки, шоҳга тортиқ қилинмабди, демак, бизга насиб этади, ҳа, худо ол қулим дегани бу? Биласанми, қайси йўл билан кетишди?

— Билганда қандоқ, — керилди Самиғ, — ўзим олиб келганман-ку! Қишлоғи анча олис, бир ҳафтасиз етолмайдилар. Зубайдалар аравада кетди, шундоқ экан жадалла-санг етиб оласан, эрталаб йўлга чиқавер!

— Эртанг нимаси? Ҳозироқ йўлга тушамиз. Қани, ким мен билан боради? Омадимиз келиб қизни қувиб етсак, ҳаммамиз бир маза қиламиз, — ваъда қилди Қўпдибек.

Уша заҳоти бир талай истовчи топилди. Тура солиб Қўпдибекникига йўл олдилар. Унинг катта отхонаси бор эди. Унта қорабайирни миниб, шаҳарнинг жанубий дарбозаси томон чоптириб кетдилар.

Улфатлар кўча қоровулларининг ўтакасини ёриб, дарбозага етиб келганларида тонг отиб, уфқ оқара бошлаган эди. Маст улфатларнинг айтганига юрмаса, бирор иш-кал чиқишидан безор бўлган посбонлар дарбозани очиб бера қолдилар. Қутурган йигитлар дарбозадан чиқиб, чўл томон от суриб кетдилар.

Улар кўздан ғойиб бўлгач, соқчилар бошлиғи Сардорнинг буйруғига биноан отига ўтириб, навкарлар қароргоҳига қараб йўл олди. Одатда, навкарлар эрталабдан то пешингача ҳарбий машғулотлар ўтказардилар. Машқ пайтида уларни безовта қилиш қатъиян ман этилганди. Посбонлар бошлиғи ҳам Сардорнинг бўшагини кутишга мажбур бўлди.

Шум хабардан Сардорнинг аъзойи тундлашди, айниқса, талайгина вақт ўтгани уни дарғазаб қилди.

— Нега дарров югуриб келмай ивирсилаб юрибсан?! — деб ўшқирди.

Соқчи оғирлик қилди, банд экансиз, деб айбни Сардорга ағдаришга урунмай:

— Эрталабдан бери шу ердаман, — деб қўя қолди.

Сардор қизишиб кетганини фаҳмлаб, ҳовуридан тушди.

— Бўпти, кетавер, — деди қовоғини очмай.

Соқчи орқаси билан тисарилиб чиқиб кетди. Сардор бир нуқтага тикилганича хаёлга чўмди. Зубайдаларнинг араваси йўлга чиққанига бу оқшом икки кечаю икки кундуз бўляпти. Тўнда дам олишган бўлса ҳам анча жойга бориб қолишгандир. Анавилар тонгга яқин йўлга тушишибди. Булар ҳам тўхтайдилар, лекин тунамайдилар, бир-икки соат дам олиб, овқатланиб яна қувишга тушадилар. Барибир бир кеча-кундузсиз Зубайдаларга етиб ололмасалар керак.

Сардор иккала йигитига ўзига ишонгандек ишонарди. Улар бунақа безориларнинг ўнтасига бас кела олади. Лекин безорилар ҳалол уришмасачи? Орқасидан бориб қилич солсалар-чи?

Барибир Сардорнинг кўнгли бўлмади. У вазминлик билан ўрнидан турди. Навкарлардан бирини ёнига чақириб:

— Ўрнимга сени қолдираман, мен шоҳбонунинг топшириғи билан бир ёққа кетман. Айтиб кўярсан, — дедию тўғри отхонага қараб юрди, тулпорини ечиб ҳовлига чиқди. Кўпдибек отларининг довруғини у ҳам эшитган, аммо ўз тулпорига кўпроқ ишонарди. Негаки, Кўпдибекнинг отлари қанчалик наслдор бўлмасин, қишин ёзин отхонада ем-хашакнинг асилини еб семириб ётади. Сардорнинг тулпори эса, сира тиним билмайди, ҳар кун хизматда. Бундай от билан Кўпдибекнинг ман-ман деган чавандозларини қувиб етиб, орқада қолдириб кетиш мумкин.

Унинг чеҳраси сал очилди, ирғиб тулпорига минди-да, аста ниқтади.

— Қани, жонивор, бу ёғига умид сендан, иншооллоҳ, ишончимни оқлагайсан...

Энг қизиғи шундаки, ўзи билан бирга навкар олиш Сардорнинг хаёлига ҳам келмади. Шунчалик ўзига ишонарди.

Худди шу он — Сардорнинг оти шаҳар дарбозасидан чиққанида — сарой хоналаридан бирида ётган Нурали чўчиб уйғонди. Бир нарсани сезгандек юраги дукурлаб урарди. Ён-верига қараб ҳайрон бўлди, қаерда ётибди, қанча ухлади? Ҳушини йиғиб, сўнги кунларда бошидан кечган воқеаларни эслай бошлади. Кўз ўнгидан даштдаги сарсон-саргардонликлари, яраланган оҳу, овчилар ва ниҳоят, шоҳ бирма-бир ўтди. Демак, у саройда. Бирдан унинг кайфияти кўтарилиб кетди, ажаб эмас, ниҳоят Зубайданинг ҳолидан хабар топса!

Шу пайт хонанинг эшиги аста очилиб, остонада гўзал бир аёл пайдо бўлди.

— Яхшимисан, ҳофиз, — деди у, — мен Ҳуснободнинг онасиман.

— Ассалому алайкум, шоҳбону, — Нурали туришга шайланди, аммо кўз ўнги қоронғулашиб ўтириб қолди.

— Бевозта бўлма, шунча азоб чекканинг етар, — деди шоҳбону. — Сени қийнамай гапнинг индаллосини айтиб қўя қолай. Зубайда икки кун бурун қишлоғига жўнаб кетди. Сенга шу гапни етказишни Ҳуснобод топширди менга.

Нурали руҳини занжирбанд этган кишанлар бирдан парчаланиб, ўзини қушдек рангил ҳис қилди.

— Марҳаматли шоҳбону, хушхабар учун сизга ҳам, маликаи Ҳуснободга ҳам минг бор ташаккур. Ижозат этинг, мен ҳам йўлга тушай, — Нурали ҳовлиқиб қолди.

— Борақол, — пайсалга солмай рухсат этди Жамила.

У мулозимларга яхши бедов ҳамда икки хуржун озиқ-овқат ҳозирлашни буюрди. Фармони бир зумда бажо келтирилди. Нурали бедовга миниб, чоптириб кетишдан аранг ўзини тутиб, йўлга тушди.

Бироқ шаҳар дарбозасидан чиқиши билан отига қамчи босди.

Шундай қилиб, Зубайда ўтирган арава ортидан бир йўла учта таъқиб этувчи — олдин Кўпдибек улфатлари билан, кейин Сардор ва ниҳоят, Нурали қувиб кетди.

Мард майдонда синалар

Зукко Абдужаббор зиммасидаги вазифани ҳалол ва қойилмақом қилиб бажаришга одатланганди. Йўқ, у бировга яхши кўриниш учун тиришмасди, фақат пишиқ ва пухта иш тутарди. Ҳозир ҳам Сабоҳиддинни олдинга ўтказиб, ўзи араванинг ортидан борарди. Зеро хавф, назарида, фақат ортдан келиши мумкин. Ҳа, безори деган номард ҳар қандай тубанлика қодир. Ҳалол олишиш каби тушунчалар уларга мутлақо ёт.

Улар карвонсаройларда тунамай, тунги салқинда йўл юрар, эвазига пешинда, аини жазирама пайтида уч-тўрт соат дам олишарди. Натижада отлар ҳам чарчаб қолмади. Ўзлари ҳам беш кунлик йўлни тўрт кунда босдилар. Улар кун аини тикка келганда баланд тоғ чўққиси ёнида тўхтадилар. Пастда Зубайданинг қишлоғи кафтдагидек кўриниб турарди.

Абдужаббор мамнун эди, нозик «юк»ни эсон-омон манзилга етказяпти. Бу ёғи тахминан уч соатча йўл. Кечки салқинда қишлоққа тушиб боришлари мумкин. Бир кеча дам олиб эртаси эрталаб орқаларига қайтадилар. Ҳозир эса, ҳолдан тойган отларга бироз дам бериш керак. Ўзлари ҳам нафасни ростлаб, тамадди қиладилар.

Тўхтаган жойлари баҳаво, сўлим эди. Ғир-ғир шабада эсарди. Бир томони арчазор, тағларида зилол сувли булоқлар қайнаб ётарди.

Бирорта йўловчи бу ерда тўхтамай, шифобахш булоқ сувидан ичмай ўтмасди. Чапдаги қоя бўлса, худди қилич билан шарт қирқилгандек тик, пастда ҳайқириб сой оқарди. Шу сой ёқалаб борилса, ям-яшил водийга тушилади. Зубайданинг қишлоғи ана ўша ерда.

Абдужаббор отини елдириб, чодирли аравага етиб олди-да, уларни тўхтатди. Кейин олдинда кетаётган Сабоҳиддинни қичқириб чақирди.

— Эҳ-эй, дам олампиз!

Бу гап ҳаммага маъқул келди.

Ҳар доимгидек эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида ўтирдилар. Каромат хола қум-ғон қайнатиб чой дамлади.

Тўрт кун мобайнида анча суви қочган ёғли патир, пиширилган тухум ва қазининг охиргисини олиб, навкарларга яқинлашди, олдиларига дастурхон ёзди.

— Олинглар, айланайлар, очқаб кетгандирсизлар, — деди тавозе билан.

— Синглимизга айтинг, холажон, худо хоҳласа шу оқшом уйига кириб боради, деди Абдужаббор.

— Умринглардан барака топинглар, кўз қорачиғидек асраб келдинглар. Илоҳим, у дунё-бу дунё кам бўлманглар, — Каромат хола дуо қила-қила орқасига қайтди.

Манзил яқин қолгани учун ҳаммаларининг димоғлари чоғ, ҳазилга мойил эдилар. Кампир Зубайданинг олдига келибоқ хушхабарни етказди.

— Уйингизга етибмиз ҳисоб. Навкарлар Зубайдахон тўй қилса, бизни ҳам айтишни унутмасин, дейишяпти.

Шундоқ ҳам жони ичига сиғмай ўтирган Зубайда баттар ҳовлиқди.

— Биламан, холажон, хув анави кўриниб турган дов-дарахтларнинг нариги ёғи бизнинг қишлоқ. Агар ишонишса, бу ёғига овора бўлмай қайтиб кетишаверсин, ўзимиз етиб оламиз.

Каромат хола унинг соддалигидан кулди.

— Вой ўлмасам, ёр экансиз-ку ҳали, болам, сизнинг ғамингизни еб шундан шу ёққа келган одамларни уйингизда бир пиёла чой кўйиб бермай қандай қайтариб юборасиз?! Қиз уялиб лабини қимтиди.

— Вой, шуни айтинг. Отам жуда танти одамлар, кўрасиз, қўй сўйиб, меҳмон қиладилар ҳали навкарларни.

— Ана энди ўзингизга келдингиз, болам.

Улар чой ичиб ўтиришаркан, қиз бир нарса сўрамоқчидек андиша билан кампирга бир-икки қараб қўйди, ниҳоят оғиз очишга журъат этди.

— Холажон, анави навкарбоши олижаноб инсон кўринади, бир нарса сўрасак айб санамасмикин?

— Нима экан?

— Нурали ҳофиздан хабарлари бормикин? Қачондан бери ҳеч дараклари йўқ, — деди Зубайда.

— Бунинг ҳеч қандай айби йўқ, мен ҳозир сўраб боқаман, — деди кампир ва навкарлар томон йўналди.

Абдужаббор қиз эшитсин, дебми атай баланд овозда жавоб қилди:

— Ҳофиз ҳақидами? Ҳа, эшитганим бор. Неча кунлар бурун пойтахтга келган экан. Шаҳарга киролмай кўп сарсон бўлибди. Кейин нима бўлган, билмайман. Балки Зубайда овоз қилинганини эшитиб ўз қишлоғига югургандир. Ажаб эмас, биздан илгари келиб йўлини пойлаб ўтирган бўлса.

— Қани эди, қани эди, — дерди Зубайда ичида бу гапни эшитиб.

Шу тобда қишлоғига қанот чиқариб учгиси келиб кетди. Буни Абдужаббор ҳам сезди шекилли, тезроқ йўлга тушишга тараддулланиб қолди.

Танлаган жойлари қанчалик сўлим бўлмасин, овқатдан кейин анча оғирлашиб, қанчалик ҳордиққа мойил бўлмасинлар, оз қолганда имирсилаб ўтиришлари жоиз эмасдир.

— Қани, отланинлар бўлмаса. Қирқига чидаган бирига пайсалламайлик.

Аёллар чаққонлик билан дастурхонни йиғиштирдилар.

Шу пайт иттифоқо Абдужабборнинг зийрак оти кишнаб юборди, кейин олд оёғи билан ерни депсий бошлади. Буни кўриб, Абдужаббор ирғиб ўрнидан турди-да, йўлга тикилди. Қараб туриб, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Узоқда чанг кўтариб, бир тўда суворийлар шу томонга от солиб келарди.

Ҳадемай атрофни уларнинг бақириқ-чақириғу ҳайқириқлари тутди. Келаётганларнинг нияти бузуқлиги яққол кўриниб турарди.

— Сабоҳиддин! Тез отга мин! — буюрди Абдужаббор.

Сабоҳиддин ҳам олисда чанг-тўзон кўтариб келаётган суворийларни кўрди. Шунга қадар худди соқов одамдек жим юрган Сабоҳиддин бирдан ўзгарди, кўзларида алла-нечук мамнуният учқуни чақнади. У ўрнидан дик туриб, оти томон югурди.

— Мен тайёрман!

Абдужаббор гарчи кўринишдан вазмин бўлса-да, мияси яшин тезлигида ишларди. Бостириб келаётганлар кимлигини тахминан билар, ўша қиз ўғрилари бўлсалар керак, улар йўлга чиққанини дарбоза посбонлари албатта Сардорга етказганлар, демак, орқа-ма-орқа ёрдам етиб келади, ҳамма гап шунгача туриб беришда, дерди ўзига ўзи. Демак, бир амаллаб вақтни чўзиш керак.

Отлар дупури тобора кучайиб, чавандозлар ҳайқириқ билан етиб келарканлар, Абдужаббор билан Сабоҳиддин эгарда қадларини фоз тутиб, уларга пешвоз чиқдилар. Буни кўриб босқинчилар отлари жиловини тортишга мажбур бўлдилар.

— Ҳа, Қўпдибек, йўл бўлсин?! — деди хотиржамлик билан Абдужаббор.

Кўпдибек тиржайди.

— Э, ҳали сен италоқларни пойлоқчи қилиб юборганмиди Сардор?! Билганимда шерикларимни овора қилмай ёлғиз ўзим келган бўлардим.

— Сенга ўхшаган ўпкаси йўқлар доим шунақа чучварани хом санаб юради, — кулди Абдужаббор.

— Йўғ-э, нахотки иккита кўппак ўнта йигитга бас келади, деб ўйласанг. Сени, бундай тентаклигингни билмаган эканман.

Абдужаббор Кўпдибекнинг гапини писанд қилмади. Унинг мақсади гапни чўзиш эди. Ҳа, вақт ўтавергани яхши. Шу боис, у ҳамлага ташланмай чайналди:

— Агар сен менга ўхшаган тентак бўлмасанг орқанга қайт. Бекорга қон тўкилмасин.

— Қон тўкилишини истамасанг, йўлни тўсмай четга чиқ. Сенлар бизни, биз сенларни кўрмадик. Ҳа, қизни қишлоғига ташлаб келдик, дейсанлар. Биров келиб текширармиди?

Абдужаббор жавобга шошилмади.

— Ҳа, нега нафасинг ичинга тушиб кетди?!

— Гапларингда жон борга ўхшайди, ўйлаб кўриш керак, чайналди Абдужаббор.

— Нималар деяпсан, Абдужаббор?! — деди Сабоҳиддин кўзлари ғазабдан чақнаб.

Абдужаббор навкарга қараб, кўз қисиб қўйди, кейин баланд овозда жавоб қилди.

— Энди ҳар икки томон ҳам бир элатнинг фарзандларимиз, нима кераги бор ўзбекнинг муборак қонини тўкиб.

Сабоҳиддин ҳар хил найрангларни ёмон кўрарди, тилини тийишга мажбур бўлиб қовоғини ўйди.

— Нима қилдик, бўлмаса? — қистади Кўпдибек.

— Бу масалани иккимиз яккама-якка гаплашиб олишимиз керак.

— Гапиравер, менинг йигитларимдан яширадиган сирим йўқ! — деди Кўпдибек чапанилик билан.

— Менинг ўзингга айтадиган шартларим бор, — совуққонлик билан унинг сўзини бўлди Абдужаббор. Кўпдибек дарров ҳовуридан туша қолди.

— Майли, мен рози. Қаерда гаплашамиз?

Абдужаббор жавоб бермади, тўғри Кўпдибекка яқинлашди-да, «юр мен билан» дегандек ишора қилди. Сўнг иккаласи пастдаги дарага тушиб кетдилар.

Сабоҳиддин от устида қаддини ғоз тутганича безориларга тик боқиб ўтираркан, юзиде зиғирча хавотир ёки қўрқув кўринмасди. Шуни сезибми, бирорта безори унга тик қарайолмас, кўзи-кўзага тушиши билан нигоҳини олиб қочар эди. Айниқса, биттаси ҳадеб ўзини шерикларининг панасига оларди. У гарчи телпагини кўзигача бостириб олган бўлса ҳам Сабоҳиддин уни дарров таниди. Самиғ-ку, безориларнинг орасида нима қилиб юрибди экан? Наҳот жосус бўлса?

Қалқонини тиззасига қўйганча ҳайкалдек қотиб ўтираркан, Сабоҳиддин нимагадир жилмайиб қўйди.

Абдужаббор нималарни музокара қилиб келади унга қизиғи йўқ эди. Балки Абдужаббор сотилиб келар, лекин ўшанда ҳам жанг бўлиши аниқ. Шу безориларга бас кела олмаган навкар-навкарми? Унда қилич тақиб юришга нима ҳожат? Қиличбозлик маҳоратини унга Турдибек ўргатди. Айтишларича, Турдибекнинг бобоколони Темурийлар сулоласидан бўлган, ҳарбий таълим сирларини шахсан буюк саркарданинг ўзидан ўрганган экан.

Турдибек устозлигида навкарлар кунига уч соатлаб қаро терга тушиб, машқ қилардилар. Унинг энг зўр ва уқувли шогирдларидан бири Сабоҳиддин эди, беш йил давомида устози ниманики билса, ҳаммасини эгаллади. Лекин хавфли бир дардга дучор бўлди. Машқ қилаётганида рақибига ростақамига қилич солворгиси келар, аранг ўзини ушларди. Йиллар давомида ҳар куни қилич ўйнатаверган одам ўрганганларини амалда қўлламаसा, жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. У боя табассумини яширолмагани шундан — жанг қилиш имконияти туғилганидан эди. Абдужаббор сулҳга рози бўлиб келадими — йўқми, унга барибир, безорилар билан олишиши муқаррар. Қолаверса, унга манави аёлларнинг тақдир ишониб топширилдими, оқлаши керак.

Бу маҳал Абдужаббор Кўпдибекни пастга бошлаб тушиб, сой ёқалаб борар эди. Буни кўрган Кўпдибек қочириқ қилди.

— Нима бало, музокараларни пойтахтга бориб ўтказамиз шекилли?

Абдужаббор қараса, вақтни ортиқ чўзишнинг иложи йўқ. У отидан тушиб, сой бўйидаги катта харсангга ўтирди.

— Утир, чарчагандирсан чопа-чопа. Сувдан келаётган салқинни қара, — чалғитди у. Кўпдибек унинг қаршисига чўкди.

— Бўлди шартингни айт, гапни чўзмай, — деди Кўпдибек. Абдужабборнинг ўта бемалолигидан гумонсираб у қўлини қиличидан олмай ўтирарди.

— Ҳа, бўладиган гапни қилайлик, — жиддий тортди Абдужаббор, — биламан, нима ниятда кечани кеча, кундузни кундуз демай от йўрттириб келаётганингизни.

— Муддаога ўтавер! — деди Кўпдибек сабрсизланиб.

— Шундоқ бўлгандан кейин бу ишни ёруғда қилмайлик, — шошилмай давом этди

Абдужаббор. — Сенларга ҳам иснод, бизга ҳам ёмон, кўрганлар сенларни ваҳшийлик-да айбласа, бизларни номард экан, дейди.

— Вой, ким кўради, одам зоти йўқ-ку! — ҳиринглади Қўпдибек.

— Деворнинг ҳам қулоғи бор, биз сен билан шаҳарликмиз, бурнимизнинг тагидаги нарсдан бўлакин кўрмаймиз. Ваҳоланки, ҳозир ҳам бизларни жуда кўп одам кузатиб турибди. Ким дейсанми? Ҳов, тоғда қўйлар ўтлаб юрибди, демак, подачилар ҳам бор. Анави ерда эшак кўриняпти. Демак, шу атрофда ўтин териб юрган ўтинчилар, ўт-ғиё, зира йиққани чиққан деҳқонлар бор, — яна бизни кўриб ўзини панага олганлари қанча.

— Унда нима қил, дейсан? — Қўпдибекнинг гўштдор даҳани осилиб тушди.

— Нима қилардик, қоронғу тушишни кутамиз. Кун ботишига икки-уч соатча қолди. Озгина дам олиб ўтиратурасизлар, — Абдужаббор илжайди, — қора ишларни қоронғуда қилган маъқул.

— Кун ботишига ҳали анча бор-ку, — эътироз билдирди Қўпдибек.

Абдужаббор ўрнидан турди, рақибига ўқрайиб боқди.

— Қўпдибек, мен бу шартни сенлардан кўрқанимдан эмас, бир манжалақи учун шунча йигитнинг умри хазон бўлмасин, деб гапиряпман. Кўнмасанг, жанг қаттиқ бўлади, унда ғолиблар бўлмайди. Биз иккита бўлсак ҳам ҳар биримиз сендақаларнинг бештасига бас келамиз.

— Эшитганман, — деди сал бўшашиб Қўпдибек.

Абдужаббор пўписа қилмаётганини тушунди, ҳақиқатда жанг оғир бўлади. Жуда нари борса, бир-икки одам тирик қолади. Бироқ Абдужабборнинг бошқа гапларига унчалик ишонмади, навкар зоти қачондан бери исноддан кўрқадиган бўлиб қолди? Иннанкейин бир балоси бордирки, қоронғи тушишни кутяпти.

— Шубҳаларинг ўринли, — деди Абдужаббор гўё Қўпдибекнинг хаёлидан кечаётган гапларни уққандек, — мен ҳам сенинг ўрнингда бир тўхтамага келишга шошилмасдим, навкарларим билан маслаҳатлашиб кўрардим.

— Лаббай? — таажжубдан Қўпдибекнинг яна лаб-лунжи осилиб кетди.

— Бўпти, гапни жуда чўзвордик, — деб ўрнидан турди Абдужаббор. Аммо нима жавоб берасан, оғайниларинг билан маслаҳатлашасанми, деб сўрамади. Қўпдибекка боқмай отига минди-да, йўлга тушди, гўё унга Қўпдибекнинг қандай қарорга келиши мутлақо барибир эди. Шартимга кўниб кеч киришини кутсанг — ана, кўнмасанг жанг да, дегандек савлат тўкиб кетаверди.

— Мен улфатларим, йигитларим билан маслаҳатлашиб нима қарорга келганимни айтаман, — қичқирди унинг кетидан Қўпдибек.

— Маъқул, — деди Абдужаббор.

У сайрга чиққан кишидек, тулпорини бир-бир одимлатиб, орқага қайтди. Қўпдибек кетидан келяптими-йўқми, ўгирилиб ҳам боқмади. Ҳозирча воқеаларнинг бориши қониқарли эди. Ҳарқалай озгина вақтдан ютди. Ундан кейин Қўпдибек шериклари билан маслаҳатлашмоқчи. Уларнинг баҳси чўзилиши аниқ. Негаки, донолар тез тил топишилади, тентақларнинг бир-бирига гап уқдириши ўлимдан қийин. Бир битимга келгунларича зора Сардор етиб келса.

Бу орада Қўпдибек йигитларни олиб икки юз қадамча нарига кетди, ўзларича Абдужабборнинг шартини муҳокама қила бошладилар.

Холи қолганларидан фойдаланиб, Абдужаббор Сабоҳиддинга бор гапни айтди.

— Қуролланган одамлар учрашганда барибир жанг бўлади, — деди Сабоҳиддин кўнмай.

— Устозингнинг ўғитларини яхши уқибсан, — жилмайди Абдужаббор, — лекин унинг яна бошқа ўгити ҳам бор. Жангда кўпинча куч эмас, ақл-заковат энгиб чиқади. Ҳийласиз бўлмайди.

— Биз булардан энгилмаймиз.

— Аммо энголмаймиз ҳам. Кучлар тенг эмас.

Сабоҳиддин кинояли кулди.

— Нега куласан?

— Сени шунчалик деб ўйламаган эдим.

— Қанчалик деб?

Сабоҳиддин энди шарақлаб кулди.

— Назаримда, ҳавасга қилич тақиб юрган анави безорилардан чўчияпсан.

Абдужаббор оғайнисининг гапидан хахолаб кулди.

— Эй баҳодир йигит, буларинг жанг кўрмаган жўжахўрозлар эканини мен ҳам биламан. Аммо гап бунда эмас. Мен анави иккита ожизанинг ғамини еяпман. Шуларнинг тақдирини бизга ишониб топширишган экан, эсон-омон манзилга етказишимиз керак. Шердек олишишингга шубҳам йўқ. Менинг осонликча жон бермаслигимга сенинг ҳам шубҳанг бўлмаса керак. Бироқ биттагина газанда омон қолса ҳам Зубайданинг шўри қурийди-ку, тўғрими?

Сабоҳиддин бош эгди.

— Узр, сен ҳақсан.

Абдужаббор жилмайиб унинг гуноҳидан ўтди.

— Энди бундай, анави олқиндиларнинг ичида учта-тўртта пичоққа илинадигани бор. Учасини яхши танийман, каллакесарлар, ҳарқалай озми-кўпми чавандозликдан тажрибаси бор, учалови ҳам қора отда. Аввал ўшаларни бир ёқли қилишимиз даркор. Ушанда қолганлари ўзидан-ўзи қочишга тушади.

— Қочишмайди, — деди Сабоҳиддин ва аравада ўтирган Зубайда томон ишора қилиб, давом этди. — Қуйруқни кўрган бўри тузоққа илинса-илинадики, орқасига қайтмайди.

— Бу ҳам тўғри, — деди Абдужаббор, — демак, сўнгги томчи қонимиз қолгунича жанг қиламиз.

— Сўнгги қонимиз қолгунича, — онт ичгандек тасдиқлади Сабоҳиддин.

— Сўнгги томчи қонимиз қолгунича олишамиз, — деди Кўпдибек, Абдужабборнинг гапини эшитгандек, шерикларига қараб. — Сезиб турибман, Абдужаббор олишувни қоронғига суриб, найранг ишлатмоқчи. Узимизни лақиллатишга йўл қўймаймиз. Биз кўпчиликмиз, иккита олифтани енгилга қўрбимиз етади. Қилич ўйнатишда устаси фаранг бўлмасак-да, ичимизда ханжарни мўлжалга аниқ урадиган мерганлар бор. Нима дединг, Самиғ?

— Сабоҳиддинда азалдан ўчим бор, ажаб эмас бугун қанқайган бурнини ерга ишқаб, турпоқ ялаттирсам.

— Иншооллоҳ, айтганинг келсин! — Кўпдибек отига сакраб миниб ҳайқирди. — Олға, шоҳ кўппакларнинг адабини бергани!

Улар шовқин-сурон кўтариб, арава томон от сурдилар. Абдужаббор билан Сабоҳиддин тийрак тортиб, қарши юрдилар.

Орада йигирма қадамча масофа қолганда Кўпдибек хириллаб қичқирди.

— Шартингни қабул қилмаймиз, Абдужаббор! Яна қайтараман, мусулмон қони тўкилмасин десанг, четга чиқ.

— Унда ўзларингдан кўрларинг! — Абдужаббор шамширини қинидан сўғурди.

— Раббано! — деб пичирлади Сабоҳиддин, — ўзинг мадад бер!

Улар бир-бирларига орқа ўгирганча мудофаага тайёрландилар. Рақиблари қўршаб олишга улгурмасидан орқадан бўладиган ҳужумга чора топиб қўйдилар.

Бир зумда катта доира ҳосил бўлди, ўртада шоҳ навкарлари, атрофда қутурган безорилар. Олишув шиддатли бошланди, безорилар бирдан ёпирилдилар. Навкарлар қалқонларини усталик билан ишлатиб биринчи ҳужумни қайтардилар. Каллакесарларнинг иккитаси елкасидан енгил яраланди. Навкарлар қилич ўйнатишга моҳир эдилар. Шундай бўлса-да, Абдужаббор кучини беҳудага сарфламай, ҳозирча кўпроқ химояга зўр берарди. Ҳа, жанг узоқ ва оғир бўлади, ҳал қиладиган ҳамлага куч сақлаш керак.

Сабоҳиддин эса, олишувдан гўё лаззат олаётгандек завқ-шавқ билан қилич ўйнатарди. Машқларда олган сабоғини жангда қўллаётганидан, қўллаганда ҳам усталик билан қўллаётганидан кўнгли кўтарилди. Пирининг ўғитлари тўғрилигига ишонч ҳосил қилди. «Буюк саркарда Темур авлодининг юзини ерга қаратмайман», деб пичирлади.

У иккала оёғини отининг узангисига тираб, эгар устида тик туриб қиличбозлик қиларди. Бу гал яраланган рақиб Сабоҳиддинга жон-жаҳди билан ҳужум қилди, тасиратусур қилич тушира кетди. Шунда Сабоҳиддин пайт пойлаб туриб, унинг қиличини пастдан бир урган эди, қилич учиб кетди. Энди уни бемалол чошиб ташлаш имкони туғилди. Лекин Сабоҳиддин имкониятдан атай фойдаланмади, калака қилиб қилич билан рақибнинг яктагини шир қирқиб, икки бўлиб ташлади. Гоҳида мушук ҳам қўлига тушган сичқонни ейишдан олдин шунақа пийпалайди. Бу ҳўрлик рақибга ёмон алам қилди шекилли, ерга сакраб тушиб, қиличини олдию яна ирғиб отига миниб, Сабоҳиддинга қараб тикка юрди.

Бу ёғи бир лаҳзада рўй берди. Сабоҳиддин кескин бир зарб берган эди, унинг боши учиб ерга тушдию тарвуздек думалаб кетди. Бироқ барзангидек гавдаси эгар устида бир неча лаҳза муаллақ турди, бўйнининг кесилган жойидан қон фаввора бўлиб отилди, сўнг гавда гурс этиб ерга қулади. Бу манзарани кўрган безорилар ваҳимага тушиб аввалига қотиб қолдилар, кейин жонҳолатда қилич ўйната кетдилар. Шу аснода Абдужаббор улардан яна биттасини чошиб ташлади.

Аммо Кўпдибек қўрқоч ва эҳтиёткор эди, олдинга чиқмас, орқадан қилич солишга пайт пойлар эди. У «қачон ҳўнарингни кўрсатасан», дегандек Самиғга қараб-қараб қўярди. Ниҳоят, Самиғ отидан сакраб тушди-да, ханжарини оғзида тишлаб, эмаклаганича давра бўйлаб айлана бошлади. Энди Сабоҳиддин безориларни беаёв қақшата бошлади, бироқ қайсинисига ҳамла қилмасин, орқасига тисарилиб қочарди.

Иттифоқо муҳдиш ҳодиса рўй берди, Сабоҳиддин эгар устида тик турганича қотиб қолди, сўнг иккала қўли шалвираб тушди, аммо ўзи эгардан қуламади, бақрайганича ўтираверди. Жанг бир дақиқага тўхтади, барчанинг кўзи Сабоҳиддинда, нима бўлишини кутарди.

Иссиқ бир нарса Сабоҳиддиннинг курагидан белига, белидан сонига, сонидан оёғига оқиб тушди. Этигининг ичи ўша иссиқ нарсага тўлди. У на ўннга, на чапга ўгирила олар, на олдга, на орқага энгаша оларди. Номард Самиғ отган ханжар унинг икки кураги орасига санчилиб, қимир этгани қўймасди. Бирдан кўз ўнги зимистонга айланди, тик

турганича ерга гурс этиб қулади. Мана шундан хавфсираётган эди Абдужаббор, номардлар ҳалол жанг қилмайдилар, шу боис Сардор келгунча чўзмоқчи эди вақтни.

Абдужаббор сакраб отидан тушди-ю, икки ҳатлашда Сабоҳиддиннинг тепасида пайдо бўлди, унинг курагидан ханжарни суғириб улоқтирди. Аммо қаддини ростлаб улгурмади, Қўпдибек биқинига қилич санчиди, шу заҳоти бир йўла бешта безори унга ташланиб чавақлаб ташлади.

Айни шу вақт пастда, дара бошида суворий пайдо бўлди, бироқ уни ҳеч ким кўрмади, суворий эса қуюндек учиб келарди. Ҳа, Абдужаббор ҳисобдан сал янглишди, жанг яна бир неча дақиқа чўзилса, Сардор этиб келган бўлар эди.

Безорилар бамисоли ўлаксахўр қузғунлардек бир неча фурсат иккита жасадни чўқилаётгандек тепасида турдилар, навкарларнинг жони узилганига тўла-тўқис ишонч ҳосил қилишгач, кўнгиллари жойига тушди. Бўлажак айш-ишратдан руҳланиб, арава томон аста юрабошладилар.

— А-ҳа, барибир ўзимизга насиб этадиган бўлдинг-ку, — деб ғолибона керилди Қўпдибек.

Шериклари бунга ҳиринглаб кулишди.

Зубайда Каромат холанинг бўйнидан қучиб, қулоғига шивирлади:

— Энажон, омон қолсангиз, Нурали акамга мендан салом айтинг.

Бу ёғи кўз очиб юмгунча содир бўлди.

Зубайда ирғиб ўрнидан турдию тик қоя томон югурди. Ҳали безорилар нима бўлаётганини тушуниб етмасларидан ўзини пастга отди.

— Тўхта!! — деган қалдироқдек қудратли овоз бутун дарани тутди.

Қичқирган Қўпдибекми, безориларми ё отда яйловга кўтарилаётган Сардорми, ё бошқа бировми Каромат хола ажрата олмади.

Кейинги лаҳзада Сардор шердек нара тортиб, безорилар устига бостириб келди. Йўлакай биринчи учраган безорига қилич урди, зарб шу қадар кучли эдики, қилич безорининг кўкрагига қадар кесиб тушди. Шу заҳоти иккинчисининг ҳам калласи коп-тоқдек ерга учди. Эси чиқиб кетган безорилар бу қутурган девга бас кела олмасликларини дарҳол фаҳмлаб, ўзларини ерга ташлаб, тиз чўкдилар, бири олиб, бири қўйиб «таслиммиз, таслиммиз», деб қичқира бошладилар.

Сардорнинг юрагида армон қолди, малъунларнинг ҳаммасини бирма-бир чавақлаб моқчи эди, ниятига ета олмайдиган бўлди. Шоҳ амрига биноан таслим бўлганларнинг ўлдириш ман этиларди. Ерда мукка тушган безорилар тепасида турганча даҳшат тўла овозда ўқирди.

— Гапимни яхшилаб эшитларинг, тезаклар!!! Ҳамманг шоҳ ҳукми билан жазоланасанлар. Аммо биттанг, агар шартимга кўнсанг, омон қоласан.

Ҳали шартнинг қандайлигини эшитмасдан безорилар «мен розиман, мен розиман» деб чуғурладилар.

— Турларинг ҳамманг! — буюрди Сардор.

Безорилар титраб-қақшаб ўринларидан турдилар.

— Сени танладим, — деди Сардор нафрат тўла кўзларини Самиёга қадаб.

— Минг раҳмат сенга, Сардор, мен ҳар қандай шартингга розиман, ишқилиб жонимни сақлаб қолсанг бўлди, — ер ўпиб ташаккур изҳор қилди Самиё.

— Биламан, жонингни сақлаб қолиш учун отангни ҳам сотиб юборасан сен маълун?

Сардор Қўпдибекка яқинлашиб, қўлидан шамширини тортиб олди-да, ерга санчди. Кейин ўзининг ханжарини ёнидан суғуриб Самиёга узатди.

— Ушла, ҳароми!

Самиё ханжарни олиб, Сардорга саволчанг назар ташлади.

— Қулоғидан бошла, — буюрди Сардор Қўпдибекка ишора қилиб.

Самиё гап нимадалигини дарров фаҳмлади.

— Хўб, хўб, — деди таъзим билан.

У зиғирча хижолат тортмай титраб-қақшаб турган Қўпдибекка яқинлашди. Сурбетларча кўзига тикилди, кейин Сардорга қараб қўйди.

— Кесавер, — деди Сардор.

Самиё Қўпдибекнинг битта қулоғидан ушлаб шартта қирқиб олди.

— Бу Абдужабборнинг хуни! — деди баланд овозда Сардор. Самиё Қўпдибекнинг бурнини қирқди.

— Бу Сабоҳиддиннинг хуни, — деди Сардор.

Самиё Қўпдибекнинг битта кўзини ўйди.

— Бу эса, Зубайданинг хуни, — деди Сардор.

Самиё ҳатто инграшга ҳоли қолмаган Қўпдибекнинг иккинчи кўзини ҳам ўйиб олишга ҳозирланганда Сардор уни тўхтатди.

— Бас! — деди, — энди эгангни эгарга миндириб, арқон билан сириб боғла. Отни эса, дашт томон ҳайда. Агар жони қаттиқ бўлса, жароҳатлардан ўлиб кетмаса, одамларни чўчитадиган олабўжи бўлиб яшайди. Бундан зиёд жазо йўқ унга!

Самиё чаққонлик билан буйруқни бажарди.

— Энди ўзинг бери кел, — чақирди уни Сардор.

Самиғ тиззалари қалтираб, Сардорга яқинлашди. Жирканиб, нафрат билан тикилди Сардор сотқин навкарига.

— Тиз чўк!

Самиғ тиз чўкди. Сардор уни иккала қўлини орқасига қилиб, на оловда эрийдиган, на пўлат шамшир қирқадиган сиртмоқ солди. Уст-бошини ечиб, битта иштонда қолдирди. Шошмасдан бориб аравадан қумғонни олиб келди-да, қорасини Самиғнинг башарасига суртди.

— Энди ҳамманг тупурларинг башарасига! — деди безориларга қараб.

Сардор озгина бўлса ҳам аламдан чиқди-да:

— Илоҳим иснодга чидолмай ўзингга ўлим тилагин, аммо тангри оҳу зорингга қулоқ тутмасин, умр бўйи шарманда бўлиб юргин. Энди йўқол! — деб қувиб юборди. Шу алпозда яйлов томондан от дупури эшитилди ва ҳадемай қушдек учиб келаётган оппоқ тулпор кўринди. Сардор Нуралини дарров таниди.

Нурали етиб келиши билан отидан сакраб тушди, у на ерда ётган мурдаларга, на кишанланган Самиғга, на асирга тушган безориларга аҳамият берди. У олазарақ бўлиб Зубайдани ахтарди. Бирдан аравани, унда ёлғиз ўтирган Каромат холани кўриб қолдию кампир ёнига чопди.

— Гапиринг, энажон, — деб ёлборди.

Кампир жавоб бериш ўрнига фиғон чекиб йиғлади, аранг қўлини кўтариб қояни кўрсатди, оғиз очиб бир нарса дейишга мадори йўқ эди бояқишнинг. Мудҳиш шубҳа юрагига ўрлаган Нурали кампир кўрсатган қоя четига борди-да, тубсиз жаҳаннамга боқди. Пастда илондек тўлғониб сой оқар, қирғоқдаги бута шоҳига илиниб қолган Зубайданинг қирмизиранг пешонавоғи пир-пир ҳилпирар, аммо учиб кетолмасди. Нуралининг назарида бутун борлиқ чирпирак бўлиб айлангандек бўлди, кейин олам ҳувиллаб қолди. У инграб юборди. Орқасига ўгирилиб, безориларга боқди. Сардор шамширининг бандидан қаттиқ ушлаганича ўқрайиб ерга тикилди, умрида биринчи марта инсон боласидан кўзини олиб қочди.

— Бекор айтибсан, оғайни, — деди паст овозда Нурали, — қилич ҳеч қачон созни енголмаган!


Сардор миқ этмади.

Нурали қоя четига бир қадам босди: «Зубайдам, барибир топаман сени», дедию ўзини жарга отди.

Қоялар бағрига яширинган қандайдир ёввойи қуш даҳшатли чинқирди.

Сой қирғоғидаги бута навдасига илиниб қолган Зубайданинг қизил дурраси эса, гўё уларнинг муҳаббатини олқишлаб қарсақ чалаётгандек шамолда бетўхтов ҳилпирарди.

1988 — 1990 йиллар




Maqbul

* * *

Қасби корим деҳқончилик. 1936 йилда туғилганман. 50-йиллар бўлса керак, жамои ҳўжалик идорасига борганимда «Шарқ юлдузи»га кўзим тушиб қолганди. Шундан буён мунтазам ўқиб келяпман. Одамлар баъзан ўйимдаги тахламларни кўриб, «Шуларнинг ҳаммасини ўқиганмисиз?» деб сўрашади. Мен «қизиққан нарсаларимни ўқиганман», деб жавоб берман. Дарҳақиқат, «Шарқ юлдузи»да босилган «Спитамен», «Икки эшик ораси», «Улуғбек хазинаси» каби асарларни жуда севиб мутолаа қилдим.

Сизлардан илтимос, «Зижи Кўрагоний» ҳақида ёзсангизлар. Айрим одамлар бу асарни ўқиганман, деб мақтанади-ю, маънисини тушунтириб беринг десангиз, «сенинг фаҳминг етмайди», дегандек гап қилади. «Зижи Кўрагоний» ҳақида мақола берсангизлар, мен уни ўқиб, ўша мақтанганлар ростдан ҳам бир нимани билишадими-йўқми, си-наб кўрар эдим.

Рашид АХМЕДОВ, Пешку



Қутлибека Раҳимбоева

ТАВБА

Драматик достон¹

Атроф қоронгулашиб, ёришади. Изоҳчи кўринади.

ИЗОҲЧИ

Эшикни зич ёпиб кирди уйига,
Телефон тилини суғуриб отди.
Ҳаёт рангсизланиб қолди ўйида,
Ярадор ғурури юзтубан ётди.
Тушда деразананг қўш пардалари
Тонгни ҳам ёнига қўймади, ҳатто?
Чинқирди қалбининг зич ўрдалари:
«Яшаганинг хато, кўрганинг хато!»
Охир бир тўхтамга келди ҳафтада
Майда-майда қисмин куч билан йиғди.
«Наҳотки эл яшар шунча афтода,
Кўзим-ла кўрай» деб сафарга чиқди.
Олди иш столин ғаладонида
Қоғоз сувратида ётган арзларни.
Чегаламоқ бўлди эли жонига
Зўравон бу тузум солган дарзларни.
... Водийларга борди, борди чўлларга,
Навкарлар қуршади икки ёнбошин.
Қучоқлари тўлди жонли гулларга,
Нафис мажлисларда айланди боши.,
У саҳнада юрди, саҳнани кўрди,
Кўрсатмас эдилар парда орқасин.
(Халқнинг кўрган кунин яширган кўрни —
Маънавий кўрларни тангри қарғасин!)
Яна қолаверди паррда ортида
Оқлигин Кун сўриб қорайган Инсон.
Яна қолаверди парда ортида
Кенглигин ер қисиб торайган Инсон.
Яна қолаверди парда ўстириб
Ўзи ўсмай қолган қоракўзликлар.
Унга дуч келишди, асосан, фириб
Ила сўз айтганлар — икки юзликлар.
Қайтди, юпанчиғи битта таскини:

1. Бошланиши ўтган сонда.

Ўзбекистон бор-ку, йўқолгани йўқ.
 Одамларнинг ранги бўлса-да синиқ,
 Ҳар қалай эгни бут, коринлари тўқ».
 ...Сўнграқ яна сафар, тагин йўл юрди,
 Лекин саҳна ўша, томоша такрор.
 Барибир сизди у: балчиқда юрти,
 Юртни балчиқ сари итарганлар бор!
 Ёнмади-куймади, ачинди бироқ
 Минбардан айтишга кўймади кўркув.
 Фақат эшигини очди сал кенгроқ
 Ёприлиб келгувчи арзгўйларга у.
 ...Арбоб арбоб бўлиб қолгандан бери
 Замон сарбонлари ўзгарди неча.
 Аммо ўзгармасди унинг тақдири:
 Кундуз кундуз эди, кечаси кеча.
 Вақт етди: табиат ўкиди ҳукм,—
 Бу тузум тоғидан қулади харсанг.
 Харсанг харсангларга урилди шу кун,
 Кўп қурбонлар олди бу қонуний жанг.
 Арбобнинг қонида қолган бир томчи —
 Шоирлик сездирди жангнинг хатарин:
 Отига олдинроқ урди у қамчи
 Силлиқ тушиб кетди ташлаб қаторин...

Атроф қоронғулашиб, ёришади. Арбоб ўринда устма-уст тахланган ёстикларга суянганча ўтирибди. Юз-кўзларидаги хаяжон ҳамон Ёш шоира билан суҳбат ёди таъсирда эканлигини кўрсатиб турибди.

АРБОБ

Бўлмаганда эди у аёл завол,
 Чиқар эди ғижим туғини ёзиб.
 Мажруҳ ишончига топарди даво,
 Энди кун келгандай унга муносиб.
 ... Қайдам, ҳақиқатдан ўзга бирор куч —
 Билан ул қилолмас бўлса муроса...
 Барибир, иккиси бўлармиди уч,
 Қийналиб яшарди, барибир, роса.

(Жим қолади, хўрсинади.)

Нима бўлаётир узун тун бўйи
 Фақат руҳлар келар ёним, ёдимга?
 Ё булар ажалнинг чорловчи куйи —
 Таклифномасими менинг отимга?

Қўлидаги дафтарчани очиб, дуч келган саҳифани ўқишга тутинади.

ШОИР РУҲИ

Шивирлайсан, синглим, шивиринг
 Фарёдлардан кўра оғирдир.
 Тунлар тинглаб, жоним оғрийдир.

Орамизда тахтадан девор.
 Ҳуссаларинг олмоғим душвор,
 Барибир айт: кимга ялинчинг?

ора кунлар қорайтирдими,
 Сўрайсанми бир ҳовуч ёғду —
 Ойдан. Ёғду берармиди у?

Ой — оқ танли қулдор-ку кўкда,
 Лагеримиз — унга тиз чўккан
 Ва сим билан чандилган бир қул.

Худосига етказсин дея
 Пайғамбарга фарёд этдингми?
 Ноҳақликдан тўйиб кетдингми?

Умид этма! Худо чарчаган
 Ёлғиз хизмат қилиб барчага,
 Ахир, ўзга арз тингловчи йўқ!

Чорлаганинг мунис онангми,
Ё акангми, дўст-дугонангми,
Ажаб, ҳамон тирикми меҳринг?!
Қўй, «оҳ»ларинг чиқарма ташга,
Тишларингни қаттиқ бос тишга,
Тиклан, суян ўзингга ўзинг!

Ўзингга айт, ўзингдан сўра!
Бунда ўзинг мангусан фақат,
Қолган ҳамма нарса омонат!

Арбоб яна жим қолади, узок фурсат шу ҳолатдан чиқмайди. Сўнг дафтарчага қараб сўзлайди.

АРБОБ

Ҳар битта шеърингиз минг дилга чироқ —
Ҳар битта сўзингиз минг йўлли ёғду.
Билиб, билганимни сир тутдим узок,
Тилимни бойлади яна шу қўрқув...

Тағин дафтарчани варақлайди.

ШОИР РУҲИ

Музлаган қўлларим бежодир,
Илинжим тилимда шиш бўлди.
Кўзимдан томчиган шўр қондир,
Озодлик ўнги йўқ туш бўлди.
Ай тирик, сен надан қўрқасан?

Арбоб бир сесканиб, дафтарчани ёшади.

АРБОБ

Сўзларингиз энди ўкинч — ўксиндим,
Ишонинг: ҳали ҳам оқ ҳисларим бор.
Мен тубан эмасман, ахир, кўксимда
Дарахт бўлолмаган илдизларим бор.
Фаришта эдимми? Йўқ, гуноҳлиман,
Лекин ҳасадгўй ва фосиқ эмасман.
Гуноҳ арқонига мен ҳам боғлиман,
Лекин уни эшган косиб эмасман.
Бировни ўлимга этмадим ҳукм,
Бировнинг рўзғорин сочмадим пардай.
Очиқ кўзликларга пуркмадим тутун,
Юпуннинг тўнини ечмадим қорда.
Мен лойиқ эмасман шундай ўлмоққа,
Ўзимдан ўзаги этмасдан огоҳ.
Менга имкон керак тавба қилмоққа —
Манглайим босмоққа пок бир саждагоҳ!
Бугун мен истамас «мен» топса қазо,
Шу узун кечамни битиролсам бас.
Тутқун шеърларингиз қиламан озод,
Жонсиз сувратларга қайтар жаранг сас!
Йўлларга тушаман, топаман изни,
Йилларга қайтаман, бир-бир тераман.
Сизни берган халққа қайтариб сизни,
Мудроғин сиз билан уйғоттираман.
Шу бўлар этганим тавба-тазарру,
Шу бўлар топганим саждагоҳ, меҳроб.
Имон, эътиқодим бутлаганим — шу,
Шу бўлар бошимда қолгани офтоб!

Хона секин қоронғулашади

Саҳар.

Арбобнинг меҳмонхонаси. Жихозлар қора-қизғиш тусда. Хона соҳибаси диванда ўтирибди, ёнида телефон. Пардалари чеккага суриб очилган тиниқ деразадан дарахтларнинг яшил учлари кўринади.

АРБОБ

Саҳар танлаб кийган гулдор кўйлагин
Менинг деразамга тутмоқда, ана.
Азоб қамалидан чиқди юрагим,
Юз йил умрим борга ўхшайди яна—.
Менга кўшилгандай тоза бир сезим,
Ўзимни мустақил сезаман ғоят.
Аниқман, маълумман, ўзимга ўзим,—
Эркинлик дегани шу бўлса шояд.
... Бунчалар сочини узоқ ўрмаса
Келмайди, мен муштоқ кутган тонг — танноз.
Шогирдим билан тез баҳам кўрмасам,
Бу ҳолат улканлик қилмоқда бир оз.
... Сўнги суҳбатимиз шогирдимнинг ҳам
Дилига хира из солганлиги чин.
Дафтарча ҳақида ҳозир сўз очсам
Унутилиб кетар барча гина, кин.

Арбоб телефонни тиззасига олганича бир зум ўйланиб қолади.

АРБОБ

Ўшанда, негадир, ўрнимга келган —
Янги котибага оғибман, ажаб.
Унинг эса менинг олдимда қилган
«Ҳа-ҳа»лари экан ясама бир гап.
Ҳукуматнинг жиддий юмушларига
Боши билан шўнғиб кетганлар ҳозир.
Биздайлар келарми ҳеч ҳушларига...

(аччиқ кулиб)

Фуқарони не деб йўқласин вазир?

(бирдан қўл силтайди)

Қилмоқчи эдим-ку, ахир, қўнғироқ,
Чақирмоқчи эдим тонгдан шогирдим.
У келса, бу ҳолат кетади йироқ,
Яшил ҳаволарга тўлади гирдим.

Девордаги осма соатга қараб бир зум иккилапади-да, қатъий қарорга келиб, рақам тера бошлайди. Қўп ўтмай снмлардан овоз қайтади.

ШОГИРД

Лаббай?

АРБОБ

Саҳарлаб безовта қилдимми сизни?

ШОГИРД

(хавотирли)

Йўк, йўк, устоз, тинчлик-хотиржамликми?

АРБОБ

Ташвишланманг, умрим кирганда кузга
Баҳор қушларига менгагим келди.
Эзгу бир хабарни етказиб сизга —
Келар кунингизни беагим келди.

ШОГИРД

Хайрият, хайрият. Қулоғим Сизда.

АРБОБ

Тун бўйи бир дўстнинг ёди қийнади,
Ўйладим: тонггача ҳушдан озаман.
Сизни чақирмоққа кўзим қиймади,
... Хуллас, тўлиб кетдим, энди ёзаман!

ШОГИРД

Сизга фақат шундай овоз ярашар!

АРБОБ

Ўттизинчи йилми, элликми, етмиш —
Барибир! Ёзаман билганларимни.
Кимга қуллик қилиб кун кўрди ўтмиш,
Кимни кўрқоқ этди ва хоин кимни...

(товушини сал пасайтириб)

... Яна бир дафтар бор — кимса билмас сир,
Келсангиз маслаҳат қиламиз ҳозир!

ШОГИРД

Бораман, лаҳзада бораман учиб!

АРБОБ

Кутаман!

ШОГИРД

Сиз яна ўзгасиз... яхшисиз, устоз,
Фарзандингиз етган баланд мартаба,
Чўккан руҳингизга берибди парвоз...

АРБОБ

Ўғлимга мартаба!.. Баланд?..

ШОГИРД

Хабарсизмидингиз? Суюнчи унда!
Уйқум келиб, турфа хаёллар чулғаб,
Чалғий деб радио бурасам тунда —
Шу гап. Охирини қолибман илғаб,

АРБОБ

(Қувонч билан)

Ҳа, ҳа, шундай тахмин бор эди, ўзи...

ШОГИРД

Балки, бу масала тунда бўлган ҳал,
Безовта этмаган сизни бемаҳал
Ўғлингиз...

АРБОБ

(Сабрсизлик билан)

Албатта, албатта!

ШОГИРД

Хўп, устоз, бораман, ҳозирча хайр!

АРБОБ

Келинг, келинг!

Телефонни жойига кўяди, ўзи у ёк-бу ёкка юра бошлайди.

АРБОБ

Наҳот, ижобатдир илтижоларим,
Ўғлим, ганжим аро тенгги йўқ ганжим.
Омад навбатида етдими галим,
Шунча тез қариди аламим, ранжим?!

Юмшок ўриндикларнинг бирига ўтиради.

Ўғлим-ку эр киши — кенгларнинг кенги,
Нега келиним ҳам шошмас хабарга?!
Наҳот, селдай келган шодликни енгиб,
Ухлай олади у шундай сахарда?!

(аччиқ кулиб)

«Тугади» деб менга кафан бичганлар
Бугун лаб тишлашар, қуйига боқар.
Мендан ошкор кечган, пинҳон кечганлар
Ҳали кун чиқмасдан эшигим қоқар.

Келишсин: очикдир қасос дарвозам,
Бир кўрай балиқдай потирлашларин.

Диваннинг бир чеккасида очилиб ётган дафтарчага бирдан кўзи тушади, овози пасаяди.

Бу тун ғаройиб тун бўлди-ку тоза —
Йиғлар, севинчлар, хотирлашларим.

Яна жим қолади, бир карорга келолмай қийналаётгани ҳар бир ҳаракатида сезила-
ди.

Шоирнинг бошига етган тўданинг,
Икки-уч аъзоси тирикдир ҳамон.
Ҳануз юришибди мағрур, ғўдайиб
Уларни тутмайди на замон, на қон.
Дафтар сирни очиб, очилса сирлар
Орамизга қаттиқ совуқ тушади.
Ўғлим ёзаётган мурғак томирлар
Совуққа чидарми? Йўқ, увишади.

Яна ўрнидан туриб, у ёқ-бу ёққа бетокот юради, ўтиради.

Ўзим учун эмас, дилбандим учун
Керакка ўхшайди мураса сабр.
«Хайрият, офтобга етдим» деган кун
Бошига юбормай дўлёғар абр.

Иккиланиброк телефон олдига боради.

Энди шогирдимга фикр-ўйимни
Етказай. Овора бўлмасин бекор.
У ҳам бошламаса бирор ўйинни,
Узига етқулик ўжарлиги бор.

Секин номер теради

ШОГИРД

Лаббай?

АРБОБ

...Мен.
Узр, хомроқ гап қилибман анча,
Оғизга сиғмаскан ҳали бу панжа.

ШОГИРД

(Бирдан руҳи тушиб)

Нима бўлди тагин? Ўзи, умуман
Нега ўйингизга ёйилди туман?

АРБОБ

...Мен онаман-ку...

Телефонда бир неча дақиқа жимлик.

Сиз зийрак аёлсиз...

Жимлик давом этади.

Майли, кўнғироқни кўп қилмайлик банд,
Менга сим қоқишлар бўлар, эҳтимол.
Бу гапга қайтамиз, етади навбат,
Ўзим хабарлайман, сиз олманг малол.

ШОГИРД

(Ҳамон руҳи синиқ)

... Энди олдингизга бора олмайман...

Телефонда қисқа гудок эшитилади. Арбоб анча вақт телефон туткичини ушлаб тур-
гач, жойинга қўяди.

АРБОБ

Ҳа, яхши бўлмади, қаттиқ оғринди,
Бир нима узилиб кетди бағримдан.

Дам телефонга, дам соатга қарайди. Беихтиёр кўлига яна дафтарчани олади.

Ҳа, майли, уланиб кетар узук ип,
Керак одаммиз-ку биров-бирова.
...Ўғлимми, келиним — «ана, шундай...» деб
Келиб-кетолмайди наҳот бировага?!

Диванга ўтириб, телефонни тиззасига олади.

Ҳадемай радио сайрар булбулдай,
Наҳот, эшитаман ҳамма билан тенг?
Тумонат гумонлар ётар кўнгилда,
Ўзим сўрай қолай: мен бўлайин кенг.

(Номер теради).

КЕЛИН

(Малолли...)

Алло...

АРБОБ

Қизим...

КЕЛИН

Приступми?
Бизлар ҳозир... кўзғолманг?!

АРБОБ

Соғман. Шу аснода умрим мангулик —
Умрга ўхшайди. Ғоят тиниқман.
Фақат Сизда не гап, қандай янгилик,
Жуда билгим келди, жуда интиқман.

КЕЛИН

(Чукур хўрсиниб)

Адашган бир сизмас. Кеча-кечаси
Осуда ўйқули тунимиз ўтлаб,
Қўнғирок қилишди неча-нечаси
Ўғлингизни янги иш билан қутлаб.
...Сайланган — ўғлингиз адаши экан,
Ҳатто адаш экан боболари ҳам,
Бу алдов тақдирнинг алдаши экан.

(Арбоб беихтиёр инграб юборади).

Сиз сиқилманг. Сизга мумкин эмас ғам.

Сал тўхталиб олади-да бояги оҳангда гапини давом эттиради.

Халқ қарсақлар билан сайлаган ўша —
Кимса партияда йўқ экан, ҳатто!
Замон гиламини кимларга тўшар,
Хатолар устига бўлмоқда хато!

Арбоб дармонсиз телефонни жойига қўяди. Қўлидаги дафтарча ҳам телефон остида қолиб кетди. Судралиб келиб, ўзини диванга ташлайди.

АРБОБ

...Ўғлимдан нолисам — ношукурчилик,
Бир фарзанд онага шунча қарайди.
Усту бошим қилар, сўратмай, билиб
Ва қорним ғамига кўпроқ ярайди.
«Безовта эмасми, онажон, руҳинг,
Танҳоликда дунё туюлмасми тор?
Кулгингинг ичида йўқми андуҳинг?» —
Ўтдим унинг шундай гапларига зор.

Юзтубан ётади, қўлларини диваннинг совуқ қирғоғига босиб совутмоқчи бўлади.

Ўзим-чи, оҳ ўзим: кирмасдан ўнга
Уни энагага этганман инъом.
Болам меҳр излаган, меҳрсиз тўнган.
Мен йиллар, йўллардан ахтарганда шон.
Дийдор кўришардик ўтиб ҳафта, ой.

Гапириш оғирлик қилади, оғир шивирлайди.

Охири ёлғизим бериб кўйдим бой,
У ёлғон ўғилдир, мен ёлғон она...

Бир неча вақт шу ҳолатда ётади, ётншдан ором тополмагач, тағин туриб ўтиради.

Меҳр керак чоғи, дўст керак чоғи —
Дўстларим ким билан кетдилар — қатор?
Энди қай томонга очсам кучоғим,
Тикандай ёлғизлик ўзини отар.

Телефон олдига боради, туткнчини кўтариб, иккиланади, жойнга кўяди.

Меҳрни сотдим, мен — ёмон бозирган
Шундан шогирдим ҳам меҳрини бўлди.
Хувиллай бошлади дилим ҳозирдан,
Дилимга бир совуқ шамоллар тўлди.
Юзимни сидириб ташлаб, мен уни
Йўқласам, албатта, юбормас силтаб.
Лекин ёнмас сўнган меҳр учқуни,
Зўраки муҳаббат — саробдай бир гап...
Мен яхши яшашни истадим, холос...

Узоқ жим ўтиради

Бошқа йўли борми яхши яшашнинг?

Яна мен тўрвасиз девонаманми,
Йўқотиб кўйдимми руҳий озиғим?!
Ухласам, қайтадан уйғонаманми,
Шундай тун ёзарми яна ёзуғим?!

Диванга ёнбошлади, хонани такрор-такрор кўзи билан кидирнади.

Тикламоқчи эдим чўккан қадрини
Кошки, эслай олсам бирор сатрини...

Зўр бериб эслашга ҳаракат қилади, ёдига туширади, маъюс корачикларнда жонла-
ниш сезилади.

ШОИР РУҲИ

Кутдим: эримади Сибирнинг қори,
Кутдим: кўринмади бир парча осмон.
Сиртмоқ осиб кутар ўлимнинг дори,
Ўлолмай турибман, онажон.
Улсам, ким ўзбекча йиғлайди?

Сиртмоққа тегса бас — узилар кетар
Заиф жон гавҳарим тизилган маржон.
Бўрон-ей, юртимга бир қарич итар,
Ўлолмай турибман, онажон.
Улсам, ким ўзбекча йиғлайди?

Арбоб беҳолгина туриб ўтиради, кўз ўнгида шоирнинг ёш суврати гавдаланади, у
хам синик. Арбоб энди чўчимайди, хаёлий сувратни тирикдай қабул қилади.

АРБОБ

Сизчалик севсайдик ҳаммамиз юртни,
Сизчалик ёнсайдик унинг ўтига,
Бағрида яйратмас эдик ҳар қуртни,
Тупук сачратмасдик рангпар бетига.

Суврат ҳамон ўша кўринишда туради.

Маъюсланманг, юртга бир куни қайтар
Сиз шеър деб қолдирган катта оғриқ, дард.
Уйғониб яшайсиз ҳар дилда қайта
Ва мангу сўзлайсиз қадимгидай мард.
Оҳ, мен-чи, йўл олсам мангу сафарга,
Руҳимни астойдил йўқламас биров.
Чирқиллаб юрарман шому саҳарда
Бошимдан сочилиб хазону қиров.

Деразадан тушаётган нур куюқлашади ва шоир суврати ҳам Арбоб назарида
кўшиляётгандай туюлади.

Хорийди, кўзларини юмади, бироздан кейин киприклариди ёш пайдо бўлади. «Ўлсам, ким ўзбекча йиғлайди?» дея пичирлайди.

Куни битган ўхшар, битса, қошимда
«Жоним» деб ким жонин койитиб йиғлар?
Илинж борми бирор қариндошимдан,
Ким ўзбекча йиғлар, ким айтиб йиғлар?
Қўллари кўксида — бирор яқиним
Ўқий олармикин тепамда оят?
Ё эсиб турарми сукут салқини,
Жимжитлик соларми хонамга соя?
Қандай аза бўлар, ёйиб сочини
Куйраб йиғламаса биров бошингда?
Анор донасидай қонаб, сочилиб,
Куйраб йиғламаса биров бошингда?
Ёлғиз келинимнинг она тилида
«Она» деб айтишга тили келмайди.
Белбоғ боғлармиди болам белига,
У белбоғ боғлашни билмайди...

Яна нигоҳи билан хонани кезади. Кўзи бурчакда чирой бўлиб турган япон магнитофонига тушади.

Ҳеч йўқса, қўшиқлар тортиб турсин «оҳ»,
Ҳозирок тайёрлаб қўяйин барин.
Кимнинг ҳам эсига келарди, ногоҳ
Қўшин тортиб келса ажал лашкари...

Магнитофон олдига бориб, тугмаларини босиб кўради: гоҳ хорижий, гоҳ русча кўшиқлар янграйди. Ғаладонларни очиб, кассеталарни бирма-бир қўйиб кўради, яна замонавий хорижий ва русча кўшиқлар... Сабрсизланади.

Дуся, ҳой Дуся!

Бироздан сўнг остонада узун тунқўйлақда сочлари паришон, кўзлари уйқули кўринадди.

ХИЗМАТЧИ

Қаҳва қайнатайми, қайнатайми сут?

АРБОБ

(Зарда билан)

Ўзбекча қўшиқлар қаерга кетди?

Қиз кутилмаган кўпол бақирини босини англай олмай бир зум гарангсираб туради, сўнг тушуниб, ўзини ўнглайди.

ХИЗМАТЧИ

Бизга доим келар маданий меҳмон,
Ғоят зерикарли у чўзиқ қўшиқ.
Ертўлага элтиб қўйганман қачон,
Эски газета-ю, журналга қўшиб.

АРБОБ

...Наҳот ертўлада ётар димиқиб
«Ушшоқ»лар, «Гиря»лар, «Сегоҳ», «Баёт»лар?...
Тушинг, ҳаммасини кўтариб чиқинг!

Бирдан бошига нимадир урилгандай бўлади, гандираклайди.

Бўғзимга бир нарса тикилиб, додлар...


Хона бор жиҳозлари билан айлана бошлагандек туюлди.

Жонимми? Юбормай турар гуноҳим,
Тавба қилай десам, йўқдир меҳробим...

Айланиш кучайгандек бўлади.

Зилдек вужуд билан кетиб бораман,
Болам, мендай бў.

Бирор нарсага таянмоқчи бўлиб қўл чўзади, лекин мувозанатини йўқотиб, йиқилади. Соат занг чалади, тонг қушлари чиркиллашади.



Додғомдәшдәшдә қолдәдәдәдәдәдә



Ўқтам Усмонов

Турдоб

Роман

ИККИНЧИ ҚИСМ

«Доно одамнинг хислати уч нарсада намоён: биринчиси — айтганига ўзи амал қилади, иккинчиси — ҳақиқатга асло оёқ қўймайди ва учинчиси — бошқаларнинг хатосини кечира билади.»

«Ортиқча ғурур ғалати хусусиятга эга. Киши қанчалар қобилиятли, яъни доно, саводли, истеъдодли ва ҳатто тозақўнгил бўла туриб ҳам, агар гердайиб кетса, шу фазилатлари нуқсонга айланади.»

Лев ТОЛСТОЙ

Кеча кечаси билан қор ёғиб чиқди. Эрталаб кун анча илиб, шамолда қотган қор дўнгликлари, йўлларни қоплаган музлар бироз эриди. Аммо тушга яқин яна совуқ изғирин эсди: сал эрий бошлаган жойлар бир зумда тошдай қотиб, кечга яқин яна қор ёғишидан дарак бераётганга ўхшади. Расул Оллоёрович бугун унча ишламаган бўлса ҳам, кун охирида қолган пайтда негадир мажолсизлангандай сездди ўзини. Аслини сўраса, бугун деярли иш қилмади: соат учда Жазоирдан келган тўртта олимни қабул қилди, холос. Учрашув ҳам ҳамирдан қил суғургандек, осонгина ўтди. Баъзан шундай ажнабийлар ҳам келишадики, ўйламаган, ҳатто етти ухлаб тушингга кирмаган саволларни бериб, энка-тинкангни чиқариб юборишади: баъзан фикрингни баён қилаётиб, янглишиб кетишинг ҳам мумкин. Кейин биронтаси у-бу деб қолмасин деб анча вақт ўйлаб юрасан. Шунинг учун, бирорта чет эл делегацияси келгудек бўлса, Расул Оллоёрович аввал-бошданоқ шу учрашувни йўққа чиқаришга ҳаракат қилади: «бино таъмири ҳали охирига етмади, ажнабийлар кўрмагани маъқул» деганга ўхшаш баҳоналар топишга уринади-ю, шунда ҳам бўлмагач, розилик беради-да, лекин учрашувга жуда жиддий тайёргарлик кўради. Институтдагиларни то ўша меҳмонлар келиб кетмагунча ҳолжонларига қўймайди. Шу боисдан ҳам, мана, неча йиллардан бери қанча делегация келган бўлса, бирон марта танбеҳ эшитмаган. Аммо шуниси ёмонки, ана ўша яхши кутгани учунми, Академия раҳбарлиги ҳатто селекцияга алоқаси йўқ меҳмонларни ҳам кўпинча Расул Оллоёровичнинг институтига юбораверади. Уларнинг шундан кўн-

гиллари тўқ, боя айтганимиздек, мазкур иш бу ерда хамирдан қил суғургандек амалга оширилади-қўйилади...

Расул Оллоёрович, одати бўйича, столи устида турган ҳамма қоғозларни эринмай йиғиштирди-да, боя жазоирликлар чекавериб тутунга тўлдириб ташлаган хонани тартибга келтирди. Котиба қиз кўк мовут устига тушган чангларни ҳам оппоқ дока билан артиб-артиб чиқиб кетгач, хаёл сурганча деразага яқин борди. Дераза четларига қоғоз ёпиштирилган бўлса ҳам, ташқаридан изиллаб совуқ уриб турарди. Дераза тагидан иситгич темир қувурлар қўл қўйиб бўлмайдиган даражада қайноқлиги учун ҳам хона иссиқ эди. Кўчаларни, кўпқаватли уйлар атрофидаги кенг дўнгликларни оппоқ қор босиб, хувиллаб турибди. Қуёш булутлар ортида қолиб кетган бўлса-да, барибир текис оқишлик кўзни олади. Катта йўлдан фақат битта машина йўл солиб ўтганга ўхшайди, изи қорайиб кўринаётир. Йўл четидаги электр симлари қотиб қолган қор оғирлигидан ерга арғамчидек осилиб турибди. Ҳар замон-ҳар замонда уларга қарғалар келиб қўнса, ерга дув-дув қор тўкилиб, симлар силкинади.

Расул Оллоёрович табиатнинг мана шу сокин манзарасига аллақандай мароқ билан тикилиб турган пайтида, телефон қаттиқ жиринглади. Расул Оллоёрович шу даражада мизғиганга ўхшаб турган эканми, росмана чўчиб тушди. Кейин соатига қаради, иш тугашига етти минут қолганда кўнғироқ қилаётган ким экан, деб ўйлади-да, секин бориб трубкани олди. Нариги ёқдаги одам Расул Оллоёровичнинг «ҳа» дейишини кутди шекилли, бироз жим турди, кейин жарангдор овозда:

— Алло, алло!— деди трубкага пуф-пуфлаб.

— Ҳа, ҳа... Расул Оллоёрович эшитади! Ким бу?— Расул Оллоёрович симнинг нариги учидаги одамнинг овозини ҳам таниб, ҳам танимай турганидан шундай деди.

— Ҳа, Расул Оллоёровичми? Яхши, яхши, кетиб қолдингизми деб ўйлагандим. Хайрият, бор экансиз.

Расул Оллоёрович шундагина овоз эгасини таниди: у Академиянинг янги президенти эди. Расул Оллоёрович шошилганича:

— Ассалому алайкум,— деди қайтадан.— Темир Қудратович, қулоғим сизда...

Президент кулганича алик олди-да:

— Эртага ҳузуримга бир келиб кетинг, соат ўн бирларга,— деди. Пича сукут сақлаб:— Бирон бир тадбир белгиламагансизми ўша пайтга?— деб сўради.

Расул Оллоёрович негадир хиёл бўшашиб, «йў-ўқ» деди-ю, кейин президентнинг гапини кутди.

— Эшитяспизми, Расул Оллоёрович? Эртага соат ўн бирга?..

Расул Оллоёрович «ўп бўлади» деди ва беихтиёр, «тинчликми» деб сўради. Президент яна кулди:

— Бизда ҳамisha тинчлик бўлади. Маслаҳатли иш чиқиб қолди. Хўп, хайр...

Расул Оллоёрович яна анча вақтгача қўлидаги тут-тутлаб турган трубкани ўрнига қўймай, хаёл суриб қолди. Нимагадир президентнинг таклифи унга малол келди. «Шу билан унинг иккинчи марта телефон қилиши. Кўкламда, май байрами олдидан, мазкур вазифага янги келган вақтида унга сим қоққан, лекин унда нима учун чақиртираётганини айтганди. Нега бу гал қорловининг сабабини маълум қилмади? Расул Оллоёрович президентнинг қоматини кўз олдига келтирди-да, «бирон-бир иш чиққандир-да, ўша галдагига ўхшаб...» дея ўйлади ва беихтиёр боя йиғиштириб қўйган жойига бориб ўтирди. «Хўш, нега чақирди?» Расул Оллоёрович институтдаги салбий ҳодисаларни эслади биринчи галда. Азиз Қосимовнинг жанжалидан кейин институт деярли тинчиб қолган эди. Ҳар кунги баъзи келишмовчиликлар, баҳс-тортишувлардан бўлак, мана, салкам икки йилдан бери институт нуқул Академия йиғинларида ва бошқа мажлисларда яхшилар қаторида тилга олинади. Лекин Азиз воқеасини азаматлар анча чайнаб юришди. Докладдан докладга ўша битта гап ўтавериб, охири ҳамманинг ҳам жонига тегиб кетди. Ҳатто Азизни кўр-кўрона ёқлаб юрган Толмас Азимов ҳам бир мажлисда «бўлди-да энди, чайнайверган билан ёғи чиқадими?» деб одамларни анча кулдирди. «Ҳамма иш жойига тушди, ҳақиқат қарор топди. Бундан бўёғига эҳтиёт бўлиш керак...» Азизбек ҳам энди бошқача. Ишлари битган, эшаклари лойдан ўтган. Дипломи ёнида, энди докторлики мўлжаллаётган эмиш. Айниқса москвалик оппонентлардан бири ҳамманинг олдида «бу иш, бемалол, докторликка арзийди» деганидан бери, азаматнинг патагига қурт тушиб қолган. Нафс деганининг чегараси йўқ бўлар экан-да ўзи. Ҳа, кечагина юрвудинг қўп-қуруқ бўлиб! Осмондан тушгандай, ҳаммаси ёғилди-қўйди. Йўқ, умуман Расул Оллоёрович шулар ҳақида, Азиз ҳақида ўйлашни ёмон кўрарди, фақат ноиллож қолганда бунга мажбур бўлиб хаёлидан ўтказарди. Йўқ, иштаҳа очилгандан кейин бу ҳам етмас экан... Тавба-а! Ҳа, у ишлар ўтди-кетди... Институт ишини райкомда кўришиб, Бобоқуловга ҳайфсан эълон қилишди. Расул Оллоёровични огоҳлантиришди. Мухитддин Жабборович шу ерда ҳам сувдан қуруқ чиқди. Текширувчиларга қўрқоқ олдин мушт кўтарар қабилда ҳар хил талабларни қўяверганидан кейин, райкомдагилар чўчишди шекилли, охири Марказий Комитет билан гаплашиб, унинг тинч қўйишди. Мухокама пайтида ҳатто номини-да тилга олишмади. «Баъзи номдор олимлар, баъзи академиклар» деган гаплардан нари ўтишмади... Хуллас, ҳаммаси изга тушиб кетди.

Энди қайтага Азиз Қосимовнинг ўзи домлага саломни қуюқ қилиб юрибди. Ҳаёт дегани шунақа экан. Ўргатиб қўяр экан... (Ушанда у Давлат мукофотига тавсия этилганди (Азиз). Нима бўлди? Думалоқ хат ёзавериб, биринчи турдаёқ тушириб юборишади — «ҳали у даражада кенг ёйилмагани учун» деган баҳона билан...)¹

Котиба қиз пальтосига ўралганга секин эшикни очди-да, «Расул Оллоёрович, менда ишингиз йўқми» деди кулимсираб. Расул Оллоёрович «бемалол, бемалол, яхши бошинг» деганча унга жавоб бериб юборди-да, эшик ёпилгач, «ҳой» деганча қўлини кўтарди, бундан натижа чиқмагач, шошилиб бориб, қабулхонага чиқди. Котиба аллақачон йўланга чиқиб улгурган эди. Расул Оллоёрович уни изига қайтарди-да:

— Эртага мен кечроқ келишим мумкин, президиумга кирман, — деб, «ана энди кетаверинг» дегандай бош ирғади...

Эртасига Расул Оллоёрович барвақт турди. Соқолини яхшилаб қириб, меҳмондорчиликка киядиган кийимларини кийди-да, соат ўн бирга ҳали анча вақт бўлса ҳам, ташқарига чиқди. (Туни билан икки табақали дарвоза тагидаги муз қотиб қолгани учун икки-уч итариб зўрға очди). Бугун ҳам янги қор тушган, шамол йўқ, кўчада юриш кишига роҳат бағишларди. Академиягача Расул Оллоёровичларнинг уйдан сал кам тўрт километрларча масофа бўлса-да, у ёққа шошилмай, пиёда бормоқчи бўлди. Эски Шайхонтовурнинг орқасида қурилган икки қаватли ихчам коттеджлардан бирида турадиган Расул Оллоёрович хаёлида Академияга қайси йўлдан боришни мўлжаллаб олгач, юмшоқ оқ шарфи бўйни, елкаларини иссиқ тутаётганига ҳам қарамай, пальтосининг ёқасини ёшларга ўхшаб кўтариб олди ва одамлар аллақачон топтаб ташлаган, аммо қуруқ қор ёққани учун тойғончиқ бўлиб улгурмаган йўлакдан юриб кетди. Шофёри келса, хотинига тайинлаб қўйди, тўғри Академияга бориб турадиган бўлди... Расул Оллоёрович икки қадам жойга ҳам машинада борадиганлардан бўлмасада, барибир, бир чақиримча юргандан кейин бадани қизиби, шарфи бўйинини ачита бошлади. У олд тугмаларини бўшатиб, бироз ҳарсиллаётганини сезгач, кулимсиради. Баъзи бир танишлари, (яъни «бироз қариб қолибсизми») дейишарди-ю, аммо Расул Оллоёрович, замзамани пайқаса ҳам, қўлларини икки томонга ёйганча «нима ҳам қила олардик» дегандай маъно билдирарди. Мана энди, сал юрмай юраги гурс-гурс уриб, нафас етмаяпти... бадантарбия билан шуғулланмаса бўлмайди... Раҳбар одам фақат ақли, иши билан эмас, ўзининг юриш-туриши билан ҳам атрофдагилардан ажралиб туриши керак. Соғломлиги, ҳали қўлидан кўп иш келиши кўриниб турмаса, қанақа раҳбар? Расул Оллоёрович поликлиника врачининг «Бешёғочдаги спорт диспансерига қатнанг, вақт топа оласизми?» деган гапларини эслади. Врач гапирганда Расул Оллоёрович мутлақо аҳамият бермаган эди. Ҳатто айтишларича, Муҳиддин Жабборович ҳам қатнаётганмиш ҳозир ўша диспансерга. Бир нарсаси бордир-ки... Расул Оллоёрович диспансерни яна бир бор суриштирмоқчи бўлди-да, агар қулай бўлса, йўлланма билан бориб, бир синаб кўришни ният қилди...

Кейинги дақиқада у Муҳиддин Жабборовичнинг ёнида кучини қаёққа қўйишини билмай, тайсалланиб юрадиган Латофатхонни эслади-да, «бу гап ўша хотинидан чиққан, ўша мажбурлаган Бешёғочга қатнашга, бўлмасам пишириб қўйибдимми чол одамга...» деган гап хаёлидан ўтиб, ўзича оғзининг таноби қочиб кулимсиради. Тор жойга келиб қолгани учун, йўл бўшатиб турган бир ёш жувон Расул Оллоёровичнинг ўзича нималарнидир шивирлаб, кулимсираётганини кўриб, ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Шундагина Расул Оллоёрович фикрларини йиғиштириб олди-да, соатига қаради. Президент билан учрашишга қирқ етти минут вақт қолибди. Йўлнинг ярмини босиб ўтди. Анҳор бўйлаб бориб, Ленин майдонидан кесиб чиқди. Ер қуруқ қор бўлишига қарамай, бирикки жойда тойиб ҳам кетди: йиқилишига сал қолди. Яхшиям таги тишлик ботинкасини кийибди. Машинада кетман деб, ҳар кунги енгилгина туфлисини кийсами, аллақачон неча марта оёғи осмондан бўларди... «Қизиқ, нима гапи бўлиши мумкин президентнинг?.. Бирон-бир арзимаган нарса бўлиб чиқади ҳали... Ҳар доим шу... Ваҳима қиласан-да, охири ўзингдан-ўзинг куласан... Балки, биронтасини аспирантликка бермоқчимми?!»

Анча йўлга боргач, Расул Оллоёровичнинг хаёлига яна Азиз келди. Тагин уни йўлай бошлади. Ҳў ўша йиллари шу тирмизакни деб қанча овора бўлганларини эслаб, дунёнинг яхши томонга қараб ўзгарганини, ўша Муҳиддин Жабборович икковларини роса «тузлаган» Марказий Комитет котиби ҳозир йўқлигини, энди замонлар ўзгара бошлаганини ўйларкан, ичиди қувониб қўйди. Азиз ҳам энди бурунгидек эмас, анча пусиб қолган. Гарчи котиб Азизга осмондаги юлдузни узиб берган бўлмаса ҳам, аммо ўша қайнаб турган пайтда уни оёққа турғазиб қўйди. Тўғриси айтганда, Муҳиддин Жабборовичдек аждаҳоларнинг комидан асраб қолди. Дунё қизиқ экан, нуқул одамларни ноғорасига ўйнатаркан. Жамият ҳаётида вақти-вақти билан сиёсий силкинишлар бўлиб тургани ҳам тузук. Акс ҳолда, ҳамма нарса қотиб қолади. Кишиларда ишлашга ҳам

¹ Қавс ичидаги жумлаларни марҳум У. Усмонов қоралама нусха варақларининг ҳошияларига асарни ишлаш жараёнида фойдаланиш учун битган эди. Биз уларни роман мазмунига қараб, тахминан матнга киритдик. (Ред.)

хафсала қолмайди. Одамзотнинг ҳаёти хилма-хилликдан, рангдан маҳрум бўлади. Худди инсон тош қасрга кириб қолган бутун умрини шу қафас ичида ўтказишга маҳкум этилгандай: у энди сира очиқ ҳавони, тоза осмонни кўрмайдигандай. Қаср ичида юравергандан кейин шунга кўникиб, ишониб ҳам кетаркан-да. Расул Оллоёрович ҳам мутлақо ишонарди. Ахир, Марказий Комитет номидан гапирилгандан кейин ҳамма нарса равшан-да... Партия номидан гапирилган гап бу... Лекин қизиқ... Партия ҳеч вақт адашмайди — бунга Расул Оллоёрович қаттиқ ишонади. У ҳозиргача, қайси соҳада бўлмасин, партия ҳужжатларини эсларкан, ҳаммасида тўғри гаплар... Энг катта бало шундаки, ўша қарорларни ижро этувчилар ҳамма ишни бузади... Ундай қилиш ҳам мумкин, бундай қилиш ҳам. Яна қизиғи, ҳаммасига баҳонаю исбот дарров топила қолади... Шунинг учун Расул Оллоёрович ҳеч қачон катталарнинг гапини иккита қилмаган. Истаганча буриб юборишлари мумкинлигини билгани учун доим ўзини шундай тутлади. Ундай дейишлари ҳам мумкин, бундай дейишлари ҳам мумкин... Шу сабабдан у баъзан Муҳиддин Жабборовичдан астойдил хафа бўлар, унинг ишларига, қилиғига тушунолмайд хайрон эди. Нима қилади катталар билан олишиб? Шу гап устида неча марталаб ўзаро сан-манга бориб қолганларини эслади. Аммо... у Муҳиддин Жабборовичнинг ўжарлигини кўрар, кекса олимнинг ўша номаъқул партия ходимлари партияди ҳам йўлдан уриб, унга доғ тушириши ҳақидаги фикри эса унга мутлақо ёт эди. Буни Расул Оллоёрович ҳозир ҳам унча тушуниб етмасди. Бир-иккита нопок партия ходими вақти келиб ўзидан ўзи фош бўлади, уларнинг қилмишлари партияди обрўсию, ишлари олдида уч пул, ҳатто гапиришга ҳам арзимайди: унча-мунча йўл қўйилган хатолар эса ҳаёт оқими билан ўзидан-ўзи тузалиб кетади, деб астойдил ишонарди...

Ҳар гал Азизни эсларкан, бир пайтлари кўрсатган ўша томошаларини кўз олдига келтириб, бир жиҳати Муҳиддин Жабборовичга ўхшаб, аламини олгиси ҳам келарди-ю, барибир ўзини тутарди. Негадир Азизга бир жиҳати ачинарди, аммо бунинг сабабини ўзи ҳам билмасди. Аммо ачиниши рост... Ахир ўша МК котиби ҳам Азизнинг тоғаси ёки амакиваччаси бўлгани учун уни ёқлаган-ку?! Вилт деган дардисар ўша пайтда пахтачиликни хиппа бўғизлаб турган эди. Котибга Али Хўжа ёки Хўжа Алими — барибир, унга янгилик яратиб берган, пахтачиликни вилтдан қўтқарган одамгина керак эди! Буни нафақат Расул Оллоёрович, балки Муҳиддин Жабборович ҳам биларди-ю, аммо тан олгиси келмасди: ҳаётдан орқада қолиб кетганлиги, бошқалар ўзидан ўзиб кетганлигининг аламини бошқа ёқдан излар, баҳона ахтарарди... Шу сабабли Расул Оллоёрович, гарчи Азизни неча бор жеркиб ташлаган, ҳақорат қилган бўлса ҳам, аммо ичида унча адовати йўқ эди. Азиз ҳозир кўзига ўзини четга олиб юргандай бўлиб кўринаётгани учун унга раҳми келарди. Бу қилиғи учун Муҳиддин Жабборовичдан ҳақорат эшитгани эсида. «Фақат иродасиз, беақл одамларгина раҳмдил бўлади!» Топган гапни қаранг! Сассиқ чол! Аламингни мендан олиб нима қиласан? Ана, кучинг етса, бор ўзига!..

Министрлар Совети биноси томонга юриб бораркан, негадир яна ортига ўгирилди-да, кишида ҳам эрталабданоқ «Пахтакор» стадионига ихчам курткалар кийиб олган ғўж-ғўж ёшлар кириб кетаётганини кўриб, футболни соғинганини ҳис этди. Агар иложи бўлса, ҳали ҳам албатта стадионга бориб ўйинни кўрар, жуда иложини тополмай қолгандагина телевизор мурватини бурарди. Куннинг анча совуқлиги ва бир ўзи кетаётгани учунми, негадир донишмандлиги тутиб, фан кишиси ҳам асли мана шу футболчидан зиғирча фарқ қилмайди, деб ўйлади. Чиндан ҳам шундай, ҳеч қандай фарқ йўқ ораларида. Футболчи тўп уриб турганда ҳаммага керак, аммо ўйини сал бўшашдими, бир кунда, бир дақиқадаёқ ҳеч кимга керак бўлмай қолади. Барча юзини терс буради. Хўш, олимнинг, айниқса уруғчи олимнинг, ҳай, майли, ана, кимсан директорнинг ҳам ўша футболчидан нима фарқи бор? Бериб турсанг — тузуксан. Фойданг тегиб турса — яхшисан. Сал бермай қўй-чи... Худди ўша футболчининг кунни тушадиг бошинга. Ула-ўлгунча қадрдондек туюлган одамлар ҳам бир зумда ўзгаршади-я. Шамолга қарайди ҳаммаси. Каттасию кичиги худди команда берилгандай, бирдан тескари ўгирилиб олади... Расул Оллоёрович, худога шукур, одам билан одамнинг фарқини билади: анча йиллардан бери шу институтга раҳбар, қанчасини кўрмади. Раҳбарлик ҳам худди оддий бир касбга ўхшаган нарса экан. Кун сайин тажрибанг ортиб, ҳадисинг кучайиб боравераркан. Кейин-кейин, ҳали эшикдан кирмаган одамнинг нима гапни кўтариб келаётганича билиб олавераркансан. Ҳатто берадиган жавоби ҳам тайёр туради баъзан... Мана, ҳозир Академия президенти нима гап билан чақирганини тусмолдан бўлса ҳам билиб турибди-ю, аммо барибир, олдингга келиб, сендан нажот тилаб турган одам бошқа-ю, ўзинг бошқа одамнинг, бунинг устига тақдиринг қўлида бўлган одамнинг олдига киришинг ва у нима сабаб билан ҳузурига чорлаганини ўйлашинг бошқа гап. Бунақада ҳар қалай, шошасан, ҳар хаёлга борасан то ҳузуридан чиқиб кетмагунингча. Ишинг битиб, кўчага чиққанингдагина, боягина хавотирга тушганингда куласану аммо барибир ҳаяжонга тушасан. Одамзот қизиқ-да ўзи, худди минг хил илми тараб-тараб келиб, бир ерда тугиб қўйгандай, ҳаммининг оёғи қалтирайдиган жой бор бу дунёда. Сенинг оёғинг унинг ҳузурда қалтираса, уники яна бошқасининг олдида баттар қалтирайди...

Расул Оллоёрович Академия президиумига айтилган вақтдан беш минут олдин кириб борди. Кираверишдаги таниш қоровул чол билан бош ирғаб кўришди-да, пальто-

сини ечиб, қоракўл қалпоғини энгига тикиб, устидан шарфини бостириб қўйди. Кейин қоровулга яна кулимсираб бош силқиди-да, катта тошойнага қараб сочларини таради ва чаққон ҳаракат билан қорига,— президент кабинетига кўтарилди бошлади. Гоголь кўчасида жойлашган бу қадимги бино, гарчи лифтга ўхшаш қулайликлари бўлмаса ҳам кенглиги, каттакон деразалардан оқиб тушаётган ёруғликнинг мўллигию шифтининг баландлиги билан одамнинг кўнглида аллақандай осойишталик уйғотар, аини пайтда, бундай хос салобат ҳамма нарсалар ҳам охир-оқибатда яхши томонга қараб ривожланмаслиги мумкинлигини, бундай башанг, кенг-мўл биноларни энди фақат тушда ва мана шундай Академияга ўхшаш идоралар жойлашган жим-жит, кўздан четроқ жойлардагина кўриш мумкинлигини ўйлаб борарди Расул Оллоёрович. Қизиқ, у бу бинога баъзи кунлари ҳатто икки-уч марталаб кирадио аммо, худди атайлаб қилинаётгандай, ўйламайман деса ҳам шу фикрлар хаёлига келаверади.

Қабулхонада деярли ҳеч ким йўқ эди. Фақат бурчакда қоғозларини газета орасига солиб олган кекса файласуф-академик ўтирар, агар адашмаса, у яқиндагина соғлиги ёмонлиги туфайли пенсияга чиқиб кетган, ривожланган социализм бўйича қанчадан-қанча китоблари босилган домла эди. Расул Оллоёрович бориб у билан самий кўришмоққа ҳам чоғландию, бу қайтага чолга ёқмагандай, бошини бир қимирлатиб дераза томонга ўгирилиб олди. Расул Оллоёрович бир дақиқа қабулхона ўртасида қаққайганча турди, кейин ўгирилиб, шу қабулхонада котибалик лавозимида қариган кексагина, сочлари оппоқ аёлга юзланиб, у билан кўришди.

— Марҳамат, Расул Оллоёрович, сизни кутяптилар,— у «бир минутга» дегандай қилиб, қўлида блокнот кўтарганча, секин бориб оғир заранг эшикни овозсизгина очди ва ўша заҳотиёқ қайтиб чиқиб, Расул Оллоёровични ичкарига таклиф қилди. Сўнг «Домла сиздан кейин кирадилар» деб мурожаат қилди: бу аслида анови файласуф домлани хотиржам қилиш учун айtilган «ахборот» эди. Расул Оллоёрович ўзининг кириб келгани чолга нега ёқмаганининг сабабини ҳам энди пайқади...

Темир Қудратович котиба аёл айтгандан кейиноқ ўрнидан кўзғалиб, кабинетнинг ўртасига келиб турган экан, Расул Оллоёрович билан самий қўл олишиб, бола-чақаларини сўраб кўришди. Темир Қудратович унга вақтни қизғанадиган одамга ўхшаш туолганди. Бугунги «меҳрибонлиги» негадир Расул Оллоёровични сал сергаклантирди, у президент кўрсатган курсига «раҳмат» деганча ўтираркан, юраги билинар-билимас қўллар ура бошлаганини сизди. «Нима иши бўлиши мумкин? Бирортасини аспирантурага жойламоқчидир-да...»

Академия президентни Расул Оллоёровични деярли ярим соат олиб ўтирди-ю, лекин тайинли бир гап айтмади. Институтдаги майда-чуйда ишларни: ҳозир лаборатория шароитида ёш селекционерларнинг Азизнинг навидан ҳам тузукроқ натижалар бераётган ишини сўради: Расул Оллоёрович шунга ҳам ҳайрон бўлди — чунки ўша навлар билан у жуда қаттиқ қизиқиш қолган; бу ишлар тўғрисида деярли ҳар ойда бир марта ахборот олади, ҳатто муаллифлар билан бир-икки марта суҳбатлашди ҳам шекли. Лекин негадир на Расул Оллоёровични, на Муҳиддин Жабборовични чақирди... Президент ёш йигитлар билан нима ҳақда гаплашганини ҳам билмайди. Ёш олимлар ҳам Расул Оллоёровичга одоб юзасидан кириб, «мана бундай, мана бундай гаплар бўлди» дейиш ўрнига, ҳатто Академия чақирганини ҳам айтишмади; демак, шунақанги топшириқ олишган бўлса керак-да, деб ўйлади-ю, ўзини уларнинг олдида пастга уриб, сўраб ўтирмади. Керак бўлса ўзлари айтишар, ҳар қандай масала кейин директорга келиб тақаладимиз ахир, деб қўйди ўзи...»

Президент яқинда ўзининг Москвада бўлгани — СССР Фанлар Академиясининг президиуми йиғилишида нималар муҳокама қилингани ҳақида гапириб кетди. Булар биологияга мутлақо алоқаси бўлмаган, ядро физикасига оид масалалар эди... Темир Қудратович гапирган сари унинг хавотири оша бошлади: айтмоқчи бўлгани булар эмас, бошқа, аммо нега мақсадга кўчмаяпти, деб боши қотди... Йўқ, майда-чуйда билан суҳбат тугади. Темир Қудратович «хайр» дегандай қўлини узатиб, ўрнидан турди-да, Расул Оллоёровични заранг эшиккача кузатиб келди. Расул Оллоёрович, бир жиҳати гап тугаганига анча энгил тортиб, бир жиҳати кўнгли негадир хижиллигича қолганча яна бир бор хайрлашиш учун Темир Қудратовичга қўл узатаркан, президент худди ёдидан чиққан бир гапни эслаб қолгандай, Расул Оллоёровичнинг тирсагидан ушлаб, яна кабинетнинг ўртасига бошлади ва хотиржам қиёфада кулмсираганча, Расул Оллоёровичдан кўзини узмай:

— Ҳа, Расул Оллоёрович, институтингизни ёшлаштирсак, сиз нима дейсиз шунга? — деди ва аввалига гапини суҳбатдоши унча тушуниб етмаганини сезгани учун, яна унинг тирсагидан олиб, икки қадам орқага жилди.— Директорлик қийнамаяптими сизни? Ёшлардан қўйсақ нима дейсиз? (Президентга, у тўғри гапираяптими-йўқми дегандай, синовчан тикилиб қолди.)

Бунақаси етти ухлаб тушига кирмаган эди. Президент бу сўзларни шу даражада юмшоқлик билан, билинтирмай айтдики, «нима учун» деб сўрашга ҳам ўрин қолмади. Кимсан президент шундай деб тургандан кейин «нега» деб сўрашининг ўзи нуқулай, худди «бўшамайман» дегандай гап чиқиб қолиши мумкин. Расул Оллоёровичнинг

мясига «бу ўзининг фикримикан ёки келишиб айтаяптими» деган ўй келди. Кейинги дақиқада бунақанги гаплар аввало келишиб олинмасдан айтилмаслигини ўйладию баттар дами ичига тушиб кетди. Сўнгра бирдан ўзининг ерга урилгандай ноқулай аҳволга тушиб қолганини сезибми, Темир Қудратовичга қараб ғалати кулумсиради ва елкасини қисганча:

— Яхши бўлади,— деди ва шу билан гап тугамаслигини билгандай, яна бояги жойига чўкди. Президент бу гал Расул Оллоёровичнинг рўпарасига эмас, ўз ўрнида бориб ўтирди-да, сигарета олиб чекди. Сал нарироқдаги кулдонни шундоқ тумшуғининг тагига суриб олди. «Ўзига ҳам ноқулай бўляпти шекилли» деган фикр келди Расул Оллоёровичнинг мясига.

— Биласизми...— дея қандайдир бўшашиброқ гап бошлади президент,— биласизми... Расул Оллоёрович, сизлар бизга жуда ҳам керак одамсизлар... шу югур-югур ишларни ёшроқ йигитларга берсак... сизлар фанга хизмат қилишларинг керак...

Президентнинг гап чайнаши Расул Оллоёровичнинг иззат-нафсига тегиб кетди ва бирдан қайсарлиги тутиб:

— Марҳамат, марҳамат, Темир Қудратович,— деди хиёл зарда билан.— Ҳозир, шу дақиқада олсангиз шу ишни, сизга раҳмат дейман. Роса жонга тегди ўзи ҳам! Бошқалар ҳам ишласин-да...

«Бошқалар ҳам ишласин-да» деган гапи «бизларнингки қадримизга етмаяпсизларми, ҳали кўрамиз қўйган одамларингизни...» маъносида эшитилди. Президент гапнинг шу даражада енгил кўчишини кутмаганиданми — бироз ноқулай аҳволга тушди шекилли:

— Яна бир ўйлаб кўринг, аммо биз сизни жуда мажбурлаётганимиз йўқ...— деб қўшиб ҳам қўйди.— Ҳарқалай, шундай қилсак тузук бўлармикан деб ўйладик-да...

Расул Оллоёрович президентнинг «ўйладик» деб бошқаларнинг номидан ҳам гапирётгани бояги тахминининг тўғрилиги исбот этишини хаёлидан ўтказди-да, гапнинг давомини кутди. Ҳарақалай, президент шу қилинаётган ишнинг сабабини тўла бўлмаса ҳам, имо-ишора билан менга тушунтирар дея ўйлаганидан, ўзи гапирмай, Темир Қудратовичнинг оғзини пойлади. Аммо ундан ҳеч бир гап чиқмади. «Демак, ўзи ҳам тайёр эмас... Фақат шунчаки кўнглимни кўрмоқчи бўлган шекилли... Дарров кўна қолганим тўғри бўлдимикин?..»

Расул Оллоёрович ўзи сезмаган ҳолда чуқур нафас олди. Ичида жаҳли чиқди бирдан. «Ўзи кеча келиб, ўнгаси йўқ, дўнгаси йўқ — бўшанг дейиши... Суриштириб келганда, ким бўпти ўзи?..» Азбаройи шу фикр хаёлига келганидан, у президентга зимдан қаради-да:

— Бўпти!— деди ва шарт ўрнидан туриб, эшик томонга йўналди.

Президент ўрнидан турганча «хўп, хайр» деди-да, «эртага мен тушдан кейин бўламан» деб қўйди. Расул Оллоёрович «ҳа, ҳа, дуруст» деган кўйи эшикдан чиққанини ҳам билмай, у чиқиши билан дик этиб ўрнидан турган пенсионер академикка ҳам, унинг хўрматини қилиб жойидан қўзғалган котиба аёлга ҳам қарамай, тез-тез юриб қабулхонадан чиқиб кетди. Биринчи қаватга тушаётганда «эртага тушдан кейин бўламан дегани — тушдан кейин келинг дегани бўлса керак», деб ўйлади. Хаёл сурганича пальтосини кияр экан, чапда ўтирган қоровул тавозе билан яна кулиб қараб турганини кўрдию ўзини тутиб олди ва унга кулумсираб бош ирғаб, шаҳдам юриб кўчага йўналди. Боя таинилганидек, шофёри келиб бир чеккада кутиб турган экан, бу сафар ўзи ўша шофёри тўхтаган жойга бора қолди. Расул Оллоёрович у билан қуюқ сўрашди-ю, аммо шофёри хўжайинининг ранги ўчиб кетганини сезмай қолмади. Шофёрлар ҳам устаси фаранг бўлиб кетишган: хўжайинларининг қовоқ-димоқларига қараш билан иш бошлайдилар ҳар куни. Бир нигоҳдаёқ ҳаммасини билиб олишади. Ўзларини ҳеч нарсадан беҳабар гўл одамга ўхшатиб юрсалар ҳам, аммо хўжайиннинг ишлари қандай кетаётганини улардан яхши биладиган одам йўқ.

Институтга келгунча Расул Оллоёрович миқ этмади. Аммо ўртада бир-икки хўрсиниб қўйганини фақат шофёри сезди. Ўзи эса оғир хаёлларга банд эди. Институт дарвозасидан ўтгач, Расул Оллоёрович секин машинадан тушаркан, шофёри унинг кайфиятига мослашгандай, ожиз овоз билан:

— Кеннойим машина сўраган эдилар, икки-уч соатга,— деди ялинганнамо тикилиб.

Ҳар доим «ҳа, бораверинг» дегандай қўл силкийдиган одам «нима иши бор экан» деб ўдағайлади — худди машинани ўзининг хотини эмас, шофёрнинг ўйнаши сўраётгандай. Шофёр «билмайман» дея елкасини қисди. Расул Оллоёрович соатига қараб, «ҳа, майли, аммо кечикманг» деб таъкидлаб қўйди. Шофёр кўчага чиққанидан кейин, ичида нимадир деб сўкиндию машинани вағиллатиб, қизил чироққа ҳам қарамай тезликни оширди.

Хайриятки, унинг келишини ҳеч ким пойламаётган экан: котиба қиз билан саломлашди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди. Котиба қиз Расул Оллоёровичнинг изидан бироз ҳайрон бўлиб тикилиб қолдию аммо олдига киришга ботинмади: керак бўлсам ўзи чақирар, деб ўйлади. «Яхшиям, ҳозиргина бутун почтани саришта қилиб, столига қўйиб чиққан эканман». Чиндан ҳам котиба қиз ўйлагандай, Расул Оллоёрович хаёли қочиб

турган бўлса ҳам, келибоқ ўзини почтага урди. Ҳатто кўзойнагини унутгандай, чиройли тахлаб қўйилган хатларни кўзидан узоқ тутганча ўқий бошлади. Кейин ҳафсаласиз бир кайфиятда уларни четга суриб қўйди-да, бошини кафтлари орасига олганча, анча вақт ҳаракатсиз ўтирди. Сўнгра шундоқ тиззаси устидаги тугмачани босиб, котибани чақирди ва индамай, стол устида турган пахта гулли чойнакка ишора қилди. Котиба қиз чойнакни олиб чиқиб кетди. У ўзининг атрофида нималардир рўй бераётганини ҳис этар-дию, аммо, орадан бирдан чиққан бу мушкуллик қандай қилиб пайдо бўлганини ҳеч ақлига сиғдирилмаётганди. Бунақанги гап-сўз йўқ эди-ку... Аксинча, ҳамма ёқ тинчиб, институт нуқул Академия докладларида мақталаётганди. Нима бало бўлдийкин? Янги президент шундай қилдими деса, бунгаям асос йўқ. Темир Қудратович Расул Оллоёровични ҳатто тузукроқ билмайди ҳам. Одатда сени яхши биладиган одамдан, манфаати сенинг манфаатинг билан кесишиб турадиган одамдан кўрқиб керак. Темир Қудратович эса мутлақо бошқа соҳанинг одами... агар президент бўлмаганда Расул Оллоёровичлар унинг фақат исми-шарифинигина билиб ўтишлари ҳам мумкин эди. ... Йўқ, бу ерда бошқа гап бор... Ё янги одамдан фойдаланиб, яна Муҳиддин Жабборович қимир-қил қолганмикин? Ким билади?.. Унинг қўлидан ҳар нарса келиши мумкин... Ё Марказий Комитетдами?..» Бу фикрдан Расул Оллоёрович қандайдир тушкунликка тушди. «Бир балоси бор... бўлмаса, тўғридан-тўғри шундай деёлмасди менга... Кўзини лўқ қилиб, жуда маҳкам туриб айтди гапини... Бир балоси бор...»

Расул Оллоёрович котиба қиз киритиб берган чойни қайтараркан, гўё ичишни ҳам унутгандай, эшикдан кўз узмас, ҳаёли қаёқлардадир учиб юради. Пиёласидаги чой совиб қолса ҳам ҳўпламай, яна котибани чақирди. У кириб, останада буйруқ кутиб турса ҳам, Расул Оллоёрович худди уни кўрмагандай қараб турди-да, охири «Қосимовни чақиринг-чи», деди ва ҳали котиба ташқарига чиқиб улгурмасидан, яна тўхтатиб, «ҳа, майли, қўяверинг, керак эмас», деб буйруғини қайтиб олди. Яна аллақайси бир шахсий қоғозини «кўчириб бўлдингизми» деб сўраган эди, котиба қиз уялгандан қимтиниб-қимтиниб бўлса ҳам «кеча олиб кириб бергандим-ку» деб тўғрисини айтди. Расул Оллоёрович ўша заҳоти «ҳа, ҳа, эсим қурсин» деб, дарров айбини тан олди. Одатда, Расул Оллоёрович илгарилари мана шундай «хато» қилиб қўйса ҳам иқини бермас, ё индамай, ё қовоғини уйиб, аҳволни бўшаштирарди. Бугун эса дабдурустдан «эсим қурсин» дегани котиба қизга жуда ҳам эриш туюлди. Қиз чиқиб кетгандан кейин Расул Оллоёрович бирдан уйга кетадиган, обдон ўйлаб, бир қарорга келадиган бўлди. «Биз сизни мажбурламаймиз» деди-ку?.. Балки, ишлар жойига тушиб кетар... Балки, ёш президент тажрибасизлик қилиб, кимдир айтган хом гапни мундай бир яхшироқ, ҳар томонлама ўйлаб кўрмай, айтиб юбора қолгандир?.. Расул Оллоёрович ўздан-ўзи энгил тортиб кетди-да, қоғозларини йиғиштира бошлади. Бориб, темир қутини очди: аммо нимани қўйиш ёки нимани олишини билмай, бироз гангив турди. Яна гурсилла-тиб, оғир темир эшикни ёпди.

Котиба қизни чақириб, энди уйга кетаётганини айтиб турган пайтида кўнглига яна бошқа фикр келди. «Бу ҳазилакам ишми — ишдан бўшатиш... Эҳтимол, ҳозир ёки салдан кейин Марказий Комитетдан чақириб қолишар... Ахир, уларсиз иш битмайди-ку?.. Шу сабабли ишида ўтириб тургани маъқул... Айниқса, шунақа гап кўтарилиб турган пайтда... «Тўғри қилган эканмиз» деган баҳона топилмасин тагин уларга...» Расул Оллоёрович яна столига бориб ўтириб, энди ён чўнтагидан кўзойнагини чиқариб, бугун келган хатларни бирма-бир кўздан кечира бошлади. Аммо шунча ҳаракат қилса ҳам, мияси ишламас эди. Ҳаёли қочаверди. Ҳарфлар орасидан ҳам Темир Қудратовичнинг қотма гавдаси чиқиб келаётгандай, фикри яна ҳозиргина Академияда бўлиб ўтган суҳбатга қайтар эди. «Нима учун? Сабабини билса бўладими?» деб ҳам, жуда бўлмаса, шунчаки одат учун сўраб кўрмабди-я?! «Биз сен аҳмоқни ишдан оляпмиз» дейишса, «хўп бўлади, раҳмат» дегандай чиқиб келаверибди! Расул Оллоёрович ўз ҳаётида бунақанги аҳволга жуда кўп марта тушган, ҳаётнинг тиғиз, қутилмаган дақиқаларида ўзини йўқотиб, бечора ва ҳимоясиз бир одамга айланган, натижада қанча-қанча ортиқча чорраҳалардан ўтиб юришга мажбур бўлган; ҳарқалай кейинчалик ўзини айбдор деб билган ва кўп вақт ўзини азобга солиб юрган эди. Мана, ҳозир ҳам «нега жуда бўлмаса бир оғиз гапини қайтариб, унча-мунчага бўш келмаслигимни кўрсатиб қўймадим» дея койина бошлади. «Ҳар қандай гап ҳам вақтида, аввал айтилиши керак, кейин айтилган гапнинг бира тийинлик ҳам қиммати йўқ, қайтага зиёни бор...»

Бу орада Муҳиддин Жабборовични таклиф қилиб, унга очиғини айтмоқчи ҳам бўлди. «Қани, у нима деркан?..» Кейинги дақиқада бу фикрдан қайтди. Ҳали бўғзига арқон солиб, «кет» дейишаётгани йўқ-ку, балки ишлари ўз-ўзидан йўлга тушиб кетар?.. Ҳали ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ — ўзи доврўғ кўтарса, ҳозироқ бутун шаҳарга миш-мишлар ёйилиб кетади-ку... Бунинг устига Муҳиддин Жабборович қандай қарайди бу янгиликка? Эҳтимол, айни шундай бўлишини кутиб тургандир у айёр тулки... Йўқ, шош-маслик керак... Ҳали одам тирик экан, у ҳеч нарсани йўқотмайди, деганми қайсидир файласуф? Шундайку-я...

Хуллас, ўша куни Расул Оллоёрович учун бамисоли бир қийноқдек ўтди. Иш туга-гунча на Академиядан, на Марказий Комитетдан, умуман ҳукумат телефони орқали ҳеч

қандай қўнғироқ бўлмаганидан кейин папкасини олди-да, дераза орқали ҳовлига қаради. Шофёри совуқ қотганиданми, машинасини ишлатиб қўйиб, ўзи рулга бошини қўйганча ухлаб ётибдими ёки дам оляптими — билиб бўлмасди. Расул Оллоёрович шундагина боя тушга яқин уйига кетаётган шофёрига «кечикманг» деб кўрслик қилгани ва кейин кун бўйи у билан иши бўлмагани, тушлик пайтида ҳам котиба қиз буфетдан келтириб берган иккита бутербродни тамадди қилганини эслади-ю, апил-тапил ташқарига чиқа бошлади. Яна ўзини койиди: «Боя шартта уйга кетаверсам бўларкан — қайт!» Га бирон-бир фикр келарди... Кун бўйи қоққан қозикдан йўқ нарсани кутиб ўтирдим-да... Балки энг азиз нарсамни қўлдан бой бергандирман...»

У котиба қизни баттар ҳайрон қолдириб, бир оғизгина «хўп» деди-ю, шошилганча чиқиб кетди. Одатда у кетишидан олдин котиба қизга атайлаб ҳазиллашар, уни бироз уялтирар, кейин эртанги у-бу топшириқларни бериб, ҳатто кайфияти жуда яхши бўлиб турган пайтларда «юринг, мен билан машинада кета қолинг» деб таклиф ҳам қиларди... Бугун эса «хўп» деди-ю, чиқиб кетди... Расул Оллоёровичнинг қадам товушлари узоқлашиб, бироздан кейин машинанинг вағиллаган овози эшитилиши билан котиба ҳам шоша-пиша йиғиштиринишга тушди. Одам бўйи келадиган кафгирли соат ёнига яқингинада қўйилган баланд кўзгу рўпарасига бориб, лаблари, қошларини бўяй бошлади...

Расул Оллоёрович уйига кирганда ранги оппоқ эди шекилли. Хотини ҳам атрофида айланиб, сездирай разм солаётганидан билиб қолди буни. Узини тутишга ҳаракат қилди. Барибир хаёли қочиб, ҳар куни хотинига айтадиган гапларини қайтарса ҳам, буларнинг бари аллақандай сунъий туюлар, буни хотини ҳам билаётганини ўзи сезиб турарди. У кечки таомни ҳам паришон ҳолда еди. Кейин кутилмаганда хотинига қараб:

— Ичкилигинг борми?— деб сўради ва бориб диванга ёнбошлади.

Хотини худди эрини биринчи бор кўраётгандай, баттар ажабланиб унга қаради ва хона остонасига борганда:

— Ичкиликка бало борми? Жигарингиз...— деди. Сўнг қандайдир шубҳали оҳангда сўради:— Тинчликми ўзи? Нима бўлди?

Расул Оллоёрович унинг шундай савол беришини кутиб тургандай, бир сидра ҳамма гапни айтиб, юрагини бўшатиб олгиси келди-ю, хотинини аяди.

— Ҳеч гап йўқ, бугун чет эллик меҳмонлар кўп бўлди, чарчадим, дея ёлғонлади. Лекин овози сездириб қўйдими буни, хотини барибир ишонқирамай, нариги хонага чиқди. Бироздан кейин кичкинагина графинчага солиниб, анча яримлаб қолган конъякни ангишвонадеккина қадаҳ билан кўтариб чиқди. Уни ҳозиргина эри овқатланган стол четига қўйди-да, «барибир ичмайди» деган ўйда, яна ташқарига чиқиб кетди. Чиндан ҳам, Расул Оллоёрович аввалига анча вақт индамай диванда чўзилганча, шифтга тикилиб ётди. Кейин столга, графинчага қаради, у рўпарадаги деразадан тушаётган ёруғлик таъсирида қирмизи тусда ялтираб турарди. Расул Оллоёрович хўрсиниб ўрнидан турди ва шаҳд билан келиб ичимликдан рюмкага тўлдириб қўйди ва бир кўтаришда ғилқ этиб ютди. Газак ҳам қилмади. Яна бир рюмка ичди. Диванга бориб ётди... Боягина, бугунгина эрталаб уйдан қанчалар энгил руҳ билан чиқиб кетганини ва мана энди — ўша куннинг ўзидан дунё кўзига тор кўриниб, ўзини йўқотиб қўйганини ўйлади-ю, намунча, осмон узилиб ерга тушдими... олса — шу мансабини оладида...» деган фикр хаёлидан ўтди, аммо барибир бу уни хотиржам қилолмади. «Нега шундай бўлди? Ҳамма ишлар жойида кетаётган эди-ку? Ким халақит бердийкин? Нега томдан тараша тушгандай...» Хотини бу пайтда ошхонада товоқ-қошиқларни йиғиштириб юрди, шақир-шуқур қилиб кесаларни ювди. Кейин жимиб қолди-да, телевизор қўйди — аввалига қайсидир кинофильмнинг овози келди-ю, кейин бошқа программга олди чоғи — ўзбекча концерт эшитила бошлади...

Расул Оллоёрович хотинига азбаройи ачинганидан, истамаса ҳам инқийлаб ўрнидан турди ва биргалашиб телевизор кўрмоқчи бўлиб залга чиқди. Бироз ўтириб, хотини дамлаб келган чойдан хўплаб, у-бу арзиманган саволларни берган бўлди-ю, конъяк зўридан кетма-кет эснади, «эртага ишлар кўп» деди ва «қоғозларимни бир кўрай» деб кабинетига кириб кетди. Китоб жавонлари устига қўйилган тўрттала боласининг расмига қараб, негадир улардан қимтингандай, дарров бориб қоғозларини титкилай бошлади. «Катталар билан олишиб, ҳеч ким барака топмаган... Нима, бу директорлик отамдан мерос қолибдими?! Ўзлари беришганди, ўзлари олишяпти... Нима, йўқ, бўшайман дейдими?.. Барибир фойдаси йўқ... Ундан кўра мард бўлиб, марҳамат, мана ишларингиз деб, қайтага уларни ҳайрон қолдириб, ўзи ташлаб чиқиб кетиши керак... Йўқ, дегани билан фойдаси бўлмайди барибир... Кир қидиришга тушишади. Барибир қўйишмайди... Қайтага ёмонотлик қилиб жўнатишади... Беш-олти кун умрини узайтириши мумкин, хўш, шу билан нима ўзгаради?.. Барибир қўйишмайди...»

Расул Оллоёрович бўшагишларини илтимос қилиб, ариза ёза бошлади...

Эртасига Расул Оллоёрович президентнинг қабулхонасига уч-тўрт марта телефон қилди. Котиба аёл трубкани олиб, ҳар гал Темир Қудратовичнинг ҳали келмаганини, қаерга кетганини ҳам айтмаганини таассуф билан билдирди. Аммо Расул Оллоёрович котиба аёлнинг бу қувлигига унча ишонмади. Республика Фанлари академиясининг

президенти бўлади-ку, қаердалигини ҳеч ким билмасмиш, бўлмаган гап! Фақат у тайинлаб кетган: керакли одамлар қўнғироқ қилишса дарров қаердалигини ҳам айтиб беради, ҳатто буни Темир Қудратовичнинг ўзига ҳам бир зумда етказди. Э-э, Расул Оллоёрович бунақанги ишларни беш панжасидай аниқ билади, уни алдаёлмайди ҳеч ким! Шу сабабли ҳам баттар жаҳли чиқиб, ўзини ҳақоратланган ҳис этиб, ҳар гал трубкани тақ этиб қўйиб қўяверди. Кейин кечаси ёзган аризасини қайта-қайта ўқиб чиқди-да, тўрт кўклар ён чўнтагига солди ва эрталабдан бери дарвозаси олдида турган машинаси томон чиқди. Кета туриб, уни кузатгандай орқасидан чиққан хотинига қаради-да:

— Аҳмаджон шу ердами, у ёқ-бу ёққа кетмаганми?— деб сўради.

Хотини: «шу ерда, кеча келин билан гаплашгандим» деб жавоб қилди-ю, аммо эрининг бирдан қайнисига иши тушиб қолгани, уни эслаб қолгани эриш туюлди шекилли, сал ҳайрон бўлиб:

— Нега сўраяпсиз? Тинчликми?— дея у ҳам савол берди.

— Тинчлик бўлмай нима?! Сендан бир нарсани сўраб ҳам бўлмайди! Дарров ваҳима қиласан!

— Авваллари сўрамас эдингиз-да...

— Эсимга бир тушиб қолди. Нима, ёмонми?

— Ҳеч қаерга кетмаган, шу ерда.

Расул Оллоёрович «маъқул» дегандай бошини кимиради-да, ташқарига чиқди. Шофёри курсисининг орқа суюнчигини пастга сурганча уйқуни уриб ётарди. Анча узоқдан сергак турадиган одам бу гал худди атайлаб қилгандай, бошини кўтармай, оғзини очганча билинар-билимас хуррак отаверди. Расул Оллоёрович эшикни очганда ҳам бироз ўша ҳолатида ётиб, кейин эринибгина кўз ишқалаб уйғонди ва Расул Оллоёровичга қарамай, машинасини ўт олдира бошлади. Расул Оллоёровичга шу ҳам айил ботди. Гўё бўлаётган ишларни шофёри ҳам бошдан-оёқ биладигандай, шунга ҳам жиғи келди. Аслида совуқ кунда эрталабдан бери куттириб қўйгани учун шофёрнинг роса жиғибийрони ошган, ичида ҳўжайинини роса сўкиб, охири ноилож кўзи илинганди. Расул Оллоёровичнинг кўнглидан «ҳатто сўрашмадиям... нега ундай қилди» деган фикр лоп этиб ўтди-ю, кейинги дақиқада эр талаб кириб, машина келганини айтаётганда сўрашганини эслаб қолди ва ўзининг хаёли қоцаётганини сезиб, баттар эзилди.

У машинага кириб ўтираркан, яна қайниси Аҳмаджонни ўйлади. Уни шу бугуноқ, нари борса бир-икки кун ичида институтга ўтказиб олиши керак. Кейин кеч бўлади. Шунда хотинининг минғир-минғирдан ҳам қутулади. Неча йилдан бери жаврайди. Албатта, ҳар гал уйга келганда ёки уларниқига борганда, уни қайниси пишиқлайди. Шундан кейин хотини орага ташади. Хуллас, қайниси беш-олти йилдан, яъни Расул Оллоёрович директор бўлгандан бери қулоқ-миясини еб, поччасининг институтига ўтмоқчи бўлади. Ҳарқалай, Қишлоқ хўжалик институтида ишлари унча юришмаётибди шекилли, шу ёққа ўтишга урингани-уринган. У ўтаман деган сари Расул Оллоёровичнинг энсаси қолади, бир камим одамлар энди шунга гап қилишлари қолган эди деб, ўзидан кўрқади. Ҳозирги замонда оч қорнин, тинч қулоғим. Бошқалар беш қўлини оғзига тиқиб, институтларни ҳам ота мерос қилиб юбораётган бўлсалар, буларнинг Расул Оллоёровичга мутлақо алоқаси йўқ. Бир кунмас-бир кун ҳамма ишлари учун одам албатта жавоб беради. Яна қанақа жавобки!..

Расул Оллоёрович доим, ақалли шу кунгача шундай ўйлаб келарди. Аммо кечаги кутилмаган таклифдан кейин бирдан ўзини ўзи койиб кетди. Сувдан тиниқ, суддан оқман деб юриб-юриб, мана нимага эришдинг? Сендан биров яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам кўрмайди... Уша «бошқалар» жуда тўғри қилишади. Қўлларидан иш келадиган пайтда, одамлар гаҳ деганда қўлларига қўниб турган пайтда бутун ишларини битириб олишади. Қариндош-уруғ, жигарларини жойлаб-жойлаб, уларни қарздор қилиб қўяди. Ахир, одамзот ҳаётининг моҳияти ўзи шундан иборат эмасми?! Битта умр деган нарсанда кимгадир нимадир қилолмасанг — нима қилиб одамман деб юрибсан ўзи?! Ҳа, ана, емадинг ҳам, едирмадинг ҳам, хўш, нима бўлди?! Жуда дунёни адолат остида қолдирдингми?! Ҳамма устингдан кулиб юрибди қайтага! Йўқ! Кўзингни оч! Бошқаларни аҳмоқ деб ўйлама! Зўрлик борида фойдаланиб қол! Кейин бу ишларни тушингда ҳам кўрмайсан... Ҳозир қўлингдан иш келадик, одамларнинг тақдирини қўлингдан турибдики, сенга улар таъзим қилишади. Ушалар қаторига ўзинг ҳам ўтиб кўр-чи бир! Ана шунда кўрасан уларнинг ким эканликларини. Ҳозирча уларнинг ҳеч бирини билмайсан, юракларида нима армонлар борлигини кейин англайсан! Кейин!

У шу хаёллар билан машина Академияга бориб қолганини ҳам сезмади: шофёрига «ҳозир чиқаман» деди-ю, ичкарига кириб кетди. Яна ўша қоровул чол билан бош ирғаб саломлашиб, кийимларини ўша ерда ечди. Тепага кўтарилди.

Президент йўқ бўлса бўлар, энди уни эртадан кечгача кутиб ўтирадимиз? Яхшироқ бир нарса бўлса ҳам майли — кет деб туришибди-ку, шунга шунча тараддуд, шунча бел букиши керакми? Тушларини сувга айтишсин. Конвертга солиб, аризасини котиба аёлга қолдиради-да, кетаверади. Керак бўлса — кейин ўзлари қақришар, керак бўлмаса — ундан нарига, билганларини қилмайдиларми... Шунча йил жонини жабборга бериб олган раҳмати шунақа бўладиган бўлса — тупурди ишига ҳам... Расул Оллоёрович

президент қабулхонасига кўтарилганда, у ерда бутун уч-тўртта одам ўтирган эди: «хайрият, келибди», деб ўйлади у. Президентнинг келганидан қайтага у бироз ижирғанди: чунки қабулхонага ташлаб келавераман, деган ҳозирги қарори унга энг қулай йўл бўлиб кўрингани учун ҳам, яна у билан учрашиб, яна ўша ноқулай мавзуда гаплашиб ўтираманми, дея ичиди оғринди. Аммо қабулхона котибаси уни кўргач, кулимсираганча ўрнидан турди, бошини сарак-сарак қимирлатиб «ҳали келмадилар» деди ва Расул Оллоёровичнинг бунга қандай муносабатда бўлишини кутгандай унга синчков тикилиб турди. Расул Оллоёрович қандайдир енгил тортиб бирдан... ва аёлдан «битта бўш конвертингиз йўқми» деб сўради. Аёл столи ғаладонларини титкилаб-титкилаб, катта бир марказиз конверт топди-да, Расул Оллоёровичга узата туриб, «бўладими» деб қизиқсинди. Аини шунақа конверт керак эди ўзи: ён чўнтагидаги тўрт букланган аризасини чиқариб ёйди-да, букланган жойларини текислаган бўлди, авайлаб конвертга солди ва девор томонга қараб лабида конверт елимини ҳўллади; ёпиштириб, котиба аёлга узатди.

— Шунн Темир Қудратовичга бериб қўйсангиз, биз келишганмиз,— деди ва котиба аёл «тушунарли» дегандай бош ирғаб конвертни олганда, яна қўшимча қилди:— фақат, илтимос, ўзларига, фақат ўзларига беринг.

Котиба аёл «хотиржам бўлинг, бизда бошқача бўлиши мумкин эмас» дегандай кулимсираб, унга бош силкиди. Расул Оллоёрович у билан хайрлашиб чиқиб кетаётиб, ҳар эҳтимолга қарши ўзининг кечгача институтда бўлишини ҳам айтиб қўйди. Пастга тушиб, энди гардеробдан кийимини олиб кияётганди, дарвоза шахт билан очилди-ю, президент кириб келди. Қўлида каттакон папка. Совуқда яёв юрганми, юзлари бўртиб, қизариб кетган. У кириши билан қоровул чол ўрнидан дик этиб турди-ю, югуриб президент ҳузурига келиб, қўлини кўксига қўйганча, худди бирон-бир топшириқ кутгандай ерга қараб турди. Президент у билан қўл олишиб кўришди-да, ортига ўгирилиб, Расул Оллоёровични кўриб қолди ва унга пешвоз юраркан:

— Э, домла, узр-узр, кутдириб қўймадимми?— деди қаттиқ қўл қисиб кўришаркан.— Қани, юринг, юринг...

Расул Оллоёрович юмшоқ кўнгиллигидан «аризамни қабулхонангизга ташлаб келдим» ҳам деёлмади. Ноилож президентга эргашиб, яна юқори қаватга кўтарилди. Темир Қудратович қабулхонада одам кўплигидан бироз хижолат бўлгандай кулумс иради ва Расул Оллоёровични ичкарига таклиф қилди. Қабулхонадагилар гур этиб ўринларидан турганларича, президентга тавозе билан тикилиб, у кириб кетгач, яна ўринларига ўтирдилар. Бироздан кейин қўнғироқ чалинди, котиба аёл шошилиб ичкарига кирди ва сал ўтмай, яна шошилганча чиқиб, ҳозиргина Расул Оллоёрович берган катта конвертни олиб изига қайтди.

... Темир Қудратович Расул Оллоёровичнинг аризасини икки-уч қайта ўқиб чиқди, кейин домлага қараб ғамгин кулумсиради.

— Сабабини кўрсатмасангиз, одамлар нотўғри тушунишармикин, дейман?— деди у Расул Оллоёровичнинг «мени директорлик вазифасидан озод этишингизни сўрайман» деган фикрига ишора қилиб.

Расул Оллоёрович президентга қараб «нима деб ёзишим керак» дегандай қош қимирлатди:

— Одатдагидай саломатлигимнинг ёмонлиги учун десам, барибир одамлар ишонмайди. Шунинг учун тўғрисини ёздим...

— Мен бундай аризага қўл қўёлмайман,— Президент аризани Расул Оллоёрович томонга бироз суриб қўйди.

Расул Оллоёрович эса «э-ҳа, ҳам бўшатиб, ҳам ўзингни айбдор қилишади-я» деб ўйлади: ўз қадрига ачиниб кетганидан яна қайсарлиги тутди-ю:

— Унда нима деб ёзиб берай?— деди президентга гина билан тикилиб.

— Расул Оллоёрович! Яна ўз гапимни такоррлайман: сизни зўрлаётганимиз йўқ. Сизлар ниҳоятда тажрибали одамсизлар, сизлардан олиб қолишимиз керак. Бунақа майда-чуйда ишлар, кираверишдаги қоровулнинг шикоятдан тортиб, томда тунука тешилса — ўша билан ҳам шуғулланиш бошқа ҳар қандай одамнинг ҳам қўлидан келади. Бизга эса сизларнинг илмингиз керак, илмингиз увол бўлмасин, деяпмиз, холос. Гап фақат шунинг устида. Яхшиси, илмий иш билан шуғулланмоқчиман деб ёзинг-қўйинг-да...

Расул Оллоёрович азбаройи «сенлар билан пачакилашиб ўтираманми» деб ўйлаётганидан, президент столида турган аризасига қўл узатди. Темир Қудратович аризани олиб, Расул Оллоёровичга берди. У аввалги ёзган аризасини президент кўзи олдида йиртиб ташлади-да, стол четида турган оқ қоғоз уюмидан биттасини олиб, тез-тез ручка югуртириб, президент айтган тарзда ариза ёзиб берди. Темир Қудратович яна шошилмай аризани кўриб чиқди ва ўрнидан туриб оғир темир қутини очди-да, Расул Оллоёровичнинг аризасини солиб, кейин қарсиллатиб ёпди. Урнига келиб ўтираркан, худди узр сўраётган оҳангда:

— Ҳа майли, бу гапга яна қайтармиз...— деди.— Яна қайтармиз... Орада бошқа нарсалар ҳам бор...— Президент шундай деб, ниманидир айтмоқчи бўлди ҳам шекил-

ли, ammo айтмади, қўлини бир силтаб «бемаъни гап» дегандай имо қилди ва бирдан сўз тархини бошқа ёққа бурди:— Мабодо илтимосингизни қондирдик дейлик... ўрнингизга кимни лозим кўрардингиз?

Расул Оллоёровиш бу гапни президент шунчаки кўнгил учун айтаётганини, уни бўшатишади-ю, ўрнига кимни қўйишларини билмасликлари деярли кулгули гаплигини билса ҳам, бундай пайтдаги расм юзасидан худди шу масалада жиддий бош қотира-ндай, шифтга тикилиб қолди ва:

— Қийин масала,— деди қўлларини икки томонга ёйиб.— Ўйлаб кўриш керак...

Темир Қудратовиш ҳам худди шу гапни кутиб тургандай, яна Расул Оллоёровиш тақдири устига кўчирди гапни:

— Тўғриси, бу ҳали хом гап, Расул Оллоёровиш. Яна яхшилаб ўйлашиб кўрамыз. Агар илтимосингизни қондирган тақдиримизда ҳам, кейинги ишларга ўзингизни албатта маслаҳатга қаирамыз. Биргалашиб ҳал қиламиз буни. Ҳозирча индамай ишлай-веринг, ортиқча гап сўз кимга керак?

Расул Оллоёровиш бу гаплардан сўнг кўнглида қандайдир умид учқуни туғилиб, «хўп» деб ўрнидан турди-да, президент билан хайрлашиб чиқиб кетди. Бу гал унга ҳам ўрнидан турганча тавозе билан кузатиб қолган қоровул чол ёнидан ўтиб, дарвозадан ташқарига чиқаркан, яна ҳафсаласи пир бўлди: «Бундай гапни келишмай туриб ўзи ҳал қилолмайди... Ҳаммаси тепада пишган... Фақат ижро қияпти у... Ammo «хўп» деб кетаверганим тўғри бўлдимикан-а?.. Э, тўғри бўлди! Минг бор тўғри! Булар «хўп» деганим учун ҳам бу қадар юмшоқ супурги бўлиб туришибди... «Йўқ» деб кўрай-чи? «Бошқа гаплар ҳам бор» деб шаъма ҳам қилиб қўйди-ку бир...» Расул Оллоёровиш бўлган-тургани билан Расул Оллоёровиш эди. У бошқача йўл тутолмасди. У кўпинча иш ўтгандан кейин ўзини койир, бошқача йўл тутишим керак эди деб, азоб чекардию, ammo ўша иш ҳал бўлаётган пайтда ўзини бошқача тутолмасди; унинг фожиаси ҳам, ютуғи ҳам аслида шу юмшоқлигида эди. Фожиаси — дадил эмаслигининг касрида кўп нарсалардан бебаҳра қолиб юриши ва кейин, виждон азобида қанча-қанча вақт қийна-либ юришлари бўлса, ютуғи — мана шу юмшоқлигию гап қайтармаслиги туфайли у кўп ташвишлардан қутулиб қолгани ва сал ўтмай яна ўша яқиндагина ўзи ажралган ишидан ҳам кўра тузукроқ лавозимларга эга бўлгани эди. Шу сабабли, кайфияти тарози чайинидек у ёқдан бу ёққа бориб-келиб турса-да, барибир бошқача бўлолмас эди. Расул Оллоёровиш ташқарига чиқиб, машинасига ўтириши билан «худога шукур, соғлик бўлсин, бошқаси секин-аста бўлаверади...» деб ўйлади-да, шофёрига «институтга ҳай-данг» деб буйруқ берди...

Расул Оллоёровишнинг «ҳаммаси тепада пишган иш бу» деганида ҳам жон бор эди. Гарчи президент Расул Оллоёровишнинг кўнгли учун «қани, кимни қўйялик» деган бўлса ҳам, аслида ҳамма иш бундан бир ҳафта буруноқ пишган эди. Буни фақат Марказий Комитетнинг котиби-ю президентгина биларди. Устига-устига, ҳаммани ҳайратга туширадиган бир томони ҳам бор эди бу масаланинг. Ҳозир ҳам, бундай кейин яна бир-икки ҳафта давомида ҳам, ҳатто Расул Оллоёровишнинг ўзи-ю, институтдаги каттадан-кичикнинг бари директорлик лавозимини ким эгаллаши ҳақида эртаю-кеч бош қотири-шар, қанча-қанча одамларни директорликка қўйиб ташлашар, ammo ким бўлишида янглишиб юришган эди. Ҳақиқатан ҳам кимларни, қайси академик, қанча-қанча фан докторлари, профессорларни санаб чиқишдию ammo бўлғуси директорнинггина фами-лияси тилга олинмади. Бу ҳам ҳаётнинг ғалати томонларидан бири ва сирин эди. Акаде-миянинг шундай катта институтга икки ҳафтадан кейин Азиз Қосимов директор бўли-ши керак. У ҳали ҳатто фан доктори ҳам эмас. Лекин иши битган, яна ярим-бир йиллар-дан кейин доктор ҳам бўлади... қизиқ, ҳеч ким уни ўйлаб кўрмаган эди. Лекин бу фикр бир марта Расул Оллоёровишнинг кўнглига келган. Ҳозир эмас, бундан икки-уч йил олдин, ўша така-така бўлиб юрган, унинг янги нави билан Марказий Комитет шуғулла-ниб юрган вақтларда лоп этиб бир ўйлаган эди. Кейин ҳамма ишлар, жумладан Азиз Қосимов ҳам тинчиди. Ёқлаб олди. Бу ёғига ўз ишини қилиб юраверди. «Тошкент» навлари республика пахтазорларига ёйилиб, яхши ҳосил бера бошлагандан кейин, буни ҳамма — деҳқонлардан тортиб, ҳатто ўжар рақиблар ҳам тан олишгандан кейин, маса-ла ўз-ўзидан ҳал бўлди ва у билан ҳеч ким қизиқмай қолди. Ҳатто Азиз юқоридаги-ларнинг ҳам эсидан чиққандек эди. Тўғри, катта-катта мажлислар бўлганда, чет эллик-ларга республикамиз ютуқларини кўз-кўз қилишга тўғри келган пайтларда яна Азиз Қосимовни эслаб қолишар, президиумларга таклиф қилишар, газета-журналлар, радио ва телевизордагилар ҳам гапириб қолишар, ammo бир сидра шов-шув билан, кейин ишлар яна ўз изига тушар, яна ҳамма ёқ бирдан жимжит бўлиб қолар эди. Шунинг учун бўлса керак — директорликка кимларни қўйиб ташлашди-ю, ammo ҳеч ким Азиз Қоси-мовни ўйлаб кўрмади. Одамларнинг қотиб қолган фикр тарзига кириб келган янгилик заруратининг ўзи ҳам, дастлабки белги ҳам, ҳаёт илгарилаб кетавериши, уни ҳеч ким тўхтатолмаслиги ва тараққиёт ҳеч бир одам ўйлаб топган қолипга тушмаслигининг бел-гиси ҳам шу эди...

Расул Оллоёровиш ҳар хаёл билан кабинетига кириб келди-да, биринчи бўлиб уйига телефон қилди. Хотини ҳовлида юрганми, трубка ўн марталаб ду-дутлагандан

кейин уни кимдир олиб «ҳа» деб зарда қилди: хотини. Расул Оллоёрович негадир индамай телефонни қўйгиси келди-ю, бироз жим тургач, хотини «алло» деяверганидан кейин охири:

— Менман,— деди трубкага хўрсиниб.

— Вой, нега индамайсиз? Юрагимни ёриб...

— Менга Аҳмаджонни топиб беролмайсанми?

— Нима гап ўзи? Нега айтмайсиз? Тавба...

— Айт. Менга телефон қилсин. Тезда...

— Нега одамни бунақа қўрқитасиз?

— Нуқул айтаман-ку ваҳимачисан, деб. Бизда бир ўрин бўшади.

— Вой, шундай демайсизми! Мен...— Хотини гапини тугатмаёқ трубкани қўйиб қўйди.

Расул Оллоёрович бироз ўйланиб турди-да, илмий котибни телефонда чақирди. Сал ўтмаёқ бундан уч йил аввал қандай бўлса худди ўшандай ўзгармаган — пакана малла йигит қўлида блокнот билан липиллаб қариб келди-да, директор рўпарасидаги курсига ўтириб, блокнотнинг ёзилмаган varaғини очиб, кўкрак чўнтагидан ручкасини чиқарди. Расул Оллоёрович унга мулоим кулумсиради. Илмий котиб ҳам кулумсиради: билдики, ҳозир Расул Оллоёрович унга қандайдир ўзига алоқадар бир топшириқ беради.

— Санжарбек, битта илтимос бор. Тўшдан кейин, балки эртагами, бир йигит келди. Яхши мутахассис. Қишлоқ хўжалик институтидан. Анови жойингиз бўшми ҳалиям?

Илмий котиб ҳозиржавоблик билан бош силкиди: гарчи бу ерда Расул Оллоёровичнинг рухсатисиз ҳатто қоровул ҳам ишга олинмаслигини билиб турган бўлса-да, у барибир аллақандай расмий бир тарзда директорнинг фикрини тасдиқлади.

— Мен сизга чиқараман у йигитни. Бир суҳбатлашиб кўринг-чи. Маъқул тушса... шахсий varaқаларини ҳам тўлдираверинг. Муҳиддин Жабборович билан кейин мен ўзим гаплашаман. Хўпми?

Санжар Довутов «хўп» деб чиқиб кетаётган пайтида, телефон жириглаб қолди. Расул Оллоёрович котиба қизнинг трубкани кўтаришини ҳам кутиб ўтирмай, ўзи олди ва қўл ишораси билан илмий котибга «кетмай туринг» деган белгини билдирди.

— Ҳа, Адҳамжон, сизми? Яшанг! Биз томонга қачон келишингиз мумкин? Хўп майли, майли... Унда эртага тўппа-тўғри илмий котибга кираверинг. Санжарбек деган йигит бор, Довутов. Ҳа, Довутов. Ажойиб йигит. Тўғри кириб гаплашаверинг. Ҳа, ҳа, билади.

Шу жойда Санжар Довутов овозини пасайтириб, «ҳамма ҳужжатларини биратўласи олиб келаверсинлар» дегани учун, Расул Оллоёрович трубкани кафти билан беркитганча, нима, нима, деб илмий секретарнинг сўзини қайта сўраб олди-да, яна трубкага: «гап бундай, биратўласи ҳужжатларингизни олиб келаверар экансиз» деди. Илмий котиб худди трубкада ўзи гаплашаётгандай «ҳа, шунақа» дегандай бош силкиди. Расул Оллоёрович яна бир-икки «нима-нима» деб трубкага зарда қилдида, кейин қўлининг учи билан Санжар Довутовни ёнига чақирди ва трубкага «мана, ўзи билан гаплашинг» деди;

уни илмий котибга тутқазиб, худди терлаб кетгандай ўрнидан турди-да, узун уф тортди. Санжар Довутов «домланинг олдида майда гаплар билан гаплашиш одобдан эмас» деб ўйлаганидан, трубкага икки марта ўз телефонининг номерини қайтарди ва кечирим сўраб директор кабинетидан чиқиб кетди... Негадир Расул Оллоёровичнинг хаёлига бирдан «ҳали булар билмайди» деган фикр келди: баттар таъби хира бўлди. «Ҳарқалай, битта ишни битирди-ку бугуннинг ўзида... Кимдан, нимага қўрқади? Шу пайтгача хўп аҳмоқ бўлиб юрган экан-да! Тўғри ишляпман деб ўзини хурсанд қилиб юраверган экан! Э, балли сенгал!..»

Расул Оллоёрович шу ерда президентнинг «бу гап ҳали хом» деган сўзларини эслади-да, қайнисини ўзига ишга олаётгани тўғримикан, тағин шу ҳам бир нарсага баҳона бўлиб қолмасмикан, деб хавотирга тушди. Балки ўзи қолиб кетса-чи директорликда? Унда нима бўлади? Бир хил қинғир одамлар Аҳмаджоннинг менга тегишли эканлигини искашса, дарров думалоқ хат жўнатишади-ю, бошим ғалвадан чиқмай қолади... Э, қўй энди, бўлар иш бўлди... Президент чақириб, ариза ёздириб оладию шу билан бу иш қолиб кетаверадими? Нима, бу мушук-сичқон ўйиними?.. Йўқ, йўқ, тўғри қилаяпман... Анча аввал қилишим керак эди бу ишни... анча аввал...

Эшик шаҳд билан очилиб, Муҳиддин Жабборович кириб келди. У одати бўйича қовоғини солганча келиб, Расул Оллоёрович билан қўл олишиб кўришди-да, бир зум индамай ўтирди. Кейин унга зимдан разм солди. Курсисини ғичирлатиб, «Қалайсиз» деб сўради. Расул Оллоёрович худди қўлга тушган ўғридек, ўзидан-ўзи қизариб кетди.

— Нега бир-икки кундан бери кўринмайсиз? Президиумда деб эшитдим, тинчликми ўзи? Нима гаплари бор экан?

Муҳиддин Жабборович бу саволларни бераётганда Расул Оллоёровичга шу даражада қаттиқ тикилдими, у ичида «билади шекилли» деб хавфсираб қолди. Аввалига «ҳа, шундай, одатдаги ишлар» деб гапни чалғитмоқчи бўлиб кўрган эди, Муҳиддин Жабборович худди бунга кўнмаётгандай ижикилай бошлади. Шундан кейин Расул Оллоёро-

вич «биларкан» деган қарорга келди ва ичди Темир Қудратовичдан жуда хафа бўлди. Ҳамма ишни бу ерда битириб, кейин мени чақирган экан-да... Шу фикридан сўнг бирдан ботирланиб кетди-ю, «нима, мен ўғирлик қиляпманми... бу қари тулкининг бошига ҳам ўз вақтида қанча ишлар тушган эди... мана, ўлиб қолгани йўқ, милтиқнинг ўқидек юрибди... нимасидаи хижолат бўламан...» деб ўйлади-да:

— Жуда жонга тегиб кетди!— деди Муҳиддин Жабборовичга қараб, ҳорғин кулумсираркан.

— Нима жонга тегар экан?

— Нима бўларди? Мана шу иш-да! Ҳалва!

Муҳиддин Жабборович астойдил қиёфада «э, бу гап биз учун янгилик-ку» дегандай лабини буриб, елкасини учирди. Кейин бошини чайқаб:

— Йў-ўқ!— деди кескин бир овозда, стулни ғичирлатмасликка ҳаракат қилиб.— Сиз жонга тегди деб кетаверсангиз, биз кетаверсак, унда нима бўлади? Йўқ, чидаш керак. Раҳбарлик ўзи, суриштириб келганда, айниқса фанда, қарғиш теккан иш-ку, ҳеч ким сендан миннатдор бўлмайди-ю... аммо ҳамма четга чиқиб тураверса, унда майда-кашларнинг қўлида қолиб кетамиз-ку... Йўқ, бу фикрни мянғизга яқин келтирман!

Муҳиддин Жабборович айна дақиқада бу гапни астойдил, комил ишонч билан айтаётган эди. Чунки Расул Оллоёровичга ўрганиб қолган, тўғрироғи Расул Оллоёрович унга мослашиб олган, чизган чизғидан чиқмайдиган ҳолга келган эди: хўш, одамга бошқа нима керак? Ишлаётган идорангнинг бошлиғи сени бошида кўтариб юргудек бўлиб сиғинса — ҳозир бунақа бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бўлиб кетган. Шундай экан, яна бошқаси келиб, оврагарчилик... Йўқ, Муҳиддин Жабборовичга қолса, то пенсияга кетгунча ҳам мана шу Расул Оллоёровичдан тузуги йўқ. Гапга киради...

— Қўлдан келганча ишладик!— Расул Оллоёровичнинг бу гапи худди Муҳиддин Жабборовичга олисдан келаётгандай туюлди; унга баттар ҳайрон бўлиб тикилди ва «нима бало, президиумга шу гап билан чақиришдимми» деган фикр хаёлидан ўтди, сўнг нимагадир курсида ўрнашиброқ ўтирди.

— Ўзингиз биласиз, илмий ишларим ҳам ўлда-жўлда ётибди. Агар мана шу югурдакликдан нари юрганимда балки аллақачон тузук бир натижа чиқарармидим... Аммо шунча иш бўйнимда эди. Биласиз-ку!

— Э, нега бунча тушкунлик?! Ҳа, аввал бошқалар сизчалик иш қилсин!

— Раҳмат. Одамнинг қадрини ҳамма ҳам билаверибдим, ҳамма гап шунда.— Расул Оллоёрович ўзи сезмаган ҳолда ютиниб қўйди.

Муҳиддин Жабборович яна ҳам ўрнашиброқ ўтириб:

— Нима гап ўзи?— дея кўзини лўқ қилди.— Нима, менга ишонмайсизми? Нима, президиумда шундай дейишдимми? Йўғ-э... Агар шундай дейишганда ҳам, бунга йўл қўймаймиз! Биздан ҳам сўрашар ахир?! Улганимиз йўқ-ку ҳали.— Муҳиддин Жабборович бу гапи ўзига ҳам, Расул Оллоёровичга ҳам бирдай таъсир қилганини сезди. Расул Оллоёрович ҳаяжонланганидан бўлса керак, қўлини силкиб «йўқ, ҳеч гап йўқ» дея ўрнидан турди ва соатига қараб, гўё узр сўради:

— Келингиз билан бир жойга бормоқчи эдик, шунга шошаяпман.

Аммо Муҳиддин Жабборовичга яна кулумсираб қараб «ишлар мана шунақа, домла» деган кўйи темир қутини очаркан, давом этди:— Ҳа, ростдан, сизнинг бўлимингиздаги анови илмий ходимлик ўрнига, қарши бўлмасангиз, бир йигитни тавсия қилмоқчиман, нима дейсиз?

Расул Оллоёровичнинг аҳволи шу даражада эдики, буни қай мақсадда айтганини суриштириб ўтиришнинг ўзиёқ Муҳиддин Жабборовичга ортиқча бўлиб туюлди ва директорнинг гапига унча эътибор бермай «майли, майли, э-э, бу нима деганингиз...» дея қўл силтади.

— Раҳмат, Муҳиддин Жабборович, унда мен илмий котибга айтиб қўявераман, сизнинг номингиздан ҳам, майлими? Муҳиддин Жабборович яна «бемалол» деган ишорани билдириди. Сўнг, недандир ҳавотирланган қиёфада узрини айтиб хонадан чиқди. Расул Оллоёрович сезди: Муҳиддин Жабборович ҳам бирдан хомушланиб, ўйчан бўлиб қолганга ўхшади... Кейин «энди академиядан сўрашмас, президентнинг ўзи билан гаплашдим-ку» деб хотиржам бўлди-да, йиғиштирина бошлади. Аммо уйда ҳозир нима қилади у? Баттар сиқилади, холос... Аммо Муҳиддин Жабборовичга «кетаман» деб қўйди. Ноилож, уйга отлана бошлади. Кейин Темир Қудратовичнинг «ҳозирча индамай ишлайверинг» деган гапи эсига тушди-да, туюқди. «Энди фақат у зотнинг ижозатлари билан ишлар эканмиз-да?... Ҳали нафас олишга ҳам руҳсат сўрармиз балки?... Э, тавба! Нималар бўляпти ўзи?...»

Котиба қизни чақириб, унга «бугун бўлмайман, уйга жўнайман» деб айтишни ният қилди-да, столи тагидаги тугмани босди...

* * *

Салтанат салкам бир йилдан бери отасиникида яшайди. Чилонзордаги квартира ҳам, унинг қалити, ордерлари ҳам унинг қўлида қолган. Азиз оралари бузилиб юрган

пайтларда деярли ҳар куни қишлоққа — отасиникига қатнаб ишлаб юрганди. Кейин Салтанат яқинда кимдандир, институт ётоғидан бир хоналик жой беришганмиш, Азиз ўша ерда яшаётганмиш, деган гапни ҳам эшитди. Оилавий муносабатлари, мана, орадан уч йил ўтяпти, ҳали ҳам расвою раддибало. Бир синган коса бошқа қайтиб бутун бўлмаганидек, икковлари ҳам, баъзан ўрталарида сал-пал илиқлик сезишгандек бўлади, сал ўтмай яна сарсон-саргардонлик бошланаверади ҳаётларида...

Азиз юраги чатоқ бўлиб касалхонага тушганда, Салтанат отасини қора қилиб унқурғани боргани ҳурматли китобхонларнинг ёдида бўлса керак. Азиз ўшанда хасталиғу руҳий азоб қанчалар қийнамасин, Маҳамат чатоқнинг гапига кириб ҳар нарсаларни ўйлаб, Салтанатни кечиргандай бўлди ҳам. Ушанда у қайнотаси билан худди орада ҳеч нарса бўлмагандай муомала қилди. Анча-мунча гаплашиб ўтиришди. Кетишаётганда Салтанат билан номига бўлса ҳам ўпишиб хайрлашди (албатта, қайнотасидан яшириб). Бундан Азиз шоён таъсирланиб, Салтанат билан Беҳзод чиқиб кетишгандан кейин кўзларига жиқ-жиқ ёш олди. Сўнг Салтанат ҳар куни, кунда икки марта лаб ҳам келди: Азизнинг атрофида гирдикапалак бўлди, хотинини қайнотаси билан кўрганда Азизда бошқачароқ кайфият уйғонган бўлса, унинг бир ўзи ҳузурига келганда негадир ўзидан-ўзи ғазабланиб кета бошлади. Сиртида билдирмасликка ҳаракат қилгани билан, барибир, касалнинг иситмаси ошқора қилади дейдилар. Буни Азиздан ҳам аввал Салтанат сезди.

(Аммо, шу билан бирга, Азизнинг кўнгли чоғ, эриб кетган пайтидаги одатини ҳам Салтанат биларди. Азиз Беҳзодни суюб ўпиб, бошида баланд кўтариб, елкасига миндириб олдимми, бас, бу унинг ўзида йўқ хурсандлигининг белгиси эди; бундай пайтда унга истаган нарсани гапириш мумкин эди — кўтарарди. Тунов куни шундай қилди. Салтанат икки-уч кун шодланиб ўзини қўйишга жой тополмай юрди...)

Кейин касалхонада аллақандай дори топилмай қолгач, қайнотаси дарров эски танишларини ишга солиб, топиб берди. Орада қайнонаси, қайноғалари, кеннойилари, қайниси ҳам хотинию ширингина ўғилчаси билан келишиб, галма-галдан Азизни кўриб кетишди. Улар келганда, Азиз худди ўз жигарлари, ота-онасини кўргандай қувониб кетар, ўзининг уларга вақтида жуда эътиборсиз бўлганини ўйлаб афсусланарди; аммо Салтанатнинг бир ўзи келди дегунча уни оғир, тушуниб бўлмайдиган ўй-фикрлар исканжасига олар эди. Узини қўлга олишга, ичидаги бу бўронни билдирмасликка ҳаракат қилгани билан қўлидан келмасди. Буни Салтанат ҳам сезгач, азбаройи тақдирига тан берганиданми, бир кун палатада ҳеч ким йўқлигида:

— Азиз ака, юринг, мени кузатиб қўйинг,— деди эрига жавдираганча, кўзларига ёш қалқиб чиқаркан.

Азиз дарров ўзини кўрмаганга олди; чунки у умуман ўша иш тўғрисида гап очилишидан кўрқар эди. Унинг ҳолати аллақандай мавҳум, муаллақ эди. Бу ҳақда ўйлагани билан ўйининг охири ҳам, боши ҳам йўқдек, ҳар гал фикрлари чувалашиб кетарди. Шу сабабли ҳам, айни пайтда бу азобдан қутулишининг иложини тополмас, уни бир ёқлик қилишга журъати, тоқати етмасди... Азиз ўшанда ўзини Салтанатнинг кўзёшларини кўрмагандек қилиб кўрсатишга уринди; «майли» деб, шошилганча камзулини кия бошлади ва тумбочкаси тортмасидаги ярми чекилган сигаретаси ва гугуртини ҳам чўнтагига солиб, Салтанатга эргашди.

Улар касалхонанинг сердарахт ҳовлисига чиққанларида, айниқса, худди бегоналардек, бир-бирлари билан биринчи марта кўришаётгандай ноқулай аҳволга тушишди. Икковлари ҳам ниманидир кутишарди, аммо гапни биринчи бўлиб бошлашга ҳеч ким журъат қилолмасди...

Салтанат кетма-кет сигарета тутунини тортаётган Азизга қараб, гўё унга дашном бераётгандай бошини сарак-сарак қилиб, овози билинар-билимас қалтираб:

— Азиз ака, сиз нима десангиз шу, тагин ўйламанг...— деди ва юзини шарт буриб, рўпарасидан келаётган икки-уч бемордан ҳам уялмай, сумкасидан кичкина дастрў-молчасини чиқариб кўзига босди. Азиз бундан ноқулай аҳволга тушди ва «нега йиғлайсиз, одамларнинг олдида уят-ку» деб зарда қилди. Салтанат «ҳа, ҳа, тўғри» дегандай шоша-пиша кўзёшларини артди-да, Азизга ғамгин жилмайиб қаради ва яна нигоҳини четга олди. Кейин бироз юришгандан сўнг, узоқдан касалхона дарвозаси кўринган пайтда синиқ овоз билан:— Узингиз биласиз!— дея кўнгли тўлиб, шарт бурилди-ю, дарвоза томонга қараб тез-тез кета бошлади. У шу даражада ўзини йўқотганидан афсус-надоматининг кучлилигидан одамлардан ҳам уялмай, елкалари силкиниб йиғлаб борарди.

Азиз эса унинг бу ҳолатини кўриб раҳми келиш ўрнига, қайтанга ҳатто нафрати ошиб кетганга ўхшади. Агар Салтанат индамай, хотиржам юраверганда эди, у «бундан кейинги аҳволимиз нима бўлади, Беҳзод нима бўлади» деб бош қотирарди. Лекин Салтанат ҳозир йиғлаб, кўнглидаги ҳолатини унга ошқор қилиб қўйиши билан Азиз бутунлай ўзгариб кетди: Салтанат худди ўзини ўзи фош этгандай, қилган иши нақадар тубанлик эканини яққол кўрсатиб бергандай, Азизнинг юрак бағрига найза санчди. Индамай юравериши керак эди... Қилар ишни қилиб бўлиб, яна... Э, йўқ, бу номусга Азиз ўла-ўлгунча чидолмайди! Чидолмайди! Дунёда бошқа ҳамма нарсанинг давоси бордир-ку, аммо номус... У худди олов ичра қолганда ҳам ўлмайдиган микробдек, Азиздақаларнинг юзи-кўзи, шаъни-шавкатига қора суркаб юраверади бу оламда!..

Азиз касалхонада яна бир ойча ётди. Чикадиган куни Азизни олиб кетишга Салтанат билан яна қайнотаси келди. Аввалига ҳовлиларига боришди: қайнонаси елиб-югуриб, худди Азиз янги куёвдек, астойдил хизмат қилди. Нўхотли ошни шунақанги ширин қилибдики, касалхонанинг ўлимтик овқати бир жиҳати жонига теккани учунми, Азизнинг оғзига маза кириб, анча-мунча ортиқча еб қўйди. Кейин қайниси билан шахмат ўйнади, ютди-ютқазди. У анчадан бери биринчи марта ёруғлик кўраётгандай, кўнглидаги ғуборларини бироз унутгандай бўлди. Дераза орқали Салтанатнинг йиғиштиринаётганини, иккита сумкага кийим-пийимларини, кейин онаси берган каттакон косани солаётганини кўрди-ю, яна кўнглини хижиллик босди. Худди танҳо қолишса, у Салтанатдан кўрқадигандай, ораларида қандайдир даҳшатли нарса содир бўладигандай эди. Лекин ноилож, у ҳам йиғиштиринди-да, Беҳзодни етаклаб олганларича, Чилонзордаги уйларига қараб кетишди...

Уша куни то Чилонзорга етиб боргунларича Беҳзод Салтанатнинг қўлида ухлаб қолди. Автобусдан тушишгандан сўнг Азиз уни авайлаб олиб кўкрагига босиб турганди. Салтанат шошиб эшикни очди, болани ичкарига олиб кириб ётқизиб қўя қолдилар. Хона жимжит эди. Бирдан икковлари ҳам ўзларини ноқулай ҳис этишиб, худди бир-бирига уятли бегона одамлар учрашгандай, гапни нимадан бошлашни билмай қолишди. Ошхона томонга ўтаётганда Азиз ниманидир сўраб, Салтанатнинг елкасига қўлини қўйганди, у сесканиб кетгандай бўлди. Буни Азиз ҳам сезди, дарров қўлини тортиб олди. Кейин индамай бориб телевизорни қўйди. Аллақандай фильм кетаётган экан, ҳеч нарса тушунмаса ҳам кўзини узмай ўтираверди.

— Кўк чой дамлайми? — сўради Салтанат. Азиз елкасини учирди. Салтанат индамай ошхонага кириб кетди-да, чойнак қопқоғини тушириб юборди, «вой» деб хитоб қилди ва чойгумдан шариллатиб қайнаган сув қуя бошлади. Азиз ораларида пайдо бўлган қандайдир тушунтириб бўлмас ноқулайликни иложи борица унутишга ҳаракат қилиб, ўрнидан туриб ошхонага мўралаганча «ҳа, нима бўлди» деб сўради. Салтанат панжаларига пуфлаб, фартуғи билан чойнакни ушлаганча, бир қўлидаги тақсимчада қант кўтариб, залга кириб келди. Азизга чой қўйиб узатди, ўзи ҳам овоз чиқармай бир пиёла ичди. Бироз фильм кўриб ўтирди-да, кейин билинтирмай ўрнидан туриб, Беҳзод ётган хонага кириб кетди. Азиз шундагина худди ораларида ҳозир ҳам биров тургандай мон ҳис этди ўзини. Бирдан ғазоби кўзиди. Кўчага чиқиб кетгиси келди. Аммо ҳамон телевизорга маънисиз тикилганича, ўрнидан жилмай ўтираверди. Худди нима бўлишини Салтанатдан кутгандай, у кириб кетган хонадаги ҳар бир сасни жон қулоғи билан тинглаган кўйи, жанжалга баҳона излайдиган урушқоқ эрлардек хезланиб ўтирди. Бироздан кейин Салтанат кўрпаларини гуп-гуп этиб ерга ташлаб, ўша уйга ўрин сола бошлади. Кейин хона яна тинчиб қолди. Беш дақиқача вақт ўтгандан сўнг эшик оҳиста очилиб, Салтанат чиқди-да, душхонага ўтаётиб, «ўрнингизни солиб қўйдим» деди Азизга, Азиз индамади, телевизордан кўзини узмади. Лекин бояги ғазоби бироз сусайгандек бўлди. Нима қилиб бўлса ҳам бугун уриш чиқармасликни ўйлади-да, ўрнидан турди, яна бироз экранга тикилиб турди. Азбаройи ўхшашлигини қарангки, фильмда ҳам худди шундай воқеа: аёл ечиниб ўрнига кириб олган, лекин эрми ёки ўйнашими — овозини баланд қўйиб, душда ювинганича, хотинга нимадир деб гапираётган эди... Азиз телевизорни ўчирди-да, хонага кириб, тез-тез ечиниб ётди. Кун иссиқлигидан юпқагина чойшаб ҳам ортиқчалик қила бошлади. Аммо ҳозир хотини кириб келишини кутгани учун унга ўралганича ётаверди. Душдаги сувнинг шириллаши тугаганига ҳам анча бўлди. Бутун уй қоронғуликка чўкиб, жим-жит бўлиб қолди. Салтанат ҳа деганда келавермади. Азиз тоқатсизланиб, жаҳли чиқа бошлади. Чақиришга эса бўйни ёр бермади. Яна анча вақт кутди. Ҳамон жим-житлик, чурқ этган товуш эшитилмайди. Азиз Салтанатнинг нариги хонага кириб ётиб олганини тушунди-ю баттар ғижинди ва худди хотини дарров ухлаб қоладигандек шарт ўрнидан турди-да, тўғри ошхонага ўтди: кран тагига энгашиб бир қултум сув ичди. Кейин Салтанат ётган хонага кирди-да, дивандаги хотинининг қўлидан ушлаб тортди. Салтанат ҳам худди шуни кутиб тургандай, индамай эрининг измига юрди...

Хуллас, бир-икки кундан кейин бир-бирларига анча ўрганиб қолгандек ҳам бўлдилар. Лекин... барибир икковларининг ҳам кўнглилари жароҳатланганданми, сал нарсага бирдан хуноблари чиқиб кетиши бир неча бор қайтарилавергандан кейин... Салтанат бир кун Азиз ишга кетгач, Беҳзоднинг ўзининг бутун кийим-кечакларини йиғиштириб олди-да, ойисиникига кетиб қолди. Азиз ишдан келиб, стол устида бир энлик хатни кўрди. Салтанат фақат уч оғиз сўз ёзди: «Мен ойимникига кетдим». Бор-йўғи шу. Кейин телефон ҳам қилмади. Бўйни ёр бериб Азизнинг ўзи ҳам сим қоқмади. Бирон бир аниқ сабаб йўқдай туюлса ҳам, аввалбошда бир-бирларидан қўтулганларига энгил торгандай бўлиб юрдилар. Орадан икки-уч кун ўтгач, яна хуноб бўла бошладилар. Гарчи буни бировлардан яширишга қанчалар уринмасинлар, ҳатто юриш-туришлари, афти-ангорларидан ҳам кўнглилари нотинчлиги шундоқ билинарди. Айниқса, кечагина касалхонадан чиққан Азизнинг яна юраги сиқилиб, тунлари уйқуси қочиб, у ёқдан-бу ёққа тўлғониб тонг оттирадиган бўлди. Тағин касал бўлиб қоламанми, деган ваҳима бунга қўшилиб, кайфияти бутунлай тушиб кетди.

Қилар ишни қилиб, яна уч оғизгина сўз ёзиб зарда қилгандай кетиб қолгани-чи? Азизга туриб-туриб алам қиладигани ҳам шу. Нима, Азизнинг ўзи мени йўқлаб келади, деб ўйлармикин? Ғақат шуни кутяпти шекилли. Шуни кутяпти. Энди, шундай қилса-ю, хотини қилган номаъқулчиликни ҳам гўё ўз бўйнига олса! Ҳа, агар Азизнинг ўзи бошини қуништирганча қайнотасиникига кириб борса, шунақа маъно чиқади-да. Аммо ўлиб қолса ҳам бундай қилолмайди. Бу эркак кишининг иши эмас. Қайси юз билан кириб боради ахир? «Барибир келар экансан-ку» дейишмайдими ичларда? Ҳаммасининг тили бир— на отасидан, на онасидан дарак бор. Касалхонада ётганда, касалхонадан чиққанда атрофида гирдикапалак бўлиб юришган эди улар. Буни қарангки, худди сувга чўккандай жим-жит ҳаммаси... Шунақанги ахлоқсиз қизни қандай қилиб бир хонадонда олиб ўтиришганига ҳайрон Азиз! Бир оғиз гапириб кечириб ҳам сўрашмайди. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай. Хўп одамлар экан-да, ақл бовар қилмайди.

Салтанатда эса кейинги пайтларда ўзини ҳам ҳайрон қолдирадиган бир одат пайдо бўлди. Илгарилари Азиз билан оралари сал бузилиб қолса, бир баҳонада орага Беҳзодни аралаштирар, унинг гапларию кулгили қилиқлари Азизни ҳам, Салтанатни ҳам юмшатар эди, шу тариқа бир-бирлари билан гаплашиб кетишаверарди. Азизнинг олдида шарманда бўлганидан ва узоқ вақт касалхонада ётиб чиққанидан буён негадир Беҳзоддан хавотир оладиган, иложи топилса, уни отасидан узоқроқ тутишга уринадиган бўлди. Бунинг сабабини ўзи ҳам билмас, аммо кўнгли ниманидир сезиб тургандай, шундай қилмайман деса ҳам бари-бир айтгани чиқмасди. Буни Азиз аниқ сезса-да, аввалига унча аҳамият бермади. Энди онаси тайинлагани учунми, Беҳзод унга талпинавермас, ойсидан бир қадам ҳам бери келмасди... Буни Азиз айниқса Салтанат ойсиникига кетиб қолганда аниқ сезди. «Мендан шу болани ҳам юлиб олмоқчига ўхшайди...» деб ўйларди ва бу Азизга баттар алам қилди. У ўртоқлариникида ётиб қола бошлади. Бир сафар ҳафта ўтказиб келиб, сарҳуш ҳолда қараса, йўлакдаги чироқ ёқиглиқ! Аввалига қайтиб кетмоқчи бўлди, изига бурилиб, неон лампалари ёруғидан дарахт соясига ўтиб, уйининг орқа деразаларига бироз текилиб турди-да, шартта киришга қарор қилди. Нима бўлса бўлар, балки ярашиб кетармиз... Ҳа, ахир, сан-манга ҳам борилмаган, орадан ҳеч нарса ўтмаган ҳам... Салтанатнинг хархашаси холос... Тўғри кириб бора-вергани маъқул... Кўкрагидан итармас, ахир?! Тўғри кираверади... Кейин, ўзи ишонмаса ҳам кўнглини шубҳа босди: «Биров бўлса-я...» Салтанат энди ўлса ҳам бундай номаъқулчиликни қилмаслиги, бутун умри бўйи ўша нотўғри босган қадамнинг аламиндан виждон азобида юришини билиб турса-да, кўнглидан шу мудҳиш ўй сирғалиб ўтди ва киришга қатъий қарор қилди. Қўнғироқ тугмасини бир-икки босди: одам шарпаси сезилмади. Яна жинғирлатса, кўшнилари безовта бўлиб чиқишини ўйлади-да, ўз калити билан, қўллари негадир титраганча, худди ўғирликка тушаётгандай шоша-пиша эшикни очди. Йўлакка кириб, худди биров сезиб қолишидан кўрққандай нафасини ичга ютиб, дарвор кулфлади. Залнинг, сўнгра Беҳзод ухлайдиган хонанинг ҳам чирогини ёқди. Салтанат келмабди. Стол устини қалин чанг қоплагани чироқнинг хира ёруғида ҳам сезилиб турибди. Азиз «5» рақамини ёзган эди, бармоғига қуюқ қора суркалди.

У узун уҳ тортди ва ниҳоятда чарчаганлигини энди сезиб, залдаги креслога ўзини ташлаб, кафтлари билан юзларини беркитиб олди. «Ялиниб боришимни кутяпти, у манжа-лақ!» Азиз ўтирган жойидан худди чаён қаққандай сапчиб турди-да, «мана» деб бош бармоғини панжалари орасидан чиқарди. «Бориб бўпман!»

Азиз жаҳл устида шундай деб ўйлаётган бўлса-да, аммо бу масалада мутлақо адашаётган эди. Салтанат унинг келишини, бунинг устига унга Азизнинг ялинишини хаёлига ҳам келтирмаётганди. Бу Азизнинг хомхаёли эди. Салтанат ҳам ораларидаги дарднинг катталигидан жуда куйинаётган, унга чора тополмаётган бўлса ҳам, барибир Азизнинг кўзига кўринмай юрганга ўзини қандайдир енгилроқ ҳис этарди. Шунда у бироз тин оларди. Албатта якка ўзи қолганда виждони азобланса ҳам, ҳарқалай икки томонлама қийноқдан хиёл қутулгандай бўларди. У ўша гуноҳи билан боши берк кўчага кириб қолганини аниқ билар, бундан чиқишнинг энди сира иложи йўқлигини ҳам тушунарди. Шу сабабли, кўнглининг тубида энди бундан буён Азиз билан муросалари яхши бўлмаслигини, ҳарқанча уринганда ҳам, ҳарқанча жонини ҳалак қилганда ҳам барибир энди Азиз илгариги Азиз бўлмаслигини сезиб турарди. Шунинг учун у «нима бўлса бўлар» деган кайфиятга тушган, ҳамма нарсадан кўлини ювиб, қўлтиғига урган эди. Албатта бу ҳолатини ота-онаси ҳам сезар, айниқса, онаси буни чуқурроқ ҳис этар, аммо азбаройи номус қилганидан, мазкур хунук ишни ҳатто бири-бирларидан ҳам яширгандай, бу ҳақда ҳеч қачон очикчасига гаплашимаганди... Аммо, даҳшатлиси шунда эдики, Салтанат «нима бўлса бўлар» деб қўл силтагани сайин Азиз билан бирга ўтказган ночоргина, аммо покиза ҳаётининг ҳар бир дақиқаси эсига тушаётгандай, баттар қийналарди. Аввалги осойишта дамлар худди китоблардаги тугал бахтли ҳаёт каби дилини баттар азоблар, ўсал қилар, тилкаларди. Хуллас, у ўзидан ўзи қутулолмасди. Шу сабабли кайфияти бир куннинг ўзида минг хил бўларди. Ҳозиргина «барибир иложи йўқ...» узиладиган ип биратўла узилгани маъқул... қачонгача қош-қовоғига қараб юраман... мана, ҳозир жарликка йқиладигандай, ҳар доим юрагим орқамга тортиб...» деб ўйлаган

одам, сал ўтмай, олдиндаги мавҳум ҳаётдан тўсатдан ваҳимага тушиб, кўз ёшига эрк берарди...

Салтанат ораларига ўтиб бўлмас жарлик тушгандагина аввалги «оғир» ҳаётларини ўйлаб, шунча вақт бир-бирларининг қадрларига етмай яшаганларига биринчи галда ҳайрон бўлди. Қанчалар бахтли, тўкис яшашган экан, мана энди билса! Худди сувга ғарқ бўлаётиб бир амаллаб, тасодиф туфайли қирғоққа чиқиб олган одамдай, илгариги шукурчилигини ҳозир яққол англаб, бундан буён жимгина, бориға қаноат қилиб яшашни бутун вужуди билан орзу қиларди-ю, аммо қанийди бунинг иложи топилса... Ўзи ҳамиша шундай: одамнинг ақли кечикиб қиради! Арзимаган нарсаларда ҳам хато қилади-да, кейин афсус-надомати бутун самони тутиб, йўқотилган нарсани орқага қайтариб бўлмайди деб фарёд чекаверади. Салтанат Азиздан аввалига ўлгудек қўрққан бўлса ҳам, кейинчалик бу туйғу унга ёт бўлиб кетди. Қайтага Азиз ўша «қанжиқ» деб сўкканда, шердай қутуриб кетганда ўзи ҳам ниманингдир ҳуморидан чиқаётгандай ёнгил тортган эди. Охири бориб Азиздан бу иш учун сира қўрқмайдиган ҳам бўлди. Энг ёмони— унинг ўзини ўзи алдагани, ўзига ўзи алдангани эди...

Хуллас, то Салтанат Беҳзодни олиб ойисиникига кетиб қолгунга қадар, гарчи ораларида жиддийроқ сан-ман ўтмаган бўлса-да, сира кўнгиллари илимади; суриштириб келганда, бир ойчадан бери гапирган гаплари «уни олиб бер», «буни оли қўй»дан нариға ўтмади. Умуман, Салтанат ҳам, Азиз ҳам муомалани нимадан бошлашни, ўзларини қандай тутишни билмай азобда эдилар. Бир-бирларини шу қадар яхши билардилару, аммо бир-бирларига бегонадек эдилар.

Сўнг сўз

У пайтларда мен Ўқтамжонни кичик-кичик хикоялари орқали танирдим. «Ленин учқуни»да, «Совет Ўзбекистони»да ишлаб юрган чоғларида ҳам таҳририятимизга хикоялар олиб келиб турарди. Улар шунчаки, ўртамиёнадан баландроқ хикоялар бўларди. «Совет Ўзбекистони»дан Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига ишга ўтганининг иккинчи йили эди. Бир куни Ўқтамжон кўнгирик килиб қолди.

— Хўжайин (у кўпинча, ҳазиллашиб менга «хўжайин» деб муомила қиларди). Вақтингиз бўлса, бир учрашсак.

— Ҳа, тинчликми?

— Тинчлик. Бир нарса қораловдим. Шунга фикрингизни эшитсам, девдим.

— Шу холосми?!

— Шу.

— Қани ўша нарса?

— Мана, қўлимда турибди.

— Опкелинг...

Ўқтамжон эртасига эрталаб, қўлимга юпқароқ оқ папка олиб келиб тутказди. Папканинг сиртига: «Бировнинг бахти. Қисса» деб ёзиб қўйилган эди. Янглишмасам, бу Ўқтамжоннинг биринчи йирик, жиддий асари эди. Хуллас, мен папкани олиб қолдим-у, бир ҳафта ичида ўқиб чикдим. Лекин дарров фикримни айтишга нимадир халакит берарди. Уни шундайлигича чоп этсак, негадир увол бўладигандек, нимасидир чала, қандайдир муҳим ган айтилмай қолгандай туюларди назаримда. Бу гапни очик айтсам қабул қиладими ё малол келадими, деган андишам ҳам йўқ эмасди. Хуллас, шу андишага бориб, ўзи сўрамагунича индамай юравердим. Орадан бир ҳафта ўтгач, кўнгирик килиб қолди:

— Ҳа, хўжайин, индамайсиз?

— Индайман.

— Ўқидингизми ўзи?

— Ўқидим...

— Екмадими?— негадир Ўқтамжоннинг товушида андаккина ҳаяжон бор эди.—

Тўғрисиини айтаверинг...

— Асар жуда яхши. Аммо жиндай ишланса очилиб кетадиган жойлари бор экан.

— Кўп ўринларда сиқилиб қолибсиз. Тайёр воқеалардан ҳатлаб ўтган жойларингиз ҳам йўқ эмас...

— Бир учрашайлик бўлмаса. Айтаётганларингиз телефоннинг гапи эмасга ўхшайди.

— Қачон вақтингиз бўлади? Қаерда?

— Шанба кунлари бўшмисиз? Е бизникига келинг, ё...

— Яхшиси, бизникига кела қолинг.

Шунга келишдик. Ўқтамжоннинг товушида қандайдир кўтаринкилик, руҳан тетиклик бор эди.

Келишувимизга биноан, у шанба куни бизникига келди. Ўша вақтда сарик

«Москвич»и бўларди. Балкондан қараб турибман. Машина ҳайдашни энди ўрганиб юрган кезлари эди, унчалик эпакаси йўқлиги билиниб турарди: бир амаллаб подьездимиз олдига қўйди.

...Биз анча вақтгача чойхўрлик қилиб, ундан-бундан гаплашиб ўтирдик. Билиб турибман, Ўктамжонни асар ҳақидаги фикрим кизиктирарди.

— Хўш деганингиздан...— деб гап бошладим орадан анча вақт ўтгач.— Асарингизни ўқиб чиққанымга анча бўлди. Назаримда, ўзингизни чегаралаб қўйган кўринасиз. Мавзу ниҳоятда долзарб: пахтачилик, селекция, уруғчилик соҳасидаги кишилар тақдирлари. Бу қарийб қўл урилмаган соҳа. Ёзилмаган эмас, ёзилган. Аммо теран таҳлил қилинмаган...

Мен асар ҳақидаги фикримни деярли батафсил баён қилдим. Ўктамжон эса қўлида блокноти, индамай, гап қўшмай тинглаб ўтирар эди. Асарнинг сюжети, баъзи қаҳрамонлар тақдирлари: Азиз, унинг хотини, домла Муҳиддин Жабборов, Расул Оллоёров каби нарсаларнинг тақдирларидаги муҳим бурилишлар, асарга янгитдан киритилиши лозим бўлган қаҳрамонлар ҳақида ҳам гаплашдик. Ўктамжон биринчи галда эҳтирос одами эди. Менинг асар ҳақидаги, асарининг келажаги ҳақидаги гапларим бошида гўжғон ўйнаб юрган ўйлари кўзгатиб юборди шекилли, бирдан жўшиб кетди.

— Хўжайин, хонаси келиб қолди,— деди кўзлари ёниб,— бирон ичадиган нарсангиз борми?

Хуллас, бу пайтда таом тайёр бўлди. Овқат устида жиндек тортди ҳам. Асари ҳақида айтилган фикрлардан хурсанд бўлгани шундоққина кўриниб турар эди. Бир маҳал чойга ҳам қарамай кетадиган бўлиб қолди. «Хой мусулмон, бироз иссиқ чой ичиб ўзингизга келиб олинг. Ахир, рудасиз» деганимга қарамай ўрнидан турди. Назаримда, асари ҳақидаги гапларни тезроқ бориб Шарифахонимга етказиш ниятида эди.

Эртасига эшитсам, у уйига жуда хурсанд кириб борибди. Ҳатто, шу аҳволда етаклаб Шарифахонини қайнағасининг уйига ҳам олиб борибди, қайнағасидан тузукқина гап ҳам эшитибди ва ҳоказо...

Шундан сўнг у қиссани олти ой давомида қаттиқ ишлаб, яна менга олиб келди. Асарни таниб бўлмади эди. Бошда асар бор йўғи тўрт босма тобоқ эди, холос. Ишланган вариантлари эса йигирма тобоқча келарди. Қайта бошдан ўқиб чиқдим. Яна баъзибир штрихлар киритилди. Яна ишланди. Учинчи бор қайтарганимда, яна ишлади, ортиқча жойлари кесилди. Охири тоқати қолмади шекилли:

— Бўлди-е, хўжайин,— деди,— қон босимимни ошириб юбордингиз-ку.

Сўнг таҳрирни бошладим...

Бир йилдан сўнг асар «Гирдоб» номи билан роман бўлиб чоп этилиб, анча шов-шув уйғотди. Уюшмамизнинг ўша йиллари таъсис этилган совринларидан бири— Ойбек мукофотига сазовор бўлди. Бу орада Ўктамжон уюшмамизга қотиб бўлиб келди. Қотиблигининг учинчи йилларида мамлакатда қайта қуриш шабадалари эсиб, ҳаммани бир чайкатганида, бу шабада Ўктамжонни ҳам четлаб ўтмади. Ўша кезлари ҳеч гап тополмаган баъзилар: «Гирдоб»ни ўзи ёзмаган» деганга ўхшаш беъмани гапларни ҳам тарқатдилар. Романнинг қандай ёзилганига қамини жонли гувоҳман. Икки бор қайта ёзди, уч бор қайта ишлади. Ҳамма ишлаган вариантлари, ёнига қизиб ёзганлари, кўшгани-ю олганлари ҳозир ҳам Ўктамжон ўзи буюриб ясаётган китоб жавонининг пастиқ шафқаларида, қалин папкада «мана ман» деб турибди. Мен уни бир неча бор кўрганман. Умуман ҳозирги баъзи ёш ёзувчилар асарни муҳокамадан сўнг қандай ишлаш кераклигини Ўктамжондан ўргансалар яхши бўларди.

Хуллас, бу гаплар ҳам ортда қолди. Ўктамжон Ўзбекистон маданият министрлиги ҳузуридаги Кинематографчилар уюшмасида ишлаб юрган кезларида тез-тез маслаҳатлашиб, фикрлашиб турар эдик. Мен ҳам ўша Навоий кўчасидаги 30 уйда Гофур Фулом нашриётида ишлар эдим. Бир куни гаплашиб ўтириб, «Энди нима ёзмоқчисиз? Агар ёзаётган бўлсангиз қайси аҳволда?» деб сўраб қолдим. Ўктамжон йигирманчи йилларни, Турккомиссия ҳақидаги материалларни ўрганаётганини, анчагина ҳужжатларни кўриб, кизикиб қолганини тўлиб-тошиб гапириб берди. Мен муносабат билдиришга шошилмадим.

— Ҳим, индамайсиз?!— деб қолди Ўктамжон, хайрон бўлиб.

— Унда «Гирдоб»нинг иккинчи китоби нима бўлади?— деб сўрадим. У мени энди кўраётгандай юзимга тикилиб қолди.

— Гирдоб» тўраган...

— Бекорларни айтибсиз. Менинг кўнглимда «Гирдоб»нинг иккинчиси сайраб турибди. Мана, масалан, биринчи китобда бош қаҳрамонингиз Азиз Муҳиддин Жабборовларнинг, Расул Оллоёровларнинг дастларидан дод деб, урилиб-сурилиб шунчаликка етди. Энди бу ёғи, одамнинг табиати кизик-да, ўша устозлари ўзига кўрсатган нағмаларини бунинг ўзи шогирдларига, ўзидан кейингиларга кўрсатмайди, деб ким қафолат бера олади? Одам бир амаллаб орбитага чиқиб олгач, қандай, қай йўсин чиқиб олганини нутиб, ўзидан кейингиларга, ўзидан яхши ишлаётганларга гоҳ ўширин, гоҳ олшор ҳусумат қилиши мумкин. Сизнинг Азизингиз ҳам бундан мустасно эмас! Мана бу талкин эса «Гирдоб»нинг иккинчи китоби бўлади. Бу биринчидан. Иккинчидан эса, сиз

Ўрганиб юрибман, деган Туркомиссияни Яшин оксоқол ўрганиб, йирикроқ бир асар қилмоқчи. Сиз бу даврни ҳужжатларга қараб ўрганиясиз. Яшин оксоқол эса бевосита ўша воқеаларнинг жонли гувоҳи. Тушунарлими?

— Ие, бу қизиқ-ку?!

— Нимаси қизиқ? «Гирдоб»нинг иккинчи китоби бўлишини ё...

— Яшин ака ёзаётганини сиз қаёқдан биласиз?

— Мен нашриётда ишлайман, ахборотингиз учун. Менда Яшин аканинг заявқаси турибди.


Шу гапдан сўнг тахминан бир ҳафта ўтгач, Ўктамжон идорага кириб келди.

— Хўжайин, ҳалиги гапни ўйлаб кўрдим,— деди у тўсатдан «Гирдоб»нинг иккинчи китобини... Қарасам, бу ёғи ҳам анча жиддий, пухта асар бўладиганга ўхшаб қолди. Ўзим ҳам қизиқиб, баъзи бир чизгиларини қайд қила бошладим. Худо хоҳласа, ёмон нарса чикмайдиганга ўхшайди. Қўлимда бир қиссам бор. Шунга тугаллаб олай. Кейин жиддий киришаман.

Бу орада Ўктамжон «Совет Ўзбекистона» рўзномасига муҳаррир қилиб тайинланди. Шубҳасиз, иши кўпайиб кетди. Шунга қарамасдан, «Гирдоб»нинг иккинчи китоби ҳақидаги изланишларини, қайдларини бир дақиқага бўлса ҳам тўхтатмаганлиги яқинда— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномасида (4-январь, 1991 й.) Ўктамжонга бағишлаб чоп этилган ёдномадан ва роман юзасидан қилинган қайдлардан кўриниб турибди.

Афсуслар бўлсинки, бу китобни ёзиб мухлисларни хурсанд қилишга Ўктамжоннинг умри қискалик қилди. Биз юқорида «Гирдоб»нинг иккинчи китоби чизгиларини эътиборингизга ҳавола этдик.

Носир ФОЗИЛОВ



* * *

Менинг «Шарқ юлдузи» билан ошно бўлишим тарихи қуйидагича. 1955 йил баҳоридан М. исмли синфдошим бир шеър ёзиб берди. Кейинроқ билсам, уни «Шарқ юлдузи»дан кўчирган экан... Ойномани шундан бери ўқийман. 1975 йилдан бўён обунаман. Фалсафа фанлари номзоди сифатида шунга айтишим керакки, бу ойнома ўзбек адабиётининг кўзгусидир. Унда босилаётган асарларнинг ғоясида ҳазрат Навоий, Қаҳҳор, Шайхзода каби ҳассос адиллар асарларидагидек дадиллик бўлиши лозим.


Ҳотамжон ҚЎШОҚОВ, Фарғона шаҳри

* * *

Анчадан бўён ойнома таҳририятига хат ёзиш ниятида эдим. 1990 йил 5-сонига эълон қилинган анкета саволлари бунинг учун яхши бир баҳона бўлди.

Сизлардан илтимос, Саид Аҳмад ва Уктам Усмонов асарларидан кўпроқ чоп этсангилар.

Хосият ЖҲРАЕВА, 17 ёш



Мушоира

Талабалар, Бағрида


Ўтган йили ойномамиз саҳифаларида талабалар ижодидан намуналар берган эдик. Мана яна бир гуруҳ талабаларнинг шеърлари...

Уларнинг муаллифлари шеър ёзиш ниятида, атайлаб «катта гап» кидиришмайди, ёинким махсус ҳолатларга киришга ҳам интилишмайди. Бўлгани — ўзларини ёзишади, фақат ўзларини. Кўнгил мулкларининг маҳзанларида пайдо бўлган рангин сезимларнинг суратларини аксантиришади. Руҳнинг тебранишларини, туйғунинг титроқларини ҳаракатлантиришади. Сўзга сизги-ниб, унинг бағрида макон тутган фикрни кутилмаган қиёсларда, фавқулодда таҷибхларда муҳ-гасар шакллантиришади. Мазкур шеърлар шу жиҳатлари билан, зехнга урилиб, ўйлаш ҳиссини, мушоҳада қилиш зикрини уйғотади.

Икром ОТАМУРОДОВ

Абдувоҳид Ҳайит

*Абдувоҳид Ҳайит — Қашқадарё ви-
лоятининг Яқкабоғ туманида туғилган.
ТошДД журналистика куллиётининг
учинчи курсида ўқийди.*



**Ки ҳарне олами сўғрода мавжуд,
Бори бу олами куброда мавжуд.**

**Навой. «Фарҳод ва Ширин»
достонидан**

Зарнигор илоҳам тушимга кирар,
(Тушимнинг кирмаган қўнолғаси йўқ).
Дудоғин эпкинни юзимга урар,
(Менингми, унингми — кўзлари юмук).

Шафақлар индириб кўзга табассум —
Зиёлар баҳрига ташлайди мени.
Бот узра силкиниб қомати, беун —
Сулаймон тахтига бошлайди мени.

Самодан бир дэйр келару сузиб
Қайгадир бизларни кетар ўғирлаб.
Инжа бир оҳанглар юрарлар кезиб,
Инжа бир насимлар кулар қиқирлаб.

Сузармиз ёғдулар гулшани аро,
Қатли нас келтирмас бунда қабоқлар —
Чумчуқлар кулишар дийдаси дарё,
Қаҳқаҳа уришар ҳаттоки зоғлар.

Мажнунлар ўтишар диллари байроқ,
Малақлар сепишар буржларга атир.
Нурланиб, дурланиб сўйлайди ул: боқ —
У олам тор, ахир, бу олам кабир.

Юлдузлар эпкинни юзимга урар,
Борлиққа айланиб кетгайдир бағир...
Зарнигор илоҳам тушимга кирар,
У олам тор, дейди, бу олам кабир.

* * *

Қош қорайса бизлар кетармиз.
Устунлардан ниҳол кўкарган, дедингиз.
Ой йўк,
Ерга оқиб тушган, дедингиз.
Тошларнинг елини тўлган,
Тупроқ — олтин, дедингиз, ахир!
Дедингиз-ку:
Озод этдим қобирғалардан,
Осмон — уланзор,
Борлиқ — улан — зор,
Дедингиз-ку, ахир!..

* * *

Масканинг тубанми, кифтингда тошми,
Вужудинг заъфарми, зиёга зорми,
Борлиғинг зулматми, аҳдинг — бардошми,
Маснадинг маҳталми, мазгил душворми,

Сенми чиқолмаган ёриб туфроқни,
Менми чиқолмаган ёриб фироқни?!

Йўлинг юлдузгами, гуллашми — орзу,
Сабога дилингни бермоқми — истак,
Кўзларинг сўқирми, ютганинг — оғу,
Қисматга тириклик битдими фалак,

Сенми чиқолмаган ёриб туфроқни.
Менми киролмаган ёриб туфроқни?!

* * *

Сен ҳурсан, фазода жисмин йўқотган,
Эртадан тирилиб чиққан шаҳидим.
Лавҳда битилган исмин йўқотган,
Исони ахтариб чиққан масиҳим.

Ҳижрон ридосини тортиб бошига
Ўзидан Мосуво куйган ботини,
Қоп-қора зардоблар тўплаб лошига,
Сен ҳурсан, унутган асил зотини.

Изтироб нишони — кўзларингда ёш —
Қорачўғ чўғида туғилган зурёд.
Сен ҳурсан, пойингга эгадирман бош
Карбало даштида бўғилган фарёд.

Гуллар тераяпман нигоҳларингдан,
Гулга буркаяпман урэн руҳимни.
Гуллаб бораяпман титроқларингдан,
Гулдан изляяпман, гулдан ўзимни.

Сен ҳурсан, худолар исинган оташ,
Бир меҳр илгида банди, асирим,
Кифтига Кўҳиқоф қўндирган ғамкаш,
Исони ахтариб чиққан масиҳим.

* * *

Нигоҳинг тўр сенинг, сўзларинг — сайёд,
Фикрат равзасида қилмишинг — барбод,
Пайкониң кулбамга етдими, ҳайҳот,
Руҳимга тиғ урма, жаллодим!

Ёнингда иблисми ҳамроҳинг сенинг,
Нечук фалак бўлди жангоҳинг сенинг?
Жоним ол! Бўлмагай даргоҳим сенинг,
Руҳимга тиғ урма, жаллодим!

Одамман, осийман ва лекин хилқат
Зулмату зиёга занжирбанд, дилбанд,
Ломакон, рўёдек тақдирга пайванд
Руҳимга тиғ урма, жаллодим!

Оҳ, сени кўрдиму (чўчиб) йиғладим,
Жонимдан, танимдан кечиб йиғладим,
Боболар жомидан ичиб йиғладим,
Руҳимга тиғ урма, жаллодим.

Зокир Худойшукуров

Зокир Худойшукуров — Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида тугилган. ТошДД журналистика куллийтининг иккинчи курс толиби



* * *
Оқ терак — ёридан айрилган мажнун,
Айғоқчи ҳижронга ён берган асир.
Ҳижроннинг азоби — шамоллар узун,
Кўздаги томчи ёш — у сўнгги сабр.

Сўйди шамол келиб хаёлларини,
Сочин юлаверди шамол — бармоқлар.
Кўздан тўкди сим-сим лолаларини —
Ерга тушаверди озғин япроқлар.

* * *
Муҳаббат қушлари кетдилар учиб,
Қушларнинг инини шамоллар бузди.
Йиғлайман бузилган инларни қучиб,
Не учун қушларим юртимдан безди?

Ойлар ҳам ўтдилар, чидадим ҳар он,
Баҳор келади, деб овутдим дилим.
Қушлар кетган экан «келмаймиз» дебон,
Мен қайдан билайин қушларнинг тилин?!

* * *
Аждарҳо қаҳрини бағримда тердим —
Қон тилар, қон тилар омонлик учун.
Муҳаббатни бердим — бахтимни бердим,
Сулувларни бердим қурбонлик учун.

Қизалоқлар қочар, бўй қизлар қочар,
Хурлар қарғаб кетган нотавон элдан.
Қарғиш бир кун менга кафанлик бичар,
Кечмоғим керакдир аждарҳо — дилдан!

Яна нечовларни сўрар бу аждар,
Энди қайси гўзал бўлар равона?!
Келмагин-эй фақир, келмагин тождор,
Гар ошиқ бўлсанг ҳам келма, девона!

Дастидан саноғи сочимга етти,
Кўкда қурбонларнинг арвоҳи кезар.
Салтанат йиқилди, умрим-да битти,
...Аждар жаннатнинг ҳам эшигин бузар.

* * *
Ёзуғимда, дунё, сенинг хатоларинг,
Муҳаббатни чала туғдинг, чала туғдинг.
Бу кун, дунё, қайда қолди атоларинг,
Шунга ҳам сен етолма, деб мени бўғдинг.

Ажал риштанг қўйди боғлаб ҳар тарафдан,
Севги шўрлик нима қилсин, у—чалажон?
Текис йўлин қўйдинг тоғлаб ҳар тарафдан,
Макондан у кетар бўлди, бир ломакон.

Аслида, мен нега келдим, нега елдим,
Руҳим доим йиғлаб кетган бозорларга?!
Ўлмоқ учун додлаб, додлаб бугун келдим
Муҳаббатим чириётган мозорларга!

Бахтиёр Сайид

Бахтиёр Сайид — Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида туғилган. ТошДД журналистика қўллиётининг иккинчи курсида таҳсил олади.



* * *
Ёйилган сочингни йиғиб ол, гўзал,
Кўзларинг кўзимнинг гулларин терсин.
Раҳминг келсинг менга, раҳминг келсин сал,
Бағринг кўксимдаги дарёни севсин.

Кўнглим соҳилига тушсин хаёлинг,
Ташландиқ руҳимнинг бошини сила.
Сира алдовларда кечмасин ҳолинг,
Ўзингга дунёдек бахтларни тила.

Умидларни тила, осмонлардек кенг,
Қушлардек талпинсин кўкка орзулар.
Фақат қасос учун шимарилган енг,
Сендан ўч олади бир кун қайғулар.

Кипригинг илитар қалбимни беун,
Севгилим, мени ол паноҳларингга.
Пинҳон тутолмасдан бир кунмас бир кун,
Суяниб ўламан нигоҳларингга!..

Шамолнинг судралган этакларига
Судралиб кетади кузги хазонлар.
Ишонмайман туннинг эртақларига,
Очилмай қолади ёпиқ қозонлар...

Дардларим кўп ҳали, дардларим кўпдир,
Судраб кетолмайди шамол этаги.
Хазонда ёш томган — гардларим кўпдир,
Англаб етолмайди туннинг эртаги.

У сўйлайди ойнинг ҳусини мақтаб,
Сўйлайди осмоннинг маржонларини.
Мен эса йиғлайман, йиғлайман қарғаб,
Дардларимни ёпган қозонларини.

Соғинч

Йиллар — кўксимга бош қўйган узун йўл,
Ташлаган қадамим санайди лаҳза.
Кўкракда хансираб ётади бир гул,
Оқарган кипригим тутайди аза.

* * *
Тераклар учига осилган сукут —
Чумчуқлар оғзига урилган талқон.
Ёлворгум, маликам, сен мени унут.
Тилларим — сукутдан қотиб қолган қон.

Тонгда ой сочимни силар тароқдай,
Музлаган юзимни тишлар чумоли...
Шамолнинг бағрини кесган байроқдай —
Ўқилпираб урилар қизнинг рўмоли...

Хотирот — кўксимга урилган тамға,
Бағримда қовжираб қолган бир чечак.
Ўкинчим — тумшуғи ёрилган қарға —
Сукутни қучоқлаб йиғлаган терак...

* * *
Қўйнимда илондай тўлғанади тун,
Кўзларимда онам ўчоқ ёқади.
Олис йўлларимга термулиб беун,
Тўпланган юлдузлар киприк қоқади.

Ой нурин тебрата бошлайди шу он,
Елларнинг сочидан ясаб белғиштак.
Шуълаларга тўлиб, фарқ бўлган осмон,
Ер узра шошилиб қоқади этак.

Рухимнинг сувига чайилган туйғу,
Қоғозимга мукка тушиб йиғлайди.
Хонамга бостириб киради қайғу,
Қиличин бағримга ишқаб тиглайди.

Бармоғ-ла кўзимни ёпган шамолнинг,
Қасиллаб синдиргим келар қўлини.
Тасаввур кўйлагин кийган хаёлнинг
Тўсмоқчи бўламан саркаш йўлини...

Кўксимда изтироб тошади қайнаб,
Гоҳи бошим сигмай қолар дунёга.
Чайналар юракнинг тиллари ўйнаб:
«Соғинчларим тўкай Қашқадарёга!..»

Норқул Мамиров

Норқул Мамиров — Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилган. Жиззах муаллимлар олий илмгоҳининг тўртинчи курсида ўқийди.



Сабр япроқлари

Кутгин кўзларимдан кетганда мадор,
Кутгин, хаёлларим тўзғиса бебош.
Сабр япроқлари сўлғин тортган он,
Йиғлаб дардингни айт ойга, қаламқош.

Кутишлардан фурсат безисин, куйсин,
Сочларингдан соғинч тўкилсин дув-дув.
Уйингнинг тўрига баҳор уй курсин,
Юзларингни шамол силасин, сулув.

Мен шеърлар бағишлай шул кудратинга,
Юрагим оҳини кўчирсин тилим.
Ҳижрон товонингда гул бўлиб унсин,
Кутгин осмон қучиб мени, севгилим!..

* * *

Шоирнинг уйда қашшоқлик йиғлар,
Ўздан ортмайди жулдур бу — дунё!
Йиққани бир олам дардли ташбеҳдир,
Суйгани ҳам кетган бокмайин қиё.

Шоирнинг уйдан армон аримас,
Ҳаттоки кундузи тунларга чоғлар.
Сарғайган қоғозлар тилга кирганда,
Шоирнинг кўксига кумрилар йиғлар.

Шоирнинг Ватани —
Ёлғиз қора тун..
Минг бора бу зулмат сирин очади.
Қўйнида туш бўлиб қақирган сулув
Униққан кўйлагин кўриб қочади.

Дўстим Кўчқор Норқобилга
Сурхон тоғларида баҳор чўмилди,
Куз қаҳри гулларнинг тўкди баргини.
Севгилимнинг кийган армон кўйлаги,
Супирди боғларнинг ҳижрон йўлини.
Қуёш энган сўқмоқ хувиллар энди,
Қайларда саргардон умидлар оҳи?!
Бошларига алам рўмолин таққан
Доғли майсаларим йиғлайди гоҳи.
Ойлар... хазонларин сочар кўксимга,
Тушларимда севги давосиз бемор.
Сурхон томонларга кетгим келади,
Келармикан, дўстим, биз кутган баҳор?!

— Анвар Эмин — Фаргона вилоятининг Фувайда туманида туғилган. ТошДД журналистика куллиётининг учинчи курсида сиртдан ўқши билан бирга, Ўзбекистон радиосининг «Табассум» тахририятида хизмат қилади.




Кўчангда адашиб изларим қолар,
Сочингга чирмашиб кўзларим толар,
Сенга айтолмаган сўзларим қолар, —
Мен сени сўзсиздай севавераман.
Феруза кўзингга, гар, термулсам зор,
Мафтун боқишларим бермасми озор?
Шу ўйда ўртаниб, қаролмай бир бор, —
Мен сени кўзсиздай севавераман.
Ҳар кун бир кўришдан бўлиб бенасиб,
Тош шаҳар чорласа, кетсам йўл босиб,
Энг юксак бинога исмингни ёзиб,
Мен сени эссиздай севавераман,
Ўт ёнса ҳижроннинг ўчоғида ҳам,
Бахт кулса ўзганинг кучоғида ҳам,
Қон томиб рашкимнинг пичоғида ҳам, —
Ғурурсиз, юзсиздай севавераман.
Сиймонг кўз ўнгимда тортса ҳам хира,
Жонсиз тан ёғоч от қилса ҳам кира,
Дунёдан кечсам ҳам, сендан... йўқ, сира, —
Мен сени тоабд севавераман.

Шубҳа ҳақида баллада

Юзларингни юзимга босиб,
«Севгинг ростми?» — дея сўрадинг, —
Қузғун каби қанотин ёзиб,
Кўз ўнгимда шубҳанг туради.
Меҳр билан тикилган нигоҳ
Кўзларингда гумон кўради, —
Қузғун ўйиб кўзимни шу чоғ,
«Севгинг ростми?» — дея сўради.
Ишқим дилдан тилимга ўтди,
Қузғун бўлса қаҳқаҳ уради —
Бир чўқишда тилимни ютди,
«Севгинг ростми?» — такрор сўради.
Мен қаршингда тилсиз ва сўқир,
«Фақат рост», деб юрагим урар,
Энди қузғун юрагим чўқир,
Бир чўқиб, бир «Ростми?» деб сўрар...

Нотавон

Калта қўлсан.
Қўлинг калталигига яраша
тилинг бир оз узун бўлсайди,
бахтга қарши тилинг ҳам қисик.
Шунча кўргилик камдай,
кўзларинг — очиқ кўр.
Улганнинг устига тепгандай —
сен шўрликнинг пешонанг ҳам шўр.



УМР ҚИСҚА, ҚАРЗ ЭСА КАТТА...

(Шоир Абдулла Орипов билан суҳбат)

— Абдулла ака! Бугунги суҳбатимизни кейинги йилларда турли учрашуларда тушган саволларга, адабиёт масалаларига бағишласак. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга муносабатингиз баъзи шеърларингизда, шунингдек, айрим матбуот саҳифаларида баён этилган.

— Тўғри айтасиз, сиёсат ўзгарувчан, адабиёт эса абадийдир.

— Абдулла ака, ҳозир адабиёт оламида совет даври ўзбек адабиёти ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда. Баъзи қарашларда даврнинг талабларига мослашиб замонасозлик қилишга «мажбур» бўлган ёзувчиларимизни ҳам тушунаш керак, деган, менинг назаримда, пассив (суст) муносабат кўзга ташланса, бошқаларида бадий асар қиммати ҳар доим унинг маърифатга, инсоннинг такомилга хизмати билан ўлчанмоғи керак, деган фикрлар айтилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, Сизга шундай савол билан мурожаат этмоқчиман: кейинги 70 йилни ўн йилликларга бўлиб ўрганилса, қайси ўн йилликни шеърят учун қулай бўлган, деб айтар эдингиз!

— Кимдир айтган, юксак санъат асарлари, жумладан, адабиёт намуналари ҳам, ҳатто доҳийлар жамиятнинг инқилобий бурилиш нуқталарида, қарама-қаршиликлар

кучайган чорраҳаларида пайдо бўлади. Умуман, кундалик ҳаётга назар ташлаганда ҳам бунга кўплаб мисол топиш мумкин. Зотан, шеърӣ асар шоир кайфиятидаги мувозанатнинг оғишидан туғилади. Лоқайд давр ёхуд лоқайд руҳият юракларни жизиллатгучлик ҳосила туғиши қийин. Сизнинг юқоридаги саволингизни умуман адабий жараёнга ҳам ёхуд айрим ижодкор таржимаи ҳолига ҳам тадбиқ этиб кўрса бўлади. Пушкиннинг шеърларидан бирида ғалати киноявий ташбеҳ бор. Балки у ҳақиқатан ҳам ҳаётӣй ташбеҳдир; ўша шеърнинг мазмуни тахминан шундоқ: шоирларни сургунга кўпроқ жўнатиб туриш керак, ана шундагина улар аччиғи чиққанидан ажойиб шеърлар ёзиб, бизни номаълум туйғуларга ошно этади. Шу маънода, касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади деганларидек, кўпинча қатағон даврлар ижодкор аҳлини майдонга, хуфия бўлса-да, курашга чорлаб келган. Сиз айтаётган ўн йилликларда эса, ҳар бирининг ўз қийинчиликлари ёхуд шеърӣй майдонлари бор эди. Масалан, фашизмга қарши кураш даври ҳеч сўзсиз барча ижодкорларда мисли кўрилмаган инсонпарварлик, ватанпарварлик, ёвга нафрат туйғуларини уйғотган. Кейинги ўн йилликлардаги оммавий сохта кўтаринкилик эса, адабиётда ҳам тўлалигича ўз изини қолдирди. Ана шундай бир чоғда «Ҳой, биродарлар! Ҳаёт шиорлардагидек гўзал ва тўқис эмас!» дея билиш катта жасоратни, чинакам жасур илҳомни талаб этарди. Е. Евтушенко, А. Вознесенский ва бошқалар, бизда ҳам баъзи бирларимиз ана ўша йиллари ноёб ҳақиқатни ахтариб, чини билан ёниб ижод қилганмиз. Ҳозир тўрт томонимиз қибла, деб эълон қилинди. Хоҳлаган одамнинг билан ташлашининг, хоҳлаганча сиёсий хато қилишинг мумкин. Энди, шу руҳда ёзилаётган пала-партиш барча асарларни бадий жасорат намунаси, дея олашимизми? Даврга шукроналик билан қуйидагини айтиш лозим: модомики эркинлик бизга насиб этибдими, энди шошилмасдан ўлмас асарлар ёзишнинг пайида бўлиш керак.

— 80-йилларда ўзбек шеъриятидан мустаҳкам ўрин олган янги авлод пайдо бўлди. Бу авлод ҳам аввалига «ғарбга тақлид қилувчилар» сифатида танқидга учради, верлибр — эркин шеърга муносабат адабий танқидчиликда бир хил бўлмади. Шу маънода ҳозирги ўзбек шеъриятини қандай баҳолайсиз! Умуман, ҳозирги ўзбек шеърияти Сизни қониқтирадими!

— Ҳозирги шеъриятимизда шаклдаги ранг-баранглик қарор топаётгани мени қувонтиради. Биз авваллари ғазал ёзсак, классик арузнинг оддий қайтариғи бўлиб туюлар, армоқ вазнидаги шеърларимиз эса Ғафур Ғулом ё Ҳамид Олимжон услубини эслатиб қоларди. Ранг-баранглик ҳеч қачон эскирмайди. Фақат, унинг замирида бетакрор мазмун, гўзал ташбеҳ, сирли руҳ бўлса бас. Баъзи бир иштибоҳларимни айтсам, айрим феъли ўта нозик касбдош укаларим ранжиб қолмасин, дейман. Гап шундаки, ҳар қандай ўткир латифа ҳам бир марта эшитишга ярайди. Қуни бўйи бир латифани бир кишига такрор-такрор айта берсангиз, латифа нафақат жозибасини йўқотади, балки, жиғингизга тега бошлайди. Шу маънода, эгизак шеъру дostonлар кўпайиб кетаётганини афсус билан эътироф этиш керак. Бундан ташқари, менинг назаримда, Шарқ шеърияти ўзининг сайқал топган зоҳирӣй гўзаллиги билан ҳам жаҳон аҳлини мафтун этиб келган. Ҳозир эса, гоҳида оддий қофияга ҳам риоя қилишмайди. Майли, қофияга атайлаб риоя қилишмаса, буни махсус, оригинал услуб кўриниши, дея қолайлик. Бироқ, ушбу ҳол нўноқлик туфайли юз берса-чи? Яъни, шоир шеър техникасидан аслида беҳабар бўлса-чи?! Хуллас, юқоридаги сингари ҳолатлар гоҳида бири-бири билан қоришиб кетмоқда. Менинг ушбу гапларимни кимдир насиҳат деб, кимдир олифтагарчилик деб ўйламасин. Санъатнинг талаби Ҳавоийга ҳам, Пушкинга ҳам, бугунги ёш шоирга ҳам баб-баробар тааллуқлидир. Умуман олганда, бугунги шеъриятимиз ибтидоийлик беланчагидан чиқиб, қаддини ростламоқчи бўлаёпти.

— Аср алмашишида мўъжизалар кўпроқ юз беради, дейишади. Асримиз охирида ўзбек шеъриятида ҳам мўъжиза яратилиши мумкинми!

— Сизга нечоғлик ажабланарли туюлмасин, кўнглимга келганини айта қолай: аср алмашинуви деган гапга мен ишонмайман! Чунки, асрнинг саноғи ҳар бир халқда турлича. Масалан, ҳижрий ҳисобда ҳозир 1441 йил ва ҳоказо. Инсон боласи саноқни қачон ўрганганини ҳеч ким билмайди. Лекин, бу сарҳадларнинг руҳӣй таассуротлари ҳақиқатан ҳам мавжуд. Яъни, бирор киши пайғамбар ёшига етганида кўнглидан нималар кечиши мумкин, буни ёлғиз унинг ўзи билади. Балки у яна тагин шунча умр кўрар. Нима бўлган тақдирда ҳам янги аср кириб келишини эътироф этар эканмиз, уни «Е бисмилло» деб яхши ният билан бошлаган маъқул. Эски хатоликлардан хулоса чиқариб, жаҳоний ўзгаришларнинг янги поғонасини зуҳр этиш фойдадан холи эмас. Менинг назаримда, мўъжиза календарь билан ҳисоб-китоб қилмайди. Балки, у эртага юз беради, балки юз йилдан сўнгра, балки бирор доҳӣй санъаткор ҳозир болалар боғчасида бурнини артиб юргандир...

— Абдулла ака, агар Сиз оддий китобхон бўлсангиз, шоирларга қандай талаблар қўйган бўлардингиз!

— Ушанда ҳам яхши кўрган шоиримни ўқирдим, ёқмаганини ўқимасдим.

— Яқинда Пушкиннинг 200 йиллик юбилейини нишонлаймиз. Шу лайтгача жаҳонда бирорта шоир Пушкин даражасига кўтарила олмади, дейишади. Бу масалага Сиз қандай қарайсиз!

— Бизнинг Шарқимизда қадимий тариқатдан қолган жуда улуғ бир ҳикмат бор: Пайғамбарларни бир-биридан юқори ҳам, паст ҳам қўйилмайди, Пайғамбар деган эътирофнинг ўзи етарлидир. Шу маънода Пушкинни ҳам кимдир юқори ёхуд пастга урмоқчи бўлса, қаттиқ янглишади. Энди доҳий санъаткорларнинг ҳар муддатда пайдо бўлавермаслиги эса бошқа гап. Жумладан, славян шеърлятида Пушкин билан беллаша оладиган буюк қобилият эгаси балки туғилмагандир. Балки у тамомила бошқа шакл-шамойилда, дейлик Толстой ёки Достоевский қиёфасида дунёга келгандир. Умумаънинг фикрим шундоқки, ҳар қандай оқдид одам ҳам ўзига хос, бетакрордир. Бармоқ излари бир-бирига ўхшамагани сингари даҳолар ҳам ҳамиша айричадир. Агар мен Алишер бобомизни жаҳон шоирларининг султони десам, ушбу хулосам Навоийни ўқиган, қадрлаган инсонларга ғайритабиий туюлмас. Пушкинни ҳам унинг ихлосмандлари энг юксак даражада қадрлар эканлар, уларни ҳам тушунмоқ керак.

— **Абдулла ака, ўзбек адабиётини даҳлига кўплаб романлар яратилган бўлса ҳам, 3-4 таси-гина эсланади. Романларимизнинг бунчалик умри қисқалигининг сабаблари нимада деб ҳисоблайсиз!**

— Ҳақиқатан ҳам миллий романимиз (ҳозирги биз тушунган жанр маъносиди) Қодирий асарлари доирасида зеболаниб турибди. Чунки, унинг асарларида руҳ бор, самимият бор, эркин ва гўзал тил бор, ифрат бор, ҳаё бор, имон бор. Қодирий романларида ғоялар шиор янглиғ пешонангизга дафъатан урилмайди. Балки, муаллиф нияти ҳаётнинг ўзи янглиғ, яъни, ҳаво бирла сув сингари билинтирмасдан вужуду руҳиян-гизга сингиб кетади. Устоз Ойбекнинг «Навоий» романида ғоят улуғвор бир руҳ, яъни, Алишер руҳи макон топган. Бундай ўринларда тўқима образлар китобхоннинг ғашига тегиши мумкин.

Бир ёзувчимиз билан суҳбатда қуйидагича мулоҳаза юритгандик: Яъни, баъзи адиблар борки, оқ қоғоз юзасига кафтани босиб, бешбармоқ атрофида қалам юритиб панжаларнинг андозасини олади. Баъзи адиблар борки, кафтани қоғозга босмасдан туриб унинг шаклини чизиб қўя қолади. Биринчисини биз схематизм деб атаймиз, иккинчисини эса қолипларга сиғмас чинакам ҳаёт манзараси, деб қабул қиламиз ва ардоқлаймиз. Адабиётимизнинг бошига битган бало — ўша биринчисидир. Яъни, тайёр қолиплардан нусха кўчиришдир. Яхши ҳам шеърлятимиз сингари, ҳозирги насримиз ҳам дадиллик билан қўриқлар очаётир. Айниқса, тарихий мавзуларда Улуғбек, Бобур сингари сиймолар ҳаётига интиҳосиз муҳаббат билан боқиб, меҳнат ва ғайрат камарини маҳкам боғлаб баҳори кудрат асарлар яратган ва яратаётган адибларимизга шоён таҳсин айтмоқ даркор.

— **Абдулла ака, ижодиётингизнинг адабиётшуносликда ўрганилиши, ундаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида нима дея оласиз! Албатта, бу борада Сизнинг фикр билдиришингизнинг нуқулай томонлари борлигини сезиб турибман. Шундай бўлса ҳам, агар лозим кўрсангиз, адабиётшунослигимиз ижодингизни ўрганишда нималарни тўғри англади-ю, нималарга эътибори сустиги ҳақида фикрингизни билмоқчи эдим.**

— Бошимдан нимаики ўтган бўлса, адабиётшуносларимизу танқидчиларимиз билан бирга ўтган. Бир қозонда қайнаганмиз. Олимларимиздан миннатдорман. Мен учун энг муҳими — шеърлятим халқим учун яшаб қоладими, йўқми, гап шунда. Афсус билан қайд этиш керакки, ҳозиргача гуруҳбозлик, манфаатдорлик нуқтаи назаридан ижод қилувчи мунаққидларимиз йўқ эмас. Мен бир нарсани орзу қиламан, эсланг: бир замонлар аллақандай Шевченкони рус зиёлилари хўжайинидан пул тўлаб сотиб олишган ёхуд бир чўпон йигит, яъни, Кольцов ҳақида Добролюбов гўзал ва холис мақола ёзган. Белинскийнинг Пушкин ва Гоголь ёхуд Бобурнинг Навоийга берган баҳоларини эслаб ўтиш ўринлидир. Бизда эса гоҳида шундай бўлиши мумкинки, агар истеъдодинг етиш-маса, қариндош-уруғинг ҳаракати билан даҳога айланиб кетишинг ҳеч гап эмас. Бунга адабиётимиздан жуда кўплаб мисол топишимиз мумкин. Аслида, шундай ўринларда танқидчилик холис фикрини айтиши керак.

— **Абдулла ака, ҳазилга муносабатингиз қандай? Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳ-ҳор, Абдулла Орипов. Адабиётимизни Абдуллалар эгаллаб қўймаптими!**

— Шу мазмунда мен бир шеър ёзганман. Албатта унда улуғ отдошларимнинг бошига тушган турли кўргиликларга ишора қилиб, ўзим ҳам шунақанги маломаатлардан «бенасиб» қолмаганимни айтмоқчи бўлгандим. Лекин зинҳор-базинҳор номимни уларнинг шарафли унвонлари ёнига қўйиш ниятим бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Аммо, бир қизиқ гап бор. Мен Амиро Қўшма Штатлари сафарига бўлганимда Абдуллаҳўжа исмли доверўли ўзбек йигити билан ҳамсуҳбат бўлудим. У менга «хурматли отдошим, биласизми, бизнинг исмишимиз ғоят азиз ва муқаррамдир, негалгини билсангиз керак. Ахир Пайғамбаримизнинг падари бузрукворларининг исмлари ҳам Абдулло бўлган,» деди. Албатта, қўйилган исм кишига маълум маънавий масъулият ва юк бағишлаши мумкиндир. Бироқ, ер юзиди неча-неча Машраб исмли шоирлар ўтган. Аммо уларнинг орасида Бобораҳим ёлғиздир. Демак, гап исмда эмас. Хоҳлардимки, эрта-индин адабиётимизда ўнта яхши Эргаш ва йигирмата дуруст Тошмат пайдо бўла қолсин! Қолаверса, мен бир шеъримда айтганимдек, «Ҳар икки набиранг Алишер». Лекин исми ўхшагани билан улардан бирортаси ҳам Навоий бўлолмапти-ку!

— **Абдулла ака, қўшиқ тинглашни севасизми! Хонандалардан кимларни ёқтирасиз!**

— Гапнинг очигини айтай, бир маҳаллар Тошкент — шаҳри азимда ҳали уйсиз, маҳаллама-маҳалла ижара уйларда юрган чоғларимизда радио тинглаш, театрға тушишдан бошқа юпанчимиз бўлмасди. Ҳамхонам, ҳозирда Тошкент Давлат Дорилфунунининг профессори Бегали Қосимов рубобға ишқибоз эди. Иккаламиз бўш қолдик дегунча рубоб чалганимиз чалганди. Уша маҳалларда, ҳозирги Пушкин номли истироҳат ёғида гоҳида ғаройиб концертлар бўлғучи эди. Маъмуржон Узоқов, Комилжон Оқдиёзов, Фахриддин Умаров, Таваккал Қодиров овозларини томнинг теппасидан туриб бўлса ҳам мириқиб тинглардик. Яширишнинг ҳожати йўқ, бола-чақа кўпайғач, бир ёғи хизматчилик бўлиб, гоҳида марказий телевидениенинг «Вақт» ахборотномасини ҳам кўришға фурсат тополмайдиган бўлиб қолдик. Болаларимиз хонадонда турли-туман мусиқаларни тинглашға одатланиб бораётир. Лекин барибир олис тунлари ўша зотларнинг овозлари муҳрланган ленталарни тинглайман. Бунинг устига, кўпқаватли уйларда яшашимиз шу имкониятларни ҳам баъзан чеклаб қўяркан.

— **Мақтовға муносабатингиз қандай! Узингиз ҳам мақтанганмисиз! Бошқаларни мақташ қўлингиздан келадими, шундан қийналмайсизми!**

— Шукр қилиб айтаманки, киши мақтовдан ўзини йўқотиб уйини тополмайдиган даражага етганида эди, мен аллақачон аллақайларға адашиб, дайдиб кетардим. Энди фикр қилиб айтаманки, танқид ва маломатдан ҳам киши нечоғлик руҳсизланадиган бўлса, у ҳолда мен ҳам сиз билан ҳозир суҳбатлашиб ўтирмаган бўлардим. Мен ушбу саволингизға жавоб бермаслигим ҳам мумкин эди. Лекин нетайки, ҳар ким ўз касбини хуш кўрад экан, адо этган ишидан мамнун бўлмай иложи йўқ. Масалан, маҳсидўз яхши чармдан ҳафсала билан пойабзал тикибди-ю, уни ерга урсинми. Албатта, бу ҳолат тамомла субъектив ҳисобланади. Бироқ, узоқ меҳнат туфайли бирор байтни кўнгилдагидек изҳор қилолган шоир, албатта, хурсанд бўлади. Кўпинча шундай дақиқаларда болаларимни безовта қилиб бўлса ҳам уйғотиб, ёза олган тўртлигимни, шеъримни уларға ўқиб бераман. Эрта билан эса, ўша байтлар тагин таҳрирга муҳтож бўлиб туюлавереди. Ижод завқи деганлари мана шу. Жумҳурият атрофидаги кўпгина муқофотларға сазовор бўлдим. Дўсту биродарлар ва ҳоқазолар қутлашганда, албатта, мен ўзини таъзия қабул қилаётган инсон сифатида тутган эмасман. Улуғ халқ ва давлат назари, ифтихори ҳеч қачон оёғости бўлмаслиги керак. Лекин яна бир нарсани англаб келмоқчиманки, умр қисқа, қарз эса каттадир. Мен ушбу ёруғ дунёга келибманки, бир ақидаға амал қиламан. Уни бир шеъримда ҳам қайд этганман: «Ҳар кимнинг гўри бошқа, азроил бўлақдир». Кимнингдир шон-шухратиға ҳасад қила бошладингми, демак, сен мағлубсан. Кимгадир хайрихоҳлик билдириб, унинг яхши фазилатларини кўра олсанг, демак, сен ғолибсан. Менинг руҳиятим эса иккинчи ақида ҳавосида шаклланиб келган.

— **Насиҳатға муносабатингиз қандай! Насиҳат тинглашни ёқтирасизми! Узингиз ҳам ёшларға насиҳат қиласизми!**

— Насиҳат ишора тариқасида бўлмоғи лозим. Насиҳат маърифатли одамлар учун мактаб бўлади, маърифатсизға эса калтак.

— **Абдулла ака, адабиёт тарихидан маълумки, айрим ҳолларда шоирлар ёшлик эҳтироси пасайиб, қолипға тушиб қолғач, наср билан шуғулланишган ва бадий юксак сарлар яратишган. Сизда насрға қўл уриш нияти туғилгани йўқми!**

— Масалан, мен жанрлар ўртасидаги жиддий фарқни ҳис этмаганман. Ҳатто устозим Миртемир ижодидан мисол келтириш мумкин. У киши ёзадиган шеърларини энг аввал (туйғуларни тизгиндан чиқариб юбормаслик учундир) насрда ёзиб чиқардилар. Лекин у наср бошқа... наср ўзининг ички интизоми, тафсилоти, қонун-қондасига эга бўлган мукамал жанрдир. Ғафур Ғулом насрини хотирингизға келтиринг. Жонли халқ тили, топилдик иборалар, суҳбат асноси (диалог), умуман, мукамаллик, тугаллик унда мужассам... Турли-туман мавзуда ёзилган мемуар асарларни наср деб ҳисобламайман. Улар кўп борса, муаллиф хаёлоти билан бойиган кундалик дафтарлардир. Чинакам бадий насрда кўз олдингизда ҳақиқий, жонли, руҳли, жисмли инсон пайдо бўлмоғи шарт. Менинг болалиқдан эшитган, кўрган воқеа-ҳодисаларим мўл. Бизнинг қишлоғимизда Чўпон бобо деган узоқ бир қариндошимиз ўтган. У одам Амирда сарбоз ҳам бўлган, турли босқинчилар билан ҳам олишган, атроф-теваракка ҳам таҳдид солган. Лекин шу кимса доимо бева-бечораларнинг ёнини олиб юрад экан. Бу одам худди машҳур Номоз ўғри сингари ном чиқарганлардан бўлган. Катта элни муҳофаза қилиб яшган... Хуллас, кўряпсизки, шеърға сиймайдиган гапларим кўп. Омон бўлсак, кўрармиз.

— **Орзу нима! Сиз ҳам орзу қилганмисиз! Ҳозир нимани орзу қиласиз!**

— Орзу сўни бораётир. Бунга ўтаётган умр сабабкор. Киши ёш ўтгани сари, кечиримли, қаноатли, босиқ бўла борар экан. Ҳужумларға бепарво, мақтовларға ташунчали нуқтаи назар кишини мулоҳазали қилиб қўяркан. Уйлаб дейман, мен ҳанузгача ер тагига кузатган инсонларим кўпми ёхуд туғилганларни қутлаганим кўпми? Ана шу нарса мени қийнайди. Гоҳ-гоҳида Фаробий қабристонига ўтиб тураман, тиловат қиламан. Ажабо, ўнгимга бурилсам, бир устозим ётибди, чапимда эса шогирдим! Ҳаёт кишининг дийдасини қаттиқ қилади. Лекин табиатнинг ҳикмати шундан иборатки, у инсон боласини ҳар қандай қувончға ҳам, изтиробға ҳам тайёр ҳолда рўбарў қилишға ошиқади. Ҳаёт

гўзал! Менинг тушуншимча, ҳар кимки банда экан, унинг орзуси ҳам шунга яраша бўлади. Тўқис умр кўрсам, болаларим бахтига гувоҳ бўлсам дейди. Дўстларим мендан олдин кетмасалар, шоғирдларим оқибатли ва баркамол бўлсалар дейди. Бир гапим бор: кўп шеърларимда ўзбек халқининг ўтмиши, бугуни ҳақида куюниб, уларни бўлақларга бўлиниб юришидан ранжиган эдим. Шу маънода ҳатто «Ранжком» деган асар ҳам ёзганман. Эл бир бўлса, тинч бўлса дейман...

— Ижод жараёнида шоирлар руҳият ихтиёрида бўлади, дейишади. Сизнингча, бу жараён қандай кечади!

— Энг бахтли чоғларим — ахтарган сўзимни топа олган кезларимдир. Кичкинтой тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, баъзида руҳият фикрни уйғотса, гоҳида эса ярқ этган фикр руҳиятни кўзғатар экан. Мақтанчоқлик бўлмасин-у, бир ҳолатни эътироф этишим мумкин: кўпинча мен ёзаётган шеърим билан чинакамига олишувга киришаман. Саркаш назм унча-мунча ҳаракатга бўйин эгавермайди. Ана шу кураш жараёни гоят завқлидир, гоятда илоҳийдир. Лекин ҳар кимнинг фарзанди ўзига хуш кўринадидек, деганларидек, юқоридаги юксак даъвомни оқлагудек битикларим борми, йўқми, буни билмайман.

— Абдулла ака, мен Сизни ўта китобхон сифатида яхши биламан. Жаҳон адабиёти, фалсафаси, илоҳиёт тарихига оид ноёб китобларни 70-йиллари қўлингизда кўп кўрган эдим. Ҳозир қандай китобларни мутолаа қилаяпсиз!

— Мен, умуман, ёшлигимданоқ фалсафа тарихига қизиқиб келгандим. Бир вақтлар ўзим ўқиб чиққан Тошкент Дорилфунуни аспирантурага ҳам таклиф этган. Балким, ўша пайт йўлимни буриб юборганимда ҳозир доцентга ўхшаган бирор одам бўлиб юрардим. Хуллас, тарихий жараёнларга бир мунча фалсафий муносабатда бўлиш, фалсафий мушоадаларга ўчлигим мени тарк этганмас. Бунинг устига, кўп қатори ҳаёт тажрибам мактаб бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунларда биз ўқиб-ўрганиб, домлаларга имтиҳон топшириб юрган жамиятшунослик, «жонажон» фалсафий қарашларнинг ўзаклари бўш бўлиб чиқмоқда. Мен, албатта, уларни ҳам дурустгина ўрганганман. Лекин, ўқув дастуридан ташқари, образли қилиб айтганда, ўртада тургувчи безарар файласуфлар ҳам бор эдики, мен уларнинг бебаҳо фикрларини ниҳоятда ташналик билан мутоала қилиб келганман. Улар, жумладан, Арасту, Гегель, Спиноза, Гельвеций, Дидро ва бошқалардир. Қадрли укам, шу ўринда сочлари тўкилиб кетган бошимни эгиб айтаманки, халқимиз тарихини ўқиш-ўрганиш билан боғлиқ бўлган машъум хатоликлар менинг ҳам юрагимда ҳеч қачон йўқолмас бир изтироб, вужудимда эримас тош бўлиб қолди. Яъни, аввало Шарқ фалсафасининг туб илдизлари, илоҳиёт билан боғлиқ зўр мантиқли фикрлар баён этилган асарлар, ўша кезлари биздан яширилган бўлса, иккинчидан, борларига эса ҳар доим ҳам тишимиз ўтавермади. Чунки, кичкинтойлигимиздаёқ бизнинг қўлларимизга Навоий ёхуд Бедил асарларини эмас, балки бир парча қизил байроқчани тутқазишиб, «Яша, яша!» деган нақоратларни ўргатишган. Бу фожиаларга кимлар айбдор, буни ўзингиз мушоҳада қилаверинг...

Бугунги кунларда мен ҳам кўпчилик мўминлар қатори қўлимга етиб келаётган осори-атиқа асарларни ўқиб бораман. Хусусан, Ҳадисларни. Яна бир гапни айтиб ўтмоғим жоиздир. Мавлумингизким, мен итальян шоири Дантенинг «Илоҳий комедия»сини она тилимга ўгириш билан машғул бўлдим. Шу муносабат билан Шарқ ва Ғарбда яратилган кўпгина асарларни ўрганиб чиқишимга тўғри келди. Уша чоғларда мен гоят ҳайратомуз бир манзарага дуч келдим: Данте тасвир қилган одамлар ҳақидаги тушунча, фараз айнан Шарқдан, тўғрироғи, ватандошимиз Ал-Фарғонийдан олинган экан. Бундоқ мўъжизаларни бизлардан негадир яшириб келганлар. Ушбу суҳбатимизни ўқиётган ёш дўстларимга бир хулосамни айтиб ўтсам дейман. Сиз жаҳонда тенгсиз тафаккур эгаларининг авлодлари ҳисобланасиз. Ул азиз зотларнинг мозорларини биз зиёрат қила олмаган бўлсак, сиз уларни тикланг, эътироф этинг, уларнинг ўлмас руҳи қошида фахру ғурур билан бош эгинг.


— Суҳбатимиз сўнгиде, Абдулла ака, аънаввий савол билан мурожаат этмоқчиман: келажакдаги режаларингиз қандай, яқин орада ойнома мухлисларини қандай асарлар билан хушнуд этмоқчисиз!

— Шу гапларга тўрт қатор шеър билан жавоб берай:

Ранжима толейинг кулмаса агар,
Инсон борин кўрар, ўлмаса агар.
Шоир ҳам ижоддан қолмагай асло,
Ногоҳ паймонаси тўлмаса агар.

— Дилкаш суҳбатингиз учун раҳмат, Абдулла ака! Сизга, кўпсонли ойномамиз муштарийлари, қолаверса, барча мухлисларингиз номидан узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Илҳом ҳамиша Сизга ёр бўлсин!

Суҳбатни филология фанлари номзоди
Анвар ЖАББОРОВ олиб борди.



Муҳаммаджон Имомназаров

ҲАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ

(Учинчи мақола) ¹

СИМУРҒ МАШАҚҚАТИ

Катта кичикка ҳамла қилса. Кучли заифни қақшатса. Бу — табиат қонуними? Унда инсоният қонуни қандай бўлади? Инсонлар ташқи бир кучнинг зўрлигисиз, тазйиқисиз ўзаро тинч-тотув яшай оладими ёки улар устидан хоқон, капитал ё пролетарнинг истибдоди албатта лозимми?

Инсоннинг ўзга махлуқлардан сифатий фарқи нимада? Имондами? Имоннинг ўзи нима? Олий илоҳий қудратга, Олий ҳақиқатга эътиқодми? Олий ҳақиқат ўзи қандай тушунча?

Мураккаб ва мушкул саволлар. Аммо бугунги зиддиятлар тўлиб-тошган, умид ва изтироблар қоришиб кетган дақиқаларда бу мушкул маънавий муаммолар ақлимизни, руҳимизни шундай аёвсиз исканжага олмоқдаки, ундан қочиб қутулишнинг иложи йўқ. Зотан, инсон ўзлигидан қочиб қаерга боради?

Адабиётни хаёл ҳосиласи, бекорчиликдаги эрмак деб тушунадиганлар ҳали ҳам кўп. Тўғри, шоир ё адиб деган ном олиб, ёлғон ҳозиржавобликка, замона ҳокимларига ялтоқланиш ёки ҳанго-маталаблар кўнглини овлашга ружу кўйганлар барча даврларда бўлган. Аммо ҳақиқий «лисон-ул-ғайб» эгалари ҳеч қачон бадий тафаккур қудратини пастга урган эмаслар, балки бу имкониятни инсониятнинг камолот йўлидаги машаққатли изланишлари пойига тўшаганлар, шу йўлда имдод қидирганлар. Улар меросининг абадиятга дахлдорлиги, руҳининг «ўн саккиз минг олам»га туташлиги шу сабабдандир. Демак, бугунги ҳаётимизнинг, маънавиятимизнинг чигал тугунларига ечим излаган саросима руҳимиз яна ул табарруқ меросга интилса, бобокалонлардан шафеълик тиласа жонзидир.

Алишер Навоий неча йиллар мажоз тариқи устодлари изидан бориб, «Хамса» мулкани тасаруф этгач, умр ниҳоясида «ҳақиқат тариқининг суҳанвари» Фаридиддин Аттор этагига илик урди, «қуш тили ишорати билан ҳақиқат асрорини» талқин этмоққа киришди.

Шоирни гўдаклик чоғидан мафтун этган бу рамзий дostonни туркий тилда қайта нақл қилишга қандай эҳтиёж бор эди? Бунинг сабаби Аттор асари мазмуни билан туркий халқларни таништириш деб изоҳлаш етарли бўладими?

«Мантиқ-ут-тайр» ҳам, «Лисон-ут-тайр» ҳам кўп маъноли, турли-туман фалсафий, руҳоний (яъни, руҳиятга тегишли), ахлоқий, ижтимоий, маънавий ва ўзга ғояларга бой, ички қурилмаси ниҳоятда мураккаб асарлардир. Бир ўқиш билан уларнинг ҳатто асосий мундарижасини қамраб олиш ҳам қийин. Шунга кўра улкан вазифанинг кичик бир бўлагига қўл уриб, бугунги долзарб муаммоларга ҳамоҳанг бўлмиш «Лисон-ут-тайр» дostonининг ижтимоий фалсафасини Аттор дostonига қиёсан ўрганиб кўрайлик.

Аттор ижтимоий воқеликни ўзгаришсиз олади, Олий ҳақиқатни ҳақиқий борлиқ ва унинг моҳияти нима, деган нуқтаи назардан талқин қилади. Инсон ва илоҳиётнинг ўзаро муносабати унинг учун энг муҳим муаммодир. «Мантиқ-ут-тайр» биринчи навбатда ушбу муаммони ҳал этишга бағишланган ва унда Атторнинг хулосаси Симурғ тимсолида энг ёрқин ифодасини топган. Аммо буюқ мутасаввуф ўз замонаси воқелигига боғлиқ равишда бу хулосада собитқадамлик кўрсата олмади. «Пашша ва фил», «чумоли ва сандон» қиёсий тимсоллари орқали, Олий даргоҳдан чиқарилган руқъа воқеаси орқали яна қушлар ва Симурғ орасига фарқ қўйди. Мажоз тариқи соликларининг воқеий борлиқ ва Олий моҳият нисбатига қарashi эса Навоийнинг «Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувват» асарида шайх Авҳадиддин Кирмоний ² номидан келтирилган қуйидаги рубойда ихчам ва лўнда таъриф этилган:

¹ Биринчи ва иккинчи мақола «Шарқ юлдузи»нинг 1988 ҳамда 1990 йил 4-сонларида чоп этилган.

² Авҳадиддин Кирмоний XIII асрда яшай ўтган тасаввуф шайхларидан. Алишер Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида уни Сўдий, Ҳофиз ва Деҳлавийлар қатори «ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлуф қилганлар жумласига қўшади.

**3-он минигарам ба чашм сар дар сурат,
Зеро-ки зи маъност асар дар сурат.
Ин олами суратесту мо дар суварем,
Маъни натвон дид магар дар сурат.**

(Шу сабабдан бошдаги кўз билан суратга тикиламанки, суратда маънонинг изи бордир. Бу олам суратдир, биз суратлар ичидамиз. Маънони суратдан ташқарида кўриш мумкин эмас.) Яъни, бу сатрларда борлиқнинг Олий моҳияти ва унинг ташқи моддий намоён бўлиши (мазҳари) ўзидиятли уйғунликда яхлит экани эътироф этилади. Бу анъанавий тасаввуф етиб келиб тўхтаган нуқта. Аммо мажоз тариқи устозлари учун эса бу ибтидоидир. Агар Аттот «мажоз» (сурат)га маҳлиё бўлиш инсонни Олий ҳақиқат (сифат, маъно)дан йироқлаштиради, деб ҳисоблаб, бундай гумроҳликни тарк этишга чақирган бўлса, Амир Хусрав Деҳлавий «ҳақиқат ишқи» («ишқи ҳақиқий»)дан лоф ургандан кўра, «мажоз ишқи» («ишқи мажозий»)га ўзни фидо этган мақбулдир, деб билди. Навоий масалани янада ойдинлаштириб, «Гар сен идрок айласанг, айна ҳақиқатдир мажоз» деб тушунтирди.

Низомийни инсоннинг Олий моҳиятга нисбати масаласидан кўра, инсон ва ижтимоий адолат масаласи кўпроқ ўзига жалб қиларди. Шоҳ ҳам инсон. Аммо унинг ижтимоий хатти-ҳаракатидаги адолатсизлик нимадан туғилмоқда ва не қудрат шоҳ-инсоннинг моҳиятидаги ушбу қусурни бартараф эта олади? Мана, Низомий «Хамса»сининг бош масаласи. Низомий шоҳ табиатидаги қусурлар билан оддий инсон табиатидаги иллатларни бир манбадан қидирди, ҳукмдорни шоир ўзига қиёс этди ва уни адолатсизликдан қутқарувчи бош омил — ишқ ва билим деб хулоса чиқарди. Амир Хусрав Деҳлавий эса бутун ижоди билан бу ақидага шубҳа билдирди, у ошиқлик ва шоҳлик буткул зид моҳиятлардир, тож ва меҳр бир-бирини истисно қилади, деб қайд қилди. Навоий ўз «Хамса»сида бадий тафаккур қонуниятларига биноан ушбу қарашларни ҳар бир тимсол, ҳар бир қаҳрамон қиёфасида танқидий тадқиқ этди, янги хулосалар чиқарди. Унинг асосий хулосаси Фарҳод тимсолида мажозий тажассумини топди. Фарҳод — бу бошига тож кийишдан воз кечиб, инсонлигини, мажозий ишқ толиби бўлиш ҳуқуқини сақлаб қола билган шаҳзода, маънавий камолот касб этган хос инсон. Аммо ҳали «Хамса»да мажоз тариқи устодларининг ижтимоий тафаккурига хос маълум ҳудудлар сақланиб қолган, бу соҳада руҳий инқилоб юз бермаган. Бунга сабаб — Навоийнинг воқеий ҳаётдаги энг сўнги умидлари ҳали буткул поймол бўлмаганида эди. Навоий дўсти Хусайн Бойқарони «дарвеш-шоҳ» бўлишга тарғиб этар, Мўмин Мирзога алоҳида умидлар боғларди. Аммо тожу тахтнинг аёвсиз қонуниятлари, айниқса, ёш шаҳзоданинг ўз бобоси фармони билан ўлдирилиши, бу иккиланишларга узил-кесил барҳам берди.

Мутафаккир санъаткор янги қадриятлар яратиш йўлини танлади. Келгуси авлодларга васияти сифатида «Лисон-ут-тайр» ва «Маҳбуб-ул-қулуб» асарлари дунёга келди.

Е. Э. Бертельс 1929 йилда босилиб чиққан «Навоий ва Аттот» мақоласидаёқ «Лисон-ут-тайр» таржима асар эмаслигини исботлаб берган эди. Олимнинг аниқлашича, ўзбекча маснавийдаги 63 ҳикоятдан фақат 12 таси «Мантиқ-ут-тайр» мавзуларига мос бўлиб, қолган 51 таси мутлақо мустақил экан. Бундан ташқари, Навоий тасвири ҳаётийлиги, ақлга мувофиқлиги, ҳикоя тарзининг изчил ва босиқлиги жиҳатидан ҳам Аттот дostonидан кескин ажралиб туради. Аммо тасаввуф тадқиқотчиси нуқтаи назаридан туриб ёзилган бу мақола, бизнинг назаримизда, Навоий асари моҳиятини шоирнинг мустақил дунёқараши заминида очиб бера олмаган. Кейинги тадқиқотлар (жумладан, В. Зоҳидов, Ш. Шарипов, А. Малехова ишлари) ҳам ушбу қусурдан холи эмас. Яна уларда Аттот дostonи етарлича истифода этилмаган.

Аттотда ҳам, Навоийда ҳам биринчи кириш боб дунё ва Одам Атонинг яратилиши, Иблис бўйнига тавқи лаънат илиниши ҳақида, деб ёзади Е. Э. Бертельс. Бу жуда умумий таъриф. Аслида, илк байтдаёқ уларнинг мазмуний муносабатида кўп сир-саноат яширингани маълум бўлиб қолади.

Аттот:

**Офарин жонофарини покро,
Он-ки, жон бахшид мушти хокро.**

(Бир сиқим тупроққа жон бахш этган Ул пок жоняратувчига офарин)

Навоий:

**Жон қуши чун мантиқи роз айлағай,
Тенгри ҳамди бирла оғоз айлағай.**

Қаранг, Аттот бевосита «жонофарин»ни мадҳ этмоқда, унинг поклиги инсон сийратидаги хок, яъни тупроқликка зид қўйилмоқда. Навоий эса татаббу анъаналаридан фойдаланиб, сўзни салафи сифатларига нозик мажозий ишорадан бошламоқда. Олий ҳақиқат розини қушлар мантиқи билан илк баён этган ким? Навоий асаридаги «жон қуши» — Аттот. Аммо «Мантиқ-ут-тайр»нинг биринчи очқиқ — байти ҳам унутилмайди, у Навоий дostonининг 28-байтида — инсон моҳияти таърифида эсга олинади:

**Ҳам тилисм ул маҳзан узра, ҳам амин,
Офарин сўнингга, эй, жонофарин!**

Навоий «жонофарин»нинг ўзини эмас, у яратган инсонни («сунъи»)ни мадҳ этмоқда, чунки ушбу инсон кўнгли Олий ҳақиқатни англаб етатилиш (ирфон) салоҳиятига эгадир, шундай улғ ганжинани ўзида яширган «тилсим»дир. Яна у «амин» ҳамдир, яъни айтилган Олий маънавий хазинанинг ишончли сақловчиси, эҳтиётловчиси. Ундан илгари Олий ҳақиқат сирини на осмон, на ер қабул қилишга журъат этмаган эдилар. Шу сабаб бири «залум» — азалий қоронғулик сифатида маҳқум, иккинчиси «жаҳул» буткул билим қобилиятидан маҳрум саналдилар. Аттот инсонлар

замирида тупроқ (хок) ва ел (бод) ётишини бадбин руҳда талқин қилса («хокиёнро умр бар бод у ниҳод» — «тупроқдан яратилганларнинг умрини ел устига у қурди»), Навоий ўтмиш донишмандлари асослаб берган «табиат фалсафаси» анъаналарига таянади:

**Уйлаким душман яратиб ўтқа сув,
Елни ҳам тупроққа айлаб адув,
Сунъидан кўргилки мундоқ тўрт зид,
Бўлиб инсон хилқатида муттаҳид.**

Балки инсон моҳияти табиатдаги асосий унсурларнинг мураккаб зиддиятли уйғунлиги асосига қурилгани учун ҳам у на омон ва на заминга муяссар бўлмаган Олий хазинани дилига жо қилаби-лиш ҳислатини ўзида мужассам этгандир. Аттот «чун кунам, чун ман надорам маърифат» — (қандай қилай, ахир менда маърифат (олий ҳақиқатни билиш қудрати) йўқ бўлса), деса, Навоий инсон ҳақида «кўнглин онинг махзани ирфон (олий ҳақиқатни билиш хазинахонаси) қилиб», деб таъриф беради. Аттот фикрича, инсон ҳар қанча изланса, фақат ўзини англаб етиши мумкин. Олий ҳақиқат моҳияти барибир унга тамомила қоронғу қолаверади. У инсондаги жон ва жисм бирикувини «тилисм» деб атар экан, фақат «тилисм кўздан йўқолгач, хазина пайдо бўлади», яъни жон жисмдан ажрагачина олий ҳақиқат сирини ечилади, деб хулоса чиқаради. Навоий бу нисбатларни буткул бошқача талқин қилади. У инсон моҳиятининг зиддиятли эканини таъкидлайди, аммо айна шу қарама-қарши кучлар бирикуви Олий ҳақиқатни чексиз англаб боришга, камолотга имкон яратуви қудрат замиридир.

Ҳар икки шоирнинг шайтон тақдири ҳақида турлича мулоҳаза юритишлари ҳам диққатга сазовор.

Аттот ҳикоя қилишича, Одам Ато яратилгач, барча унга сажда қилиши ҳақида ҳукм бўлди, аммо Шайтон бош товлади ва шу сабаб абадий лаънатланди. Бунда суфий шоир «юзи қаро бўлган» иблисни «иш билан таъминлаш» масаласига асосий эътиборини қаратади. «Мантиқ-ут-тайр» талқинича, шайтони ланга инсон дилида қаҳр-ғазаб оловини ёқиш «вазифаси топширилади.

Навоий эса инсон фазилатлари таърифида давом этиб, унинг бошига «ҳидоят тожи» — Олий ҳақиқат сари элтувчи йўлни тўғри топа билиш хусусияти — раво кўрилгани, демакки, тақдирда «шараф меърожи» — маънавий камолотга эришиш имконияти мавжудлигини башорат этади ва уни «хайли малакка пешво», яъни руҳий алангадан бино бўлган маънавият тимсоллари — фаришталар ахлига раҳбар, етакчи деб улуғлайди.¹

Аммо шайтон ким? Инсон ҳали яралмасдан илгари у худди шу кейинги инсонга лойиқ кўрилган мақомда, яъни «жинну малоик (яхшилик ва ёмонлик тимсоллари) сарвари» бўлган, бутун оламнинг тасарруфида, ўзи минглаб йиллар Оллоҳ амрига итоат қилиб, тоат-ибодат билан вақт ўтказган, бутун коинотда у саждага бош урмаган бир қарич ер қолган эмас ва шу садоқати туфайли Олий қудратга яқинлик (тақарруб) сурурига эришган. Аммо худди шу яқинликдан кўнглини ғурур ва кибру ҳаво эгаллаган шайтон бошқа фаришталардан фарқли ўлароқ Инсонга сажда қилишни — инсон ҳурматига бош эгишни — истамеди. У инсон лойдан ясалганини — моддий мавжудот эканини — кўрди, аммо унинг «ажиб маъхар» — Олий ҳақиқат сирини ўз моҳиятига яширган хилқат эканини англаб ета билмади, чунки такаббурлик унинг руҳини заҳарлаган эди, инсонни назарга илмаслик кибру ҳавоси ушбу собиқ «фаришталар пешво»сини то қиёмат маънавий лаънатланишга маҳкум этди, итфеъллик унинг тақдири, дўзах макони бўлди. Бу ҳаммаси келажак инсонлар учун бир ибрат эканлигини шоир алоҳида таъкидлайди.

Кўриниб турибдики, Навоий аввал бошданоқ инсон маънавияти, инсониятнинг камолат сарини интилиши муаммоларига айрича аҳамият бермоқда.

Аттот бу жиҳатларни эътибордан соқит қилмайди. Масалан, «Муножот» бобида ноннинг азизлиги ҳақида ривоят келтиради. Унда баён қилинишича, бир паҳлавон курашда ўз рақибдан ғолиб келгач, қўлини боғлаб, энди бошини кесиб мўлжалида ханжар олиб келгани кетса, паҳлавоннинг хотини асир қўлига нон тутқазиб қўяди. Паҳлавон тиг билан келиб қараса, асир қўлида нон, «Ким сенга бу нонни берди?» деб хитоб қилади ғолиб. «Аёлинг берди» дейди асир. Паҳлавон бу сўзни эшитгач, «бизга энди сени ўлдириш ҳаром бўлди, чунки бизнинг нонимизни ушатган ҳар қандай кишига биз ортиқ тиг кўтаролмаймиз. Бизнинг нонни еган одамдан (яъни, меҳмонимиздан) жонимизни ҳам аямаймиз-ку, қандай қилиб унинг жонини тўкишга қўл боради», деб мағлуб ҳаётини сақлаб қолади.

Гарчи, Аттот бу ҳикоятни оллоҳдан шафқат сўраш йўсинида баён этса ҳам, асли унинг мазмуни замон ҳукмдорлари ва барча кўлига тиг тутганларга қаратилгани сезилиб туради. Навоий «Муножот»ида бу тарздаги алоҳида ҳикоят йўқ. Аммо бир таъсирли парча мавжудки, унинг мажозий мазмунида давр воқелигига оид мураккаб муносабатларга бадийий ишора бор:

**Бир тааддипешаликни хўб деб,
Узни ошиқ деб, они маҳбуб деб,—**

(Бу «зулм-ситамни касб қилиб олган»² — ким бўлди экан? Ҳар ҳолда у «маҳбуба» эмас, эр киши — «Маҳбуб». Демак, ошиқлик ҳам ишқибозлик эмас, муайян инсонга шоирнинг чин ихлос билан меҳр қуйишидир.)

**Ҳар ситамким тундхуедни етиб,
Ул чу етгач, оҳ уриб, ўздин кетиб.**

(Демак, бу тез феълли маҳбубдан авваллари ҳам шоирга кўп аламлар ўтган.)

¹ Шу ўринлар насрий баёнда ва дostonнинг русча таржимасида тўғри талқин этилмаган.

² Навоий асарлари луғатида ушбу сўз нотўғри изоҳланган. «Тааддипешалик» — иш ҳаракат номи эмас, инсон сифатидир.

**Оташин лаълидин ўт жоним аро,
Рўзгорим зулфу холидин қаро.**

Яна «оташин лаъл»! Эътиборсиз китобхон «маъшуканинг лаби-да», деб қўя қолиш мумкин. Асло ундай эмас. Шоир сатрларининг таг-заминини ҳис қилиш учун унинг «Тухфат-ул-афқор» қасидасидаги биринчи сатрни эслаш kifоя: «Оташин лаълеки тожи хусравонро зевар аст...» — Ҳукмдорлар тожини безатиб турган оташин (оловли, куйдирувчи) лаъл...

**Васлу ҳажрин умру марг айлаб лақаб,
Бирдин осойиш топиб, бирдин тааб.
Ҳажри андуҳида жоме май ичиб,
Васли жомин чун топиб жондин кечиб.
Онглабон онсиз тирикликни ўлум,
Жонга айлаб ҳажрида юз уштулум,
Они фаҳм айлаб ҳаётимдин мурод.
Ондин ўзга келмайин кўнглумга ёд...
Ҳажри чун кўнглумга бедод айлабон,
Они истарга сени ёд айлабон...**

Навоийнинг бу сатрларида ёлқинли эҳтирос ва чуқур маъноли рамзлар бир бутунлик касб этган. «Васл» ва «ҳижрон» ҳам кейинги ўтли мисралар ёдусида бошқача жаранглайди. Албатта, шоирнинг мажозий ишораларини жўн талқин қилмоқ, яъни бир «тааддипешалик маҳбуб»ни бевосита Ҳусайн Бойқаро деб тушунмоқ ҳам мумкин. Аммо, «мажоз тариқи» қонунлари ўзгача, улар масалага теранроқ ёндашувни талаб қилади. Ҳусайн Бойқаро воқеликдаги муайян шахс, унинг моҳияти воқелик янглиғ зиддиятли ва уйғун, Навоийнинг ўз дўстига муносабати ҳам шунга муносиб. Аммо бу ҳаммаси фоний дунё. Шеър боқий. Шеърин тимсоллар — булар тарихий Фарҳод, Хусрав, Искандар эмас, улар маълум ижтимоий моҳиятларнинг бадий муайянлашган тим-солларидир.

Бу моҳиятларнинг баъзиси ҳаётин, демак, ўтмишни тўғри баҳолашга алоқадор, баъзиси хаёлий яъни, келажакни тасаввур этишга қаратилган. Даҳо шоирнинг меҳри қанча юксак ва самимий бўлса, афсус — пушаймони ҳам шунчалар чуқур ва аламлидир:

**Оллоҳ-оллоҳ! Ултурур шармандалик,
Ёдима келса бу янглиғ бандалик.
Юзқаролиғ онча бўлмиш жаҳл аро,
Ким кўзумга қилди оламни қаро!**

Бу изтироблар илдизи чуқур ва бу дoston ўзининг асос қирраларида жиддий ижтимоий мазмун билан йўғрилганигидан дарак беради. Шоирнинг «Харобот аро кирдим ошуфта ҳол» таржеъбандидаги қатор мисралар, «Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлағай», деб бошланувчи машҳур ғазалдаги дўстидан мажоз услубида изҳор этилган аччиқ гиналари унинг бутун ижоди бўйлаб ўтувчи, умуман шоҳлар ва шоҳлик салтанатига муносабат билан маълум даражада боғланиб кетади. IX—XII асрлар Яқин ва Урта Шарқда етакчи ғоявий йўналиш бўлган Шарқ феодали маърифатпарварлигининг ижтимоий соҳадаги нуқтаи назари «одил шоҳ», «файласуф ҳукмдор» хаёлий тимсоли билан боғланган эди. XI—XII асрдан кучая бошлаб, XIII асрда Ибн ал-Арабий ва Жалолиддин Румий ижодида ўз мантиқий чўққисига эришган тасаввуф ғоявий йўналиши таъсирида феодали маърифатчилиги олға сурган ижтимоий орзуларнинг анча оҳори тўкилиб қолди. Шу сабабли Алишер Навоий ижодининг бошланиш давриданок салтанат аҳлига ўта танқидий руҳ билан ёндашади:

**Шоҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анго.**

Тазоднинг кучини қарангки, ҳукмдор бир нафас дўзах ваҳмидан жони тинч эмасмиш-у, дарвеш (яъни, ўз меҳнати билан кун кечирувчи донишманд инсон) жаннатни кераксиз нарса сифатида аллақачон рад қилиб қўйган эмиш. Албатта, ёш шоирда бундай кайфиятнинг шаклланишида буюк салафлар таъсири кам эмас эди. Шунинг учун ҳам Навоий Ҳусайн Бойқарони таъриф этганда:

**Шоҳлар дарвеш-ю, дарвешлар шоҳики бор
Шоҳлиғ сурат анга, дарвешлик сийрат анго,—**

деб таъкид этган эди.

Навоий асарларида яхши ва ёмон, одил ва золим шоҳлар ҳақида гапирса-да, унинг реал воқеликда «одил шоҳ» топишга умиди куйидаги ўзи яратган ажойиб ташбеҳда том ифодасини толган деса бўлади:

**Ул сифатким, баҳрнинг аччиғ суйида баъзи эл,
Топилур дерлар чучук сув ҳам вале маълум эмас.**

Навоийнинг «Тухфат-ул-афқор» қасидаси, кўплаб ғазаллари, ўзга шеърлари унинг салтанатга бўлган умумий муносабатини ёрқин очиб бера олади. Маълумки, классик шеърятимиз учун энг мўътабар инсоний туйғу — ишқ-муҳаббат туйғусидир. «Ишқ аро душвордир...» деб бошланувчи ғазалида Навоий ҳокимият эгаси ва муҳаббат туйғуси нисбатини ҳар тарафлама очиб берган:

**Шоҳ мандан ишқ аро ожизроқ ўлса тонг эмас,
Ким болокашлик менинг ҳўйимдир онинг иззу жоҳ.**

(Хукмдор ишқ борасида мендан ожизроқ бўлса ҳеч ажабланарли жойи йўқ, чунки менинг одатим зулму жафоларга чидашдир, ҳукмдор одати эса иззатталаблик ва мансабпарастлик.)

**Шоҳ ким, матлубига қуллуқ буюргай ишқ эмас,
Кимки ошиқдур анга зору забунлуғдир гувоҳ.**

(Севгилисидан ўзига таъзим бажо келтириш, бўйсунни талаб қилувчи шоҳ туйғусини ишқ бўладими? Кимки чин ошиқ бўлса ундан ишқ йўлида хокисорлик ва ўтинч талаб қилинади.) Бу ғазал мақтаида ишқ ичра гадолик шоҳликдан ортиқ қўйилади:

**Эй, Навоий, сидқ ила бўлгил гадо ишқ ичра ким,
Тахту тожин берса бу давлатни топмас подшоҳ.**

Бундай нуқтаи назар Навоийнинг улуг салафларига ҳам хос эди, шоир уларга чин кўнгиладан эргашади. Аммо бир оғир ҳаётий масала ҳал қилинмай келарди, у ҳам бўлса қандай қилиб ижтимоий адолатни таъминлаш, ижтимоий тартиб ва инсоний туйғулар орасида уйғунликни вужудга келтириш.

Қушларнинг афсонавий подшоҳ сари сафари Абу Али ибн Синонинг «Рисолат-ут-тайр», Аҳмад Ғаззолийнинг шу номли рисолаларида аввал ҳам тасвир этилган бўлиб, уларда қушлар шоҳининг номи Симурғ эмас эди. Аттор рамзий қаҳрамонига биринчи бўлиб бундай икки маъноли ном қўйиш билан маълум тағзамин яратди. Навоий салафи мерос қолдирган ушбу янги тафаккур чизгиларини изчил давом эттириб ва уларни мантиқий яқунлаб, яхлит дунёқараш даражасига кўтарди. Аттор, асосан эски ақидаларни рад этишга аҳамият берган бўлса, Навоий янги руҳий дунёни шакллантиришга асос эътиборини қаратди. Мисол учун, Аттор Симурғни офтоб ва қушларни сояга нисбат беради. Навоий буни инкор этмайди, фақат у масаланинг нозик бир жиҳатига эътиборни қаратиб айтадики, нимаики воқеий мавжуд бўлса, унинг сояси бор, сояси йўқ нарсанинг ўзи ҳам бўлмайди. Бу ташбиҳ Авҳадиддин Қирмонийнинг юқорида тилга олинган хулосаси билан мосдир. Демак, Олий ҳақиқатни англаб етиш учун унинг «сояси» («мажозии», «сурати») бўлмиш оддий кўз билан кўриниб турган воқеликни, унинг турли кўринишларини, ҳодисаларини тадқиқ этиш, ички эзидиятли боғланишлари, мураккаб жараёнларини излаш, ўрганиш лозим. Навоий диққатини тортган нарсани ижтимоий жараёнлар, инсонларнинг бахти ва камолотини белгиловчи ўзаро муносабат қонуниятларидир. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, инсон Олий ҳақиқат «мазҳари», унинг кўнгли «ҳақиқат асрори»ни ўзида пинҳон этгандир. Навоий аввало шоир, шу сабабдан унинг борлиқ, инсон ва жамият ҳақидаги изланишлари шеърый шаклда, бадий тафаккур қонунлари асосида кечади ва хулосадар илмий таърифлар йўсинида эмас, мажозий тимсоллар қиёфасида юз кўрсатади. Мажоз тартиқнинг яна бир қудрати — унда бир тимсол қават-қават маъно беради ёки бир моҳиятнинг айри-айри жиҳатлари бир йўла ўзини намоян қилади. «Мантиқ-ут-тайр» муаллифи истифода этган Симурғ тимсоли худди шу мажоз тартиқи имкониятларига жуда мос келарди.

Аттор талқинига кўра, жаҳоннинг барча паррандалари йиғилишиб, «бу замонда шахриёрсиз ҳеч бир шаҳар йўқ, нега энди бизнинг климда шоҳ бўлмас экан, бундан бу ёғи биз ҳам шоҳсиз юришимиз бўлмас, бир-биримизга кўмақдош бўлсак-да, биз ҳам ўзимизга бир подшоҳ изласак», дейишади.

Худди шу пайт қушлар жамоасига Худхуд (пўпишак) мурожаат қилиб «мен ўз подшоҳимни таниганман», агар ўзга қушлар истаса, ул олий даргоҳга бошлаб боришим мумкин, дейди. У шоҳ номини ҳам эълон қилади:

**Номи у Симурғ — султони туюр,
У ба мо наздику мо 3-у дур-дур.**

(Унинг номи Симурғдир — қушлар султони,
У бизга яқин, аммо биз ундан жуда узоқмиз.)

Кўриб турганимиздек, Аттор бошиданоқ асл фикрини очиқ айтиб қўйган. Унинг мақсади тасаввуф ақидаларининг рамзий тасвири ва шарҳи бўлганлигидан қушлар жамоасига Симурғ — шоҳ зарурати (яъни, ижтимоий муаммо) жиддий далилланмайди, мавжуд аъёнларга асосланиб қўяқолинади.

Аммо Навоий дostonни бошлашданоқ ўзгача йўналиш тутди. Аввало сарлавҳа:

«Қушлар ижтимоий тақдим ва таъхир учун бир-бири билан низоъи». Яна насрий баён муаллифи ноаниқ талкин бергани туфайли бу сарлавҳа қайта шарҳ этилишни талаб қилади: «Ижтимоий тақдим ва таъхир» — «Ким олдинроқ ва ким орқароқдан жой олиб ўзаро уюшув», яъни «ижтимоий иерархия» маъносини билдиради. Демак, сарлавҳа маъноси: «Қушларнинг жамоада ким олдинги ўринларни ва ким орқароқдагиларини эгаллаши лозимлиги ҳақида бир-бирлари билан жанжаллашувлари»дир. Бобнинг мазмуни ҳам сарлавҳасига тўлиқ мос келади.

**Ултирурда чунки ойин йўқ эди,
Ҳар бирининг ўрни таъйин йўқ эди...**

Яъни, агар қушлар инсоният рамзи экани назарда тутилса, инсонлар ўзлигини англаб, кишилик жамияти тузишга эҳтиёж туғилгач, бу жамиятда ким қайси ўринни эгаллаши кераклиги бўйинча даставвал аниқ бир қоида-қонун («ойин») йўқлиги билиниб қолди. Натижада шакарғуфтор тўти пестда қолиб, олақарға юқорига кўтарилди, ҳушовоз булбулу қумридан гўнғарға олдинга ўтиб кетди. Калхат шунқордан олийроқ мақомга эга бўлиб, ўлаксалар товусдан баланд парвоз этди.

Хуллас, беҳунарлар ҳунарлилар устидан ҳукмрон бўлиб олишди. Шарафлилар гуруҳи бунга норозилик билдирди, аммо разиллар уларнинг сўзига қулоқ осмадилар. Ана шу можарони ҳал қилиш учун бир адолатли шоҳга эҳтиёж туғилди. Кўпчилик умид қилдики, агар бир шуқуҳли ва

одил олий ҳукмдор бўлганда пасткаш, тубан кишилардан олий мартабага лойиқ кишиларга шикаст етмас ва шарафлилар ҳасислар олдида хор бўлмас эдилар.

Навойи қушлар низосининг асл моҳиятига жиддий эътибор беради: унинг учун «ижтимоий тақдим ва таъхир» масаласи асосий. Е. Э. Бертельс Атторда «аниқ кўзга ташланувчи пантеизм» («выраженный пантеизм»)ни кўрди, Навойи ҳақида эса «Атторнинг бениҳоя кескин қарашларини юмшатиб, мўътадил ислом чегараларига жойлаштиради», деб баҳо берди. Асли ундай эмас, Навойи тасаввуф ақидаларини мўътадиллаштирмайди, балки улардан тағзамин сифатида фойдаланиб, буткул янги моҳиятларни тадқиқ этади. Бунинг учун у «Мантиқ-ут-тайр» қурилмасида яширган ички имкониятлардан жуда унумли фойдаланади. Масалан, Аттор асарига ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларини акс эттирувчи ҳар бири ўзича жуда ибратли қатор ҳикоятлар мавжуд бўлса-да, уларга мутасаввуф шоир фақат тамсил сифатида ёндашади, бадий лавҳалардаги воқелик тасвирини, улардаги ички мантиқни асар бош йўналиши билан узвий боғламайди. Навойида эса ҳикоятлардаги ҳаётий кўринишлар қушларнинг мажозий сафари мақсадлари билан мураккаб ички боғланишда бўлиб, бутун дoston сеҳрли ва кўзни қамаштирувчи сержило кошинлардан тартиб берилган муҳташам ва уйғун манзара янглиғ таассурот уйғотади. Биз, албатта, дostonдаги ҳар бир ҳикоятни ўзимиз танлаган йўналиш асосида талқин қилиб чиқишимиз қийин. Аммо ундаги Шайх Санъон номи билан боғлиқ ўзақ қиссанинг мазмуни шундай теранки, бу ҳақда батафсил сўзлаш зарур.

Симурғ (яъни, комил ижтимоий воқелик) сари интилган тўда ҳар хил қушлардан ташкил топган. Инсонлар жамяти ҳам аслида турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар ва тоифа, элат ва миллатлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ этувчи алоҳида моҳиятга, фазилат ва қусурларга эга. Дини, эътиқоди, тафаккур йўналиши ҳам ҳар хил. Навойи даври учун турли инсон гуруҳлари орасидаги маънавий жиҳатдан энг катта фарқ икки эътиқод кўтби — ислом дунёси ва кўфр дунёси аро тасаввур қилинади. Шайх Санъон ислом дунёси маркази Каъбадан чиқиб, мусулмон нуқтаи назаридан зид дунё бўлган кўфр ўчоғи — Рум дайри (яъни, христианлар монастыри) сари йўлга отланиш билан ўз даврининг энг олис ва ўтиб бўлмас саналган масофасини босиб ўтишга қасд қилди. Бу журъат комил ва яхлит инсоният оламини шакллантириш йўлида энг муҳим босқич бўлиб, қисса мазмуни шу жиҳатдан ҳам Навойига жуда манзур бўлди.

Аттор шайх Санъон қиссасини хулосалаб, қушлар саргузаштига қайтар экан, қушлар шайх ишқини рамзий, яъни Симурғ ишқи («ишқи ҳақиқий»)га ишора маъносиде ташунганликларини алоҳида таъкид этади. «Лисон-ут-тайр»да эса қисса хулосаси Симурғ билан мутлақо боғланмайди, балки ишқ туйғусининг ўзи мустақил тараннум этилади. Бу ишқ икки инсон орасидаги тор кечинма эмас. «Ишқ баҳредурки, поён йўқ анга...». «Оламедур ишқ, лекин бас васе» деб таъриф этади шоир. Бу бепоён оламда инсонлар ўзаро ижтимоий мавқелари, билим даражалари билан фарқланмайди:

**Ишқ мулкида гадову шоҳ бир,
Дайр ичида раҳбару гумроҳ бир.**

Бу олий туйғу асло кўнгилхуши эмас, унинг масъулияти бениҳоя оғир, эвазига ҳеч қандай имтиёз ваъда этилмайди:

**Ишқ аро дарду балодин ўзга йўқ,
Зулму бедоду жафодин ўзга йўқ.**

Бу олий туйғу ихтиёрини банд этган, шавқ ўтида ёнган қушлар камолот сари олға интилар экан, йўл қийинчиликлари борган сари ошиб боради ва бир йўлбошчига эҳтиёж туғилади. Қушлар Худҳудга сардорликни таклиф этишади. Худҳуд қабул қилмайди («Айлади таъби ҳукуматдан ибo»—«Ҳокимлик қилишни таъби кўтармади»).

У, майли, мен йўлни бошқариб боришни зиммамга олай, аммо ортигини таклиф этсангиз, ўртада яна нифоқ тушиш хавфи вужудга келади, дейди.

«Маърифат водийсининг васфи»да эса Навойи жамятда инсонларнинг ҳар бир гуруҳи Олий ҳақиқатни излашда ўз мустақил йўли билан боришини, ҳар ким ўз йўлини тўғри деб, ўзганинг йўлини тан олмаслигини турли мисоллар билан очиб кўрсатади. Хуллас, инсонлар қанча бўлса, йўл ҳам шунча кўп, аммо бу бир-бири билан доимий ихтилофда бўлган турли мазҳаблар, эътиқодлар мазмунида қўйқа (дурд), яъни хатоликлар кўпроқ, соф (ҳақиқат) эса жуда оз эди, дейди афсус билан шоир.

Қушлар Симурғ даргоҳига яқинлашар эканлар, Худҳуддан сўрашади: «Бу йўл нега кимсасиз?» Уларнинг маънавий пешвоси жавоб беради:

**Ким эрур холи улус ғавғосидин,
Шоҳ иззу жоҳу истиғносидин.**

Биз улўғ ҳодий насиҳатларини бугун ҳам унутмаслигимиз керак: кимки ижтимоий адолатга эришиш йўлини қидирмоқчи экан, у, бир томондан, «улус ғавғосини» унутмоғлиги, яъни, мавжуд вазиятни англаб етишга тоқати етмай, айбни бировларга юклашни осон билган оламон ғулусидан юқори турмоғи, иккинчи томондан, давр ҳукмдорларининг кибру ҳавоси, иззатталаблиги, чала мулоҳазалари ва хом ишларини оқлаб кўрсатиши, улар истиғи билан мурсо қилиш заруратидан мутлақо фориг бўлмоғи лозим. Асл ҳақиқат шундагина юз кўрсатиши мумкин.

Навойи дostonидаги қушлар ожиз, ноумидликка берилган бечора нотавонлар эмас, балки мақсад йўлида собитқадамлик билан олға босиб бораётган, ҳеч қандай дўқ-пўписе ёки тесқари ташвиқотга учрамайдиган йўлчилардир:

**Йўл югурмоқдин туну кун ҳормайин,
Ҳар балоким келса юз қайтармайин...**

Ҳам аларда бор эди мардоналик,
Ҳодию комилда ҳам фарзоналик,
Сидқи ихлос ичра иккинчи фано
Ёрни қилди аларга ошно...

Бу ерда Навоий «иккинчи фано» тушунчасидан моҳирона фойдаланади. Хўжа Баҳовуддин Нақшбанд, Шайх Суфён Сурийлар¹ олға сурган, қушларни ноумидликка солган «биринчи фано», ҳақиқат олий мутлақ зот моҳиятида ўзликдан буткул кечиб, йўқ бўлиб кетиш ўрнига солиқлар «иккинчи фано» босқичига етишадилар. Бу мартабада энди васл боғидан Масиҳонинг жон бахш этувчи нафасидек майин ел эсади-да, барча нуру зулмат пардаларини ҳар тарафга кўтариб ташлайди.

Навоий асариде Аттордек маҳобатли, кишини ларзага солувчи сирли даргоҳ ўрнига қушлар ўзларини табиат кўйида, ажойиб бир бўстонда кўрадилар. Гул ва гулзор, «нуру сафо», «софу равшан сув» каби киши кўнглига осудалик, беғубор осойишта бир фараҳбахш этувчи тасвир намоён бўлади. Бу гулшанда ҳар гул бир кўзгу янглиғ, уларга боққан қушлар нурга чўмгандек, соф ва тиниқ ёғду аро ўз аксларини кўрар эдилар. Мунча ранжу азоб кўриб, бардош билан шу кунга етишган қушлар:

**Кўрдилар ўзни қаёнким тушди кўз,
Оллоҳ-Оллоҳ не ажойибдир бу сўз!**

(Навоий энг асосий фикрни билдирар экан, яна ўз мулоҳазаларига урғу бериб «не ажойибдир бу сўз!» деб хитоб қилиб кўяди.)

Аттордаги ўттиз қуш (симурғ) руқъа (ёзувли парча қоғоз)да аксларини кўрган бўлсалар, Навоий қаҳрамонлари учун табиат неъматлари — гул, барглар ва зилол сув кўзгу вазифасини бажаради, яъни инсонлар атроф-табиат билан мулоқотда ўзликларини англаб етадилар. Олий моҳият билан комил инсонлар орасига фарқ солинмайди, чумоли ва сандон, пашша ва фил тазодларини Навоий эсга олмайди. Олий ҳақиқат турли хил ҳирсу ҳаваслардан мақсад йўлида риёзат чекиш орқали пок бўлган инсонларнинг соф «руҳонияти»га тенг этилади. «Нафсоният» тушунчаси ҳам Аттор кўзда тутган маънода, яъни, умуман инсоннинг моддий борлиғи деб, тушунилмайди.

Навоий, Низомий, Саъдий, Деҳлавий каби форс эпик шеърятининг забардаст устозлари анъаналарини изчиллик билан давом эттириб, эпик ижодининг асосий қисмини ўз даври ижтимоий муаммоларини бадий тадқиқ этишга бағишлади. Шу асосда «ҳақиқат» ва «мажоз» муносабати унинг ижодида тасаввуф анъанасидан кескин фарқ қилувчи янги талқинга эга бўлиб қолди ва бу талқиннинг калити «Лисон-ут-тайр»нинг бош ғоясида яширингандир.

Биз асарни «Мантиқ-ут-тайр» билан солиштириб, орадаги фарқларни Навоийнинг бутун ҳаёти ва ижод йўли билан қиёслаш орқали ушбу талқинни қайта тиклашга уриндик. Ва бу тадқиқ хулосасини қисқа қилиб шундай баён этиш мумкин:

Қушлар — инсонлар, аниқроғи, бутун инсоният, уларнинг Симурғ сари машаққатли йўли — бахтли ва одилона жамият сари (йўл бошида бу орзу «одил шоҳ» излаш тариқасида намоён бўлган эди) изланиш тарихий жараёни. Бу юзлаб йўлларни ўз ичига олиши мумкин бўлган йўлнинг ҳад-сиз-ҳудудсиз эканлиги таъкидланган тарихий жараён давомида инсонлар жамияти олға интилиш билан чиниқиб, қамолотга етиб борадилар, турли маънавий босқичларни босиб ўтадилар. Ва охири бориб «одил шоҳ» орзуси асоссиз ва пуч эканлиги маълум бўлади. («Биринчи фано»даги вазият: шоҳ, агар Симурғ бўлганда ҳам, оддий халқни назарписанд этмайди). Қушлар аввал бу ҳақиқатни англаб етгач, ўзтиробга тушадилар. Аммо улар мақсадларидан чекинмай, «иззат човуши»нинг пўписасидан қўрқмай, мардонавор олға парвоз этишда давом этсалар, «иккинчи фано» босқичига етишадилар:

**Мунда гар яхши таҳайюл айласанг,
Еки иш сиррин тааммул айласанг,
Муттасиф бўлсанг сифотиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила —
Ким сен-ўқ сен ҳар не ким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолига тафсилсен,
Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.
Ўз вужудингни тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен, ўзингдин истагил.**

Бунда шоир ҳар бир қушга мурожаат этиб, «сен «одил шоҳ»дан мурувват кутма, ҳар неки истар бўлсанг, ўзингдан иста, ўз кучингга, қамолингга таян, демокда.

Жумладан, «олий ҳақиқат» дея аталмиш комил ижтимоий тартибни вужудга келтириш ҳам инсониятнинг ўз қудратидаги нарсадир:

**Лек Симурғ истаган ул жамъи тайр,
Ким сулук ичра риёзат бирла сайр.
Айлабон чун ўзни қобил қилдилар.
Ул талабдин васл ҳосил қилдилар.
Сенда ҳам билқува ул мавжуд эрур.
Фельга келса даво мақсуд эрур.**


¹ Баҳовуддин Нақшбанд. Суфён Сурий — машхур тасаввуф шайхлари. Навоий «биринчи фано» талқинини улар тилидан ифодалайди.

Демак, шоир фикрича, ҳар бир инсонда Олий ҳақиқат — уйғун ва бахтиёр ижтимоий тузумга етиш учун имкон сифатида барча жиҳатлар берилган, фақат бу йўлда камолотга эришмоқ лозим. Масаланинг энг мушкул жойи шундаки, Симуриғ — бу инсониятнинг олий такомил босқичини ифодаловчи бадий тимсол, унга ҳар бир киши ўзича камолот ҳосил қилиб етиша олмайди. Бутун инсоният (жами қушлар) унга биргаликда интилоғи лозим. Ва бирга-бирга парвоз қилиб, йўл машаққатларини бирга енгиб ўтиб эришмоқлари мумкин. Симуриғ — бир қуш эмас, барча камолотнинг олий босқичига кўтарилиб етган қушларнинг мажмуасидир.

Аммо давр оғир эди. Мустақил риёзат чекиб покланмаган нафс бандаларига муаммони ошқин тушунтириш фикрини жўнлаштиришга олиб келиши натижасида кутилган самара ўрнига фожиа чиқариши мумкинлигидан мутафаккир шоир чўчиди. Шу сабабли мажоз пардасидан ташқари чиқмади, қайтага бошқаларни ҳам бу мавжуд хавфдан огоҳлантирди, қайта-қайта ҳушёрликка, эҳтиёткорликка қақирди:

**Кимки бу маънидин огоҳ ўлди бил,
Ким кесилди онга сўз айтурга тил...
Қуш тили билган сўзум фаҳм айлағай,
Фаҳм этардин ҳам баче ваҳм айлағай.
Лек зийрак қуш чу билди бу мақол.
Онглағайким недурур бу сўзда ҳол.
Барча сўзлар мушқулдир бу ҳадис,
Безабонларнинг тилидир бу ҳадис.**

Улуғ шоир асарлари замонамизгача омон етиб келди. Аммо улардаги мажозий қобиқ кўпинча теран ва эзгу фикрларни ўқувчи кўзидан яшириб қолди. Баъзан улар анъанавий тарзда талқин қилинди. Шу сабабли бўлса керак, биз ҳам ҳануз бу асарлар қатига яширинган улуғ асрор ва рамзларни кашф этишга етарли журъат ва камолот топа олмай қолмоқдамиз, иккиланмоқдамиз, жўн таҳлиллар билан устод олдида ўзимизни хижолатга солмоқдамиз. Навоий нега ўттиз қушни бизнинг замонамизгача етказиб келди. Чунки бу «ўттиз қуш» — бу «Симуриғ» инсониятнинг минг йиллик тарихидан бизгача тирик етиб кела олган, бутун инсониятга меҳрини улкан қалбларга жо эта олган ва шу билан бақога — абадиятга эришган ажодларимиздир. Улар бугун ҳам тирик. Ва биз билан ҳамнафас, янги тараққиёт уфқларига қараб толиқиб билмай парвоз этиб бормоқдалар, ҳали ҳам бизни олға чорламоқдалар. Бугунги кунда уларнинг кўпгина армонлари кушойиш топа бошлади. Аммо биз камолот сари интилаётган қушлар — бир нафас йўл машаққатларидан толиқсак, беғамлик, тараддуд ва ё тушкунликка берилсак, Олий ҳақиқат сари интилишдан бир нафас чекинсак бутун инсониятнинг минг йиллик орзуларига хиёнат қилган бўламиз, боболаримизнинг табарруқ умидига шак келтирган бўламиз. Бунга бизнинг ҳаққимиз борми?



Мадмуёлар

* * *

Мен 16 ёшдаман. 6-синфда ўқиб юрган кезларимда «Шарқ юлдузи»нинг эски сонларидан бири тасодифан қўлимга тушиб қолган эди. Шундан кейин бу ойномани қаерда кўрсам, олиб ўқийдиган бўлдим. Бироқ обуна эмасмиз — ҳозирча оиламиздаги моддий шароит бунга монелик қилаётир.

Истардимки, «Олам сирлари» саҳифаси очилса.

Парвина СУСАЕВА, Исфара шаҳри.

* * *

Ассалому алайкум. Сизларга оиламизнинг 26 нафар аъзоси номидан катта раҳмат айтмоқчиман. Ойномада Куръони карим тафсирининг босилиши бутун мусулмон олами учун гоят қувончли воқеа бўлди.


* * *

1. Андижон вилояти, Москва туманидаги Ленинизм жамоа хўжалиги алоқа бўлимида хушxabарчиман.


2-3. Авваллари обуначилардан олиб ўқир эдим, ҳозир ўзим ҳам обунаман.

4-5. Истагим: тарихий мавзудаги асарлар кўпроқ босилса.

6. Аҳмиджон Давронов, 31 ёшдаман.



Алоуддин МАНСУР таржимаси



Мақкада нозил қилинган бу сура етмиш етти оятдан иборат.

Сура ушбу Фурқонни — ҳақ билан ботилни ажратиб бергувчи Китобни Муҳаммад алайҳи-с-саломга Буюк Тангри нозил қилганини таъкидлаш билан бошланади.

Сўнгра «Нега пайғамбар фаришта эмас, балки оддий одамларга ўхшаб таом еб, бозорларда юрадиган инсондан бўлар экан», дейдиган саркаш муш-рикларнинг даъволари қатъий ҳужжатлар билан рад этилади.

Яна бу сурада дохий «дўст»ларнинг васвасаларига учиб ўз иймон-эътиқод ва дину диёнатларидан воз кечган кимсалар охиратда бу қилмишларидан

афсус-надомат чекиб бармоқларини тишлаб қолишлари ҳақида огоҳлантириб ўтилади.

Сура ниҳоясида эса Раҳмон бандалари — ҳақиқий мўмин-мусулмонларнинг сифатлари ва уларнинг жаннат неъматларига эришишларига сабаб бўладиган ҳулқ-атворлари тасвирланади.

Қуръони каримда, Оллоҳ таоло томонидан нозил қилинган барча илоҳий китоблар Фурқон — ҳақ билан ноҳақни ажратиб бергувчи Китоб, деб аталади. Бу сурага ном бўлган Фурқондан мурод эса Қуръондир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. Барча оламларни (охират азобидан) кўрkitгувчи бўлсин, деб Ўз бандаси (Мухаммад)га Фурқон — Қуръон нозил қилган зот — Оллоҳ баракотли — буюқдир. 2. У — осмонлар ва Ернинг подшоҳлиги Ўзиники бўлган, бола-чақа қилмаган, подшоҳликда бирон шериги йўқ ва барча нарсани яратиб (аниқ) ўлчов билан ўлчаб қўйган зотдир. 3. (Мушриклар) эса У зотни қўйиб, бирон нарса ярата олмайдиган, (балки) ўзлари яралгувчи бўлган, (ўзгалар у ёқда турсин, ҳатто) ўзларига ҳам бирон зиён ё фойда беришга эга бўлмайдиган (қодир бўлмаган) ва на (бировларга) ўлим беришга, на ҳаёт беришга ва на қайта тирилтиришга эга бўлмайдиган (қўлидан келмайдиган) «худо»ларни ушладилар (яни, ўшаларга сиғиндилар). 4. Кофир бўлган кимсалар: «Бу (Қуръон) фақат (Мухаммад) ўзи тўқиб олган бир ёлғондир. Унга бу (ёлғонни тўқишда) бошқа бир қавм (айрим аҳли китоблар) ёрдам қилган», деб куфр келтирдилар ва бўҳтон қилдилар. 5. Яна улар: «(Бу) аввалгилардан қолган афсоналардир. (Мухаммад) уларни кўчириб олган. Бас, (бу афсоналар бировлар томонидан) унга эртаю кеч ўқиб берилур», дедилар. 6. (Эй, Мухаммад, сиз уларга) айтинг: «Уни (Қуръонни) осмонлар ва Ердаги барча сир-асрорни биладиган зот нозил қилгандир. Албатта У мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир». 7—8. Яна улар (масхара қилишиб): «Нега бу пайғамбар (оддий одамлардек) таом ер ва бозорларда юрар?! Унга (пайғамбарлигини тасдиқлайдиган) бирон фаришта туширилиб, у билан бирга кўрkitгувчи бўлса эди, ёки унга (осмондан) ҳазина ташланса (ва у бозорларда савдо-сотик билан тирикчилик ўтказмай ўша хазинадан сарф қилиб юрса) эди, ёхуд унинг учун бир боғу бўстон бўлиб, у (фақат ўша боғдан) еб-ичса эди (биз унга иймон келтирардик)», дедилар. Бу зolim кимсалар (мўминларга): «Сизлар фақат бир сеҳрланган — ақлдан озган кишига эргашмоқдасиз», дедилар. 9. (Эй, Мухаммад), қаранг, улар сиз учун қандай мисоллар келтирдилар-а?! Бас, улар (ҳақ) йўлдан оздилар. Энди улар йўл топишга қодир эмаслар. 10. Агар хоҳласа, сиз учун (шу дунёдаёқ) ўшандан (яъни, улар айтган боғу хазинадан) яхшироқ нарсани — остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларни қилиб (яратиб) бера оладиган ва сиз учун қаср-саройларни (ҳам) қилиб бера оладиган зот — Оллоҳ баракотли — буюқдир. 11. Йўқ, улар (Қуръон оятларига бокмайдилар, чунки улар қиёмат) соатини (келишини) ёлғон деганлар. Биз эса у соатни ёлғон деган кимсалар учун дўзах ўтини тайёрлаб қўйгандирмиз. 12. (Дўзах) уларни узоқ жойдан кўрган вақтидаёқ (улар) унинг (дўзахнинг) ҳайкирик ва бўкиригини эшитурлар. 13. Қачон улар кишанланган ҳолларида (дўзахда) тор бир жойга ташланганларида, ўша жойда (ўзларига) ўлим тилаб қолурлар. 14. (Шунда уларга): «Сизлар бугун (ўзингизга) бир ўлимни эмас, кўп ўлимларни тиланглар (чунки бутун умрларингизни куфру исёнда ўтказганларингиз сабабли энди кўпдан-кўп ўлим-халокатларга дучор бўлурсиз», дейилур). 15. (Эй Мухаммад, уларга) айтинг: «Шу (дўзах) яхшироқми ёки тақводор зотларга ваъда қилинган мангу жаннатми?! У (яъни, жаннат, тақводорлар) учун мукофот ва оқибат — борар жой бўлди. 16. Улар учун ўша жойда мангу қолгувчи бўлган ҳолларида барча хоҳлаган нарсалари муҳайё бўлур. Бу Парвардигорингиз зиммасидаги сўралгувчи (кутилган) ваъда бўлди. 17. (Оллоҳ) уларни, яъни, мушрикларни ҳам, улар Оллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларини ҳам тўплаб, (у бутларга): «Менинг анави бандаларимни сизлар йўлдан оздирдингизларми ёки уларнинг ўзлари йўлдан оздиларми?» дейдиган Қунда; 18. Улар (ўша бутлар) дерлар: «Эй пок Парвардигор, бизлар учун Сендан ўзга бирон дўст тутиш жоиз бўлган эмасдир (бас, қандай қилиб ўзгаларни бизга бандалик қилиб, сиғинишга мажбурлаб йўлдан оздирайлик?!)»

Лекин Сен уларни ва (уларнинг) ота-боболарини (узок умр ва мўл-кўл ризку рўз билан шундай) фойдалантирдингки, ҳатто улар (Сенинг Ўзингни) эслашни ҳам унутдилар ва ҳалок бўлгувчи қавм бўлиб қолдилар». 19. (Эй мушриклар), мана, улар (сизлар «худо»лар деб сиғинган бутлар) сизларни, айтаётган (айтган) сўзларингизда аниқ ёлғончи қилдилар. Энди (азобдан) кутулишга ҳам, (сўзларингизга) бирон ёрдам қилишга ҳам қодир эмассизлар. Сизлардан ким Золим-мушрик бўлса, Биз унга катта азобни тотдирурмиз. 20. (Эй Муҳаммад), Биз сиздан илгари юборган барча пайғамбарлар ҳам, шак-шубҳасиз, таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Биз сизларнинг баъзиларингизни баъзиларингиз учун фитна — синов қилиб қўйдик (яъни, сизнинг оддий одамлар каби фақирона кун кечиришингиз бошқалар учун бир синовдир. Чунки агар Биз сизни бойбадавлат қилиб қўйганимизда, улар сизга шу мол-дунёнгиз учун итоат қилган бўлур эдилар.) Сизлар (Бизнинг бу синовимизга) сабр қила олурмисизлар? Парвардигорингиз (махфий ва ошкор бўлган барча нарсани) кўриб тургувчи бўлган зотдир.

ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ ЖУЗЪ

21. Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган кимсалар: «Бизларга (пайғамбарлик учун одам эмас, балки) фаришталар туширилса эди ёки бизлар Парвардигоримизни (ўз кўзимиз билан) кўрсак (ва У бизларга Муҳаммаднинг ҳақиқий пайғамбар эканлигини билдирса), эди», дедилар. Дарҳақиқат, улар ўзларига бино қўйдилар ва жуда катта кетдилар. 22. Улар фаришталарни кўрадиган Кунни (эслан!) У Кунда жиноятчи кимсалар учун бирон хушxabар бўлмас. Ва (фаришталар, уларга) дерлар: «(Ҳар қандай хушxabар сизлар учун) бутунлай ҳаромдир». 23. (Зотан) Биз улар (кофир бўлган ҳолда) қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб (кузатиб) уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз.

Изоҳ: Исломиё ақидадаги қўра, ёлғиз Оллоҳга иймон келтирмасдан туриб қилинган ёки ягона Оллоҳни кўзламасдан хўжакўрсинга қилинган ҳар қандай яхши амал ҳам худди ҳавода учиб юрган чанг-тўзон каби фойдасиздир. Шу боисдан, бут-санамлар йўлида қилинган ёки яхши ном чиқариш учун риёкорлик билан қилинган «савоб иш»ларнинг эгалари учун қиёмат кунида бирон ажру мукофот бўлмас.

24. Жаннат эгалари эса у Кунда энг яхши қароргоҳ ва энг гўзал истироҳатгоҳларда бўлурлар. 25. Булутли осмон ёрилиб, (барча) фаришталар (Ер юзига) туширилган (қиёмат) Кунини (эсланг)! 26. Ўша Кунда ҳақ собит подшоҳлик (ёлғиз) Раҳмон учун бўлур. (Чунки бошқа барча муваққат подшоҳликлар йўқ бўлиб битур). У (Кун) кофирларга кўп кийин Кун бўлур. 27. У Кунда бу золим (кимса) қўлларини (бармоқларини) тишлаб, (надоматлар қилиб) дер: «Эҳ қанийди, мен ҳам пайғамбар билан бир йўлни тутганимда эди; 28. Ўлим бўлсин менга, қанийди, мен фалончини дўст тутганимда эди; 29. Аниқки, менга эслатма — Қуръон келганидан сўнг, ўша (фалончи) мени йўлдан оздирди». (У Кунда) шайтон (хаёти-дунёда ўзига эргашган барча) инсонни ёрдамсиз қўйгувчидир.

Изоҳ: Муфассирлар айтишларича, бу оятлардаги «золим» Ақаба ибн абий Муайт, «фалончи» эса Убай ибн Халафдир. Улар яқин дўст эканлар. Ақаба пайғамбар алайҳи-с-саломнинг даъватларини қабул қилиб Исломга кирганидан сўнг, ўша дўсти Убай уни йўлдан оздириб, васвасага солиши оқибатида муртад бўлиб, диндан чиқади. Мазкур оятларда Оллоҳ таоло ана шундай шайтонларнинг васвасаларига учиб, ўз динларидан воз кечадиган золимларнинг қиёмат кунидаги аҳволини тасвирлайди ва у шайтонлар охирадда бирон ёрдам беролмаслигини таъкидлайди.

30. Пайғамбар (Муҳаммад) айтди: «Эй Парвардигорим, дарҳақиқат, менинг қавмим (Қурайш қабиласи) ушбу Қуръонни тарк қилиб (ундан юз ўгирдилар)». 31. Биз (сиздан илгари ўтган) ҳар бир пайғамбар учун (ҳам)

жиноятчи кимсалардан мана шундай душман (лар) қилганмиз. (Аммо) Парвардигорингизнинг Ғзи (сизга) етакчи ва ёрдамчидир. 32. Кофир бўлган кимсалар: «(Нега) бу Куръон унга (пайғамбар алайҳи-с-саломга) битта — жам бўлган ҳолида нозил қилинмади?» дедилар. (Эй Муҳаммад), Биз у — Куръон билан сизнинг дилингизни устивор қилиш учун мана шундай (парча-парча ҳолда нозил қилдик) ва уни бўлиб-бўлиб баён қилдик. 33. Улар сизга (Куръонни айблаш учун қачон юқоридаги каби) бирон мисол — савол келтирсалар албатта. Биз сизга ҳақ (жавобни) ва энг гўзал шарҳни келтириб қўйдик. 34. Юзубан ҳолларида жаҳаннам томон судраладиган кимсалар — ана ўшалар, энг аҳволи ёмон ва бутунлай йўлдан озган кимсалардир. 35—36. Қасамки, Биз Мусога китоб — Таврот ато этдик ва биродари Ҳорунни у билан бирга бўлгувчи вазири қилиб, дедик: «Бизнинг оятларимизни ёлғон деган қавм (Фиръавн ва унинг қавми) олдиға боринглар!» Бас, (икковлари бориб Оллоҳнинг динига даъват қилган вақтларида, улар ўз куфрларидан қайтишмагач), Биз уларни (денгизга фарқ қилиш билан) қириб ташладик. 37. Нуҳ қавмини (эсланг)! Қачонки, улар пайғамбарларини ёлғончи қилишгач, Биз уларни фарқ қилдик ва уларни оламлар учун оят — ибрат қилиб қўйдик. Яна Биз, золим — кофир кимсалар учун (охиратда ҳам) аламли азоб тайёрлаб қўйгандирмиз. 38. Од, Самуд (қабилаларини) ва қудук эгаларини (яъни, Шуайб пайғамбарни ёлғончи қилганлари сабабли қудукқа қулаб ҳалок бўлган кимсаларни) ҳамда шу орадаги кўпдан-кўп (кечган) асрларни (эсланг)! 39. Барчаларига мисоллар — далиллар келтирдик ва (Бизнинг панд-насихатларимиз қор қилмагач), барчаларини бутунлай йўқ қилиб юбордик. 40. Аниқки, улар (яъни, Макка мушриклари ўзларининг сафар — саёхатларида) энг ёмон ёмғир (яъни, тош) ёғдирилган шаҳардан ўтгандирлар. Ахир, улар уни (бундай ерларни) кўриб (ибрат олмадиларми)?! Йўқ, улар қайта тирилишдан умидсиз бўлган кимсалардир. 41—42. (Эй Муҳаммад), қачон улар сизни кўрсалар, фақат: «Оллоҳ мана шунини пайғамбар қилиб юбордими?! Агар сабр қилиб (маҳкам турмаганимизда) ҳақиқатан у бизларни худоларимиздан оздираёзди-я!» деб сизни масҳара қилурлар. Яқинда — азобни кўрган вақтларида ким йўлдан озганроқ эканини билиб олурлар. 43. Хабар беринг-чи, ким ҳавойи-нафсини илоҳ қилиб олган бўлса, сиз унинг устидан вакил — кўрикчи бўлурмисиз? (Йўқ, сизнинг вазифангиз ҳавойи-нафсига қуллик қиладиган кимсаларни бу қилмишларидан сақлаш — кўриқлаш эмас, балки фақат Биз сизга юборган ваҳйни бандаларимизга етказмоқдир). 44. Ёки сиз уларнинг кўпларини (ҳақ сўзни) тинглай оладилар ё англай оладилар, деб ўйлайсизми?! (Ундок эмас, зеро) улар ҳеч нарса эмаслар, магар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Йўқ, улар янада йўлдан озганроқ кимсалардир! 45. Парвардигорингизнинг (қудратини) — сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингизми?! Агар хоҳласа уни сокин — жилмас қилиб қўйган бўлур эди. Сўнгра қуёшни унга (яъни, соянинг борлигига) далил қилдик. 46. Сўнгра уни аста-секин Ғзимизга тортиб олдик.

И з о ҳ: Юқоридаги икки оятни муфассирлар қуйидагича тафсир қиладилар: субҳи содиқдан то қуёш чиққунича уфқда ёйилган қоронгилик билан ёруғлик ўртасидаги ҳолат — Оллоҳ Ер юзи узра ёйиб қўйган бир соядир. У зот агар хоҳласа уни кетмайдиган қилиб қўяр эди, лекин Тангри таоло чиқаётган қуёшни соя борлигига далил қилди — зеро, нур бўлмаса соянинг борлиги билинмас — ва У соя — пардани Ер юзидан аста тортиб олди.

47. (Оллоҳ) сизлар учун кечани (сиз борликни унутгувчи) либос, уйқуни ором қилиб қўйган, кундузни эса (сизлар учун) қайта тирилиш қилган зотдир. 48—49. У Ғз раҳматининг (яъни, ёмғирнинг) олдидан хуш-хабар қилиб шамолларни юборган зотдир. Биз ўлик шаҳар-масканларни тирилтириш ҳамда Ғзимиз яратган кўплаб чорва ҳайвонлари ва инсонларни қондириш учун осмондан пок сув ёғдирдик. 50. Ва у (сувни) эслатма олишлари учун (одамлар) орасида тақсимлаб қўйдик, (аммо) одамларнинг кўплари фақат куфрони неъмат қилишнинггина истадилар. 51. Агар Биз хоҳласак, ҳар қишлоқ-шаҳарга бир (охират азобидан) кўрқитгувчи — пайғамбар юборган бўлур эдик. (Лекин Биз барча қишлоқ-шаҳарларни охират азобидан огоҳ қилиш бурчини сизнинг зиммангизга юкладик.) 52. Бас, сиз кофир кимсаларга бўйинсунманг ва

(Куръон) ёрдамида уларга қарши қаттиқ курашинг! 53. (Оллоҳ) икки денгиз — дарёни, буниси чучук-ширин, буниси шўр-аччиқ қилиб оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсиқ-тўғон ва кўринмас парда қилиб (тортиб) қўйган зотдир. 54. У сувдан — нутфадан инсонни яратиб, сўнг насл-насаб (эгаси) ва куда-анда қилиб қўйган зотдир. Дарҳақиқат, Парвардигорингиз (ҳар ишга) қодирдир. 55. (Кофирлар) Оллоҳни қўйиб, ўзларига фойда ҳам, зиён ҳам етказмай олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар. Кофир ўз Парвардигорига қарши (шайтонга) ёрдамчи бўлган кимсадир. 56. (Эй Муҳаммад), Биз сизни фақат (мўминларга жаннат) хушхабарини етказувчи, (кофирларни эса охират азобидан) кўрkitгувчи қилиб юбордик. 57. Айтинг: «Мен сизлардан бунинг учун ҳеч қандай ҳақ сўрамайман, фақат Парвардигор томонга йўл тутишни хоҳлаган кишилар (ўша йўлни тутишларини сўрайман)». 58. Ва ўлмайдиган тирик Зотга таваккул қилинг ҳамда У зотга ҳамду сано айтиш билан (Уни) покланг! У ўз бандаларининг гуноҳларидан етарли огоҳдир. 59. У осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг орасидаги барча нарсаларни олти кунда яратиб, сўнгра ўз аршига ўрнашган зотдир. У Раҳмондир. Бас, У зот ҳақида огоҳ-билимдон (кишилар)дан сўранг! 60. Қачон (мушрикларга): «Раҳмонга сажда қилинглар», дейилса, улар: «Нима (ким) у Раҳмон? Сен буюрган нарсага сажда қилаверамизми?» — дейишар ва (бу сўз) уларни (иймондан) янада йироқлаштирар.

И з о ҳ : Ушбу оят навбатдаги сажда оятидир.

61. Осмонда буржларни барпо қилган ва унда чироқ-қуёш ва ойни пайдо қилган зот баракотли — буюқдир. 62. У эслатма — ибрат олмоқчи бўлган, ёки шуқр қилмоқчи бўлган кишилар учун кеча ва кундузни (бир-бирининг) ўрнини босувчи (эгалловчи) қилиб қўйган зотдир. 63. Раҳмоннинг (суюкли) бандалари Ерда тавозе билан юрадиган жоҳил кимсалар (бемаъни) хитоблар қилган пайтда ҳам «Омон бўлинглар», деб жавоб қиладиган кишилардир. 64. Улар кечаларни Парвардигорга сажда қилиб ва (жойнамоз устида) тик туриб — бедор ўтказадиган кишилардир. 65. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизлардан жаҳаннам азобини даф қилгин. Дарҳақиқат, унинг азоби кетмас — мангу (азобдир); 66. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон жойдир», дейдиган кишилардир. 67. Улар инфоқ-эхсон қилган вақтларида, исроф ҳам, хасислик, бахиллик ҳам қилмаслар. (Балки, эхсонлари) ана ўша (хасислик билан исрофнинг) ўртасида — мўътадил бўлур. 68. Улар Оллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Оллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу (гуноҳлардан биронтасини) қилса, укубатга дучор бўлур. 69. Қиёмат кунинда унинг учун азоб бир неча баробар қилинур ва (бундай кимса) у жойда хорланган ҳолида мангу қолур. 70. Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб яхши амаллар қилса, бас, Оллоҳ ана (ўша), ўшаларнинг ёмонлик — гуноҳларини яхшилик — савобларга айлантириб қўюр. Оллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган зотдир. 71. Ким тавба қилиб, яхши (амаллар) қилса, бас, албатта у Оллоҳнинг (ризқ-мағфиратига) қайтган бўлур. 72. Улар (яъни, Раҳмоннинг суюкли бандалари) ёлғон гувоҳлик бермаслар ва лағв (беҳуда сўз ё амал) олдидан ўтган вақтларида олийжаноблик билан (ундан юз ўгирган ҳолларида) ўтурлар. 73. Уларга Парвардигорларининг оятлари эслатилган пайтда у (оятларга) гунг ва кўр ҳолларида ташланмайдилар, (балки уларни англаб-билиб амал қилурлар). 74. Улар: «Парвардигоро, Ўзинг бизларга жуфти ҳалоолларимиздан ва зурриётларимиздан шод-хуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешвоз қилгин», дейдиган кишилардир. 75. Ана ўшалар сабр-қаноат қилганлари сабабли (жаннатдаги) юксак даражалар билан мукофотланурлар ва у жойда (фаришталар томонидан) салом ва омонлик билан қарши олинурлар. 76. Улар ўша жойда мангу қолурлар. У энг гўзал қароргоҳ, энг гўзал манзилдир. 77. (Эй Муҳаммад, мушрикларга) айтинг: «Агар дуо-илтижо қилмас экансизлар, Парвардигорим сизларга парво этмас. Бас, сизлар (У зот юборган пайғамбарни) ёлғончи қилдингиз. Энди албатта (тез орада азоб-укубат) сизларга (шакшубҳасиз) лозим бўлур».



Икки юз йигирма етти оятдан иборат «Шуаро» сураси ҳам Макка сураларидадир.

У Қуръоннинг Оллоҳ таоло томонидан нозил қилинган ибрат-эслатма эканини таъкидлаш билан бошланиб, пайғамбар алайҳи-с-саломга мушрикларнинг иймонсизликларидан қайғурмаслик кераклигини уқтиради ва улар яқинда — Қиёмат кунда Оллоҳнинг азобига дучор бўлишлари ҳақида хабар беради.

Бу сурада ҳам аввал ўтган айрим пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилиниб, уларнинг барчалари бир нарсага — яккаю ягона Оллоҳга иймон келтириб, У Зотнинг Ўзигагина итоат этишга даъват қилганлари айтилади ва уларни ёлғончи қилган кимсаларнинг топган оқибат — ҳалокатлари тасвирланади.

Сура ниҳоясида яна Қуръон тўғрисидаги сўзга қайтиб, унинг жинлар келтирган чўпчак ё шоирлар битган шеър эмас, балки Оллоҳ таоло томонидан Жаброил фаришта воситасида очик араб тилида нозил қилинган илоҳий Китоб эканлиги таъкидланади.

Бу сурадан Тангри таолонинг шоирлар ҳақидаги калимаси ҳам ўрин олгани сабабли у «Шуаро» сураси деб аталгандир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. То, Син, Мим. 2. Ушбу (оятлар) очик-равшан Китоб оятларидир. 3. (Эй Муҳаммад), эҳтимол, сиз (Макка мушриклари) мўмин бўлмаганлари учун ўзингизни ҳалок (изтироб чекувчи) қилгувчидирсиз. (Ундок қилманг, чунки); 4. Агар Биз (уларнинг мўмин бўлишларини) хоҳласак, уларга осмондан оят — мўъжиза нозил қилиб, шу билан (улар) бўйинлари эгилиб (лол бўлиб) қоларди. (Лекин Биз буни истамаймиз, зеро иймон-ишонч ночор-ноиложликдан эмас, балки қалб қаноати-эҳтиёжи билан ихтиёрий бўлиши лозимдир). 5. Уларга Раҳмон томонидан бирон янги эслатма келса, албатта улар ундан юз ўнгиргувчи бўлдилар. 6. Бас, аниқки, улар (пайғамбарни) ёлғончи қилдилар. Энди яқинда уларга ўзлари масҳара қилган нарсанинг ахбороти (оқибат-натижаси) келур. 7. Ахир улар Ерни — унда Биз барча турли фойдали (ўсимлик) навларидан қанчасини ундириб қўйганимизни кўрмадиларми?! 8. Албатта бунда оят-ибрат бордир. (Лекин Макка мушрикларининг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 9. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир. 10—11. (Эй Муҳаммад), эсланг, Парвардигорингиз Мусога нидо қилиб: «У золим қавмга — Фиръавн қавмига боргин, улар (Мендан) кўркмайдиларми?!» (деган эди); 12. Мусо айтди: «Парвардигорим, (албатта, амрингга итоат этурману золим қавм олдига борурман, фақат) улар мени ёлғончи қилишларидан кўрқурман; 13. Ва (улар мени ёлғончи қилишларидан) дилим сиқилур, тилим ҳам бурро эмасдур, бас, (Мисрда — Фиръавн зулми остида яшаб турган биродарим) Ҳорунга ҳам (пайғамбарлик) юборсанг, (у менга ёрдамчи бўлса); 14. Яна уларнинг наздида мен гуноҳқорман (яъни, улар мени мисрлик бир қибтий йигитни қасддан ўлдирганликда айблайдилар), бас, мени (Сенинг фармонингни уларга етказмасимдан туриб) ўлдириб қўйишларидан кўрқурман». 15. (Оллоҳ) деди: «Йўқ, (улар сени ўлдира олмаслар). Бас, (биродаринг Ҳорун билан) Бизнинг оят-мўъжизаларимизни олиб бориңлар! Албатта, Биз сизлар билан бирга (савол-жавобларингизни) эшитиб

тургувчидирмиз. 16. Энди Фиръавнга бориб айтинглар: «Ҳақиқатан, биз барча оламлар Парвардигорининг элчиларидирмиз. 17. (Қўл остингдаги) Бани Исроил (қавмини) бизга қўшиб (ўз юртлари — Фаластинга) жўнатгин». 18. (Улар келиб, Фиръавнга шу сўзларни айтишгач, у Мусога қараб) деди: «Биз сени болалик чоғингда ўз ичимизда (яъни, саройимизда) тарбияламаганми-
~~к~~к, умрингнинг бир неча йилида орамизда турган эдинг-ку! 19. Кейин нон-
кўрлардан бўлиб, қилган қилмишингни — қилган эдинг-ку (яъни, қибтий бир йигитни ўлдириб қочиб кетган эдинг-ку!)» 20. (Мусо) айтди: «Ушанда мен у ишни (унинг ўлиб қолишини) билмаган ҳолда қилган эдим. 21. Сўнг сизлардан кўрқиб қочиб кетдим. Кейин Парвардигорим менга ҳикмат — илм ҳадя этди ва мени пайғамбарлардан қилди. 22. Уша сен менга миннат қилаётган неъмат (аслида) сен Бани Исроилни қул қилиб олишингдир».

Изоҳ: Бу оятни шундай тушунмоқ лозим: «Эй Фиръавн, сен мени болалигимдан тарбиялаб ўстирганингни менга миннат қилмоқдасан. Аслида, нима сабабдан мен сенинг саройингга келиб қолдим? Сен Бани Исроил қавмини қул қилиб, уларнинг барча ўғил болаларини ўлдираётганинг учун онам мени аниқ ўлимдан қутулиб қолармикан, деб сандиққа солиб юборган эди-ку! Агар сен Бани Исроил қавмига бундай зулму ситамлар қилмаганингда, мени ҳам ўз ота-онам тарбиялаган бўларди-ку! Ана ўша қилмишингни неъмат деб аташга уялмайсанми?!»

Бу оят ўзга юртларни босиб, ўзига қарам қилиб олган, сўнгра «Биз сенларни тарбиялаб одам қилганмиз», деб даъво қиладиган барча мустамлакичиларга берилган жавобдир.

23. Фиръавн деди: «Барча оламларнинг Парвардигори (деганинг) нима?» 24. (Мусо) айтди: «У, агар ишонадиган бўлсанглар, осмонлар ва Ернинг ҳамда улар орасидаги нарсаларнинг Парвардигори — хожасидир». 25. (Фиръавн) атрофидаги (аъёнлар)га: «Бунинг гапига кулоқ солмайсизларми», деб (масхара қилди). 26. (Мусо) айтди: «У сизларнинг ҳам, ўтган отабоболарингизнинг ҳам Парвардигоридир». 27. (Фиръавн) деди: «Сизларга элчи қилиб юборилган бу пайғамбарингиз, шак-шубҳасиз, жиннидир». 28. (Мусо) айтди: «Агар ақл юргизувчи бўлсангизлар, у (Оллоҳ) машриқ ва магрибни (нг) ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигоридир». 29. (Фиръавн) деди: «Қасамки, агар сен мендан ўзгани илоҳ қилиб оладиган бўлсанг, албатта мен сени зиндонбанд кимсалардан қилиб қўюрман!» 30. (Мусо) айтди: «Агар мен сенга (ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигимни далолат қиладиган) очик нарса — мўъжиза келтирсам ҳам-а?» 31. (Фиръавн) деди: «Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, ўша (мўъжизангни) келтир-чи?!» 32. Шунда (Мусо) асосини ташлаган эди, баногоҳ у росткама аждарга айланди. 33. Кейин қўлини (чўнтагидан) чиқарган эди, баногоҳ у қараб турганларга (кундан ҳам) оқ бўлиб кўринди. (ҳолбуки, Мусо ўзи қорамағиз одам эди). 34. (Фиръавн) атрофидаги одамларга: «Шубҳасиз, бу (Мусо) ўткир сеҳргардир; 35. У ўз сеҳри билан сизларни ўз ерларингиздан чиқармоқчи, (сизлар бунга) нима дейсизлар», деди. 36—37. Улар айтишди: «Уни ва акаси (Ҳорун)ни қўйиб тургин-да, ҳамма шаҳарларга (сеҳргарларни йиғиб келадиган кишиларни) жўнатгин, улар сенга жами ўткир сеҳргарларни келтирсинлар». 38. Бас, сеҳргарлар маълум кунда белгиланган жойда тўпландилар; 39—40. Ва одамларга: «Сизлар ҳам тўпланиб бўлдингларми? Эҳтимол, бизлар, — агар сеҳргарлар ғолиб бўлиб чиксалар, ўшаларга эргашурмиз», дейилди. 41. Энди қачонки, сеҳргарлар келишгач, Фиръавнга: «Агар биз ғолиб бўлсак, албатта, бизлар учун катта мукофот бўлурми?» — дейишди. 42. У: «Ҳа, у ҳолда албатта сизлар менинг яқинларимдан бўлурсизлар», деди. 43. Мусо уларга: «Ташлайдиган нарсаларингизни ташланглар», деди. 44. Бас, улар арқон ва асоларини (ерга) ташладилар ва: «Фиръавннинг қудратига қасамки, албатта бизларгина ғолиб бўлгувчидирмиз», дедилар. 45. Сўнг. Мусо асосини ташлаган эди, баногоҳ у (асо) уларнинг уйдирмаларини юта бошлади. 46—47—48. Бас, у сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб: «Барча оламларнинг Парвардигорига — Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига иймон келтирдик», дедилар. 49. (Фиръавн) айтди: «Мен изн бермай туриб унга иймон

келтирдингизми?! Албатта, у (Мусо) сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Энди яқинда билурсизлар — албатта мен оёқ-қўлларингизни қарама-қаршиси-га (ўнғ қўл, чап оёғингизни ёки аксинча) кесурман ва сизларнинг барчангизни дорга бизурман». 50. Улар дедилар: «Зарари йўқ (биз бундан кўркмаймиз). Зеро, сизлар Парвардигоримизга кайтгувчидирмиз. 51. Албатта, бизлар (Мусога) биринчи иймон келтирган кишилар бўлганимиз сабабли Парвардигоримиз бизларнинг хато-гуноҳларимизни мағфират этишини умид қилурмиз». 52. Биз Мусога: «Бандаларим (яъни, Бани Исроил қавми) билан бирга тунда йўлга чиқкин! Албатта, сизларнинг изингизга тушилур (яъни, Фиръавн ва унинг қўшини ортингиздан қувиб етур)», деб ваҳй юбордик. 53. Бас, (Мусо ва унинг қавми йўлга тушганларидан хабар топгач), Фиръавн барча шаҳарларга (аскар) йиғувчиларни жўнатди (ва деди): 54. «Аниқки, улар бир ҳовуч яланг-оёқлардир. 55. Дарҳақиқат, улар (қўл остимиздан чиқиб кетиб) бизларни ғазаблантирдилар. 56. Шубҳасиз, бизлар эҳтиёт-чораларни кўриб тургувчи қавмдирмиз». 57—58—59. Бас, мана шундай қилиб, Биз уларни (Фиръавн ва унга эргашганларни) боғлар ва булоқлардан, хазиналар ва улуг-ғўзал маскандан айирдик ва уларга (бу хазиналарнинг барчасига) Бани Исроилни ворис қилдик. 60. Бас, (Фиръавн) тонг пайтида уларни қувиб етди. 61. Энди қачонки, икки жамоат бир-бирларини кўришгач, Мусонинг ҳамроҳлари: «Бизлар аниқ тутилдик (чунки олдимизда ҳеч қандай йўл йўқ, фақат денгиз бор)», дедилар. 62. (Мусо) айтди: «Йўқ, аниқки, мен билан бирга Парвардигорим бордир. Албатта, У мени (нажот) йўлига бошлар». 63. Бас, Биз Мусога: «Асойинг билан денгизни ургин (денгизга асо ур)»,— деб ваҳй юбордик. Бас, (денгиз) бўлиниб, ҳар бир бўлак (сув) баланд тоғ каби бўлди. (Сўнғ Мусо ва унинг қавми денгиз ўртасидан очилган йўлга тушдилар). 64. Ва кейингиларни (яъни, Фиръавн ва унинг қўшинини ҳам) ўша (йўлга) яқин қилдик. 65. Ва Мусо ҳамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига нажот бердик. 66. Сўнгра кейингиларни (уларнинг изидан келганларни денгизга) ғарқ қилиб юбордик. 67. Албатта бунда (Фиръавн ва унинг қавми ҳалокатида) оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтирувчи бўлмадилар. 68. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (муминларга) меҳрибондир. 69. (Эй Муҳаммад), уларга Иброҳим хабарини тиловат қилинг. 70. Ушанда, у отаси ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар?» деганимиз; 71. Улар: «Бут-санамларга ибодат қилмоқдамиз. Бас, уларга содиқлигимизча колурмиз», дедилар. 72—73. (Иброҳим) айтди: «Илтижо қилган пайтларингизда, (бутларингиз) сизларни (нг илтижоларингизни) эшитадиларми ёки сизларга фойда ё зиён етказа оладиларми?» 74. Улар дедилар: «Йўқ, бизлар ота-боболаримизнинг мана шундай (бутларга ибодат) қилишларини кўрганмиз, (шунинг учун бизлар ҳам бутларга ибодат қиламиз)». 75—76. (Иброҳим) айтди: «Сизлар ўзингиз ҳам, қадим-қадим ота-боболарингиз ҳам ибодат қилгувчи бўлган бутларингиз ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? 77. Шак-шубҳасиз, улар мен учун душмандир (бас, мен уларга ибодат қилмайман), магар барча оламлар Парвардигоригагина (ибодат қилурман). 78. У мени яратгандир, бас, Ўзи мени ҳидоят қилур. 79. Унинг Ўзигина мени тўйдирур ва қондирур. 80. Қасал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга шифо берур. 81. У мени ўлдурур, сўнгра (қиёмат кунда қайта) тирилтирур. 82. У жазо (қиёмат) кунда менинг хато-гуноҳларимни мағфират этишини умид қилурман. 83. Парвардигорим, менга ҳикмат-илм ҳадя этгин ва мени солиҳ (бандаларинг) қаторига кўшгин. 84. Яна мен учун кейин келгувчи кишилар ўртасида рост мактовлар қилгин. 85. Яна мени ноз-неъматлар боғининг ворисларидан қилгин. 86. Отамни ҳам мағфират қилгин. У, шубҳасиз, адашганлардан бўлди. 87. Ва (барча жонзот) қайта тириладиган Кунда мени шарманда қилмагин». 88. У кунда на мону давлат ва на бола-чақа фойда бермас; 89. Магар Оллоҳ хузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур). 90. (У Кунда) жаннат тақводор бўлган зотларга яқин қилинди. 91. Дўзах йўлдан озган кимсаларга кўрсатиб қўйилди. 92—93. Ва уларга: «Сизлар Оллоҳни қўйиб ибодат қилиб ўтган бутларингиз қани? Улар сизларга ёрдам бера олурми ёки ўзлари (бировдан) ёрдам ола билурми?» дейилди. 94—95. Бас, у (бутлар), йўлдан озган кимсалар ва Иблис лашкарлари (яъни, кишиларни Ҳақ йўлдан оздирганлар) барчалари (дўзахга) улоқтирилди. 96. Улар (дўзахда) талашиб-торти-

шар эканлар, дедилар; 97—98. «Оллоҳ номига қасамки, албатта бизлар сизларни, (эй бут ва санамлар), барча оламларнинг Парвардигорига тенглаштирган пайтимизда, очик залолатда бўлган эканмиз. 90. Бизларни фақат жиноятчилар йўлдан оздирдилар. 100—101. Энди бизлар учун на окловчилар ва на бирон кадрдон дўст бордир. 102. Бас, канийди, яна бир марта (яшашнинг хожи) бўлсаю бизлар ҳам мўминлардан бўлсак». 103. Албатта, бунда (яъни Мброҳим ва унинг қавми ҳақидаги қиссада) оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 104. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир. 105. Нух қавми пайғамбарларни ёлғончи қилди (яъни, улар Нухни ҳам, бошқа пайғамбарларни ҳам инкор қилдилар). 106. Ушанда уларга биродарлари Нух айтган эди: «(Оллоҳдан) кўркмайсизларми?! 107. Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 108. Бас, Оллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! 109. Мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 110. Бас, Оллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар!» 111. Улар дедилар: «Сенга пасткаш (ялангоёқ) кимсалар эргашган бўлса, бизлар сенга (қандай қилиб) иймон келтирурмиз?» 112. (Нух) айтди: «Мен уларнинг нима иш-амал қилгувчи эканликларини билмасман. 113. Агар пайкай олсангизлар, уларнинг ҳисоб-китоби ёлғиз Парвардигорининг зиммасидадир. 114. Ва мен (сизларнинг сўзингизга кириб) мўмин бўлган кишиларни (хузуримдан) қувмайман ҳам. 115. Мен фақат очик огоҳлантиргувчидирман». 116. Улар дедилар: «Қасамки, агар (бу даъватингдан) тўхтамасанг, эй Нух, албатта тошбўрон қилингувчилардан бўлурсан!» 117. (Шунда Нух) айтди: «Парвардигорим, қавмим мени ёлғончи қилдилар. 118. Энди Сен Ўзинг мен билан уларнинг орасини очиб қўйгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўмин кишиларга нажот бергин». 119. Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлган кишиларга (одамлар, ҳайвонлар ва паррандалар билан)лик тўла бўлган кемада нажот бердик. 120. Сўнгра, (уларга нажот берганимиздан) кейин қолганлари ғарк қилдик. 121. Албатта, бунда (яъни, Нух ва унинг қавми ҳақидаги қиссада) оят-ибрат бордир, (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 122. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўмин)ларга меҳрибондир. 123. Од (қабиласи) пайғамбарларни ёлғончи қилди. 124. Ушанда уларга биродарлари Худ айтган эди: «(Оллоҳдан) кўркмайсизларми?! 125. Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 126. Бас, Оллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! 127. Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 128. Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин-кулги учун бир белги — баланд бино қураверасизларми?

Изоҳ: Нақл қилинишича. Од қабиласи ҳою-ҳавасга берилган бўлиб, ўз шаҳарларидан ташқаридаги йўл ёқаларига ҳам ўйин-кулги қиладиган баланд — серҳашам иморатлар қуришар ва ўзлари яшайдиган уй-жойларни ҳам гўё ҳеч қачон ўлмайдигандек, ҳаддан ортиқ мустаҳкам ва нақшу нигорли қилиб қуриб, бутун умрларини мана шундай беҳуда ишларга сарфлашар ва бу билан фахрланиб, мақтаниб юришар эди. Булар ва булардан кейин келадиган оятларда Худ алайҳи-с-салом уларни бундай беҳуда ишлар билан машғул бўлишдан қайтариб, дунё ва охираат учун фойдали юмушлар билан банд бўлишга даъват қилганлари ҳақида хабар берилади.

129. Ва гўё мангу яшаб қоладигандек, қаср-саройлар соласизлар(ми)?!
 130. Қачон (бирон кишини жазолаш учун) ушласангизлар, бераҳмларча — ушлайсизлар! 131. Бас, Оллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! 132. Ва сизларни ўзларингиз биладиган неъматлар билан қўллаган-сийлаган зотдан (Оллоҳдан) кўрқингиз! 133—134. У сизларни чорва ҳайвонлари ва ўғиллар билан, боғлар ва булоқлар билан қўллади-ку! 135. Албатта, мен сизларнинг устингизга улуг Куннинг — қиёматнинг азоби тушишидан кўрқурман». 136. Улар дедилар: «Сенинг ваъз-насихат қилишинг ёки ваъз қилгувчилардан бўлмаслигинг бизлар учун барибирдир (яъни, бизларга панд-насихат қилиб, овора бўлма). 137. Албатта бу (айшу ишратга берилиб умр ўтказиш) аввалги-

лардан қолган одатдир. 138. Бизлар азоблангувчи эмасмиз». 139. Бас, улар (Худни) ёлғончи қилишгач, Биз уларни алок этдик. Албатта, бунда (Худ ва унинг қавми бўлмиш Од қабиласи ҳақидаги қиссада) оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 140. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир. 141. Самуд (қабиласи) пайғамбарларни ёлғончи қилди. 142. Ушанда уларга биродарлари Солиҳ айтган эди: «(Оллоҳдан) кўрқмайсизларми?! 143. Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 144. Бас, Оллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! 145. Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 146—147—148. Сизлар бу ердаги нарсаларда — боғлару булоқларда, экинлар ва новдалари мулоим хурмо дарахтлари ичида кўйиб кўйилурмисиз (яъни, шундай нозу неъматлардан фойдаланиб, мангу яшайверамиз, деб ўйлайсизларми)?! 149. Яна мохирлик билан тоғлардан уйлар ҳам йўнмоқдасизлар (ясамоқдасизлар)? 150. Бас, Оллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! 151—152. Ва Ер юзида бузғунчилик қиладиган ва (ҳеч нарсани) ўнглай олмайдиган ҳаддан ошгувчи кимсаларнинг амрига итоат этманглар!» 153. Улар дедилар: «Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган — ақлдан озган кимсалардандирсан. 154. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бас, агар (пайғамбарман деган даъвойингда) ростгўйлардан бўлсанг, бирон оят-мўъжиза келтир!» 155. У айтди: «(Менинг мўъжизам) мана шу туядир. (Маъълум бир кун сув) ичиш навбати униқидир. Маъълум бир кун эса, сизларнинг ичиш навбатингиздир. 156. Яна унга бирон ёмонлик етказмангларки, у ҳолда сизларни улуғ Куннинг — Қиёматнинг азоби ушлар». 157. Бас, улар (туяни) сўйдилару надомат қилгувчиларга айландилар. 158. Уларни азоб ушлади. Албатта, бунда (Солиҳ ва унинг қавми ҳақидаги қиссада) оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 159. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир. 160. Лут қавми пайғамбарларни ёлғончи қилди. 161. Ушанда уларга биродарлари Лут айтган эди: «(Оллоҳдан) кўрқмайсизларми?! 162. Албатта, мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 163. Бас, Оллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар! 164. Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 165. Сизлар бутун оламлардан (ажраб, ҳеч бир жонзот қилмаган ишни қилиб) эркакларга яқинлашурмисизлар?! 166. Ва Паврдагорингиз сизлар учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарк қилурмисизлар?! Йўк, сизлар ҳаддан ошгувчи қавмдирсизлар». 167. Улар дедилар: «Қасамки, агар (даъватдан) тўхтамасанг, эй Лут, албатта сургуни қилингувчилардан бўлурсан». 168. У (Лут) айтди: «Албатта мен сизларнинг (бу) ишларингизни ёмон кўргувчилардандирман. 169. Парвардигорим, менга ва аҳлимага (яъни, менга иймон келтирган кишиларга) улар (кофирларнинг) қилаётган амаллари (оқибати)дан нажот бергин». 170. Бас, Биз унга ва унинг барча аҳли-тобеларига нажот бердик; 171. Магар (азоб остида) қолгувчилардан бўлган бир кампирга (яъни, Лутнинг иймонсиз бўлган хотинига нажот бермадик.) 172. Сўнгра (ўша хотин билан бирга) бошқаларни ҳалок қилдик. 173. Ва уларнинг устига (тош) ёмғир ёғдирдик. Бас, (азоб ҳақида) огоҳлантирилган (лекин ўзларининг ярамас қилмишларидан қайтмаган) кимсаларнинг (қисмати) ёмғири нақадар ёмон бўлди. 174. Албатта бунда (Лут ва унинг қавми ҳақидаги қиссада) оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. 175. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир. 176. Дарахтзор эгалари (яъни, Шуайб пайғамбар қавми) пайғамбарларини ёлғончи қилдилар. 177. Ушанда уларга Шуайб айтган эди: «(Оллоҳдан) кўрқмайсизларми?! 178. Албатта мен сизлар учун ишончли пайғамбардирман. 179. Бас, Оллоҳдан кўрқинглар ва менга итоат этинглар. 180. Мен бу (даъватим) учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. 181. Ўлчовни тўла ўлчанглар ва камайтириб (тортгувчилардан) бўлманглар! 182. Ва тўғри тарози билан тортинглар! 183. Одамларга нарсаларни камайтириб берманглар ва Ер юзида бузғунчилик қилиб санқиб юрманглар! 184. Ҳамда сизларни ҳам, (сизлардан) аввал ярал-

ган умматларни ҳам яратган зот — Оллоҳдан қўрқинглар!» 185. Улар дедилар: «Ҳеч шак-шубҳасиз, сен сеҳрланган — ақлдан озган кимсалардандирсан. 186. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Албатта бизлар сени ёлғончи кимсалардан, деб гумон қилурмиз. 187. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмондан бир бўлагини ташлаб юбор!» 188. У айтди: «Парвардигорим Ўзи сизларнинг қилаётган амалларингизни жуда яхши билгувчидир (яъни, бизлар қандай азобга мустаҳиқ бўлсангиз, Оллоҳ Ўзи билиб жазоингизни бергувчидир)». 189. Бас, улар (Шуайбни) ёлғончи қилишгач, уларни «соябон» кунининг азоби ушлади. Дарҳақиқат, у улуг — даҳшатли куннинг азоби эди!

Изоҳ: Уламолар айтишларича, Тангри таоло Шуайб алайҳи-с-саломнинг қавмини Шуайбга иймон келтиришдан бош тортишгач, аввало қаттиқ иссиқ билан ушлаган экан. Шунда улар нафаслари қайтиб уйларидан ташқарига — чиққан саҳрога чиққанларида, Оллоҳ таоло уларнинг устига соябон қилиб бир булут юборган ва улар ўша «соябон» остида тўпланиб турганларида, осмондан олов ёғилиб барчалари тириклай ёниб-битган эканлар.

190. Албатта бунда (Шуайб ва унинг қавми ҳақидаги қиссада) оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. **191.** Шак-шубҳасиз, Парвардигорингизнинг Ўзи (кофирлар устидан) ғолиб, (мўминларга) меҳрибондир.

Изоҳ: Ушбу сурада ўтган пайғамбарлар ва уларнинг қавмлари ҳақидаги етти қисса мазкур бўлди. Оллоҳ таоло ўзининг сўнги пайғамбари Муҳаммад алайҳи-с-саломга Макка мушрикларининг иймонсизликларидан беҳад озор чекиб турган пайтларида аввалги пайғамбарларнинг қиссаларини сўйлаш билан у кишига таскин-тасалли бериб, бундай иймонсиз кимсалар илгари ҳам бўлганини ва бундан кейин ҳам бўлишларини билдиради.

192. Албатта (бу Қуръон) барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир. **193—194—195.** (Эй Муҳаммад), сиз (охират азобидан) огоҳлантиргувчилардан бўлишингиз учун қалбингизга уни (яъни, Қуръонни) Рухул-Амин — Жаброил очик-равшан арабий тил билан нозил қилди. **196.** Албатта (Қуръон ҳақидаги хабарлар) ўтганларнинг китобларида ҳам бордир. **197.** Ахир (Қуръон ҳақида) Бани Исроил олимлари ҳам билишлари, (Макка мушриклари) учун (Қуръон ҳақиқатан Оллоҳ томонидан нозил бўлганига) оят-далил эмасми?! **198—199.** Агар Биз (Қуръонни) аямлардан (яъни, араб бўлмаган кишилардан) бирига нозил қилсак, бас, у (Қуръонни) уларга (кофирларга) ўқиб берса, унга ҳам (барибир) иймон келтиргувчи бўлмас эдилар. **200.** (Пайғамбарларни ёлғончи қилишни) жиноятчи кимсаларнинг дилларига мана шундай йўллаб-киритиб қўйганмиз. **201.** Улар то аламли азобни кўрмагунларича (Қуръонга) иймон келтирмайдилар. **202.** Бас, у (азоб) уларга ўзла-ри сезмаган ҳолларида тўсатдан келур. **203.** Сўнг улар: «Бизларга (бир оз) муҳлат берилармикин, (албатта иймон кетирган бўлур эдик)», деб қолурлар. **204.** Бас, улар Бизнинг азобимизни шоштирурларми?! **205—206—207.** (Эй Муҳаммад), хабар беринг-чи, агар Биз уларни (узок) йиллар (сиҳат-саломатлик, мол-давлат билан) фойдалантирсак-да, сўнг уларга ваъда қилинган нарсалари (яъни, азоб) келса, (ўша пайт) уларга (хаёти-дунёда) фойдаланган нарсалари асқотурми?! **208—209.** Биз бирон кишлоқ-шаҳарни ҳалок қилмадик, магар унинг учун (азоб-ҳалокатдан) огоҳлантиргувчи (пайғамбарлар) бўлган ҳолида (у жойлар аҳли ўз пайғамбарларини ёлғончи қилганларидан кейингина) эслатма-ибрат бўлсин, деб (ҳалок қилдик). Ва Биз золим бўлмадик. **210.** (Қуръонни осмондан) жинлар олиб турганлари йўқ. **211.** Улар учун бунинг имкони йўқ ва улар бунга қодир ҳам эмаслар. **212.** Чунки улар (ваҳйни ўғринча) эшитиб олишдан четлатилганлари аниқдир.

Изоҳ: Макка мушриклари аввал: «Қуронни Муҳаммаднинг ўзи ёзиб олган», деб кўрдилар, лекин бу иғволари фойда бермади, чунки пайғамбар алайҳи-с-саломнинг Қуръондек беназир Китобни ёзиш эмас, балки уни ўқиб беришга ҳам қодир бўлмаган саводсиз киши эканликлари маккаликларга

маълум эди. Шундан кейин, улар: «Бошқа коҳин — фолбинларга ўхшаб Муҳаммаднинг ҳам ўз жинлари бор. Қуръонни унга ўшалар ўргатадилар», деган янги ёлғонни ййлаб топдилар. Мазкур оятларда Оллоҳ таоло бу иш жинларнинг қўлидан келмаслигини, улар осмон хабарларини эшитишдан четлатилганликларини айтиб (бу ҳақда «Ҳижр» сурасининг 17—18-оятларида ҳам зикр қилинган эди), Қуръони карим У зотнинг Ўзи нозил қилган китоб эканини таъкидлайди. Суранинг 221—222—223 оятларида ана шу мавзуларга қайти-либ, жинлар кимларнинг олдига тушиши айтилади.

213. Бас, (эй Муҳаммад), сиз Оллоҳ билан бирга бошқа бирон «илоҳ»га илтижо қилманг! Акс ҳолда азоблангувчи кимсалардан бўлиб қолурсиз. 214. Ва яқин қариндош-уруғларингизни (Оллоҳнинг азобидан) огоҳлантиринг!

И з о ҳ: Ушбу икки оятда Тангри таоло Ўз пайғамбарига ёлғиз Оллоҳдан ўзга бирон кимса ё нарсага сифинмасликни ва бошлаб бу ҳақ динга ўз қариндош-уруғларини чорлашни буюрди. Шу оятлар нозил бўлиши билан пайғамбар алайҳи-с-салом қариндошларини ййғиб, уларни охират азобидан фақат ўз иймон-амаллари билангина халос бўлишлари мумкин эканлиги ҳақида огоҳлантирадидлар ва жумладан, ўз қизларига қараб шундай дейдилар: «Эй Фоти-ма, қанча сўраб-ёлвормагин, охират кунда мен сенга асқотмайман (яъни, охират азобидан пайғамбарнинг қизи бўлганинг учун эмас, балки ўз амалинг билангина қутула олурсан)», дейдилар. Бу Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг бар-ча умматларига сабоқдир.

215. Ўзингизга эргашган мўмин бўлган кишилар учун қанотингизни паст тутинг (яъни, уларга хушхулқ билан камтарона муомалада бўлинг)! 216. Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у ҳолда айтинг: «Албатта мен сизларнинг амалингиздан покдирман». 217. Ғолиб ва меҳрибон (Оллоҳ)га таваккул қилинг! 218—219. У сизни ўзингиз (намоз учун) тураётган вақтингизда ҳам, сажда қилгувчилар (намоз ўқигувчилар) орасида (имом бўлган ҳолингизда намоз рукнларининг биридан иккинчисига) кўчаётган (вақтингизда ҳам) кўриб турур. 220. Шак-шубҳасиз, У эшитгувчи, билгувчи зотдир. 221. (Эй Муҳаммад, айтинг): «Мен сизларга жинлар кимларга (кимларнинг ҳузурига) тушиши ҳақида хабар берайми? 222. Улар барча гуноҳга ботган товламачиларга (ёнига) тушиб; 223. Эшитиб олганларини (уларга) ташларлар. Улар (жинлар)нинг кўплари ёлғончилардир». 224. Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. 225—226. Уларнинг (сўз водийларидан) ҳар водийда дайдишларини (яъни, ўзларига ёққан энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёктирмаганларини тупрокка қоришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни ай-тишларини кўрмадингизми?

И з о ҳ: Бу оятлар барча замонлардаги Оллоҳдан қўрқмайдиган, устлари-даги ҳокимият-сиёсат ўзгариши билан ёзаётган мавзулари, қаҳрамонлари ҳам ўзгариб кетаврадиган, ўзгаларга тўғрилиқ, эззулик ҳақида лоф уриб, ўзлари нопок йўллардан юрадиган маддоҳ қаламкашлар ва бор илҳом-истеъдодлари-ни маъшуқаларининг таъриф-тавсифига сарф қиладиган назмбозлар ҳақида-дир. Лекин иймонли, эзгу амаллар қиладиган ва доимо Оллоҳни ёдда тутадиган шоирлар бундан мустасно эканлиги тўғрисида ҳам навбатдаги ояти қари-мада айтиб ййилади. Яна бу хусусда пайғамбар алайҳи-с-саломдан ҳам кўп ҳадислар ривоят қилинган. Шулардан бири мана будир: «Саҳобалардан бўл-ган бир шоир келиб пайғамбар алайҳи-с-саломга, Оллоҳ таоло шоирлар ҳақи-да айтган бу сўзлардан кейин бизларнинг ҳолимиз не кечади, деганларида, ҳазрат шундай жавоб берганлар: мўмин киши ҳам тиги билан, ҳам тили, яъни, қалами билан Оллоҳ ййлида ижод қилур. Яратган Эгамнинг номига қасамки, сизлар отадиган ўқнинг тиги йтқирикдир».

227. Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доимо Оллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (ислом зафар топгач) ғолиб бўлган кишилар (яъни, шоирлар, йўлдан оздиргувчи эмаслар). Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар.



Бу сура Маккада нозил қилинган бўлиб, тўқсон уч оятдан иборатдир. Унда пайғамбарлардан Мусо, Солих, Лут алайҳи-с-саломларнинг киссалари зикр қилинади ва хусусан, Довуд ва Сулаймон алайҳи-с-салом Оллоҳ таолонинг пайғамбари бўлиш билан бирга, яна жамики инсу жин, паррандаю дарранда оламига подшоҳ ҳам қилинганларни тўғрисида сўзланилади ҳамда Сулаймон алайҳи-с-салом билан Сабаъ мамлакатининг маликаси Билқийс ўртасида бўлиб ўтган воқеалар тасвирланади.

Яна бу сурада Қуръондаги панд-насихат, ибрат-эслатмалардан фақат кўнгли кўзи очиқ кишиларгина фойдаланишлари мумкинлиги айрича таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, қиёмат қойим бўлиши олдида Ер юзига чиқадиган жонивор ҳақидаги хабар, мўмин ва кофирларнинг қиёмат кунисидаги ахволи хусусидаги ибратли оятлар бу сурадан жой олгандир.

Сурада Оллоҳ таолонинг энг заиф ва заҳматқаш махлуқларидан бири бўлган чумоли ҳақида ҳам зикр қилингани сабабли у «Намл» — «Чумоли» сураси деб аталгандир.

Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.

1. То, Син. Ушбу (оятлар) Қуръон — очиқ (равшан) Китоб оятларидир. 2—3. (Бу оятлар) намозни тўқис адо этадиган, закотни (ҳақдорларга) ато этадиган ва охиратга аниқ ишонувчи бўлган кишилар — мўминлар учун ҳидоят ва хушхабардир. 4. Албатта охиратга иймон келтирмайдиган кимсалар учун Биз (килаётган) амалларини чиройли кўрсатиб қўйгандирмиз. Бас, улар адашиб-улоқиб юраверадилар. 5. Ана ўша кимсалар учун (дунёда ҳам) энг ёмон азоб бордир ва улар охиратда энг кўп зиён кўргувчи кимсалардир. 6. (Эй Мухаммад), шак-шубҳасиз, сизга бу Қуръон доно ва билгувчи зот даргоҳидан (нозил қилинур) берилур. 7. Мусо аҳли-оиласига: «Мен олов кўриб қолдим. Сизларга ундан бирон хабар келтирурман ёки сизларга исиниб олишингиз учун бир ўт-чўғ келтирурман», деганини эсланг! 8. Энди қачонки (у оловнинг олди-га) келгач, унга нидо қилинди: «Олов олдидаги кишига (яъни, Мусога) ва унинг атрофидаги зотларга (фаришталарга) хайру баракот бўлсин. Барча оламларнинг Парвардигори — Оллоҳ (айбу нуқсондан) покдир. 9. Эй Мусо, шак-шубҳасиз, Мен голиб ва ҳикмат соҳиби — Оллоҳдирман. 10. Асоингни ташлагин!» Бас, қачонки (Мусо) унинг (асонинг) илондек кимираётганини кўргач, ортига қарамай қочди. (Шунда Биз дедик): Эй Мусо, кўркмагин. Зеро менинг ҳузуримда пайғамбарларим кўркмаслар». 11. Лекин ким зулм қилса-ю, сўнгра — ёмонликдан кейин, уни чиройли (амалга) алмаштирса, бас, албатта Мен мағфиратли, меҳрибонман. 12. Қўлингни чўнтагингга солгин, у ҳеч қандай дардсиз оппоқ бўлиб чиқур. (Бу мўъжизалар сен) Фиръавн ва унинг қавмига (олиб борадиган) тўққиз оят-мўъжиза ичида бордир. Дарҳақиқат, улар итоатсиз қавм бўлдилар. 13. Бас, қачонки, уларга Бизнинг оят-мўъжизаларимиз равшан ҳолда етиб келгач, улар бу очиқ сеҳрдир, дедилар. 14. Ва ўзлари аниқ билган ҳолларида зулм ва кибр қилиб, у (мўъжизаларни) инкор этдилар. Энди, (эй Мухаммад), у бузғунчи кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг. 15. Қасамки, Биз Довуд ва Сулаймонга (етук) билим ато этдик ва улар: «Бизларни кўп мўмин бандаларидан афзал қилиб қўйган зот — Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин», дедилар. 16. Сулаймон (пайғамбарлик ва илмда)

Довудга ворис бўлди ва айтди: «Эй одамлар, бизга қушларнинг (ва бутун жониворларнинг) тили билдирилди ҳамда (бунинг устига, бошқа пайғамбар ва подшоҳларга бериладиган) барча нарсалардан берилди. Албатта бу очик фазлу марҳаматнинг ўзидир». 17. Сулаймон (амри билан) жин, инс ва қушлардан бўлган (унинг) лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолларида турдилар. 18. Токи, улар ҷумолилар водийсига етган вақтларида, бир ҷумоли: «Эй ҷумолилар, уяларингизга киринглар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлағи сезмаган ҳолларида сизларни босиб-янчиб кетмасинлар», деган эди. 19. (Сулаймон) унинг сўзидан кулиб-табассум қилди ва деди: «Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шуқр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина қилишга муваффақ этгин ва мени ҳам Ўз фазлу раҳматинг билан солиҳ бандаларинг қаторига киритгин». 20—21. У қушларни кўздан кечириб (уларнинг орасида худҳудга кўзи тушмагач), «Нега мен худҳудни кўрмайпман, балки у (мендан беизн) ғойиб бўлгувчилардандир?! Албатта уни қаттиқ азоб билан азобларман ё сўйиб юборурман, ёки у менга (ўз узрини баён қилиб) очик ҳужжат келтирур», деди. 22. Сўнг узоққа қолмай (кўп ўтмай, худҳуд келиб) деди: «Мен сен огоҳ бўлмаган нарсадан огоҳ бўлдим ва сенга Сабаъ (шаҳри)дан аниқ бир хабар келтирдим. 23. Дарҳақиқат, мен бир аёлни кўрдим. У (бу аёл) уларнинг маликаси экан. Унга барча нарсадан ато этилган бўлиб, қатта (хашаматли) тахти ҳам бордир.

Изоҳ: Сулаймон алайҳи-с-салом замонларида (милоддан илгари — тахминан ўнинчи асрда) Яман мамлакатининг Сабаъ шаҳрида Билқийс исмли аёл ҳукмронлик қилгани тарихдан ҳам маълум.

24—25. Мен, у ва унинг қавми Оллоҳни кўйиб, қуёшга сажда-ибодат қилаётганларини кўрдим. Шайтон уларга (қилаётган) амалларини чиройли кўрсатиб, уларни (Ҳақ) йўлдан тўсиб кўйгандир. Бас, улар (то) Оллоҳга сажда қилмагунларича (Ҳақ йўлга) ҳидоят топмаслар. (Оллоҳ) осмонлар ва Ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни ҳам биладиган зотдир.

Изоҳ: Ушбу оят сажда ояти бўлиб, уни йқувчига ҳам, эшитгувчига ҳам бир марта сажда қилиш вожибдир.

26. Оллоҳ (ягона) — ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. У улуғ арш эгасидир». 27. (Сулаймон) деди: «Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрурмиз. 28. Мана бу мактубимни олиб бориб уларга ташлагин (топширгин), сўнгра улардан четланиб кузатгин-чи, нима (жавоб) қайтарар эканлар». 29. (Қачонки, худҳуд Сулаймоннинг мактубини олиб келиб, малика Билқийснинг олдига ташлагач), у деди: «Эй одамлар, ҳақиқатан менга улуғ бир мактуб ташланди. 30—31. Албатта у Сулаймондандир ва у (мактубда шундай битилгандир): «Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман. Сизлар менга кибр-ҳаво қилмай, ҳузуримга бўйинсунган ҳолингизда келингиз!» 32. (Малика яна) айтди: «Эй одамлар, менга бу ишимда фатво-маслаҳат беринглар. Мен то сизлар гувоҳ бўлмагунингизча бирон иш ҳақида ҳукм қилгувчи эмасман». 33. Улар дедилар: «Бизлар куч-қувват ва журъат-матонат эгаларидирмиз. (Қандай ишга) буюриш сенинг ўзингга ҳавола. Бас, нимага буюришни ўйлаб кўравер (бизлар эса сенга итоат этурмиз)». 34. У айтди: «Аниқки, подшоҳлар қачон бирон кишлокқа (бостириб) кирсалар, уни вайрон этурлар, аҳолисининг обрў-эътиборлиларини эса хор-зор қилурлар. Уларнинг (бутун) қилмиш одатлари шудир. 35. Мен уларга бир ҳадя юбориб кўрай-чи, элчиларим нима (хабар) билан қайтар эканлар.»

Изоҳ: Билқийс доно малика эди. У ҳадя юбориш билан Сулаймон алайҳи-с-саломнинг ҳақиқий пайғамбарми ёки оддий босқинчи подшоҳми эканликларини имтиҳон қилади. Маликанинг фикри шундай эди: «У агар оддий подшоҳ бўлса, ҳадяни дарҳол қабул қилади, демак унга қарши ҳужум уюштириш ҳам мумкин. Энди агар у Оллоҳ таолонинг пайғамбари бўлса ва бу юртларга келишдан мақсади мол-дунё орттириб, аҳолига турли мажбуриятлар юклаш

эмас. балки Оллоҳнинг динига даъват этиш бўлса, ҳадяни қабул қилмайди, у ҳолда унга бўйинсуниш лозим бўлади».

36. Бас, қачонки, (Билқийснинг элчилари унинг юборган ҳадясини олиб) Сулаймон (ҳузурига) келгач, у деди: «Сизлар менга мол-дунё билан мадад ермоқчимисиз?! У ҳолда (билингизки), Оллоҳ менга ато этган (пайғамбарлик ва мулку давлат) У зот сизларга берган ҳар қандай (мол-дунёдан) яхшироқдир. Балки сизлар ҳадяларингиз билан хурсанд бўларсизлар, (лекин менинг унга эҳтиёжим йўқдир). 37. Сен (қавмингга) қайтиб бориб (айтгинки, агар ҳузуримга бўйинсунган ҳолларида келмасалар), албатта биз уларга шундай кўшин билан борурмизки, улар унга асло бас кела олмаслар ва албатта биз уларни (қишлоқларидан) мағлуб ҳолларида қувиб чиқарурмиз».

И з о ҳ : Билқийснинг элчиси маликанинг олдига ҳадя билан қайтиб бориб, Сулаймон алайҳи-с-саломнинг жавобларини етказгач, у: «Бу оддий подшоҳ эмаслигини билган эдим», деди ва Сулаймон пайғамбарга: «Мен сенинг кимлигингни ва даъват қилаётган дининг қандай дин эканлигини билиш учун ўз аъёнларим билан ҳузурингга бормоқдаман», деган хабар билан чопар юбориб, ўн икки минг одам билан йўлга тушди. Қачонки, улар Сулаймон алайҳи-с-саломнинг қароргоҳларига етиб келишларига бир фарсаҳ — олти чақирим атрофида қолганида, у зот бундан хабар топиб, уларга ўзининг ҳақ пайғамбар эканлигини исботлайдиган бир мўъжиза кўрсатиш ва малика Билқийснинг фаҳму фаросатини синаш мақсадида қўл остидаги ҳалойиққа юзланди...

38. «Эй одамлар, улар менинг ҳузуримга бўйинсунган ҳолларида келишларидан илгари қайси бирларингиз менга унинг (яъни, Билқийснинг ўз шаҳрида қолган) тахтини келтира олу», деди. 39. (Шунда) жинлардан бир паҳлавони айтди: «Мен уни сен ўрнингдан туришингдан илгари сенга келтиурман. Албатта мен бунга қодир ва ишончлидирман». 40. Китоб (Лавҳул-махфўз)дан огоҳлиги бор бўлган бир зот эса: «Мен уни кўзинг ўзингга қайтгунча (яъни, кўз очиб юмгунингча сенга келтиурман)», деди. Энди қачонки, (Сулаймон тахтининг) ўз ҳузурига турганини кўргач, деди: «Бу Парвардигоримнинг мен шуқр қиламанми ёки куфрони неъмат қиламанми, имтиҳон этиш учун берган фазлу марҳаматидандир. Ким шуқр қилса, бас, албатта у фақат ўз (фойдаси) учун шуқр қилур. Ким куфрони неъмат қилса, бас, (билсинки) албатта Парвардигорим (унинг шуқр қилишидан) беҳожат ва фазлу карам эгасидир». 41. (Қачонки, келаётганлар яқинлашиб қолишгач, Сулаймон маликанинг фаҳму фаросатини синаш учун) деди: «Унинг тахтини танимайдиган қилиб — ўзгартириб қўйинглар, у (ўз тахтини танишга) йўл топури ёки йўл топа олмайдиган кимсалардан бўлурми, кўрурмиз». 42. Энди, қачонки, у келгач: «Сенинг тахтинг (ҳам) шундаймиди?» дейилди. У (хайратга тушиб): («Бу) худди ўшанинг ўзи-ку», деди. (Шунда Сулаймон айтди: «Алҳамдулиллоҳки), бизларга ундан илгари илм-маърифат берилиб, мусулмон бўлганмиз; 43. Уни эса ўзи Оллоҳни қўйиб ибодат қилган нарсаси (гина Оллоҳга иймон келтириб мусулмон бўлишдан) тўсгандир. Чунки у кофир қавмдан эди». 44. (Маликага): «Саройга киргин», дейилди. Энди, қачонки, у (саройни) кўргач, уни сув (тўлкини) деб ўйлаб оёқларини очган (ечган) эди, (Сулаймон): «Бу ойнадан ясалган баланд қасрдир», деди. (Шунда малика) айтди: «Парвардигорим, дарҳақиқат, мен (куёшга сиғиниш билан) жонимга жабр қилибман, (энди) Сулаймон билан бирга, барча оламлар хожаси — Оллоҳга бўйинсундим». 45. Қасамки, Биз Самуд (қабиласи)га биродарлари Солиҳни пайғамбар қилдик. (У): «Оллоҳга ибодат қилингиз», (деди). Бас, баногоҳ улар талашиб-тортишадиган икки гуруҳ бўлиб олдилар. 46. (Самуд қабиласидаги кофир бўлган гуруҳ Солиҳга: «Агар чин пайғамбар бўлсанг, бизларни қўрқитаётган азобингдан келтир-чи», деганида), у айтди: «Эй қавмим, нега сизлар яхшилик-рахматдан илгари ёмонлик-азобни шоштирамоқдасиз?! Сизларга раҳм-шафқат қилиниши учун Оллоҳдан мағфират сўрасангиз бўлмасми?!» 47. Улар дедилар: «Бизлар (бошимизга тушган очарчилик-қаҳатчилик) сенинг ва сен билан бирга бўлган (мўминларнинг) шумқадамлигидан, деб билдик.» У айтди: «Сизларнинг (бошингизга тушган) бахтсизлик Оллоҳ ҳузуридандир. Балки сизлар имтиҳон қилинаётган

кавмдирсиз». 48. У шахарда (ўзларини) ўнгламай Ер юзида бузгунчилик қилиб юрадиган тўққиз нафар кимса бор эди. 49. Ушалар Оллоҳ номига қасам ичишиб, (бир-бирларига) айтдилар: «Албатта (Солиҳни) ва унинг аҳли-тобеларини тунда ҳалок қилурмиз, сўнгра унинг валий-ҳомийсига (Қабиладаги уни химоя қиладиган қариндош-уруғларига) Бизлар (на Солиҳнинг ва на) унинг аҳли-тобеларининг ҳалокатига гувоҳ бўлган эмасмиз. Албатта бизлар ростгўя кишилардирмиз, деймиз.» 50. Улар (Солиҳ ва унинг тобеларига қарши ўзу макрларини қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолларида бир «макр» қилдик. 51. Энди уларнинг қилган макрлари оқибати қандай бўлганини кўринг — Биз уларни ва барча қавмларини ҳалок қилдик. 52. Мана, улар зolim бўлганликлари сабабли уйлари хувиллаб қолди! Албатта бунда биладиган қавм учун оят-ибрат бордир. 53. Иймон келтирган ва тақводор бўлган зотларга эса нажот бердик. 54. Лутни (эсланг). Ушанда у қавмига айтган эди: «Сизлар кўрибилиб турган ҳолингизда бузуқлик қилурмисизлар?! 55. Сизлар хотинларингизни қўйиб, шаҳват билан эркакларга яқинлашурмисизлар?! Йўқ, сизлар жоҳил кавмдирсиз!»

ИЙГИРМАНЧИ ЖУЗЪ

56. (Лут) қавмининг жавоби эса фақат: «Лутнинг аҳли-тобеларини қишлоғингиздан (кувиб) чиқарингиз! Дарҳақиқат, улар жуда «покиза» кишилардир», дейишлари бўлди. 57. Сўнг Биз (Лутга) ва унинг аҳли-тобеларига нажот бердик. Магар унинг хотини (нажот топмади, чунки) Биз уни қолиб ҳалок этилгувчилардан бўлишини тақдир қилиб-белгилаб қўйдик. 58. Ва уларнинг устига бир ёмғир (яъни, тош) ёғдирдик! Бас, (азобдан) огоҳлантирилгувчилар ёмғири нақадар ёмон бўлди! 59. (Эй Мухаммад), айтинг: «Оллоҳга ҳамду сано бўлсин ва Унинг Ўзи (пайғамбарлик учун) танлаган бандаларига дуою-салом бўлсин.» Оллоҳ яхшироқми ёки улар (нинг, Макка мушрикларининг Оллоҳга) шерик қилаётган бутларими?! 60. (Ўша бутларми) ёки осмонлар ва Ерни яратган ҳамда сизлар учун осмондан сув-ёмғир ёғдириб, унинг ёрдамида гўзал боғларни ўстирган зотми?! Сизлар учун у (боғларнинг) довдарахтини ўстириш имкони йўқ эди. Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, улар (Оллоҳга ўзгаларни) тенг биладиган қавмдирлар! 61. Ёки ерни (барча жонзотлар учун) қароргоҳ қилиб, унинг ўртасида дарёлар пайдо қилган ва унинг учун тутки-тоғлар барпо қилган ҳамда икки (яъни, шўрчучук) денгиз-дарё ўртасида тўсик-тўғон иншо қилган зотми?! Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар! 62. Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (унинг) мушқулини осон қиладиган ҳамда сизларни Ернинг халифа-эгалари қиладиган зотми?! Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар! 63. Ёки сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларида Тўғри йўлни кўрсатадиган ва Ўз раҳмати-ёмғири олдидан шамолларни хуш-хабар қилиб жўнатадиган зотми?! Оллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Оллоҳ уларнинг ширк келтирган нарсаларидан юксакдир! 64. Ёки бошлаб Ўзи яратиб, сўнгра (охиратда) қайта яратадиган зотми?! Ким сизларга осмон ва заминдан ризку рўз берур?! Оллоҳ билан бирга, яна бирон илоҳ борми?! (Эй Мухаммад, кофирларга) айтинг: «Агар ростгўй бўлсангизлар, ҳужжатларингизни келтирингиз!» 65. Айтинг: «Осмонлар ва Ердаги бирон кимса ғайбни билмас, магар Оллоҳгина (билур).» Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмаслар. 66. Балки уларнинг охират ҳақидаги фикрлари пишиб этилгандир (ва шу сабабдан охират ҳақида сўраётгандирлар?!). Йўқ, улар (охират)дан шак-шубҳададирлар! Йўқ, улар ундан кўрдирлар! 67. Кофир бўлган кимсалар дедилар: «Ўзимиз ҳам, ота-боболаримиз ҳам тупроққа айланиб кетган вақтимизда (қайта тирилиб, қабрларимиздан) чиқарилгувчидирмизми?! 68. Дарҳақиқат, бизларнинг ўзимизга ҳам, илгари ота-боболаримизга ҳам мана шу ваъда қилингандир. Бу фақат ўтганларнинг афсоналаридир.» 69. Айтинг: «Ерни айланиб, жиноятчи кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринглар!» 70. (Эй Мухаммад), сиз уларнинг иймон келтирмаганлари устида

гам чекманг ва улар қилаётган макрлардан сикилманг ҳам! 71. Улар: «Агар ростгўй бўлсангизлар, (айтинглар-чи), мана шу ваъда (қилинган азоб) қачон бўлади?» дейдилар. 72. Айтинг: «Эҳтимол, сизлар шоштираётган (азобнинг) баъзиси сизларга яқин келиб қолгандир». 73. Албатта Парвардигорингиз одамларга фазлу марҳамат соҳибидир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмайдилар. 74. Албатта Парвардигорингиз уларнинг диллари яширадиган нарсани ҳам, улар ошкор қиладиган нарсани ҳам билур. 75. Осмон ва заминдаги ҳар бир сир очик Қитобда (яъни, Лавҳул-Махфузда) мавжуддир. 76. Албатта ушбу Куръон Бани Исроилга улар ихтилоф қилаётган нарсаларнинг кўпини сўйлаб — баён қилиб берур. 77. Албатта у иймон келтирадиган кишилар учун ҳидоят ва раҳматдир.

Изоҳ: Бани Исроил қавми, яъни, яҳудийлар ўзаро ихтилоф қилиб юрадиган Исо пайгамбар ҳақида ва бошқа жуда кўп муаммолар тўғрисида Куръони каримда аниқ тафсилотлар баён қилингандир. Ушбу икки оятда Куръоннинг унга иймон келтирадиган кишилар учун Оллоҳнинг раҳматига ҳидоят қилгувчи раҳбар-ўйлабчи эканлиги уқтирилади.

78. Албатта Парвардигорингиз (одамлар) ўртасида Ўз ҳукми (яъни, адолати) билан ҳукм қилур. У ғолиб ва билгувчидир. 79. Бас, сиз Оллоҳга таваккул қилинг! Албатта сиз равшан ҳақиқат устидадирсиз! 80. Аниқки, сиз (ўз даъватингизни) «ўлик»ларга уқтира олмассиз ва юз ўгириб кетаётган карларга ҳам бу даъватни уқтира олмассиз. 81. Яна сиз кўрларни ҳам залолатларидан (чиқариб, Ҳақ йўлга) ҳидоят қила олгувчи эмасдирсиз. Сиз фақат Бизнинг оятларимизга иймон келтириб, мусулмон бўладиган кишиларгагина (уни) уқтира олурсиз. 82. Қачон (кофирларнинг) устига сўз-азоб тушганида (яъни, қиёмат яқинлашиб қолганида) Биз улар учун ердан бир жонивор чиқарурмиз. У уларга одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида сўзлар.

Изоҳ: Ҳадиси шарифда айтилишича, охир замон бўлганида ер остидан мисли кўрилмаган бир ҳайвон чиқиб, Оллоҳ таолонинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларни лаънатлар ва шу ҳодисадан кейин қиёмат қойим бўлиши аниқ экан.


83. Биз ҳар бир миллатдан бир гуруҳ — Бизнинг оятларимизни ёлғон дейдиган кимсаларни тўплаб, улар тизилиб турадиган Кунни (эсланг). 84. Энди қачон улар (ҳисоб-китоб қилинадиган жойга) келишгач, (Оллоҳ) айтди: «Сизлар аниқ-пухта билмаган ҳолингизда Менинг оятларимни ёлғон дедингизми?! Бўлмаса (хаёти-дунёда) нима қилгувчи бўлдингизлар?!» 85. Золим-кофир бўлганлари сабабли уларнинг устига сўз — азоб тушди. Бас, улар (бирон сўз) сўзлай олмаслар. 86. Биз улар ором олишлари учун кечани пайдо қилганимизни ва кундузни ёруғ қилиб қўйганимизни кўрмадиларми?! Албатта бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар бордир. 87. Сур чалиниб, Оллоҳ Ўзи хоҳлаган зотлардан бошқа осмонлардаги ва Ердаги (барча) кимсалар даҳшатга тушиб қолган ва барча У зот (ҳузурига) бўйин эгган ҳолда келган Кунни (эсланг)! 88. Сиз тоғларни кўриб тек қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрарлар. (Бу) барча нарсани пухта қилган зот — Оллоҳнинг ҳунаридир. Албатта У зот сизлар қилаётган (барча) ишлардан огоҳдир.

Изоҳ: Ушбу оят Ернинг тинмасдан ўз ўқи атрофида айланиб туришига Тангри таоло томонидан нозил қилинган далилдир.

89. Ким яхшилик билан келса, бас, унинг учун ўша (яхшилигидан) яхшироқ мукофот бўлур. Ва улар ўша Куннинг даҳшатидан омондадирлар. 90. Ким ёмонлик билан келса, бас, юзтубан ҳолларида дўзахга ташланурлар. (Ва уларга айтулур): «Сизларга фақат қилиб ўтган амалларингизнинг жазоси берилур». 91—92. (Эй Муҳаммад, уларга айтинг): «Мен фақат мана шу шаҳарнинг (яъни, Маккаи мукарраманинг) Парвардигоригагина ибодат қилишга

буюрилгандирман. У (бу шаҳарни) ҳаром қилган зотдир (яъни, бу шаҳарда қон тўкилиши, бирон кишига зулм қилиниши, ов овланиши ва ҳатто ўт юлиниши ҳам ҳаром қилингандир). Барча нарса Униқидир. Мен мусулмонлардан бўлишга ва Қуръон тиловат қилишга буюрилгандирман». Бас, ким ҳақ йўлга юрса, фақат ўз (фойдаси) учун юрар. Қим йўлдан озса, у ҳолда айтилганки: «Мен фақат (йўлдан озган кимсаларни Оллоҳнинг азобидан) огоҳлантиргувчилардандирман». 93. Айтилган: «Ҳамду сано Оллоҳ учундир. Яқинда У сизларга Уз оят-мўъжизаларини кўрсатур. Бас, сизлар у (мўъжизаларни) тан олурсизлар (лекин у Кунда тан олишингиз сизларга фойда бермас)». (Эй Муҳаммад), Парвардигорингиз сизларнинг қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.

Давоми келгуси сонда



«Шарқ юлдузи» ойномасининг 30-йилларда чиққан сонларини варақлаб кўрган киши адабиёт климидаги хилма-хил мураккаб ҳодисаларни, гоҳ қувонтирадиган, гоҳ нохуш кайфиятларга соладиган манзараларни кўриб, ҳайратга тушмасдан қолмайди.

20-йилларда ўзбек адабиёти эришган улкан ютуқлардан бу даврда маълум даражада чекиниш, орқага кетиш ҳолатлари очиқ-равшан кўринади. Турли улкан қурилишларни куйлаш, совет воқелигини, турмуш тарзини улғулаш шиори остида натурализмга, дабдабозликка зўр берилди. Пролетар шоирларини бошқа синфга мансуб ижодкорлардан устун қўйиш, зиёлилар орасидан чиққан адибларга турли ёрлиқлар ёпиштириш, миллатчиликда, душманликда айблаш авж олади. Шахсга сўғиниш куртаклари барча адабиётларда кенг томир ёяди. адабиётимизда пайдо бўлган чинакам реалистик асарларнинг [«Обид кетмон», «Кеча ва кундуз», «Сароб» ва ҳоказо] эса бадий қиммати шубҳа остига олинадди.

Ана шу давр мураккабликлари очиқ сезилиб турган куйидаги парчалар 30-йиллардаги адабий муҳит ҳақида маълум даражада тасаввур беради, деб уйлаймиз.

Ҳ. ОЛИМЖОН

Фитратнинг адабий ижоди

Фитрат кичик буржуа ватанчилиги, миллатчилиги, пантуркизм қарашлари билан ўртага чиқади. У, ватанчилик ва пантуркистик каби буржуа мафкураларини энг буюк амал, ватан, миллат учун курашда ўлмакнинг ўзи яшамакдан иборат дейди. У, миллатчиликдан қайтгонларга, ёрдамга келмаганларга қарши нафрат сочади. «Туркликнинг муқаддас ўчоғи»ни сақлаб қолишга чакиради ва ўзининг миллатчилик, ватанчилик учун туғилгани, шунинг учун ўлажаги ҳақида қасам ичади. Фитратнинг бу асари («Хуррият» шеъри) қанчалик реакцион бўлганлиги ўз-ўзидан кўриниб туради.

Фитратнинг шеърлари, унинг романтизми, бутун миллатчилик поэзиясининг асосий пайтларини ифода қилди. Шунинг учун бу даврда, тахминан бутун миллатчи шоирлар Фитратга эргашдилар. Ботунинг шеърий ижоди ўз бошланишини, бевосита Фитрат шеърларидан олади. Ботунинг шеърлари ҳам мазмун, ҳам бадий воситалар жиҳатидан тамоман Фитратга суянади ва унинг йўналишини таъмин этади.

Саидали Хўжанинг (Фитрат асари қаҳрамони) турмушга нафрат билан қараш, ундан безиб хаёл кўқларига учиб ҳақидаги бу «назариясини» шоир Чўлпон дилидаги икки мисрада шеър билан яққол ифода қилгон:

Хаёл, хаёл, ёлғиз хаёл гўзалдир,
Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқаман.

Бу фикрлар ва парчалар совет воқелигидан норозиликнинг натижаси эди. Шоир совет воқелиғига, инқилоб ҳаққатининг кўзига қарашдан кўрқади, чунки бу ҳақиқат кўзларидан, унинг синфий ўлими ва жанозаси кўринар эди. Шунинг учун у, унга қарашдан кўз юмиб, хаёл дарёсига чўмади. Фитратнинг «Чин севиш» ва «Ҳинд ихтилочилари», «Темир соғонаси» ва кўп шеърлари — совет воқелиғига қарши, инқилоб тўлқинлариға қарши протестдан иборат. У, миллатчилик ҳаракатигагина озик беради ва миллатчилик ҳаракатининг инқилобий воқеликка қарши олиб борган курашининг муҳим ҳужжатларидан бўлиб қолади.

«Совет адабиёти»,
1936, 4-сон.

Халқлар йўлбошчиси буюк Сталинга совет Гуржистони меҳнаткашлари ёзган хат

Ингилишни билмаган доҳи, буюк зўр қаҳрамон,
Бизни озодликка Ленин билан келтирдинг омон.
Барча халқни бахтли этдинг, биз унутдик номингни,
Бизни кудрат рамзи — Сталин, ҳаёт уйғониши.
Ёшлигингни биз учун бердинг оғир йиллар кўриб.
Экканингдан чиқди олтин ҳосил энди барқ уриб,
Сен пўлат куч бирла Ленин сўзларин сақловчисан,
Сен советлар юртига бахтли ҳаёт бергувчисан,
Сенга юзланган бу байрамда фирк, халқ шодлиғи,

Бор бўл Сталин, эзилганлар ишончи — ёрлиги!
Фабрику завод овози бирла янграйди бутун:
Эй улуг доҳи яша жумла жаҳон бахти учун!

Усмон Носир таржимаси.

«Совет адабиёти», 1936, 4-сон.

ШАРИФ

«Тозагул»

Элбек ҳозирги турмуш, колхоз қурилиши, синфий кураш ишини бадий образларда гавдалантиришга уринади. Лекин буларнинг уддасидан чиқолмағон. «Тозагул» ҳали жуда ҳам думбул асар. Яна тўғрироғи поэманинг эскизидир. Элбек ўз устида кўп ишлаши, колхозга бориб, жонли кишилар, бугунги қаҳрамонлар билан чуқур танишуви, шўҳрат қозонган қаҳрамонларнинг бадий образларини бериши керак ва шеър култураси ҳам ўз билимини ошириш, мастерлик устида жиддий ишлаши зарур.

«Совет адабиёти», 1936, 5-сон.

Ҳомил ЕҚУБОВ

Чўлпоннинг «Соз»и

(Чўлпон) Инқилобнинг дастлабки йилларида бадий жиҳатдан яхши ишланмаган сиёсий-деklarатив шеърларда пролетариат диктатурасига душман эканини кўрсатди. НЭП ва тикланиш даврида буржуазиянинг актив ижодий кучига айланди. Миллатчилик-буржуазия ўрмонларида адашди. Ўзининг жанговар қуроли — поэзиясини ўсиб бораётган социализмга, пролетариат мафкурасига қарши йўналтирди. Романтик равишда ўтмиш билан боғланди. Утмишни, босмачилик ҳаракатини идеаллаштирди. Уни катта муҳаббат, пафос ва рағбат билан чизди. Совет ҳокимиятини мустаҳкамланаётганини сезган пайтларда пессимизмга тушди ва советларга қарши кучларга кўз тикди, йиғлади.

Очиқдан-очиқ национализм, босмачилик ҳаракатини кўкка кўтариб, унга мадад бериш, ўтмишнинг хаста романтикаси, инқилобий турмушни бузиб, айнитиб кўрсатиш, баъзан чуқур умидсизликка тушиш, ўзининг буржуа-индивидуалистик қобиғига бурканиш, Чўлпоннинг бадий практикасининг характерли хусусиятидир.

«Соз» тўпламида Чўлпон шеърларида социалистик соддалик, бадий ҳақиқат ва ростгўйлик, поэзияни халққа етказиш, омманинг руҳини ташкил этиш моментлари ҳали кучсиздир. У ўз поэзиясида замонамиз қаҳрамонларининг образларини, янги характерларини равшан қилиб чизиб бергани йўқ. Унинг лирикасида одам характерининг айрим ҳолатлари, янги одамларнинг эмоциялари, кечинмалари образли тўлиқ акс этгани йўқ.

«Совет адабиёти», 1936, 6-сон.

Қ. БЕРЕГИН.


Большевиктик ҳушёрликни баланд кўтарайлик

Аксилнқилобий ўзбек буржуа миллатчиларининг қолдиқлари партиямизга, совет ҳукумати-мизга қарши кураш қуролларини ташлаганлари йўқ ҳали. Бу душман унсурлар қаерда бизнинг заиф жойларимиз бўлса, шундан ўз курашлари учун фойдаланиб, зарарқунандаликларини давом эттирмақдалар. Баъзи бир участкамизнинг бошида ўтирган раҳбарлар ва масъул ишчиларимиз большевиктик ҳушёрликларини йўқотиб, миллатчи унсурларнинг ҳийла тузоқларига илиниб, синфий душман қўлида қандай ўйнаганларини сезмайдилар.

Олайлик, масалан, Ўзбекистон Давлат нашриётини. Бунда миллатчилар уя солган, давлатга мафкуравий ва моддий зарар келтирганлар, нашриёт раҳбарлари эса шу душман унсурлар томонидан олиб борилган зарарқунандаларга йўл қўйганлар ва шу миллатчиларни ишга чақириб нашриётнинг қучоғида масъул ўринларга қўйгонлар. адабиётимиз фронтимизнинг активларидан ўртоқ Зиё Саид ва Фатхуллинларнинг миллатчи Ғози Юнусга сиғиниб, ундан адабий «консультация» олишлари, ўртоқ Зиё Саиднинг очиқ миллатчилик руҳида тузилган театр тўғрисидаги китобини, миллатчиларнинг театр ҳақидаги ўз тилак ва йўлларини ўтказиш учун бундан ўн йил муқаддам ёзган мақолаларини тўплаб бу йил чиқариши, Зиё Саид ва Фатхуллинларнинг ўз ҳушёрликларини, коммунистик масъулиятларини қанчалик йўқотгонликларини, миллатчи унсурларнинг таъсирига берилганликларини, улар билан муносабатда бўлганликларини кўрсатади.

Адабиёт фронтдан ҳайдалган, бутун миллатчилик зарарқунандаликлари фош қилинган Ўзбекистон совет ёзувчиларининг кенг пленумида қаттиқ танқид қилинган машҳур миллатчилардан Миён Бузрук Солиҳов Халқ Маориф Комиссарлигининг йўлланмаси билан Самарқанддаги Давлат университетининг адабиёт кафедрасига профессор қилиб юборилади. У ерда ўз қора ишини давом эттиради. Ҳушёрлигини йўқотган Самарқанд ёзувчилари ва уларнинг раҳбарлари ўз дискуссияларига Миён Бузрукни иштирок қилдирдиларгина эмас, ҳатто унга минбар бериб, беш-олти соатлаб нутқини тингладилар. Совет ёзувчилари союзининг йўлига, Ўзкомпартия Марказқўмининг органи «Қизил Ўзбекистон» газетасининг йўлига қарши тўхматдан иборат бўлган бу миллатчилик чиқишига на Самарқанд ёзувчилари ва университет раҳбарлари зарба бериш у ёқда турсин, унга иккинчи куни такрор сўз берадилар.

«Совет адабиёти», 1936, 7—8-сонлар.



В. Верешчагин

1868 йилда САМАРҚАНД

Рассом хотиралари

1

Биз ҳаммамиз, яъни Самарқандни «забт этувчилар», генерал Кауфман¹ изидан бориб, амир саройига жойлашдик; ниҳоятда баланд ва кенг хоналардан иборат асосий бинони генерал, сарой атрофидаги уйларни² биз — қароргоҳ аъзолари эгалладик; менинг қадрдоним, генерал Головачев³ нинг чекига эса амирнинг собиқ ҳарамни тушдики, илгарилари ҳар қандай мард, жасур жангчининг ҳам бу ерга қадами етиши амри маҳол эди, табиийки, биз келгунча барча қушчалар қафаслардан бўшалиб, учиб кетишга улгуришганди.

Генерал Кауфман хоналари билан бизнинг уйларимиз Темурлангнинг⁴ машҳур тахт залига тутшиб кетганди. Муҳташам сарой айланаси ҳашаматли йўлакдан иборат бўлиб, тўрда чиройли бўртма нақшлар билан зеб берилган катта оқ мрамор бўлаги — улғувор тахт — Кўктошнинг айни ўзи турарди. Бу ерга — мана шу саройга бутун Осиё ва Оврупонинг кўпгина жойларидан ҳукмдорлар ҳамда элчилар таъзим бажо этгани ташриф буюришар, тобелик ва садоқат рамзи сифатида қимматбаҳо совға-саломлар келтиришарди. Темурланг (сўзма-сўз Оқсоқ Темур маъносиди) бу тахтда виқор тўкиб ўтириб, кўп сонли вассалларини қабул қиларди. Мен кўпинча генерал Кауфман билан ҳозир биз забт этган жойларнинг тарихи, бу ерга келишга улгурган сайёҳлар, китоблар ва ҳоказолар ҳақида фикр алмашган ҳолда залда айланиб юрардим. Биз, айниқса, машҳур Вамбери асарида учрайдиган ноаниқликлардан ҳайратга тушдик, масалан, у Кўктош тахти ҳақиқатан ҳам яшил деб қайд этган, тахт устига ўрнатилган темир тахтачага битиклар ёзилган деб таъкидлаган эди, аслида тахт оқ, янаям тўғрироғи кулрангга мойил бўлиб, ёзувлар тошга ўйилганди ва ҳоказо. Генерал Кауфман бундай олди-қочдиларни кўргач. Вамбери умуман Самарқандда бўлмаган деган мулоҳазани билдирди.

Мен ҳар куни шаҳар ва унинг атрофларида кезиб, мачитлар, бозор, мактабларни, айниқса, ғалати тасодиф билан сақланиб қолган кўпдан-кўп эски мачит намуналарини кўздан кечирардим; ўрганиш ва расм чизиш учун шунчалик манба кўп эдики, ишни қайси биридан бошлашни билмай одам шошиб қоларди: табиат, иморатлар, қиёфалар, кийим-кечаклар, урф-одатларнинг ҳамма-ҳаммаси янги, асл ажойиб эди.

Бухоро амираи шаҳарни қайтариб олиш учун 30—40 минг кишилиқ қўшин билан биз томонга келаяпти, деган миш-мишлар тарқаганди. Кауфман қарши ҳужумга тайёргарлик кўра бошлади, биринчи навбатда аҳолини тинчлантириш ва хавфсизликни таъминлаш учун янги забт этилган шаҳар атрофларига қўшин юборди. Шарқнинг эски ва янги шоирлари томонидан тинимсиз мадҳ этилган, дабдабали, тенги йўқ, илоҳий Самарқанд ҳақидаги турли сифатларни тўғридан-тўғри қабул қилмаслик керак, чунки Самарқанд

¹ Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори, босқинчи рус армиясининг бош қўмондони.

² Рассом бундай муҳташам уйларни аввал кўрмагани учун ҳатто уларнинг номини ҳам билмайди ва Кавказдагидек «Сакла» деб атади. Зобит бундай атама Туркистон шаҳарларида умуман ишлатилмагани ҳақида уйлаб ўтирмайди ҳам. (Махсус кўрсатилмаганидан бошқа барча изоҳлар таржимонники — Таҳририят).

³ Шафқатсизлиги билан ном чиқарган чор зобити. Айниқса, Хива урушида, Қўқон хонлигини забт этишда «ўзини кўрсатган». Евмут туркманларини қатли ом этган чор қўшинларига қўмондонлик қилган. (Қаранг: Баёний. Шажарани Хоразмшоҳий. «Шарқ юлдузи» ойнамаси, 1990, 8-сон)

⁴ Русия ва овруполиклар Амир Темурни камситиб, ана шу таҳқирловчи ном билан атаганлар.

ҳам барча Осие шаҳарлари каби етарли даражада ифлос ва бадбӯй эди.

Генерал Головачёв Каттақўрғон қалъасини қўлга олиш учун отланди, мен ҳам жанг манзараларини жилла курса энди яқиндан кўраини деган умидда бу кичик сафарга бирга бордим, аммо чангдан бошқа ҳеч нарсага кўра олмадим, чунки отряддаги зобитларни ҳаддан ташқари афсуслантирган ҳодиса юз берди — қалъа жангсиз таслим бўлди. Суворийлар бошлиғи Штрэндман ишнинг бундай тинч якунланганидан ниҳоятда ғазабланди ва қалъанинг таслим бўлганини билдириб, садоқат изҳор этиб келган элчи¹ ларни менга топширинг, уларга довуракликни ўргатиб қўяман, деб генералдан талаб қилди. Отряд оташинлик билан кутган иш қўлдан кетди — мукофотлар, нишонлар, мартабалар бой берилди — алам қилмайдими?!

Бояги суворийлар бошлиғи ўз казакларини гўшт билан қандай таъминлаганини эшитиб, кулгидан ўзимизни тия олмадик. Аҳоли йўл атрофидаги ҳамма молни ҳайдаб кетганлигидан ҳеч нарса топиб бўлмасди, шунда полковник қатъий чораларни қўллашга қарор қилади ва вахмистрни чақиради.

— Нега бизнинг буқалар узоқда боқилаяпти?

У ҳанг-манг бўлиб қолади.

— Қандай буқаларни айтяпсиз, жаноби олийлари?

— Бизнинг буқаларимиз деяпман-ку сенга, нима, кўрмаяпсанми?— У қўли билан қаршимизда ястаниб ётган бадавлат Зарафшон водийсида ўтлаб юрган молларни кўрсатади.

— Кўраётганим йўқ!..

— Гап қайтарилмасин! Ҳозироқ бу ёққа ҳайдаб келинсин!

Бир неча буқани отрядга ҳайдаб келишади ва уларни бир зумда шунчалик паққос туширишадики, эгалари генералга шикоят қилиб келишганда, уларнинг на суяги, на терисидан ном-нишон қолган эди. Генерал казакларнинг найрангини сезди ва товон тўлашга мажбур бўлди.

Кавказлик жасур зобит Пистолькорс жануби-шарқ томондан келаётган Шаҳрисабз ва китоблик ўзбек аскарлари тўдасини тизга тортиш учун юборилган эди. У қўшинни енгашга энгди, ҳатто барча ғолиблар каби жанг майдонида тунаб ҳам қолди, аммо манзилга қараб юриши биланоқ, душман яна бирлашиб, шундай зарба бердики, таъбир жоиз бўлса, унинг нақ елкасига миниб олиб, Самарқандгача қувиб келди. Генерал Кауфман ва биз қайтиб келаётган отрядни кутиб олиш учун отландик, шаҳардан ташқарига чиқишимиз билан бизни ўққа тутишди, атрофдаги дарахтзорлар орасида шундай қизгин отишма бошландики, кўмондоннинг хавфсизлигини таъминлаш учун ёнимиздаги барча казакларни шу заҳотиёқ қарши ҳужумга ташлашга тўғри келди; биз ярадорларни олиб, қайтишга мажбур бўлдик. Оқибати чекиниш билан якунланган бояги ғалаба кўпчилик зобитлар орасида норозилик уйғотди, ботир зобит, учига чиққан машатбоз полковник Назаров Самарқандга қараб қилинган бу кейинги ҳаракат жуфтакни ростлашдан бошқа нарса эмас, деб баралла гап тарқатгани учун Кауфман томонидан қамоққа олингани ва бўлажак ҳарбий ҳаракатларда қатнашишдан маҳрум қилингани ҳақида эшитдим.

Ерли аҳоли буни чинакам муваффақият деб ўйлаб, хурсандчилигини яшириб ўтирмади, аслида эса у бизни ёв ҳали батамом мажақлаб ташланмагани, бор-йўғи лат еганидан огоҳлантирди, шарқда бундай ҳодиса тез-тез учраб туради. Тезликда ўзини ўнглик олган рақиб ҳали курашга қодирлигини билдириб қўйганди. Нима бўлганда ҳам шаҳарни душман қуршаб олди, деган хабар бир зумда тарқалиб кетди. Биз, ёшлар, парвойи-палак эдик, отрядга оз ёки кўп даражада бирон-бир ҳавф туғилиши ёки ўзимга қандайдир зиён-заҳмат етиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ҳар куни бир казак ҳамроҳлигида бозор ва шаҳардаги кўчалар ва йўлчалар бўйлаб айланардим, ҳаётим ҳар соат, ҳар дақиқа қил устида бўлганлигини кейингина англаб етдим. Кўшмин кўмондони шаҳардан ташқарига чиқаётган пайтда айрим кўчаларда мулланнинг ваъзини жон қулоғи билан тинглаётган аксари ўрта яшар одамлар тўдаси учраб турарди; Пистолькорс отряди қайтган куни эса бундай ваъз ўқиётганлар сони кўпайган, чамамда халқни кофирларга қарши жангга отланишга чорлашаётган эди. Қалъага тезроқ етақолай, деб бозорга борадиган катта кўчадан бурилиб, тор, қинғир-кийшиқ йўлдан кетаётганимда, муюлишлардан биридаги мачитнинг катта дарвозаси очилиб кетди, ичкарида одам тўла эди, қизил кийимли киши — Бухоро амирининг айғоқчиларидан бўлса керак — нутқ сўзлаб турарди. Халойиқ тарқалаётган пайтда энг кейинда овози ва қўл ҳаракатлари билан халқни кўзғалишга даъват этиб менинг танишим — Шердор мачитининг катта мулласи борарди.

— Салом, мулла!— дедим мен; у жуда дарғазаб бўлса-да, ҳамманинг кўз ўнгида ўзига узатилган қўлни олиб кўришишга мажбур эди.

Генерал Кауфман шаҳардан чиқиши¹ биланоқ аҳоли кўзғолон кўтармоқчи, деган гап айланиб қолди. Аммо мен туну кун ерли аҳоли орасида кезиб юрар эканман,

¹ Гап бу ерда рус кўшинларининг Бухорога ҳужумга отлангани ҳақида кетаяпти.

худди шундай бўлади деган фикрга аллақачон келган эдим, бошқа ҳаёл, ҳатто тасаввуримга ҳам сиғмасди. Шу кунларда мен шаҳар ташқарисидagi Шоҳи Зиндага — Темурлангнинг ёзлик саройи шундай аталарди — элтадиган йўлдан бориб, у ердаги мачитлардан бирида сақлиниб қолган, бир вақтлар унга тенгсиз кўрк бағишлаб турган мўъжизакор нақшлар тасвирини чизаётган эдим. Уруш манзаралари ўрнига ҳаммаёқда нуқул қиш, чангу ғуборни кўравериш меъдамга тегиб кетганидан биринчи оқазия¹ биланоқ Самарқанддан қайтиб, Қўқонга саёҳатга жўнашга қарор қилганим учун ҳатто генерал Кауфман билан хайр-хўшлашиб ҳам қўйгандим. Бахтга қарши, эртаси кун, у кетгандан кейин шаҳарни қуршаб олган шахрисабзликларнинг таҳдиди туфайли ҳали-бери оқазия бўлмаслигини маълум қилишди, бунинг устига шаҳар мададга муҳтож эди, 3 қақиримга чўзилган деворни қўриқлаш учун қалъамизда бори-йўғи 500 одам бор эди.

Яна бир кундан кейин, эрта тонгда сарой ҳовлисидаги мен истикомат қилаётган хонага ерли аҳолини бошқариш учун қолдирилган ураллик казак, майор Серов чоғиб кириб келди. У қуролланган халойиқ бизга очикдан-очик душманлик кайфиятида турганлиги ваҳидан бундан кейин шаҳарга бормаслигини тайинлади. Шаҳрисабзликлар шаҳар остонасига келиб, ичкарида исён кўтарилиши ва қалъага ҳужум бошланишини кутишаётган эмиш.

— Худо ҳаққи, қалъа деворидан ташқари чиқа кўрманг,— деб мени огоҳлантиради у,— ўлдириб қўйишлари мумкин, исзиз гумдон қилишади, ким ўлдирганиниям аниқлаб бўлмай қолади.

Афғон отрядимиздаги бир форснинг суратини кун кечагина чиза бошлагандим. Агар шу қўлимни ушламаганда, тан оламанки, бу гал ҳам ҳеч қандай хавф-хатардан кўркмасдан шаҳарга отланган бўлардим.

Душман Бухоро тарафидан бостириб келади, деган тахмин тўғри чиқди, эртаси кун, тонг саҳарда ҳужрамдан² чиққанимда қўлларига дурбин ва кузатув асбоблари ушлаган қалъа маъмурларини кўрдим.

— Нима гап?

— Мана бу ёққа қаранг!

Кўпчилик ўқувчилар В. Верешчагинини фақат рассом сифатида билишади. Дарвоже, унинг мўйқаламидан чиққан катта-кичик расмлари санъат муҳлислари орасида тилга тушган. У чизган Туркистон мавзудидаги турли манший лавҳалар ҳамда жанг манзаралари тасвири шафқатсиз реализми билан ажралиб туради. Уларда ранг-баранг бўёқлар, шарқ халқлари ҳаёти, санъати, турмушига доир хилма-хил лавҳалар, нақшлар, безаклар, кошнлар жилоси анча тиниқ акс эттирилган. Айниқса, В. Верешчагинининг «Темурланг дарвозаси» деб аталган расми ҳақида кўп ёзилган. Унда чиройли нақшлар билан зийнатланган улкан дарвоза олдида донг қотиб турган икки соқчи тасвирланган, уларнинг қўлида узун найза, жанговар кийимлари бошдан-оёқ зирҳга ўралган: қалқон, совут, бошларида дубулға... Расм шунчалик жонли чизилганки, тасаввуримизда ҳозир эшик очилади-ю, жаҳонга доврўғи кетган буюк Темур ичкаридан чиқиб келадигандек туюлади...

Мен бу рассом ижоди билан ана шу сурат орқали илк бор танишган эдим. Янглишмасам, у бир пайтлар кичик бир мақола билан «Гулистон» ойномаси зарварақларида эълон қилинганди. Кейинчалик унинг кесилган калла уюмлари устида ғужғон ўйнаётган қора калхатлар тасвирланган «Уруш даҳшати» ҳамда кўкнорихонада кайф қилиб ўтирган нашавандлар қиёфаси чизилган асарларини кўрганман. Кейинги икки сурат нохуш кайфият уйғотади, айниқса, исқирт одамлар, рўдапо, жулдур кийимлар тасвирини кўрганда очиғини айтганда, жирканиш ҳисси пайдо бўлади.

Москпадаги мушўр Третьяков суратгоҳида бўлганимда бу рассом қаламига мансуб «Ғолиблар базми» асарини кўриб, сесканиб кетган эдим. Унда Самарқанддаги Регистон майдони тасвирланган. Тун. Гулхан ловуллаб ёниб турибди. Турли кийимдаги олаговур одамлар тўдаси... Қатор қадаб қўйилган ҳодаларнинг учига... рус аскарларининг калласи санчиб қўйилган... Бу расмини кўрган ҳар қандай кишининг даҳшатга тушмай ёлжи йўқ. Унда ёвузлик, шафқатсизлик қаттиқ қораланган. Аммо расм замирида рус зобитининг бошқа пинҳоний ниятлари усталлик билан эмдан ифодаланган. У Самарқанднинг чинакам ҳўжайинлари — ўзбекларни ёвуз, боқинчи, қонхўр одамлар сифатида гавдалантириб, уларга нисбатан европаликларда қаттиқ қаҳр-ғазаб, нафрат уйғотмоқчи, «шарққа маданият элтаётган» рус аскарларининг аянч қисматини бўрттириб кўрсатиб, кўз ёши тўкмоқчи бўлган... Мен мана шу расмини кўргунимча, В. Верешчагинини чинакам реалист рассомлар қаторида санаб эдим. Ногоҳ фикрим ўзгарди. У оддий тарафқаш, чор Россиясининг бошқа халқларни босиш, қўл қилиш, талаш сиёсатини маддоҳлик билан қўйлаган, унга садоқат билан хизмат қилган сотқин ижодкорлардан бири сифатида кўз ўнгимда намоён бўлди. Аждодларимиз қиёфасини исқирт: рўдапо қилиб тасвирлашга зўр бергани бежиз эмас экан унинг!

Рассомнинг «Живая старина» ойномасида [1888 йил, сентябрь] босилган хотиралари ҳам бу фикримизни тўла исботлаб беради. Аслини олганда, бу асар Самарқанд қалъасида қисқа муддат қамалда қолган боқинчи аскарларнинг «мардлиги», «жасорати»ни улуғлаш учун ёзилган. Бу жанг-жадалда шахсан иштирок этган ва қўлига қалам эмас, қурол ушлаб, ўз она юртини ёвдан ҳи-

¹ Озиқ-овқат, қурол-яроғ ва бошқа нарсаларни элтадиган ҳамда почта ташийдиган махсус қисм.

² Бу ерда ҳам «аскла» дейилган.

Дурбинда ҳам, дурбинсиз ҳам шаҳар узра юксалган Чўпон-ота тепалиги қўшинга тўлиб кетгани аниқ-таниқ кўриниб турарди, милтиқ найзалари қуёш нурида ярқирарди. Аскарлар орасида отлик бошлиқлар айланиб юришар, чопарлар серҳаракат бўлиб қолишганди. Орамиздаги баъзи ёши катта зобитлар ҳозир қалъага ҳужум бошланади, деган қатъий фикрда эдилар, бошқалар эса бундай бўлишга мутлақо ишонишмасди, мен ҳам ана шу кейингилар қаторида эдим. Мунозара қилаётганлар ичида қалъа қутволи, майор Штемпель, бояги Серов ҳамда юқорида айтганимиздек, тили заҳарлиги учун жазога дучор бўлиб, Самарқандда қолдирилган полковник Назаров бор эди, мен у билан шу пайтгача таниш эмасдим.

Шу куни афғоннинг суратини деярли битираёзгандим, фақат оёқларини чишишим қолганди, аммо бугун бундан уйдалай олмаслигимга кўзим етди. Ёдимда бор, кечқурун сапёр Б.нинг таклифига мувофиқ душман шаҳар томондаги қалъа деворига туташ кўтармани қандай кўпораётганини кўргани бордим. Генерал Кауфман кетишидан олдин эски деворнинг бузилиб, бемалол ўтиш мумкин бўлиб қолган жойларини тузатишни мана шу зобитга топширган, аммо муҳандислар жиддий ҳужум бўлишига ишонишмаганлигидан бу ишни қўл учиде бажаришаётганди, Чўпон-отага тўпланган ёв қўшинини кўргандан кейингина улар ғайратга кириб кетдилар. Шунисиғаям шукур, шаҳарга ўтиш мумкин бўлган энг катта ўпирилган жойни жанг бошлангунча тузатиб улгуришди, агар ярим соат кечикишганда борми, бутун қалъа қўлдан кетган бўларди.

11

Эртаси куни афғоннинг чала қолган суратини битирмоқчи эдим, хизматимдаги казак эндигина олиб келган чойни ичаётган пайтимда узундан-узоқ отишма бўлиб, «ур! ур!» деган даҳшатли қийқириқлар эшитилди ва у кучайгандан кучайиб борди. Аҳвол жиддийлигига ақлим етди: қалъага ҳужум қилишарди!—револьверимни чангаллаб, жоним борича отишма бўлаётган жойга—Бухоро дарвозасига югурдим. Қарасам, ўзи тушган уй олдида ранги оқариб Серов турибди, ҳадеб мўйловини асабий ҳолда юлқиб бураяпти—бу жасур,

моя қилиш учун отланган аждодларимиздан қанчадан-қанчасини ер тишлатган рассом ўзи кўрган, гувоҳ бўлган воқеаларни, қирғин ва қатли ом манзараларини батафсил тасвирлайди. Тарихнинг тақозосини қарангки, В. Верешчагин ўзи хооҳламаган ва асло кутмаган ҳолда чоризмнинг босқинчилик сиёсатини бевосита амалга оширган қонхўр рус зобитлари башарасини фош қилиб қўяди. Қонли қилмишларини, талончилик, зўравонлик, ўгрилик, муттаҳамликдан иборат ёвуз кирдикорларини фош этади.

Асарда бир қанча рус зобитлари тасвирланган. Булар орасида Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори, рус армиясининг бош қўмондониди генерал фон Кауфманга бағишланган саҳифалар алоҳида ажралиб туради. Кейинчалик халқимиз орасида «қутурган йўлбарс» лақаби билан ном чиқарган бу «ярим пошшо» мураккаб қиёфага эга. Самарқанд шаҳри деярли қаршиликсиз таслим бўлган пайтда у «олижаноблиги», «саховати»ни кўрсатиш учун талончиликка йўл қўймайди. Бу билан яхши ном қозониб, чор Россияси ҳукумати мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда халқни осонликка тобе этишни мўлжаллайди. Чор қўшинларига қарши исён кўтарилгандан кейин эса Кауфманнинг сохта ниқоби тушиб, манфур башараси яққол кўринади. Самарқанддаги тинч аҳолини аёвсиз қиришга, мол-дунёсини талаб, шаҳарни вайрон қилишга буйруқ беради. Айниқса, асар хотимасида бу генералнинг шафқатсизлиги, ёвузлиги таъсири манзараларда чизилган.

Хотираларда полковник Назаровнинг қилмишлари тасвири учун анча кенг ўрин берилган. Уччига чиққан маишатбоз, ароқхўр бу зобит бегуноҳ кишиларни қириш, кўҳна мачитларни, буюк обидаларни ёндириб, ер билан яксон қилиш учун катта «жонбозлик» кўрсатади.

Узига бино қўйган бу маккор зобит ўлжага олинган байроқни аскарларга пайтава қилиб улашди. «Самарқандни ёндирувчиси» бўлиб «тарихга кириш», «ном қозониш»дек манфурликдан ўзини тиёлмайди у. В. Верешчагин бу манзараларни «халис» тасвирлайди: «қаердан ўтган бўлсак, орқамиздан қора тутун бурқсиб кўтариларди», — деб очикчасига ёзади.

Босқинчилар ўлкамизни қилич ва тўп билан, зўравонлик билан забт этганини бугунги кунда тилга кирган турли-туман ҳужжатлар, далиллар исботлаб бермоқда. В. Верешчагин асарида тасвирланган ўликларни топтаб, янчиб ўтаётган, мурданинг кўзига найза санчаётган, кекса кампир билан навжувон ўсмирни аямай қиличдан ўтказаятган, бегуноҳ муллани миноранинг учидан улоқтириб юборгани ҳақида мақтанаётган, буюк обидаларга ўт қўяётган бағритош аскарлар ҳақли равишда ўқувчи нафратга учрайди. Бу саҳифалар чоризм босқини ҳақидаги тасаввурларимизга аниқлик киритади, фикримиз уфқларини кенгайтириб, тарих ҳақиқатини қайтадан тиритиради.

Чор армиясининг садоқатли зобити бўлган В. Верешчагин Самарқанд шаҳридаги «мардлиги ва жасурлиги учун» ўз замонасидаги энг олий мукофотлардан бири «Георгий крести» нишони билан тақдирланган.

Афсуски, истеъдод ва инсонийлик ўртасида баъзан ўтиб бўлмас ғовлар, чуқур жарликлар

кетворган казак оғир аҳволга тушиб қолганда доим шундай қиларди.

— Мана буни қаранг-а, мана буни қаранг!— деб такрорларди у.

— Нима, ишимиз ёмонми?

— Ҳозирча ёмон эмас, аммо кейин нима бўлади? Узингиз биласиз, гарнизонимизда 500 одам бор, улар эса, мендаги маълумотларга кўра, 20.000 дан ортиқ.

Мен олдинга қараб чопиб кетдим. Мана, Бухоро дарвозаси. Тепадаги майдончада тунун ичида қолган аскарлар душман томонга тинимсиз ўқ ёғдиришади, югуриб борар эканман, ҳимоячиларимиз озлигини кўриб, биринчи дуч келган, ўқ еб ўлиб ётган жангчининг милтигини олдим, чўнтагимни ўқ-дорига тўлдириб, ҳарбий дўстларим билан биргаликда 8 кун қалъа мудофаасида турдим, бу азбаройи қандайдир қаҳрамонлигимдан эмасди, гарнизонимиз оз сонли эди, шунинг учун госпиталдан эндигина тузалиб чиққан, ҳали кучга кирмаганлар ҳам ҳеч бўлмаса найзалар сонини кўпайтириш учун хизматга сафарбар қилиндики, соғлом одамнинг бир чеккада томошабин бўлиб туриши гуноҳи азим ҳамда тасаввурга сиғмайдиган ҳол эди.

Биринчи ҳужумни даф қилиб, дарвозани амаллаб ёпиб олдик, душман орқага силжиб, деярли деворларга туташиб кетган уйларга жойлашиб олди ва биз томонга тинимсиз ўқ ёғдиришда давом этди, улардаги милтиқлар, табиийки, жуда ёмон бўлиб, ўқи йирик эди, аммо мерганлик билан отишарди, бунинг устига биз ўқ узиб, мўлжалга тегизишга қийналардик, сабаби улар уйлардаги кичик-кичик туйнукчалар орқали бизни бемалол нишонга олишарди. Биз томонда бундай туйнуқлар йўқлиги учун деворнинг нурай бошлаган бўғотидаги пана жойлардан туриб отардик, талафот ҳам шунга яраша кўп эди. Ёшроқ аскарлардан бири беғамлик қилиб уйдан бошини чиқарган ўзбекни менинг кўз ўнгимда қулатди, яна ботирлиги кўзиб, туйнуқлардан бирига қаратиб чаққонлик билан ўқ уза бошлади, рақибнинг милтиғи ишдан чиқдими ё тумшугидан ўқ едими, ҳар қалай талай вақтгача у томондан ўқ отилмади. Руҳланиб кетганидан завқланиб кулиб, ўзича ҳазил-мутойиба қилиб турган аскар ногоҳ кесилган дарахтдек қулади, нақ манглайдан ўқ еган эди, унинг отилмай қолган патронларини мерос қилиб олдим. Қовурғасига ўқ теккан яна бир аскар кўлидан милтигини тушириб юборди, у кўкрагини чангаллаганча майдончада зир айланиб қичқирар эди:

мавжуд бўлар экан. В. Верешчагиннинг ҳаёт йўли ва ижоди бунинг энг яхши мисоли. Китобхон бу фикримизга янада ишонч ҳосил қилиши учун рассом хитраларининг давоми бўлмиш «1877 йилдаги Андрианополь босқини» («Живая старина», 1888, II-сон) очеркидан бир лавҳа келтирамиз. Муаллиф бир ўринда булғорларнинг чақувига кўра икки албан йигити қамоққа олиниб, боғлаб қўйилгани ҳақида ёзади.

Томошаталаб рассом генерал Струковдан, буларни дорга осинг деб илтимос қилади. Генерал бунга кўнмайди, Ҳатто ҳайрон қолиб: «Василий Васильевич, сизни бу даражада қонхўр деб ўйламагандим. Нега бунчалик ёвуз бўлиб кетдингиз!»— деб таъна қилади ҳам. Рассом эса дорга осин манзарасини кўришни хоҳлаган эдим, деб бамайлихотир жавоб беради.

В. Верешчагиннинг рассомлиги, истеъдоди ўз йўлига. Аммо қандай одамлиги, маънавий дунёси, қалби қанчалик пуч эканлигини, зўравонлик, ўзгаларни эзиш, таҳқирлаш руҳи қон-қонига сингиб кетганини юқоридаги аччиқ манзара кўзгуда кўрсатгандек аниқ намоён этиб турибди. Афсус! Халқимиз топиб айтганидек, «Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин!»

В. Верешчагин ва у мансуб бўлган ғуруҳ босқинчилик сиёсатини муфассал авж олдираётган чоризмнинг садоқатли (аслида, манфур) қуллари сифатида тарихда қолди. Уларнинг ўзга халқларни эзиш, талаш, йўқ қилишдан иборат ёвуз кирдикорлари илғор инсоният вакиллари томонидан ҳамisha қораланади.

Шу ўринда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, чоризм сиёсати бутун рус халқининг асл манфаатлари учун бутунлай ёт, бегона эди. Ўз вақтида илғор рус змелилари босқинчилик ва талончиликка қарши фаол муносабат билдирдилар. Герцен ва Огарёвлар Лондонда туриб рус империализмининг истилочилик фаолиятини фош этувчи мақолалар эълон қилдилар. Буюк рус адиби Л. Н. Толстой бир қанча қисса ва ҳикояларида («Ҳожимурод»ни эсланг) ўз озодлиги, эрки учун рус зобитларига қарши мардона кўрашаётган тоғлик қаҳрамонларнинг олижаноб сиймосини катта меҳр, хайрхўшлик билан тасвирлайди. М. Ю. Лермонтов оташин шеърларида «ювқисиз Россия» устидан аёвсиз ҳукм чиқаради. Америка журналисти Мак-Гахан ўз хитраларида чор истибдодининг қонли манзараларини ҳаққоний чизиб беради. Туркистондаги ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этган В. Наливкин беғуноҳ қон тўкишларга чидай олмасдан чор армиясини ташлаб кетади ва чекка Нанай қишлоғида ер сотиб олиб, қўш ҳайдаб, ўз меҳнати, билак кучи билан тирикчилик қилишни маъқул кўради. Бундай фидойилар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Афсуски, улар орасида В. Верешчагиннинг номи йўқ.

Мазкур хотирани ўқиган ўқувчида яна бир савол туғилиши табиий. Одамларимизни камситувчи таҳқирловчи расмлар чизган, қонли уруш манзараларини «илҳом билан» тасвирлаган босқинчи рус зобитининг исми Тошкент кўчаларидан бирида нима учун ҳамон ўзгармай турибди! Бу саволнинг адолатли ечимини жамоатчилик ҳукмига ҳавола этамиз.

ТАРЖИМОН

— Ох, биродарлар, ўлдиришди, оҳ ўлдиришди! Оҳ, ажалим етди!

— Нега бақирасан, тентак, ётсанг-чи!—хитоб қилди унга яқинроқда турган ўртоғи, ammo бечора ҳеч нарсани эшитмасди, яна бир марта гир айланиб чиққач, гандираклаб ёнбошига қуладию ўлди, ўқ-дориси ҳам менинг заҳирамга қўшилди.

Кўп ўтмай майор Альбедил келиб, кичик зобитдан қўмондонликни қабул қилиб олди, душман эгаллаган маррани синчиклаб кузатгач, у-бу деб буйруқ берди: ammo у ҳам узоқ раҳбарлик қилолмади, ёдимда бор, ниманидир гаплашаётган эдик, у бирдан ўтириб қолди ва «яраландим» деди. Уни елкамда суяб, аскарлардан бирини чақирдим-да, аввал пастга олиб тушдим, сўнг дарвозадан бир чақиримча узоқликдаги амир саройига жойлашган шифохонагача олиб бордим. Альбедил охирги буйруқларни ҳам мардона берди, довдираб қолган аскарларни қаттиқ туришга, чекимасликка даъват қилди, сўнг шундай бўшашиб, шалпайиб осилиб қолдики, уни солдатларга бериб юборишга кўнглим бўлмасдан турар жойигача элтиб қўйдим. Ярадор йўлда ниҳоятда толиқди, замбил йўқ эди, манзилга бир амаллаб етдик.

— Сезиб турибман, ярам жуда оғир,— деди у.— Куним битганга ўхшайди.

Мен, албатта, унга тасалли бердим, ўқ оёғининг юмшоқ жойига текканини айтиб, ўтиб кетади, ҳали тузалиб, ўйинга ҳам тушиб кетасиз, деб кўнглини кўтардим. Дарҳақиқат, у тузалди, ўйинга тушадиган бўлди, ammo бухороликларнинг ўқи барибир кучини кўрсатди, у мен ўйлагандан кўра кўпроқ зарар етказди, суякни тешиб ўтмаган бўлса-да, мажақлаб ташлагани учун унга неча йилларгача азоб бериб юрди.

Альбедилни докторга топширгач, яна орқага — отишма ва «урҳо-ур» қайнаб ётган дарвоза томонга чопдим. Озгина юрмасдан, чапда, девор муюлишида турган бир гуруҳ аскарларга кўзим тушди: улар тўда бўлишиб журъатсиз овозда «ура!» деб қичқиришганча ҳужум қилаётганларнинг бошлари ҳар лаҳзада кўриниб турган бўғотларга қараб тартибсиз ўқ узишарди.

— Ҳаммамиз шу ерда ўлиб кетамиз,— таъкидлашарди қовоғи солиқ, аскарлар.— Парвардигор гуноҳларимиз учун жазо берди! Тирик чиқолмайдиган бўлдик. Кауфмангаям балли-е, истеҳком қурмади-ю, бизни ташлаб кетди-қолди...

Кўлимдан келганча далда бердим:

— Шунчалик обидийда қилишга уялмайсизларми? Ҳали туриб берамиз, наҳотки тириклай таслим бўлсак?

Девор оша биз томонга улоқтирилган номаълум олов жисм аскарларнинг ўтакасини ёриб юбораёзди.

Бир гуруҳ аскарлар зобит бошчилигида девор бўйлаб анча наригача боришди — юқорида номи тилга олинган полковник Назаров қалъага ёпирилган фалокатни кўргач, қамоққа олинганини дарҳол унутиб, қурол ушлашга мадори келадиган шифохонада ётган ўз батальонига қарашли аскарларни тўплаб энг хавфли нуқтага етиб келганди. Унинг ёнига бутунлай довдираб қолган жангчилар чопиб кела бошлашди.

— Жаноби олийлари, ёриб ўтишяпти, ёриб ўтишяпти!

— Қўрқманглар, биродарлар, мен ёнингиздаман.— Унинг хотиржамлик ва ишонч билан берган жавоби тинимсиз ҳужум ва шовқин-сурондан гангиб, ўзини йўқотиб қўйган аскарларга жуда тез таъсир кўрсатди.

Шу дақиқадан бошлаб Урта Осиёга доир ҳарбий ҳаракатлар солномасида батафсил баён этилган ва саккиз кун давом этган мудофаа чоғида иккимиз доим бирга бўлдик.

Яна «ур! ур! ур!» деган қичқириқлар тобора яқинлаша бошлади ва девор узра ҳужум қилиб келаётганларнинг каллалари кўринди, улар қалъага ўтишга тайёрланишаётган эди, чамамда. Аскарлар буйруқни кутиб ўтирмасдан бирваракайига ўқ ёғдиришди, каллалар ғойиб бўлди ва атрофга сукунат чўкди, осонгина кириб олишни мўлжаллаган оломон кучли қаршиликка дуч келгач, девордан узоқлашди. Гап шунда эдики, деворнинг нураган мана шу жойида ҳар икки томонга бемалол ўтиладиган сўқмоқ бўлиб, уни ҳали ёпиб улгуришмаганди, қалъага кириладиган махфий йўлларни беш қўлдек яхши биладиган маҳаллий аҳоли ҳужумчиларни бу ёққа тўғри бошлаб келишгани аниқ эди.

Команданинг бир қисмини қолдириб, бошқа томонга кетдик. У ёқдан олдинда-кейин бир неча ранги бўзарган, ҳарсиллаб қолган аскарлар Назаровнинг олдига чопиб келишарди. Улар етиб келмасданоқ узоқдан туриб:

— Жаноби олийлари, у ёқда ёриб ўтишяпти, у ёқда!— деб қичқиришарди.

Дарвозадан ўнгга қараб ташландик, бир тўда қорамағиз ўзбеклар деворнинг ўпирилган ва ёғочлар билан нари-бери тўсиб қўйилган жойини эндигина бузишаётган экан, улар найзбозлик тугул узоқдан ўқ узишимизни ҳам кутмаган чоғи, биринчи ҳамладаёқ қочиб кетишди.

Уч чақиримга чўзилган бу қалъанинг ҳамма ёғи илвиллаб қолган, хоҳлаган

жойидан ёриб ўтиш мумкин эди, бунинг устига ичкаридаги сон-саноксиз уйчалар унга тутшиб кетган эдики, мабодо душманнинг озгина қисми кириб олса, уларни ҳайдаб чиқариш жуда қимматга тушган бўларди.

Одам айтишга ҳам, ҳатто эслашга ҳам уялади: биз орқага эндигина бурилгандик. Николай Николаевич Назаров карам шўрва ичиб олсак ёмон бўлмасди, деб оғиз жуфтлаган эдики, аввалги жойимиздагилар изимиздан чопиб келиб қолишди:

— Жаноби олийлари, авф этасиз, ҳужумга ўтишяпти.

Яна югуриб кетдик. Ҳеч ким кўринмас-да, кучли шовқин-сурон эшитилар ва кучайгандан-кучайиб борарди, ҳатто қичқираётган алоҳида овозларни ажратиш мумкин эди, улар жуда яқинда бўлиб, табиийки, деворни бузишга тайёрланишаётганиди, биз дамимиз ичимизга тушиб, кута бошладик.

— Девор устига чиқайлик, нима қилишаётганини кўрамиз,— деб шивирладим Назаровнинг қулоғига, кутавериб, тоқатим тоқ бўлганидан.

— Жим! — хитоб қилди у.— Қани, киришсин-чи.

Мана шу ҳолатни суратларимдан бирида акс эттирганман. Нақ бошимиз устида қийқириқлар эшитилиб турибди, довурак сарбозларнинг калласи бўғот лабида кўрина бошлади ҳам, «ура!» садолари янгради ва биз томонимиздан шундай кучли ўқ ёғдирилдики, яна найзабозликка эҳтиёж қолмади, душман орқага чекинди.

Бу бетўхтов ҳужумлар аскарларга кучли таъсир қилиб, гангитиб қўйганлиги кўриниб турарди, ҳамма жойда «маконимизни шу ердан топамиз» деб такрорлашарди улар. Вақти-вақти билан ҳазил-мутойиба қилиб, одамларнинг кайфиятини кўтариб туриш учун Назаров анчагина куч-ғайрат сарфлади. Умуман, ҳужум палласида аскарлар матонат билан туриб беришганини яққол ҳис қилдим. Ҳужумлар орасидаги озгина тиним чоғида ҳам рақиблар тез-тез ғашга тегиб туришарди: аллақанчаси девор бўйлаб яшириниб келар ва кўз очиб юмгунча милтиқларини бўшаптишиб, довираб қолган аскарлар жавоб қайтаргунча ғойиб бўлишарди, уларнинг ўқлари онда-сонда нишонга тегса-да, одамларнинг кайфиятини бузарди, бизникилар доим доғда қолишар, отган ўқлари эса девор бўлаклари кўчириб туширарди, холос. Буни кўриб ниҳоятда ғазабим кўзиди, милтиғимни шайлаб, қорабошлардан бири келармикин, деб анча вақт пойлаб турдим, ҳатто сабрим чидамасдан ёмон сўзлар билан сўкиниб юбордим ҳам — аскарлар шу заҳотиёқ танбەҳ беришди:

— Энди сўкишдан фойда йўқ, фурсат ўтди.

Аскарлар олдиниға мени «ҳазратлари» деб аташди, аммо Назаров Василий Васильевич деб мурожаат қилаётганини эшитгач, дарҳол уни илиб олишди ва тез орада бутун гарнизон — касалхонадаги беморларгача — «Василий Васильевич» кимлигини биладиган бўлди.

Шу пайт қалъадаги артиллерия бошлиғи, омадли жасур капитан Михневич ҳаммамизга девордан ошириб, душман тўдасига улоқтириш учун қўл гранаталари тарқатиб чиқди. Бахтга қарши ташқаридаги ғала-ғовур тиниб, уларни қайси тарафга улоқтиришимизни билмай қолдик, бунинг устига яна қандайдир ҳийла ўйлашяптимикин, деган хавотир ҳам бор эди — девор устига чиқиб, душман қаердалиги ва нима қилаётганини билиш жуда зарур бўлиб қолди. Офицерлар бир неча аскарни юборишди, аммо улар бир-бирини туртиб, олдинга ундашар, муқаррар ўлимга боришни ҳеч ким хоҳламасди.

— Тўхтанглар, мен гимнастикани биламан! — дедиму юқорига югурдим, Назаров: «Василий Васильевич, сизга нима бўлди, қайтинг, бундай қила кўрманг!» деганча қолаверди.

— Тушинг! Пастга тушинг! — шивирлади Назаров, мен орқага қайтмадим, ростини айтсам, ваҳима босса-да, орият қўймади. Бўғот лабида ётганимча: «Энди у ёққа қандай қарайман, ўрнимдан турган заҳотиёқ отиб ўлдиришадик-ку», деб ўйлар эдим, бундай пайтларда ҳар қандай хаёл мияга бир-икки лаҳзадаёқ келади-колади — шартта ўрнимдан турдим. Қаршимда — девор билан ўйлар орасини тумонат одам босиб кетганини кўрдим — ҳаммасининг нигоҳи саллалаи кишига қаратилганди — қандайдир кенгаш қилишаётганиди. Улар ноғох бошларини буриб мен томонга қарашди ва илк дақиқада ҳайратдан донг қотиб қолишди — ана шу ҳолат мени эҳватқарди; эс-хушларини тўплаб: «Мана! Мана!» деб бақиршганда яшириниб улгургандим, — мен турган жойга ўнларча ўқ ёғилди, чанг-тўзон кўтарилди.

— Тушинг, худо ҳақки, тезроқ! — фигон қиларди пастда меҳрибон Назаров, албатта, энди буни таъкидлашга ҳожат йўқ эди; одамлар тўпланиб турган тарафни кўрсатдим, кўп ўтмай гранаталар портлаб у ёқда шунақанги даҳшатли қий-чув, тўполон кўтарилдики... Мўлжал аниқ олинган эди.

Назаров ўзига-ўзи хўжайин бўлганлиги учун хоҳлаган жойга бориши мумкин эди, шундан фойдаланиб, деворнинг ҳамма томони бемалол кўриниб турадиган

қалъа бурчагига жойлашдик. Тан олиш лозимки, Самарқанд қалъасининг деворлари баланд ва кенг эди, у юз йиллар қаъридан емирилмасдан омон қиққанди, озгина соқчилар ёрдамида ҳимоя қилса бўларди-ю, аммо бахтга қарши унинг кўп жойлари нураб кетган, бирварақайига бир неча ерни қўриқлашга тўғри келарди, мушофадагилар озчилик бўлиб, ноиложликдан оёққа турғазилган касаллар ва ярадорларни ҳисобга олмаганда бор-йўғи 500 га яқин одам бор эди. Касалларнинг айримлари шунчалик қувватдан қолган эдик¹ ҳатто «ура» деб қиққиришга ҳоли келмасди; милтиқни зўр-базўр ушлаб турарди; ёнгинасидаги шериги ўқ еб ўлса ёки яраланса, нарироқдагилар ғазабланиб қиққириб қолишарди: «Ҳой, нега оғзингни очиб қараб турибсан, кўтаришиб юборсанг-чи!»

— Кучи-чим ет-май-ди, қув-ва-тим йўқ.

— Қимирлай олмасанг, нега келдинг?!

— Қайдан билайин, буйруқ шундай бўлди, ҳаммамизни девор ёнига ҳайдаб келишди.

Биз янги кузатув ўрнимизга жуда яхши ўрнашиб олдик. «Барин»дан ажралишни хоҳламасдан мени излаб келган казагимни сигареталаримни олиб келишга юбордим, Назаров нон ва ароқ келтиришни буюрди. Тамадди қилиб, сигара чекдик — роҳатижон бўлди! Сигара шундай қувноқ кайфият бағишладики, мен яна бир қутисини сотиб олдим ва ён-атрофимиздагиларга улашиб чикдим — ҳаммаёқ тутунга тўлди. Карам шўрва тарқатилди, ҳамма қорнини тўйғазиб олди, эрталабки ичилмай қолган чойдан кейин кунбўйи қўлимга теккан овқат шу эди. Назаров бутун командаси билан томнинг соясига жойлашди, мен эса девордаги қоровул ёнига бордим у ерда ўқтин-ўқтин милтиқ отилиб турар, ўққа учган айғоқчини қандай йиқилаётганини бемалол кўриш имкони бор эди. Ёдимда, қўшнимнинг ўқи бирини йиқитди, аммо у ўлмади, ғимирлай бошлади, аскар уни биратўла саранжомлаб қўймоқчи бўлган эди, шериклари йўл беришмади.

— Қўй, Серёга, отма!

— Ахир кетиб қолади-ку.

— Кетса-кетаверсин, энди у жангга ярамайди!

Дарҳақиқат, у кетди, бизни ғафлатда қолдирганига тўла ишонган ҳолда, усталик билан жила бошлади, у девор яқинида, кўча ўртасига йиқилган эди, теъд ҳаракат қилиб сездириб қўймаслик учун ётган жойидан секин ёнбошига ағанади ва шу алфозда оҳиста сурила-сурила тўсиқ ёнига етиб борди, бир неча қўл чўзилиб уни дарҳол тортиб олишди, улар ўрисни лақиллатдик деб ўйлашди, ўрис Серёга ҳамда бошқа кўпчилик ўрислар ўлдиришни хоҳламагани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмади, албатта.

Мана шундай таъсирчан манзараларни ҳисобга олмаганда, бизникилар ҳеч кимни яқин келтиришмади; аммо бизни ҳам «сийлаб» туришарди! Ўқлар ҳамон уйлاردан отиларди, қалъанинг маълум нуқталари кичкина шинаклар орқали ҳар доим нишонга олинган, бош кўтарсанг бас, ўққа учишинг тайин эди. Уларнинг ўқлари сапёрларимиз яқингинада қуриб улгурган тўсиқларга визиллаб келиб урилди. Бир марта, эндигина тепкини босаман, деб турганимда, ўқ нақ тўсиққа келиб тегди, устимга қум ва қамиш ёғилди. Чидаб туролмасдан қўлларим билан юзимни бекитдим.

Мени яраланди, деб ўйлаган Назаров:

— Дарров олиб тушинг! — деб бақирди пастдан туриб. Бошқа сафар, нишонни пойлаб ётган кўйи, ёнимдаги қўшнилари билан гаплашмоқда эдим — юмшоқ бир нарса келиб урилганини эшитдим — атрофга олазарак кўз ташладим, қарасам, қўшним қўлидаги милтиғини тушириб юборди ва оғзидан кўпик сачратганча девордан умбалоқ ошиб қулади...

Назаров икки ёш офицер билан, уларнинг исми ёдимда йўқ, ўз уйидагидек бемалол жойлашиб олганди. Бир идишдаги арақни бўшатгач, аскарларга яна келтиришни буюрди, одатига кўра хушчақчақ бўлиб, ҳазилкашлик қила бошлади, аскарларнинг қаттиқ кулгиси ва биз эгаллаган тўсиққача эшитилиб турган тилга олиб бўлмайдиган ибораларга қараганда, унинг мутуйибалари ҳам ўта камтарона эди. Гўё хавф-хатар ўтиб кетгандек туюларди.

Аммо бу омонат хомхаёл узоққа бормади. Кўп ўтмай, шаҳарнинг Бухоро дарвозаси томонда бизга таниш бўлиб қолган ҳужумга чорловчи хитоблар эшитилди ва отишма бошланди, сўнг «жуда қисиб қўйишди» деб ёрдам сўраб, бир аскар югуриб келди. Назаров бурчакдаги манзилгоҳида бир гуруҳ соқчиларни қолдириб, ўзи илдам юриб, дарвоза томонга кетди: бу ерда бошчилик қилиб турган офицер ўз ихтиёри билан раҳбарликни унга топширди, сапёрлар бошлиғи штабс-капитан Черкасов ҳам қўл остидагилар билан унинг

¹ Бу аффон сурати чала ҳолда И. Н. Терешченко қўлида сақланмоқда — В. В.

измига ўтди. Яна ҳужум даф этилди. Қоронғилик туша бошлади. Мис чойнак қайнатиб, энди ичамиз, деб тараддуд кўрганнимизда улгуролмай қолдик — яна ҳужум бошланди. Мен беихтиёр эрталабки ичилмай қолган ва чамамда, ҳали ҳам хонамда турган чойни ҳамда оёғи чизилмаган, энди қайта қўл уришим дарғумон бўлиб турган афғонни эсладим.¹ Бу гал душман жуда тез ортига қайтди, улар кетиши биланоқ дарвоза орқасида тутун кўринди. «Вой аблаҳлар-й, ёндириб юборишмоқчи-ку!» Худди шундай бўлди. Тезда кучли аланга ғира-ғирира осмонни ёритди. Дарвоза ағдарилиб тушиши биланоқ кучли ҳужум бошланди ва у сурункасига узоқ давом этди. Деярли юзма-юз отишишга тўғри келди. Аҳвол танг бўлиб, ғала-ғовур, шовқин-сурон кучайиб борарди, шу аҳволда бекордан-бекорга дуч келган томонга ўқ отаётган аскарларга қараб бақириб бердим:

— Осмонга нега ўқ узасизлар, у ёқда нишон йўқ-ку!

— Кўрқитаяпмиз, Василий Васильевич, — жавоб берди биттаси ниҳоятда жиддий алфозда.

Едимда, ҳужум қилаётганлардан иккитасини, таъбир жоиз бўлса, профессорларча отиб қулатдим. «Ўқ узишга ошиқма, — дедим мен, — стволни мана бундай тўғрилаб, пойлаб тур», милтиқни деворнинг дўнг жойига қўйдим, худди шу пайт чопон кийган, милтиқ осган киши шундоққина дарвоза ёнида кўчадан чопиб ўтиб қолди; ўқ уздим, у ағдарилиб тушганча жойида қотди. Ўқ жуда яқиндан узилгани учун бечоранинг чопони тўтай бошлади ва у, яъни қўрбон, бир кеча-кундуз давомида аста-секин ёниб, қора кўмирга айланди, жон ачиғида оғзини ушлаб қолган экан, қўли шу кўйи қотиб қолди, бу қора шарпа деярли бир ҳафта давомида кўз ўнгимизда ётди, асосий қўшинларимиз шаҳарга қайтиб келишаётганда уни, яъни менинг шўрпешона қўрбонимни босиб-янчиб ўтишди. Иккинчиси ҳам худди шу тахлитда ўққа учиб ўлди.

— Қаранглар, Василий Васильевич биз учун қанчалик жон куйдиради-я, — дейишарди аскарлар.

Ёмонлик кетидан яшилик келади, деганларидек дарвоза ўпирилиши билан Черкасов қум-тупроқ солинган қопларни қалаштириб жуда ажойиб тўсиқ ясади-да, йирик питра отадиган замбарак ўрнатди. Шундан кейин ишимиз бутунлай ўнгла-ниб кетди.

Қоронғи тушганди, қулаган дарвозанинг устун ва тахталари лаққа чўғ бўлиб ётарди. Назаров аскарларни қоронғида кўринмайдиган қилиб жойлаштирди, фақат найзаларгина ялт-юлт этиб қоларди. Уртадаги замбарак ҳамда тўпчилар ва аланга шуъласида оқ кўйлаги билан камзули товланиб турган зобит яққол кўзга ташланиб турарди. Ташқаридаги шовқин тобора яқинлашиб келаверди, минглаб ҳи-рқироқ овозлар: «Оллоҳ! Оллоҳ!» деб тинимсиз хитоб қилишарди. Ниҳоят, олдиндагиларнинг қиёфаси кўринди, улар орқадагиларни рағбатлантириб чорлашарди, ҳеч бири ўқ узмасди, қўлларидаги қурол қилич ва калтакдан иборат эди; худди қўй подасига ўхшаб дарвозага ва замбаракка ёпирилишди... **Биринчи!** — поручик Служенконинг овози жаранглади. Тўп даҳшат солиб гумбурлади, пит-ранинг қандай чирсиллаб сочилаётганигача аниқ эшитдик. Сўнг сукунат чўкди — ҳеч нарсани кўриб бўлмади қолди, ҳаммаёқни тутун чўлғаб олганди, бир-икки дақиқадан кейингина узоқдан овозлар кела бошлади, улар чекинишган, чамаси, ўзаро ҳисоб-китоб қилишар, сўкинишар, бир-бирга дашном ёғдиришарди, биз эса ўзимизда йўқ шод эдик. Бундай шиддатли ҳужумлар кетма-кет бўлиб турди; қандай қилиб бўлса-да қалъани эгаллашга аҳд қилишгани сезилиб турарди, аммо тартибсиз бу оломон яқин масофадан отилаётган тўп ўқларига бардош беролмасдан чекинишга мажбур бўларди. Айни замонда, улар чекинаётиб ҳалок бўлганларни суяб, кўтариб олиб кетишаётганини сезиб турардик, девор яқинида қулаганларни эса олиб кетиш имкони йўқ эди — тонг ёришганда душман не-чоғлик кўп қўрбон берганлигини кўрдик, қуёшнинг ўткир тигида улардан бадбўй ҳид чиқардики, шу кезларда бирон-бир юқумли касаллик тарқалиб кетмаганига ҳали-ҳали ҳайрон қоламан.

Ҳаммаёқ тинчигандан кейин биз ҳам унча узоқда бўлмаган мачитга ҳамла қилдик, уни истеҳкомга айлантириб олишгани ва барча ҳужумларни шу ердан бошлашаётгани бизга маълум эди. Душман узоққа кетганига ишонч ҳосил қилгач, тун қоронғилигидан фойдаланиб бу ярамас мачит ичига оҳиста кириб олдик, зудлик билан ёғоч, шох-шаббаларни тўпладик-да, ёндириб юбордик. Бизнинг зараримизга хизмат қилган дарвоза яқинидаги бир неча уйга ҳам худди шу тарзда ўт қўйдик. Ҳовлилардан бирида туркмени саман арғумоққа дуч келиб қолдик; уни менга совға қилмоқчи бўлишди, аммо мен бу иноятдан воз кечиб, отни артелга топширдим, кейин эса артедан 40 сўмга сотиб олдим. Бу ерда ҳам ёнадиган нарсаларнинг ҳаммасини ёқдик. Ўзаро шивирлашиб гаплашардик, қоронғида фақат: «Николай Николаевич!, Василий Васильевич! Тутатқини бу ёққа беринг, тез, тез!» деган хитобларгина эшитиларди. Яна бир қизиғи, Назаров ҳамлага туфли кийиб чиққанди, ўйлашимча, бу паришонхотирликдан эмасди, у ҳеч

қандай хавф-хатарни писанд қилмаганидан, кечқурун ечиб қўйган этигини қайта кийишга эринган эди чамаси.

Олов тиллари кўтарилгач, жуфтакни ростлаб қолдик, фурсат ҳам етган эди, ёнғинни сезган оломоннинг шовқин-сурони яқинлашиб келарди. Ўрни ўчиришга уриниб кўришди, аммо энди бунинг имкони йўқ эди, аланга кучайгандан кучайиб борарди.

Яна ҳужумга ўтишди, аммо яқин атроф яққол кўриниб турганлиги туфайли бу уриниш ҳам муваффақиятсиз тугади.

Тун бўйи замбарাগимиз ва ёқимтой командир Служенкога тиним бўлмади. Унинг «Биринчи! Биринчи!» дея жаранглаб турган буйруқлари остида уйкуга кетдим. Шундоққина кўча юзасига тахталарни тўшаб, милтигимизни тахт қилган ҳолда ёнбошладик, бундай ғалати шароитга кўникмаганим ҳамда бургаларнинг аёвсиз талашига ҳам парво қилмай, донг қотиб ухладим.

III

Тун ярмидан оққанда ғалати овоздан уйғониб кетдим — биз ўт қўйган мачит ағдаралиб тушган эди. Ҳаммамиз девор устига чиқиб, ишимизнинг натижасини томоша қилдик; ажойиб кеча эди, ҳаво майин, осмон тўла юлдуз; қоровуллар ўз жойида ҳушёр, атрофни зийраклик билан кузатишади, бирпас гурунглашиб тургач, яна уйкуга кетдик.

Эрта тонгдан гоҳ биз томонга, гоҳ кечаги жойга, ундан ҳам нарироқдаги шаҳарга кириладиган асосий йўл томонга тинимсиз ҳужум қилиб туришди. У ёқдаги дарвозалар олдига ҳам замбараклар қўйилди, қулай маррани эгаллашганди, бу томондан қалъага фақат хандақ устига қурилган кўприк орқалигина кириларди, шу туфайли у ёқлар анча бежавотир эди. Мабодо адашмасам, Жиззах дарвозаси деб аталган мазкур маррага чинакам хоҳол, ажойиб инсон капитан Шеметило раҳбарлик қилганди. Аҳвол танг бўлиб қолган пайтда Назаров ҳар икки томонга ҳам мадад кучлари юборди; биз кеча жанг қилган жойга ҳужум қилишаётгани яққол кўриниб турарди, ҳужумга ўтган оломон «ур» деган қийқириқлар остида бўғотларгача чиқиб келишар ва бир қанчаси ўлиб, ярадор бўлгандан кейингина чор-ночор орқага чекинишарди.

Ниҳоят, ҳаммаёқ тинчиди. Николай Николаевич мени **нордон** овқат еб олишга кўндирди, улар карам шўрвани шундай аташаркан. Бизга эргашиб келган савдогарлар хоҳлаган вақтимизда, ҳатто хавф-хатар ёғилиб турган пайтда ҳам овқат топилишини кўпдан бери қулоғимизга қўйиб келишарди. Савдо-сотик ишларини йўлга қўйиш учун Самарқандга бирга келган рус савдогарлари бундай мушкул аҳволга тушиб қолганимиздан норози эди, албатта. Улардан бири — машҳур Немчаниновнинг чой савдоси бўйича ишончли вакили Трубочанинов шерикларига қараганда мард чиқиб қолди, у қизил кўйлак кийиб, ов милтигини кўтарганча ёнимга келди; қолганлари шунчалик қўрқоқ эканки, отишма бошланиши биланоқ шам ёқиб, икона ёнига тиз чўкиб олишар ва тангрига илтижо қилишдан бошқага ярамасди. Уқлар ёғилиб, эшикларни тешиб ўтган пайтда улар хонанинг бошқа бурчагига чор-ночор сурилишар, кичик калибрли замбарак ўқлари том устида ёрилганда учинчи жойга ўтиб, ибодат қилишда давом этишарди.

Улар бизни едириб, ичиришар, аскарларга арақ ва қутилаб сигареталар юбориб туришарди, бир гал девор бўйлаб юриб, савдогарларнинг туҳфасини хоҳлаганларга тарқатиб чиқдим. Бечоралар отишма ва ғала-ғовурдан, ўлгудек кўрқишар, «кутилмаган меҳмонлар» ана келади, мана келади деган ваҳимада кун ўтказишаётганини очиқчасига тан олишарди.

Беморлар ва ярадорларимизни маросимлар залига жойлаштиргандик, аммо томни тешиб тиккасига тушган тўп ўқи бир қанча ярадорларга шикаст етказиб, докторни ҳам ўлдиришига сал қолгандан кейин уларнинг бир қисмини уйларга, бояги савдогарлар ёнига ётқизишга тўғри келди. Бояқишлар энди бутунлай оромдан маҳрум бўлишди, чунки Трубочаниновнинг айтишига қараганда, ярадорларнинг кечаю кундуз қилган нолайи зорига тоқат қилиб бўлмас эди.

Темурланг яшаган залга бир қанча жуҳуд оилалар жойлашиб олишганди. Мен Назаровга буларни муқаддас тарихий жойдан кўра бошқа ерга кўчириш маъқул бўлмайди, деб айтган эдим, у: «Нима учун, — деб жавоб берди. — Мен ҳали уларга...» ҳам руҳсат бераман!» Жуҳудлар ҳам анча-мунча экан, улар бола-чақа, қозон-товоғи билан кўчиб келишганди, шаҳарга руслар киргач, улар яйраб, ўзларини эркин ҳис қила бошладилар, белига арқон ўрнига қайиш боғлаб юрадиган, ҳатто бемалол от минадиган (ва ҳоказо) бўлдилар; булар илгари қатъий ман этиларди, агар улар шаҳарда қолишганда, қириб юборишлари аниқ эди. Менга айтишларича, қаттиқ отишма пайтларида улар даҳшатли дод-фарёд кўтаришар, худога илтижо қилиб, юзларини юлишар экан. Жуҳудлардан бошқа форслар, ҳиндилар, татарлар ҳам бор эди. Буларнинг ҳаммаси биз кириб келган

Матнда айнан шундай.

пайтимизда истиқболимизга чиқишиб, энди нима бўлади, деб сўрашган, миннатдорчилик билдиришиб, этагимизни ўпишган эди.

Назаровга яна қўшин тўпланяпти, ҳадемай ҳужумга ўтишса керак, деб хабар қилишди, биз жадаллаб девор томонга юрдик ва ҳужумчилар озлигини кўриб тинчландик. Аскарлар ечинмасдан туни бўйи тупроқ ичида ётиб, ҳашаротларга роса ем бўлишганди, Назаров улардан бир бўлагини ажратиб, яқинимиздаги мачитнинг ҳовузиди ювиниб келиш учун жунатди. Улар кетишаётганда: «Яхшилаб ювининглар, сизларни кўрганда...» деб шундай бир ибора ишлатдики, уни ҳеч қайси тилда ифодалаб бўлмайди. Аскарлар хаҳолашиб: «Ҳаракат қиламиз, жаноби олийлари!» деб қичқиришди.

Отрядимиз энди анча кўпайиб қолди, чунки бу дарвозада хавф кучли бўлгани учун қутвол тўплаган одамларини бу ёққа юборганди. Тузалаётганлардан бошқа казаклар ҳамда различинецлар ҳам бор эди, улар «ура» деб қичқиришарди-ю, нарироқда, ўйларнинг панасида туришни маъқул кўришарди. Икки-уч батальон зобитидан ташқари, Назаров ихтиёрида яна иккита сапёрлик зобитлари юқорида тилга олинган Черкасов ва бутунлай ғўр, дўмбоққина, яқинда билим юртини битирган Воронеж ҳам бор эди. Кўпчилик ёш бўлганлиги учун орадан кулги ва ҳазил-ҳузул аримасди, фақат фалончи ўлди ёки яраланди деган хабар келгандагина сукут сақланарди. Дарвоқе, бизнинг Служенко ҳам оғир ярадор бўлган эди. Мен йўқ эдим, кейин Воронеж айтиб берди, бу жанговар зобит оқ китель кийиб, огоҳлантиришларига қулоқ солмай, ташқаридагиларга яхшигина нишон бўлган ҳолда қора арғумоқда девор бўйлаб айланиб юрган экан. «Қарасам, эгар устига энгашиб қолди,— деб ҳикоя қиларди Воронеж,— Служенко, сенга нима бўлди, деб сўрасам, жавоб бермайди. Отдан тушириб олдик, қорнидан ўқ еган экан».

Осойишталик бўлиб турганидан фойдаланиб, ҳамла пайтида ўлжа олинган туркман саманини синаб кўрмоқчи бўлдим. Аммо ҳали 100 саржин юрмасимданоқ нақ жаҳаннам ичига тушиб қолгандек бўлдим — қалъага қилинган ҳужумлар ичида энг даҳшатлиси бошланган эди.

Дуч келган казакка отимни бериб, жанга ташландим. Ўзбеклар туташ ўйлардан ўтиб, бизга сездирмасдан худди мана шу ерда, яъни дарвоза олдида аллақачон деворга чиқиб олишган экан, биз лоақал бирон-бир сас-садо эшитмабмиз ҳам, улар бинолар ичидан ўтиб, замбаракларимизга қараб югуришди. Шу дақиқада том устидан биз томонга кулар билан бирга саноқсиз тошлар ёғилди, олдиндан тайёрлаб қўйишган экан. Мен учун биринчи сийлов шу бўлдики, чап оёғимга кучли зарб билан отилган катта тош келиб тегди, оғриқдан додлаб юбордим, оёғим синди деб ўйлагандим, йўқ, ўтиб кетди. Ҳамма «ура!» деб бақиради-ю, аммо олдинга ҳеч ким юрмайди. Кўриб турибман, ғазабдан қипқизариб кетган Назаров аскарларни қилич дастаси билан туртиб, илгарига ундар, улар эса тихирлик қилишарди. «Черкасов! — унинг овози гуриллаб эшитиларди. — Бу аблаҳларни бошлаб саваланг!..» Бундай вақтларда мияда фикр чақмоқдек тез туғилади, хаёлимга келган биринчи мулоҳаза шу бўлди — боришни хоҳлашмаптими, демак кимдир уларни етаклаши керак; **иккинчиси** — олдинга юриш қандай бўлишини кўрсатиб қўядиган фурсат келди; **учинчиси** — ахир, ўлдириб қўйишади-ку; **тўртинчиси** — балки ўлдиришолмас! Бу ўйлар икки дақиқагина давом этди; олдинда қандайдир харилар уюлиб ётарди, эгнимда тилга олишга арзимайдиган костюм, кулранг пальтомининг олди очилиб кетган, бошимда кулранг момиқ шляпа, милтиғимни даст кўтарганча хари устига сакраб чикдим, аскарларга қараб: «Биродарлар, орқамдан олға!» деб қичқирганимча душман тўдаси жойлашиб олган уйга қараб югурдим, улар тезда бу ерни тарк этиб, орқага чекинишди. Шу пайтдаги барча хатти-ҳаракатларим, кечинмаларимни ақлимда чамалаб кўраман, дастлабки ишим — уй олдига эсон-омон етиб олгач, деразалар оралигидаги деворга қапишиб олдим, қоқишга шайланган душман дўлдек ўқ ёғдирарди, ўқ тегмайдиган жойда эдим; мендан кейин ўлимни бўйнига олиб чопиб келган Назаров ҳам шундай қилди, аммо орқамиздан эргашган аскарларнинг кўпчилиги шу ерда макон топди; баъзилари тил тортмай ўлди, кўпчилиги яраланди, таъқибга қизиқиб, илгарилаб кетганларнинг аксарияти душман қўлига тушди, уларнинг калласини кесиб, ўзлари билан олиб кетишди.

Еш акарларнинг бири мени майиб қилиб қўйишига сал қолди; бошига ўқ тегиб устимга шундай гурсиллаб қуладикки, пальтом бошдан-оёқ қонга белянди. У хириллаб ётарди, бир чеккага олиб чиқишим биланоқ ўлиб қолди. «Нега бизни бу ёққа бошладинг?» дегандек таънага тўла аянчли нигоҳ ташладикки! Улаётган одамнинг бундай қарашларини бир умр унутиб бўладими?!

Едимда бор, 1 май кўни Самарқанд остонасида — Чўпон отада бўлиб ўтган ва шарҳлари забт этиш билан яқунланган биринчи жангдан кейин генерал Кауфман яраланганларни кўргани борган эди, у бошидан жароҳатланган, шифокорларнинг хулосасига кўра ўлиши муқаррар бўлган ёш зобитга яқинлашди. Генералнинг меҳрибонлик ва ёқимтойлик билан берган барча саволларига ярадор оҳиста, бамаъни ва хушмуомала жавоб қайтарганини эшитиб турдим. Кауфман **асосий** иш қилингани, душман мағлуб бўлиб, шаҳар ишғол этилгани ҳақида гапира бошлаган эди, бемор ҳеч қандай жавоб бермади, аммо шундай тикилдикки, нигоҳида қанчалик алам, нафрат яширин эди!

Душман чекинганига қарамай, ҳали кетмаган, ўқ узиб бизни безовта қилиб турарди, Назаровни ҳужумга ўтишга кўндирдим: тўсиқдан сакраб ўтдик ва кучли «ура!» садолари

остида рақибнинг ўнг қанотига қараб ташландик. Мен олдинда чоғиб борардим, бахтимга орқамга бурилиб қарардим. Қарангки, ҳеч ким изимдан келмаётган эди, аскарлар кўй подасига ўхшаб бир жойда ғуж бўлиб олишган, «ура!» деб бақирар, ўқ отишар, аммо жойидан қимирлашмасди. Назаровнинг дўппослашлари, аблаҳлар, қўрқоқлар деб сўкинишлари беҳуда кетди, менинг: «Биродарлар, орқамдан олға!» деб кучим борича қичқирардим беҳуда кетди — орқамдан ҳеч ким бормади; бутунлай томоғим бўғилиб, сабр-тоқатим тоқ бўлгандан кейин Назаровга мурожаат қилдим: «Боришмайди, Никол^а. Николаевич, қайтишга буйруқ беринг!» Ноғорачи ҳордиққа чорлади, изимизга қайтишга мажбур бўлдик. Аскарлар нега боришдан воз кечишди? Биз оз эмас, юз эллик чоғлик эдик, душман ҳам нари борса икки юз киши атрофида, бунинг устига тўзғиб кетган, руҳсиз аҳволда эди, аниқ эсимда қолгани шуки, олдинлар ҳадеб орқага яширинишга уринишар, юзларига даҳшатли қўрқув ифодаси муҳрланиб қолганди, тўла ишонч билан айта олмайман-ку, аммо тахминимча, аскарларимиз ташқарига чиқиб, қалъадан узилиб қолгандан ва шаҳардаги беҳисоб кўчалар, торкўчаларда адашиб, йўқ бўлиб кетишдан қаттиқ ҳадиксирашганди. Нима бўлганда ҳам душман улоқтириб ташланди, сўнги ҳамламиз бежиз кетмади, шундан кейин биз томонга камроқ ўқ отиладиган бўлди.

Шу ерда айтиб ўтишим керакки, мен қўрқоқлик сифатида баҳолаётган бояғи ҳолатни тушуниш ва авф этиш лозим, деб ҳисоблайман, сабаби ҳали бундан ҳам кучли хавф-хатарга дуч келишимиз мумкин эди. Баъзан шундай бўладики, «Кўнглим сезяпти, фалон нарса мана бундай бўлмасайди, деб қўрқяпман», сингари тахмин билан қийналиб, гапириб юрасан. Аслида, бутунлай бошқача бўлиб чиқади ва бояғи ҳолатни унутиб юборасан. Ёш зобитлардан бири тўсиқ ортида томлардан ёғилаётган ўқ ва тошлардан яшириниб ётганча, қўрқув босиб, қалтираб қолди. Олдига эмаклар борганимда, қўлоғимга ширлади:

- Бугун мени ўлдиришади, сезиб турибман.
- Бемаъни гапларни қўйсангиз-чи! — жеркиб бердим мен.
- Ишонмаяспизми? Мана, ҳали кўрасиз...

Мунозара қилиб ўтиришга фурсат йўқ эди, лекин у охириги сўзларни қанчалик ишонч билан айтаётганига ҳайрон қолганим эсимда.

— «Бечора». Хаёлимдан шу фикр ўтди. Бундай кераксиз туйғу қандай қилиб кўнглидан шу қадар мустаҳкам жой олди экан? Хўш, кейин нима бўлди дейсизми? У соппа-сопа қолди, ҳатто яраланмади ҳам.

Жанглар пайтида биз анчагина одамимизни йўқотдик. Кейинчалик ўзим икки арава мурдани саржин қилиб тахладим. Баъзилари таёқдек қотиб қолган, бошқаларининг оғзидан пуфакчалар ҳамон чиқиб турарди, бу жанг олдидан бир қадаҳ ортиқча арақ ичганидан нишона эди. Шу пайт негадир замбарাগимиз ўқ отмаётганини сезиб қолдик. Назаров суриштириб кўрди, маълум бўлишича, ҳар доим ўз бурчини аъло даражада адо этиб келган тўпчи ғалабани эртароқ нишонлаб қўйган экан; у бир неча қадаҳни ортиқроқ олиб, ширакайфлик билан гранатани қувурга шундай жойлаштирибдики, уни на олиб, на олиб бўларди! Вақтихушлик билан тарқалишдик. Ҳаммамиз шунчалик толиққан эдикки, ҳатто ўлган ва яраланганларни йиғиштириб олишга ҳам ҳафсаламиз келмади.

Калласи кесиб олинган бир неча мурда қараб бўлмайдиган ҳолатда эди, аввал айтганимдек, ўлжадан қуруқ қолмаслик учун улар елкадан жуда чуқур кесиб олинганди. Аскарлар мурдалар атрофида уймалашиб, марҳум «Сидоров ёки Фёдоров» эканини аниқлашарди, фақат жасаддаги айрим нозик белгиларга кўра ҳамюртлари биттасини зўрға танишди. Маълумки, душманнинг ҳар бир кесилган боши учун, асосан қимматбаҳо тўн билан тақдирлашади, бу одат фақат Урта Осиёдагина эмас, Европадаги турклар, албанлар, черногорликлар ва бошқаларда ҳам мавжуд. Бу нарса менинг сураатларимдан бири учун мавзу бўлди, унда ўлдирилган душманнинг бошини қопга солиш манзарасини акс эттирдим.

Уша ҳамла пайтида бир ўқ бошимдаги шапкани учуриб туширди, иккинчиси кўкрагимда турган милтиқ дастасини пачақлади — бир мўъжиза билан омон қолдим. Кейинги кунларда зобитлик фуражкамнинг оқ ғилофини кийиб юрдим, у ҳозир ҳам буюмларим орасида сақланади. Назаров зиён-заҳматсиз чиқди. Бу одамда қандайдир фавқулодда жасорат бор эдики, аскарлар тилида у бебош жасорат деб аталади. Ҳужум чоғида рақибларимиз анча ичкарига кириб боришган, ҳатто дарвозага туташган уйлардан бири-ниги пештоқига, — нималарга эзилган, назаримда Оллоҳнинг номи бўлса керак, — катта қизил байроқ тикиб кетишган эди, қарама-қарши кўчадаги уйлардан ҳамон ўқ узиб туришгани учун уни олиб ташлаш қийин эди. Бутун қалъа аҳлини иснодга қолдирган бўлган байроқни ечиб тушишга аҳд қилдим, Николай Николаевич билан маслаҳатлашиб олгач, ён-атрофга ўқ ёғилиб турганига қарамай, бу вазифани муваффақият билан адо этдим. Қўлга туширган ўлжамни дастасидан баланд тутган ҳолда тантанали равишда отахон командиримизга, яъни Назаровга топширдим. У нима қилди денг? Қўтволга бердими? Сафар черкови остонасига қўйдими? — Йўқ, мени танг қолдирганча, байроқни пайтава қилиш учун аскарларга ошириб юборди. Кейинроқ Кауфман чодир атрофида қўйилган байроқ ва нишонларни кўздан кечиргач, меники улардан кўра каттароқ ва чиройлироқ эканига ишонч ҳосил қилдим. Бундан ҳам аянчлиси шу бўлдики, отимни зўрға қидириб

топдим, уни арқонлаб қўйишибди, мен ватан учун қон тўкиб юрган пайтимда ёрдамга ҳайдаб келинган казаклардан бири юганин шилиб кетибди. Тан оламанки, бунақасини кутмаган эдим!

— Василий Васильевич,— мени чақирди Назаров ҳамма иш саранжом бўлгач,— юринг, нордон нарсалардан тамадди қилволайлик.

Сарой ҳовлисига қилиб борганимизда, ҳамма миннатдорчилик билдириш учун ёпилди, жуҳудлар, татарлар, форсларни қўяверинг, ҳатто ярадорлар ҳам эмаслаб келиб Назаровни табриклашди. Даҳшатли отишмаю қичқириқларни эшитиб жим ўтириш ва ҳар дақиқада тўғон ёрилиб, ҳаммаёқни сел босиши мумкинлигини ҳис қилиб туриш қанчалик оғирлигини англадим. Биздан кўра, четдагиларга қийин бўлгани аниқ.

Таниш савдогарлар эса нақ бўйнимизга осилиб, шу пайтгача бунақанги отишма ва урҳо-ур бўлмаганию ҳар дақиқа биз учун тоат-ибодат қилиб туришганини тан олишди.

— Яраландингизми?— деб сўрашди пальтомдаги қон доғларини кўриб, қўшним мени қандай қилиб қонга бўяганини айтиб беришимга тўғри келди.

Оёғимни кўздан кечириб, суякдаги кичкина жароҳатдан анча-мунча қон кетганини сездим. Меҳрибон Трубочанинов ваҳимага тушиб, докторга боришга ундади, аммо на қўйлагим, на шим, на ич кийимларим йиртилмаган, оддий лат ейиш эканлиги шундоқ кўриниб турарди, тош тегиб яраландим, деб юришнинг ўзи уят эди. Служенкони кўргани кирдик. У бизни танигандек бўлди, аммо гапиролмади. Енидагиларнинг айтишича, у оғриқдан қаттиқ қийналарди. Бир кундан кейин ўлганини эшитдик. Дарвоза олдига қайта-ётиб, бир неча зобитга дуч келдик, улар жанг тафсилотларини билгани келишибди, қандай олишганим, жонимни жабборга бериб ҳаракат қилганимни орқаваротдан эшитишган экан, мени самимий қутлашди.

— Биринчи мукофот сизники, Василий Васильевич,— деди Б. мени хурсанд бўлади, деб ўйлаб. Аммо бунга қатъиян қарши чиқдим, сабаби, тан оламанки, бундай олқишлар гарчи шухратпарастлик сари етакласада, у барибир табиий нафрат тўғиуларига йўғрилиб кетади, сабаби, ҳаётимнинг энг яхши дақиқалари саналадиган мана шу икки кунни энг юксак дўстлик, самимий қардошлик руҳида ўтказдик, ҳаммамиз бир жону бир тан бўлиб ягона мақсад — қалъани сақлаб қолиш учун курашдик. Мен яхши эслайман ва ўстойдил айтаманки, жанг пайтида қандайдир мукофот олишни хаёлимга ҳам келтирмаганман, энди дабдурустдан ким қандай хизмат қилгани-ю, ким нима олиши (олармикин?) мумкинлигини ҳисоблай бошлашибди. Биродарлар! Шафқат қилинглар... Диққатим ошиб, милтиғимни олдим-да, «қуён»ларни отиш учун, йўқ, йўқ, ўқлар остида сайр қилиш учун дарвоза тепасидаги минорага қараб кетдим.

Кечга яқин биздаги аҳволни билгани бошқа дарвозалар олдидан икки зобит келди. Осойишталик ҳукм сураётгани учун уларни дарвоза ортидаги «хиёбон»га, яъни мурдалар қалашиб ётган кўчага таклиф қилдим. Қўлларидан ушлаб тўсиқдан ташқарига олиб ўтдим; Назаров, Черкасов ва бошқа зобитлар, бизга ҳамроҳ бўлишди. Очиғини айтсам, ҳозирги сукунат юракни сиқиб юборадиган даражада оғир эди, яқин жойда ит ҳураб, ёниб тамом бўлаётган уйларда олов чирсилларди; мендан бир газ наридаги қум уюмига шипиллаб теккан ўқ бизни кузатиб туришганини англатса, яқинлашиб келаётган овозлар вақт ғаниматда жуфтани уриш лозимлигини билдирарди, бунинг устига қуролланмаган эдик. Қоронғи тушгандан кейин Назаров бизни яна ҳамлага бошлаб борди: девор ёнидаги уйларнинг ҳаммасини ёндириб, бу гал анчагина узоққа, дастлаб манзил қилганимиз бурчаккача бордик, ёнғин шуъласи қаҳрамонлигимизни қамал қилувчиларга билдирадиган даражага етгандан кейин биронта одамимизни ҳам йўқотмай, қочиб қолишни маъқул кўрдик.

Назаров бу гал ҳам туфлида экан, оёғини куйдириб олишига сал қолди, нима ҳам дейсиз, тарки одат — амри маҳол экан-да!

Навбатдаги — учинчи кунда отишмалар гоҳ зўрайиб, гоҳ камайиб турса-да, қалъага қучли ҳужум бўлмади. Назаров девор бўйлаб кетган иккинчи кўчадаги уйларни ҳам ёндириб юбориш учун шаҳар ичкарасига ҳамла уюштирди, бу оддий хавфсизлик учун зарур бўлиб, бош кўмондон уни анча илгари амалга ошириши керак эди, табиийки, у азбаройи оққўнгиллиги туфайли ҳамда аҳолига ортиқча зарар етказмасликини ўйлаб бундай қилмагани — оқибатда анча одамимиз қирилди, бунинг устига, қалъадан ажралишимизга сал қолди, мабодо енгилганимизда бутун Ўрта Осиё халқи кўзғалиб кетган бўларди. Агар қалъа атрофи вақтида тозаланиб, хавфсизлик сарҳади вужудга келтирилганда, ҳужум бўлган тақдирда ҳам ишимиз ҳозиргига қараганда беш баравар осон кечарди.

Ҳамлага шайланган отрядимиз бир қисм аскар ва зобитни Бухоро дарвозасида қолдириб, Жиззах дарвозасига йўл олди. Замбаракдан ўқ узилгандан кейин ялписига «ура!» деб қичқирганимиз захоти Назаров мушукдек эпчиллик билан деворга тирмашди. Мен уни тезда қувиб етдим, олдинга чопиб ўтдим ва биринчи кўча муюлишига борганимдан кейин, дўкон олдида тўхтаб шерикларимни чақирдим: тўзғиб кетган бир тўда оломон кўз олдимда қочиб борарди, баъзилари орқасига ўгирилиб ўқ узишар, кўпчили-

гида милтиқ ҳам йўқ, қўлларидоғи батик¹ ёки қилич билан ўзларини ҳимоя қилишарди. Шу ерда бир кўнгилсиз иш бўлиб ўтди: «ура!» деб қичқирганча кўча бўйлаб чопиб борардик, мен ҳаммадан олдинда эдим, қочаётган икки сартни қувишга берилиб кетиб кўчанинг ўнг юзига ўтдим, улар ҳам ўнг томонда эди, изма-из чопавардим. Олдиндагиси дарвозага кириб улгурди, орқадагисига етиб олдим, у бурчакка қапишган ҳолда калтагини шай қилиб, мени пойлаб турарди, зарб билан найза санчдим, аммо пахталик тўнх қалин экан, бунинг устига у жон-жаҳди билан найзага чанг солиб, ҳамлани қайтарди, ўз¹ навбатида қўлидаги калтаги билан тушириб қолди. Ёқа бўғишиб, олиша кетдик. Бошига мушт туширишдан бошқа чора тополмадим, чангалимда уйларни ёқишга мўлжалланган гугурт бор эди, у аланга олиб, қўлимни куйдирди. Бундай уқувсизларча олишаётганимни кўрган рақибим, (у соқоли оқара бошлаган бақувват киши эди) қўлидаги қуролини ташлаб, меникини тортиб олишга урина бошлади, бахтга қарши дарвоза ортига яширинган сарт ҳам қайтадан мўралаб, бурнини чиқариб қолди. Ҳозир мени ўлдиришларига ақлим етди, атрофда ҳеч ким йўқ эди, кучим борича: «Биродарлар, қутқаринглар!» деб қичқира бошладим, ёрдам келишига ишонмагандим, аммо аскарлар эшитишибди: биттаси чопиб келиб қолди, қўлида милтиқ, қулочкашлаб урди, аммо сарт бу гал ҳам жон-жаҳди билан ёпишиб, найзадан омон қолди, шунда солдат яна санчди, бу сафар найза ўз кучини кўрсатди — рақибим букчайиб қолди. Мен аскарга чин дилдан миннатдорчилик билдирдим ва қутқаргани учун 10 сўм ваъда қилдим. Аммо бу сабоқ кўзимни очмаган экан, аскарлар орқасидан югуриб бориб, иккинчи марта олдинга ўтиб кетдим. Узлуксиз «ура» садолари остида сийраклашиб қолган душманни таъбиқ қилар эканмиз, бир нечтаси дўконга кириб олганини кўрдим, яна шерикларимдан ўзиб кетиб, уларнинг орқасидан ўзимни урдим. Кўпчилик бўлиб менга ташланишди, биттаси нима биландир туширди, бошқалари милтиғимни тортқилашарди. Тан оламанки, биродарлар, милтиқни олдириб қўйсам шарманда бўламан, деб ўйладим. Тағин аскарлар жонимга ора тушди, ҳаммасини найзага санчиб, мени қутқариб қолишди. Вақти-вақти билан тўхтаб, бордонларни ёқиб бордик: тез орада бунинг кўча аланга билан қопланди, қаердан ўтган бўлсак, орқамиздан қора тутун бурқсиб кўтариларди.

Ҳаммаёқ дўконга тўла бўлса ҳам аскарлар ўзларини тийиб боришди, талончилик қилиш хаёлда ҳам йўқ эди, ўлдиришга келганда-ку, албатта, кимки дуч келса ҳаммасини ўлдириб кетаверишди, аммо ортиқча шафқатсизликка йўл қўйилмади. Бир марта кўриб қолдим, аскарлардан бири чўзилиб ётган ўликнинг кўзига найза санчди ва шундай тортқилаб ағдардики, ҳатто қирсиллаган овоз чиқиб кетди, мен: «Нима қилаяпсан, ўзи», дейишга оғиз жуфтлаган ҳам эдимки, Назаров унинг башарасига **шарақ!** этказиб тарсаки солиб юборди: «Ҳой аблаҳ, ўликкаям тегасанми!» Шу тахлитда Бухоро дарвозасигача етиб бордик, икки-уч кишигина сафдан чиқди, улар ҳам яраланган эди, холос.

Қайтиб келсак, бизни қутвол бир неча зобит билан кутиб турган экан, Назаров жуда оз одам билан таваккал қилиб ҳужумга ўтди, деган хабарни эшитиб, қаттиқ кўрқиб кетибди, талафот кўрмаганимизни билгандан кейингина у тинчланди. Биз сафга тизилдик, мен ўнг қанотда турмадим; Штемпель таъсирли иборалар билан ҳужумларни қайтарганимиз ва дадил ҳамла уюштирганимиз учун миннатдорчилик билдирди, шаънимга айтилган бир неча жуфт мақтов сўзларини йиғидан ўзимни зўрға тийган ҳолда тўлқинланиб эшитдим.

Маълум бўлишича, шоввоз Штемпельга: «Назаров одамларни роса маст қилиб улар билан шаҳарга қочиб кетди», деб уни ишонтаришган экан — у ноқулай аҳволда қолди ва бундан қутулишнинг тўғри йўлини топди. Боз устига, минг эшитгандан бир кўрган яхши деганларидек, истиқболимизга чиқиб ҳамма шубҳаю гумонга чек қўядиган иш қилди.

Менинг олишувларим ҳақида роса ҳазил-ҳузул гаплар тарқалди. Биринчи галдагисини «халоскорим» бичиб-тўқирди, кейин етиб келганлар бу тўқнашувни кўролмади қилишгани. «Кимдир «Қутқаринглар!» деб бақираётганини эшитиб қолдим, — дер эди у. — Физиллаб борсам, Василий Васильевич, рангида қон қолмапти, нақ ажалнинг ўзи дейсиз! Кекса бир сарт билан олишиб ётипти...» Иккинчи «ҳодиса» катта кўчада, ҳамманинг кўз ўнгида юз берган эди, уни кўрган зобитлар кейинчалик: «Василий Васильевич, нима гап ўзи, дўконга таклиф қилишувдими?» ёки «Василий Васильевич, милтиғингизни тортиб олишларига сал қолди дейишади, шу гап ростми?» қабилида тегажоқлик қилиб қулиб юришди... Тан оламанки, мени бошқа нарса худди ваҳимали тушдек қаттиқ азобга соларди, буни бошқаларга билдирмасдим, албатта. Нега револьверимни ишлатмадим ўшанда? Чўнтагимда кичикроқ бўлса-да, «Смит и Вессон» бор эди, калибри унчалик эмасди-ку, аммо яқин масофадан отилса одамни ўлдиришга кифоя қиларди. Нима учун уни ишлатмадим? Жавоби осон, уни унутиб қўйган эдим. Кейинчалик ҳам, гоҳо кундузи, гоҳо уйкуга ётганимда ё беҳос уйғониб кетганимда ана шу пайтдаги хатти-ҳаракатларимни кўп марта таҳлил қилиб чиқдим, хаёлимда ўша олишувни жонлантириб кўрдим ва револьверимдан икки, ҳатто уч бор ўқ уздим ёки худди аскар қилгани каби душман қўлидан найзани тортиб олиб, қайтадан санчиб, ич-ичигача киргаздим... Ҳар ҳолда, буни аскар-

¹ батик — учига темир зўлдир ва игна ўрнатилган калтак — В. В. Верешчагин изоҳи.

гина эплай оларди, деб таскин берардим ўзимга, сабаби, мен рақибнинг калтак тутган қўлини ушлаб тургандим. Нима бўлганда ҳам эпсизлигимни кечиролмай юрдим, фақат яқиндагина бир ишонч туфайли тасалли топдим, энг оддий нарсани амалга оширишдан қийини йўқ экан...

IV

Ҳаво исиб кетди. Хотираларимни қайд этиб борадиган дафтарларим ҳозир қўлимда йўқлиги учун ойнинг қайси куни эканини аниқ айтолмайман, аммо майнинг охирлари эди, қуёш аёвсиз қиздиради, дарвозамиз атрофида ётган мурдалар бадбўй ҳид тарқата бошлади, чидашдан ўзга илож йўқ, узлуксиз ҳужум қилиб туришгани учун девордан ташқарига чиқиб бўлмасди — ортиқча қўрбон беришни хоҳламасдик. Салгина осойишталик бошлангач, Назаров ўликларни йиғиштириб олиш учун ташқарига чиқишга қарор қилди, бу кўнгилсиз иш билан банд бўлган чоғимизда алоҳида бир гуруҳ бизни қўриқлаб турди, мурдалардан чиқаётган ҳиддан қаттиқ жирканишимга қарамай, асосий хизматни тагин ўз зиммамга олишимга тўғри келди. Ишонасизми, ҳеч ким бетлаб боролмасди, аскарларнинг ҳаммаси қусиб юбораверди. Черкасов-ку амаллаб буйруқ қилиб турди, лекин қадрли Воронеж бир неча уринишдан кейин кўзлари қизариб, зўрға бир чеккага чиқиб олди. Илож йўқ, мен илинадиган жойларга найза санчиб, мурдаларни судраб йўл четидagi катта ариқ, яъни зовурга ташлаб келавердим. Шундоқ девор ёнида даҳшатли илк ҳужум чоғидаёқ ўқ еган бўз от чўзилиб ётарди, афтидан эгаси бошлиқлардан бўлса керак, мана шу бақувват тулпорни ўйнатиб, олдинги сафда келаётганида ўққа учганини кўрган-дим, уни шу заҳотиёқ суяб олиб кетишди, ўлик отнинг эса, мана энди яқинига йўлаш ҳам қийин бўлиб турибди. Уни жойидан қўзғатганимизда ириб ётгани учун бўғим-бўғимидан титилиб кетди — бу манзарани тасвирлашнинг ўзи машаққат — ҳаммамиз ўқчий бошладик, баъзилар икки букилиб, баъзилар эмаклаб чекка-чеккага қочди — сассиғига туриб бўлмасди! Ахийри, қатъий буйруқлар таъсирида инсофли одамлар чиқиб, отнинг сочилган лош-лушини йиғиштириб, бир чеккага олиб кетишди.

Қайд қилишим керакки, аскарлар орасида яққол кўриниб турган хавф-хатарга тикка бораверадигани кам топиларди, аммо ажойиб, ботир йигитлар бор эди. Масалан, бақувват, каллахум малла Иванов буюрилган ҳар қандай топшириқни тап тортмасдан бажарарди. У қўрқувни писанд қилмасди. Ичида нима борлигини билмайман-у, сиртдан қараганда у ўта ялқовга ўхшаб кўринар эди. Самарқанддаги жангу жадаллардан омон чиқди, аммо, кейинчалик менга айтишларича, босқинлардан бирида ўққа учибди. Мана шу паҳлавон йигитнинг ношудлиги оқибатида минорага ўқ отиш учун чиққан 10—20 чоғли одам ўлиб кетишимизга оз қолди. Қамал қилаётганлар девор остида қандайдир ишга зўр беришаётган эди, лаҳм кавлаётган бўлишса керак, деб ўйладик, бунинг устига пойлоқчилар ҳам қўйиб қўйишгани, ҳамла уюштириб, одамларимизни хавф остида қолдиргандан кўра, қўл гранаталари билан саранжомлаб қўя қолишни мўлжалладик. Бу ишни Иванов қойиллатмоқчи бўлди, у баландликка ўрнатилган хариға осилганча ўртоқлари билан шивирлашиб, сўкиниб гаплаша бошлади. «Нега қараб турибсан, узат!», «Ма, ол, тагин сал баландроқ чиқ!» «Баландинг нимаси, керак бўлса ўзинг чиқ, ҳали ташқариниям хоҳлаб қоларсан!» Ниҳоят, у қўлига гранатани олди, қулочкашлар улоқтираман деганда, фалокат босиб, нақ ўртамизга тушириб юборса бўладими!.. Ҳамма, шу жумладан мен, қўрқувдан донг қотиб қолдик, сўнг аҳвол чатоқлигини сезиб, қуёндек сакраб чиқар эканман, қичқирдим: «Қочинглар, биродарлар!» Ҳаммамиз, шу қатори Иванов ҳам, қочиб улгурдик, даҳшатли портлаш эшитилди, у тор жойда ёрилгани учун бир дунё ғишт ва тошларни устимизга ёғдирди. Ивановнинг ўртоқларига баҳона топилди дегн. Эртадан-кечгача уни мазах қилишарди: «Ҳаммамизни шу ерда ўлдириб қўйганинга нима бўларди, а, Ивануф? Йўқ, ҳаммасиям майли-ю, Василий Васильевични саранжомлаб қўяй деганини айтмайсанми?» Иванов хижолатдан ўзини қўйишга жой тополмас эди. Доим ёнига тушардим: «Бўлди-да энди, ўтган ишга салават, ҳадеб хафа қилаверасизларми?» Аммо ҳазилкашлар ўрни келиши биланоқ тегажонликни бошлашарди: «Қани, Ивануф, қандай қилиб бизни портлатиб юбормоқчи бўлдинг, айтиб бер-чи!»

Қамалнинг биринчи куниёқ қутвол ерлилардан¹ бирини генерал Кауфманга чопар қилиб юборган экан, у қандай қилиб бўлмасин бизга жавоб олиб келишга ваъда берипти. Топшириқни бажаргани эвазига бу йигитга 100 сўм пул ҳамда қўшимча имтиёзлар ваъда қилинган экан, ундан дарак бўлмагач, ўлдиришгандир, деб ўйладик, дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Ҳар куни майор Серов катта мукофотлар эвазига ишончли кишиларни изларди, бизнинг ночор аҳволимизни бош қўмондонга етказишни зиммасига олувчилар кўпайиб кетди. Қутвол немис тилида қисқагина хат битиб, ҳужумлар тўхтамаётгани, тоза сув, туз етишмай қолаётгани, ўлган ва ярадорлар кўплигини, хуллас, аҳвол оғирлигини маълум қилганди... Жавоб йўқ эди! Кейинроқ эшитдимки, кучли ҳужумдан сўнг, яъни иккинчи куниёқ қутвол ҳарбий кенгаш қақирган экан, унда охириг имконият

¹ Бу ерда маҳаллий аҳолини камситувчи «туземец» сўзи ишлатилган.

қолгунча курашамиз, мабодо мағлуб бўлсак, яъни қалъага ёриб киришса, ҳаммани амир саройига тўплаб, охири нафасгача ҳимояланамиз, кейин эса бинони портлатиб юборамиз деган қарорга келишибди. Шунисиғаям раҳмат!.. Назаров эса, менга айтишларича, бунга кўнмапти, агар қалъани топширишга тўғри келса, гарнизоннинг қолган-қутган кучлари билан ёриб ўтиб, асосий отрядга етиб олишни таклиф қилипти. Мулоҳазаси инобатга олинмаган бўлса-да, кейинроқ менга вазият тақозо этса, барибир шундоқ қиламан, яъни таваккал қилиб, ўзим ёриб ўтаман, деб гапириб юрди. Штемпелга келганда, бунга заиф, ажин босган, ёқимтой, камгап рус немиси, аслида немис тилини зўр-базўр гапирарди, буйруқни беками-кўст адо этиб, бизларни аввало ҳавога тўзғитиб, сўнгра ҳеч ким қайтиб келмайдиган маконга жўнатиб юборишдан тап тортмаган бўларди.

Биз, ёшлар, ҳали ҳеч нарсани билмасдик, командирларимиз шунчалик қонхўр қарор чиқариб қўйгани хаёлимизга ҳам келмасди. Учинчи кунда, Серовнинг айғоқчилари етказган маълумотга кўра, генерал Кауфман бизни қутқариш учун келаяпти, деган гап тарқалди, қўтвол кўнглимизни кўтариш учун бу хабарни бутун гарнизонга эшиттириб чиқди, аммо бунга тўла ишониб бўлмасди. Кейинчалик билдикки, юқоридаги маълумотларни Кауфманга элтаётган йигитларнинг биронтаси ҳам унинг ҳузурига ета олмапти; уларнинг ҳаммасини йўлда тутиб олиб, сўйиб юборишибди. Пиёда ҳолда, яшириниб, эмаклаб кетаётганлар ҳам омон қолмабди. Генерал эса Зирабулоқ атрофида амир қўшинини енгандан кейин ҳужумни тўхтатган экан, бу хабар одатдагидек шамол тезлигида тарқалиб, Самарқандни қамал қилаётган доворларнинг шаҳдини анча бўшаштириб қўйибди.

Амир тор-мор этилгач, Кауфман ҳарбий кенгаш қақириб, олға юрамизми ёки қайтамизми деган масалани муҳокамага қўяди. Менинг кадрдоним, генерал Гейнс тўхтовсиз Бухорога юриш, уни кўнпая-кун қилиб, шу ерда амир билан сулҳ тузишни маслаҳат беради; генерал Головачёв қарши фикр билдиради; у Самарқанддан хабар келмаётганига диққатни тортади, шаҳарда кўзғолон кўтарилиб, айрим миш-мишларга қараганда қалъа қамал қилинган ёки шаҳрисабзликлар кўмағида забт этилган бўлса керак, дейди. Биздан хабар йўқлигидан қаттиқ хавотирга тушаётган генерал Кауфман ҳам кейинги мулоҳазага қўшилади, шундай қилиб биз қутулиб қолдик, отряд Бухорога юрганда, қалъани ушлаб туролмаслигимиз аниқ эди. Мисол учун, шахсан ўзим, жасур ва толмас ҳимоячилардан бири сифатида дадил айта оламанки, чарчаганимни сеза бошлагандим: иккинчи кунги кучли ҳужумдан кейин мутлақо самимий ҳолда ўзимга-ўзим агар аҳвол мана шундай давом этса, «кучимиз етадим-йўқми?» деб савол берган ва «даргумон» деб жавоб қайтарган эдим.

Худо бечораларни ўз паноҳида асрайди, дейишади. Г.ларнинг бири жуда ақлли, истеъдодли эди, иккинчи Г. эса ботир бўлса-да, қобилияти ёрқин сезилмасди, қаранги, биринчиси янглишганди, иккинчиси эса вазиятни тўғри баҳолади, бунинг учун раҳмат, энг муҳими, уни тангри ёрлақасин, у яқинда қора юришлардан бирида ҳалок бўлди.

Асосий отряд ёрдамга келаяпти, деган хабарни эшитдик, аммо кунлар ўтса-да, ундан дарак йўқ эди. Одатдагидек, эртадан-кечгача отишма тўхтамасди, гоҳ у, гоҳ бу ёқдан ҳужумга ўтишарди-ю, аммо у илгаригидек шиддатли эмасди. Ҳужумчилар камайиб бораётганини кўриб турардик, кейин билсак, Шаҳрисабз кўшини Ярим подшоҳ ғазабидан кўрқиб, улар генерал-губернаторни шундай аташарди, кетиб қола бошлабди ва тез орада бутунлай ғойиб бўлибди.

Шу вақт ичида савдогарларимиз ҳам анча тетиклашиб қолишди, бир тўда бўлишиб, бирга истиқомат қиладиган таъминот бошлиғи ҳамроҳлигида девор устига чиқишди. Ҳайҳот! Шу заҳотиёқ отахон командир, таъминот бошлиғи ўқ еб ўлди, таъзирини еган бутун гуруҳ иккинчи дадиллик қилмайдиган бўлиб, уйга қараб жуфтакни ростлашди.

Биз бошқа ҳамлага чиқмай қўйдик, бусиз ҳам талафот кучли эди, қўтвол таваккал қилишни маъқулламади, аммо девор яқинидаги уйларни ёндиришда давом этдик. Назаров отряд келиши кутилаётган Бухоро дарвозаси тарафдаги уйларни битта қолдирмай ёндириб чиқди, ўзининг тан олишича, шу йўл билан қўмондонга сафарга чиқишдан олдин қалъа хавфсизлигини таъминламаганини таъкидлаб кўрсатиб қўймоқчи экан.

Кўпдан-кўп фазилатларга эга бўлган Кауфман юксак даражадаги олижаноб инсон эканини ҳам айтиб ўтсак зарар қилмайди: Самарқанд забт этилганда аҳолига тирноқча озор етказмади, шунинг учун у қалъа атрофида яшайдиган ва бизга тўғридан-тўғри қаршилиқ кўрсатмаган беҳисоб одамларни хонавайрон қилишни хоҳламаган эди, албатта — қалъани мудофаага шайламасдан туриб, амирга қарши юриш бошлаганига сабаб шу эди.

Ғалламиз етарли эди, эслатиб ўтганимдек, туз камайиб борарди, гўштимиз ҳам кўп эди, аммо от ва молларга ем-хашак етишмай қолаётганди, ҳарбий ҳолат тақозосига кўра ўзимизча пичан ғамлашга киришдик. Девор тагидан қазилган лаҳмдан чиқиб, пойлоқчилик қилиб турардик, ўроқчи аскарларимиз чор атрофдаги боғлардан беда ўришарди, мўлжалдаги миқдорга етгач, ҳеч қандай зиён-заҳматсиз тичгина қалъага кириб олардик.

Тезда халос бўлишимизни кутиб ётганимизда артиллерия бошлиғи минорасидан ярадорларимизга қарата ўқ отилган маҳитни вайрон қилмоқчи бўлипти. Маҳитларга ишқибозлигимни билган савдогар Трубчанинов мени дараклаб келди:

— Василий Васильевич, сувоқларини кўчириб юборишади-ку!

У сувоқ деб мачитни бошдан-оёқ безаб турган ва мен ҳар доим завқланиб томоша қиладиган ганчларни айтаётган эди.

— Қаерда? Қандай қилиб?!

Мен М.нинг олдига югуриб бордим ва минорага заҳмат етказмасликка зўрға-зўрға кўндирдим, аммо бир неча ядро отишга улгуришган экан.

Қамалнинг бешинчи ёки олтинчи куни, яхши эслолмайман, дарвоза олдида қоғоз кититаётган бир одам кўринди. Назаров отманлар, деб тайинлади ва уни чақирди. Серсоқол, ўлимни писанд қилмайдиган баҳодир йигит экан, ўқталиб турган милтиқларимиздан тап тортмай мактубни олиб келди, ёзуви бошқача бўлгани учун Назаров менга уни қутволга етказишни буюрди. Мен қоғозни олиб, милтиғимни елкамга осдим-да, ўз иззатини билиб, мағрур турган элчини ҳайдаб кетдим; амир саройи бўсағасида ярадорларимиз ва бошқа ҳар хил ҳарбий асбоб-анжомлар ётган эди, даструёмол билан кўзини боғлар эканман, унга ерлилар¹ тилида:

— Кўрқма,— дедим.

— Ҳеч нарсадан кўрқмайман, — деб жавоб берди у.

Елкасидан ушлаган ҳолда, қутволнинг хонасигача етаклаб бордим ва боғични ечдим. Штемпель ҳузурига ерлилар² тилини яхши биладиган Серов ўтирган экан. У қоғозни кўлига олиб, кўз югуртиргач: оғзига олиб бўлмайдиган энг болохонадор сўзлар билан йигитни сўка бошлади, маълум бўлишича, у таслим бўлишга даъват этувчи мактуб олиб келган экан. «Қутулишингизга йўл йўқ,— деб ёзишганди қамал қилувчилар,— қалъани топширсанглар, соғ-саломат чиқариб юборамиз».

— Бошқа керагим йўқми?!— сўрадим бошлиқлардан.

— Йўқ, кетишингиз мумкин.

Мен қайтиб келиб, таслим бўлишга даъват этишгани ва бу таклифдан жазавага тушган қутвол элчини ниҳоятда ёмон қаршилаганини ўзимизникиларга сўзлаб бердим.

Ёрдан келаяпти, деб эшитган ва ҳеч қандай дарак йўқлигини кўриб тоқати тоқ бўлган аскарлар орасида яна: «бу ерда қишлаймиз, шекилли, бизни унутиб юборишди», деган гаплар оралаб қолди. Ниҳоят, еттинчи куни, саҳар чоғида генерал ҳузурига эсон-омон етиб борган ёш бир йигит жавоб мактубини олиб келди. Уни нақ ҳаласкоримиз сифатида қаршиладик, қанг-тўзонга ботган, афти-башараси ифлос, ирkit латта-путталарга ўланган бўлса-да у ҳамманинг кўзига оловдек кўринди. Бунинг устига, унинг ўзи ҳам қанчалик муҳим топшириқни адо этгани ва жасорати учун 300 сўм пул мукофоти ҳамда аскарларга бериладиган авлиё Георгий нишони билан (агар янглишмаган бўлсам) тақдирланганидан хабардор эди. «Бардам бўлинглар,—деб ёзган эди генерал Кауфман қутволга,—эртага мен олдингизда бўламан». Мактуб мазмуни билан танишганимиздан кейин қалъа бўйлаб шунақанги кучли «ура!» садолари жарангладики! Албатта, кўзғолончилар ютқизишаётганини англашди ва бир неча ғазабнок ўқ узишдан бошқа чора топишолмади, энди улар бизни жиддий ташвишга солмай қўйишганди. Маълум бўлишича, бояги йигитгина отрядга ўтиб олишга ва қайтиб келишга улгурган экан, қолган олтитасини йўлда ушлаб ўлдиришибди.

Отишмалар давом этиб турди, ҳатто кечаси тревога кўтарилди, қоронғида қисқа ҳужумга ўтиб кўришди, аммо, барибир, бизнинг жангномамиз охирига етган эди.

Шу тунда отряд шаҳардан салгина узоқда тунади, отишма овози эшитилиб турар, айниқса, замбараклар товуши генерал Кауфманни хавотирга солипти. Кейинчалик Г.нинг менга айтишича, қалъа қўлдан кетиб қолмасин, деб тунни бўйи ухламай чиққан экан.

Кейинги куни Назаров ва бошқа зобитлар отрядни бирга кутиб олайлик, деб қисталанг қилишларига қулоқ солмай ҳужрага йўл олдим ва саккиз кун мобайнида биринчи марта тоза чойшаб устида ётиб, ухламоқчи бўлдим. Аммо бунинг урдасидан чиқолмадим, асаблар ҳамон тананг эди. Энди мудрай бошлаганимда хонамга Николай Николаевич Назаров бостириб кириб келди.

— Василий Васильевич! Менга янги батальон беришди, юринг, шаҳарни ёндирамиз!

— Йўқ, бормайман,— жавоб бердим мен.

— Наҳотки, бормасангиз?!

— Йўқ.

— Унда ёлғиз боравераман, майли Назаров Самарқандга ўт қўйди, деб ҳамма гапирсин!!!

Тез орада кўтарилган улкан қора тутун устуни Назаров ишга киришганидан дарак берди — каттакон бозор гуруллаб ёнар эди.

Олижаноб Кауфман кескин чоралар зарурлигини мутлақо англаган ҳолда атайлаб Самарқанддан бир неча чақирим узоқликда тунаган, бу билан кўп сонли аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар қочиб кетишга имкон қолдирган эди. Энди бўлса шаҳарни росмана-

¹ Бу ерда ҳам «туземец» сўзи ишлатилган.
² Бу ерда ҳам,шундай

сига вайрон қилиш, ҳеч кимни ва ҳеч нарсани аяб ўтирмаслик тўғрисида шафқатсизларча буйруқ берганди.

Ўз ихтиёри билан жазоловчилар тўдасига қўшилган ҳарбий таъминотчи маъмурлардан бири менга сўзлаб берди: «Бир қанча аскарлар билан бир уйга бостириб кирдик, қариб қоқ суяк бўлиб кетган кампир бизни «Омон, омон!» деб қаршилади. Утирган чиптасининг остида бир нарса қимирлайди — қарасак, 16 ёшлардаги йигитча яширинган экан! Судраб чиқдик ва, албатта, бувисига қўшиб, найзага тортдик».

Аскарларга дўконларни талашга рухсат берилганди, у ёқдан нималарни олиб чиқишмади дейсиз! Улар ерлиларнинг бири-биридан чиройли ва нафис кийимларини кийиб, тақинчоқларини тақиб шундай ғалати кепатага тушишгандики, кўрган киши кулгидан ўзини сира тибелмас эди. Бу ерда арзимаган бир-икки сўмга этнограф учун бутун бошли ҳазинага арзийдиган буюмларни сотиб олиш мумкин эди.

Ёнғин пайтида қанчадан-қанча мўъжизалар: кўҳна ёдгорликлар, ўймакор дарвозалар, устунлар ва бошқа нарсалар ёниб кетдики, эслашнинг ўзи даҳшат!

Назаров саккиз кунлик қамал чоғида бесаранжомлик келтирган кўҳна шаҳар билан ана шу тарзда ҳисоб-китоб қилиб, таскин топаётган эди: айниқса, у минорасидан туриб ярадорларимиз ва замбаракларимизга қараб ўт отилган Шердор мадрасасига бутун қаҳру ғазабини сочганди, «Лаънати мачитдагиларнинг ҳаммасини найзага санчдим», деб мақтанганди кейин у. Мана шу мачитда мен танийдиган мулла хизмат қиларди, гарчи бизга қарата машъум ўқ узилган пайтда у ҳам иштирок этган, деб зимдан тусмол қилсамда, унинг тақдирига бефарқ қарай олмадим, Назаров билан қирғинда бирга қатнашган зобитларнинг биридан мачитда одам кўп эдимиз, деб сўрадим. «Йўқ, кўп эмасди,— деб жавоб берди у.

Лаънатилар қочиб қолишибди!» Енгил нафас олдим. «Фақат бир кекса муллага дуч келдик, ишонасизми, у худди мушукка ўхшаб қочиб, миноранинг учига чиқиб олди».

— Кейин-чи?

— Кейинми? Албатта, найза санчиб улоқтириб юборишди.

— Уф!!

Генерал Кауфман кўз ўнгимда аниқ жонланиб турибди, шунча алғов-далғовдан кейин у ёнида қурол топилгани учун ушланган ёки бошқа нохуш ишларда гумонсираб қўлга олинган турли-туман одамларни саройда судлаб, жазога ҳукм қиларди. Зобитлар кўншовида сафар ўриндигига ястаниб олган олижаноб Константин Петрович тўхтовсиз папирос чекар ва мутлақо шафқатсиз оҳангда: «Отиб ташлансин, отиб ташлансин, отиб ташлансин, отиб ташлансин!» деган гапни такрорларди, холос.

Шу ердан ўтиб кетаётиб, тасодифан бу манзарага кўзим тушиб қолди: маҳкумлар орасида сулҳ таклиф қилиб дарвозамиз олдига келган таниш элчи ҳам бор эди.

— Наҳотки уни ҳам отиб ташлашса,— сўрадим шу ерда турган генерал Г.дан,— бу одамни мард ва интизомли киши деб биламан.

— Константин Петровичга айтинг, — жавоб берди у. — Сиз учун қўйиб юборар.

Генерал-губернаторга мурожаат қилишдан олдин қутволдан сўраш учун ўзимда журъат топдим:

— Майор, нима учун элчига жазо берилаяпти ёдингизда бўлса, у ўзини жуда сипо тутган эди-ку?!


— Аксинча, у ниҳоятда сурбет эди, марҳамат қилиб, менга бошқа нарсаларни аниқлашда кўмаклашинг.

Кўрдимки, аралашувдан ҳеч қандай натижа йўқ, чекинишга мажбур бўлдим: битта кўп ўлди нима-ю, битта кам ўлди нима!..

Шу фурсат ичида элчига ҳам «отиб ташлансин!» деган машъум ҳукм ўқилди, у ҳамма гапни англаб турган бўлса керак, жиққа терга ботган эди. Саройдан чиқар экан, бечора сув сўради, унга сув беришди, у ичди, енги билан лабини артди ва «ҳеч қандай ғам-ғусса, нолаю-зор» йўқ бўлган маконга қараб итоаткорлик билан юриб кета бошлади.

**«Русская старина» ойномасининг
1888 йил 9-сонидан олинди**

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
таржимаси**



ОНАЖОНИМИЗ

Ҳар тонг янги иш кунига оталанаркансиз, тоза, озода кўчалардан, хиёбонлардан ўтасиз, шинам, саранжом-саришта хоналарга кириб иш бошлайсиз. Овознигордан таралаётган майин куй-қўшиқларни эшитиб дилингиз қувончга тўлади. Ана шунда биринчи дуч келган одам — фаррош аёл! Унинг иссиқ нигоҳ билан: «Яхши келдингизми!» — деган сўзларидан руҳингиз енгил тортади. Нурли нигоҳлар, меҳнаткаш қўллар Сизнинг янги иш кунига кайфиятингизни яратиб бераётганидан қувонасиз...

Азиз ўқувчи! Бу гапги суҳбатдошимиз ким эканлиги сизга аён бўлгандир! Қофия Абдурахимова ана шундай меҳнатсевар, дилкаш аёллардан бири. «Шарқ юлдузи» ойномасида 33 йил фаррошлик қилган онахон. У аёлнинг меҳнат дафтарчасига кўзингиз тушса, фақат бир жойда — «Шарқ юлдузи» ойномасида узлуксиз фаррошлик қилгани ҳақидаги қайдларга гувоҳ бўласиз. Узлуксиз 33 йил-а! Ойноманинг «уй дафтари»ни varaқлаганда эса...

* * *

— Қофия опа, бир жойда шунча йил ишладингиз, шу йиллар орасида қанча раҳбарлар, қанча ходимлар ўзгарган, айниқса, ойнома муҳарририяти бир неча марта «кўч-кўч»га йўлиққан, ўша дамларда ишдан бўшаш хаёлингизга келмаганми? Масалан, ойнома Езувчилар уюшмасининг биносида эканлигида ўрганиб қолган жойим, деб ўша ерда қолаверсангиз бўларди-ку!

— Аввало, Инобат қизим, дарахт бир жойда кўкаради, деган гапни айтмасам бўлмас. Ундан кейин, бир кун туз еган жойга қирқ кун таъзим, деган гап ҳам бор. Худога минг қатла шукрки, энг нозик дамларда шу ердан паноҳ топдим. Хўжайиним оддий муаллим, урушнинг оғир кунларини кўриб, ўт кечиб келган одам, мактабда дарс берар эдилар. Болалар ёш, Дадахон аканинг топганлари кўпга ярамасди. Уша пайтдаги кўшнимиз Мавлон ака хўжалик ишларида ишлаб юрардилар. Бир куни, Қофияхон, бизда битта фаррошлик жойи бўш, ишга кирсангиз-чи, дедилар. Эртасига бордим, Шуҳрат акани биринчи ўшанда таниганман. Мени ишга қабул қилишди. Ишлаб юрдим.

Сен айтган «кўч-кўч»лар ҳаммасидан кўра менга осон бўлмаган. Нега деганда, хоналар кўпаярди. Унданам уйга узоқлигини айтмайсанми, лекин ҳеч ишни ташлаб кетиш хаёлига бормаганман. Чунки ҳалол меҳнат қилдим, меҳнатимга яраша қадр топдим. Ҳеч кимдан заррачаём ёмонлик кўрмадим.

Комил Яшин, Ҳамид Ғулум, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Иззат Султон, Лола Тожиева, Носир Фозилов, Уткир Ҳошимов, Омон Мухторовлар билан бирга ишлашга муяссар бўлдим. Булардан ҳеч-ҳеч ёмонлик кўрган эмасман. Ҳозир фарроши камлигини яхши билмайдиган бошлиқлар кам дейсанми? Ҳар куни хизматда ўтирадиган хонасини ювиб-тараб кетаётган одамнинг кимлигини, кунига неча марта алоқа қиладиган телефон анжомларини саришталаб, артиб-суртиб кетаётган аёл кимлигини кўриш хаёлига ҳам келмаган хизматчилар бор, десам ёлғон бўладими? Аслида, ўша жой хизматчи учун қандай кадрли бўлса, фаррош учун ҳам шундай.

— **Ҳамма фаррошларни ҳам ўзингиздай деб ўйлайсизми! Мен ишга келибманки, сизни ҳеч ходимлар ишга келмасдан бурун кетиб қолганингизни эслолмайман.**

— Ҳа, балли, қадр топишнинг хосияти ҳам шунда-да. Мен уларни битта-битта кўрмасам, ҳол-аҳволини, бола-чақасини суриштирмасам, кўнглим жойига тушмасди. Айниқса, кейинги пайтда бунга жуда ўрганиб қолгандим. Биттаси кечроқ келса тинчликмикин, деб хавотирланиб турар эдим. Биласан, ҳозир ҳам телефонлашиб тураман.

— **Фаррошлар ҳақида сўраган эдим!**

— Ҳа, улар ҳақида ҳам гапларим бор. Бу ишни менсимаёй ёки бориға қаноат қилмай, уёқдан-бу ёққа учиб-қўниб юрган жувонларни кўрсам, ачинаман, ишлаб қадр топмаётганларини кўрсам, раҳмим келади.

— **Биринчи ишлаганингизда неча пул олардингиз!**

— 20 сўм. Кейин 30 сўм бўлди. Унда шаҳардаги 1 май номли кўчада эди, кейин Навоий номли кўчадаги 30-уйга ўтди. Езувчилар уюшмасининг биносига, Матбуот уйига, хуллас, иш кўпайди, лекин ҳеч ким менинг аҳволимдан беҳабар қолган эмас. Бориға қаноат қилдим, улар ҳам қараб туришгани йўқ. Ҳам моддий, ҳам маънавий томондан рўшнолик кўрдим. Дам олиш уйларида, муолажа масканларида бўлдим. Нимаики яхши кунлар бўлса, бенасиб қолганим йўқ.

— **«Меҳнат ветерани» нишонини қачон олгансиз!**

— 10 йил бўлди. Унда сен бормидинг ё кейин келдингми? 1981 йилда беришган эди-да, ойноманинг 50 йиллиги эди ўшанда. Қара-я, ўн йил ўтиб кетибди. Умр оқар сув деганлари шу-да. Ҳовлингдан оқиб ўтган жилғадай ўтаверади ҳаёт дегани.

— **Қофия опа, юбилей муносабати билан эски қадрдонларингиз ҳузурида бўлдим. Лутфи опа, Сония опалар сизни кўп йўқлашди.**

— Лутфихон ёзув машинасида ишларди. Сонияхон эри билан корректура ўқирди. Ойноманинг янги сонларида кўрдим уларни...

— **Сал қолган экан-а, Сония опани хафа қилиб қўйишингизга!**

— Узлари айтиб беришгандир? Бир куни сочлари этаги билан битта, келишган, чиройли қиз пайдо бўлиб қолди. Ҳали қарасам, тонг азон ишга келади, 50-йиллардаги гап-да бу, ҳали қарасам, шомгача Муриддин билан бир хонада қолиб ишлайди. Бир-икки рўйхушлик бермадим. У бўлса бемалол, менинг жоним ҳалак, кечкурун кетишга кўрқмасмикин, деб. Мусулмончасига айтганда, ўртада шайтон бор, болам! Лола Тожиевани биласан, раҳматли бўлди у ҳам, яхши аёл эди, бир куни шунга ёрилдим. Шундай чиройли бўлса, кўрқмайдим, дедим. Кула-кула, эр-хотин эканлигини, тўртта болалариям борлигини айтиб берди. Узим қилган ишдан хижолат бўлдим у тўрт бола билан шундай ишлаётган аёлга ҳавасим келди.

— **Яқинда ана шулар ҳақида гапиратиб, қарилик гаштини сураётган, десам, кимдир ҳазиллашиб, қариликнинг гашти бўларканми, деди. Сиз бунга нима дейсиз!**

— Ҳаммани ҳам қарилик гаштига етказсин. Қайси куни болаларимдан бири, ойи-жон, эшикка қулф-калитсиз, деб ҳазил қилди. Хафа бўлмай айтсак, бу гапда жон бор. Қари бор жойда пари бор. Бир қошиқ иссиқни тайёрлаб эшикни очиб ўтирганингда нима етсин. Болаларим ҳаммаси ишли. Уйли-жойли, ўзидан тинган.

— **Улар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Дадажон ака бола-чақа қилиб, уларнинг роҳатини кўролмай кетдилар. Болаларим меҳнатнинг нонини азиз билган одамлар бўлиб етишишди. Москва, Ленинград олийгоҳларида таҳсил олдилар. Катта ўғлим Одилжон Тошкент Давлат дорилфунунининг тарих куллиётида ўқитувчи, Дилбар — лойиҳалаш институтида бош муҳандис, Лола — врач, Асқар — «Ўзбекфильм»да директор. Улардан 8 набирам бор. Бир онага бундан ортиқ нима ҳам керак, болам.

— **«Шарқ юлдузи»ни ҳар йили ўқийсизларми!**

— Афсус, болаларим рус мактабларида ўқишган... ўзим кундузлари варақлайман. Яхши нарса бўлса эринмасдан ўқиб чиқаман. Охири марта Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романини ўқиган эдим. Жуда зўр экан.


— **Қофия опа, ишдан бўшаганингизга ҳали кўп бўлгани йўқ, қанчалигини билмайману, хайрлашув кунда меҳнатингиз яхши тақдирланибди.**

— Ҳа, болам, боядан бери мақтанаяпти, деб ўйламаяпсанми, деган ўйда эдим. Ана шу воқеа ҳам сўзларимни исботи бўлса, ажаб эмас. Бу нашриёт тарихида биринчи бўлаётган воқеа экан. Узлуксиз, энг кўп ишлаганим учун мени 4 минг сўм нақд пул билан мукофотлашди ва иззат-икром қилиб пенсияга узатишди.

— **Ойномадаги болаларингизга нималар дегингиз келади!**

— Доимо соғ-саломат бўлсинлар, дейман. Ҳар бир юраги уриб турган одамни тушқунликдан, лоқайдликдан, эътиқодсизликдан асрай оладиган асарлар ёзишларини ва шундай асарларни тез-тез ойномада кўришни хоҳлайман. Айтадиларки, яхшилик кутган одамнинг қўлидан ёмонлик қилиш келмайди. Яхшилик истаб, ёруғ ўйлар илинжида қўлига «Шарқ юлдузи»ни олган ўқувчи чашмага дуч келгандай ташналиги қонсин!

Мусоҳабани **Инобат Нормуронова** олиб борди.



Ориф Ҳожи

БОШ ҚАШИБ ЎҚИЛАДИГАН ҒАЗАЛЛАР

Санам

Мен эдим говжум бозорда, ўтти бир барно санам,
Бўз йигитлар даврасига солғучи ғавғо санам.

Икки зулфи — икки аждар, ўткур нигоҳлар тийғдек,
Қатлиом қилмоқ учун чиққан каби гўё санам.

Мих қоқар дилларга бир-бир пошноларнинг саси,
«Тиқ-тиқ» этган товушидан қуфр ўлар порсо, санам.

Этаги тиззини ёпмас, сийналар ҳам ним яланг,
Билмадим: муслима эрди ёки ул тарсо санам.

Сал яқинроқ бордимү сўнг лафзига солдим қулок,
Тушмадим ҳеч бир сўзиға, сўзлади борҳо санам.

Синчилар ҳам синлашиб, лек миллатин топмадилар,
Буқаламундурми ёки билмадик, илло, санам...

Иғво

Дўстижон, ёдингда тутгил ошга заҳр қотар иғво,
Дўстга ҳам, душманга ҳам тиғ бўлиб ботар иғво.

Ҳеч холис ниятли эр ёлғон арз айламас,
Айласа — демак унинг қонида оқар иғво.

Қайдаки ишончда дарз бор, ё имонким бўлса суст,
Тантана байроғини албат ўрнатар иғво.

Ақл ила фарқ айлағайлар ростни иғводан лекин,
Ақли ноқис хунумонин ўт қўйиб ёқар иғво.

Гоҳида унвон учун дўстидан кечар туммоё,
Гоҳи бир нишонни деб дўстини сотар иғво.

Орифо, жаҳон — бозор, топганин сотар ҳар ким,
Иймони бузуқ жонлар тинмай тарқатар иғво..

Самарқанд

Шарк
Юлдузи

Шарк
Юлдузи

Шарк
Юлдузи

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети
Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети

Вақтли нашрнинг
рўйхатга олинганлиги тўғрисида

ГУВОХНОМА


1990 йил 26 декабрь
0300127-сон

Нашрнинг номи «Шарк юлдузи»
(асл русча тилида унинг)

Нашр тури журнал
(журнал, газета ва доказо)

Қайси тил (лар)да босилади ўзбекча

Муассис А. Фулом нашри
(бу ерда номи ва манзили қолиб)
Адабиёт ва санъат н. ёти,
Тошкент редакцияси



А. Фулом
(имзо)

Шарк
Юлдузи

Юлдузи

Матбуот ҳақидаги Қонунга мувофиқ «Шарк юлдузи» рўйхатга олинди. Муассислар — ойнома меҳнат жамоаси ҳамда Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти эканидан хабарингиз бор. «Шарк юлдузи» жумҳурият Езувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ишлаб, ўз саҳифаларида жамики қаламкашларнинг энг сара асарларини эълон қилаверади. Меросимиз, тарихимиз, кечаги ва бугунги кунимизга оид ҳаққоний мақолаларни чиқараверади. Асарларингизни кутамиз, азиз дўстлар!